

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЭРГАШЕВ РАҲМАТУЛЛА ХИДИРОВИЧ  
ТУРСУНОВ ИМОМНАЗАР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ  
РАВШАНОВ АБДИСАЛОМ ДУСИЁРОВИЧ  
ҚУРБОНОВ АЛИШЕР БОБОҚУЛОВИЧ**

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ**

**Билим соҳаси:** 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ  
**Таълим соҳаси:** 230000 – Иқтисод  
**Таълим йўналиши:** 5230100-Иқтисодёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**Тошкент – 2020**

**Р.Х.ЭРГАШЕВ, И.Э.ТУРСУНОВ, А.Д.РАВШАНОВ, А.Б.ҚУРБОНОВ**

**Инновацион иқтисодиёт - (дарслик),-Т.:“Iqtisod-moliya ”, 2020, 464 бет.**

*Дарсликда корхоналарнинг инновациялардан фойдаланишининг ҳозирги ҳолати, ўзига хос хусусиятлари, илмий-услубий ва инфратузилма асослари, инсон омили, хизматлар бозори, инновацион бизнес, технологиялар, лойиҳалар, чет эл тажрибалари, миллий инновацион тизим, интеллектуал капитал, интеллектуал мулк, илмий каишфиётлар, ихтиролар, маркетинг ва менежмент асослари, молиялаштириши манбалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги ҳамда инновацияда кластерлар тизими йўналишлари очиб берилган.*

*В учебнике изложено современное состояние и особенности использования инноваций предприятиями, специфические особенности предприятий, научно-методические и инфраструктурные основы, человеческий фактор, рынок услуг, инновационный бизнес, технологии, проектирование, зарубежный опыт, национальная инновационная система, интеллектуальный капитал, интеллектуальная собственность, научные открытия, изобретения, основы менеджмента и маркетинга, источники финансирования и его экономическая эффективность, а также направления кластерной системы в сфере инноваций.*

*The textbook analyzes the current state of the usage innovation at enterprises, the peculiarities, scientific and methodological and infrastructure bases, human factor, services market, innovative business, technology, projects, foreign experience, the national innovation system, intellectual capital, intellectual property, scientific discoveries, inventions, marketing and management basics, sources of financing and its cost-effectiveness, and cluster systems in innovation.*

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган бўлиб, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида инновацион фаолият масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, изланувчилар ва шу соҳага қизиқувчи кўп сонли китобхонларга мўлжалланган.

**УДК 33:631.1**

**ВВК:**

**Е:**

**Такризчилар:**

**Абдурахмонов Қ.Х.** Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги,и.ф.д.,профессор;

**Алиев Я.Э.** Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Саноат иқтисодиёти” кафедраси доценти, и.ф.д.

**Хамраева С.Н.** ҚарМИИ ”Иқтисодиёт” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари доктори.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг **2020 йил сонли- қарори билан нашр этишга рухсат берилди.**

## МУНДАРИЖА

<b>Сўз боши.....</b>		<b>9</b>
<b>I Боб.</b>	<b>“Инновацион иқтисодиёт” фанига кириш.....</b>	<b>13</b>
1.1.	Корхоналарда “Инновацион иқтисодиёт” ҳақида тушунча ва республика иқтисодиётидаги ўрни ҳамда аҳамияти.....	<b>13</b>
1.2.	“Инновацион иқтисодиёт” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	<b>23</b>
1.3.	“Инновацион иқтисодиёт” фанининг ўрганиш услуби ва усуллари.....	<b>26</b>
1.4.	“Инновацион иқтисодиёт” фанининг бошқа ўқув фанлари билан боғлиқлиги.....	<b>28</b>
<b>II Боб</b>	<b>Иқтисодиётда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари.....</b>	<b>31</b>
2.1.	Корхоналарда инновациянинг ҳаётийлик даври ва аҳамияти.....	<b>31</b>
2.2.	Корхона инновацион фаолиятида иқтисодий усулларнинг аҳамияти.....	<b>37</b>
2.3.	Корхоналарда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	<b>40</b>
2.4.	Корхоналарда янги тежамкор технологияларни қўллаш ҳолати.....	<b>44</b>
<b>III Боб.</b>	<b>Инновацион иқтисодиётнинг илмий-услубий асослари.....</b>	<b>48</b>
3.1.	Корхоналарда инновацион фаолиятнинг илмий-услубий асослар.....	<b>48</b>
3.2.	Корхоналарда инновация фаолиятига тизимли ёндашув	<b>54</b>
3.3.	Корхоналарда ўрганиш усуллари ва кўрсаткичлар тизими.....	<b>63</b>

<b>IV Боб.</b>	<b>Инновацион фаолият инфратузилмасининг ташкилий-иқтисодий механизмлари .....</b>	<b>72</b>
4.1.	Корхоналарда инновацион инфратузилмасининг ташкилий-иқтисодий механизмлари .....	<b>72</b>
4.2.	Инновацион ишланмалар ва технологиялар трансферини ривожлантириш.....	<b>78</b>
4.3.	Инновацион инфратузилма ташкилотлари тузилмалари....	<b>81</b>
<b>V Боб.</b>	<b>Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш омиллари.....</b>	<b>92</b>
5.1.	Корхона инновацион фаолиятида иқтисодий омилларнинг аҳамияти.....	<b>92</b>
5.2.	Инновацион технологияларни бошқариш концепциялари	<b>102</b>
5.3.	Корхоналарда инновацион фаолиятга киритилган инвестициялар самарадорлиги.....	<b>109</b>
5.4.	Корхоналарда инновацион технологиялар фаолиятини молиялаштириш манбалари.....	<b>118</b>
5.5.	Корхоналарда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.....	<b>120</b>
<b>VI Боб.</b>	<b>Инновацион иқтисодиётда инсон омилини фаоллаштириш.....</b>	<b>130</b>
6.1.	Инсон омили ҳақида тушунча ва унинг таркибий ташкилий тузилмаси.....	<b>130</b>
6.2.	Инсон омилини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.....	<b>134</b>
6.3.	Кадрларни бошқариш стратегиясининг моҳияти ва турлари.....	<b>136</b>
6.4	Инновацион тизимда малакали кадрларни тайинлаш ва қайта тайёрлаш тизими.....	<b>138</b>

<b>ҮШ Боб.</b>	<b>Инновацион иқтисодиётда хизматлар бозорини ривожлантириш.....</b>	<b>142</b>
7.1.	Инновацион иқтисодиётда хизматлар бозорининг асосий фаолияти ва шартлари.....	<b>142</b>
7.2.	Инновацион хизматлар бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	<b>145</b>
7.3.	Инновацион хизматлар бозори фаоллигини ривожлантириш механизмини шакллантириш.....	<b>148</b>
<b>ҮШ Боб.</b>	<b>Инновацияларнинг соҳалар бўйича турлари.....</b>	<b>152</b>
8.1.	Инновацион сиёсат ва инновацион лойиҳалар.....	<b>152</b>
8.2.	Корхоналарда инновацияларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси.....	<b>159</b>
8.3.	Корхоналарда технологик ва маркетинг инновациялари..	<b>167</b>
<b>IX Боб.</b>	<b>Иқтисодиётда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш.....</b>	<b>180</b>
9.1.	Инновацион технологиялар ва улардан корхоналарда фойдаланиш зарурати.....	<b>180</b>
9.2.	Корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишга таъсир қилувчи омиллар.....	<b>185</b>
9.3.	Инновацион технологияларни ривожлантириш моделлари ва индекаторлари.....	<b>190</b>
<b>X Боб.</b>	<b>Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш.....</b>	<b>199</b>
10.1.	Корхоналарда фаол инновацион-инвестицион сиёсат.....	<b>199</b>
10.2.	Корхоналарда илғор мамлакатлар инновацион фаолиятдан фойдаланиш.....	<b>207</b>
10.3.	“Фан-инновация-инвестиция-ишлаб чиқариш” занжири экспериментал ва амалий ишланмалари.....	<b>209</b>
<b>XI Боб.</b>	<b>Корхоналарда экспорт салоҳиятини оширишда</b>	

	<b>инновацион маркетинг технологияларидан самарали фойдаланиш.....</b>	<b>218</b>
11.1.	Корхоналарга инновацион маркетингни жорий этишнинг назарий-услубий асослари .....	<b>218</b>
11.2.	Корхоналарда экспорт имкониятларини кенгайтиришда инновацион маркетинг технологиялардан фойдаланиш йўллари.....	<b>222</b>
11.3.	Инновацион маркетингни жорий этиш истиқболлари.....	<b>230</b>
<b>XII Боб.</b>	<b>Ўзбекистон миллий инновацион тизими.....</b>	<b>237</b>
12.1.	Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтишнинг долзарблиги.....	<b>237</b>
12.2.	Мамлакатнинг инновацион ривожлантириш стратегияси.	<b>249</b>
12.3.	Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги фан сиғими юқори маҳсулотлардаги роли ва ўрни.....	<b>252</b>
12.4	Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси.....	<b>255</b>
12.5	Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш тизими ва инновацияларни молиялаштириш манбалари.....	<b>259</b>
<b>XIII Боб.</b>	<b>Интеллектуал капитал, интеллектуал мулкни шакллантириш ва бошқариш.....</b>	<b>268</b>
13.1.	Интеллектуал капитал ва интеллектуал мулкнинг моҳияти ва таркибий тuzилиши.....	<b>268</b>
13.2.	Интеллектуал мулкни тижоратлаштиришнинг моҳияти ва амалга ошириш босқичлари.....	<b>279</b>
13.3.	Интеллектуал мулкни яратиш, баҳолаш ҳуқуқий муҳофазани таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари.....	<b>287</b>
13.4	Интеллектуал капитал ва интеллектуал мулкни бошқариш тизими.....	<b>299</b>
<b>XIV Боб.</b>	<b>Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш.....</b>	<b>302</b>

14.1.	Илмий кашфиётларнинг моҳияти ва асосий турлари.....	<b>302</b>
14.2.	Илмий кашфиётлар, ихтиролар, лицензиялашни инновациялаштириш стратегияси ва улар бўйича тўловлар тартиби.....	<b>311</b>
14.3.	Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялашга Ўзбекистон Республикасида талабнома тузиш қоидалари	<b>316</b>
<b>XV Боб.</b>	<b>Инновацион иқтисодиётда менежмент стратегиялари</b>	<b>323</b>
15.1	Замонавий инновацион стратегияларнинг моҳияти ва турлари.....	<b>323</b>
15.2	Янги маҳсулот ва технологияларнинг бозорга кириш стратегияси.....	<b>336</b>
15.3	Интеллектуал мулк бозори параметрлари инновациянинг тижорат потенциалини баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш.....	<b>349</b>
<b>XVI Боб.</b>	<b>Инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш.....</b>	<b>364</b>
16.1	Инновацион маркетингнинг мазмун ва моҳияти.....	<b>364</b>
16.2	Инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар туркуми.....	<b>375</b>
16.3	Инновация бозорида маркетинг жараёнида рақобатчилар таъсирини башоратлаш .....	<b>383</b>
<b>XVII Боб.</b>	<b>Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими..</b>	<b>394</b>
17.1	Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими.....	<b>394</b>
17.2	Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари....	<b>398</b>
17.3	Венчур фондларни ташкил этилиши ва фаолиятини бошқариш.....	<b>405</b>
17.4	Фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг харажатлари ва иқтисодий самарадорлиги.....	<b>411</b>
17.5	Инновацион лойиҳаларда таваккалчиликнинг ўрни ва	

	аҳамияти.....	<b>421</b>
<b>XVIII Боб.</b>	<b>Иқтисодиётда инновацион кластерларни шакллантириш зарурияти.....</b>	<b>429</b>
18.1	Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усулларни қўллашнинг аҳамияти.....	<b>429</b>
18.2	Инновацион кластерларнинг турлари, ташкил этиш ва афзалликлари.....	<b>434</b>
18.3	Инновацион кластерлар бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.....	<b>439</b>
<b>Глоссарийлар.....</b>		<b>447</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>		<b>455</b>



## Сўз боши

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида, инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, корхоналар рақобатдошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий эркинлигини ва бозордаги мавқеини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётнинг асосий мақсади бу – корхоналарда ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлашда соҳага инновацияни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш асосида мамлакат рақобатдошлигини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ 576-сонли қонунига асосан илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги тармоқларни яратиш, аҳоли турмуш даражаси, илм-фан ва таълим тизимларини сифат жиҳатидан юксалтириб бориш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Шу сабабли корхоналарда инновацион технологияларнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳамда инвестицияларни амалиётга кенг жалб этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин. Шу мақсадда Ўзбекистон Республика Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб инновацион технологияларнинг асосий моҳияти ва тамойиллари асосида технологияларнинг стратегиясини танлаш ва унинг самарадорлиги, инновациявий лойиҳалар портфелини шакллантириш ва бошқариш усуллари,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ 576 сонли Қонуни, 29 октябр 2019 йил

корхоналарда иқтисодётни модернизациялаш, диверсификациялаш ҳамда таркибий ўзгартиришлар, иқтисодётни ривожланишини таъминловчи янги илмий асосланган ғоя ва янги инновацион лойиҳалар амалга оширилишини таъминловчи технология, тизимлар ривожланишини бошқариш, инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш билан бозорни тўлдириш иқтисодиётнинг устувор вазибаларидан ҳисобланади.

Мамлакатни бугунги кунда демократик, эвалюцион йўлдан ривожланиши энг самарали йўл бўлиб, ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарсани талаб ва таклиф белгилайди. Аҳолининг талаб ва таклифини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари доирасида корхоналарнинг модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш орқали технологияларга рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти–Олий Мажлисга тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида келтирилганидек, “Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup>Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, //Халқ сўзи, 22.12.2017 йил.

Бугунги кунда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, корхоналарга инвестицияларни киритиш, модернизациялаш жараёнини чуқурлаштириш юксак технологиялар ва инновацияларни жорий этиш олдимиздаги асосий вазифалардан биридир. Корхоналарни эркин бозор иқтисодиёти қонунлари талаби даражасида барқарор ривожлантириш учун корхоналарда хўжалик юритишнинг турли мулк ва мулкчилик шакллари ва тадбиркорлик шакллари барпо этишнинг зарурлиги, сифатли моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти, инновацион технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш, инвестициялар бўйича давлатнинг сиёсати, корхоналарнинг даромадларини кўпайтириш йўллари асослаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналар ишлаб чиқаришида инновация, замонавий техника ва технологиялар ҳамда хўжалик юритишнинг янги шаклларидан фойдаланиш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин. Ушбу талабларга жавоб бериш учун “Инновацион иқтисодиёт” фани бўйича чуқур билимга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу дарсликда Ўзбекистон Республикаси корхоналарида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар йўналишларининг мазмун ва моҳиятини ҳамда корхоналарда инновацияларни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларига, Президент фармон ва қарорларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосланади. Корхоналарда амалга оширилаётган асосий иқтисодий муносабатларнинг аҳамияти ва инновациялар Республика Инновацион ривожланиш, Иқтисодиёт ва саноат, Давлат Статистика қўмитаси ҳамда бошқа вазирликлари маълумотларидан фойдаланиб, жадваллар, расмлар, диаграммалар, графиклар ёрдамида ёритилишига ҳаракат қилинди.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси талаблари ва Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарори билан тасдиқланган (2019 йил 10 июндаги 09-сонли баённомаси ҳамда №БД-5230100-3.13 билан рўйхатга олинган) “Инновацион иқтисодиёт” фанининг ўқув дастури асосида ёзилган бўлиб, ушбу дарсликда ўқитишнинг янги таълим технологияси, замонавий ахборот технологиялардан ва форсайтлардан фойдаланилган ҳолда ҳар бир мавзу бўйича мақсади, мазмуни, моҳияти ва аҳамияти ёритилган ҳамда мавзу бўйича назорат ва муҳокама учун саволлар, таянч иборалар, глоссарийлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати келтирилган.

“Инновацион иқтисодиёт” фанининг дарслиги асосан олий ўқув юртлирининг бакалаврият таълим йўналиши 5230100-“Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ва иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган. Бундан ташқари, корхоналарда инновацион иқтисодиёт муаммолари билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчилар, талабалар, тадқиқотчилар, илмий изланувчилар, тадбиркорлар ҳамда бошқа иқтисодиёт тармоқлари ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ушбу дарслик корхоналарда инновациялар билан боғлиқ муаммолар, масалалар ва уларни тармоқ ишлаб чиқаришига жорий этиш учун имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради деган фикрда миз.

Муаллифлар “Инновацион иқтисодиёт” фанининг дарслиги сифатида унга билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни миннатдорлик билан қабул қиладилар ва уларни кейинги нашрларга тайёрлаш ва чоп этиш жараёнида ёрдам берганларнинг барчасига самимий миннатдорчилик билдирадилар.

## **I Боб. “Инновацион иқтисодиёт” фанига кириш**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарнинг жаҳон ва республика иқтисодиётида тўтган ўрнини, тармоқда инновациянинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини, концепциясини, “Инновацион иқтисодиёт” фанининг предмети, мақсади, вазифалари ва моҳияти, фаннинг мазмунини ёритишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари ва фаннинг бошқа ўқув фанлари билан боғлиқлигини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Корхоналарда инновациялар, инновацион технология, инновацион маҳсулот, инновацион фаолият, инновацион иқтисодиёт, инновацион сиёсат, инновацион ривожланиш, иқтисодий мустақиллик, ялпи ички маҳсулот, бозор иқтисодиёти.*

### **1.1. Корхоналарда “Инновацион иқтисодиёт” ҳақида тушунча ва республика иқтисодиётидаги ўрни ҳамда аҳамияти**

Корхоналарда инновацион технологияларнинг асосий қоида ва категорияларини ўрганиш учун «инновация» тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини тўлиқ англаб етишимиз лозим. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “инновация” атамасини инглиз тилидаги “*innovation*” сўзидан олинган бўлиб, *киритилган* янгилик ,ихтиро<sup>3</sup>, деган маъноларни англатади. Ўша жойнинг ўзида ушбу атамага учта изоҳ берилган. 1. Техника ва технологияларнинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар. 2. Илғор техника ва технология ,бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши. 3. Муайян тилда,асосан унинг марфология соҳасида энг сўнги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари).<sup>4</sup>

Иқтисодий адабиётларда инновация (ингл. *innovation*) – потенциал илмий-техник тараққиётни (ИТТ) янги маҳсулот ва технологиялар кўринишида реал тараққиётга айланиши, деб таърифланади.Бозор иқтисодиётида инновацияларни тизимли тақдим этиш услугиёти халқаро стандартларга

<sup>3</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80000 дан ортиқ сўз бирикмаси. Ж.П.Б- М- Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006, 213 бет.

<sup>4</sup>Ўша жойда, 212 бет.

асосланган ва уларга мувофиқ *инновация* деганда, бозорга кириб келган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга бўлган янгича ёндашув кўринишидаги инновациявий фаолият натижаси тушунилади. Инновация бу инсоннинг хаёлида, ижодида етилган, ”пишган, ақлий меҳнатнинг якуний натижаси сифатида ўйлаб топилган, жорий қилинган, киритилган, ишлаётган янгиликдир. Ушбу муаммо бўйича кўп сонли тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, бугунги кунда инновациявий фаолият соҳасида ягона, умумий тарзда қабул қилинган терминология мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам адабиётларни қисқача таҳлилини келтириш ва инновациявий фаолият соҳасидаги асосий тушунчаларни конкретлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновациявий назариянинг асосий ривожланиш босқичи В.Зомбарт, В.Митчерлих, Й.Шумпетер ишларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига австриялик олим Й.Шумпетер қатта ҳисса қўшган. Й.Шумпетер конъюнктура силжишлари манбаларини таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқариш ва бозор ривожланишидаги ўзгаришларнинг *янги омиллари*ни ажратди ва уларга қуйидагиларни киритди:

- янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- янги илмий кашфиёт ёки тижоратлаштириш усулига асосланган ишлаб чиқаришнинг янги услубини жорий этиш;
- саноатнинг мазкур тармоғи тақдим этилмаган, янги савдо бозорларини ўзлаштириш;
- хом-ашё янги манбасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга ошириш, масалан, монополликни таъминлаш.

Муайян янгилик даражасини баҳолаш ва конъюнктура силжишларининг давомийлигини аниқлаш учун Й.Шумпетер *янгилик* мезонини киритди ва ушбу мезон мазкур туркумлаштириш асосини ташкил этди.

Шунингдек, 1930-йилларда Й.Шумпетер томонидан **инновация** тушунчаси киритилди ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий характердаги қарорларни қўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдирар эди. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита энг тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади. **Биринчи ёндашув** – янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, **иккинчиси** – янги маҳсулот ёки технологияга асосланган (1.1.1-жадвал).

### 1.1.1-жадвал

#### Биринчи ёндашув бўйича инновациялар таърифларининг шарҳи

Муаллифлар	Инновация таърифи
Х.Барнет	Мавжуд шакллардан янги сифат жиҳати билан фарққилувчи ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа
П.Т. Ла Пеьерре	Бошланғич ҳолатдан янги ҳолатга ўтиш йўли билан хўжалик ички тузилмасида содир бўлган ҳар қандай ўзгариш
П.Витфилд	Ижодий ғояни ривожланиши ва уни тайёр маҳсулот, жараён ёки тизимга айланиши
Л.Водачек, О.Водачкова	Корхонанинг тизим сифатида фаолият кўрсатишининг мақсадли ўзгариши
П.Ф.Друкер	Тадбиркорларнинг шундай воситасики, унинг ёрдамида ҳар қандай ўзгариш янги бизнес тури ёки хизматни амалга ошириш имконияти сифатида қўлланилади
К.Найт	Ташкилот ёки унинг бевосита атроф-муҳитига нисбатан бирор янгиликни жорий этиш

«**Инновация**» тушунчасини тушунишга бўлган иккинчи ёндашув ишлаб чиқаришда муайян турдаги техника, технология ва бошқа янги маҳсулотлардан фойдаланишга асосланади. Ушбу ёндашувга содиқ айрим олимлар ишлаб чиқариш фаолиятининг инновациявий ва илмий-техник жиҳатларини тенг деб билади, аммо бу ҳар доим ҳам тўғри эмас. Аммо ушбу ёндашув етарлича кенг тарқалган, чунки унинг асосида ётган инновацияларни илмий-техник нуқтаи назардан ажратиш тамойили, инновацияларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти ва мақсадларини акс эттиради. Бунда «инновация» тушунчаси ҳам жараён, ҳам натижа сифатида тушунилади (1.1.2-жадвал).

### 1.1.2-жадвал

#### Иккинчи ёндашув бўйича инновациялар таърифларининг шарҳи

Муаллифлар	Инновациялар таърифи
Жараёнли ёндашув	
А.Харман	Инновация деганда янги ёки анча такомиллаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш тушунилади
Р.Джонсон	Айрим корхоналар хўжаликларида янги ёки такомиллаштирилган эски жараёнлар ва маҳсулотларнинг пайдо бўлиши
Б.Санто	Ғоя ва кашфиётларни амалий қўллаш орқали ўз хусусиятлари бўйича яхшироқ маҳсулот ва технология яратилишига олиб келадиган жамият – техник – иқтисодий жараён
П.Лемерль	Харажатларни тежовчи ёки унга шароит яратувчи ҳар қандай янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, хизмат, технология ва ҳ.к
Т.Брайтон	Кашфиёт ёки ғояга иқтисодий мазмун берувчи жараён
Ф.Никсон	Бозорда янги ва яхшиланган саноат жараёнлари ва ускуналари пайдо бўлишига олиб келадиган техник, ишлаб чиқариш ва тижорат тадбирлари йиғиндиси



<b>Натижавий ёндашув</b>	
Н.К.Моисеева, Ю.П.Анискин	Индивидуал томонидан янгилик сифатида қабул қилинадиган ғоя, амалиёт ёки маҳсулот
Г.Я.Киперман	Жаҳон бозорида рақобатдош бўладиган маҳсулот, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатишга йўналтирилган ижодий фаолият натижаси
Д.Соколов А.Титов М.Шабанова	Муайян жамият эҳтиёжларини қондирадиган ва бир қатор самара (иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий ва ҳ.к) берадиган, принципиал янги ёки такомиллаштирилган яратиш ва ўзлаштиришнинг яқуний натижаси

Инновациялар иқтисодий самарадорлигини таъминлаш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор Россиялик иқтисодчилар (М.Ионов, А.Кулагин, В.Логинов), инновацияни «харажатлар тежалишини ёки бундай тежаш учун шароит яратилишини таъминловчи янги маҳсулот ёки хизмат, ишлаб чиқариш услуги, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгилик» сифатида кўришган.

Иқтисодчи олим А.Уткин эса бозор шароитида корхоналар муваффақиятли иқтисодий фаолияти учун инновациялар муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, инновацияларни корхона иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий захиралардан бири сифатида тавсифлаган .

**Инновация** - янги маҳсулот ёки хизматни бозорга киритиш, янги ишлаб чиқариш жараёнларини тадбиқ этиш, маҳсулот ёки хизматлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари ёки фаолият турларини илгари суриш, янги бозорларни ташкил этиш ёки янги жараённинг жорий бозор ва

мавжуд бозорларда катта улушини кўлга киритишга қаратилган сай-харакатлардир<sup>5</sup>.

Корхоналарда инновация тушунчаси энг аввало илғор ғоялар, ишланмалар инобатга олиниши лозим. Ҳамда фан ва техника ютуқлари, технология ва янги ихтиролар ҳам инновациянинг таърифида ифодаланиши мумкин. М.Қ.Пардаевнинг фикрича инновация дейилганда, илғор ғоялар асосида амалга оширилган ишланмалар натижаларининг фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар сифатида турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланиши билан боғлиқ ходиса тушунилади.<sup>6</sup> Мазкур таъриф ҳамма соҳага, ҳамма вақтга ва ҳамма манфаатдор субъектларнинг манфаатларига мос келади.

Инновация, инновацион фаолият, инновацион жараён ва шу каби тушунчалар бизнинг ҳар кунги ҳаётимизда, корхона фаолиятида ва иқтисодиёт тармоқларининг турли жабҳаларида мустаҳкам ўрнашиб олмоқда. Ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлашда ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришда инновациялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Инновацион фаолиятни амалга ошириш ва амалиётга жорий этишда, энг аввало асосий термин ва тушунчаларни аниқлаштириш лозимдир.

Инновация муамоси билан шуғулланувчи республика ва чет эл олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш натижасида инновация, инновацион жараён ва инновацион фаолиятнинг мазмуни ва моҳиятига турлича ёндошувлар борлиги аниқланди. Кўпгина иқтисодий адабиётларда биринчилардан бўлиб инновацион жараёнларнинг таърифини, турларини ва умуман инновацион фаолият назариясига муҳим ҳисса қўшган олим сифатида австралиялик

---

<sup>5</sup>Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. "Innovation and the Development Agenda". International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 9.

<sup>6</sup>Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари, Монография- Т.: "Наврўз", 2014, 38 бет.

иқтисодчи-олим Йозеф Шумпетерни таъкидлаб ўтишади. Бу вақтларда инновация ҳақида фикр юритилмаган, аммо иқтисодиётни ривожлантиришда “самарали усул”, “янгилик”, “таъсири”, “қўллаш” каби тушунчалардан фойдаланилган.

Техник ёки иқтисодий нуқтаи-назардан олиб қарайдиган бўлса, ишлаб чиқариш–мавжуд ресурслар ва кучларни комбинациялаш. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир усули маълум бир комбинацияни англатади. Ишлаб чиқаришнинг турли усуллари фақатгина характери ва услуги билан фарқ қилиши мумкин, яъни ё комбинациялар объекти бўйича, ёки уларнинг миқдорлар нисбати бўйича. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жараёни биз учун мазкур комбинацияни ташкил этади<sup>7</sup>.

Й.Шумпетер ўз тадқиқотларида ривожланишда янги комбинацияларга оид масалаларини кўриб чиқди, инновацион жараённинг тўлиқ таърифини берди ва бешта намунали ўзгаришларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

- ишлаб чиқаришда янги техника, янги технологик жараёнлар ёки янги бозор таъминотидан фойдаланиш (олди-сотди);
- янги сифатдаги маҳсулотларни жорий этиш;
- янги хом-ашёдан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ва унинг моддий-техник таъминотдаги ўзгаришлар;
- янги сотув бозорларининг пайдо бўлиши.

“Янгилик”, “янгилик киритиш”, “илмий-техник янгилик” каби атамалар М.Портер, Ж.Брайт, Б.Твистс каби олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам учратишимиз мумкин.<sup>8</sup>

---

<sup>7</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем. В.С.Автономова, М.С.Любского, А.Ю.Чепуренко. – М.: Прогресс, 1982. – 72 с.

<sup>8</sup>ПортерМ. Международная конкуренция: Пер. сангл./Под ред В.Д.Щетинина. – М.Международные отношения, 1993. – 64 с; BrightI.R. Some Management Lessonsfrom Technologica Innovation Research, National Conferenceon Managementof Technologica Innovation, Universityof Bradford Management Centre, 1968.;Твистс Б. Управление научно-техническим инововведениями: сокр. пер. сангл./Авт. предисл. инуч. ред. К.Ф.Пузыня. – М.:Экономика, 1989. – 31 с.;Latechnologieet l’conomie: Lesrelationdeterminantes. P.: OECD, 1992.

Шу билан бирга инновацияга кўпгина иқтисодчи олимлар ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Мисол учун Б.Санто инновацияга қуйидагича таъриф берган: “Инновация-бу ижтимоий-техник-иқтисодий жараён бўлиб, ғоя ва кашфиётлардан амалий фойдаланиш орқали ўз хусусиятига кўра яхшироқ бўлган маҳсулот ва технологиялар яратилишига олиб келади, агарда у иқтисодий фойда олишга йўналтирилган бўлса, унинг бозорда пайдо бўлиши кўшимча даромад олиш имконияти вужудга келтиради.”<sup>9</sup>

Б.Санто ўз тадқиқотларида янгилик, инновацион жараёнларнинг турли моделларини ва инновацияларни моделлаштиришни амалга ошириш жараёнида маълум бир босқичларни чизиқли кетма-кетлик сифатида инновацион занжир концепциясини асослаб берди.

Л.Водачек, О.Водачкова фикрига кўра, инновация бу, корхонанинг иш фаолиятидаги тизим сифатидаги мақсадли ўзгариш бўлиб, корхонанинг у ёки бу фаолият соҳасида миқдорий ва сифат ўзгаришларида намоён бўлиши мумкин.<sup>10</sup>

В.Н.Лапин эса инновация деганда инсонларнинг маълум эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида янги амалий воситаларни (инновациялар) яратишдаги жараёнлар мажмуасини тушунган<sup>11</sup>. Бизнинг фикримизча, инновациялар жамоа учун фойдали бўлиши бу ҳали иқтисодий жиҳатдан самарали ва даромад келтиришига кафолат бўла олмайди.

И.Т.Балабанов фикрига кўра, инновация янги техника, технологияларга, ишлаб чиқаришни, меҳнатни, хизмат кўрсатиш ва бошқарувни ташкил этишнинг янги шаклларига, шу жумладан, назорат, ҳисоб, режалаштириш усуллари, таҳлил қилиш ва бошқа янги шаклларга капитал қуйилмаларни

---

<sup>9</sup> Санто Б. Инновация как средство экономического развития: Пер. с венг./ Общ. ред. и вступ .ст. Б.В.Сазонова. – М.: Прогресс, 1990. – 296 с.

<sup>10</sup> Водачек Л., Водачкова О. Стратегия управления инновациями на предприятии: Сокр. пер. со словац. / Авт.предисл. В.С. Рапопорт. – М.: Экономика, 1989. – 167с.

<sup>11</sup> Лапин В.Н. Социальные аспекты управления нововведениями // В сб.: Проблемы управленческих нововведений и хозрасчётного экспериментирования. Всероссийская научно-практическая конференция. – Таллин, 1981. – 23 с.

қўйиш ҳисобига олинган моддийлашган натижани ташкил этади<sup>12</sup>.

Р.А.Фатхудинов қуйидагича таърифлайди: “Инновация – бошқарув объектини ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ёки бошқа бир самарани олиш мақсадида жорий этилган янгиликнинг якуний натижаси”<sup>13</sup>.

Бошқа бир қатор олимларнинг фикр мулоҳазаларини умумлаштирадиган бўлсак, одатда улар “инновация” ва “янгилик”, “янгилик киритиш” маъносини англатишини билдиришган<sup>14</sup>.

Р.В.Абдуллаев ва К.А.Хасанжанов фикрларига кўра, “Инновация, илмий-техник тараққиёт кўринишининг шакли ҳисобланиб, билимларнинг махсус тури, юқори ривожланган меҳнат натижасини ташкил этиб, постиндустриал жамиятда инсонлар ҳаётидаги етакчи соҳага айланиб бормоқда.<sup>15</sup>”

С.Н.Хамраеванинг фикрига кўра, инновация – бу фан ютуқлари ваилфор тажрибадан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнлари, янги истеъмол хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларини (товар, маҳсулот, техника, технология, бошқа ташкилий шакл ва воситалар) шакллантириш, амалиётга жорий этишга асосланган инвестицион ва ижодий фаолиятнинг моддийлашган якуний натижаси бўлиб, бозор ва ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилишига кўмаклашади, харажатларни иқтисод қилади ва инсонларнинг турли хил ҳаёт ва фаолият соҳаларида турлича самара

---

<sup>12</sup>Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие для вузов. – СПб: Питер, 2001. – 304с.

<sup>13</sup> Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент.: Учеб. для вузов. – М.: ЗАО «Бизнес-школа «Интел-синтез»», 1998.- 17с.

<sup>14</sup>Соколов Д.Д., Титов А.Б., Швабанова М.М. Предпосылки анализа и Формирование инновационной политики. – СПб.: ГУЭФ, 1997; Хучек М. Инновация на предприятии и их внедрение.- М.: Луч, 1992г; Бернар И, Колли Ж.-К. Толковый экономический и финансовый словарь. В 2т. Пер. сфр. –М.: Международные отношения, Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – 2-е изд., исправ. – М.: ИНФРА – М, 1998 – 136с.

<sup>15</sup> Абдуллаев Р.В., Хасанджанов К.А. Инновационное обновление экономики – основа её модернизации и конкурентоспособности //Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йўллари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. Тошкент, 2011. –Б. 24.

беришини таъминлайди<sup>16</sup>.

Инновация ва инновацион фаолият анъанавий тарзда илмий техник тараққиёт йўналиши ва илмий тадқиқотлар ҳамда ишланмалар натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ жараён сифатида тушунилади. Бироқ, «инновация» тушунчасининг маъно ва мазмуни анча кенг. Инновациялар соҳаси кенг қўламли бўлиб, у нафақат илмий-техник ишланмалар ва ихтиролардан амалий фойдаланишни қамраб олади, балки маҳсулот, жараёнлар, маркетинг (савдо), ташкилотларидаги ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади.

Инновация ўзгаришнинг яққол омили, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технологик жараёнлар, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг янги хизматлари ва янги ёндашувлари сифатида келади. Замонавий талқинда «инновация» атамасини Й.Шумпетер биринчи бўлиб қўллаб, инновация – бу янги материаллар ва комонентлардан фойдаланиш, янги жараёнларнинг жорий этилиши, янги бозорларнинг очилиши, янги ташкилий шаклларнинг киритилишига асосланган барча янги услубларнинг янгича қўшулуви ва тижоратлашувидан иборат ҳосила функцияларининг жиддий ўзгаришидир деб таъкидлайди.

Инновация – бу бозордаги янги маҳсулот, янги ҳодиса ёки хатти-ҳаракат бўлиб, у истеъмолчини жалб қилади. Унинг эҳтиёжларини қондириш ва шу билан бир вақтда тадбиркорга даромад келтириш мақсадига эга эканлигини бунга қўшимча қилиш мумкин.

Инновацион ривожланишни белгиловчи омиллар:

- бозорга оид конъюнктура ва рақобат (ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда);
- муҳит (фан ва техника ривожининг ривожланиш даражаси, қонуний ва меъёрий асос, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик);
- кадрлар (олимлар, мутахассислар, тадбиркорлар, менежерлар, сиёсий арбоблар, давлат хизматчилари);

---

<sup>16</sup>Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш: Монография; – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017. – 256 б.

- ресурслар (табiiй, ишлаб чиқарувчи, молиявий, илмий-техник, технологик, инфратузилма).

Инсон фаолиятининг турли соҳаларида юз бераётган доимий ўзгаришлар инновацияларга туртки беради. Улардан ҳар бирида янгиликларнинг мақсадлари барқарор ва узок муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган корхоналарда янги жараёнлар ёки маҳсулотларни жорий қилишдир.

Бирор бир фаолият соҳасининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар, ишланмалар ёки тажрибавий ишларнинг ҳужжатларда расмийлаштирилган натижаси янгилик (инновация) ҳисобланади. Буларга кашфиётлар, ихтиролар, патентлар, нау-хау, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотга ҳужжатлар, технология ёки ишлаб чиқариш жараёни ҳамда маркетинг тадқиқотларининг натижалари, стандартлари, йўриқномалари, услублари, тавсиялари, оқилона таклифлари киради.

Корхоналарда янги билимлар, ёндашувлар, усуллар кўринишидаги янгиликлар жорий этилган ва тарқала бошлаган пайтда инновацияга айланади.

Корхоналарда инновация – жамият талаб қилган иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ёки бошқа турдаги самарага эришиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг якуний натижасидир. Бошқача қилиб айтганда, корхоналарда инновация – бу таваккалчилик хавфи билан боғлиқ ҳар қандай яратувчанлик фаолиятининг аниқ натижаси бўлиб, у бозорда аввалгиларидан тубдан фарқ қилувчи, эҳтиёжларни тўлароқ қониқтирувчи маҳсулотлар, хизматларни олға сурилиши ва жорий этилишини таъминлайди: янги бозорларни очиш ва ўзлаштириш ёки бошқа аниқ мақсадларга эришиш.

## **1.2. “Инновацион иқтисодиёт” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари**

Корхоналарнинг муҳим вазифаларидан бири мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошигини таъминлаш ва шу билан бирга аҳолини озиқ-овқат, қайта ишлаш саноатини эса зарур технологиялар билан таъминлашдир. Ушбу масалани ҳал этиш келажакда корхонани интенсивлаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш,

турли хил мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шаклларини ривожлантириш билан боғлиқдир. Хўжалик юритишнинг илмий асосланганлик даражасини юксалтириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда ташаббускорлик ва фаолликни кучайтиришнинг асосий шarti корхоналарни мутахассисларини иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда инновацион технологиялар – ишлаб чиқаришда рақобат курашида сақланиб қолиш имкониятини берувчи инновацион лойиҳани ишлаб чиқишнинг моҳияти истиқболда жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Кескин рақобат ва бозордаги тез ўзгарувчан шароитларда, нафақат бутун эътиборни корхона ички жараёнида мужассамлаштириш, балки узок муддатли инновацион технологияни ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир. Олдинги йилларда саноат корхоналар жорий фаолиятида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ички муаммоларни кундалик тарзда ҳал этган ҳолда, муваффақиятли фаолият юритишлари мумкин эди, аммо ҳозирги кунда, тез ўзгарувчан шароитга мослашувни таъминловчи инновацион фаолиятда стратегия лойиҳалар ўта муҳим ҳисобланмоқда.

Корхоналарни ривожлантириш учун иқтисодий қонунлар ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар, корхоналарда инновацион технологияларни ривожлантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

**«Инновацион иқтисодиёт»** фани корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда самарали хизмат қилади. Бу иқтисодий фанлар жумласига кириб, корхоналардаги ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни мужассамлаштриб қатнашувчи барча тармоқларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар билан узвий боғланишни ўрганиш, бозор шароитида корхоналарда объектив иқтисодий қонунларнинг қабул қилиниши ва амалиётга тадбиқ қилиш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқаришни ва унинг соҳаларга раҳбарлик қилиш, менежмент, инновацион маркетингни ишлаб чиқаришдаги фан янгиликлари, инновацион ва илғор технологиялар тажрибаларини жорий



етиш йўллари, инвестиция, молия ва бозор муносабатлари асосида арзон ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш йўллари кўрсатади.

**«Инновацион иқтисодиёт»** фанининг мақсади маҳсулотларни етиштирувчи субъектларда ва унга хизмат кўрсатувчи тармоқларда технологик, иқтисодий қонунларни ишлаб чиқариш жараёнларига инновацияларни тадбиқ қилишдан иборат.

**Фаннинг предмети**—корхоналарда ишлаб чиқариш кучларининг, ишлаб чиқариш алоқалари ва иш юритишда инновацион технологияларни яхшилаш йўли орқали меҳнат унумдорлигини оширишдан иборатдир.

**«Инновацион иқтисодиёт»** фани замонавий фан бўлиб, у доимо ишлаб чиқариш технологияларини самарадорлигини оширишда қонунлар ўзгаришини, соҳалар ривожланишини, жамият ривожланишини ўрганиб синтез қилиб туради. Иқтисодий қонунлар корхоналарда ва унинг тармоқларида бошқаришни ижобий ривожлантириш учун хизмат қилади.

**Фаннинг объекти**—соҳаларда инновацион технологияларга ва ишлаб чиқаришга бевосита ўз ҳиссасини қўшадиган барча соҳалар фаолиятидир.

Корхоналар соҳаларини ижтимоий ривожлантириш—корхоналарда ва унинг саҳоларида ишлаб чиқариш жараёнларида инновацион технологияларни яхшилаш асосида инвестициялардан ва инфратузилмалардан фойдаланиш, маҳсулотни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, сифатли хизмат кўрсатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, соҳаларнинг ижтимоий ривожланишида иқтисодий қонунларни жорий этиш йўллари кўрсатади.

**«Инновацион иқтисодиёт»** фанининг вазифаси инновацион технологияларни яхшилаш асосида, корхоналарда маҳсулот етиштирувчи ва хизмат қилувчи тармоқлар билан иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш орқали, маҳсулот ҳажмини ва сифатини оширади. Товар ишлаб чиқарувчи субъектларда меҳнат ва технологик жараёнларини илмий асосда ривожлантириш билан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда асосий фондлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда инновацион жараёнларнинг ўсиши илмий-техник тараққиёт шароитида иқтисодий тизимларнинг ривожланиши ва трансформациялашувининг зарурий элементи ҳамда рақобат устунлигини таъминловчи асосий ресурс сифатида қаралмоқда.

Корхоналарнинг фаолиятининг турли соҳаларидаги янги технологик ўзгаришларга ўз вақтида эътибор қаратиш, ишлашнинг янги услубларини яратишга ва фаолият натижаларини такомиллаштиришга қодирлиги корхоналар яшаб қолишининг зарурий шarti деб тан олинган. Инновацияларни жорий этиш зарурати рақобат кураши ҳамда бозорнинг бошқа бир қатор талабларини ҳам рағбатлантиради. Улардан фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, истеъмолчилик талаблари ва истеъмолчилар истаклари, замонавий киши руҳиятининг ўзгаришлари сабабли, демографик, иқтисодий ва ижтимоий тартиб ўзгариши билан ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда замонавий мутахассис корхоналарда ишлашида инновацион жараёнлар натижаларидан фойдаланмасдан, ўз фаолиятини давом эттира олмайди, чунки илмий-техник ахборотлар оқими тез суръатлар билан ўсмоқда, бу шароитда ёш мутахассис илмий ахборотлардан техник янгиликларни ва инновацион ғояларни танлаб оладиган бўлиши керак, бундай қобилият илмий-тадқиқот ҳамда ижодий кўникмаларсиз бўлмайди.

### **1.3. “Инновацион иқтисодиёт” фанининг ўрганиш услубиёти ва усуллари**

Корхоналарда инновацион технологиялар фаолиятини таҳлил қилиш ва жорий этиш учун ҳар хил усуллардан фойдаланилади. Ушбу усуллар орқали ишлаб чиқаришда рўй берадиган инновацион ҳодисаларни иқтисодий баҳолайди. Корхоналар инновацион ишлаб чиқаришида қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

**1.Статистик гуруҳлаш усули** – инновацион технологиялардан рационал фойдаланиш, маҳсулот таннархи, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, меҳнат ресурслари, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш ва бошқа кўрсаткичларни ўрганади. Бу усул ёрдамида инновацион лойиҳа шакллар таркибини, бир-бирига боғлиқлигини, харажатлар ва даромадлар

тенденцияларини, ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитини янада ривожлантириш истиқболларини аниқлаб беради.

**2. Монографик усул** – республикамиздаги ёки хорижий тажриба алмашиш мақсадида корхоналарни умумий ва айрим тармоқларнинг инновацион фаолиятини, ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясини ривожланиш истиқболларини аниқлаб беришдан иборат.

**3. Аналитик ҳисоб усули** – корхоналарда инновацион технологиялар фаолиятини таҳлил қилиш ва барча тармоқларни ривожлантириш йўллари белгилайди.

Корхоналарни модернизациялаш орқали ишлаб чиқаришни иқтисодий фанлар назарияси орқали ижтимоий ривожланишни чуқур тадқиқот қилиб, кейинги йилларда катта ютуқларга эришиш учун инновацион технологиялар фанига математик тадқиқот усуллари катта самара бермоқда.

**4.Иқтисодий математик усули** - математик рақамлардир, корхоналарда инновацион технологиялар,барча ишлаб чиқариш соҳалари бўйича кўрсаткичларини таҳлил қилишда математик рақамлар 3 манбадан олинади:

- Бизнес режадан;
- Инновацион фаолият ҳисоботидан;
- Меъёрий маълумотлар, технологик карта ва маълумотномалар.

Иқтисодий математик усул бир қанча босқичларга бўлинади. Тайёрлаш, иқтисодий таҳлил, абстракт рақамлар, маълумотлар йиғиш ва уни ўрганиш.

**5.Лойиҳа консрукторлик ишлари усули**-лойиҳалаштирилган объектлар ва жамлаб бўлмайдиган ҳар хил кўрсаткичларни таҳлил қилишдан иборатдир.

Юқоридаги усуллар ёрдамида корхоналарда инновацион технологиялар ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилиниб, келгусида ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинади.

Инновациявий лойиҳа концепциясини давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-қувватланиши ишлаб чиқаришида куйидаги асосий услублардан фойдаланилади:

лойиҳа мақсадларини аниқлаш услублари;

мақсадларга эришиш йўллари таърифи ва таҳлилни расмийлаштириш услублари (мақсадлар дарахти, эксперт тизимлари, ижтимоий таҳлил ва ҳ.к;

концептуал лойиҳалаштириш услублари.

Сўнги йиллардаги ахборот технологияларининг ривожланиши «data mining – маълумотлардан билим олиш» йўналиши пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу йўналиш инновациявий лойиҳа ғояси пайдо бўлиши жараёнини рағбатлантириш қобилятига эга бўлган инструментал воситаларни яратишга имкон беради. Ҳозирги кунда data mining услублари қабул қилинган қарорларни қўллаб-қувватлаш тизимини барпо этишда қўлланилади. Биринчи қарашда кўриб бўлмайдиган қонуниятларни аниқлаш мақсадида, ахборотларнинг катта массивларини қайта ишлаш йўналиши бўйича мазкур ёндашувнинг ривожланиши, фойдаланувчига эса инновациявий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солинишида истиқболли йўналишларини кейинчалик таҳлили учун, таклиф этадиган ахборот тизимлари пайдо бўлишини прогноз қилиш имконини беради.

Инновациявий лойиҳани давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-қувватланиши муваффақиятли амалга оширишнинг услублари асосий шартлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

лойиҳанинг предмет соҳаси, бошланғич шароитлар ва чекланишлари расмий ифодасини ўз ичига олган, бизнес-режа мавжудлиги;

мезонлар танловини асослаш, ресурслар тақсимотини оптималлаштириш ва батафсил молиявий режа ишлаб чиқишни ҳисобга олган ҳолдаги муқобил вариантлар таҳлили;

ижтимоий омилни ҳисобга олиш бўйича таклифлар ва ҳ.к.

#### **1.4. “Инновацион иқтисодиёт” фанининг бошқа ўқув фанлари билан боғлиқлиги**

Ишлаб чиқариш жуда мураккаб жараён бўлиб, меҳнат, меҳнат қуроли ва меҳнат предметларини қамраб олади. “Инновацион иқтисодиёт” фани ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳал этишда бир қатор фанларнинг ютуқларига таянади. Бу фанларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

Бу фанлар тизими:

- табиий фанлар;
- ижтимоий-иқтисодий фанлар;
- техникавий-технологик фанларга бўлинади.

Табиий фанлар жумласига “Биология”, “Зоология”, “Физика”, “Кимё”, “Математика” ва бошқа фанлар киради ва уларни бизни ўраб турган табиат (борлиқ) тўғрисидаги асосий билимларни беради.

Ижтимоий-иқтисодий фанларга “Социология”, “Инсон психологияси”, “Педагогика асослари”, “Персонални бошқариш” “Меҳнат иқтисоди”, “Иқтисодий назария”, “Маркетинг”, “Менежмент”, “Статистика”, “Институционал иқтисодиёт”, “Корхона иқтисодиёти”, “Индустриал иқтисодиёт”, “Иқтисодий математик моделлар ва усуллар” ва бошқа фанлар кириб, “Инновацион иқтисодиёт” фанини ўрганишда муҳим база бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш билан шуғулланувчи раҳбар ва мутахассислар инсонни, ишлаб чиқариш воситаларини, ишлаб чиқариш натижаларига муносабатни, бу муносабат турли шахсларда турлича бўлишини англаб етиши ва билиб олиши, шунга кўра, улар фаолиятини энг унумли ташкил этиши ва бошқариши керак. Масалан, аҳолининг моддий турмуш даражаси паст бўлган шароитда оддий ходим раҳбарнинг ҳақоратига чидаши мумкин. Моддий турмуш шароити меъёрида бўлган ҳолларда ҳар бир ходим ўз қадрини билади, ҳурмат қилинишини истаб қолади. Ҳар бир раҳбар шу хусусиятларни инобатга олган ҳолда бошқариш усуллари танлаб олиши керак. Бунинг учун «Педагогика» ва «Психология» фанлари асосларини билиши шарт.

Техникавий-технологик фанларга “Тупроқшунослик”, “Дехқончилик”, “Ўсимликшунослик”, “Чорвачилик” “Агрокимё”, “Мелиорация”, “Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари”, “Механизациялаштириш, электрлаштириш ва автоматлаштириш”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси” каби бирқатор фанлар кириб, улар меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларининг айрим хусусиятлари, қуввати унумдорлиги, табиий-биологик

ва бошқа хусусиятлари ҳамда уларни ишлатиш тартиби тўғрисидаги ахборот беради. Бу маълумотларсиз улардан самарали фойдаланишни ташкил этиб бўлмайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхоналарни ривожлантиришда иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини айтиб беринг.
2. Корхоналарда инновацион технологияларни ўрни ва вазифалари нимадан иборат?
3. Инновация тушунчаси бўйича дунё олимларининг фикрлари нималардан иборат?
4. Фаннинг мақсад, вазифалари ва усулларини кўрсатиб беринг?
5. Инновацион технологиялар ва уни жорий этишнинг долзарблиги нимадан иборат?.
6. Корхоналарни ривожлантиришда иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини айтиб беринг?
7. Инновацион технологияларни жорий этиш тўғрисида фикрингиз?
8. Инновациянинг таърифини айтинг?
9. Инновацион иқтисодиёт фанининг предметини айтинг?
10. Инновацион иқтисодиёт фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?
12. Инновацион иқтисодиёт фанининг ўрганиш услубияти ва усулларини айтинг?
13. Инновацион иқтисодиёт фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини изоҳлаб беринг?

## **II Боб. Иқтисодиётда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда инновациянинг ҳаётийлик даври тушунчани ва унинг аҳамиятини ҳамда фаолиятини бошқариш концепциясини, янги тежамкор технологияларни қўллаш ва инновацион бозорининг бошқариш услубиётини ўрганишидан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион давр, иқтисодий усуллар, инновацион бошқариш, инновацион концепция, инновацион инфратузилма, инновацион ривожланиш, тежамкор технология, инновацион бозор, технологик туртки, гепотиза, бозор талаби, илмий технологик.*

### **2.1. Корхоналарда инновациянинг ҳаётийлик даври ва аҳамияти**

Корхоналарни инновацион фаолиятида фан-техника кўз ўнгимизда кундан- кунга ривожланиб тараққий этиб бораётган пайтда, иқтисодий ва барча ижтимоий муносабатлар тизимида чуқур сифат ўзгаришлари кечаётган ҳозирги мураккаб ўтиш даврида иқтисодиётда салмоқли таркибий ўзгаришлар юз бермоқда. Шу нуқтаи назардан таркибий ўзгаришларни ўрганиш, инновациянинг ҳаётийлик даври ишлаб чиқаришда, инновацион фаолиятда тадқиқотлар олиб боришнинг назария ва услубларини яратиш, уларни амалга оширишнинг йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланиб инновацион фаолликни оширишга эътиборни қаратади. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши эса иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини яратади.

Корхоналардаги ислохотларнинг мақсади иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш инновацион фаолиятни такомиллаштириш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини ва фаровонлигини оширишда инновацион фаолликни инновациянинг ҳаётийлик даври тутган ўрни юқори бўлишликдан иборатдир. Мазкур сиёсат асосини мамлакатнинг йирик табиий ресурслари, ички салоҳиятидан самарали фойдаланиш, корхоналарда ва саноатда илмий асосланган ҳолда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини тараққий эттириш ва

уларнинг мамлакатдаги ички иқтисодий муаммоларни ҳал этишда инветитцияни йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бошқаларни ташкил этади.

Миллий тараққиётимизнинг дастлабки босқичидаёқ оқилона ва самарали иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга изчил равишда татбиқ этилиши, барқарор инновацион ривожланишнинг асосий манбаи ҳамда омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият қаратилиши инновациянинг ҳаётийлик даври кейинги йилларда юртимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишига имконият яратмоқда. Жумладан, бундай энг муҳим омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши ва қулай макроиқтисодий шароитини яратиш;

иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида таркибий ислохотларнинг янада чуқурлашуви;

иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши ва модернизация қилиниши;

иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятининг оширилиши;

тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий мустақиллиги ва ҳуқуқларини кенгайтириш орқали хусусий сектор ривожининг рағбатлантирилиши;

моддий-техник ресурслар ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизимининг инновацион фаолиятини инновациянинг ҳаётийлик даври эркинлаштирилиши;

корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига давлат назорати органлари аралашувининг кескин қисқартирилиши ва ҳ.к.


Корхоналарда инновациявий янги маҳсулот яратиш босқичларида, асосан қуйидагилар ажратилади. Тақдим этилган инновациявий жараён корхоналарнинг янги маҳсулот ҳаётий циклини тўла акс эттиради (2.1.1-расм).





### 2.1.1-расм.Инновациявий янги маҳсулот яратиш босқичлари

Шундай қилиб, инновация ва янгиликлар инновациявий фаолият натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисисиз мумкин эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки биринчи ҳолатда – янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккинчисида – уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади.



### 2.1.2-расм Инновациявий жараённинг асосий босқичлари

Юқорида кўриб чиқилган инновациявий фаолият тузилмаси инновациянинг ҳаётийлик даври мазмуни, инновациявий фаолиятни таърифлашга бўлган бир нечта ёндашувлар мавжудлигини кўрсатган ҳолда, у илмий-техник тараққиёт ёки давлат инновациявий сиёсати кўринишида тақдим этилган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, инновациявий фаолиятнинг бошқарув объекти сифатида ва инновациянинг ҳаётийлик даври кенгайтирилган таърифи қуйидаги жиҳатларни акс эттириши лозим:

- фан ва техниканинг ривожланиши, объектив иқтисодий қонунлар ва қонуниятлар асосида жамият эҳтиёжларини ўсиши натижасида, ишлаб чиқаришнинг доимий такомиллашувини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характерига эга *жараёнлар*;
- ишлаб чиқаришнинг янги сифатига эга бўлиш имконини берувчи янги маҳсулотларни яратиш, тижоратлаштириш ва эксплуатация қилиш учун етарли бўлган ишлаб чиқаришнинг инновациявий салоҳиятидан фойдаланишнинг юқори даражасини таъминловчи *ҳатти-ҳаракатлар*.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб инновацион жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатдошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини мустақил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди.

Корхоналарда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати қуйидагича бўлади:

мамлакат корхоналарни иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби устувор йўналишлар кўрсаткичларида алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек, экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хомашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

юқори инновацион технологиялар ва замонавий техника билан курулланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сифими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичларидаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодий ислохотлар нафақат инновацион технологиялар, унга хизмат килувчи тармоқлар, маҳсулотни қайта ишловчи соҳалар, балки ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма буғинлари ва ташқи савдо соҳаларини ислох қилишни ва инновацияларнинг ҳаётийлик даврини ҳам ўз ичига олади.


Янги ғояларни қидиришдан тортиб улардан фойдаланишгача, сотилиши ва тарқатилишигача бўлган вақтдаги фаолиятнинг барча босқичлари йиғиндисини ҳисоблаш учун «инновацион давр» тушунчасини киритиш лозим.

Инновацион давр (2.1.3-расм) янгиликнинг яратилиш ва мавжуд бўлиш вақтини ўз ичига олади. Бу янгиликдан инновациялар яратиш учун бир неча марта, унинг устига янгилик пайдо бўлган соҳадан жуда узоқ тармоқларда фойдаланиш мумкинлиги билан боғлиқ.

Янгиликни яратиш даври яралиш (инновацияларга эҳтиёж ва имкониятнинг англашилиши) ғоянинг пайдо бўлиши); шаклланиш (ғоянинг ишланиши) ҳамда ўзлаштириш (ишлаб чиқаришга жорий этиш, тажриба) босқичларини ўз ичига олади.

Инновация амалий даври киритиш, тижоратлашув ва диффузия, (янгиликларнинг барқарор сотилиши) ҳамда кенг тарқалиши ва анъанавий маҳсулотга айланишидан иборат бўлади.

Инновацион давр янгилик вақтининг оралиқ босқичларидан бирида ёки амалдаги даври босқичларидан бирида тўхтаса тўлиқ тугалланмайди.



### **2.1.3-расм. Инновацион цикл схемаси**

Туризм бизнесда инновацион давр саёҳатлар янги йўналишини очиш фикрининг пайдо бўлиш вақтидан, янги маҳсулотни яратиш ёки мавжудига ўзгартиришлар киритиш пайтидан, технологиялар ёки коммуникациялар янги турларини жорий этишдан бошланади. Маълум истеъмолчига мўлжалланган маҳсулотнинг мақсадли йўналиши маҳсулотнинг тахминий тўлдирилиши ишлаб чиқилади ва белгиланади.

Келажакдаги маҳсулот ғояси шакллантирилгач, ғояни амалиётда жорий этиш имкониятлари ўрганилади, етказиб берувчилар ва шерикларни қидириш ва саралаш, асосий ва қўшимча хизматларни, ташишни, тиббий суғурталашни режалаштириш, хомаки иқтисодий ва нархлашга оид ишланмалар амалга оширилади. Бундай хатти-ҳаракатлардан кейин маҳсулотни тажрибавий текшируви ўтказилади: тақдимот, синов савдолари, эҳтимолли талаб ва рақобатни баҳолаш. Янгиликни яратиш даври шу билан тугайди. Инновацион даврнинг навбатдаги босқичи корхона маҳсулотини олға суриш ва бозорга киритиш, сотиш ва тижоратлашувга йўналтирилган чоралар мажмуидан иборат (тарғибот ва реклама акцияларини, бевосита маркетингни ўтказиш, савдони рағбатлантириш).

Ходимларнинг рағбатлантирилишини ўз ичига олувчи савдони бошқариш тизими шакллантирилади. Корхона бозорининг бошқа субъектлари ўз

фаолиятида шу инновацияни фаол қўллай бошлаганларида инновацион давр тугайди.

## **2.2 Корхона инновацион фаолиятида иқтисодий услубларнинг аҳамияти**

Корхоналарнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни кейинги йилларда кескин ривожланиб бормоқда, бу эса корхоналарнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти янада ошаётганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам корхоналар маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари бўлган молия, капитал, меҳнат ресурслари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар миқёсида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат томонидан инновациявий лойиҳанинг таҳлили босқичида, лойиҳанинг илмий ва техник даражасини, уни бажариш имкониятлари ва инновацияларнинг ҳаётийлик даврини самарадорлигини баҳолаш зарурияти пайдо бўлади. Инновациявий лойиҳаларни баҳолаш жараёнлари хилма-хил, улар доимий тарзда такомиллашади ва оптималлаштирилади. Бунда экспертизанинг асосий мақсади – лойиҳанинг инвестициявий жозибadorлиги ва амалга оширилишини аниқлашдир. Эксперт баҳоси, лойиҳанинг илмий-техник таркиби таҳлили, муаллифлар жамоасининг бошқарув салоҳияти ва лойиҳа маҳсулотига бўлган бозор талаби асосида берилади.

Конкурс танловида экспертиза таққослама таҳлили асосида амалга оширилади. Экспертиза асосан қуйидаги учта босқичда амалга оширилади:

- келиб тушган лойиҳаларни эксперт кенгаши томонидан бошланғич кўриб чиқилиши;
- экспертлар томонидан ҳар бир лойиҳа рейтинги аниқланиши;
- эксперт кенгаши томонидан ҳар бир лойиҳа бўйича хулоса чиқарилиши.

Инновациявий лойиҳани илмий изланишлар ва фундаментал тадқиқотлар тайёрлаш босқичининг натижаси бўлиб лойиҳа бизнес-режаси хизмат қилади. Унинг асосий функцияларидан бири – лойиҳани амалга ошириш босқичини молиялаштиришни таъминлашдир. Инновациявий лойиҳани тайёрлаш

босқичидан уни амалга ошириш ва тизимли моделлаштириш босқичларига ўтиши, техник ва ташкилий-молиявий характерга эга бўлган кўп сонли муаммоларни ҳал этишни талаб қилади.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда тизимли лойиҳалаштириш босқичидаги масалаларни ечиш учун қуйидаги услублардан фойдаланилади:

- тузилмавий ва иерархик декомпозиция услублари;
- композицион тузилмавий моделларни барпо этиш услублари;
- тузилмавий моделларда масалаларни ечиш услублари;
- лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларини моделлаштириш услублари;
- моделлар тизимларини барпо этиш услублари;
- календар режалаштириш услублари;
- функционал-қиймат таҳлили, таваккалчиликни ҳисобга олиш, ишонччилик ва бошқа услублар;
- сифатни бошқариш услублари;
- таваккалчиликни бошқариш услублари;
- техник таҳлил ва лойиҳалаштириш услублари.

Лойиҳани амалга ошириш босқичида қуйидаги услублардан фойдаланилади:

- иш, вақт, ресурслар, қийматнинг тезкор режалаштириш услублари;
- лойиҳа мониторинги услублари (ҳисобга олиш, назорат ишлари ва кўрсаткичлар динамикаси таҳлили);
- лойиҳани ривожланиш прогнози ва тартибга солиш;
- харажатларни назорат қилиш услуби;
- захираларни бошқариш услуби;
- ўзгаришларни бошқариш услуби;
- лойиҳани амалга ошириш босқичидаги лойиҳавий таҳлил услуби;
- лойиҳа самарадорлиги таҳлили услублари.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишларни тузилмалаштиришда, лойиҳани ташкил этиш босқичини алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ.

Лойиҳани ташкил этиш босқичидаги асосий ишлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- бажарувчилар жамоасини шакллантириш ва улар ўртасида функцияларни тақсимлаш;

ресурсларни тақсимлаш, шу жумладан ваколатларни ҳам;  
зарур бўлганда ташкилий тузилмаларни лойиҳалаштириш (қайта лойиҳалаштириш) ва лойиҳани амалга ошириш инфратузилмасини шакллантириш;  
лоийҳани молиялаштириш масаласини ечиш;  
зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни (лицензиялар, сертификатлар ва х.).

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, лойиҳа ҳаётий циклини ташкил этувчи ишлар таркибида, юқорида санаб ўтилганлар жуда ҳам паст даражада таҳлил ва лойиҳалаштиришнинг расмий услублари ёрдами билан таъминланган бўлиб, кўпинча ижодий ёндашувни талаб қилади. Давлат ўз зиммасига инновацион жараёни муҳим ресурслари бўлмиш – илмий билим ва ғоялар билан таъминлаш функциясини олади.

Шунинг билан, хорижда жаҳонни етакчи мамлакатларида фанни қўллаб – қувватлаш борасида давлат сиёсатларини мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- давлат иқтисодиётини ривожланишига фан ва техникани улушини ошириш;
- чет мамлакатларида иқтисодий ўсишни 90 фоизи фан-техника тараққиётининг ҳисобига туғри келади. Россияда эса 5 фоиздан паст (1990 йилларда бу улуш 65 фоизгача кўтариларди.);
- материал ишлаб чиқаришда соҳасида тараққиёт ўзгаришларни таъминлаш;
- жаҳон бозорида миллий маҳсулотларни рақобатбардошлигини ошириш;
- мамлакатни хавфсизлигини ва мудофа қобилиятини кучайтириш;
- экологик ахволни яхшилаш;
- ташкил топган илмий мактабларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Юқорида санаб ўтилган мақсадларни қуйидаги принциплар асосида амалга ошириш мумкин:

- илмий ва илмий-техник ижодкорликни эркинлиги;
- интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимояси;
- илмий, илмий-техник фаолиятни ва таълимни интеграциялаш;
- илмий ривожланишни керакли йуналишларида ресурсларни концентрациялаш ва ҳ.к.

### **2.3. Корхоналарда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Инновацияларни тармоқлар бўйича таснифлаш ҳам ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Бу хусусиятлар уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошувни тақоза этади. Корхоналарни бошқа тармоқларга нисбатан ,жорий қилиниши ва амалда синаб қўрилиши жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Масалан саноат соҳаси билан корхоналар бир биридан тубдан фарқ қилган ҳолда мўлжалланган инвестицияларни қўллашни бир хилда олиб бориб бўлмайди. Шу сабабли инновация корхоналарда ёки корхоналарга мўлжалланган инвестициялар деб юритилади. Аммо инновациялар тармоқлар бўйича таснифланганда уларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Корхоналарга мўлжалланган инновациялар нафақат техника ва технологияларни, балки бошқа ишларни ҳам такомиллаштирилиши мумкин.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланилади, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишчи-хизматчилардан етарлича малака талаб қилинади. Худди шундай корхоналарнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари борки, бу тармоқда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш зарур.

Корхоналарда инновацион жараёнларнинг ўзига хослиги соҳанинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан келиб чиқади. Тармоқнинг фарқли жиҳатларининг асосида энг аввало корхоналарни ишлаб чиқариши ётади. Табиий –омиллар ҳисобига соҳанинг техник-технологик хусусиятлари келиб чиқади (ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, иш даврининг узунлиги ва бошқалар). Ушбу фарқлардан келиб чиққан ҳолда узоқ ривожланиш жараёнида соҳанинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ва хусусиятлари шаклланди. Инновацион жараён нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

➤ корхоналарнинг маҳсулотлари етиштиручи корхоналарнинг ихтисослашув даражаси бошқа соҳаларга нисбатан паст, корхоналарни маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик характери билан боғлиқ,



натижада ишчи кучи, техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тўлиқ фойдаланишни ташкил этиш талаб этилади;

➤ ҳозирги кунда ишлаб чиқариш жараёнидаги бир қатор ишларни махсус хизматлар соҳаси, яъни инфратузилма объектлари томонидан бажариб келинмоқда (машина трактор парклари, сервис корхоналари, ёқилғи-мойлаш материалларни сотиш шохобчалари, тайёрлов корхоналар ва бошқалар);

➤ турли мулкчилик шароитида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таъсир этишнинг махсус шакллари талаб этилади (илмий-техник сиёсатни олиб бориш, информацион база билан таъминлаш, солиқ ва кредит сиёсати ва бошқ.);


➤ корхоналарни ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги ва инновацияларни жорий этиш юқори малакали кадрларга ёки профессионал маслаҳатларга бўлган эҳтиёжини оширади;

➤ Ишлаб чиқариш ҳажми йиллар давомида ўзгариб туради, шу сабабли ишлаб чиқариш жараёнининг ўзвийлигини таъминлаш мақсадида йирик суғурта фондларини ташкил этиш керак;

➤ технологик жараённинг узунлиги ва табиий шароитга боғлиқлиги ишлаб чиқариш натижасини олдин башорат қилишда қийинчиликларни келтириб чиқаради;

➤ ишлаб чиқаришнинг эҳтимоллик характери инновацияларни жорий этишнинг натижаларини ҳам эҳтимоллик характериға эға бўлишға олиб келади. Ишлаб чиқариш омилларининг ёки, умуман, иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши кўтилмаган салбий натижаларға олиб келиши мумкин, шу сабабли инновация ютуқларини корхоналарни ишлаб чиқаришиға олиб киришдан олдин ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш талаб этилади.

Корхоналарда инновацион жараёнларнинг тармоқ хусусиятларидан ташқари, шунингдек, инновацион жараённинг ўзининг ҳам мазмун моҳиятини эътиборға олиш зарур.



### **2.3.1-расм Корхоналарда инновацияларни амалга ошириш омиллари**

Корхоналарда инновацияларнинг асосий мақсади соҳада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва рақобатбордошликни таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қўйидаги вазифаларни бажариш лозим:

1. Корхоналарнинг даромадлилигини таъминловчи инновацион тизимни ва инновацион механизмларни шакллантириш;

2. Мамлакат озиқ – овқат ҳафвсизлигини таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатбордошлигига эришиш;

3. Корхоналарни маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаришни таъминлашдан иборатдир.

Корхоналарда инновацияларни ривожлантириш мақсадида қўйидаги механизмларни жорий этишни тақоза қилади:

- корхоналардаги инновацияни давлат томонидан қўллаб қўвватлаш;
- фанни ишлаб чиқариш талабига яқинлаштириш;
- инновацияларни жорий этиш бўйича корхоналарнига кўмаклашиш ;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- инновация манбаларини кенг жорий этиш;
- инновация лойиҳаларини амалда қўллаш.

Инновация хусусиятларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- анъанавий қарорларга нисбатан устунликлари;
- мавжуд амалиёт ва технологик тузилмага мос тушиши;
- мураккаблиги, жорий этиш тажрибаси ва б;

Шу билан бирга, мамлакатимизда соҳага ихтисослаштирилган “Эко Энергия”, “Интеллект Диалог”, “Чигатай инвест” каби ўнлаб корхоналар фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда хорижий бир қатор ахборот технологиялари мавжудки, улар давлат томонидан муаммо ечилиши даражасини анча кўтариш имконини беради.

Бошқарувнинг мавжуд услуб ва воситаларидан фойдаланиш, қуйидаги функциялар бажарилишини расмийлаштириш имконини беради:

лойиҳа мақсадини аниқлаш ва уни асослаш;

оралиқ мақсад ва босқичларни ажратган ҳолда лойиҳани бажарилиш муддатларини белгилаш ва лойиҳани амалга ошириш графигини ишлаб чиқиш;

автоматлаштирилган лойиҳалаштириш услубларини қўллаш;

зарурий ҳисоботларни автоматлаштирилган расмийлаштириш билан лойиҳани бажариш устидан назорат ўрнатиш.

давлат томонидан тартибга солинишида расмийлаштириш учун автоматлаштирилишга мойиллиги лойиҳани тузилмалаштиришни курсатиш лозим.

Бунда мумкин бўлган таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда зарурий молиялаштириш ҳажмларини аниқлаш бўлган лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш энг мураккаб босқич ҳисобланади. Бу ерда давлат томонидан инновациявий фаолият натижаларини, унинг иштирокчиларининг субъектив тавсифларига боғлиқлиги максимал акс эттирилади. Одатда, инновациявий лойиҳа ғояси, лойиҳа мавзусига доир бўлган ахборотни таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижасида пайдо бўлади. Бу ерда турли хил характердаги (иқтисодий, илмий, техник, ижтимоий ва ҳ.) ахборот блоклари ўртасида уюшмалар алоқаларни шакллантириш жараёни юз беради. Натижада, ишланмаларнинг истиқболлилиги тўғрисида субъектив тасаввур шаклланади.

#### **2.4. Корхоналарда янги тежамкор технологияларни қўллаш ҳолати**

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Корхоналарнинг фаолиятини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни жорий этиш мақсадида чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича амалга ошириладиган ишларга тўлиқ эркинлик берилмоқда ва бу ҳаракатлар давлат томонидан тўлиқ қўллаб–қувватланмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари тежалмоқда ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ошмоқда. “Самарадорлик” тушунчаси, гарчи даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва хоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмаса-да, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади. Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар (ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади.

Янги техника ва прогрессив технология асосида моддий ресурсларни ва жонли меҳнатни тежашга эришилади. Моддий ресурсларда буюмлашган ўтган меҳнатни тежаш худди шу миқдордаги хомашё ва материаллардан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради: жонли меҳнат сарфини тежаш меҳнат унумдорлигини ошириш, яъни ҳар бир ишчига ҳисобланаганда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратади. Бунга фан-техника тараққиёти

ёрдам беради. Янги техника ва илғор технология ёрдамида ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлиги ошиб боради, бу эса ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга олиб келади.

Ҳар қандай техникадан, ҳатто янгисидан ҳам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилмай туриб максимал равишда фойдаланиш мумкин эмас. Шунинг учун технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш билан бир қаторда меҳнатни илмий асосда ташкил этишга катта эътибор бериш керак. Маҳсулот таннархини пасайтиришда ҳисоботнинг роли каттадир. Ҳисоб олиб бориш ёқилғи ва энергиядан, хомашё ва материаллардан рационал фойдаланиш, харажатларни камайтириш ва корхона жамғармасини ошириш имконини беради. Меҳнат жамоасининг кучини маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратиш учун ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларни тўғри режалаштириш ва ҳисобга олиш зарур. Иқтисод қилиш йўлларини аниқлаш, ортиқча харажатларнинг сабабини очиб ташлаш учун бу харажатларни доимий таҳлил қилиб туриш керак. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш ишлаб чиқариш рентабеллигининг ошиши учун корхонадаги барча ишларни такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин таҳлил фақатгина таннархни пасайтириш режасининг бажарилишига қўйилган баҳо билан чегараланмайди, у ишлаб чиқариш харажатларини янада камайтириш учун ташкилий ва техникавий ҳаракатларни ҳам кўриши керак. Маҳсулот ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда ишчиларнинг фаол иштирок этишлари уни пасайтиришнинг муҳим омилдир.

Фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан, хомашё материалларидан, ёқилғи ресурсларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланишга имкон беради. Шунингдек, янги, унумдорлиги юқори бўлган машина, дастгоҳда янги технологик жараёнлар яратиш, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш пировард натижада корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга шароит яратади. Фан-техника тараққиётининг XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзига хос жиҳати принципал

янги технологик усулга ўтилиши билан характерланади. Унинг мавжуд технологик ишлаб чиқариш усулларида устунлиги фақат нисбатан юқори иқтисодий самарадорлигида эмас, балки сифат нуқтаи назаридан моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш имкониятидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, айниқса, республикамизнинг ҳозирги шароитида самарадорликни ошириш жуда жиддий масаладир. Гап шундаки, ҳозирги даврда кўпгина ресурслар чегараланган, уларнинг аксарият қисми хориждан келтирилади, замонавий технология етишмайди, кадрлар малакаси юқори эмас. Шунинг учун ресурслардан тежамли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий ва хорижий сармояларни энг зарур соҳаларга жойлаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш каби самарадорликни ошириш воситаларига етарлича эътибор бериш талаб қилинади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган йўналишлардан бири – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўлди. Бу эса бундай корхоналар янада барқарор ишлашида муҳим аҳамият касб этди. Бунинг учун корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий чоралар кўрилди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновациянинг ҳаётийлик даври деганда нимани тушунасиш?
2. Инновациянинг давр тушунчаси деганда нимани тушунасиш?
3. Корхона инновацион фаолиятида иқтисодий усулларнинг айтинг?
4. Инновацион фаолиятни бошқариш концепцияси деганда нимани тушунасиш?
5. Инновацион фаолиятда инфратузилма деганда нимани тушунасиш?
6. Инновацион ривожланиш жараёнлари деганда нимани тушунасиш?
7. Инновациянинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
8. Янги тежамкор технологиялар деганда нимани тушунасиш?
9. Инновацион бозорининг бошқариш услубиётларини айтинг?
10. Технологик туртки деганда нимани тушунасиш?

11. Илмий технологик ривожланиш жараёнларини айтинг?

### **III Боб. Инновацион иқтисодиётнинг илмий-услубий асослари**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда илмий-технологик, инновацион ишланмалар, технологиялар ва инновацион фаолият инфратузилмасини ҳамда интеллектуал мулкчилик бўйича ахборот марказларини ўрганишдан иборат*

**Таянч иборалар:** *Инновация фаолият, инновацион инфратузилма, инновацион салоҳият, инновацион ишланмалар, инновацион технологиялар, инновацион тадбиркорлик, илмий тадқиқот, инжиниринг, технопарклар, бизнес-инкубаторлари, тажриба марказлари, экспертиза марказлари, интеллектуал мулк, ахборот марказлари.*

#### **3.1. Корхоналарда инновацион фаолиятнинг илмий-услубий асослари**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳалари саноат корхоналарида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳатлар ўз натижасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдагит ЎРҚ 576–сонли қонунига асосан фундаментал тадқиқотлар табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақида янги билимлар олиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, шунингдек муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга йўналтирилган назарий ва (ёки) тажрибага йўналтирилган фаолият ҳисобланади ва амалий тадқиқотлар амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимлар ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган ва фаолият ҳисобланади<sup>17</sup>.

Шу сабабли ҳозирги даврда Ўзбекистонда компаниялар, комбинатлар ва бирлашмалари турида яратилган интеграциялашган тузилмалар холдинг компаниялари шаклида мавжуд. Бу ҳолда мулкий интеграция бош корхона акциялари назорат пакетлари воситасида корхоналарда, қайта ишлаш, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотларни ташкилий молиявий бирлаштириш асосида ягона тизим яратиш юз берди. Холдинг бирлашмалар капиталининг

---

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ 576- сонли Қонуни, 29 октябр 2019 йил



бозорини тезроқ товарлар билан тўлдириш мақсадидаги юқори ҳаракатланишини тامينлайди. Шунинг учун, инновацион фаолиятнинг илмий асосларини системалашган ҳолатда ўзида мужассамлаштиради.

Илмий-тадқиқотлар ва ишланмаларда бошқаришни ўзгарувчан шароитларда асосий иқтисодий қонунларнинг илмий асосида саноат корхоналарида инновацион фаолит амалга оширилади. Бу эса саноатда илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ишлари дастурларини қонун ости узлуксиз тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш лозимлигини билдиради. Ҳар бир вазиятда кўзда тутилмаган техник муаммо пайдо бўлиши ва бу лойиҳа бўйича ишларни кечиктириш ёки умуман тўхтатишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун истеъмолчилар эҳтиёжлари ва талаб ўзгариши мумкин, ушбу муносабат билан лойиҳа ҳаётий қобилиятининг қайта баҳоланиши лозим бўлади. Иқтисодётнинг инновация йуналиши мамлакатимизнинг ички бозорида импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни тامينлайдиган экспортга йуналтирилган бозор иқтисодётининг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Амалга оширалаётган илмий - техника сиёсатининг устувор йуналишлари миллий иқтисодёт эҳтиёжларига қараб белгиланаётир. Саноат корхоналарида илм фан ва ишлаб чиқаришнинг инновациявий ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришни ўз ичига оладиган янги бозор механизми тизимлари шакиллланмоқда. Эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулот жисмоний эскириб улгурмай у маънавий эскириб қолмоқда, ҳаётимиздаги бундай ўзгаришлар барқарор иқтисодётнинг ўрнини инновацион иқтисодёт эгаллашни таққозо этмоқда.

Шундай қилиб саноат кишлок хужалиги ва бошқа иқтисодиёт тармоқларида инновацион фаолиятни илмий асосда ташкил қилиш, яратиладиган технологияларни самарадорлигини ошириб инновацион фаолиятни тизимларни ёндашувлигини англатади. Булар қуйидагилар.

**Системали тизимли методология** - тизимларни хар хил синф хоссаларини ўрганишдаги усулларни уйғунлигидадир, ҳамда тизимли масалаларни ечими бўлиб, яъни тизимга таълуқли бўлган иқтисодий

масалаларни ечилишида назарда тутилган, инновациялар фаолиятини бошқарув тамойиллари тизимини ва унинг қисмларини ўрганишини асосий усуллари таснифи хисобланган бўлиб, математик тизим назариялари ва тизимлар ҳақидаги фаннинг барча йуналишлари учун универсал хисобланган жараёнда қатнашади. Таҳлил тизимида инновацион фаолият тизимли ёндашуви қуйидаги принципларда асосланиб, мақсадли инновацион фаолият бир вақтни ўзида тўлиқ иқтисодий тизимга ёндашиб яъни юқори ўринда иқтисодиётни, масалан минтақа бўйича давлат бошқаруви сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

**Иерархиялилиқ тизим** тузилиши, худди шундай кўп элементларни мавжудлик қуйи даражасига, элементларнинг юқори даражаси асосида бўйсунди. Бу принципни намойиши ҳар қандай муайян ташкилот шароитида намён бўлади. Бизга маълумки ҳар қандай ташкилот икки тизим ости: яъни бошқарувчи ва бошқарулувчи алоқадорлигидан иборат бўлади.

**Тизимлаштириш аниқ инновацион кўлам тизимида**, тизим элементларини таҳлил этишда инновацион фаолиятни алоқадорлиги билан биргаликда (иқтисодий секторни алоқадорлигини бошқарувдаги муамомаларини енгитиш йули билан) амалга оширилади.

**Кенг кўламли инновацион фаолият тизимида**-алоҳида элементларни мавжудлигини ва кўп бошқарувчанлик, иқтисодий хоссаларини бошқаришни иқтисодий математик метод орқали илмий нуқтаи назардан бутун ўрганади.

Иқтисодиётда инновацион фаолиятда олдин товар ишлаб чиқариш параметри ечими сифат кўрсаткичлари ва қандай харажат билан қайси муддатда қайси баҳо билан баҳоланишини ва сотилиши кўрсатилади. Авваламбор бу саволга жавоб топиш учун, рақобатдош маҳсулот бўлиши керак. Шундан сўнг ресурслар жалб қилиниб параметри аниқланиб (моддий, молиявий, меҳнат ва информация) ва шунинг билан биргаликда ташкилий техникавий система кўриб чиқилиб техника, технология, ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари даражаси ўрганилади ва охирида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини параметри шаклланади. Бу эса


инновацион фаолиятда ишлаб чиқаришда ихтисослаштиришни бошқариш технологиясини такомиллаштиради.

**Системали ёндашув** бозор иқтисодиётини қонунларини қамраб олган ҳолда иқтисодиётни шакллантиради ва маҳсулот ишлаб чиқаришни йулга қўяди. Инновацион фаолиятда системали бошқарувни ўрганишда талабнома ажратишда зарурият системаси тартибга солиш кўрсаткичи қуйидаги ташкилий тизим даражалари билан аниқланади. Булар қуйидагилар:

- элементлар системаларини детерминацияси;
- ўсиш тизими;
- параметртизимини бошқариш ҳисоби;
- параметртизимини назорат қилиш ҳисоби ва ҳақозо.

Инновацион фаолият тизимли ёндашув мураккаб тизимини замонавий таҳлилинини умумлашган шакли бўлиб ҳисобланади. У ўзига олдинги ишлатилган инновацион фаолият таҳлил усули ва ёндашувларни (мажмуали ва ҳолатий ёндашувлар) киритади.

Инновацион фаолиятда мажмуали ёндашув иқтисодиётда қатнашаётган ташқи ва ички муҳитни ўз таҳлилида эътиборга олади. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа иқтисодиёт тармоқларида инновацион фаолиятни илмий асослашда инсонларни талабини қондиришдаги иқтисодий фаолиятнинг



**3.1.1- Расм. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг ўзаро муносабат схемаси** умумий кўриниши, улар ўз вақтида жамиятни талабини қондиришдан иборат бўлиб, ўзига баъзи бир компонентларни мақсадини ташкил этган ҳолда

алоқадорлигини қабул қилиб иқтисодий тизим ресурсларини технологиялашган инфратузилма маҳсулотларни ва уларни истеъмол қилинишини ўзида ифода этади ( 3.1.1- расм).

Бундай фаолият жараёнида юзага келадиган асосий саволлар:

“Нима ишлаб чиқаради ?” (истеъмол блоки),

“Қандай ишлаб чиқарилади?” (ресурс ва технология блоки),

“Ким учун ишлаб чиқарилади?” (маҳсулот ва ишлатиш блоки).

“Иқтисодий, ҳуқуқий ва инфор­мацион муомилани самарали сотиш учун қайси тизимли ва функционал алоқалар блокада булиши керак?” (блок иқтисодий система ягона иқтисодий бирлашган организм, иқтисодий инфор­мацион ҳуқуқий механизми алоқадорлик блоки функцияси билан тузилган).

Бу чизма занжирида етакчи элемент ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги алоқа истеъмолчиси ҳисобланади. Бу фақатгина ишлаб чиқариш тизими ҳажмини аниқла­масдан иқтисодий кўринишларда шаклланади. Товар ва хизматлар талаби истеъмолни шакллантириб, товар ва хизматни боғлиқлигини импорти ҳақида маълумот ишлаб чиқарувчиларга тугри алоқалар тизими орқали инфор­мация келиб тушади. Ўзига қаратилган инсоний (L), ишлаб чиқарилган (K) ва табиий (W) капитал каби ишлаб чиқариш омилларга тўғри келади.

Ҳамма иқтисодий субъектлар умумий иқтисодий жараёнда қатнашувчи бўлиб, ҳаёт­ий фаолиятда икки турдаги фаоллик бўлади, шахсий истеъмол учун бир объектдан бошқаларига ўзгариши ва ишлатилиши.

Биринчи мисолда улар ишлаб чиқарувчи, иккинчи мисолда истеъмолчи бўладилар. Ишлаб чиқарувчиларни ва истеъмолчиларни қизиқишлари бозорга бориб тақалади, яъни улар ўзларини талабларини қондириш мақсадида бозор муносабати шаклланади.

Иқтисодиёт ва бозор алоқадорлигини тизим бошқаришини бошқарувчи институтлар (давлат ва нодавлат) дан ташкил этган бошқарув тизими 3.1.1-расмдаги тескари алоқа элементи функциясини бажарадилар. Маҳсулотларни,

хизматларни, ресурсларни асосий массасини бозорда тақсимланади. Иқтисодийда маҳсулот- хом ашё бозори, молия бозори (валюта бозори, кредит бозори, қимматли қоғоз бозори , суғурта бозори киради), хизматлар бозори, меҳнат бозори ва бошқалар яққол ажралиб туради. Бозорни давлат бошқарса ҳам, қулайликлар ва хизматлар бозорини тақсимлашда бозорни ўз ўзини бошқариш механизми асосий аҳамиятга эга.

Тизим элементлари орасидаги тўғри ва қайтим алоқадорлигини макроиқтисодий таҳлилида, макроиқтисодий қонуниятларни шаклига киради. Бу қонуниятларни ўрганиш қўйдаги йуналишларда ўрганилади:

- макроиқтисодий мувозанатни назарияси;
- пул назарияси;
- иқтисодий ўсиш назарияси;
- иқтисодий очиш назарияси.

Микроқўламдаги иқтисодий субъектларини қонуниятларни қуйидаги бўлимлар ичида ўрганилади:

- бозор мувозанатини назарияси;
- исътемолич танлови назарияси;
- фирмани назарияси;
- даромадни тақсимланиши назарияси;
- умумий мувозанат назарияси.

Инновацион фаолиятда корхоналар бизнеси тўпланган билимлар пайдеворига таянади. Янги ғояларни амалга ошириш ва корхоналарнинг янги йўналишларини яратишга киришишни ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирги кун иш шакллари ва услубларини англаш ҳамда ўрганишдан кейин бошлаш мумкин. Фаолият соҳасини чуқур тушуниш ҳодисалар ривожини олдиндан кўра билиш ва рақобатчилардан ўзиб кетиш имконини беради.

Корхоналарга инновацияларни жорий этишга мамлакатдаги иқтисодий вазият, аҳолининг ижтимоий аҳволи, миллий қонунчилик ҳамда ҳукуматлараро ва халқаро битимлар таъсир қилади.

Корхоналар соҳасида уч йўналишдаги инновацион фаолият ривожланмоқда.

1. Корхона бизнесини ривожлантириш билан боғлиқ бошқарув тизими ва тизимида янгиликларни (ташкилий инновацияларни) жорий этиш, жумладан, қайта ташкил қилиш, йириклашув, энг янги техника ва илғор технологиялар асосида рақобатчи субъектларни ютиб юбориш; кадрлар сиёсатида (кадрлар таркибининг янгиланиши ва алмаштирилиши, малака ошириш тизими, ходимларни қайта тайёрлаш ва рағбатлантириш); оқилна иқтисодий ва молиявий фаолиятда (корхона барқарор ҳолати ва ривожланишини таъминловчи ҳисоб ҳамда ҳисоботнинг замонавий шакларини жорий этиш).

2. Мақсадли истеъмолчилар эҳтиёжларини камраб олиш ёки шу вақтда камраб олинмаган корхоналарни жалб қилиш имконини берувчи маркетингга оид тадқиқотлар.

3. Корхоналар маҳсулотининг истеъмол хусусиятларини ўзгартиришга, рақобатда устунликлар берувчи ва ҳолатини мустаҳкамловчи хусусиятларига йўналтирилган даврий инновация (маҳсулотга доир янгилик)лар.

Шу тарзда, корхоналардаги инновацион фаолият янгисини яратишга ёки мавжуд маҳсулотни ўзгартиришга, транспорт ва бошқа хизматларни таокмиллаштиришга, янги бозорларни ўзлаштиришга, илғор ахборот ва телекоммуникация технологияларини ҳамда ташкилий-бошқарув фаолиятининг замонавий шакллари киритишга йўналтирилган бўлади.

### **3.2. Корхоналарда инновация фаолиятига тизимли ёндашув**

Корхоналарда инновацион фаолият бўйича энг асосийси бу вазифа тизимидир. Вазифа тизими қарорларини ўрганишда ва унинг ривожлантириш хар хил даражада умумийлаштирилади ва қисмларга бўлинади. Вазифа тизими ечиш жараёнида қуйидаги принциплардан фойдаланиб аниқлаштирилади:

**1.Ортогеналлик-** бу принцип талаб қилиниши бўйича бир -бирдан тармоқлараро алоқадарлигини билдиради.

**2.Мувофиқлик**–архитектура функцияларини мувофиқ равишда талаб қилиш даражасида эмас, балким керакли архитектура, кераксиз функциядан

афзаллигини мувофиқлаштиради.

**3.Тежамкорлик**—ҳеч қандай функция архетектура баён қилинишида бир-бирини бошқа турда такрорламайди.

**4.Тиниқлик**- бажариш жараёни аниқлаштиришда ишлатувчи функция аниқ бўлиши шарт.

**5.Умумийлик**— агарда функция бошланган бўлса, шундан сўнг кўп қиррали функция кўринишда бўлиши керак.

**6.Ошкоралик**-бу функциядан фойдаланиш бошқача бўлиб у проект асосида булади.

**7.Тўлиқлик** - функциядан фойдаланиш талаб қилиш даражасида булиб иқтисодий- технологик чексиз даражада таъминланади.

**Вазифа тизимини** ечилиши умумий тушунча бўлиб, таҳлил тизимининг умумий бўлими бўлиб ҳисобланади.

**Макрокўламда таҳлил тизими**-бу илмий умумлашган бўлиб умумий тенденцияни кўрсатиб бошқаришни тадбирлар асосида факторлар ривожланишини яқдиллаб кўрсатиб беради.

**Таҳлил тизимини охириги мақсади**-бошқариш моделини тартибга солишда танланган эъталонни қайта кўриб чиқиб ва уни бир тизимга солишдир.

Макрокўламда тизимли таҳлилига етишиш учун иқтисодиётни аниқ субъектларини нормал ишлашини ўзида қуйидаги босқичларида намоён қилади :

- тизимни бошқаришда иқтисодий кўрсаткичлар ўрганилиб, таҳлилланиб объектни таъминлаб беради;
- бозор иқтисодиётининг ҳозирги замондаги тутган ўрни умумий тенденция асосида ўрганилади ва мана шу тенденция асосида молия индекаторини бозорда ишлатилган ресурсларини самарасини кўрсатади;
- объект функциясини хусусиятини бўлиниши ва унинг алоҳида тузилмаси бошқаришни системали равишда тавсифлаб беради.
- қўйилган мақсад ютуқларини талаб қилиниши шароитини асослаб

беради;

- кўйилган мақсадга тўлиқ шароитини аниқлаштириш;
- бошқаришни эъталон усули асосида тармоқларда таҳлил ўтказиш учун материаллар ўтказилади;
- тажрибалардан фойдаланишда корхоналарда материаллар йиғишда таҳлил жараёнида тадбирлардан фойдаланиш тизимини бошқаради;
- иқтисодни таҳлил қилиш объектида – эъталон модели ўрганилиб маълумотларни ўрганиш лозим.

Шундай қилиб таҳлил тизими конкрет тизимни бошқаришда ва уни мақсадли шаклланишида – корхона тармоғи ёки компанияни самарадорлик кўрсаткичларини алоҳида кўрсаткичлари асосида ифодалайди. Бошқариладиган инновацион фаолият тизимни ижтимоий бошқариш механизмини – иқтисодий қонуниятлар билан инсон манфаатлари мажмуасида қўйилган вазифани бошқариш тартибини аниқлаштириб беради. Бундай аниқлаштиришлар таҳлилчиларни лойиҳаларини бошқариш тизими тадқиқотида «статистика» ва «динамика» механизмини бошқариш ва такомиллаштириб бошқариб туради. Бошқаришни ташкилий амалиёти – бу қабул қилинган тизим ечимини тўлиқ таҳлил тизимини бошқариш ва унга оптимал шароит қабул қилишда бошқариш учун ташкилий масалаларни кўрсатиб беради.

Бозор шароитида қабул қилинган инновацион таҳлил тизимида маркетинг назорати бозорда конкрет буғинларни товар хизматларини асосий турлари бўйича шакллантиради. Макроқўламда инновация фаолияти тизими таҳлили қўйдагича асосий принциплар асосида қўланилиб аммо баъзи бир хусусиятлар билан бошқа бир мақсадда шаклланиб, бошқа тизимни ва бўлинма этапларини ўтказилади. Бундай таҳлил объектлари бўлиб, иқтисодиёт учун асосий иқтисодий муоммалар ҳисобланади. (ишсизларни юқори даражаси, бюджет ўсиши етишмаслиги, ички талабни сақланиши ва бошқалар).


Макроқўламда таҳлил тизимнинг асосий этаплари қуйидагилардан иборат:

- ўтказилган тажрибани талаб қилинганлигини барқарорлиги;



- кўрсатилган объект ва тажриба предмети;
- ўтказилган тажрибани методологиясини таъминлаш;
- тажриба ўтказиш учун ресурслар таҳлили;
- модел ишлаб чиқариш ва тажриба ўтказиш учун усул танлаш;
- тажриба ўтказишда корхона натижаси.

Макрокўламда тизимли таҳлилни **асосий босқичларини** амалга оширишда принциплар асосида мақсадни ифодаловчи хусусияти бўлишидан қаътий назар вазифани уни ўтказишда сақлаш ва босқичларининг кетма-кетлиги ифодаланади. Бунақанги таҳлил ўтказишда унинг охириги мақсади объект сифатида ўзига аниқ иқтисодий муаммо қилиб, уларни аниқлаш тақлифидир. **Иккинчи босқичда** иқтисодий тизимни аниқлаштирилган текширишнинг объекти ва предметини аниқланади, **учинчи босқичда** текширишнинг услубини танлаш, **тўртинчи босқичда** текшириш ўтказишнинг учун зарур ресурсларини таҳлили ўтказилади. **Бешинчи босқичда** назоратни ўтказиш учун услуб танлаб ва моделни ишлаб чиқиш, **олтинчи босқичда** текширишни ўтказишни ташкил қилиш. **Еттинчи босқичда** текшириш натижаларни таҳлили ҳамда тавсияномаларни танлаш.




**3.2.1- расм. Макрокўламда тизимли таҳлилни асосий босқичлари**

Янги технологиялар, соҳалар, орасидаги чегараларнинг заифлашиб бораётгани, бозорлар глобаллашуви ва рақобатнинг кучайиши тадбиркорлик олиб борилаётган муҳитга таъсир қилади. Ушбу омиллар тадбиркорликни динамик моделлаштиришни келтириб чиқарди (dynamic business modeling - DBM). Унинг моҳияти турли мутахассислар билимларини уйғунлаштиришда ва бу инновацион майдонда кечаётган воқеа-ходисалар динамикасини чуқур тушуниш имконини беради.

Инновацион майдон – инновациялар тўрт кўрсаткичлари билан тавсифланадиган макон, майдон бўлиб, булар: технологиялар, ишланмалар, бозорлар ёки истеъмолчилик гуруҳлари ва ташкилий (ички ёки ташқи) структураси. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорликни динамик моделлаштириш инновацион жараён умумий моделини шакллантиришни осонлаштиради.

Динамик моделлаштиришнинг биринчи босқичи. У фирманинг бозордаги мавжуд ва келгусидаги эҳтимолли ўрнини; фирманинг келажакда эгаллаши тахмин қилинаётган ёки ўрнига ўтмишга тўсқинлик қилаётган ёки ёрдам бераётган манфаатдор шахс (куч)лар таҳлилини; тадбиркорлик жараёнлари таҳлилини ўз ичига олади.

Фирма ўрни (ҳолат, вазияти)нинг таҳлили ташқи муҳит динамикасига боғлиқ ҳолда бозордаги имкониятларини аниқлашни тақозо қилади.



**3.2.2-расм. М.Портер бўйича бозорга оид беш омил модели.**

Таҳлил икки йўналишда ўтказилади: фирманинг ресурслари ва ташқи позициялари. Айниқса, рақобатда тутган ўрни муҳим. Уни аниқлаш учун Майкл Портернинг бозорга оид беш омили моделидан кўпинча фойдаланилади (3.2.2-расм).

Ушбу моделга кўра фирманинг бозордаги ўрни - вазияти унинг рақобатчилари, таъминотчилари, истеъмолчилари, бозорнинг янги иштирокчилари ва ўрнини босувчи маҳсулотга нисбатан аниқланади.

Ушбу омиллар бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар (истеъмолчилар, таъминотчилар ва ўрнини босувчи маҳсулотлар сони)га боғлиқ бўлиб, улар ўз навбатида бозор сегменти, маҳсулот ўзига хослиги ва бошқаларга боғлиқдир.

Фирманинг таҳлил қилинаётган ресурслари билимлар, обрўси, капитал (кўчмас мулк), молиявий ва бошқарув активлари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг айниқса, муҳим омили билимдир, – агар ундан даромадли фойдаланилса. Билиш (айниқса юксак технологияларни) кўп ҳолларда корхона ресурсларининг одатий шароитда ўзга структурага берилиши мумкин бўлмаган ўзига хос компоненти сифатида олиб қаралади.

Структура, тизим, маданият, эгилувчанлик асосий ташкилий активлар ҳисобланади. Фирма структураси бошқарув ва ташкилий жиҳатдан доимий равишда ташқи муҳит таъсири остида ўзгаради. Динамик соҳа қўлланиш соҳаси эффектидан максимал даражада фойдаланишни талаб қилади. Уларнинг кенгайиши рақобатчиликдаги устунликни таъминловчи инновацион қуролга айланади.

Кўпинча тадбиркорликнинг янги турларини ишлаб чиқишда муваффақият ёки омадсизлик имкониятларини қабул қилиш ва фойдаланишга таъсир қилувчи фирмада мавжуд қадриятлар ва меъёрлар белгилайди. Тадбиркорлик янги турларини ишлаб чиқиш учун тадбиркорлик маданияти муҳимдир. Баъзан ходимларни, бошқарув тизимини ва структурани ўзгартиришга тўғри келади. Фирма у ёки бу маҳсулот, хизмат ёки жараён учун олинган билимларни фойдали қўллаши учун эгилувчанлик зарурдир.

Юқори даражада таваккал қилишга тайёр тадиркорлар томонидан тадбиркорлик янги турларини баҳолашда аксарият ҳолларда менежмент сифати асосий кўрсаткич деб ҳисобланади. Баҳоланишининг энг яхши мезони аввалги тажриба ҳисобланган бошқарув сифати инновацион жараённи таъминлаш учун молиявий ресурслар берилиш, берилмаслигини белгилайди.

Фирманинг муҳим ютуқларидан унинг обрўси, маълумлиги ва брендининг танилганини айтиб ўтиш мумкин. Фирмалар ўз инновацион имкониятларини баҳолаётганларида, улар натижага таъсир қилувчи барча омилларни эътиборга олиб, таҳлил қилишлари лозим.

***Манфаатдор шахслар таҳлили.*** Инновация таъсир қилувчи ёки таъсир қилиши мумкин бўлган амалдаги субъектлари (шахслар ва шахслар гуруҳи, ташкилотлар) манфаатдор шахслар ҳисобланади. Улар тадбиркорлик янги шакллари ишлаб чиқиш чоғида юз бераётган жараёнлар натижаларидан маълум даражада манфаатдор. Булар истеъмолчилар, таъминотчилар, рақобатчилар, ҳамкорлар, ҳиссадорлар, институционал шахслар. Уларни ички ва ташқи манфаатдор шахсларга ажратишади.

Ҳам ички, ҳам ташқи манфаатдор шахсларнинг тадбиркорлик янги турларини ривожлантиришга жалб қилиниши якуний муваффақият эҳтимолини катта даражада оширади. Бироқ, бу ерда ҳам оқилона чегараларга эга. Катта миқдордаги манфаатдор шахсларнинг жалб қилиниши бошқарилиш зарур бўлган жараённинг анча мураккаблашувига олиб келади. Шу сабабли манфаатдор шахсларни жалб этиш даражаси ва инновацион жараён мураккаблиги орасида мақбул мувозанат ўрнатилиши лозим.

Ушбу жараёнда манфаатдор шахслар рағбатлантирувчи ҳам, тўсқинлик қилувчи ҳам бўлишлари мумкин. Ўзгаришларга ҳукумат, манфаатдор ташкилотлар (истеъмолчи ташкилотлар, касаба уюшмалари, экологлар ва бошқалар), оммавий ахборот воситалари тўсқинлик қилишлари мумкин. Ўзгаришлар суръатини рақобатчилар ҳам секинлаштиришлари мумкин. Фирманинг ўзидаги инерцион кучлар – аввалги қадриятлар ва меъёрлар, кўникма ва қобилиятлар тарафдорлари бўлган эскичилар, тескаричилар ҳам

тўхтатувчи ролини ўйнайди. Бошқарув тизимларининг ўзи ҳам ўзгаришларга қийин берилади.

**Ташқи манфаатдор шахслар.** Буларга истеъмолчилар, таъминотчилар, рақобатчилар, институционал манфаатдор шахслар киради.

**Истеъмолчилар.** Янги маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқишда истеъмолчилар таркибини изчил тадқиқ этиш лозим. Агар маҳсулотнинг жисмоний сифатларини синовдан ўтказиш анча осон бўлса, унинг эмоционал қийматини баҳолаш анча қийинроқдир. Бу ерда ҳам анаъаналар, ҳам мода ўз ролини ўйнайди.

**Таъминотчилар.** Инновацион жараёнда уларнинг роли иқтисодиёт соҳасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Таъминотчилар фирмаларни хиссадорлар, банклар, ҳукуматдан келиб тушувчи (субсидиялар, грантлар ва ҳоказолар) молиявий ресурслар, институтлар, истеъмолчилар ва маслаҳатчилардан келувчи билим ва ғоялар. Бошланғич материаллар ҳам компонентлар, ишлаб чиқариш воситалари, ходимлар билан таъминланади.

**Рақобатчилар.** Улар, умуман олганда, тадбиркорлик янги турлари ишлаб чиқилишида манфаатдор бўлишлари мумкин, аммо инновациялар йўлида муваффақиятга эришишида рақобатчиларга халақит беришлари ҳам мумкин. Бозор ўсиши шароитида ҳамкорликдаги инновациялар фойдалироқдир, чунки бир фирма учун бозорни ривожлантириш имконсиз бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда, айниқса бозор ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳукумига учраган пайтларда рақобатчилар билан ҳамкорлик фойдалироқдир.

Фирма ҳамкор (шерик)лари учун очик ва ишончли бўлиши лозим, шунда улар умумий харажатларни қоплаш учун маблағ ва билимларини киритишга тайёр бўлишади.

**Институционал манфаатдор шахслар.** Булар ҳокимият органларни ва айниқса, бошқарилаётган соҳаларда инфратузилманинг назорат органларидир. Қатор тармоқларда (кимёвий, пўлат қуйиш ва автомобил) экологик меъёрлар қатъийроқ бўлиб боргани сари, улар инновацияларни шунчалик кўп даражада рағбатлантиради.

**Ички манфаатдор шахслар**—бу фирма эгалари, хиссадорлар, ходимлардир.

**Хиссадорлар.** Улар унинг хиссадорлик қийматига таъсир қилади. Хиссадорлик қиймати икки усул билан таъминланади: даромадлар орқали ва акция нархларининг ошиши орқали.

Фирма қийматини тўрт унсур белгилайди: пул воситалари оқими, қолдиқ қиймат, ҳисоб меъёри, қарзлар. Пул воситалари оқимлари учун қиймат омиллари савдо ҳажмининг ўсиши, даромаднинг ўсиши ва фойдаланиш, солиқлар улуши ҳисобланади. Қолдиқ қиймат ҳам, айланма ҳам асосий маблағларга нисбатан омил сифатида ишласа, ҳисоб меъёри асосий маблағ қийматига боғлиқ бўлади. Қарзлар эса фирма молиявий инвестицион сиёсатига боғлиқ.

**Фирма ходимлари.** Ҳар бир инновация ички жараёнларга таъсир қилади ҳамда ходимлар ва ташкилотнинг ўзидан ҳам мослашишни талаб қилади.

Манфаатдор шахсларнинг инновацион жараёнларга таъсирини ўрганиб, жамият манфаатларини ҳам эътиборга олиш зарур. Жамият аниқ кишилар ва ташкилотлар сингари манфаатдор шахс ҳисобланмайди. Улар фирма ходимлари, хиссадорлар, истеъмолчилар ва рақобатчилардир. Аммо, фирма узоқ муддат давомида гуллаб-яшнаши учун ўзи бир қисми бўлган жамият фаровонлигига ҳисса қўшиши лозим. Жамият манфаатларини ҳисобга олиш ҳамиша ўзини қоплайди.

Тадбиркорлик жараёнининг таҳлили. **Тадбиркорлик жараёни** — бу ташкилий фаолият йўналишларининг йиғиндиси бўлиб, унда аниқ бир илк унсурлар истеъмолчини жалб қилувчи ва унинг талабларини қондирувчи белгиланган кўрсаткичларга эга маҳсулотга айланади.

Инновация кўпинча жисмоний ёки иқтисодий чекловларни олиб ташлаш билан боғлиқдир. Маҳсулотни янгилаш натижасида бозорнинг имконли ҳажми якуний кўрсаткичи бозор эгилувчанлигига боғлиқ бўлган янада юқорироқ даражага ўтиши мумкин. Чекловларнинг сурилишининг якуний натижаси

бозорнинг, бозор улушининг ва фирма қийматининг ўзгариши бўладиган ходисалар кетма-кетлигини келтириб чиқаради.

Техник ва иқтисодий чегаралардан ташқари юридик (экология, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш соҳаларида) чекловлар ва ижтимоий эҳтимоллар мавжуд. Ҳуқуқий меъёрлар фирманинг ишланмалари ҳисобига олиб ташлаб бўлмайдиган чегараларни ўрнатади. Ижтимоий ёки руҳий муаммолар инновацияларга тўсқинлик қилиши мумкин. Бу туфайли компания ўз олдига қўйган мақсад ўзгариши мумкин ва у фаолият турини ўзгартиришга мажбур бўлади, натижада мутлақо янги инновацион йўналишлар юзага келиши мумкин.

**Саралаш механизмлари.** Истеъмолчилар ўзлари афзал билган томонлар ҳамда маҳсулотнинг идрок этилган хусусиятларига асосланиб, маълум маҳсулотлар ёки хизматларни харид қилиш қарорини қабул қилганларида улар ишлайди. Саралаш механизмлари синов (тест)дан ўтказиш ва оралик ҳисоботларнинг турли шакллари ҳисобланади. Уларда истеъмолчилар фойдаланувчи меъёрлар акс этади. Ҳиссадорлар ва бошқа манфаатдор шахслар ҳам фирманинг даромад ошишини таъминловчи омилларни танлар эканлар, шу механизмлардан фойдаланишади. Саралашнинг муҳим механизми ҳуқуқий меъёрлардир, айниқса, бошқарилаётган соҳаларда.

### **3.3. Корхоналарда ўрганиш усуллари ва кўрсаткичлар тизими**

Ўрганиш тизимларини самарадорлиги кўпинча танланган ва ишлатиладиган ўрганиш усуллари ва кўрсаткичлар тизими билан аниқланади. Ўрганиш усуллари ўзи билан ўтказиш услубларини, қўллаш усулидан иборат. Уларни тўғри қўлланилиши муаммоларни ташкил этишдаги келиб чиққан тўлиқ ва тўғри ўрганиш натижаларини олишга ёрдам беришади. Танланган усуллар, кузатиш, интеграция ёки ҳар хил усул мажмуаларини тажриба ўтказишда ўрганишни ўтказаетган мутахассисларни билими, тажрибаси, интуацияси билан аниқланади.

Жами тажриба ўтказаетган усулларни уч катта гуруҳларга бўлиш мумкин. мутахассисларни билимлари ва кўникмаларини ишлатишга

асосланган усуллар; тизимни намоёнлигини шаклланиш усуллари; мажмуалашган усуллар.

<b>Тизимларни кузатиш усуллари</b>		
<b>I. Мутахассисларни билим ва кўникмаларини ишлатишига асосланган услублар</b>	<b>II. Тизимни намоёнлигини шаклланиш усули</b>	<b>III. Мажмуилашган усуллар</b>
1.«Мия хужуми» бўлими	1. Аналитик	1. Комбинаторика
2.«Сценария» бўлими	2. Статистик	2.Холатий моделлаштириш
3. Эксперт баҳоси	3. Кўп йуналишли назария	3. Топология
4.«Дельфи» бўлими	4. Мантклик	4.Графо-семиотик моделлаштириш
5.Морфологик ёндашув	5. Лингвистик	5.Ахборот оқимларини ўрганиш усуллари
6.Ишбилармонлик ўйинлари	6. Семиотик	6.Агентли моделлаштириш
	7. График	
	8.Тузумли лингвистик моделлаштириш.	
	9.Имитацияли динамик моделлаштириш	

### **3.3.1- расм. Кузатиш усулини гурухлаш**

Кузатиш тизимини самарадорлиги аниқлаганда кўпроқ танланган услубларни кузатиш тизими курсаткичларига боғлиқ(3.3.1- расм).

Кузатиш услуби қабул қилишни, кузатишни, ўтказишга боғлиқ ҳолда ўрганади. Кузатиш услубини танлашда интеграция ёки комплекс ҳар хил усулларни кузатиш ўтказилади, мутахассисларни билимини, тажрибасини аниқлаб беради. Ҳамма кузатиш услубини урта катта гуруҳга бўлиш мумкин:

- асосий билимларни ишлатадиган мутахассисларни;
- шакллантирилган кузатув услуби;
- комплекслаштирилган услуб.



**Биринчи гуруҳ**- тажрибали эксперт мутахассисларни фикрларини умумлаштириб усулларни асосийларини аниқлаштириш «SWOT» тахлили билан «Дельфа» усулини, «мақсадли дарахт», «ишбилармонлар ўйини каторидадир» .

**Иккинчи гуруҳ**- математик, иқтисодий-математик ва тизим моделени текширишда тизимни аниқлашда кўрсаткич усуллари. Қуйдаги синфларга бўлиш мумкин: аналитик, статистик, кўпқиррали назария, графикли ва ҳақозо.

Ҳозирги кунда кўпроқ иқтисодиётда математик моделлаштириш ва статистик усул ишлатилади.

**Учинчи гуруҳ** – умумлашлаган усул: комбинаторика, модели вазият, тапология, графосемиотика ва бошқалар. Улар эксперт ва уни шаклланган услублар интеграциялашув йули билан шаклланади.

Мутахассислар тизим тахлилини бажарувчи мутахассис ҳар бир синфлаштириш шартлигини тушуниши лозим. Улар ҳар хил модел ва услубларни кенг сонидан йўналишига ёрдам берувчи воситадир ҳолос. Таҳлил системасини ривожланиши, «ақлли ҳужум», «тўлиқ дарахт», қуйдаги усуллар билан ажратилган ҳолда қуйдаги тушунчаларни беради. Кўрсатилган терминлар у ёки бу тажрибали экспертларнинг фаоллигини жалб қилади, бошқа вақтда бу усуллар «тажрибали» деб аталади.

«Ақлли ҳужум» концепцияси 50 йилларда кенг маънода тарқалган бўлиб, «тизимли усулни назарий фикрланишидир» «одамларни янги ғоялар очишда мутахассислардан сифатли усуллардан ўрганиш ҳамдир».

Бу усул таниқли бўлиб "Ақлли бостириш" конференция ғояси , жамоа генератив ғояси, тип – усуллари маълумдир.

**“Сценариялар”** усули объектларни тахлилида ёки қўйилган муамоларни таъминлашда қўйилган вазифани келишишни тайёрлаш усули ҳисобланади. Саноатда, тармоқларда, амалиётда “Сценария” типлари буйича кўрсатмалар ишлаб чиқилади, бу эса ижтимоий иқтисодий оқибатда фан техника тараққиётини прогрессини мажмуи дастурини ҳар хил кўринишини ишлаб чиқади.

**Эксперт баҳолаш усули** Кўпчилик ишларда эксперт баҳолашни хусусиятларини қабул қилиш ўрганилади, унда эксперт шаклида кўпгина ишлар сўров қилиб чиқилади (ҳар хил анкета равишда, интервьюларда) баҳолашга яқинлашиб (меъёрлаш ва ҳар хил тартиб сақлашда) ва ҳақозо.

Мутахассис экспертлар у ёки бу воқеаларни қонун остида индивидуал баҳолашда жойларда мукамал текшириш ҳодисасини билмаган ҳолда экспертлар баҳолайди. Шундай қилиб олдиндан баҳони диапазон ичидаги характеристикани текширишни белгилашда гуруҳ экспертлари уларни жамоасини умумлаштирилганлигини тасдиқлайди.

“Дельфе” тип услуби , “Дельфе” услуби ёки “Дельфи” оркали услуби биринчилар қаторида О. Хельмер ва унинг сафдошлари интератив муложада мия хужуми ўтказилган бўлиб, бу эса рухий омилларни пасайтириш қобилиятини кайтаришни натижасини оширади. “Дельфе” муложаси тарғиботи ҳар хил даражада ишлатилади. Мия хужумида интератив циклда қисқартирилган кўринишда кетма- кетлиги ташкил этилади. Кўпроқ кийин вариантда яқка тартибдаги сўровнома кетма -кетлик дастури ишлаб чиқилиб анкета саволлари ёрдамида экспертлар ўртасида бир- бирига таъсир этмаган ҳолда танишмасдан фикр алмашишади.

**Марфология ғоясини** келишув асосида кўпроқ тизимли тузум топилиб кўйилган вазифалар ечимини муамоли варианты ёки элементлар тизими асосий аралашуви тизим тузумида йўналтиради. Тизим ва воқеелик ҳар хил усуллар билан бўлинади ва ҳар хил аспектларда кўриб чиқилади.

Морфологик ўрганишни кузатгич нуқтаси бўлиб қуйдагилар ҳисобланади:

- морфологик моделлаштиришни ҳамма объектларига тенг қизиқиш;
- ўрганилаётган тармоқни тўлиқ тузумини олинганлигига қадар, барча чекланма ва баҳоларни ликвидация қилиш;
- кўйилган муамони максимал аниқ шаклланиши.

Хўжалик ва бошқаришни янги билим усуллари билан самарали услуби ишбилармон ўйинлар ҳисобланади. Гуруҳ одамлари ёки инсон ва компютерларга белгиланган қоидаларни ўйин йўли билан ҳар қандай ҳолатда

бошқарув ечимини ишлаб чиқариш усули бўлиб ишбилармон ўйинлари ҳисобланади. Ишбилармон ўйинлар моделлаштириш ва имитация жараёнларидан таҳлилга чиқишда мураккаб амалий масалани ечишда, фикрлаш маданияти шакилланишини таъминлаш, бошқариш, муомила усталиги, қарор қабул қилинишида бошқарув усулини инструментал кенгайтиришга ёрдам қилади.

Ишбилармон ўйинлар мутахассисларни тайёрлаш ва бошқариш тизими таҳлили воситаси сифатида намоён бўлади. Ишбилармон ўйинларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатадики, уни бир неча бўлимларни кетма-кет ёзилишини мақсадли эканлигини кўрсатади ва қоидага асосан қуйидаги 9 та бўлимларга бўлинади:

- умумий тавсифнома;
- ҳолатни аниқлаштириш;
- ўйин мақсади;
- марказ вазифаси;
- ўйин қатнашчиларни вазифаси;
- шартли модел;
- шартли моделни таҳлили;
- ўйин қатнашчилари учун раҳбарлик қилиш;
- ўтказилган ўйин натижалари.

Тизимни таърифлаш амалиёти вақтида функция тизимини таъминлаб туриб бошқариш схемасини макрокўламда ёки корхона бўлимлар тузилишида ва уларга қарашли бўлган бошқарма аппаратига информация сифатида меъёрдаги шароитни яратади. Бошқача қилиб айтганда реал тизим функциясини ташкил этиб, бошқариш тизими рамкадаги танланган услубларни шакллантиришни расмийлаштиришда оптимал вариантни тузилиши танланади. Шунингдек макрокўламда тартибга солишни бирмунча терминалини туғрилаб чиқишдир. Қабул қилинган услуб тизимини расмийлаштиришда охириги натижа алмаштирилиб ва охирида ташкилий

объектда бошқариладиган механизмини яратиш керак.Бизга маълум бирор бир объектни моделлаштиришни тугаллашда бошланғич объектни , шундай объект самарадорлигини олиб келадиган худди шундай енгил , тезроқ арзон объект билан алмаштириш мумкин.Кўпгина турли кўринишдаги моделлар бор булиб жадвал ва график, физик модел,логистик математик иборада, машинали моделлари, имитация моделларидир.

Аник услуб танлаш шаклини расмийлаштиришда бошқариш тизимида кузатишни қайси шароитда руёбга чиқаришда бажарувчи қандай жавобгарлик масаласини қабул қилиш ва қайси даражани бошқариш ташкилоти текшириб чиқади.

**Тармоқли усул-** бошқариш вазифасини комплексини ечиш учун тизим шаклини кўрсатиб шу усул билан бирлаштиради.

Режалаштирилган сетевой усул қуйдагича таснифланади: инновацион фаолиятни бошқариш тизимини янги кўрилишларда ёки модернизацияда тизимли ишлаб чиқаришни ва шундай ёндашув асосида кўриб чиқишда узлуксиз бир жараёндан алоқадор операцияда бир мақсадли йўналтиришда кўриб чиқилади.

**Моделлаштиришни имитациявий динамик усули-** адабиётларда кўрсатилишича, асосий конкрет модел ва уни назорати натижасида мақсадли кўйилиши умумий қурилма услубида ва имитация моделлини ўсишини фойдалангандан сўнг вазифа тизими натижаси ҳисобланади. Ҳар қандай тизимни оғир тизим кўринишда баён қилинганда ҳар хил образда бир -бирига боғлиқ алоқадорлиги намоён бўлади. Элементлар ўртасидаги алоқа биринчи ўзгариш бир элементда бўлганда, ёпиқ ва очик бўлиши мумкин, контур орқали ўтганда тағин ҳам амал қилиши мумкин. Худди шундай реал тизим инерцияси бўлиб , тизимларни элементлар бўлиш контур алоқасини кечикиб узатишини аниқлайди. Моделни объективлик кўрсатиб биладиган ички тизим модели тизимидан имитациявий ўзгариш модели кўрилганидан сўнг олдиндан давомини вақт мумкин этганлигини модел кўрсатмасини компьютер ёрдамида текширилади, бу бутун системани назорат ўтказишни имкониятини

беради. Иммитациявий модел ўсиши хусусиятли аппарати ҳар элементни ўсиш динамикасини элементлар ўрганишдаги алоқадорлик сабабини кўрсатади.

**Ахборот оқимини назорат усули.** Ташкилий бошқариш тизимини қайта кўриш усули материаллари кўришдан олдин ахборот оқимини назорати ўтказилади. Бундай назоратни мақсади ахборот жараёнини шаклланишини ўрганишдир ва олдиндан ишлаб чиқилган дастурда ўтказилади. Дастурда кўрсатилишича, қандай бажарилиши дастурий мисол келтирамиз. Мисол қилиб келтирилган саволларда ҳужжатларни шаклини ўрганишда техникавий қайта ишлов билан тўлдирилади:

- ҳужжатларни белгилаш;
- бир вақтнинг ўзида чиқарилаётган нусхалар сони;
- ҳужжатлар кўрсаткичлари ва реквизитлар мажбуриятлари номлари;
- ким томонидан реквизит кўрсаткичлари тўлдирилган;
- кўрсаткичлар шаклланиш қоидалари;
- ҳар қайси кўрсаткични моҳияти;
- ҳужжатларни тузишни кетма - кетлиги;
- кўрсаткичлар ишлаб чиқаришни тозаллиги.

Бир вақтни ўзида мақсадли масала маълумотларини олишда ҳужжатлар оқимини ўрганиш билан ҳар қандай бошқариш органлари борлигини ҳужжатлари тўғрисида кўрсатма беради.

Худди шундай назорат дастурига функция тушунтириш жараёни ёрдамида бошқариш органларини алоҳида ишчи гуруҳида саволларни киритиш мувофиқдир.

Назорат объекти ҳужжатли ва ҳужжатсиз хабарларни ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқаришни кўрсаткичлар шаклланиш жараёни маршрут йуналишларида ҳужжатлаштиради ва ахборот моделини асосий белгилашда бор оқим ҳужжатларини ахборот бошқариш фаолиятини кўрсатади.

**Иқтисодий моделни аниқлаш.** Ҳар қандай иқтисодий кўринишларни ўрганиш учун иқтисодчилар тизимли вазифаларни қарорларни шаклланган қисқача қайд қилишга иқтисодий модел дейилади. Мисол қилиб, фирма

моделли, иқтисодий моделни ўсиши, товарда бир хил мувозанатни молия бозори, омиллари ва бошқа иқтисодий моделлар ҳисобланади. Ҳар қандай иқтисодий модел тизими таҳлили асосий бош инструменти бўлиб, иқтисодий тизимнинг асосий хусусиятини ўзида акс эттиради.

Иқтисодий соҳада асосий инструментнинг қарорини қабул қилишда иқтисодий назария тузимини ҳозирги замонга олиб келувчи модели ҳисобланади.

Иқтисодий модел иқтисодий функционал объектларини хусусиятларини кўрсатиб ва шу асосида бошқа ўлчамини кейингисини олдиндан кўрсатиб беради. Олдинда гапириш, кейинги ўзгаришларни масалан, алмаштириш курсининг ўсиши, иқтисодий конъюктурани ёмонлашиши, фойдани пасайишини олдиндан кўра билишга боғлиқлигини кўрсатади.

Шунинг билан биргаликда ҳар қандай иқтисодий модел ўзининг аниқлашни абстракт ва кетма -кетлик туликсиз бир неча мавжуд омиллари ажратишда иқтисодий объектда аниқланган қонуниятли функциялаштиришни кўриб чиқиб, улар бошқа омиллари абстракт бўлади. Шунга қарамадан кам боғлиқлигини кўрсатади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни асосий иқтисодий қонунлар асосида таърифлаб беринг?
2. Инновацион фаолиятни тизимли ёндашуви нима?
3. Тизимлар таснифига нималар киради?
4. Инновацион бошқарув тамойиллари?
5. Келгусида корхоналарда инновацион лойиҳаларни ривожлантириш режаларини тушунтириб беринг?
6. Тизимли масалаларни аниқланг?
7. Тизимли масала қандай қилиб бухгалтерия ҳисоби вазифасидан фарқ қилади?
8. Макро кўламда асосий бозор, тармоқ, корхона тизимли масала бўйича мисол кўрсатинг?
9. Инновация фаолият инфратузилмасини таърифлаб беринг?

10. Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш режаларини тушунтириб беринг?

## **IV Боб. Инновацион фаолият инфратузилмасининг ташкилий-иқтисодий механизмлари**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда фан- таълим ва ишлаб чиқариш тизимлари интегралаш инновациясини, инновацион ишланмаларни лойиҳаларини молиялаштиришни, инновацион бозорини ривожлантириш ва инновацион иқтисодиётда интеграцион алоқаларни ташкил этиш ва бошқаришни ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион ишланмалар, инновацион лойиҳалар, инновацион кластерлар, инновацион концепция, инновацион маҳсулотлар, рақобатбардошлик, инновацион ишланмалар, инновацион технологиялар, инновацион ривожлантириш, инновацион бозор, инновацион иқтисодиёт, тавакалчилик (риск)лар, тавакалчилик (риск)ларни бошқариш.*

### **4.1. Корхоналарда инновацион инфратузилмасининг ташкилий-иқтисодий механизмлари**

Республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бозор муносиботларини шакллантириш жараёнида, мамлакатимиз ва ҳорижий тадқиқотлар томонидан қатор илмий изланишлар ва фундаментал тадқиқотлар манбаларни давлат томонидан қўллаб -қувватланиб «инновация» - жараён сифатида қаралди.

Инновациянинг динамик ва статистик жиҳатлари бўлиб, динамик жиҳатдан инновация иқтисодий кўрсаткичларни тақлил қилиш жараёни. Статистик жиҳатдан инновация – илмий-ишлаб чиқариш циклининг (ИИЦ) пировард натижасидир. Ушбу натижаларда ўзига хос ҳам ўз муаммоларга эга бўлади. «Инновация» ва «инновациявий жараёни» атамалари ўзаро яқин бўлсада, аммо улар бир хил эмас. Инновациявий жараён инновацияларнинг шакиллари яратиш, ўзлаштириш тарқатиш билан боғлиқдир илмий изланишлар; фундаментал тадқиқотлар; инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш; инновацияни яратувчилар маҳсулотнинг ҳаётий цикли ва иқтисодий самарадорлик каби мезонлардан кенг фойдаланади. Уларнинг стратегияси,



агротармоқ ва замонавий янгиликларни яратиб, рақобатдошлардан устун бўлишдир.

Корхоналарда давлат томонидан инновацияни тартибга солишда илмий-техник ишланмалар, янгиликлар илмий-ишлаб чиқариш жараёни ундан олинган иқтисодий самараси ва амалиётга қўлланилиш жараёни ўз-ўзидан илмий-техник инновацияларга айланади. Илмий-техник ишланмалар ва илмий натижалар кашфиётлар янги билимлар асосида, ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида вужудга келади. Илмий-техник инновациялар (ИТИ)- ишлаб чиқариш жараёнидаги янги ғоя, билимлар, кашфиётлар ва илмий-техник ишланмаларнинг моддийлашган кўринишидир. Илмий-техник инновацияларнинг асосий мақсади - истеъмолчилар эҳтиёжини илмий асосда қондириш орқали фойда олишдир. Инновациянинг хусусиятларидан бири илмий-техник янгилик ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланилишини кўзда тутилган. Инновацияни тижорат нуқтаи назаридан амалга ошириш мумкин. Унга эришиш учун муайян шароитлар мавжуд бўлиши лозим.

Корхоналарда иқтисодий ривожланишини ҳар томондан давлат томонидан тартибга солишда инновация ва инновациявий жараённи шакллари хисобга олади. Чунки инновация учун учта хусусият мавжуд:

1. Илмий-техник янгилик.
2. Ишлаб чиқаришда қўлланилиши.
3. Тижорат нуқтаи назаридан амалга оширилиши бир хил хизмат қилади.

Агар бирортаси қатнашмаса, инновациявий жараёнга салбий таъсир кўрсатади. Тижорат жиҳати инновацияни бозор эҳтиёжларини қондиришга иқтисодий зарурият сифатида таърифлаш мумкин. Бунда инновацияларни янги техник такомиллашган маҳсулотга айлантирувчи «моддийлаштириш» ва уларни даромад манбасига айлантирувчи «тижоратлаштириш» эътиборга олинади.

Корхоналарда технологик инновациялар бу корхонанинг технологик янги маҳсулотлар ва жараёнларни, маҳсулотлар ва жараёнларда сезиларли даражада

такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади.

Корхоналарда инновацион жараёни шакллари давлат томонидан қўллаб-қувватлашда илмий-техник инновациялар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- а) янгиликка эга бўлиши;
- б) бозор эҳтиёжини қондириши;
- в) ишлаб чиқарувчи фойда олиши.

Инновацияларни амалиётга тадбиқ этиш ва уларни яратишда, инновация жараёнининг шакллари (ИЖШ) таркибий қисми ҳисобланади.

Корхоналарда инновация жараёнини учта мантиқий шаклга ажратиш мумкин:

1. Оддий ташкилот ичидаги (натурал), 2. Оддий ташкилотлараро (товар), 3. Кенгайтирилган.

1. Оддий ташкилот ичидаги инновацияни яратиш ва ундан фойдаланиш битта корхона таркибида бўлади. Бунда инновация бевосита товар шаклини олмайди.

2. Оддий ташкилотлараро инновация жараёнида инновация олди-сотди предмети бўлиб хизмат қилади. Бунинг вазифаси инновацияни яратиш ва ишлаб чиқариш функциясини истеъмол қилиш функциясидан ажратади.

3. Кенгайтирилган инновация жараёни инновация маҳсулотлари ишлаб чиқарадиганларни ортиб боришида намоён бўлади. Бу эса мамалакатда ўзаро рақобат натижасида ишлаб чиқарилаётган, маҳсулотнинг истеъмол даражасининг ортиб боришига ва уни қадрланишига хизмат қилади.

Инновация жараёни шароитида иккита хўжалик субъекти фаолият юритади: 1. Инновация ишлаб чиқарувчи (яратувчи). 2. Истеъмолчи (фойдаланувчи).

Агарда инновация технологик жараён кўринишида бўлса, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи битта хўжалик субъектида бирлашган бўлади.

Инновация жараёни товар жараёнига айланиб бориши натижасида иккига бўлинади:

а) яратиш ва тарқатиш; б) инновация диффузияси функциясини бажаради.

Бирлашган қисмида асосан, илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларининг кетма-кет босқичлари, тажриба ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этишни ва тижорат ишлаб чиқаришини ташкил этишни ўз ичига олади. Яратиш ва тарқатиш қисмида инновациянинг фойда олиш ва самара олиши амалга оширилмайди. Балки уни амалга ошириш учун шароит яратилади. Иккинчи қисмида жамият учун фойда олиш инновация ишлаб чиқарувчилари, ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида қайта тақсимланади. Диффузия натижасида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар сонининг ошиши ва уларнинг сифат кўрсаткичлари ўзгаради. Инновациявий жараёнларнинг доимийлиги, инновацияларнинг бозор иқтисодиётидаги диффузияси тезлиги ва кенгайишига таъсир кўрсатади.

Инновациявий жараённи самарали бошқаришни ташкил этишнинг иккита йўналиши мавжуд:

1.Инновация лойиҳаларини барча босқичларини ягона узлуксиз жараёнга бирлаштириш, бошқарув тизимининг барча поғонолари тузилмасини ўзгартириш, улар ўртасидаги алоқаларни вертикал ва горизонтал мувофиқлаштириш. Бундай тенденциялар, йирик миқёсдаги вазифани бажариш ва ресурсларни жамлашда пайдо бўлади;

2.Инновация жараёнларни бошқарув тизимини бошқаришни мустақил объектига ажратиш, ҳамда инновациявий тузилмаларнинг ишлаб чиқариш функцияларини, тармоқдаги иш бажарувчи бўлинмалардан ажратишдан иборат.

Амалиётда, биронтасига устунлик бошқарувчисида берилган иккала ёндашув ҳам қўлланилади. Бунда йирик илғор чет эл компаниялари, бозордаги ўзгаришларига жавобан, мавжуд ресурсларни қайта гуруҳлаш мақсадида ўз илмий-ишлаб чиқариш мажмуасини қайта ташкил этилишини амалга оширадilar. Инновациявий жараённи амалга ошириш учун корхона ташкилий

тузилмасини оптималлаштириш, юкори раҳбариятнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Инновацияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш учун, одатда, мустақил корхона каби фаолият юритувчи, яъни ўз ишлаб чиқариш ва бозор сиёсатини амалга оширувчи махсус бўлинмалар ташкил этилади. Ушбу бўлинмалар савдо ва даромад ҳажми динамик ўсиб боришида ўз фаолиятини юритади, ўсиш секинлашганда эса улар қайта ташкил этилади: бошқа бўлинмалар билан кўшилади, ёки кичикроқ мустақил бўғинларга бўлинади. Агарда бир вақтнинг ўзида бир нечта бўлинмаларда илмий-техник муаммолар вужудга келса, уларни енгиб ўтиш учун махсус бўғин ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Иккита бўғин манфаатлари ўртасида зиддиятлар келиб чиққан тақдирда, бир вақтнинг ўзида иккита бўлинма ишини назорат қилиб борадиган «соябон» гуруҳ тузилади.

Инновациявий фаолият ривожланишининг ўзига хос тенденцияси сифатида корхоналар ўртасида бир бири билан интеграциявий алоқаларни излаш хизмат қилади. Бу молиявий маблағлар танқислиги, кредитларнинг қимматлиги, илмий-тадқиқот ишларининг мураккаблашуви ва қимматлиги, маҳсулот ҳаётий цикли давомийлигини қисқариши, турли хил технологиялардан мажмуавий тарзда фойдаланиш заруриятидан келиб чиқади..

Шунинг учун ҳам инновациявий фаолиятни амалга ошириш учун корхоналар ўртасидаги кооперация, кўпгина ҳолларда корхона ичида инновациявий фаолиятни ташкил этишга нисбатан самарали бўлиб чиқади. Бундай кооперация қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- компаниялар томонидан пай асосида яратиладиган тармоқ институтлари;
- университетлар ва компаниялар бирлашуви базасида пайдо бўладиган инновациявий марказлар;
- молия-саноат гуруҳлари (МСГ), холдинглар ва бошқа йирик бирлашмалар.

Ҳозирги шароитларда муваффақиятли илмий-техник ривожланишга корхоналарнинг МСГлар, холдинг тузилмалари ва бошқа йирик бирлашмаларга

интеграцияси ёрдам беради. У ердаги алоқалар горизонтал (тармоқ), вертикал (тармоқлараро), аралаш (вертикал плюс горизонтал) ва диверсификацион (бирлашиш – қўшиб олиш асосида) турларга ажратилади. Одатда, динамик ривожланаётган МСГлар таркибида илмий-тадқиқот ва технологик марказлар, лабораториялар каби ихтисослашган инновациявий тузилмалар ташкил топган бўлса, етакчи стратегиясини амалга ошираётган МСГлар таркибида венчур тузилмалар мавжуд бўлади.

Корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили асосида қайд этиш мумкинки, корхона ўлчами, умуман олганда, инновациявий жараён самарадорлигига таъсир кўрсатмайди. Йирик корхоналарнинг устунликлари қуйидагилар:

- қимматбаҳо инновацияларни амалга ошириш учун катта моддий, молиявий ва интеллектуал ресурслар мавжудлиги;
- турли билим соҳаларидаги мутахассисларни бирлаштирувчи кўп мақсадли тадқиқотларни ўтказиш имконияти;
- параллел тарзда бир нечта ишланмаларни олиб бориш ва улардан оптимал вариантни танлаш имконияти;
- айрим инновациялар муваффақиятсиз тугаганда банкротликка учрашнинг паст эҳтимоли.

Кичик корхоналарнинг устунликлари қуйидагилар:

- ўзига хос ишларга тезда ўз эътиборини қаратиш, мобиллик ва ноанъанавий ёндашув;
- йирик корхоналар учун олиниши мумкин бўлган натижалар истиқболсиз, чекланган ёки кам даромад ва катта таваккалчиликга эга бўлган соҳаларда фаолият юритиш имконияти;
- бюрократик бошқарувнинг деярли йўқлиги.

Инновациявий менежментнинг ташкилий тузилмалари – инновациявий фаолият, илмий -тадқиқотлар ва ишланмалар билан шуғулланадиган ташкилотлардир.

Илмий ташкилот – илмий тадқиқотлар ва ишланмалар асосий фаолият тури

бўлган ташкилот (муассаса, корхона, фирма). Илмий -тадқиқот ва ишланмалар ташкилот таркибига кирувчи бўлинмалар учун асосий фаолият тури бўлиши мумкин. Бундай бўлинмаларнинг мавжудлиги ташкилот иқтисодиётнинг қайси соҳасига, ёки мулкчиликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига тегишли бўлишига боғлиқ эмас.

#### **4.2. Инновацион ишланмалар ва технологиялар трансферини ривожлантириш**

Бозорда эҳтиёж сезилган янги маҳсулот инновацион шаклларга асосан ғоя яратилгандан кейин, эксплерент корхона олдида ишлаб чиқариш ҳажми муаммоси келиб чиқади. Бунинг учун эксплерентлар йирик корхона билан бирлашмани ташкил этади.

**Эксплерент** ўз инновациявий маҳсулотини оммавий тарзда мустақил ишлаб чиқара олмайди. Ишлаб чиқаришни оммавий йўлга қўймаслик эса турли хил ўхшаш маҳсулотлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Йирик ва кучли корхона билан иттифоқ ҳосил қилиш эса, фойдали шароит ва қайсидир маънода ўз мустақиллигини сақлаш имкониятини беради.

Бундай корхонанинг инновациявий менежери товар харидорининг хусусиятлари ва бозордаги вазият тўғрисида ҳабардор бўлиши, мумкин бўлган инқирозларни аниқ ва ишончли олдини олиши лозим. Корхоналар бошқарувининг ташкилий схемаси уларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Эслатиб ўтамиз, бошқарувнинг ташкилий схемаси – ҳуқуқ ва масъулиятлар тақсимланишидир.

Умумий кўринишда инновациявий жараён моделини қуйидагича кўрсатиш мумкин

**ФТ - АТ - И - Л - Қ - Ў - ҚИЧ - М - С,**

Бу ерда: ФТ – фундаментал (назарий) тадқиқотлар;

АТ – амалий тадқиқотлар;

И – ишланмалар;

Л – лойиҳалаштириш;

Қ- қурилиш;

Ў – ўзлаштириш;

ҚИЧ – корхоналарда ишлаб чиқариши;

М – маркетинг;

С – савдо.

Инновациявий менежернинг асосий мақсади – корхоналарнинг ҳаётий фаолиятидаги таваккалчиликни пасайтириш ва ходимлар иши учун қулай шароитларни яратишдир.

Йирик бизнес соҳасида виолент-корхоналар фаолият кўрсатади. **Виолент-корхоналар** – «куч» стратегиясига эга корхоналардир. Улар йирик капитал ва технологияларни ўзлаштиришнинг юқори даражасига эга. Виолентлар ўртача сифат ва нархдаги маҳсулотларга талабни шакллантирувчи истеъмолчиларнинг кенг доираси учун оммавий тарзда маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар. Виолентлар ишлаб чиқариш максимуми «атрофида» иш юритадилар. Уларнинг илмий-техник сиёсати маҳсулотни ишлаб чиқаришга кўйиш (шу жумладан лицензиялар харид қилиш); маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш; инвестициялар ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш; машина ва ускуналар паркини алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилишни талаб қилади.

Патент-корхоналар каби виолент-корхоналар ҳам фойдали. Фойдалилик – корхоналар фаолиятининг асосий шартидир. Улар инновациявий менежер лавозимига эга ва ўз сиёсатини ўзгартиришда жуда ҳам эҳтиёткор бўлиши лозим. Миллий-маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган кичик бизнес билан коммутант-корхоналар шуғулланади.

**Инновациявий жараён модели** ушбу формула таҳлили, унинг турли элементлари ўртасидаги тесқари алоқа омиллари, ҳамда 10 йилдан кўпроқ давом этиши мумкин бўлган **ФТ – Ў** циклининг давомийлигини ҳисобга олмасликни талаб этади. Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган ҳар бир фаза ҳам (**ФТ-АТ; Л-К**) етарлича мустақил.

Инновациявий жараённинг бошланғич босқичи бўлиб **ФТ** (назарий тадқиқот) хизмат қилади, ва бу илмий фаолият тушунчаси билан боғлиқ.

Албатта, (ФТ, АТ, И, Л, +, Ў ва ҚИЧ) циклининг ҳар бир алоҳида элементи ФТ билан боғлиқ илмий фаолият билан тўлдирилган.


Инновациялар пайдо бўлишининг асосий сабабчиси бўлмиш, илмий ишнинг ўзи нима? Илмий иш – янги, оригинал, тасдиқловчи маълумотлар ва ахборотни олиш ва қайта ишлашга йўналтирилган тадқиқот фаолиятidir. Ҳар қандай илмий иш янгиликка, оригиналликка, тасдиқлашга асосланган бўлиши лозим.

ФТ дан ҚИЧ га қадар янги маълумот ва ахборотлар миқдори камайиб бориши тавсифийдир. Тадқиқот фаолияти кўпгина ҳолларда кўникмалар, тажриба ва стандарт усуллар билан алмаштирилади.

ФТ-ни пировард маҳсулот нуқтаи назаридан кўриб чиққанда, фақатгина муаммо соҳасига тегишли янги, оригинал, тасдиқловчи маълумотлар ва ахборотларни олиш ва қайта ишлашга йўналтирилган тадқиқот фаолиятини ажратиш лозим.

Назарий (ФТ) тадқиқот муайян амалий масалаларни ечиш билан бевосита боғлиқ эмас. Аммо, айнан у инновациявий жараён пойдевори ҳисобланади. Шу билан бирга, назарий тадқиқотлар зарурияти амалиёт эҳтиёжлари ва предмет тўғрисидаги дастлабки билимлар синтези билан таъкидланган бўлиши ҳам мумкин.

Фундаментал тадқиқотлар, одатда, амалий тадқиқотларда ўзини топади, аммо бу бирданига содир бўлмайди. Ривожланиш 4.2.1-расм бўйича амалга оширилиши мумкин:



#### 4.2.1 –чизма. ФТ ривожланиши

Фундаментал тадқиқотларнинг айримларигина АТ - И- Л ва ҳоказоларга айланади. Фундаментал тадқиқотларнинг тахминан 90 фоизи манфий натижага эга бўлиши, мусбат натижага эга бўлган қолган 10 фоизи эса ҳаммаси ҳам



амалиётда қўлланилмаслиги мумкин. Фундаментал тадқиқотларнинг мақсади – жараённи англаш ва ривожлантириш.

Амалий тадқиқотлар (АТ) эса умуман бошқа йўналишга эга. Бу – «билимларни буюмлаштириш», янги маҳсулот, технологик схема ва ҳокозоларни узатишдир.

Ишланмалар натижасида янги машина ва ускуналар конструкциялари яратилади, бу эса аста-секин лойиҳалаштириш (Л), қурилиш (Қ), ўзлаштириш (Ў) ва саноат ишлаб чиқариши (СИ) фазаларига ўтади. (М - С) фазалари инновациявий жараён натижаларининг тижорат нуқтаи назаридан амалга ошириш билан боғлиқ.

Шундай қилиб, инновациявий менежер инновациявий жараённинг турли хил босқичлари билан иш кўради, ва уни эътиборга олган ҳолда ўз бошқарув фаолиятини барпо этади.

#### **4.3. Инновацион инфратузилма ташкилотлари тузилмалари**

Инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари ва унинг хусусиятларини ўрганганимизда инновациявий менежмент муҳим ўрин эгаллайди – инновациявий жараёнлар, инновациявий фаолият, ушбу фаолиятда банд бўлган ташкилий тузилмалар ва уларнинг персоналини бошқариш тамойилларини, хусусиятларининг услуб ва шакллари йиғиндисидир.

Янгилик – самарадорликни ошириш бўйича фаолиятнинг бирор соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, ишланма ва тажрибалар натижасидир.

Янгиликлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- кашфиётлар;
- товар белгилари;
- рационализаторлик таклифлари;
- янги такомиллаштирилган маҳсулот ёки технология хужжатлари;
- ноу-хау;
- илмий ёндашувлар ёки тамойиллар;
- маркетинг тадқиқотлари натижалари ва ҳ.к.

Асосий мақсад – янгиликни жорий этган ҳолда уни инновация шаклига айлантириш, яъни инновациявий фаолиятни тугаллаш ва ижобий натижага эга бўлган ҳолда инновациялар диффузиясини давом эттиришдир.

Инновация – бошқарув объектини ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ва бошқа самара турларини олиш мақсадида янгиликни жорий қилиш натижасидир.

«Инновациявий фаолият» тушунчасини изоҳлашга бўлган назария ва амалиётдаги айрим фарқларни таъкидлаб ўтиш лозим. Бунинг асосий сабаби шундаки, замонавий шароитларда инновациявий фаолият инновацияларни бошқариш тизимининг асосий элементларидан бири ҳисобланади ва демак, унинг тузилмасини ташкилий шакллари, функциялари, бошқариш услуб ва воситаларига, ҳамда фаолият мақсадларига катта таъсир кўрсатади.

Аммо инновациявий фаолият тўғрисида, инновация объекти сифатида тўлароқ тасаввур шакллантириш учун, ушбу тушунчани бир неча жиҳатларини кўриб чиқиш лозим:

**биринчидан**, бу объектив иқтисодий қонунлар асосидаги фан ва техниканинг ўзаро боғлиқ ривожланиши жараёнидир. У хўжалик амалиётида янги илмий билимларни яратиш, тарқатиш ва амалий қўллаш йўли билан, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини хал этишга йўналтирилган, ишлаб чиқариш базаси янгиланишини назарда тутаяди;

**иккинчидан**, бу ишлаб чиқариш инновациявий салоҳиятини ташкил этувчи элементлар мажмуасидан фойдаланишдир. Бу ерда юқори малакали илмий ва ишлаб чиқариш кадрларини эксплуатация қилиш соҳасидаги жараён ва ходисалар, ҳамда ходимларнинг корхона инновациявий фаолияти натижаларига бўлган қизиқишини рағбатлантирувчи ташкилий, ижтимоий, экологик, ҳуқуқий тадбирлар кўриб чиқилади.

Шундай қилиб, умумий кўринишда инновациявий фаолият асосини фундаментал назарий тадқиқотлар ташкил этади. Бундай тадқиқотларнинг натижаси – олдин номаълум бўлган қонунлар, объектив мавжуд ҳодиса ва жараёнларнинг илмий кашф этилишидир. Кейинчалик, янги билимларни


амалиётда қўллаш имкониятлари ўрганилиши давомида, уларни моддийлаштириш усул ва шакллари ишлаб чиқилади. Тадқиқотлар турли хил йўналишларда олиб борилган ҳолда, улардан ҳам ижобий, ҳам салбий натижалар олинishi мумкин. Бунда салбий натижалар ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқот предмети тўғрисидаги билимларни кенгайтиришга ёрдам беради. Янгиликни тарқатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг у янги сифат даражасига чиқади ва инновацияга айланади. Инновацияни бозорга киритиш жараёнини тижоратлаштириш деб аташ қабул қилинган. Янгилик пайдо бўлиши ва уни инновацияга айланиши ўртасидаги вақт оралиғи инновациявий лаг деб аталади.

Инновациявий фаолият илмий, илмий-техник натижа ва интеллектуал салоҳиятни, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (хизмат, жараён, усул) олиш мақсадида қўллашга йўналтирилган бўлади. Бозор шароитларида инновациявий фаолиятнинг асосий компонентлари бўлиб, инновациявий фаолият соҳасини ташкил этувчи янгиликлар, инвестициялар ва инновациялар хизмат қилади. Иқтисодиёт реал секторидаги кўпчилик корхоналар инновациявий фаолиятини бошқариш, бевосита инновациявий жараён орқали келажакдаги натижаларга эришишга қаратилган.

**Инновацион ташкилотлар жараёни тузилмалари** – жуда ҳам кенг тушунча бўлиб, ташкилотларни ташкилий шакллари ва унинг хусусиятларини турли нуқтаи назардан турлича талқин қилиш мумкин. **Биринчидан**, бу илмий-тадқиқот, инновациявий, ишлаб чиқариш фаолияти ва маркетингни параллел - кетма-кет амалга оширилишидир. **Иккинчидан**, уни янгилик ҳаётий циклининг вақтинчалик босқичлари сифатида кўриш мумкин. **Учинчидан**, маҳсулот ёки хизматлар янги турини ишлаб чиқиш ва тарқатишни молиялаштириш ва инвестициялаш жараёнидир. Бунда унинг таснифи инновациявий лойиҳа сифатида ўзини намоён этади.

Инновациявий ташкилотларнинг тузилмалари таснифи ва вазифалари жараёни деганимизда, илмий билимни инновацияга айланиш жараёнини тушунамиз, яъни ходисаларнинг шундай кетма-кетлигини унда инновация

ғоядан тортиб пировард махсулотга айланади ва инновациявий жараён схемаси 4.3.2-расмда.



#### 4.3.2-расм. Инновациявий жараённинг умумлаштирилган схемаси

Инновациявий жараённи хусусиятлари инновация жорий этилиши билан тугамайди, чунки тарқалиб бориши билан махсулот такомиллаштирилади ва унинг самараси оширилади. Инновацияларни ташкилий шакллари бошқариш илмий-техник ғоя шаклланишидан тортиб уни тижорат асосида амалга оширилишигача бўлган барча қадамлар (бошқарув цикллари) йиғиндисини қамраб олади. Ҳар бир янгилик ғояси яратилишидан уни амалга оширилишигача бўлган вақт даври инновациявий цикл деб аталади, ва у қуйидагича тузилмага эга. Инновациявий менежернинг асосий мақсади – корхона ҳаётий фаолиятидаги таваккалчиликни пасайтириш ва ходимлар иши учун қулай шароитларни яратишдир.

Инновациявий ташкилотлар жараёнларини амалга ошишининг самардорлиги кўпгина омилларга боғлиқ бўлади:

➤ бошқарув тизимидаги ҳар бир алоҳида бўғин ишининг ўзаро мувофиқлиги;



**4.3.3-расм. Инновациявий цикл босқичлари**

- бошқарув сифати ва тўлиқлиги;
- ахборот-услубий таъминоти ва ҳ.к.

Инновацияларни бошқариш тизимининг юқорида қайд этилган барча элементлари фаолияти тўлиқ ўзаро мувофиқлаштирилгандагина, ушбу жараён бутунлиги ва узлуксизлиги, илмий-техник натижаларга эга бўлиш ва уларни ўзлаштириш муддатларини қисқариши таъминланиши мумкин. Инновациявий фаолият бошқарувини ташкил этиш, бошқарув жараёнининг барча элементлари ягона тизимга бирлаштиради ва у инновацияни яратиш ва амалга оширишда, яъни инновациявий жараённинг ўзида шакллана бошлаши лозим.

Корхонада инновациявий фаолиятни бошқаришнинг ташкилий шакилларини самарали тизимларини яратиш ва ривожлантириш имконияти кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришнинг шаклланган даражаси, бошқарув тизими ва механизмнинг аҳволи, бошқарув ташкилий тузилмасининг тури ва йўналтирилганлиги, хўжалик ва инновациявий сиёсат тенденциялари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Инновациявий фаолиятни бошқаришнинг вазифаларида, биринчи навбатда, корхоналар инновациявий фаоллиги ўсишини таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак. Ушбу муносабат билан, ҳар бир корхона учун инновацияларни бошқаришнинг услубий ва амалий муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, инновацияларни самарали бошқаришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Корхоналарни мақсадга эришиш мумкин бўлиши учун қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиши лозим:

мақсад аниқ ва тўғри ифодаланиши, аниқ ўлчов birlikлари билан (пул, натурал, меҳнат);

ҳар бир мақсад вақт билан чегараланган бўлиши, яъни унга эришиш муддати белгиланган бўлиши лозим;

мақсадлар узоқ муддатли (10 йилгача), ўрта муддатли (5 йилгача) ва қисқа муддатли (1 йилгача) бўлиши мумкин;

мақсадлар шароит ва назорат натижалари ўзгариши билан аниқлаштирилиши мумкин;  
мақсадлар эришиладиган бўлиши лозим;

мақсадлар бир-бирини инкор этмаслиги керак.

Инновацион фаолиятнинг стратегик режалаштириш корхона ички ва ташқи муҳитининг батафсил таҳлилига таянади, яъни:

режалаштирилаётган даврда рўй бераётган ёки рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар баҳоланади;

корхона мавқеига ҳавф туғдирувчи омиллар аниқланади;

корхона фаолияти учун қулай бўлган омиллар ўрганилади.

Ташқи муҳитда рўй бераётган жараён ва ўзгаришлар корхонага муҳим таъсир кўрсатади. Ташқи муҳит билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар – иқтисодиёт, сиёсат, бозор, технология, рақобат ва бошқалардир. Рақобат айниқса муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам асосий рақобатдошларни топиш ва уларнинг бозордаги мавқеини (бозордаги улуши, савдолар ҳажми, мақсадлари ва ҳ.) аниқлаш лозим. Қуйидаги йўналишлар бўйича тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

рақобатдошларнинг жорий стратегиясини баҳолаш (уларнинг бозордаги ҳатти-харакатлари; товарларни илгари суриш услублари ва ҳ.к.);

ташқи муҳитнинг рақобатдошларга таъсирини ўрганиш;


рақибларнинг фан-техник ишланмалари тўғрисида ахборот йиғишга ҳаракат қилиш, уларнинг келажакдаги ҳатти-ҳаракатларини прогнозлаш ва жавоб қайтариш йўлларини белгилаш.

Рақобатдошларнинг кучли ва ожиз томонларини батафсил ўрганиш ва уларнинг натижаларини корхона кўрсаткичлари билан таққослаш рақобат кураши стратегиясини яхшироқ ўйлаб чиқишга имкон беради. Ижтимоий-хулқий ва экологик омиллар ташқи муҳитнинг жиддий омиллари қаторидан жой олган. Корхона демографик вазият, таълим даражаси ва ҳоказо ўзгаришларни эътиборга олиши лозим. Мисол учун, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнида юзага келган кадрлар тайёрлаш зарурияти, менежмент, маркетинг ва бошқа иқтисодий фанлар бўйича ўқув қўлланмалари бозорини кенгайтиради. Ички муҳит таҳлилининг таснифини асосий мақсади корхона фаолиятидаги кучли ва ожиз томонларни аниқлашдир.

Инновацион фаолиятнинг ташкилий шаклларини ва унинг хусусиятларини ўрганганимизда стратегия назарияси эмпирик тадқиқотларнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Корхоналарда асосий қарорларни қабул қилувчи раҳбарлар янгиликлардан фойдаланиш стратегияси билан ўзини қанчалик боғлагани даражаси уларнинг бир-биридан асосий фарқи бўлиши мумкин. Агарда янгиликни жорий этиш раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланса, унинг жорий этилиш эҳтимоли ошади. қарор қабул қилиш жараёнига раҳбариятни жалб этиш билан стратегик ва молиявий мақсадларнинг аҳамияти ҳам ошади.


Инновацион фаолиятдаги вазифаларни ишлаб чиқилган стратегия камдан-кам ҳолатларда тўлиқ ва расман бўлади ва қисман раҳбар ходимларнинг баҳолари ва олдиндан кўра билишига асосланади.

Стратегияни ишлаб чиқиш қуйидагича амалга оширилиши мумкин (4.3.4-расм).



#### 4.3.4- расм. Стратегик режалаштириш фазалари (босқичлари)

Бу босқичлар ичида энг мураккаби А-босқич бўлиб, уни амалга ошириш механизми (4.3.5-расмда ).



#### 4.3.5-расм. Стратегияни ифодалаш

Кўпгина стратегиялар янгилик билан боғлиқ ғоядан сўнг пайдо бўлади. Инновациявий стратегияни таснифида ишлаб чиқишнинг асосини маҳсулот ҳаётий цикли назарияси, корхонанинг бозордаги мавқеи ва корхона томонидан олиб борилаётган фан-техника сиёсати ташкил этади.

Инновациявий стратегияларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

**Хужумкор** – ўз фаолиятини ишбилармонлик рақобатига асословчи корхоналар учун характерли. Бундай стратегия кичик инновациявий корхоналарга мансуб.

**Ҳимоякор** – мавжуд бозорлардаги корхона рақобат мавқеини ушлаб туришга қаратилган. Бундай стратегиянинг асосий функцияси – инновациявий жараёнда «харажат - натижа» нисбатини фаоллаштириш. Бу стратегия интенсив ИТТКИни талаб қилади.

**Имитацион** – кучли бозор ва технологик мавқега эга корхоналар томонидан фойдаланилади.

Имитацион стратегия, бозорга бирор бир янгиликни киритишда етакчи бўлмаган корхоналар томонидан қўлланилади. Бунда кичик инновациявий корхоналар ёки етакчи корхоналар томонидан бозорга чиқарилган



янгиликларнинг асосий истеъмол хусусиятлари (техник хусусиятлари бўлмаслиги ҳам мумкин) кўчириб олинади.

**Инновациявий стратегия** «вақт - пул» тамойилидан келиб чиқади.

Маҳсулот ҳаётий циклини ҳисобга олган ҳолда инновациявий стратегияни танлаш қуйидагиларни ҳисобга олади:

➤ **пайдо бўлиш.** Ушбу ҳолат эски ёки бошланғич муҳитда янги тизим пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бу уни асосий тизимга айлантириб бутун ҳаётий фаолиятини қайта қуришни талаб этади.

Бунга янги техника тури (фаолият тамойилини ифодалаш) асосида ётиши лозим бўлган биринчи ғоя (расмийлаштирилган техник қарор) юзага келиши тушунилади;

Ишлаб чиқариш цикли амалга ошади, яъни эксплерент-корхона (бозорнинг янги сегментларини яратиш ёки эскиларини радикал ўзгартиришга ихтисослашган корхона) яратилиши «пайдо бўлиш» деб тушунилади.

➤ **туғилиш.** Бу ердаги бурилиш нуқтаси шундан иборатки, ҳақиқатдан ҳам янги тизим пайдо бўлади ва у уни яратган тизимларга анча ўхшайди.

Техника янги тури тўғрисида умумий тасаввурга келтирувчи биринчи ғоя пайдо бўлади.

Эксплерент-корхонани пациент-корхонага (бозорнинг тор сегментида фаолият юритувчи ва унда мавжуд ўзига хос эҳтиёжларни қондирувчи корхона) айланиши бошланади;

➤ **тасдиқлаш.** Олдин яратилган тизимлар билан тенг ҳолда рақобат курашини олиб борадиган, тўла шаклланган тизимнинг юзага келиши бурилиш нуқтаси ҳисобланади. Шаклланган тизим ўз мавқеига эга бўлишга интилади ва янги тизим яратилишига асос солиш учун тайёр бўлади.

Техника янги турининг биринчи намуналарини яратишга имкон берувчи (конструктив схемани яратиш) биринчи ғоянинг пайдо бўлиши (расмийлаштирилган техник қарор) юзага келади.

Пациент-корхонани, виолент-корхонага (оммавий маҳсулот ишлаб чиқариш ва ўзлаштирилган технологияларнинг юқори даражаси билан

тавсифланадиган, йирик бизнес соҳасида фаолият юритувчи, «куч» стратегиясига эга корхона) айланиши юз беради;

➤ **барқарорлашув.** Тизим ўзининг кейинчалик ўсиш салоҳиятини ниҳоясига етказган ва балоғатга яқин ҳолат.

Кенг миқёсли реализация учун яроқли техник тизимларни амалиётда яратиш имконини берадиган (бир нечта типик ўлчамларни яратиш) биринчи ғоянинг пайдо бўлиши амалга ошади;

**Виолент-корхонанинг** жаҳон бозорига чиқиши ва унда ўзининг биринчи ваколатхонасини ташкил этишини юз беради;

➤ **соддалаштириш.** Ушбу ҳолат тизим ўз балоғатини орқада қолдириб уни эскираётганини билдиради.

Яратилган техник тизимни оптималлаштириш билан боғлиқ бўлган биринчи ғоялар пайдо бўлади. Виолент-корхонадан трансмиллий компания (ТМК) пайдо бўлиши мумкин-пасайиш. Кўпгина ҳолатларда тизим ҳаётий фаолияти кўрсаткичларининг кўпчилигини пасайиши кузатилади.

Олдин яратилган техник тизимни рационализаторлик таклифлари даражасида такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган биринчи ғоя пайдо бўлади. ТМКларни бир қатор коммутант-корхоналарга (виолент-корхоналар ютуқларидан фойдаланиш асосида маҳаллий эҳтиёжларни қондириш учун кичик бизнес билан шуғулланувчи корхоналар) бўлиниб кетиши юз бериши мумкин;

**барқарорлашув.** Бу ҳолат тизим ҳаётий фаолияти кўрсаткичлари кўпчилигининг пасайиши тўхтатилиши билан тавсифланади. Тизим худди ўзининг бошланғич ҳолатига қайтади ва янги ҳолатга ўтиш учун тайёргарлик кўради.

Эксплуатация қилинаётган техника функцияларини ўзгартириш билан боғлиқ биринчи ғоянинг пайдо бўлиши кузатилади.

ТМК коммутант-корхоналарга бўлиниши жараёнининг тугаши, бунда бирор корхонанинг йўққа чиқарилиши бошқа корхоналар фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин;

**тузилманинг бузилиши.** Тизим ҳаётий фаолиятининг барча жараёнлари тўхтатилади ва улардан ёки бошқача тарзда фойдаланилади, ёки улар йўққа чиқарилади.

Ушбу турдаги техника билан боғлиқ ғоялар келиб тушишини тугатилиши (бунда эски техниканинг айрим турларидан фойдаланиш давом этиши ва бешинчи ёки олтинчи босқичга мансуб техник қарорлар пайдо бўлиши ҳам мумкин) кузатилади.

Корхона тугатилиши (одатда бу, корхона бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта ихтисослашувини билдиради) юз беради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион фаолиятни шакиллантиришда илмий тадқиқотларнинг урни нимадан иборат?
2. Инновацион жараённинг шакллари давлат томонидан қўллаб қувватлашда илмий-техник инновациялар ўз ичига нималарни олади?
3. Инновацион жараённи бошқаришнинг қандай йуналишлари мавжуд ?
4. Инновацион жараённи модели нима?
5. Инновацион ташкилотларнинг тузилмалари уз ичига нималарни олади?
6. Инновация мененжменти тузилмаси хақида тушунча?
7. Инновацион фаолиятга нималар қиради?
8. Инновацион стратегиянинг турларини изохлаб беринг?
9. Стратегияни режалаштириш босқичларини курсатиб беринг?
10. Инновацион фаолият инфратузилмасини ташкилий-иқтисодий механизмларини тушунтириб беринг?
11. Инновацион кластер деганда нимани тушунаси?
12. Инновацион маҳсулотларни рақобатбардошлик кўрсаткичларини айтинг?

### **Ҳ Боб. Инновацион иқтисодий ривожлантириш омиллари**

**Ўқув мақсади:** *Корхонада инновацион фаолиятда иқтисодий усулларнинг аҳамиятини ва иқтисодий самарадорлигини ҳамда корхонанинг инновацион салоҳиятини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Иқтисодий усуллар, инновацион бошқариш, инновацион концепциялар, молиялаштириш манбалари, меҳнат мотивацияси, инновацион*

*фаолият, иқтисодий самарадорлик, корхонанинг инновацион салоҳияти, корхонанинг инновацион элементлари.*

### **5.1. Корхона инновацион фаолиятида иқтисодий омилларнинг аҳамияти**

Корхонада инновацион иқтисодиётни ривожлантириш учун биринчи навбатда инновациявий фаолият амалиёти, инновациявий лойиҳаларни расмийлаштиришни амалга оширишдан иборат. Инновациявий лойиҳалар лойиҳаларнинг бир тури экан, демак уларни бошқариш учун бошқа лойиҳаларни расмийлаштиришни бошқаришдаги услублардан фойдаланиш мумкин. Аммо, ўзига яраша фарқлар ҳам мавжуд. Инновациявий лойиҳада янгиликни амалга ошириш зарурияти лойиҳага ижодий тус беради. Бу **биринчи** навбатда, инновациявий лойиҳаларда масалани **қўйиш** босқичининг ҳажмида сезилади, яъни лойиҳа мақсади аниқ охиригача аниқланмаган бўлиб, унга лойиҳани амалга ошириш жараёнида ҳам ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Инновациявий лойиҳани расмийлаштириш бошқаришида муаммонинг қўйилиши, лойиҳа вазифаларининг шаклланиши ва лойиҳа предметининг тузилмавий моделлаштирилиши босқичларини, тизимлаштириш услублари ёрдамида бажариладиган алоҳида лойиҳа кўринишида тасвирлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновациявий лойиҳалар бирорта муайян предмет соҳаси билан чегараланмасдан туриб, фаолиятнинг бир соҳасида самарали фойдаланилган ечимлар бошқа соҳаларда ҳам муваффақиятли қўлланилиши мумкин.

Инновацияларнинг асосий манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- фундаментал ёки амалий тадқиқотларнинг натижалари;
- инновациялар тўпламидаги зарурий натижалар;
- бошқа предмет соҳаларидан олинган ютуқлар;
- тугалланган инновациявий лойиҳа натижаси, янги лойиҳа боши сифатида.

Инновациявий ва илмий-тадқиқот ишларини аниқ фарқлаш лозим. Илмий-тадқиқот ишлари инновациялар тўпланининг асосини ташкил этади. Аммо фундаментал ва амалий тадқиқотларни молиялаштирувчи буюртмачилар

камдан-кам учрайди. Кўпгина ҳолларда, улар мавжуд ва синалган технологиялардан фойдаланишни хуш кўради, бу ҳар доим ҳам мумкин бўлган энг яхши натижага олиб келмаслиги мумкин, аммо анча арзон.

Илмий-тадқиқот ва фундаментал тадқиқотларнинг асосий буюртмачилари бу давлат ва йирик компаниялардир. Ушбу ишларнинг натижалари кенг оммага ёйилгандан сўнг, улар инновацияларга асос солиши мумкин.

Инвесторларга тақдим этилаётган инновациявий лойиҳалар ўзаро таққосланадиган ва кўрсаткичларнинг ягона тизими ёрдамида таҳлил қилинадиган бўлади.

Тақдим этиладиган лойиҳаларнинг ўзаро таққосланиши қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилади :

- янги услубларни (технология, ускуналар ва ҳ.к.) кўллаб амалга ошириладиган ишлар ҳажми;
- инновацияларнинг сифат кўрсаткичлари;
- вақт омили
- нарх, тарифлар даражаси, ишга ҳақ тўлаш шароитлари.

Вариантлар бўйича қиймат кўрсаткичлари инфляция омилини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Инновациявий лойиҳалар вариантлари, маркетинг нуқтаи назаридан бир хилда ишлаб чиқилиши, инновациявий қўйилмалар таваккалчилигини баҳолаш ва бошланғич ахборот ноаниқлигига бир хил муносабатда бўлишни тақозо этади.

Вариантларнинг ўзаро таққосланишини таъминлаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни битта ҳажмга олиб келиш (битта муддат, сифат даражаси) йўли билан амалга оширилади.

Тадбирларнинг кўп вариантлигини таъминлаш менежментнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Бевосита рақобатдош - чет эл тажрибасини таҳлил қилмасдан туриб инвестицияларни бекорга сарфлашнинг ҳожати йўқ. Бу ерда 1:10:100:1000 нисбатни эсга тушириш лозим, бунда 1 сўм – лойиҳа шаклланаётган босқичда оддий қарор қабул қилишдан «тежалган» пул

миқдори, 10, 100, 1000 эса – ушбу «тежаш» туфайли юзага келган, ҳаётий циклининг кейинги босқичларидаги йўқотишлардир.

Бозор иқтисодиёти шароитида инновациявий лойиҳа варианти инвестор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда танланади. Вариантларни таққослашда тизимли ёндашув тамойилларига риоя қилиш лозим. Бунда тизимларнинг муҳим хусусияти – эмердженгликни ҳисобга олиш лозим, у тадбирлар мажмуининг умумий самарадорлиги уларнинг ҳар бирини алоҳида амалга оширгандаги самарадорликлар йиғиндисига тенг бўлмаслигини белгилайди.

Инновациявий вариантларни таққослашда, инновациявий лойиҳани амалга оширишда ўтказилиши лозим бўлган барча тадбирлар йиғиндисини ҳисобга олишни талаб қиладиган, мажмуавийлик ёндашуви тамойили қўлланилади. Ҳар хил вақтда амалга оширилган, аммо катталиги бўйича бир хил бўлган харажатлар, иқтисодий нуқтаи назардан тенг бўлмайди. Инновациялар ҳаётий циклининг узоқ давом этиши, турли вақтда қилинган харажат ва олинган натижалар қийматининг иқтисодий тенгсизлигига олиб келади. Бу ҳолат, келтирилган қиймат услуги, ёки дисконтлаш, бошқача қилиб айтганда харажат ва натижаларни қайсидир вақт оралиғига олиб келиш ёрдамида ўз ечимини топади. Бундай вақт оралиғи сифатида, мисол учун, инновацияларни амалга оширишнинг бошланғич йилини олиш мумкин.

Дисконтлашнинг асосий мазмуни шундаки, келажакда олинishi кутилаётган ҳар қандай сумманинг ҳозирги кундаги қиймати нисбатан кичикроқдир. Молиявий ҳисоб-китобларда дисконтлаш ёрдамида вақт омили ҳисобга олинади. Дисконтлашнинг асосий ғояси шундаки, корхона учун пулни эртага эмас бугун олиш қулайроқ, чунки улар инновацияларга инвестиция қилиниши ва эртага бирор бир даромад олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, пул олишни эртанги кунга қолдириш таваккалчилик билан боғлиқ яъни, ноқулай шароитда уларнинг даромади кутилгандан кам ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Дисконтлаш коэффиценти ҳар доим 1 дан кичик, акс ҳолда бугунги пул эртанги пулдан кичик қийматга эга бўлар эди.

Мисол учун, агарда биз бугун, 10% даромад олишни кўзлаб туриб, инновацияларга 1 млрд. сўм киритсак, 1 йилдан сўнг инвестицияларимиз қиймати 1,1 млрд. сўмга тенг бўлади – бу инвестицияларимизни келажакдаги қиймати, унинг жорий қиймати эса 1,0 млрд. сўмни ташкил этади. Келажакдаги ва жорий қийматлар ўртасидаги фарқ дисконт деб айтилади.

Дисконтлаш коэффициентлари мураккаб фоизлар формуласи бўйича ҳисобланади:

$$\alpha_t = (1+i)^{t_p} \quad (5.1)$$

Бу ерда:  $i$  – ўнлик қаср билан ифодаланган фоиз ставкаси (дисконтлаш меъёри);

$t_p$  – харажат ва натижалар келтириладиган йил (ҳисоб йили);

$t$  – харажат ва натижалари ҳисоб йилига келтириладиган йил.

Агарда ҳисоб йили сифатида инновацияларни амалга ошириш бошланган йил қабул қилинса  $t_p=0$  ва демак

$$\alpha_t = \frac{1}{(1+i)^t} \quad (5.2)$$

Капиталга бўлган фоиз меъёрининг мусбат катталигида  $i$  – дисконтлаш коэффициентини ҳар доим 1 дан кичик бўлади.

Масалан, 4 йилдан кейин тўланиши лозим бўлган 20 млрд. сўмнинг замонавий қийматини аниқлаш лозим бўлсин. Ушбу давр давомида бошланғич суммага йилига 8% ставка бўйича мураккаб фоиз қўшилган.

Бунда замонавий қиймат қуйидагига тенг бўлади:

$$20 \cdot (1+0,08)^{-4} = 20 \cdot 0,7350 = 14,7.$$

Дисконтлаш ўтказиладиган фоиз ставкаси катталиги ва замонавий қиймат бир-бири билан тесқари боғлиқликда бўлади, яъни фоиз ставкаси қанчалик катта бўлса, замонавий қиймат шунчалик кичик бўлади.

Фоиз ставкаси қанчалик кичик ва вақт даври ( $t$ ) қанчалик қисқа бўлса, келажакдаги даромадларнинг дисконт катталиги шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, дисконтлаш ёрдамида лойиҳанинг соф жорий қиймати аниқланади.

Лойиҳани танлаш механизмини мисолда кўриб чиқамиз.

Лойиҳага киритилган инвестицияларнинг бошланғич суммаси 480 млн. сўм. 3 йил давомидаги йиллик нақд пул оқими 160 млн. сўм. Фоиз ставкаси 10% (i).

Ушбу мисолда дисконтлаш коэффициентлари қуйидагича бўлади:

$$\text{Биринчи йил учун} - \frac{1}{(1+0,1)^1} = 0,909;$$

$$\text{Иккинчи йил учун} - \frac{1}{(1+0,1)^2} = 0,826;$$

$$\text{Учинчи йил учун} - \frac{1}{(1+0,1)^3} = 0,751.$$

Демак, лойиҳани амалга ошириш йиллари давомида соф жорий қиймат:  $(160 * 0,909) + (160 * 0,826) + (160 * 0,751) = 398$  млн. сўмга тенг бўлади.

Лойиҳага инвестиция киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун, соф жорий қиймат ва инвестицияларнинг бошланғич суммаси ўртасидаги фарқни топиш керак.

Биз кўриб чиқаётган лойиҳа фойдали эмас, чунки даромад, бошланғич инвестициядан кичик:  $(398 - 480) = -82$  млн. сўм.

Соф жорий қийматни «соф келтирилган даромад» (W) деб ҳам аташади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, дисконтлаш жараёнини ва лойиҳани танлашни осонлаштириш мақсадида дисконт кўпайтирувчиларнинг стандарт жадваллари мавжуд (5.1.1-жадвал).

Маълумки, инновациявий лойиҳалар инфляция омилини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим.

Инфляция иқтисодиётда нархлар даражасини ўсиши сифатида ёки нархлар ўзгариши индекси, ҳамда инфляция даражаси билан ўлчанади. Нархлар

### 5.1.1- Жадвал

#### Лойиҳанинг дисконт жадвали

Йиллар	1%	10%	15%	20%	25%	30%	35%	40%
1	0,990	0,909	0,870	0,833	0,800	0,769	0,741	0,714
2	0,980	0,826	0,756	0,694	0,640	0,592	0,549	0,510



3	0,971	0,751	0,658	0,579	0,512	0,455	0,406	0,364
4	0,961	0,683	0,552	0,482	0,410	0,350	0,301	0,260
5	0,951	0,621	0,497	0,402	0,328	0,269	0,223	0,186
6	0,942	0,564	0,432	0,335	0,262	0,207	0,165	0,133
7	0,933	0,513	0,376	0,279	0,210	0,159	0,122	0,095
8	0,923	0,467	0,327	0,233	0,168	0,123	0,091	0,068
9	0,914	0,424	0,284	0,194	0,134	0,094	0,067	0,048
10	0,905	0,386	0,247	0,162	0,107	0,073	0,050	0,035
13	0,879	0,290	0,163	0,093	0,055	0,033	0,020	0,013

Ўзгариши индекси нархлар нисбати билан тавсифланса, инфляция даражаси – нархлар ўсишининг фоизи билан тавсифланади.

Инновациявий тадқиқотларни ўтказишда, фоиз ставкаси ролини кўриб чиқаётганда, биз инфляция йўқ деб қабул қиламиз. Агарда инфляция мавжуд бўлса, номинал ва реал фоиз ставкалари ўртасида фарқ мавжуд бўлади.

Номинал ставка – бу инфляция суръатини ҳисобга олмаган жорий бозор фоиз ставкаси.

Реал ставка–бу номинал ставкадан кутилаётган инфляция суръатларининг айирмаси.

Мисол учун, номинал йиллик ставка 9%, кутилаётган инфляция суръати йилига 5%, демак реал ставка 4%га тенг бўлади.

Капиталга кутилаётган даромад даражаси ва фоиз ставкасини таққослаганда ушбу фарқни эътиборга олиш муҳим: таққослашни номинал эмас, балки реал ставка билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Инновациялар тўғрисида қарор қабул қилишда айнан реал фоиз ставкаси муҳим аҳамият касб этади. Умумий қондани қуйидагича таърифлаш мумкин: капиталга кутилаётган даромад даражаси ссуда бўйича бозор фоиз ставкасига тенг ёки ундан катта бўлган тақдирдагина инновацияларни амалга ошириш лозим.

Шундай қилиб, фоиз бозор хўжалигида ресурсларни самарали тақсимлашнинг муҳим вазифаси, мумкин бўлган инновациявий лойиҳалардан энг катта даромад олиб келадиганини танлашни, билдиради.

Капиталга тўғри келадиган даромад даражасини фоиз ставкаси билан таққослаш–инновациялар самарадорлигини асослаш усуллари билан бирдир. Соф келтирилган даромаддан ташқари инновациявий лойиҳаларни танлаш учун қопланиш муддати ( $T_K$ ); қопланиш даври ( $D_K$ ); даромадлиликнинг ички меъёри ( $I_d$ ); рентабеллик ( $R$ ) каби кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

**Қопланиш муддати** – инновациявий лойиҳага киритилган инвестициялар қайси муддатда қопланиши мумкин деган саволга жавоб берадиган кўрсаткич. Бу кўрсаткич бирламчи капитал қўйилмаларни ҳисобга олади.

Халқаро амалиётда асосан қопланиш даври кўрсаткичидан фойдаланилади.

**Қопланиш даври** деганда, инвестиция тугагандаги дисконтланган соф даромад қиймати инвестициялар суммасига тенг бўлган давр давомийлиги тушунилади.

**Даромадлиликнинг ички меъёри** – фоизнинг шундай ҳисоб ставкасики, унда мунтазам олиб бориладиган даромад капиталлашуви инвестициялар суммасига тенг бўлади. Бу инвестициялар қопланганлигини билдиради.

Тажрибалар даромадлилик ички меъёри 15-20% дан кичик бўлмаган лойиҳаларни танлаш тавсия этилади.

**Рентабеллик**- лойиҳани амалга оширишдан олинган самара ва унга сарфланган харажатлар нисбати билан аниқланади.

Инновациявий лойиҳаларни баҳолаш амалиётида келтирилган даромадларни инвестициявий харажатларга нисбати ҳисобланади (benefit – cost ratio).

Ғарб адабиётларида ушбу кўрсаткич даромадлилик индекси (profitability index) деб аталади.

Инновациявий лойиҳа самарадорлигининг ҳисобга олиниши лозим бўлган кўрсаткичлари (5.1.1-расм).



### 5.1.1-расм. Инновациявий лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари

Қуйидаги ифодалар бўйича самарадорлик коэффициентини ҳисоблаш, инновациявий лойиҳа барча самарадорлик кўрсаткичлари учун умумий ҳисобланади:

$$E = \frac{\mathcal{E}}{3} \text{ (тўғри кўрсаткич)} \quad (5.3)$$

$$E = \frac{3}{\mathcal{E}} \text{ (тескари кўрсаткич)} \quad (5.4)$$

Бу ерда:  $\mathcal{E}$  – лойиҳани амалга ошириш самараси (натижаси);

3 – лойиҳани амалга ошириш харажатлари.

Лойиҳаларни танлаш мезони сифатида уларни амалга ошириш учун минимум харажат сарфланиши хизмат қилиши мумкин.

Инновациявий лойиҳаларни танлашда, таваккалчиликни пасайтириш усулларига эътибор қаратиш лозим.

Бир нечта вариант мавжуд бўлганда, энг самарали вариант келтирилган харажатлар минимуми бўйича танланади.

$$Z_i = C_i + E_n K_i = \min, \quad (5.5)$$

Бу ерда:  $Z_i$  – ҳар бир вариант бўйича келтирилган харажатлар;

$C_i$  – ушбу вариант бўйича ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх);

$E_n$  – капитал қўйилмалар самарадорлиги меъёри;

$K_i$  – ушбу вариант бўйича инвестициялар.

Инвестициялар бир марталилик ёки қўйилмаларнинг чекланган даври, узоқ муддатли қопланиши, катталиги билан характерланса, ишлаб чиқариш харажатлари – бу одатда йиллик катталиқ. Шунинг учун ҳам уларни иқтисодий самарадорлик коэффициентлари ёки фоиз ставкаси даражаси ёрдамида ягона йиллик ўлчамга олиб келиш учун инвестицияларнинг (капитал қўйилмалар) бир қисми олинади. «Келтирилган харажатлар» атамаси ҳам шундан келиб чиққан.

Режали иқтисодиётда  $E_n$  катталиги марказлашган тартибда ўрнатиладиган эди. Бозор иқтисодиётида ҳар бир корхона ушбу меъёрни фоиз ставкаси  $i$  даражасида, ёки инвестициялар рентабеллиги  $R_n$  даражасида белгилайди. Бундан келиб чиққан ҳолда келтирилган харажатларни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$Z_i = C_i + i * K_i = \min \quad (5.6)$$

ёки

$$Z_i = C_i + R_n * K_i = \min. \quad (5.7)$$

Инновацияларга қилинган қўшимча инвестицияларни қопланиш муддати, яъни инновациянинг қимматроқ вариантга қилинган қўшимча инвестициявий харажатлар, инновацияларни амалга ошириш оқибатида эришилган иқтисодий натижалар туфайли қопланиши муддати ҳисобланади.

Қопланишнинг ҳисоб муддати  $T_p$  қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_p = \frac{K_2 - K_1}{C_1 - C_2} \quad (5.8)$$

Бу ерда:  $K_1$  ва  $K_2$  – таққосланаётган вариантлар бўйича инновацияларга киритилган инвестициялар;

$C_1$  ва  $C_2$  – тегишли тарзда биринчи ва иккинчи вариантлар бўйича йиллик харажатлар.

Вариантни танлаш учун қопланиш муддатининг ҳисоб қиймати  $T_p$  унинг норматив катталиги билан таққосланади  $T_n = 1/E$ . (5.9)

Инновацияларга қўшимча инвестициялар киритиш, улар қопланишининг ҳисоб муддати норматив қийматидан юқори бўлмаганда мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда  $T_p < T_n$  бўлганда энг самарали вариант танланади. Ёки

келтирилган формулага нисбатан таърифлайдиган бўлсак, инвестициялар бўйича қимматроқ бўлган иккинчи вариант, қўшимча инвестициялар норматив муддатдан катта бўлмаган муддатда харажатларни тежаш ҳисобига қопланган тақдирдагина самарали ҳисобланади.

Қопланиш муддатига тескари бўлган катталиқ – инновацияларга киритилган қўшимча инвестициявий қўйилмалар самарадорлиги коэффициенти ёки таққослама самарадорлик коэффициенти –  $\mathcal{E}_p$  дир.

Ушбу кўрсаткич қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_p = \frac{\Delta C}{\Delta K}. \quad (5.10)$$

$\mathcal{E}_p$  самарадорлик коэффицентининг ҳисоб қиймати, инвесторни қондирувчи капитал даромади меъёрига тўғри келадиган,  $E_n$  норматив катталиги билан таққосланади. Агарда  $\mathcal{E}_p > E_n$  унда инновацияларга киритиладиган инвестициялар ва демак, инвестиция сиғими катта бўлган вариант ҳам самарали ҳисобланади.

Иқтисодиётда корхоналарнинг ролини корхоналарда ёрдамчи ҳисоблаш (ТЁХ) орқали баҳолаш усули кўплаб мамлакатларда ўзлаштирилган бўлиб, уни базали инновациялар каторига киритади. ТЁХ усули авваллари корхонани баҳолашда ва ҳар бир мамлакат иқтисодиётига унинг улушини эътиборга олинмаган статистик маълумотларнинг тўпلامини ўзгартиради ҳамда уни объектив таҳлил қилишга асосланади.

Корхоналарнинг иқтисодиётдаги реал аҳамиятни тушуниш учун ялпи ҳажмига таъсири, аҳолининг бандлиги, даромадларни қайта тақсимлаш нуқтаи назардан мамлакат миқёсида самараси каби муҳим кўрсаткичларни баҳолаш лозим бўлади.

Давлат иқтисодиётида инновациянинг ролини кўрсатиб берувчи восита бўлгани боис корхоналарда давлат статистик кузатувини ташкил этиш ҳақида тасаввур берувчи унинг асосий таркибий қисмларини билиш муҳим. ТЁХ бош гоёси – иқтисодиётда инновация билан бирикадиган товарлар ва хизматларга

талабнинг аниқ таҳлили ҳамда ушбу талабнинг ўлчанишидир. ТЎХ ёрдамида қуйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

- яим даги корхоналарнинг ҳиссаси;
- иқтисодиётнинг бошқа секторлари орасидаги корхоналарнинг ўрни;
- инновация ривожини билан юзага келган иқтисодиётнинг турли секторларидаги иш ўринларнинг миқдори;
- инновацияга сармоя сарфланиш ҳажми;
- инновацион олиб келадиган солиқ тушумлари;
- инновацион маҳсулотлар истеъмоли;
- корхоналарнинг тўлов балансига таъсири;
- инновацияда иштирок этувчи меҳнат ресурслари


## 5.2. Инновацион технологияларни бошқариш концепциялари

Янгиликларни ишлаб чиқаришни ташкилий технологик таёрларлик асосларида инновациявий жараёнларни бошқариш инфратузилмасини барпо этиш масаласини тўртта йўналишга ажратган ҳолда кўриб чиқиш мумкин (5.2.1-расм).

Янгиликларни ишлаб чиқишда инновациялар технологиясини киритишни батафсилроқ кўриб чиқайлик, бугунги кунга келиб ҳар бир технологияни қуйидагича аниқлаш мумкин (5.2.1-расм).

**Жорий этиш** – инновацияларнинг шундай технологиясики, унда инновация киритиш жараёни бевосита ишлаб чиқувчи томонидан амалга оширилади. Инновациявий хизматларнинг бутун мажмуасини талаб қилмайдиган инновациялар учун қўлланилади.

**Тренинг** – инновацияларнинг кадрларни тайёрлаш босқичини таъминловчи технология. Махсус ихтисослашган корхоналар томонидан амалга оширилади (инкубаторлар, технологик парклар ва ҳ.).



### **5.2.1-расм. Инновациявий жараёнларни бошқаришнинг тузилмавий муаммолари**

*Консалтинг* – инновациявий фаолият стратегияси ва бизнес-режасини танлаш босқичини таъминловчи инновациялар технологияси. Экспертиза ва маслаҳатлар соҳасига ихтисослашган корхоналар томонидан амалга оширилади.

Консалтинг, инновациявий фаолиятга иккита асосий йўналиш бўйича хизмат кўрсатади:

- технологик консалтинг – ташкилотнинг стратегик ва тактик мақсадларига оптимал эришиши учун технологик ва бошқарув маслаҳатлари, шунингдек режалаштириш, сифатни бошқариш, сертификатлаштириш, автоматлаштирилган конструкторлик ва технологик лойиҳалаштириш, технологиялар узатиш;
- бизнес-консалтинг – бизнес-ғоя ва лойиҳалар экспертизаси, бизнес-режалаштириш, маркетинг, молиявий менежмент, потенциал ҳамкор ва инвесторларни излаш, инновацияларни тижоратлаштириш, шартномавий муносабатлар.

Илмий асосланган ишбилармонликнинг турли жиҳатлари бўйича пуллик маслаҳатларга бўлган талаб доимий ошиши муносабати билан маслаҳат хизматларини кўрсатишга ихтисослашган корхоналар сонининг кўпайиши кузатилмоқда.

Инновациявий корхона ва ишлаб чиқаришларнинг кўпчилиги йирик саноат корхоналари, илмий ёки таълим муассасалари негизида ташкил топган. Ўз фаолиятининг бошланғич босқичларида инновациявий корхона ходимлари ушбу муассасалар мутахассислари билан маслаҳатлашадилар. Аммо инновациявий корхоналар ривожланиб бориши билан мустақил фаолият юритишга киришади ва ҳар бир маслаҳат ҳам бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Бундан ташқари, бошланғич ташкилотларнинг мутахассислари бошқарув ёки маркетинг соҳасидаги кўплаб саволларга жавоб бера олмасликлари ҳам мумкин. Шу билан бирга кичик инновациявий корхона ва ҳаттоки кўпгина саноат корхоналари ҳам барча соҳалар бўйича малакавий мутахассисларга эга бўла олмайди.

Инновациявий соҳада амалга оширилаётган консалтинг фаолияти тажрибасини кўрсатишича, потенциал мижозлар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларнинг кўпчилигини тизимлаштириши мумкин. Мисол учун, илмий-техник соҳа корхоналари олдида пайдо бўладиган асосий муаммоларни куйидагича таърифлаш мумкин: маркетинг муаммолари, ходимларни бошқариш ва бошқарувчилар малакаси, ишлаб чиқариш муаммолари, сифатни бошқариш, молиявий менежмент, қонунчилик муаммолари. Албатта, инновациявий лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида бошқа турдаги муаммолар мавжуд эмас деб бўлмайди, лекин консалтинг хизматларини асосий қисми айнан ушбу муаммолар билан боғлиқ.



### 5.2.2-расм. Инновацияларни амалга ошириш технологиялари

*Инжиниринг* – инновациявий циклнинг барча босқичларини қамраб оладиган, инновацияларнинг мажмуавий технологияси (5.2.3-расм).



Инжиниринг технологияси ва у бўйича ишлаётган инжиниринг корхонаси, инновациявий лойиҳани амалга оширишда буюртмачига энг тўлиқ хизматлар тўпламини тақдим этади. Инновациявий циклнинг барча босқичларида, инжиниринг буюртманинг оптимал амалга оширилишини таъминлайди. Буюртмачига мавжуд муаммонинг битта конкрет ечимни эмас, балки ечимнинг бир нечта вариантларини тақлиф этиши лозим. Ва консалтинг корхонаси каби фақатгина тақлиф этиш эмас, балки буюртмачини ушбу жараёнга жалб этган ҳолда у учун энг қулай бўлган ечимни биргаликда танлаши лозим.

Инжиниринг технологиясини амалга оширишнинг назарий асосида учта тизимли тамойил ётади: **тесқари лойиҳалаштириш; функционал тўлалик минимуми; ечимнинг иқтисодий етарлилиги.**

Тесқари лойиҳалаштириш тамойили, тизим ишлаб чиқарилаётган маҳсулот билан эмас, балки маҳсулотларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлиши, яъни тизим номаълум бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун етарлича вариантликга эга бўлиши кераклигини белгилайди.

Минимал функционал тўлалик ва ечимнинг иқтисодий етарлилиги тамойили қуйидаги ҳолатларда ечим рационаллигини таъминлайди:

- лойиҳани ишга тушириш босқичларининг кетма-кетлигини шакллантириш;
- тизим усқуналарининг миқдорий таркиби ва тузилмасини аниқлаш;
- ташкилий-бошқарув тузилгани танлаш;
- ишлаб чиқаришнинг технологик тайёргарлигини режалаштириш ва шакллантириш;
- имитацион моделлаштириш натижалари бўйича техник-иқтисодий кўрсаткичлар самарадорлигига ўзгартишлар киритиш.

Бошқача қилиб айтганда, йирик лойиҳаларни амалга оширишда, лойиҳалаштиришнинг тақлиф этилган тамойиллари қуйидагича изоҳланади: лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида яратилаётган технологик ва дастурий-ҳисоблаш ресурслари, маҳсулотнинг иқтисодий самарали ишлаб

чиқарилишини кафолатловчи, функционал тўлалик минимумига эга бўлиши лозим.

Шундай қилиб, инновациявий тадбирлар вариантларини танлаш учун, таққосланаётган вариантлар бўйича ўзгарувчан қиймат қисмларини ҳисобга оладиган, таққослама иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- келтирилган харажатлар;
- инновацияларга киритилган қўшимча инвестицияларнинг қопланиш муддати;
- инновацияларга киритилган қўшимча инвестицияларнинг самарадорлик коэффиценти.

Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясининг учта янги варианты ишлаб чиқилган бўлсин. Жадвал маълумотлари бўйича энг самарали вариантни ҳисоблаш керак.

### 5.2.1-жадвал

#### Инновациявий технологияларни танлаш учун лозим бўлган маълумотлар

Кўрсаткичлар	Вариантлар		
	1	2	3
Инвестициялар, млн. сўм	22500	27600	19700
Бир маҳсулотга бўлган ишлаб чиқариш харажатлари минг сўм.	13600	14700	13700
Ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми, минг дона	700	1100	2500

Келтирилган харажатлар услубини қўллаган ҳолда, қуйидаги формула бўйича таклиф этилаётган янги лойиҳаларнинг энг самарали вариантини танлаймиз:

$$C + E_n K, \tag{5.11}$$

Бу ерда:  $C$  – маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик харажатлари;

$K$  – инвестициялар;

$E_n$  – иқтисодий самарадорлик коэффициенти, 0,1 га тенг деб оламиз.

1 вариант –  $(13600 * 700) + 0,1 * 22500 = 11770$  млн. сўм.

2 вариант –  $(14700 * 1100) + 0,1 * 27600 = 18930$  млн. сўм.

3 вариант –  $(13700 * 2500) + 0,1 * 19700 = 36220$  млн. сўм.

Хулоса: таклиф этилган лойиҳаларнинг энг самарали варианты бу 1-вариант, яъни энг кам келтирилган харажатлар.

Стратегияни танлаш – инновациявий фаолият муваффақиятининг кафолати ҳисобланади. Рўй бераётган ўзгаришларни олдиндан кўра билмаган корхона инқирозга учраши мумкин.

Стратегия танлаш инновациявий менежментнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида раҳбар учун, яхши маҳсулотга эга бўлиш етарли эмас, у ўз рақобатдошларидан орқада қолиб кетмаслик учун янги технологияларнинг пайдо бўлишини диққат билан кузатиб бориши ва уларни ўз корхонасида жорий этишни режалаштириши зарур. Стратегия қарор қабул қилиш жараёни билан бирлаштирилган бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мақсадлар (стратегия объектлари) ва воситалар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида қўйилган мақсадларга эришилади (қарорлар қабул қилинади).

Инновацион фаолият ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни жуда катта аҳамиятга эга. Инновацион фаолиятни шакллантиришда ахборот йиғиш услублари қўйидагилардан иборат:

- ўз-ўзини регистрация қилиш, ўзига вазифалар тайинлайди ва масъулият, жавобгарликларни белгилайди;
- интервью (суҳбатлашиш). Бу ерда қўшимча имкониятлар аниқланиши мумкин. Кўп ҳолларда жуда қўл келади;
- саволларга ёзма назорат;
- сўровномалар. Ташкилот доирасида стандартлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилади;
- иш кундаликлари. Бу ходимнинг кундалик меҳнат фаолияти тўғрисида тўпланган маълумотлар асосига таянади;

- гуруҳлар баҳси усули;
- кузатув усули. Ишга таълуқли ахборотлар йиғилади ва қоғозга туширилади. Видео, фотоаппарат ёки магнитофон ёрдамида ёзиб олиш ва х.к.;
- критик вазиятлардаги усуллар. Ходимни бу вазиятда ишчанлик қобилияти аниқланади.

Инновацион фаолият ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларининг ахборот майдони аниқлаб олиш кўйидагилар асосида амалга оширилади:

- инновацияда яратилган ишлар;
- интернет ресурслар;
- акт воситалари;
- ахборот ресурслари;
- компьютер файллари.

Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқаришда ахборот-коммуникацион технологияларзамонавий ахборот технологиялар асосида олиб борилади:

- давлат бошқарувида ахборот технологияларини тадбиқ этиш самарадорлиги.
- электрон хужжат ва электрон хужжат айланиш тизимларида электрон рақамли имзони кўллаш;
- давлат ва хўжалик бошқарув идоралари ахборот тизимлари ва ресурслари;
- локал, корпоратив ва глобал ахборот тизимлари;
- миллий ахборот тизимини шакиллантиришда ахборот тизимлари мажмуасини яратиш ва интеграциялаш усуллари;
- давлат идоралари тақдим этаётган ахборотга фуқароларни масофавий фойдаланишга имконият яратиш;
- фуқароларни ўзаро алоқасини таъминлаб берувчи ахборот тизимлари;
- норматив сўров ахборотларни юритишни таъминлаб берувчи ахборот тизимлари.

Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқаришда ахборот-коммуникацион технологиялар локал, корпоратив ва глобал ахборот тизимларини ўз ичига олади.

**Ахборот алмашинув тизими** бу инсон фаолиятининг маълум бир соҳасида ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини беришни ташкиллаштиришни ўз ичига олади.

Ахборот тизимлари масшаби бўйича қуйидаги ахборот тизимларига бўлинади:

- ягона;
- гуруҳли;
- корпоратив;
- глобал;

Миллий ахборот тизимини шакиллантиришда ахборот тизимлари мажмуасини яратиш ва интеграциялаш усуллари лозим бўлади.

**Миллий ахборот тизими (МАТ)**- Давлат органлари ахборот тизимлари, ҳудудий ахборот тизимлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимларини ўз ичига олган тизимдир.

### **5.3. Корхоналарда инновацион фаолиятга киритилган инвестициялар самарадорлиги**

Давлат инвестиция дастурига янгиликлар ишлаб чиқаришни лойиҳаларини режалаштиришга киритишнинг ўзига хос талаблари мавжуд. Булар: инвестицион лойиҳанинг белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иқтисодий асосининг мавжудлиги; молиялаштириш манбаларнинг аниқлиги ва шартномада келишилган муддатда кредитларнинг тўланиши; лойиҳа ташаббускори томонидан лойиҳа паспорти, унинг амалга оширилиш графиги ва лойиҳа ҳолати ҳақида батафсил маълумотнинг тайёрлиги.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган «Ангрен» махсус индустриал зонаси, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Жиззах» махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани юқори технологияларга асосланган корхоналарни ривожлантириш имконини кенгайтирди. Ушбу зоналар учун зарур ташқи муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси тўлиқ республикамиз маблағлари ҳисобидан барпо этилмоқда.

Айтиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб янгиликлар дастури ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни қайд этиш мумкин:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;
- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларининг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан, кичик бизнес объектларига йўналтириш;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кредитдан ташқари усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг каби турларидан фойдаланишни кенгайтириш;
- инвестицион лойиҳаларнинг сифатини ошириш, лойиҳаларнинг капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келишини назарда тутган ҳолда, тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ва ҳ.к. (5.3.1-жадвал).

## Жорий қилинган инновациялар сони (2016 йил)

	Жами	Шужумладан тадқиқ қилинганлар:					Бошқа ташкилотлар томонидан
		Ўз кучи билан	Бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда	улардан :			
				Илмий Тадқиқот Институтилари билан ҳамкорликда	Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда		
<b>Технологик инновациялар</b>	<b>1816</b>	<b>1523</b>	<b>117</b>	<b>41</b>	<b>5</b>	<b>176</b>	
Шу жумладан:							
Маҳсулотлар бўйича инновациялар	1118	973	73	15	4	72	
Жараёнлар бўйича инновациялар	698	550	44	26	1	104	
Маркетинг инновациялар	51	39	-	-	-	12	
Ташкилий инновациялар	39	29	-	-	-	10	

2016 йилда 893 та корхона ва ташкилотлар томонидан 1816 турдаги технологик инновация жорий этилди. Жорий қилинган технологик инновацияларнинг 44 фоизи (799 таси) кичик корхона ва микро фирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Корхоналарда инновацион фаолиятнинг илмий асослашда ИТТКИ дастурини бошқараётган менежер динамик (тезкор) лойиҳани бошқараётганини унутмаслиги лозим. Бошқариш ва режалаштириш тизими, лозим бўлган ўзгаришларни амалга ошириш учун етарлича вазифаларни белгилаб олиш керак.

Мамлакатнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида тутган ўрни – асосан унинг глобал рақобатдошлиги билан белгиланади. Маҳсулот ҳаётий циклининг кескин қисқариши ва илмий-техник ривожланишга асосланган маҳсулотларни

бир нусхада ёки кичик партияларда ишлаб чиқариш ортиб бориши билан, рақобатдошлик тушунчаси инновацияларни (янгиликларни) жорий этиш қобилияти тушунчаси билан деярли бир хил бўлиб қолмоқда. Қайси бир давлат энг самарали инновациявий механизмга ва инновацияларни амалга оширишнинг ривожланган инфратузилмасига эга бўлса, айнан шу давлат жаҳон бозоридаги рақобат курашида муваффақиятга эришади. XX-асрохиридава XXI-аср бошларидан илмий-техник тараққиётнинг бир қисми сифатида эътироф этиладиган илмий-техник инновациялар янгиликлар дастури ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда– иқтисодий жонлантирадиган ва унинг рақобатдошлигини сақлаб қоладиган куч ҳисобланади.

Инновациявий соҳани ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади, чунки фундаментал ва амалий илмий-техник тадқиқотларнинг истеъмол хусусиятига эга бўлган товарга айланиши айнан шу ерда содир бўлади.

П.Друкернинг фикрича бизнес фақатгина иккита асосий функцияга эга: маркетинг тадқиқотлари ва инновациялар. Маркетинг ва инновациялар натижа беради - қолган барчаси харажат. Шу билан бирга маркетинг тадқиқотлари соҳасидаги инновациялар муҳимлигини ҳам унутмаслик лозим. Ва ниҳоят, бизнеснинг мақсади – инновациялар, чунки айнан улар, тўғри йўналтирилган тақдирда фаровонликка олиб келади .

Жамият иқтисодий ривожланишининг асоси бўлиб, инновациявий жараёнлар, яъни инновацияларни янги маҳсулотлари, технологиялари ва ижтимоий ҳаётда акс эттириш бўйича фаолият хизмат қилади.Инновациявий жараён инновацияларни тайёрлаш, амалга ошириш ва тарқатиш бўйича ўзаро боғлиқ тадбирлар асосида лойиҳалар ишлаб чиқиш мажмуидан иборат бўлади. Ушбу жараён натижасида тўлиқ амалга оширилган, моддий тус олган янгилик пайдо бўлади.

Инновация (янгилик) лойиҳасини муаллифлигини белгилаш учун улар қуйидаги кўринишларда расмийлаштирилиши мумкин:

- кашфиётлар, патентлар;
- товар белгилари;



- ноу-хау (ингл. know-how – биламан қандай);
- ҳужжатлар мажмуаси;
- меъёрлар, стандартлар, услубиётлар;
- маркетинг тадқиқотлари натижалари.

Инновация лойихаси асосида – янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технологик жараён ёки хизмат кўринишида акс эттирилган, инновациявий фаолиятнинг пировард натижасидир. Инновацион фаолият лойихалари – янги товар (хизмат)ларни ёки янги сифат кўрсаткичларига эга бўлган товар (хизмат)ларни олиш мақсадида, йиғилган ютуқларни (илмий-техник билимлар, технологиялар, ускуналар ва х.) амалга оширишга йўналтирилган фаолиятдир. Инновациялар янгиликлар дастури уларга тўғри йўналиш берилгандагина натижага олиб келади. Аммо, барча шароитларда барча корхоналар учун тўғри келадиган универсал стратегия мавжуд эмас. Инновацияларни амалга оширишнинг энг самарали лойиха йўналишини танлаш буюртмачи талабларини, пайдо бўлаётган технологияларни, рақобатдошлик ва ички салоҳиятни таҳлил этиш каби функцияларни ўз ичига олиши лозим.

Бозор томонидан бошқариладиган инновациявий фаолият услубиёти истеъмолчилар, рақобатдошлар ва технологиялар каби бозорнинг асосий қисмларини ва уларнинг эҳтиёжларини тўлиқ тушунишга асосланади. Инновация революцион характерга эга бўлган тақдирда эса, яъни олдин бозорда мавжуд бўлмаган товар (хизмат) пайдо бўлишига олиб келганда, бозорнинг ушбу товар (хизмат)га бўлган эҳтиёжини олдиндан шакллантириш лозим.

Корхона томонидан инновациявий фаолиятни амалга ошириш бозор эҳтиёжларини тушунган ҳолда олиб борилиши, ҳамда корхона танланган бозор секториде етакчиликка интилиши шароитида кечиши лозим. Корхона фаолият юритишининг идеал шароитлари куйидагича бўлиши мумкин: истеъмолчиларга инновациялар зарур; инновацияларни таъминлаш учун лозим бўлган технологиялар мавжуд; рақобат минимал ёки умуман йўқ. Аммо бу идеал шароит холос, ва унга реал борлиқда эришиш жуда ҳам қийин.

Инновациявий лойиҳаларни фаолияти ривожланиб бориши билан ташкилотлар тўғрисидаги анъанавий тасаввур ҳам ўзгариши лозимлиги англанади. Ишларни майда қисмларга ажратиш ва ҳар бир ишчи дастурли мақсадли усулларни ўзгарувчан шароитларда, бирор лойиҳани бажариш учун ишчиларни вақтинчалик гуруҳларга бирлаштиришни жорий этувчи бошқарув услублари талаб қилинади. «Лойиҳа» ва лойиҳани бошқариш услублари корхона ички ва ташқи муҳитига кундан-кунга чуқур кириб бормоқда. Натижада, ноаниқлик муҳитида фаолият юритувчи ва натижаларга эриша оладиган бошқарувчи кадрлар танқислиги сезилиши табиий ҳолатдир. Бугунги кундаги инновациявий менежмент - ноаниқликни бошқариш стратегиясидир.

Инновациявий фаолиятни бошқариш қуйидаги асосий услубларни қўллашни назарда тутди:

- ресурсларни бошқариш;
- жараёнларни бошқариш;
- корпоратив билимларни бошқариш.

Услубларнинг биринчи гуруҳида қўлланиладиган анъанавий модел, корхона мулкдорларига тегишли бўлган ресурслар (молиявий ва моддий) йиғиндиси сифатида тасвирлайди. Ушбу ёндашувдаги инновациявий фаолиятни бошқаришнинг асосий мақсади – ижро этишга қабул қилинган лойиҳаларни зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш, ҳамда ушбу ресурслар сарфланиши устидан назорат олиб боришдир.

Корхонада  $n$ -та инновациявий лойиҳани амалга ошириш учун  $R$  ресурс мавжуд. Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бири  $x_i, i=1, n$  ресурс истеъмол қилади. Ресурсларнинг лойиҳалар ўртасида тақсимланиши буюртмалар устуворлиги асосида амалга оширилади:

$$x = \left\{ s_i, \text{if } \sum_{j=1}^n s_j \leq R; \min \left[ \eta_i, \gamma \eta_j(s_j) \right], \text{if } \sum_{j=1}^n s_j > R \right\} \quad (5.12)$$

Бу ерда:  $s_i$  –  $i$ -лойиҳа учун ресурс олиш буюртмаси;

$\eta_i(s_i)$  –  $i$ -лойиҳа устуворлигининг монотонлик функцияси;

$\gamma$  – ресурс танқислигида ундан тўлиқ фойдаланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда танланадиган, қандайдир параметр:

$$\sum_{j=1}^n \min \{ \eta_i; \gamma \eta(s_i) \} = R; \quad (5.13)$$

if – математик белги «агарда».

Инновациявий фаолиятни бошқаришда  $\eta_i(s_i)$  катталиги, одатда, камаювчи функция бўлади, яъни тесқари устуворликлар тамойили қўлланилади:  $\eta_i(s_i) \propto A_i/s_i$ , бу ерда  $A_i$  –  $i$ -лойиҳани амалга ошириш самараси. Тесқари устуворликлар тамойилининг мавжуд камчиликларига қарамасдан, турли хил ресурсларни (молиявий, моддий ва ҳ.) тақсимлашда ундан кўп фойдаланилади.

Ушбу гуруҳнинг бошқарув услублари моделлар билан тасвирланади, ва уларнинг айримлари стандарт даражасига кўтарилган (GAAP, MRP II, ERP).

Бошқариш услубларининг иккинчи гуруҳида, инновациявий лойиҳаларни амалга оширувчи ташкилот, буюртмачи эҳтиёжларини қондириш учун корхона ресурсларидан фойдаланувчи бизнес-жараёнлар йиғиндиси сифатида кўрилади.

Инновациявий фаолиятни бошқарув тизими нуқтаи назаридан, Э.Демингнинг Total Quality Management (TQM) ва Continuous Process ёндашувларининг ривожини бўлмиш, М.Хаммер томонидан тақдим этилган (1993 й.) BRP – Business Processes Reengineering услуби алоҳида эътиборга сазовор.

Бошқарув услубларининг учинчи гуруҳида эса ташкилот, умумий вазифани хал этувчи кичик жамоалар йиғиндиси сифатида қаралади. Ушбу гуруҳнинг бошқарув услублари «билимларни бошқариш» (Knowledge Management) деб ном олган.

Инновациявий лойиҳа фаолият якуний натижаларига инсон омилининг таъсир этиши, жамият ривожланиши билан кучайиб боради. XX-асрнинг 50-йиллари охирида бундай таъсир «ижтимоий-техник тизимлар» атамасининг пайдо бўлишига олиб келди, ва у ўз навбатида усқуналарнинг техник жиҳатлари ва тизимдан фойдаланувчининг ижтимоий-руҳий тавсифлари ўртасидаги узлуксиз алоқани эътироф этади. Ижтимоий-техник тизим – ташкилотнинг ижтимоий ва техник тизимларини интеграцияловчи тизим

сифатида қаралиши мумкин. Бунда ижтимоий тизим ташкилотдаги инсон ресурслари ва салоҳиятини белгиласа, техник тизим – техник ресурслар, яъни ташкилий тузилма, ишлаб чиқариш жараёни ва техник воситаларнинг ривожланишини белгилайди. Ушбу ёндашувнинг мантикий ривожланиши ижтимоий-техник тизим доирасидаги инсон роли ва функцияларига бўлган қарашларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Инсон оддий фойдаланувчидан тизимнинг муҳим элементига айланди, тизимлар ва уларнинг тамойиллари эса инсон омили хусусиятларини ҳисобга олишни бошлади. Бу билан параллел тарзда сифатнинг умумий бошқаруви (Total Quality Management - TQM) йўналиши ҳам ривожланган, унинг асосчиларидан бири бўлиб Эдвардс Деминг ҳисобланади.

Деминг томонидан ишлаб чиқилган бошқарув дастурли мақсадли усуллари корхона фаолиятини ташкил этиш жараёнларини узлуксиз такомиллаштиришга йўналтирилган, натижада бошқарув мақсади бўлиб маҳсулот ва хизматлар узлуксиз ошириш хизмат қилади :

- корхона фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб у ёки бу ишлаб чиқариш функциясининг сон кўрсаткичлари эмас, балки товар ёки хизмат ишлаб чиқариш жараёнининг сифати хизмат қилади;
- сифат мезони бўлиб буюртмачи (мижоз) эҳтиёжларини қондириш даражаси хизмат қилади;
- корхона жамоасининг иши мутахассислар гуруҳлари йиғиндиси кўринишида ташкил этилади, натижада ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан қўйилган тўсиқларга чек қўйилади;
- корхонани бошқарув жараёнида ходимларни эмас, балки мавжуд ишлаб чиқариш тизимининг камчиликлари таҳлил этилади ва йўқ қилинади;
- ҳар бир ходим томонидан қабул қилинган қарорнинг роли ошади ва ходимларда ташаббускорлик руҳини уйғотиш учун шароит яратилади.

Деминг мақсадли усуллари лойиҳаларни мантикий ривожини бўлиб, анъанавий иерархик ташкилий тузилмалардан бошқарувнинг тармоқ тузилмаларига ўтишга хизмат қилади. Одатда, тармоқ иштирокчиларининг

сони 150 кишигача бўлади, аммо бундан ҳам йирикроқ тармоқ уюшмалари ҳам мавжуд.

Инновациявий фаолиятни ривожлантириш учун тармоқ инфратузилмаларининг катта имкониятлари мавжуд эканлигини англаган ҳолда, ривожланган давлатлар ҳукуматлари томонидан инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Масалан, АҚШда, Стивенсон-Уайдлер қонуни асосида яратилган тармоқ инновациявий инфратузилмаси 1980 йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Ушбу қонунга мувофиқ, университетлар ёки бошқа фойда келтирмайдиган ташкилотларнинг филиаллари сифатида, янги технологиялар ва илмий ютуқларни саноатга узатиш учун, саноат технологиялари марказлари тармоғи яратилган. Бундан ташқари илмий-тадқиқот ташкилотларида, АҚШ федерал ҳукумати томонидан молиялаштириладиган, илмий-техник ютуқларни қўллаш бўлимлари тармоғи яратилган. Тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш учун Савдо Вазирлиги қошида федерал технологияларни қўллаш маркази ташкил этилган .

Япониядаги инновациявий лойихалаштириш фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёни қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- мамлакат илмий-техник ривожланишининг узок муддатли дастури мавжудлиги;
- илмий-техник сиёсатни олиб боришда йирик корпорацияларга таяниш;
- устуворлик бўйича амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни рағбатлантириш;
- чет элдан лицензиялар харид қилишни рағбатлантириш.

Европа мамлакатларида инновациявий лойихалаштиришни фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш хусусиятларига япония ва америкалик капитал босимига қарши курашни киритиш мумкин. Европадаги инновациявий фаолиятни бошқариш механизми асосан мавжуд технологияларга йўналтирилган бўлиб, бу ҳолат европалик ишлаб чиқарувчиларни, биринчи навбатда буюртмачи талабларини эътиборга олувчи америка ва япониялик

ишлаб чиқарувчилардан қолиб кетишига сабабчи бўлди.

Етакчи европа мамлакатларининг ҳукуматлари ушбу вазиятни ўзгартириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу борада давлат ва хусусий бизнес ўзаро фаолиятининг қуйидаги шакллари эътиборга лойиқ: қўшма давлат-хусусий институтлари ва лабораториялари, тармоқ тузилмалари доирасидаги олимлар кооперацияси, қўшма лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳ. Давлат томонидан инновациявий фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун яратилган ташкилий шаклга мисол тариқасида, Франция саноат вазирлиги қошида фаолият юритувчи INOVA ассоциациясини келтириш мумкин. Тармоқ тузилмаси сифатида яратилган INOVA таркибига 40га яқин корхона ва ташкилотлар қариб, уларнинг деярли ярми тармоқ тузилмаларидан иборат .

Россия Федерациясида тармоқ инновациявий тузилмаларини яратиш давлат миқёсида 1994 йилда, ҳукумат қарори билан «Техник янгиликларнинг Россия инжиниринг тармоғи» деб номланган федерал инновациявий дастур қабул қилинишидан бошланди. Дастурнинг федерал буюртмачиси бўлиб РФ Иқтисодиёт вазирлиги, дастур бошқаруви эса Инжиниринг ва автоматлаштириш марказлари Ассоциациясига юклатилган.

#### **5.4. Корхоналарда инновацион технологиялар фаолиятини молиялаштириш манбалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни бошқаришга давлатни аралашуви хусусида қатор мулоҳазали ҳолатлар мавжуд. Хусусан, Р. Дорбуш ва С.Фишер ҳукуматни иқтисодиётга аралашуви мамлакатни экологик тозалигини сақлаш, иқтисодиётда кредит, қимматли қоғозлар, пул ва товар массаси кабиларни максимал даражаларини белгилаш ва улар устидан назорат қилишда кўрадилар.

Ҳар қандай инновациявий лойиҳа муваффақиятли амалга ошиши учун давлат томонидан молиялаштирилиши лозим бўлади. Лойиҳалар давлат томонидан ва нодавлат ташкилотларининг грантлари асосида молиялаштирилиши мумкин. Ҳар бир лойиҳа аниқ номланиши ва қисқа аннотацияга эга бўлиши керак. Лойиҳада бажарувчилар сони, бажариш

муддатлари (бошланиш ва тугалланиш йили), ҳар йилдаги молиялаштириш ҳажми кўрсатилади. Лойиҳа раҳбари ва асосий бажарувчилари, ҳамда молиялаштириш ва бажариш ташкилотлари тўғрисидаги ахборотга муҳим аҳамият берилади. Лойиҳа раҳбари ва асосий бажарувчилари тўғрисидаги ахборотда (ҳар бир кишига алоҳида) қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: тўлиқ Ф.И.Ш., туғилган санаси, илмий даражаси, илмий даража берилган йил, илмий унвони, илмий унвон берилган йил, ташкилотнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, лавозими, илмий соҳаси (15тадан кўп бўлмаган таянч сўзлар), нашрларининг умумий сони, манзил маълумотлари ва лойиҳада молиялаштирувчи ва иш бажарувчи ташкилотларнинг тўлиқ ва қисқартирилган номлари (манзил маълумотлари, бюджет ҳисоб рақами, банк номи, раҳбар телефони, ва бошқалардан ташқари) ёзилган бўлиши шарт. Кейинчалик, юқорида келтирилган бўлимларга асосан лойиҳа мазмуни ёзилади. Агарда лойиҳа танловда иштирок этадиган бўлса тегишли ариза расмийлаштирилади. Танлов шартлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Молиялаштиришнинг бир йиллик умумий ҳажми, шу жумладан:

- иш ҳақи (умумий ҳажмнинг 50 фоиздан кўп эмас);
- иш ҳақи ажратмалари;
- ускуна ва материалларни харид қилиш;
- четдаги ташкилотлар хизматлари (шу жумладан нашриёт хизматлари);
- хизмат сафари харажатлари;
- экспедициявий харажатлар;
- устама харажатлар (умумий ҳажмнинг 20%дан кўп эмас).

Ишларни бажариш молиялаштирувчи ташкилот билан тузилган шартнома ва техник топшириқга мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Инновациялар сифатида тегишли хўжалик юритувчи субъект учун янги бўлган ғоялар, предметлар, технологиялар ва хизмат қилиши мумкин.

Инновация диффузияси – бу инновацион фаолият давлат томонидан тартибга солиниши шундай жараёнки, унинг воситаси ёрдамида инновация вақт мобайнида ижтимоий тизим аъзолари ўртасида коммуникацион каналлар

орқали узатилади.

Бошқача қилиб айтганда диффузия – бир марта ўзлаштирилган ва фойдаланилган инновацияни янги шароит ёки жойларда тарқатишдир. Инновацияларни кенг ёйиш – ахборот жараёни бўлиб, унинг шакли ва тезлиги коммуникацион каналларнинг қуввати, хўжалик субъектлари томонидан ахборотни қабул қилиш хусусиятлари, ушбу ахборотдан амалий фойдаланишга бўлган қобилияти ва ҳоказоларга боғлиқ. Чунки реал иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг инновацияларни излашга бўлган муносабати ва уларни ўзлаштириш қобилияти турлича бўлади. Реал инновациявий жараёнларда инновациялар диффузияси жараёнининг тезлиги турли омиллар билан аниқланади:

- а) қарор қабул қилиш шакли;
- б) ахборот узатиш усули;
- в) ижтимоий тизим ва инновация хусусиятлари

#### **5.5. Корхоналарда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдагит ЎРҚ 576–сонли Қонунига асосан илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги тармоқларни яратиш, аҳоли турмуш даражаси, илм-фан ва таълим тизимларини сифат жиҳатидан юксалтириб бориш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади<sup>18</sup>.

Инновациявий янгиликлар ишлаб чиқаришни тадқиқот лойиҳаси деганда, ижтимоий-маъданий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган, долзарб назарий ва амалий масалаларни ечишга йўналтирилган, тадқиқотлар ва

---

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ 576- сонли Қонуни, 29 октябр 2019 йил




ишланмаларни амалга ошириш тушунилади. Тадқиқот лойиҳаларида илмий асосланган техник, иқтисодий ёки технологик ечимлар баён этилади. Инновациявий янгиликлар ишлаб чиқаришни тадқиқот лойиҳаларининг қўйидаги турлари мавжуд: ташаббусли илмий лойиҳалар, илмий тадқиқотларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш лойиҳалари, ахборот тизимлари (АТ) ва маълумотлар базасини (МБ) яратиш лойиҳалари, нашриёт лойиҳалари, экспедиция ишларини амалга ошириш лойиҳалари ва б.

Ташаббусли лойиҳалар, одатда, кичик (10 кишигача) илмий жамоалар ёки айрим олимлар томонидан амалга оширилади. Ташаббусли лойиҳани амалга ошириш муддати, одатда, 1, 2 ёки 3 йилни ташкил этади.

ИТТКИ самарадорлиги, мақсад қўйилишида бозор эҳтиёжлари қанчалик ҳисобга олинганлигига боғлиқ ҳолда, бозорда аниқланади. Замонавий шароитларда саноатда ва корхоналарда инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш муайян бозор эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиши лозим.

Лойиҳани танлаш муқобил ечимларни излаш билан боғлиқ бўлади. ИТТКИ жараёнини бошқариш механизми (5.5.1-расм).



**5.5.1-расм. ИТТКИ жараёнини бошқариш механизми**

ИТТКИ портфели турли хил лойиҳалардан ташкил топган бўлиши мумкин. Аммо, ҳар бир лойиҳа ўз хусусиятларидан (мураккаблилик, меҳнат сифими ва ҳ.) келиб чиққан ҳолда чекланган ресурслар ажратилишини талаб қилади. Иш дастури бир текисда амалга оширилиши учун, портфел аниқ чегараларга эга ва барқарор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Муайян вақт даврида портфелда мавжуд бўлган лойиҳалар сони, битта лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун лозим бўлган ресурсларнинг умумий ҳажми орқали ўлчанадиган, лойиҳалар ўлчамига боғлиқ бўлади.

Масалан, ИТТКИ амалга ошириш учун 4000 пул бирлиги ажратилган бўлиб, битта лойиҳани амалга ошириш учун 2000 пул бирлиги талаб қилинса,

унда портфелда 2-та лойиҳа бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, портфелдаги лойиҳалар сони (n) қуйидаги нисбатдан келиб чиқади:

$n = \text{давр ичидаги ИТТКИ бюджети} / \text{битта лойиҳа ўртача харажатлари.}$

Асосан йирик лойиҳалардан ташкил топган портфел, ресурслари кичик лойиҳалар ўртасида тақсимланган портфелга нисбатан кўпроқ таваккалчиликка эга. Олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, барча лойиҳаларнинг фақатгина 10фоизи тўлиқ муваффақиятли ҳисобланади. Бу дегани портфелдаги ҳар бир лойиҳа муваффақиятли тугалланишининг эҳтимоли атиги 10фоизга тенг. Лойиҳалар сони ўсиши билан, улардан бирининг самарали бўлиши эҳтимоли ошади. Айниқса корхоналарда кичик лойиҳаларнинг устунлиги шундаки, мавжуд ресурслар нуқтаи назаридан уларни бир-бирига мослаштириш осон кечади. Йирик лойиҳа эса катта ҳажмдаги чекланган ресурсларни талаб қилади. Аммо кичик лойиҳалар (нисбатан кичик ИТТКИ харажатларини талаб қилувчи), одатда, савдо ҳажми ва даромадлилик салоҳияти бўйича юқори бўлмаган янги маҳсулотларда амалга оширилади. Кичик лойиҳалардан иборат портфел, янгиликларнинг бир текис оқимига олиб келиши мумкин бўлиб, уларнинг бир қисми чекланган бозор салоҳиятига эга лойиҳа ғояси буйича бўлган ҳолда маркетинг бўлимлари томонидан яхши қабул қилинмаслиги мумкин. Бирор лойиҳани портфелга киритиш имкониятларини кўриб чиқишда, бошқарувнинг сифати ва харажатларни лойиҳаларга қайта тақсимлаш оқибатларини ҳисобга олиш лозим.

Ҳар биттаси иккита лойиҳадан ташкил топган иккита портфелни баҳолайлик (5.5.1-жадвал). Ҳар иккала портфел ҳам кичик саналади.

Портфел рентабеллиги (даромадлилиги) даромадларнинг харажатларга нисбати билан аниқланади.

А портфелдаги биринчи лойиҳа, Б портфелдаги лойиҳага нисбатан 8,6 фоиз ( $1,9 / 1,75 = 1,086$ )га рентабиллироқ, аммо иккинчи лойиҳа Б портфелда юқорироқ рентабелликка эга ( $1,8 / 1,9 = 0,947$ ), яъни А портфелдаги иккинчи лойиҳа рентабеллиги 9,5фоизга паст/Портфелларнинг умумий баҳоси ўртача

## Портфеллар самарадорлигини баҳолаш

Лойиҳалар	А ПОРТФЕЛ			Б ПОРТФЕЛ		
	Харажат, пул бирлиги.	Даромад, пул бирлиги	Рентабеллик	Харажат, пул бирлиги.	Даромад, пул бирлиги (Π <sub>а</sub> )	Рентабеллик
	1	2	3	4	5	6
1	22 000	41 800	1,9	34 000	59 500	1,75
2	18 000	32 400	1,8	30 000	57 000	1,9
Портфел умумий баҳоси	40 000	72 400	1,86	64 000	116 500	1,82

рентабеллик кўрсаткичлари бўйича берилади. А ва Б портфеллар рентабеллигини  $R_A$  ва  $R_B$  деб белгилаймиз

5.5.1-жадвалдан кўришиб турганидек, алоҳида лойиҳалар рентабеллиги куйидагича аниқланади:

$$R_A = \Pi_A / Z_A; R_B = \Pi_B / Z_B. \quad (5.14)$$

Портфелларнинг умумий рентабеллиги эса

$$\bar{R}_A = \frac{\sum \Pi_A}{\sum Z_A}; \quad \bar{R}_B = \frac{\sum \Pi_B}{\sum Z_B} \quad (5.15)$$

Бу ерда:  $\bar{R}_A$  ва  $\bar{R}_B$  - А ва Б портфелларининг ўртача рентабеллиги.

Рентабеллик кўрсаткичлари асосида устуворликлар коэффициенти ҳисобланиши мумкин.

$$\bar{K}_\Pi = \frac{\bar{R}_A}{\bar{R}_B} \quad (5.16)$$

бу ерда:  $K_\Pi$  – устуворлик коэффициенти.

Бизнинг мисолимизда устуворлик коэффициенти қуйидагига тенг:

$$\overline{ЖС}_n = \frac{1,86}{1,82} = 1,022 \quad \text{ёки} \quad 2,2\%$$

Аммо, ҳар бир лойиҳа индивидуал рентабеллик ( $R_i$ ) ва портфел шакллантириш харажатларидаги муайян улушига ( $d_{3i} = \frac{3_i}{\sum 3}$ ) эга.

Бу дегани, ўртача ёки умумлаштирувчи устуворлик коэффициенти ( $\overline{K}_\Pi$ ), рентабеллик ва харажатлар тузилмаси бўйича устуворликлар тизими кўринишида тақдим этилган бўлиши мумкин.

Рентабеллик бўйича устуворлик коэффициенти:

$$K_P = \frac{\sum R_{AI} * d_{3AI}}{\sum R_{BI} * d_{3AI}}. \quad (5.17)$$

Харажатлар тузилмаси бўйича устуворлик коэффициенти:

$$K_{d3} = \frac{\sum R_{BI} * d_{3AI}}{\sum R_{BI} * d_{3BI}}. \quad (5.18)$$

шундай қилиб:

$$\overline{K}_\Pi = \frac{\sum R_{AI} * d_{3AI}}{\sum R_{BI} * d_{3BI}}, \quad (5.19)$$

ёки

$$\overline{K}_\Pi = \frac{\sum R_{AI} * d_{3AI}}{\sum R_{BI} * d_{3BI}} = \frac{\sum R_{AI} * d_{3AI}}{\sum R_{BI} * d_{3AI}} * \frac{\sum R_{BI} * d_{3AI}}{\sum R_{BI} * d_{3BI}}. \quad \text{ююю} \quad (5.20)$$

Устуворлик коэффициентларини ҳисоблаш услубиёти 5.5.2-жадвалда келтирилган.

### 5.5.2-жадвал

#### Устуворлик коэффициентларини ҳисоблаш

ЛОЙИ- ҲАЛАР	А ПОРТФЕЛ			Б ПОРТФЕЛ			$R_{BI} \times d_{3AI}$
	$R_{AI}$	$d_{3AI}$	$R_{AI} \times d_{3AI}$	$R_{BI}$	$d_{3BI}$	$R_{BI} \times d_{3BI}$	
1	1,9	0,55	1,045	1,75	0,53	0,927	0,962
2	1,8	0,45	0,81	1,90	0,47	0,823	0,855
Портфел баҳоси	$\overline{R}_A = 1,8$	1,00	$\overline{R}_A = 1,86$	$\overline{R}_A = 1,86$	1,00	$\overline{R}_A = 1,86$	1,82

Ушбу мисолда рентабеллик бўйича устуворлик коэффициенти  $\bar{K}_\Pi = \frac{\sum R_{AI} * d_{3AI}}{\sum R_{BI} * d_{3BI}}$  1,22 га тенг. У ўртача устуворлик коэффициенти катталигига

тенг бўлади, чунки харажатлар тузилмаси бўйича портфеллардаги лойиҳалар улушлари деярли бир хил ва устуворлик йўқ ( $K_\Pi = 1$ ).

Агарда менежер ўз эътиборини А портфелга кирувчи лойиҳаларга қаратса, А портфелнинг рентабеллиги 0,04 пунктга юқорилигини эътиборга олган ҳолда, А портфелнинг қўшимча даромади  $[(+0,04) * 40\ 000]=1600$  пул бирлигини ташкил этади.

Буюртмалар портфелини шакллантириш, ИТТКИ натижаларининг потенциал истеъмолчилари билан иш олиб боришни назарда тутади.

Ташаббусли лойиҳа қуйидагилардан иборат бўлади:

- лойиҳа йўналтирилган фундаментал илмий муаммо;
- лойиҳа йўналтирилган илмий муаммо доирасидаги, конкрет фундаментал масала;
- таклиф этилаётган услуб ва ёндашувлар, ишларнинг бажарилиш муддатидаги умумий ишлар режаси;
- кутилаётган илмий натижалар;
- фаннинг мазкур соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги аҳволи, кутилаётган натижаларни жаҳон даражаси билан таққослаш;
- таклиф этилган лойиҳа бўйича жамоада мавжуд бўлган илмий салоҳият, олдинроқ олинган натижалар; ишлаб чиқилган услублар;
- таклиф этилаётган лойиҳага яқин бўлган асосий нашрлар рўйхати;
- мавжуд ускуналар рўйхати ва тавсифи.

Илмий тадқиқотлар моддий-техник базасини ривожлантириш лойиҳаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қимматбаҳо ускуналар ёрдамида ечилиши лозим бўлган фундаментал муаммолар;
- ускуналарни қўллаш соҳаси (бўлинма, ташкилот ва х.);
- ускуналарни харид қилиш ва ишга тушириш бўйича умумий режа;

- таклиф этилаётган лойиҳа бўйича мавжуд салоҳият;
- мавжуд ускуна ва материаллар рўйхати, ҳамда янги ускуналар харид қилиш лозимлигини асослаш;
- қимматбаҳо ускуналарни сотиб олиш ёки яратиш шартномасининг мавжудлиги.

Ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини яратиш лойиҳаси кўйидагиларни акс эттиради:

- яратилаётган АТ ёки МБ қўлланилиши лозим бўлган билимлар соҳаси;
- АТ ва МБ ларни ташкил этиш ёрдамида ечими топиладиган фундаментал илмий муаммолар, ҳамда фойдаланувчилар доираси ва уларнинг тахминий сони;
- лойиҳага йўналтирилган конкрет фундаментал вазифа;
- таклиф этилаётган услуб ва ёндашувлар;
- лойиҳа бажарилишининг бутун муддатига бўлган ишларнинг умумий режаси;
- кутилаётган натижалар;
- фаннинг ушбу соҳасида мавжуд бўлган АТ-ларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, уларни жаҳон даражаси билан таққослаш, миллий ёки чет эл аналогларининг мавжудлиги;
- мазкур лойиҳа бўйича мавжуд илмий салоҳият (ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш тажрибаси, олдин яратилган АТ-лар тавсифи);
- АТ ишлаб чиқарувчиларда лицензияга эга дастурий воситаларнинг мавжудлиги;
- лойиҳани муваффақиятли яқунлаш учун, қўшимча харид қилиш лозим бўлган қимматбаҳо дастурий ва аппарат воситалари рўйхати;
- АТ-ни илмий жамиятга тақдим этиш усуллари;
- яратилаётган АТ-нинг стандарт тавсифлари (талаб қилинадиган хотира, аппарат ва операцион платформалар, дастурий воситалар ва ҳ.к.);
- функционал тавсифлар (АТ тури, чиқиш шакллари ва миқдори, АТ-даги

маълумотлар манбаи, сатрлар ва ёзувлар сони ва ҳ.);

- кўшимча имкониятлар (маълумотлар узатиш тармоғи, алоқа каналлари, АТ-нинг кейинчалик ривожланиш имкониятлари, АТ-дан ахборот олиш усуллари).

Нашриёт лойиҳасида қуйидагилар кўрсатилади:

- лойиҳа йўналтирилган фундаментал илмий муаммо, унинг натижалари таҳлили ва йиғиндиси;
- мазкур муаммо доирасидаги конкрет илмий масала (вазифа);
- нашр режаси (тузилмаси ва таркиби), нашрнинг муаллифлик бетидаги ҳажми ва тахминий тиражи;
- фаннинг мазкур соҳасидаги нашрларнинг ҳозирги ҳолати;
- нашрнинг ўзига хослик даражаси (таркиби, тузилмаси, таҳлил ва умумлаштириш даражаси, баён этиш услубиёти бўйича);
- муаллифда ёки муаллифлар жамоасида мавжуд бўлган илмий салоҳият;
- олдин олинган натижалар ва ишлаб чиқилган услублар;
- мазкур лойиҳага яқин бўлган, муаллиф нашрларининг рўйхати.

Экспедициявий ишларни олиб бориш лойиҳаси қуйидагиларни очиб беради:

- ечишга йўналтирилган фундаментал илмий муаммони;
- конкрет ечилиши лозим бўлган масала қўйилишини, ишларнинг умумий режасини;
- мазкур лойиҳа бўйича мавжуд бўлган илмий салоҳиятни (экспедициявий ишлар амалга оширилиши лозимлигини асословчи, олдин олинган натижалар);
- мавжуд ва лозим бўлган ускуналар рўйхатини.

Умумий фойдаланиш марказларини (УФМ) яратиш лойиҳаси қуйидагиларни акс эттиради:

- фундаментал муаммоларни ечишда ускуналар мажмуасидан фойдаланиш назарда тутилган, билимлар соҳаси;
- мавжуд ускуналар рўйхати, уларнинг техник ҳолати ва асосий тавсифлари;
- фундаментал тадқиқотлар учун ускуналар мажмуасидан илмий-услубий

фойдаланиш бўйича мавжуд тажриба;

- мажмуа илмий-услубий ривожланишининг асосий йўналишлари, ҳамда мажмуа узлуксиз ишини таъминлаш учун лозим бўлган ускуна ва материаллар рўйхати.

Кўриб чиқилган лойиҳалар математика, информатика, механика, физика, астрономия, кимё, биология ва тиббиёт, гуманитар ва жамият фанларидан илмий тадқиқотларни ўтказиш учун тавсифийдир.

Инновациявий тадқиқотлар лойиҳаларига қуйидагилар хос бўлади:

- қайтарилмаслик;
- мақсадга эга бўлиш;
- муайян бошланиш ва тугалланишга эга бўлиш;
- вақт ва маблағлар чекланганлиги;
- мураккаблилик;
- турли хил мутахассиларни жалб этишни талаб қилиш;
- юқори устуворликга эга бўлиш.

Лойиҳа белгиланган вақт мобайнида ва чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда конкрет қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган, ушбу мақсад шунчалик янги бўлиши мумкинки уни амалга ошириш учун махсус ёндашувлар талаб қилинади:

- лойиҳавий гуруҳ ташкил этиш ёки ижодий коллектив яратиш;
- бошқарув (сифат, харажат ва муддат талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа бажарилишини қандай таъминлаш).

Кўпгина лойиҳалар якуний боскичида оддий кундалик фаолият билан бирга амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга лойиҳани амалга ошириш, кўпгина ҳолларда, ишчи гуруҳ ташкил этилишини ҳам талаб қилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион лойиҳанинг ахамияти нимадан иборат?
2. Инновацион лойиҳа тушунчаси ва унинг асосий элементлари нимадан иборат ?



3. Инновацион лойиха турлари ва унинг мазмунини очиб беринг?
4. Инновацион лойихаларни бошқариш механизмини тушунтиринг?
5. Инновацион лойихаларни ишлаб чиқиш тартиби мазмуни нимадан иборат?
6. Инновацион лойихани режалаштириш тартибини тушунтиринг?
7. Инвестиция дастурига асосан лойихаларни режалаштириш тизими нималардан иборат?
8. Янгиликлар дастурини ишлаб чиқаришда татбиқ этилишини очиб беринг?
9. Инновацион лойихаларини бошқариш услубларини айтинг?
10. Инновацион лойихаларини қандай расмийлаштирилади?
11. Корхона инновацион фаолиятда иқтисодий усулларни таърифлаб беринг?
12. Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаларини мисоллар орқали тушунтириб беринг?

## **ҮІ Боб. Инновацион иқтисодиётда инсон омилини фаоллаштириш**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда “инсон омили” ҳақида тушунча унинг таркибий ташкилий тузулмасини, баҳолаш мезонларини ва инсон ресурсларини бошқариш концепциясини ҳамда кадрларни танлаш, қайта тайёрлаш ҳамда баҳолаш масалаларини ўрганишдан иборат*

**Таянч иборалар:** *Инсон омили, таркибий-ташкилий тузилма, инсон омилининг фаоллик даражаси, инсон омилининг баҳолаш мезонлари, инсон ресурслари, инсон ресурсларини бошқариш, инсон ресурсларини концепцияси, персонални бошқариш, кадрларни бошқариш стратегияси, кадрларни бошқариш турлари, инсон омили стратегияси, кадрларни танлаш, кадрларни баҳолаш, кадрларни тайинлаш, моддий рағбатлантириш, маънавий рағбатлантириш, кадрларни қайта тайёрлаш.*

### **6.1. Инсон омилининг таркибий-ташкилий тузилмаси**

Ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланишидан асосий мақсади инсондир. Жамият тараққиёти эса, нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги билан ҳам ўлчанади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастурига кўра ўтказилган тадқиқотлар натижасида жаҳон ҳамжамияти эга бўлган бойликнинг 64,0 фоизи инсон салоҳияти ҳиссасига тўғри келиши аниқланган. Табиий ресурслар ва жаҳондаги мавжуд барча ишлаб чиқариш-технологик инфратузилма улушига эса жаҳон умумий бойлиги ҳажмининг атиги учдан бир қисми тўғри келди. Инсон салоҳияти даражаси Шимолий Америкада 76,0 фоизни, Ғарбий Европада 74,0 фоизни, Жанубий Америкада 74,0 фоизни Яқин Шарқда 43,0 фоизни, Шарқий Осиёда 77,0 фоизни ташкил этади. Яқин Шарқ мамлакатларининг асосий бойлиги эса табиий ресурслар бўлиб, бу давлатларда инсон салоҳияти энг паст даражададир. XXI асрда инсон салоҳияти миллий бойликнинг асосий қисми ва ҳар бир мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланганлигини тасдиқлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги

Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сонли “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда инсон омилини фаоллаштиришга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ,**

- ✓ илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш;
- ✓ илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш;
- ✓ таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш .

Шу нуқтаи назардан форсайт марказларини ОТМ ҳузурида ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

**Форсайт** ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожланиш стратегик йўналишларини эксперт баҳолаш усуллари тизимини, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиёт ва жамият тараққиётига таъсир кўрсата оладиган технологик ривожланиш прогнозини ўзида мужассамлаштиради. **Форсайт** услубияти ўнлаб анъанавий ва янги эксперт усулларини ўз ичига олади. Бунда уларнинг доимий равишда такомиллашиб бориши илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини олдиндан кўришга асос бўлади.

Тармоқ ва минтақаларда инновацион таълимни ривожлантириш, хўжалик фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш зарурияти корхоналарда инновацион таълимнинг ахборот таъминоти тузилмаларини яратиш билан бир қаторда, минтақаларда инновацион таълимни ахборот-таҳлилий таъминлаш махсус тармоқлараро ахборот марказларини яратишни талаб этади. Бундай марказлар минтақа корхоналарида инновацион таълимни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур билим ва маълумотларни тўплаш, сақлаш, юритиш, тизимлаштириш билан шуғулланиши лозим.

Инсон ресурсларининг юқори қиймати, аввало, шу билан белгиланадики, улар ишлаб чиқаришнинг рақобатли, «интеллектуал сиғимли» неъмат/хизматлар каби инновацион омилларига институционал алмаштириш глобал рақобатли бозорларда инновацион кўринишидаги даромадни шакллантирган ҳолда амалга оширилади

Бошқарув ишида демократияни чуқурлаштиришнинг қудратли кучи – инсон омилини фаоллаштириш бўлиб, бу меҳнат ресурслари фаоллиги ва амалий салоҳиятига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни юксак савияга кўтариш учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Маълумки, кейинги пайтда инсон меҳнати натижаларини баҳолашда номоддий актив кўринишдаги интеллектуал мулк, яъни илм-фан жадал ривожланмоқда. Махсулот ишлаб чиқиш сифатига бўлган талабнинг ортиб бориши, рақобатнинг кучайиши, инновацион технологияларнинг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнларини муттасил равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ходимлар тайёргарлигини доимий шай ҳолатда тутиш, инсон омилини янада фаолаштиришни зарурат қилиб қўймоқда. Инсон омили билан боғлиқ кўплаб тадқиқотларнинг таҳлилари, иқтисодиётни бошқаришдаги олий мақсад – инсон омилини фаоллаштириш йўли билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни вужудга келтиришнинг муҳим жиҳати сифатида асосланади.

Иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини фаоллаштириш бўйича илмий асослар ишлаб чиқилган. Бунда инсон омилини бир бутун тизим сифатида шакллантиришнинг ташкилий-таркибий тузилмаси, унинг элементларини

ташкил этган инсонийлик сифатлари ва уларнинг ўзаро боғланиш қонунияти ҳамда инсон омили фаоллик даражасини баҳолашнинг стандарт-ташхис мезонларини ўз таркибига олган концепция ишлаб чиқилган.

**Инсон омили** – инсон ҳис-туйғулари, ақл-идроки, илми, инсоний сифатлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, табиати, феъл-атвори, меҳнатга муносабати, малака, тажриба, онги, дунёқароши, жисми, соғлиги, ёши, жинси, эътиқоди, руҳияти, қобилияти, майлидан иборат мураккаб синергетик<sup>19</sup> тизимдир.

Инсон омилени ташкил этишда иштирок этувчи энг муҳим ва биринчи даражали инсоний сифатларнинг тизими шакллантирилди (6.1.1-жадвал).

### 6.1.1.-жадвал

#### Иқтисодийётни бошқаришда инсон омилени ташкил этувчи сифатларнинг ташкилий-таркибий тузилмаси

<b>Инсоний сифатлар</b>					
<b>I. ИНСОНИЙ, МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР</b>					
1	Инсонпарварлик	8	Меҳр-мурувват	14	Донолик
2	Виждон	9	Ҳалоллик	15	Ғайрат-шижоат
3	Одоб-ахлоқ	10	Руҳан кучлилик	16	Камтаринлик
4	Ор-номус ва андиша	11	Маънавиятлик	17	Сабр-қаноат
5	Сахийлик	12	Маданиятлик	18	Олийжаноблик
6	Иродалик	13	Эътиқод-садоқат	19	Тўғрисиўзлик
7	Адолатпарварлик				
<b>II. МЕҲНАТГ МУНОСАБАТ</b>					
1	Меҳнатсеварлик	6	Интизом	11	Ташкилотчилик
2	Малака	7	Пухталиқ ва сифат	12	Талабчанлик
3	Тажриба	8	Масъулият	13	Фаоллик
4	Ишбилармонлик	9	Фидойлик	14	Бамаслаҳат иш кўриш
5	Тадбиркорлик	10	Ташаббускорлик	15	Ҳуқуқини англаган
<b>III. ИЛМ ВА КАСБ-ҲУНАР</b>					
1	Олий, ўрта, махсус касбий илм	5	Ғоявий савиясини оширишга интилувчан	9	Изланувчанлик

<sup>19</sup>Синергетика – ўзини ўзи ташкил этиш мураккаб тизимлар назарияси

2	Қобилият ва истеъдод	6	Мақсадга интилувчан	10	Устоз, мураббий
3	Бир неча илм, касб ва мутахассислик эгаси	7	Янгиликка интилувчанлик		
4	Малакавий савиясини оширишга интилувчан	8	Илғор фикрловчи		
<b>IV. ШАРОИТ</b>					
1	Меҳнат	3	Худудий	4	Ахлоқий-маънавий муҳит
2	Оилавий				
<b>V. ИМКОНИЯТ</b>					
1	Рағбатлантирилиш	4	Малака ошириш ва ўқитиш	7	Ошкоралик ва плюрализм
2	Ғамхўрлик кўрсатиш	5	Эркинлик	8	Соғлом рақобатчилик мухити
3	Ишонч билдириш	6	Бошқарувда иштирок этиш	9	Ижтимоий ҳимояланганлик

Бунда инсон омили мажмуи 5 қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз моҳиятига кўра муайян вазифаларни адо этиш вазифаси кўзда тутилган. Ушбу тизимда инсон омили уйғун объект моҳиятига эга бўлди. Инсон омилининг умумий инсонийлик сифатлари турли даражада ўзаро боғланиб муайян воқеани содир этади. Боғланиш кучини камайиши, ёки йўқолиши ҳодиса ва воқеанинг содир бўлиш ҳолатини камайтиришга, ёки йўқолиб кетишига сабаб бўлади. Бу инсон омилини ташкил этувчи инсоний сифатларнинг ўзаро боғланиш қонунияти деб аталиб, унга шундай таъриф берилди.

## **6.2. Инсон омилини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш**

Инновацион тараққиёт -бозор иқтисодиёти ривожланишида янги сифат босқич бўлиб, унда ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга илм-фан ва техника ютуқларини жорий этиш орқали бозорда маҳсулотларнинг янги турлари, технологияларни такомиллашуви, ресурслардан самарали фойдаланиш йўли билан иқтисодий ўсишни таъминлашга эришилади (6.2.1-жадвал).

## Иқтисодий тизимларнинг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Иқтисодий тизимлар турлари		
	Аграр иқтисодиёт	Индустриал иқтисодиёт	Инновацион иқтисодиёт
Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Саноатнинг юқори технологик фан сиғимли тармоқлари
Асосий ишлаб чиқариш тармоқлари	Ер, ишчи кучи	Капитал тадбиркорлик қобилиятлари	Инсон капитали
Маҳсулотларнинг қиёсий устунлик кўрсаткичлари	Нархлар пастлиги, кенг ассортимент	Нархлар пастлиги, юқори сифат	Товарнинг кўп функционаллиги ва янгилиги
Иқтисодий субъектлар муваффақияти кўрсаткичлари	Маҳсулотнинг халқаро сифат стандартларга жавоб бериши ва экспортда иштирок этиш	Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, экспортда иштирок этиш	Бозорда маҳсулотнинг бу тури йўқлиги, экологик тозаллиги, ресурс тежамлиги, экспортбоплиги

Асосий омиллар:

- глобаллашув миқёсини, товар ва хизматларнинг сотиш бозорларини кенгайтириши, оқибатда рақобат курашини кучайтириши ва нархсиз рақобат усулларини фаол қўлланилишига олиб келди;
- жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига фан-техника ютуқларини фаол жорий этилиши;
- илмий-техника тараққиёти суръатларининг жадаллашуви;
- атроф муҳитдаги салбий ўзгаришлар, ишлаб чиқариш фаолиятига экологик нормаларни киритилиши ва янги экологик тоза технологияларни татбиқ этиш зарурати;
- айрим табиий ресурслар турларини камайиб бориши натижасида ресурс

тежовчи технологияларни, ресурсларни муқобил манбаларини қидириш ва жорий этиш зарурати;

➤ замонавий истеъмолчининг хуқидаги ўзгаришлар, истеъмолчи танловида янги мезонларни вужудга келиши.

### **6.3. Кадрларни бошқариш стратегиясининг моҳияти ва турлари**

Инновацион соҳада кадрларни шакллантириш ва бошқариш замонавий тафаккурни тизимлаштириш, инсон онги ижодининг натижавийлигига эришиш, олдиндан кўра билиш заруратини келтириб чиқаради.

Бундай ёндошув инновацион тизимни демократлашувини ва янада инсонпарварлашувини таъминлаб, сифат даражасини оширишга хизмат қилади.

Ривожланган мамлакатларда инновацион ривожланишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига (ИТТКИ) ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизгача бўлган маблағнинг доимий ажратилишидир.

Инновациявий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида, ташкилий тузилмалари, ҳамда ташкилотнинг кадр, ахборот ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш сифатини ошириш базасида инновацияларни бошқариш усул ва услублари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади. Аммо, инновациявий жараёнлар самарадорлигини ошириш имконини берувчи ҳар қандай тадбирлар, албатта, рақобатдош илмий маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан даромад олишга йўналтирилган бўлади.

Инновацион соҳада кадрларни шакллантириш технологияси деганда нима тушунилади.

**Инновацион соҳада кадрларни шакллантириш технологияси** – бу корxonанинг (ташкilotнинг) самарали фаолияти учун талаб этиладиган ходимларни турли параметрлар орқали поғонавий даражада шакллантириш усул ва воситалар мажмуаси булиб, бу борада мақсадли ҳаракатлар механизмининг узлуксиз ишлаб туришидир. Инновацион соҳа кадрлар тизими – бу ташкilot даражасида ишловчилар салоҳиятидан самарали фойдаланишда нормал-функционал ва ривожланиш учун ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий



чораларнинг ўзаро боғлиқлик тизимидир.

**Карьера** – бу ходимнинг келажақда ўз меҳнати, ўз-ўзини кўрсата олиши йўллари ва меҳнатдан қониқиши бўйича субъектив шахсий идрокидир. бу ходимнинг хизмат пила-поясида силжиб бориш, кўникмалар, қобилиятлар, малакавий имкониятлар ва муқофотлаш хажмининг ўзгариб боришидаги интилишини англатади.

Инновацион соҳада кадрларни шакллантиришда куйидагиларга эътибор бериш зарур:

- эҳтиёжни (лаёқатини)билимини аниқлаш;
- кадрларни жалб этиш;
- кадрлардан самарали фойдаланиш;
- кадрларни ривожлантириб бориш (малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш);
- кадрлар тўғрисида ахборотларни ташкил этиш;
- кадрларни алмаштириш(ишдан бўшатиш);
- кадрлар заҳирасини шакллантириш ва уларни рағбатлантириш;
- инновацион соҳада кадрларни шакллантиришда куйидагиларга эътибор бериш зарур.

Корхоналарни ривожлантириш стратегияси:

- кадрларни ривожлантиришга эҳтиёж (талаб ва амалдаги компетенциянинг мос келмаслиги);
- кадрларни ривожлантириш истиқболлари (компетенцияси);
- кадрларни бошқариш стратегияси;
- кадрлар заҳирасини бошқариш.

Инновацияда кадрларни шакллантириш стратегияси:

- кадрлар стратегияси;
- очик (корхона инновацион таркибни ташқи манбалардан тўлдирилади);
- ёпиқ (корхона инновацион таркибини ички манбалардан тўлдиришга қаратилади);
- режалаштириш;

- корхона тузилмаси;
- штат жадвали;
- захира.

Инновацион соҳада кадрларни шакллантиришга сегментларнинг таъсири.

Дастлабки тавсифи:

- Ёши
- Жинси
- Миллати
- Жисмоний имконияти
- Ҳулқиёки ўзини тутиши

Муҳимлик тавсифи:

- Маълумоти
- Этиқоди
- Ақлий қобилияти
- Яшаш жойи
- Даромади
- Иш тажрибаси
- Харақтери
- Оилавийлиги

#### **6.4 Инновацион тизимда малакали кадрларни тайинлаш ва қайта тайёрлаш тизими**

Инновацион соҳада кадрларни шакллантириш ва бошқариш замонавий тафаккурни тизимлаштириш, инсон онги ижодининг натижавийлигига эришиш, олдиндан кўра билиш заруратини келтириб чиқаради. Бундай ёндошув инновацион тизимни демократлашувини ва янада инсонпарварлашувини таъминлаб, сифат даражасини ошишига хизмат қилади.

Кадрлар гуруҳи (сегментлари)ни аниқлаш. Кадрлар сиёсати орқали инновацион мақсадларга эришиш мумкин:

- инновацион соҳада кадрлар захирасига қўйиладиган талабларни аниқлаштириш даражаси бўйича бошқарувни ижтимоий, салоҳиятли, дастлабки

ва якуний туркумларга бўлиш мукин. Кадрларни ижтимоий захираси – бу кенг маънодаги тушунчани англатади. Бунда барча меҳнат ресурслари камраб олинади (ташқи ва ички имкониятлар) ва ташкилотнинг истикболдаги кадрлар таъминотининг асоси яратилади;

- салоҳиятли захира раҳбарлар, мутахассислар, ишчилар таълим даражасига ва мутахассислигига қўйиладиган асосий талабларга жавоб бериши ёки бошқа параметрлар ҳисобга олинган ҳолда яқин келажакда жавоб бериши тушунилади. Ташкилотнинг ҳар бир бўлинмасида шахсий захираси шаклланиши лозим;

- дастлабки захира – бу салоҳиятли захирадаги ходимлар сони бўлиб, раҳбарлик лавозимига қўйилиш эҳтимоли катта бўлади.

Якуний захирага фақат барча мезонларга деярли тўлиқ жавоб бераётган ишлаётган ходимлар киритилади (6.4.1-жадвал).

#### 6.4.1-жадвал

##### Инновацион кўникма ҳосил этиш мезонлари

Даража	Мезонлар	Кўникмани шакллантириш мезонлари кўрсаткичлари
Салоҳият	Ижтимоий-демографик талаблар	Таълим даражаси, амалий иш тажрибаси ва инсонлар билан ишлаш тажрибаси, ёши (шахсий ҳужжат бўйича)
Дастлабки	Бошқарув сифати	Инновацион гуруҳга номзодни киритишда профессионал ва шахсий сифатларини эксперт баҳоси (сўров ва тест ўтказилиш натижалари)
Якуний	Иш натижаси	Инновацион фаолиятда якуний натижалари (белгиланган вазифаларни бажарилиш натижаси бўйича), номзодни маълум вазифани бажариши учун розилиги

Инновацион тизимда замонавий ахборот технологиялари:

- давлат бошқарувида ахборот технологияларини тадбиқ этиш самарадорлиги;

- электрон хужжат ва электрон хужжат айланиш тизимларида электрон рақамли имзони қўллаш;
- давлат ва хўжалик бошқарув идоралари ахборот тизимлари ва ресурслари;
- локал, корпоратив ва глобал ахборот тизимлари;
- миллий ахборот тизимини шакиллантиришда ахборот тизимлари мажмуасини яратиш ва интеграциялаш усуллари;
- давлат идоралари тақдим этаётган ахборотга фуқароларни масофавий фойдаланишга имконият яратиш;

#### 6.4.2-жадвал

##### Инновацион қобилиятни баҳолаш услублари

Қобилият категориялари	Баҳолашнинг муҳим услублари
Иқтидорлик: - интеллект; - кўриш қобилияти; - таъсирчалиги ва бошқалар.	Интеллектуал даражасига тестлар, сенсор қобилияти ва харакатлантирувчи махсус тестлар ва ҳ.к.
Ижтимоий қобилияти: - мулоқотга қобилияти; - низоларни бошқариш қобилияти ва бошқалар.	Интеллектуал усуллар (суҳбат, гуруҳдаги баҳслар)
Мотивацияси: - таваккалчилик қилишга тайёрлиги; - мулоқот узилишига тайёрлиги ва бошқалар.	1) Натижага эришиш йўлида мотивацияни аниқлаш мақсадидаги тестлар 2) Тадқиқотчилик ҳужжатлари 3) интервью
Шахсий хусусиятлари: эмоционал мувозанатлиги ва бошқалар	1) Тестлар (сўровнамалар) 2) Стресс-интервью
Профессional қобилияти ва билими	1) Тестлар (иш бўйича) 2) Тадқиқотчилик ҳужжатлари (дипломлар, баҳоси билан)
Профессional тажрибаси	1) Тадқиқотчилик ҳужжатлари (меҳнат биографияси) 2) Суҳбатлашиш

- фуқароларни ўзаро алоқасини таъминлаб берувчи ахборот тизимлари;

➤ норматив сўров ахборотларни юритишни таъминлаб берувчи ахборот тизимлари ва ҳ.к.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион тизимида инсон омили деганда нимани тушунасиш?
2. Инсон омилининг таркибий-ташкилий тузилмасини таърифлаб беринг?
3. Инсон омилининг фаоллик даражасини баҳолаш мезонларини айтиб беринг?
4. Инсон ресурсларини бошқариш концепциясига мисоллар келтиринг?
5. Инновацион соҳада персонални бошқариш деганда нимани тушунасиш?
6. Кадрларни бошқариш стратегиясининг турларини айтинг?
7. Инсон омили стратегияси деганда нимани тушунасиш?
8. Кадрларни баҳолаш мезонларини айтинг?
9. Моддий ва маънавий рағбатлантириш деганда нимани тушунасиш?
10. Малакали кадрларни қайта тайёрлаш тизими қандай амалга оширилади?

## **ҮП Боб. Инновацион иқтисодиётда хизматлар бозорини ривожлантириш**

**Ўқув мақсади:** *Инновацион иқтисодиёт ва хизматлар бозорини ва унга таъсир этувчи омилларни ҳамда инновацион хизматлар бозори стратегиясини шакллантириш йўллариини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион иқтисодиёт, инновацион хизматлар, инновацион бозор, инновацион салоҳият, инновацион хизматлар фаоллигини таъминловчи омиллар, инновацион хизматлар фаоллигини тўсқинлик қилувчи омиллар, инновацион хизматлар фаоллигини ривожлантириш механизмлари, инновацион хизматлар фаолиятини ривожлантириш стратегияси.*

### **7.1. Инновацион иқтисодиётда хизматлар бозорининг асосий фаолияти ва шартлари**

Корхоналар билан боғлиқ фаолиятининг турли соҳаларидаги янги технологик ўзгаришларга ўз вақтида эътибор қаратиши, ишлашнинг янги услубларини яратишга ва фаолият натижаларини такомиллаштиришга қодирлиги корхоналар яшаб қолишининг зарурий шарти деб тан олинган. Инновацияларни жорий этиш зарурияти рақобат кураши ҳамда бозорнинг бошқа бир қатор талабларини ҳам рағбатлантиради. Улардан фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, истеъмолчилик талаблари ва истеъмолчилар истаклари, замонавий киши руҳиятининг ўзгаришлари сабабли, демографик, иқтисодий ва ижтимоий тартиб ўзгариши билан ҳам боғлиқдир. 1980 йиллар ўрталаридан туристлик талабида янгича тенденциялар вужудга келиб, улар куйидагиларда намоён бўлди:

- туристлар хулқ-атвори стереотипларининг ўзгариши. Туристлик сафарларда дам олишнинг фаол шакллари таъсири кучайди, экзотик турлар корхоналарнинг ананасига айланиб, саёҳатларда завқланишга ва тез-тез алмашинадиган таасуротларга талаб кучайди;

- туристик хизматлар истеъмолчиларининг кўпайиши. Туристлик ҳаракатига янги-янги шахслар категориялари қўшилмоқда. Истиқболли мақсадли гуруҳлар сифатида ёлғиз кишилар ва фарзандсиз оилалар, кекса кишилар, ишловчи аёллар назарда тутилади;

- саёҳатчилар ёши бўйича таркибининг ўзгариши – уларнинг кексайиши, яъни туристлар умумий хажмида кекса кишилар сонининг кўпайиши;

- талабнинг ихтисослашуви ва индивидуаллашуви. Саёҳатчилар ўз дидларига кўра танланган индивидуал сафарларни маъқул кўришмоқда. Олдинги маълум ва машхур бўлган дам олиш жойлари, курортлар кўпларни қониқтирмай кўйган. Шунга кўра туристлик фирмалари ўз маҳсулотини умуман туристларга йўналтирмасдан, балки мижозларнинг аниқ мақсадли гуруҳларини қониқтиришга қаратиш лозим бўлмоқда;

- чиқувчи корхоналарнинг экспансияси (кучайиши). Туристлик сафарлар таркибида мамлакат ичидаги туризминг камайгани ҳолатида, четга сафар қилишнинг кўпайиши кузатилмоқда;

- истеъмолчи тафаккурининг экологияга эътибори. Атроф-муҳитнинг нозиклиги ва инсоният жамияти билан узвий яхлитликда эканини англаш юз бериб, бунинг оқибатида экологик турларга талаб кучаймоқда;

- туристик сафарларнинг давомийлиги ва такрорий боришининг ўзгариши. Туристларнинг такрорий саёхтлари кўпаймоқда, аммо унинг давомийлиги эса камаймоқда. Ҳозирги пайтда бу ҳодиса “интерваллар билан саёҳат қилиш” деб номланмоқда. Бунинг сабаби, аввало истеъмолчилар яъни туристларнинг асосий таътилини бир неча қисмларга ажратишга интилишидан иборат. Бундан ташқари “инвентарлар билан саёҳат қилиш” корхоналардаги энг муҳим муаммолардан бирини ечишга ёрдам беради, бу туристлик корхоналари фаолиятидаги мавсумийлик муаммосини тузатишга кўмаклашади;

- туристларнинг сервис даражасига талабларининг ошиши. Туристлар янада саводли ва тажрибали, бинобарин, янада талабчан бўлишмоқда:

Ушбу омиллар таъсирида инновациялар бизнинг шароитда туристик корхоналар учун хизмат бозорида яшаб қолишнинг асосий воситасига айланишга олиб келмоқда. Янгиликлар бозор эҳтиёжларига кўра жорий қилиниши лозим бунда туризм менежерлари уларнинг зарурлиги ва мақсадлилигини кўра билиши лозим. Бу борадаги амалга оширилиши керак бўлган ишлар қаторида қуйидагилар тавсия этилади:

- шундай товар ва хизматлар турларини аниқлаш лозимки, бу бизга маъқул бозор улишини таъминласин;

- эскирганларни алмаштирадиган товар ва хизматларни аниқлаш, фирманинг барча фаолият соҳаларида инновацияларни кенг жорий этиш (реклама ва ҳоказо);

- инновациялар қиска ва узок муддатли дастурларини мувофиқлаштириш (даромадни қандай кўпайтириш, мавжуд маблағлардан қандай қилиб самаралироқ фойдаланиш ва бошқалар).

Бугунги кунда хизматлар ишлаб чиқаришда инновацияларнинг қуйидаги асосий турлари алоҳида ажратилади:

- хизмат кўрсатишда меҳнатнинг техник ва технологик янги турларини жорий этиш билан боғлиқ. Хизмат замонавий соҳасида энг сезиларли тенденция компьютер технақасини жорий этилиши, миждозлар билан ишлашда ахборот-технологик янгиликларини тарқалиши билан боғлиқдир.

- ташкилий-технологик, хизматларнинг янги турлари, хизмат кўрсатишнинг янада самарали шакллари ва меҳнатнинг ташкилий меъёрлари билан боғлиқ;

- бошқарув, ташкилотнинг ички ташқи алоқаларнинг такомиллаштиришга қаратилган, менеждмент шакллари ва усуларидан фойдаланувчи;

- маждмуали, сервис фаолиятининг бир вақтнинг ўзида турли жихатлари ва қираларини қамраб олувчи.

Ҳозирги вақтда туризм соҳасидаги инновацияларни мавжуд туристлик махсулотини ўзгартиришга ёки янгисини яратишга, янги бозорларни ўзлаштиришга, илғор ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга, транспорт ва меҳмонхона хизматларини тақдим этиш ҳамда бронлашни такомиллаштиришга, туристлик корхоналари ташкилий-бошқарув фаолиятининг замонавий шаклларини жорий этишга қаратилган ҳатти-ҳарактлар натижаси сифатида тушунмоқ зарур.

Янгиликларни жорий этишда туристлик корхоналар томонидан қуйидаги инновацион стратегияларидан бири танланади:



- хужумкорлик стратегияси (бозорнинг янги соҳаларига ва истиқболи бозорларга қаратилади);
- химоявий стратегия (рақобатчи фаолиятининг натижаларини таҳлил қилишдан кейингина бозорга чиқиш);
- хазим қилувчи стратегия (бошқа компанияларнинг янгиликларни сотиб олиш);
- оралик стратегия (рақобатчилар орасидаги бўш жойни тўлдириш);
- бозор яратиш (бозорни анча кенгайтирувчи янгиликнинг қулланилиши);
- кароқчилик стратегияси (бозор ҳажмини жиддий камайтирувчи янгиликнинг қўлланилиши);
- ишланмаларни тайёрловчи-мутахассисларнинг жалб этилиши.

## **7.2. Инновацион хизматлар бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Ахборот технологияларининг интеграцияси муваффақиятнинг биринчи зинаси бўлиб, унинг ортидан бутун туристик бизнесининг қайта қуриш жараёни келади. Бизнинг назаримизда, туризм индустриясининг инновацион ривожланиши электрон бизнеснинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат бўлади. Фирма ичидаги жараёнларни тармоқ асосига ўтказилишида, фирма ўз ходимларига тўпланган ноу-хау (янгиликлар) ҳажмидан тулароқ фойдаланиш ва ўз вазифаларини янада самарали бажариш учун имкон яратилади. Электрон бизнес деганда истеъмолчилар билан электрон воситалар ёрдамида иш олиб бориш тушунилади. Бунда жараёнлар ва билимлар интеграцияси соҳасида электрон бизнес афзалликларига фақат меҳнатнинг янги ички тақсимоти ва ролларнинг янги ташқи дифференциацияси орқалигина эришиш мумкин. Бу авваллари фирманинг қўшимча нарх яратиш бўйича ўзаро алоқалар тармоғидаги роли ва ўрнини белгилаган транзакцион чегаралар соҳасидаги ўрнатилган ўзаро алоқаларни ўзгартириб юборади. Электрон бизнес коммуникатив восита ролини фақат фирманинг ичига тўсиқларсиз кириб борсагина муваффақиятли ижро этиши мумкин. Фирманинг салоҳияти, биринчидан, товар ва хизматларни шакллантиришга, мижозлар ва ҳамкорлар

билан ташқи муносабатларни, ички жараёнлар, ходимлар ҳулқини шакллантиришга тизимли ёндашувдан, иккинчидан, шу ташкилот ўзаро муносабати инфроструктураси қандай ишлаб чиқилганлигидан иборат. Хизматлар бозорида электрон бизнес схемаси 7.2.1-расмда батафсил кўрсатилган.



**7.2.1-расм. Хизматлар бозорда электрон бизнес**

Хизматлар бозорида электрон бизнеснинг моҳияти ва аҳамияти фирма учун компьютер ва комуникацияларни оригинал хусусиятларга эга янгича коммуникатив воситанинг юзага келиши сифатида омихта қилиш натижасида очилади. Фирма учун коммуникатив восита сифатида электрон бизнес унинг қуйидаги йўналишларда ривожланишини таъминлайди:

- меҳнат тақсимоти тамойилларига мувофиқ дифференциялашган шахслар ва фуқаролар орасида янада самаралироқ янги (ўзаро алоқалар қарорларини қабул қилиш бош маркази нуқтаи назарида) алоқаларни ўрнатиш мақсадидаги жараёнлар интеграцияси (ички, мижозлар билан, таъминотчилар ва ҳамкорлар билан);

- фирма хотирасини яратиш ва барча мавжуд билимларни қарор қабул қилиш учун тегишли марказ ихтиёрига тақдим этиш мақсадида билимлар интеграцияси.

Реал вақтда ўзаро муносабатларга имкон берувчи электрон бизнесни биз хизматлар бозорида, айниқса туризм индустриясида рақобат курашининг янги етакчи қуроли сифатида ҳисоблаймиз. Бироқ ҳеч ким бўлажак ривожланишни қандай боришини батафсил башорат қилолмайди, чунки башорат фойдаланувчилар фикри, технологик тараққиёт ва тармоқли бизнес мантиқи натижасида юзага келувчи тесқари алоқанинг мураккаб жараёнларига тегишли бўлади. Табиатига кўра электрон бизнес ҳамкорга айланган мижоз тақдим этилаётган товар муҳокамасида ва бинобарин, уни такомиллаштириш жараёнида ҳам иштирок этирилишига мўлжалланган. Мақсад шундан иборатки, транзакцион тўловларни пасайтиришни тақлиф этиб, мижоз-ҳамкорни авваллари ўзи бажарган функцияларини фирмага беришга кўндириш. Кишиларнинг ҳатти ҳаркати ва ахлоқини белгиловчи турли талаблари кўпроқ интернет орқали қониқтирилмоқда. Бундан интернетга хусусий уланишлар сонини ўсиб бораётгани, Интернетда кўп вақт ўтказишга ва турли хизматлардан фойлананиш ўсиб бораётганидан далолат беради. Истеъмолчи Интернетга қизиқиши натижасида киради ва маълум шарт шароитлар туфайли электрон харридор, яни сотиб олувчига айланади. Алоҳида босқичлардан ўтиш тезлиги ўқишда индивидуал тайёрлик, интернетга коммуникатив восита сифатида ишончга ва турли тўсиқларни (масалан, жавоб вақтининг жуда чўзилиб кетиши ёки зарар кўриш хавфи) енгиб ўтишга қобилиятга боғлиқдир. Агар туристик хизматлар бозорида электрон харид тажрибаси ижобий бўлиб чиқса, харидорда тармоқ орқали турли эҳтиёжларни қондиришга ва янада кўпроқ вақт ҳамда пул сарфлашга мойиллик пайдо бўлади.

Тадқиқот натижалари туристик хизматлар бозорида электрон бизнеснинг чинакам инновацион имкониятлари интеллектуал товарлар тайёрлашда пайдо бўлиши ва тарқалишида мобил радиотелефон, йўлдошли алоқа ва кабелли

телевизион тармоқлар бунга ёрдам беради ва ижтимоий иқтисодий тизим элементи ҳисобланган интерактив туристик фирмасида амалга оширилади.

Корхоналар раҳбарларидан олинган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, тур бизнес раҳбарлари учун уларнинг интернетга бўлган муносабатларида бурилиш вақти бўлди. Корхоналар интернетдаги ўз сайтларига етарли даражада эътибор қарата бошлашди. Улар орасида узокни кўзлайдиганлари учун интернет-бизнес даромадлари амалга ошадиган жараён эканлиги маълум бўлди. Умуман, турларни компьютер тармоғи орқали электрон сотиш хорижий турфирмалар томонидан жуда кенг фойдаланилади. Ўзбекистонда туристик хизматлар бозорида турлар сотишнинг бу канали энди шаклланиб келмоқда. Бу жараёндаги асосий тўсиқ туристик хизматларни аниқ харидорлари орасида хусусий компьютерлари борларининг озлиги ҳамда одатда харид тўлови амалга ошириладиган банк кредит карточкаларига эга кишилар камлиги ҳисобланади. Агар қарор қабул қилиш учун зарур миқдорда маълумотни миждозга тақдим этадиган туристик порталларни куриб чиқсак, бугунги кунда ўзбек туристик бизнесининг энг оммабоп онлайнли тармоғи туристик хизматлар рекламаси ҳисобланади ҳалос. Кейинчалик туристик хизматлари бозорида миждозга таъсир усуллари янада ғаройиб бўла боради, ҳозирнинг ўзида интернет тармоғидан конкрет фойдаланувчи томонидан сеvimли сайтларига кириш графигини унинг одатларини батафсил тадқиқ этиш имконияти мавжуд. Туристик хизматлари бозорида туроператорларга ва маркетингларга миждозга харид қарорини қабул қилиши учун керакли маълумотни қулай вақда ва туристлар кўпроқ кирадиган сайтларга ташлаб қўйиш етарли бўлмоқда, қолганини эса харидор-туристнинг ўзи бажаради.

### **7.3. Инновацион хизматлар бозори фаоллигини ривожлантириш механизмини шакллантириш**

Ҳозирги пайтда ҳар қандай стратегияни илк бор стратегия ишлаб чиқаётган корхоналаручун инновацион ҳолатда кўриш мумкин, бу ташкилотнинг ташқи муҳитга мослашишининг янги усулидан далолат беради. Ташкилотнинг айнан инновацион мақсадларга эришишга қаратилган стратегияси ҳам инновацион

жараён сифатида талқин қилинади. Турли стратегик режаларни қиёсий ўрганиш ва уларнинг алоҳида компонентларини баҳолаш ҳолатини таққослаб, стратегияларнинг қай даражада янгилигини аниқлаш мумкин.

Корхоналарраҳбарларининг амалга оширилган социологик сўровномаси таҳлили шуни кўрсатдики, янги туристик фирмалардан ярмига яқини (бир йилдан камроқ ишлаётган) келажакда туристик бизнесни, албатта, давом эттирар экан. Лекин бозорда 5 йилдан кўпроқ фаолият кўрсатаётган корхоналаручун бу кўрсаткич 75 % ни ташкил этди. Ўрганилган фирмалардан фақат 7,2 % ўз бизнесини тугатиш ниятида эканлигини билдирди.

Тадқиқ қилган **27** та корхоналарўз фаолиятини асосан оператив режалаштириш асосида амалга оширмоқда, натижада стратегик бошқарувни инкор этувчи фирмалар стратегик ва оператив бошқарувни бир-бирига қарама-қарши қўйишмоқда. Корхоналаркўп вақти ва кучини ўз ташқи муҳитини ўрганишга сарфламоқда. Бинобарин, “Туристик хизматлар бозорида рақобатни белгиловчи кучларни кўрсатинг” саволига берилган 32 фоиз жавобларда реал рақобатчилар мавжудлигини кўрсатишди. Шунингдек, жавобларнинг 29 фоизи харидорларнинг бозордаги устунлигини; 21 фоизи таъминотчиларнинг устунлигини; 12 фоизи эса янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш хавфини; 8 фоизи бошқа турдаги ўрнини босувчи хизматларнинг пайдо бўлиш хавфини кўрсатишди.

Кўрсатилган ҳолатлар таъсири корхоналардарақобатнинг динамик ривожланишини ва фирмада мавжуд рақобатбардошлик омилларининг эскиришини ифодалайди. Ташқи муҳитнинг доимий таҳлили фирмаларда ҳавф-хатар ва имкониятларнинг пайдо бўлишини олдиндан кўра билиш, кутилмаган ҳолатлар юзага келиш вазиятларига қарши режалар ишлаб чиқиш, кутилажак ҳавфни фойдали имкониятларга айлантиришга уриниш имкониятларини яратади.

Туристик ташкилотлар фаолиятининг асосий муаммоси сифатида жавобларнинг 66,8 фоизи солиқ сиёсатининг беқарорлигини кўрсатмоқда. Фирмалар фаолиятидаги ушбу қийинчиликлар ҳуқуқий меъёрларнинг

номукамаллиги билан боғлиқлигини кўрсатади, чунки чиқувчи корхоналардақўшимча қиймат солиғини тўлаш турлича тушунилади. Бунда турнинг тўлиқ нархидан солиқ чиқариш керакми ёки турни амалга ошириш нархи ва хорижлик шахсларда унга кирувчи хизматларни харид қилиш нархи орасидаги фарқдан ҳисоблаш керакми? Солиқ кодексида бу хусусиятларни белгиловчи изоҳлар йўқ.

Социологик сўров натижалари бўйича турфирмалар фаолиятининг асосий муаммоларига, шунингдек, туристик хизматлар бозоридаги юқори рақобатчилик – 60,8%, туризм соҳасининг ривожланишида давлат томонидан етарли даражада кўллаб-қувватланмаслиги – 55,0%, ўзларининг хусусий молиявий маблағларининг етишмаслиги – 51,7%, истеъмолчилар тўлов қобилиятининг йўқлиги – 49,0% каби муаммоларни кўрсатишмоқда. Муаммоларнинг муҳимлиги турли фирмалар томонидан туристик бозорда ишлашнинг турли муддатлари бўйича намоён этилади. Бир йилдан камроқ фаолият кўрсатаётган фирмалар юқори даражада рақобатни ҳис этишмоқда. Беш йилдан кўпроқ фаолият кўрсатаётган фирмалар бу муаммони тўрттинчи ўринга қўйишди, ёш фирмалар давлат томонидан бериладиган ёрдамга кам даражада ишонишади. Шаклланиб бўлган фирмалар ушбу муаммоларни аҳамиятига кўра иккинчи ўринга қўяди.

Бозор таҳлилининг муҳим жиҳати унинг туристик йўналишлар бўйича, вақт даврийлиги бўйича ва асосий рақиблар бўйича жорий ҳамда башорат қилинаётган кутилувчи ҳажмини баҳолаш билан боғлиқ. Илмий адабиётларга мувофиқ, бу борада махсус усуллар йўқ, бир қатор фирмалар ташкилот хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг анъанавий ёки такомиллаштирилган усулларидан фойдаланишади. Бироқ, бу усуллар рақиблар мақсадларини, ниятларини, рақобатчилар фаолиятининг турли йўналишлари бўйича фаолиятларининг устунлик томони ва истиқболини аниқлаш имконини бермайди. Айрим фирмаларнинг рақобатчиларни тадқиқ этиш борасида ўзларининг хусусий технологиялари ҳам мавжуд. Биз социологик сўроқ ўтказган жами турфирмалардан атиги 23% га яқини турфирмалар стратегик

гуруҳлар хариталарини тузишади, фирма рақобатчилик устунликлари профилларини, Бостон маслаҳат гуруҳи матричасини қуришади ва SWOT – таҳлилни амалга оширишади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион хизматлар бозорига таъриф беринг?
2. Инновацион хизматлар бозори салоҳиятини аниқлаш йўллари айтинг?
3. Инновацион хизматлар бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари айтинг?
4. Ҳудудларда инновацион хизматлар фаоллигини таъминловчи омилларни санаб беринг?
5. Ҳудудларда инновацион хизматлар фаоллигига тўсқинлик қилувчи омилларни айтиб беринг?
6. Инновацион хизматлар фаоллигини ривожлантириш йўллари айтинг?
7. Ривожлантириш стратегиясини шакллантириш йўллари айтинг?

## **ҮШ Боб. Инновацияларнинг соҳалар бўйича турлари**

**Ўқув мақсади:** *Инновацион сиёсат, инновацион лойиҳалар ҳақида тушунчасини, инновацияларни қўллаб қувватлаш инфратузилмасини ва инновацион ҳамкорликдаги шартнома муносабатларини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион сиёсат, инновацион лойиҳалар, инновацион жараёнлар, инновацияларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси, технологик инновациялар, маркетинг инновацияла,. нарх, шартнома.*

### **8.1. Инновацион сиёсат ва инновацион лойиҳалар**

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларида инновацион лойиҳа – бу лойиҳа мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган техник, ташкилий, режавий, ҳисоблаш ва молиявий ҳужжатларнинг йиғиндисидир.

Лойиҳани яратиш ва амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- инвестицион ғояни шакллантириш;
- инвестицион имкониятлар изланиши;
- шартнома ҳужжатларини тайёрлаш;
- лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш;
- қурилиш-монтаж ишлари;
- объектни қўллаш.

Ҳар қандай даражадаги инновацион лойиҳа қуйидаги бўлинмаларни ўз ичига олиши керак:

- муаммо (ғоя)нинг мазмуни ва долзарблиги;
- лойиҳа раҳбарининг резюмеси;
- маркетинг тадқиқотлари ва муаммони туркумлаштириш асосида қурилган лойиҳа мақсадлари дарахти;
- лойиҳа мақсадлари дарахтини амалга ошириш бўйича тадбирлар тизими;
- лойиҳани мажмуавий асосланиши;
- лойиҳани амалга оширилишини мажмуавий таъминланиши;
- ИТК нинг таърифи;
- лойиҳанинг эксперт хулосаси.



Лойиҳани амалга ошириш механизми ва ундовчи сабаблар тизими.

Жаҳонда кузатилаётган молиявий инқироз шароитида мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омиллари сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш мулкдорнинг ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш уларнинг ривожланишини ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб қувватлашга йуналтирилган. Корхоналарда инновацион фаолиятни ҳуқуқий асослар асосида узоқ муддатли ўзаро чуқур боғланган чора - тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш давлатимиз томонидан бугунги кундаги долзарб масалалар ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши турли мамлакатларда аҳоли сонини ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан глобаллашув жараёнларини салбий оқибати сифатида намоён бўлмокда.

**Давлат органларининг инновация соҳасидаги асосий функциялари қуйидагилардан иборат:**

- илмий тадқиқотлар ва инновацияларга маблағларни мужассамлаш;
- инновация фаолиятини мувофиқлаштириш;
- инновация жараёнларини ҳуқуқий базасинияратиш;
- инновацияларни кадрлар билан таъминлаш;
- илмий-инновация инфратузилмасини шакллантириш;
- инновация жараёнларини ҳудудий тартибга солиш.

**Давлатнинг илмий-техник сиёсатини амалга ошириш механизми:**

- илмий-техник тарақиёт устувор йўналишларини белгилаб олиш;
- давлат илмий-техник дастурларини шакллантириш;

- ДИТД бажарилишини мониторинги ва натижаларни экспертиза қилиш;
- ИТИ натижалари маълумотлар базасини шакллантириш;
- ҳар йиллик инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасини ташкил этиш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатимиз томонидан мамлакат корхоналарни иқтисодиётида инновацион фаолиятни ривожлантириш муамоларини аниқламай ва уларнинг ечимларини топмай туриб, иқтисодий ўсиш, ижтимоий муамоларни аниқса ишсизликни олдини олиш, аҳоли даромадларини ошириш, истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспортни ошириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда қийинчиликлар туғдиради. Юқоридаги муоммаларни ижобий ҳал этган Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқариладиган ЯИМнинг 71 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини улушига тўғри келади.

Корхоналар иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, корхоналар билан кичик бизнес корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ишларини амалга оширишда юртимиздаги сиёсий иқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳар қандай сармоянинг асосий гарови ва шартидир. Чет эл сармояси учун инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши учун қонуний кафолат ҳам яратилган. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари туғрисида”ги қонуни, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантиришдаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарори ва “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини янада оширишда илмий изланишларни фундаментал-тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашиб ишлаб чиқаришнинг технологик даражасининг янада оширилиб, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош ва сифатли инновацион маҳсулотларни олиб чиқишни таъминлаб, инновацион ишланмалардан фойдаланиш ва илмий техникавий салоҳиятни ривожлантиришда муҳим дастур бўлмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги”2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновацион технологияларини жорий этиш бўйича узлуксиз жараённинг манتيқий давоми бўлди. Бу фармонда дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд ва чет эллик инвестор улуши камида 50 фоиз бўлган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш майдони ташқарисида муҳандислик-коммуникация тармоқларини йўлга қўйиш бюджет маблағлари ҳамда ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шу мақсадда мамлакат корхоналарни иқтисодиётда инновацион технологиялар барқарорлигини давлат томонидан тартибга солишда унинг ривожланишини таъминлаш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувини мустаҳкамлашда миллий иқтисодиётимизга ички ва хорижий инвестициялар кўламини кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун ҳукуватимиз томонидан ички ва чет эл инвестициялари учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Ҳозирги кунда хорижий инвесторларнинг ўз маблағларини мамлакат корхоналарни иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида давлат қонунлари асосида қўллаб - қувватланиши мақсадида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;

- кўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга берилган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги ва имконияти борлиги;
- божхона имтиёзларини мавжудлиги;
- хорижий инвесторлар мулклари ва уларнинг ўзларини хавф- хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизими яратилгани.

Шу жумладан ҳозир корхоналарда бозор механизмига йуналтирилган инновацион фаолиятни шакиллантириш ва унда давлатнинг роли ва мақсадларини белгилаш, истикболли режалар тузиш алоҳида аҳамият касб этади. Инновацион соҳага таълуқли услублар ҳамда замонавий фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда илғор инновацион техника ва технологияларни жалб қилиш корхоналарда рақобатбардош маҳсулолар ишлаб чиқариш имкониятлар яратилиб, давлат буюртмаси ҳажмини оширишга ёрдам берилмоқда. Шу боис корхоналарда инновацион бошқарувни қўллаш зарурати мамлакатимиз корхоналари олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Жумладан унинг асосий иқтисодий самарасини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- корхоналардаги инновацион фаолликни ошириш учун саноат, аграр, илмий ва амалий ташкилотларини бирлаштириш;
- олимларнинг ўз тадқиқотларини амалиётга тадбиқ қилиш фаоллик таъсир кўрсатади;
- истикболли, илмий-техника ишланмаларидан туман минтақа миқёсида озиқ- овқат товарларни ишлаб чиқарувчиларни истикболли даражаларини таъминлаш;
- инновация маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар илмий муассалар ва ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш;
- тузилмаларининг ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш;
- инновацион технологиялар ҳисобини олиб бориш, улардан фойдаланиш жараёнининг таҳлил қилиш, бу борадаги эҳтиёж мониторингини ўтказиш ва шу

асосда кейинги илмий- техника ишланмаларини режалаштиришга имкон бериш;

- тармоқнинг ривожланиш йуналишларини мувофиқлаштириш, илмий - тадқиқот ишлари буйича фаолият ва уларнинг устиворлиги стратегиясини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;
- корхоналар ишлаб чиқаришни технологик даражасининг кўтарилиши учун муҳим омиллигини исботлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ -576Қонунига асосанишлаб чиқариш тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларидан инновацион маҳсулотлар ва хизматларга буюртмалар олиш ва инновацион инфратузилмани (технология парклари, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур жамғармалари, бизнес-инкубаторлар ва бошқаларни) ривожлантириш<sup>20</sup>.

Мамлакатимиз корхоналарни инновация фаолиятини кенгайтириш учун қулай муҳит яратилган буларнинг ҳаммаси албатта давлатимиз тарраққиёти учун хизмат қилади. Инновацион фаолиятда мураккаблик ва юқори риск ўзида характерланади. Бунинг учун инновацияда потенциални ва ички рағбатлантиришлар мавжудлиги етарли эмас. Бу ерда ҳал қилувчи ҳаракат кучи сифатида ташки рағбатлантиришлар ва давлат кўмаги бўлиши мумкин. Давлатнинг фаол кўмак муҳити, аваламбор, “Фундаментал фан” фазаси ҳисобланади. Илмий ғоялар корхоналар фаолиятида кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ 576- сонли Қонуни қабул қилинган.

Янгилик (инновация)лар инсон фаолиятининг барча соҳаларида мавжуд. Кўп вариантли имкониятлардан келиб чиқиб, инновациялар қўлланилиши, тарқалиш кўлами ва хусусиятларига кўра фарқланади.

---

<sup>20</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ 576-сонли Қонуни, 29 октябр 2019 йил

Қўлланилиш соҳасига кўра, янгиликлар илмий-техник, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва давлат- ҳуқуқийга бўлинади.

Тарқалиш кўламига кўра, глобал, миллий, минтақавий, тармоқли ва жойлардаги (корхонадаги, фирмадаги) инновацияларга фарқланади.

Хусусиятига кўра эса эволюцион ва радикал (бир ёқлама, турғун) бўлиши мумки. Эволюцион янгиликлар узлуксиз юз беради ва аксариятҳолатда ишлаб чиқариш, сотиш, истеъмол қилиш соҳаларидан келиб тушаётган ғоя ва таклифлар оқибати ҳисобланади. Эволюцион янгиликлар жараёни бутунлигича жамият эҳтиёжларига бўйсунди, тўловга яроқли талаб билан шакллантирилади ва ўзи юз бераётган тизимнинг технологик қуввати имкониятлари билан чекланади. Бозорга янги жорий этилган нарсалар билан чиқиш тезлиги тўпланган тажрибалар ва билимларга боғлиқ. Натижада имтеъмолчиларнинг истаклари тўғрисидаги маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш, бозор сигналларини қабул қилиш бўйича фирма имкониятлари ошади, тўпланган билимлар эса инновациялар ёрдамида маҳсулотлар ва технологияларни такомиллаштириш имконини беради.

Инновация-маҳсулот – товар шаклида бозорга тадбиқ этилаётган тамомила янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот кўринишидаги янгиликдир. Кўп ҳолларда янги маҳсулотни жорий этиш янги бозорларни ўзлаштириш ёки яратиш билан боғлиқ бўлади.

Инновацион-жараён – бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ҳаражатларни камайтирувчи техник, ишлаб чиқариш ва бошқарувга оид такомиллашувдир. Инновацион-жараён агар бозорда талаб қилинган бўлса, инновацион-маҳсулотга айланиши мумкин.

Яна шунингдек, маҳсулотдан корхона чегараларидан ташқарида фойдаланиш жараёнларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ инновация-сервисни ҳам алоҳида ажратишади (компьютерларнинг дастурли таъминоти).

Хизматлар соҳасида аввалги ишлаб чиқариш услублари билан таъминланмайдиган ишлаб чиқариш ва тақдим этиш (хизмат кўрсатиш)нинг тамомила янги ёки жиддий такомиллаштирилган услублари инновация

ҳисобланади. Бунга туризм соҳаси, банкка оид, консалтинг хизматлари, энг янги ахборот ва коммуникацион технологияларга қаратилган бошқа тармоқлар киради.

## **8.2. Корхоналарда инновацияларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси**

Корхоналарда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва уни қўллаб-қувватлашда тажрибалар ҳар бир инновация жараёнини тарқалишининг муҳим омилларидан бири бўлиб - уни тегишли ижтимоий-иқтисодий муҳит билан ўзаро алоқасини ўз навбатида бундай муҳитнинг муҳим элементи сифатида рақобатдош технологияларни таъкидлаб ўтиш жоизлигини Й.Шумпетернинг инновациялар назариясига асосан, инновация диффузияси бу - юқори даромад олиш мақсадида инновацияни новатордан кейин жорий этувчилар сонининг ошиши жараёни ҳисобланади.

Тажрибалар бўйича инновациявий жараён субъектлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: новаторлар, дастлабки реципиентлар, дастлабки кўпчилик ва орқада қолганлар. Новаторлардан бошқа барча гуруҳлар имитаторлар қаторига киради. Й.Шумпетернинг фикрича, юқори даромадларни кутиш инновацияларни қабул қилишнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Инновация диффузиясининг дастлабки босқичларида, хўжалик субъектларидан ҳеч бири рақобатдош инновацияларнинг нисбий устунликлари тўғрисида ахборотга эга бўлмайди. Аммо, хўжалик субъектлари, бозордан сиқиб чиқарилиши хавфи остида, муқобил янги технологиялардан биттасини жорий этишга мажбур бўлади. Инновацияларни жорий этиш ҳар бир ташкилот учун қийин ва мураккаб жараён ҳисобланади. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ҳолатларида, ҳар бир субъект томонидан қарор қабул қилишнинг муҳим мезонларидан бири бўлиб, муқобил технологиялар ва олдинги реципиентлар томонидан қабул қилинган қарорларни таққослаш учун хизмат қилади. Аммо бундай ахборотга эга бўлиш жуда ҳам қийин, чунки бу, корхоналарнинг бозордаги рақобат ўрни билан боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир корхона, фақатгина чекланган миқдордаги корхоналар тажрибаси билан танишган бўлиши мумкин. Айнан шу ҳолат бозор

иқтисодиётида қарор қабул қилиш ва инновациялар диффузияси жараёнларининг ноаниқлигини белгилайди. Ноаниқликнинг яна бир сабаби энг янги технологиялар билан боғлиқ. Диффузиянинг дастлабки босқичларида уларнинг потенциал даромадлилиги ноаниқ бўлади. Ноаниқлик, инновацияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш тажрибасини йиғиб бориш билан йўққа чиқарилиши мумкин. Аммо янги технологиядан фойдаланиш ноаниқлиги ва таваккалчилиги пасайиши билан уни бозорга кириб бориш салоҳияти ҳам йўқолиб боради ва фойдалилиги тушади. Ҳар бир инновациядан қўшимча фойда олиш имконияти вақтинчалик ва уни тарқатиш чегараси яқинлашиши билан пасайиб боради.

Демак, инновация диффузияси имитаторлар стратегиясига ҳам, биринчи рецепиентлар миқдорига ҳам боғлиқ бўлади. Тадбиркорлар янги технологик имкониятларни очмоқда, аммо уларни амалга ошириш имитаторни танлашга боғлиқ бўлади. Бошланғич ташкилотлари сони кўп бўлган технологиянинг бозорда етакчи бўлиши эҳтимоли ҳам катта бўлади. Албатта, технологиялар рақобати натижаси бозордаги барча агентлар танлови билан аниқланади, аммо дастлабки рецепиентларнинг таъсири барибир нисбатан каттароқдир. Инновацияларнинг тез тарқалиши учун ривожланган инфратузилма мавжуд бўлиши керак. Инновациявий жараён циклик характерга эга бўлиб, техниканинг турли соҳаларидаги янгиликларнинг хронологик тартибда пайдо бўлиши буни намоён қилади.


Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш мумкинки, инновация – бу шундай техник-иқтисодий цикли, унда тадқиқот ва ишланмалар соҳаси натижаларидан фойдаланиш, ушбу соҳа фаолиятига тескари таъсир кўрсатувчи техник ва иқтисодий ўзгаришларга олиб келади. Инновациявий жараён фаолияти ривожланиши сари алоҳида қисмларга бўлинади ва меҳнат тақсимоти натижасида алоҳида чиқарилган функционал ташкилий бирликлар кўринишида моддийлашади. Инновациявий жараённинг иқтисодий ва технологик таъсири янги маҳсулот ёки технологияларда қисман ўз аксини топади. Инновациявий тизим ва унинг таркибий элементлари технологик даражасини ва бу билан



инновацияларга мойиллигини оширишда иқтисодий ва технологик таъсирнинг ўрни каттарокдир. Лойиҳаларни давлат томонидан тартибга солишда бошқаришнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида молиявий стратегияни ишлаб чиқиш, молиялаштириш манбалари ёки инвесторларни излаш, молиявий маблағларни бошқаришни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобини ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Қуйидаги графикда сўнгги йилларда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар динамикаси келтирилган (8.2.1-расм).



### 8.2.1-расм-Ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони (2010-2016 йиллар)

Корхоналарда давлат томонидан инновацияларни молиялаштиришнинг тартибга солишнинг асосий йўналишлари:

техник инновацияларни тез ва самарали жорий этиш зарур бўлган шароитларни яратиш;

илмий-техник салоҳиятни сақлаш ва ривожлантириш;

илм ва техниканинг кадр салоҳиятини сақлаб қолиш учун зарурий моддий шароитларни яратиш, кадрларни четга чиқиб кетишини олдини олиш;

инновациялар сони ва самарадорлигини ошириш, бунинг ҳисобига инсонлар турмуш тарзини яхшилаш.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз корхоналарда инновациявий фаолиятга инвестициялаш учун фойдаланиладиган асосий молиялаштириш манбалари қуйидагилар:

#### 1. Шахсий маблағлар ҳисобига ташкил топган молиявий ресурслар:

- даромадлар (товар ва илмий-техник маҳсулотни сотишдан, молиявий операциялардан олинган даромад);
- тушумлар (амортизация ажратмалар, мулкни сотишдан тушумлар, мустаҳкам пассивлар, мақсадли тушумлар ва ҳ.).

#### 2. Бюджет ажратмалари:

республика бюджети маблағлари (масалан, фан ва техникани ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар);

лойиҳани шаҳар ёки вилоят бюджетидан молиялаштирилиши.

#### 3. Қайта тақсимот бўйича келиб тушувчи молиявий маблағлар:

қимматли қоғозлар бўйича дивиденд ва фоизлар;

тармоқ ва ҳудудий тузилмалардан келиб тушадиган молиявий маблағлар.

#### 4. Кредит ташкилотлари ёки ташқи инвесторлар маблағлари:

кредит инвестициялари;

ҳомийлар маблағлари;

маҳаллий ва халқаро жамғармалар, ҳамда илмий-технологик ривожланиш дастурларининг маблағлари.

Инновациявий лойиҳаларга, шахсий ва бюджет маблағларидан ташқари, инвестиция киритишнинг қуйидаги манбалари кенг тарқалган:

тижорат инвестициявий банклари;

инвестициявий ва венчур жамғармалари;

инновациявий жамғармалар;

илмий -тадқиқотлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро дастурлар;

халқаро- хайрия жамғармалари.

Аммо, инновациявий лойиҳани молиялаштириш манбаси қандай бўлмасин, у билан ишлаш лойиҳа бизнес-режасини таҳлил этишдан бошланади. Умумий тарзда олганда, инновация фаолиятини давлат томонида тартибга солишда **бизнес-режа** – бу янги бизнесни яратиш ёки мавжуд бизнесни ривожлантириш режасидир. Бизнес-режада Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари асосида хўжалик фаолиятининг предмети, асосий мақсадлари, стратегияси ва йўналиши ифодаланган:

- нарх сиёсати, бозор сиғими ва тузилмаси, етказиб бериш, ташиш, товарларни қайта ишлаш ва суғурталаш шароитлари аниқланган;
- корхона даромади ва харажатларига таъсир этувчи омиллар ўрганилган бўлиши керак.

Юқорида такидлаганимиздек инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда хориж тажрибасини ўрганганимизда модомики сўз иқтисодий ўсиш ҳақида борар экан бу борада халқаро иқтисодий назарияда таниқли бўлган Кейнсчилик ва классик мактаб вакиллари назарий ғоялари эътиборга молиқ. Хусусан, иқтисодий ўсиш моделининг йирик намоёндаларидан бири Дж. Кейнс иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашда даромад, истеъмол, жамғариш ва инвестиция даражаси инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашишда муҳим иқтисодий омилларидан эканлигидан такидлайди. Унинг таълимотига кўра мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашда қайд этилган омиллар ичида айниқса инвестиция асосий роль ўйнайди.

Мамлакатда инвестиция даражасининг ортиб бориши нафақат корхоналарда иқтисодий ўсишга балки унинг барқарорлигини таъминлашга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу масала юзасидан иқтисодий назариячиларнинг таълимотига эътибор қаратадиган бўлсак Дж. Кейнс мамлакатда иқтисодиёт пасайишининг олдини олиш ва ишсизлик даражасини пасайтиришдаги давлатнинг аралашувини зарурлигини такидлайди. Бунда давлатнинг аралашуви мамлакатда талабни тартибга

солиш орқали , яъни ялпи истеъмол ҳажмини оширишга қаратилиши зарур бўлади.

Ушбу бўлимда туристлик тадбиркорлиги ва тақсимлаш тизимларининг ранг-баранг брендлари тўпланган:

1. Меҳмонхоналар тақсимловчи ва хизмат кўрсатш тадбиркорлиги.
2. Виртуал турагентликлар.
3. Турстик технологиялари ва дастурли таъминот халқаро фирмалари.
4. Олис ҳаво саёҳатлари халқаро провайдери раҳбарлиги ва туристик маҳсулот бирлашмаси.
5. Корпоратив саёҳатларни глобал онлайнли бошқарув.
6. Меҳмонхона хизматлари улгуржи савдоси, туристик саёҳатларни ташкил этиш бўйича фирмалар.

Бошқа мисол. Ҳозирги вақтда немис бирлашмаси (конгломерати) Preus Sad уч турдаги фаолиятни амалга оширмоқда:

- таъминот ва денгиз орқали юк ташиш;
- саноат (энергетика, қурилиш, металлургия) ва корхоналар;
- Preus Sad 500дан ортиқ компанияларни бирлаштиради, жумлдан TUI Group шарқий Европа, МДҲ мамлакатлари бозорига кириб кела бошлади.

1998 йилда Польшада “Истило” –фирма жаҳоннинг кўплаб минтақаларида сифатли ер усти хизматларини таклиф қилди. Рақобат кескинлашгани сабабли кўплаб полшалик туроператорлар турагентларга айланишга мажбур бўлди. Фирма Болгариянинг “Қуёшли қирғоқ”, “Альбена”, “Приморско” ёшлар иарказларига фаоллик билан маблағ киритмоқда.

2004 йил августида TUI Group Мостравел фирмасининг 34% акцияларини 2006 йилда 51% эга бўлиш истиқболи билан харид қилиб, Россия туристлик бозорига кириб келди. TUI Mosttravel Russia(TMR) қўшма корхонаси – бу гуруҳнинг Россия бозорига киришга биринчи уриниши эмас.

2003 йил март ойи охирида катталиги бўйича учинчи немис концерни LTU Touristik GmbH Россияда ITS бренди остида “U-Turs” фирмаси иш бошлаётганини эълон қилганди. Ушбу фирма акцияларининг 70 %и LTU

Touristik GmbHга, 30%и эса Россиялик ЧАЖ “авиалиниялар- 400” авиакомпаниясига тегишли.

LTU Touristik GmbH Rewe Trading Group холдинга киради. Холдинг 14 мамлакатдаги 10000дан ортиқ дўконларни бирлаштириб, озиқ- овқат ва спорт маҳсулотларини чакана савдоси билан шуғулланади ва туристик тадбиркорлигини ҳам олиб боради. Холдингни йиллик айланмаси 2004 йилда 40,8 млрд еврои ташкил этди, бундан 11,3 млрд еврои дўконларга тўғри келади. Холдингнинг режасига Россияда BILLA бренди остида ишловчи ўртача дўконлар тармоғини ташкил этиш киради.

Холдинг олти тураператорлик компанияларини бирлаштиради:

Санаб ўтилганлар компаниялардан биринчи учтаси LTU Touristik концернига киради.

2002 йилда холдинг таркибида меҳмонхона иши билан шуғулланувчи фирмаси ташкил этилди. Унда меҳмонхоналар уч халқаро тармоғи Calimera, Prima Col, LTI қўшилган.

Глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон туристик бозори тараққиётига ҳам таъсир қилмоқда. Бозорда қўшилувлар ва ютишлар содир бўлмоқда, тадбиркорлик альянслари яратилмоқда, энг янги технологиялар ва телекоммуникациялар жорий этилиб, иқтисодиётнинг бошқа секторлари иштироки фаоллашмоқда, бошқа мамлакатлар туристик ишининг вакиллари иштироки ошиб бормоқда.

Иш буйича ҳамкорликнинг кенг тарқалган шаклларида бири стратегик альянслар бўлиб, улар хизматлар секторида ишлаб чиқариш соҳасига қараганда кўпроқ яратилади. Ўтган аср охирида тадбиркорлик альянсларининг 29%и савдо ва маркетинг соҳасида, 25%и маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида, 17%и тадқиқот ҳамда ривожланиш соҳасида яратилган.

Стратегик альянснинг асосий шарт корхоналар ўртасида иштирокчилар рақобатбардошлигини ошириш мақсадидаги ҳамкорлик ҳисобланади. Стратегик альянслар турли шаклларга эга бўлиши мумкин – ҳамкорлик ҳақидаги келишувдан қўшма корхонагача. Ҳамкорлик фаолиятининг самарали

стратегик йўналишларни келишиб олиш йўли билан, ўзаро манфаатли ресурслар (технологиялар, касбий малака ва бошқ.) ҳамда ахборот алмашиш билан амалга оширилади.

Фирмалар мустақилликларини сақлаб қолган ҳолда, маълум мақсадларга эришиш учун бирлашишади; фирмалар қўйилган вазифаларни бажарилишинин биргаликда назорат қилишади ҳамда қўшилув натижасида олинган устунликларни бўлишиб олишади; стратегик фаолиятнинг бир ёки ундан ортиқ соҳалари(технологиялар ёки маҳсулотлар)га ўз хиссасини қўшишади. Бундай альянслар қотиб қолган қурилмалар эмас – улар бозордаги вазиятга боғлиқ ҳолда ўзгаради: кўпинча иштирокчиларнинг ушбу альянслардан чиқишлари, бир уюшмадан бошқасига ўтишлари ва янги альянслар яратилиши кузатилади.

Иш бўйича ҳамкорлик жараёнлари туризм соҳасига ҳам дахлдор. Мижозлар эҳтиёжларини фақатгина кўплаб компаниялар ресурсларидан фойдаланиб қониқтириш мумкин. Туристлик хизматлари (жойлаштриш, транспорт фирмалари, кўнгилочар саноати, туристик фирмалар) ишлаб чиқарувчиларнинг ҳеч бири бир ўзи хизматларнинг ҳамма турларини тақдим этиш ҳамда туристлар ташриф буюрувчи марказларнинг мажмуавий ривожланишини таъминлашга қодир эмас.

Туризм соҳасидаги иш бўйича ҳамкорлик шерикликнинг турли шаклларини олиб келади:

- рақобатчилар билан кураш учун;
- фаолиятнинг бошқа турларидаги тадбиркорлик иштирокчилари билан бирлашиш;
- ўзига хос (махсус) туристик маҳсулотни бошқа мамлакатлар бозорларида сотиш бўйича биргаликда ишлаш учун клублар тузиш;
- туристларни биргаликда ташиш учун франчайзингли тармоқлар яратиш;
- инновациялар жорий этиш.

Ишнинг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда туристлик бозорларида алоҳида минтақалар хусуиятларини яхши билувчи альянслар пайдо бўлмоқда. 2001 йилда “Универсал туристлик альянси”( Universal tourism Alliance-UTA)га

асос солинди бугунги унинг аъзолари Болгария, Чехия, Миср, Финляндия, Греция, Италия, Мальта ва Словакиядан саккизта туристик компаниялари ҳисобланади. Россия бозоридаги ҳамкорликнинг кўп йиллик тажрибаси туфайли УТА нинг барча аъзолари ишнинг ўзига хос хусусиятларини билишади ва хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига кафолат беришади. Альянснинг барча аъзолари миллий ҳукумат ташкилотлари томонидан қўллаб-қуввўтланади.

### **8.3. Корхоналарда технологик ва маркетинг инновациялари**

Инновацион маркетинг турлари саноати ривожланган мамлакатларда фирма ривожланишининг маркетинги концепцияси ўн йилликлар давомида фахрий ўринни эгаллайди, бунда таъкидлаш керакки, инновацион маркетингни илмий фан сифатида вужудга келиши фақат кейинги ўн йилликларга тўғри келади.

**Инновацион маркетинг** тушунча сифатида инновацион маркетингдан кенгроқ, у ўз ичига ташкилотнинг вазифаси, тафаккурнинг фалсафаси илмий-тадқиқотлар соҳаси, бошқарув услуби ва хулқни олади. Бу чекланган, мажбур қилинган новаторлик эмас, муносабатларнинг алоҳида тури ва ҳаттоки тўлиқ қабул қилинишидир.

Инновацион маркетинг ижтимоий йўналтиришга, издошларга эга. Стратегик ва оператив ташкил қилувчилар унинг энг муҳим турлари бўлади.

**Стратегик инновацион маркетинг.** Стратегик маркетинг тадқиқотлари асосига бозор ҳолатини кейинчалик бозор сегментларини ишлаб чиқиш, талабни ташкил қилиш ва шакллантириш, харидни моделлаштириш билан таҳлил қилинади.

Тадбиркорлик фирмаси бошидан бозорни эгаллаш сегментлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ўзининг истеъмолчиларини яратишга қаратилиши керак. Бозорлар ва ташқи муҳит омилларини таҳлил қилишдан ташқари замонавий маркетинг нафақат бугунги куннинг истеъмолчиларини ўрганади, балки келажакда эҳтимол бўлганларини ҳам шакллантиради.

Стратегик маркетинг корхонанинг маркетинг ва социология хизматлари ходимларининг истеъмолчиларнинг яқиндан алоқасига критилган (анкеталар тўлдириш, телефон бўйича сўров, репрезентив танлоб олишлар ва ҳ.к.).

Инновацион маркетингнинг қоидаларига мувофиқ янги товарни қабул қилиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Бирламчи хабардорлик. Истеъмолчи инновация ҳақида хабар топади, етарлича ахборотга эга эмас.

2. Товарни таниш. Истеъмолчи баъзи бир ахборотга эга, янгиликка қизиқади: янгилик ҳақида қўшимча ахборотлар (реклама, проспектлар, маълумотномаларни қидириши мумкин).

3. Янги товарни идентификациялаш. Истеъмолчи янгиликни синовдан ўтказиши ҳақида қарор қабул қилади. Истеъмолчи янгиликни ўзининг эҳтиёжлари билан таништиради.

4. Янгиликдан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш.

5. Истеъмолчи инновация ва харид қилиш эҳтимоли ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида янгиликни синовдан ўтказиши.

6. Тест натижалари бўйича янгиликни харид қилиш ёки яратишга инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Амалда инновацияларни қабул қилмайдиган истеъмолчилар сони 16 %дан камроқ, «новаторлар» категорияларининг кам сонлилиги жамиятнинг фақат чекланган қисмида товар янгилигига юқори таъсирчанлик ва мойилликни кўрсатади. Қолганларнинг инновацион мойиллигини қимматбаҳо маркетинг ишланмаларини фаоллаштириш йўли билан ошириш мумкин.

Бозор сегментининг асосий тавсиялари тўртта ўзаро боғлиқ ўзгарувчилар билан белгиланган: бозор ўлчами, мумкин бўлган нарх, техник самарадорлик талаблари ва вақт.

Инновациявий маҳсулотларнинг кўпчилиги ўз самарадорлиги, нархи ва бозорда биринчи марта пайдо бўлиш санаси бўйича фарқ қилувчи шаклларда таклиф этилиши мумкин. Муайян бозор сегменти техник самарадорликнинг қандай даражасини талаб этишини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади,



чунки илмий-техник ходимлар доимо ўз янги маҳсулоти кўрсаткичларининг юқори даражада бўлишига интиладилар,бу техник ғояларга олиб келган ҳолда, истеъмолчиларнинг реал талабларини ҳисобга олмаслиги мумкин. Бундан ташқари, бу ИТТКИ ва ишлаб чиқариш харажатларини ошишига, маҳсулотни ишлаб чиқариш вақтининг узайишига олиб келиши табиий. Буларнинг барчаси маҳсулотнинг даромадлилик салоҳияти пасайишига сабабчи бўлади.

Таъкидлаш керакки, инновациянинг характери уни қабул қилиниш суръатларига тўғридан тўғри боғлиқ. Инновациянинг баъзи бир турлари айнан бир кунда оммавий бўлиб кетади, айримларига эса бунинг учун узок вақт талаб қилинади. Инновацияни қабул қилиниши суръатларига бешта таъриф таъсир кўрсатади:

- усулларнинг ворислиги ва бирга бўла олишлиги, янги қабул қилинган истеъмол бойлиги ва инновация истеъмолчиларининг тажрибасига мос келиши даражаси. Масалан, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоблаш техникасини инновацион қўллаш учун дастурий маҳсулотларнинг муваффақияти тизимни истеъмолчиларнинг психологияси ва одатларига, турғун ишчи тартиби ва психологик стрессни камайтириш имкониятига мослашишга боғлиқ;
- мураккаблик, яъни унинг моҳияти ва татбиқ этиш тамойиллари ҳамда фойдаланишдан фойдани тушунишнинг нисбатан қийинлиги;
- инновацияни татбиқ этиш жараёнини бўлинувчанлиги, яъни янгиликни босқичма босқич киритиш ва натижани аста секин баҳолаш имконияти.
- коммуникацион кўргазмалилик, яъни инновацияни қўллашдан фойдалилик ва фойдани тушунарли баён қилиш имконияти.

Бу жиҳатдан қуйидагиларни таъкидлаш керакки, фойдалилигини миқдоран (моддий) баҳолаш мумкин бўлган инновациялар кўпинча умуман ишлаб чиқариш тизимини фаолит юритишини сифатли яхшилашга қаратилган инновацияга нисбатан амалда кейингиларнинг объектив ва субъекти фойдалилиги ғоятда каттароқ воситали самара олиб келиши мумкин бўлса ҳам, биринчи қарашда ўзига жалб қиладигандек кўринади. Инновацияларни бозорга татбиқ этиш учун зарур умумий хусусиятларидан

ташқари истеъмолчи учун сифатнинг аниқ кўрсаткичлари: конструкторлик таърифлари, дизайн истеъмолчилик хусусиятлари, фойдаланиш имкониятлари, қулайлик ва албатта, нарх катта аҳамиятга эга.

Янги товарга талабнинг башорати бозор иштирокчилари ва уларнинг фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқаларни тизимли тадқиқот қилишга асосланган. Бозор иштирокчилари: харидорлар, сотувчилар, савдо агентлари, воситачилар, брокерлар, имижмейкерлар, реклама агентликлари маркетинг тизимининг элементлари бўлади. Янгиликни ишлаб чиқарувчилар ва унинг якуний истеъмолчилари ўртасида вазифавий ўзаро алоқани ўрнатиш бозорни тадқиқот қилишнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Аммо тизимли таҳлилда рақобат шакллари, усуллари ва даражасини, эҳтимоли бўлган рақибларнинг хулқини таҳлил қилиш марказий рол ўйнайди. Бозорнинг барча иштирокчилари хулқини башорат қилиш ва рақиблар ҳаракатларини баҳолаш янги товарни олдинга ҳаракатлантириш ва унга талабни шакллантиришда ҳал қилувчи бўлади. Демак, янгиликни бозорга кириб бориши стратегиясини ишлаб чиқиш товарнинг янгилиги даражаси, бозордаги рақобатнинг тури ва новатор фирма рақобат афзалликларининг даражасига боғлиқдир.

Ишлаб чиқарилаётган товарнинг тубдан янгилиги, уни тайёрлаш технологияси янгилик яшаш даврининг бошланғич босқичларида фирманинг яққа ҳокимлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Тубдан янги маҳсулотга талабни шаклланиши иккита ҳал этувчи жиҳатлари билан боғлиқ: бир томондан янгиликка талабни йўқлиги, янгилик ишлаб чиқарувчининг инновацион яққа ҳокимлиги. Бу ҳолда инновацион яққа ҳокимлик ва фойдани катталаштириш шароитларида талабни шакллантирувчи тадбирлар тизимидан ташкил топган креатив характерга эга бўлади.

Бу жараёнлар рақибларни фаолиятлари, рақобат кўрашини кенг ёяди, ўрнини босувчи товарлар, модификацияланганлар, такомиллашганларни ва имитация қилинганларни яратилиши эҳтимол бўлган натижа бўлади. Янги товардан юқори фойда сармояни ишга қўллашнинг янги соҳаларини қидириб

топишни рағбатлантиради, сармойни фойдалироқ соҳаларга оқиб келиши содир бўлади, у монополиялар ва рақобатлашувчи гуруҳларнинг ортиқча сармойларни, ҳамда кичик ва ўрта сармойларни ҳаракатланиши билан бирга бўлади.

Рақобат ташқи муҳитнинг етакчи кўрсаткичларидан биридир. Менежернинг биринчи даражаси васифаси ўзининг фирмаси ва рақиб фирмаларининг рақобатбардошлигини солиштирма таҳлиlidir. Пировардида рақобат курашининг муваффақиятини корхонанинг ички муваффақиятлари ва уларнинг ташқи омиллар билан ўзаро алоқалари белгилаб берадилар.

Корхона рақобат ўринлари таҳлилининг натижалари ҳар хил усуллар билан текширилиши мумкин; ҳам миқдорий ва ҳам сифатилик кўрсакичлари (масалан, бозорда эгаллаган жой)ни таққослаш асосида.

Фаолиятнинг афзалликлари ва камчиликларини баҳолаш фирманинг бундан кейинги стратегиясини ишлаб чиқиш ва бозор ҳолатини башоратлаш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, таҳлил натижалари менежерларнинг ўз фирмасининг камчиликларини бартараф этиш ва рақибни нейтраллаштиришга қаратилган оператив ишнинг асоси бўлади. Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш фирмани бундан кейинги ривожланишининг заифлигини ҳисобга олиш билан башоратлашга имкон беради.

Шуларга мувофиқ инновацияларга бўлган талаб таҳлилининг хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Саноатда ва қишлоқ хўжалигида инновациялар ривожланишининг хусусиятлари ва уларнинг турларини фарқланиши, ҳар бир конкрет вазиятда уларга бўлган талаб хусусиятларини белгилайди.

Биринчи навбатда, маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш инновацияларнинг қайси турига – базис ёки такомиллашганга – мансублигини аниқлаш лозим. Буни иккита усул билан аниқлаш мумкин: биринчидан, маҳсулотни бозордаги савдо ёки таклиф ҳажми ва давомийлиги тўғрисидаги

маълумотлар асосида унинг ҳаётий цикли эгри чизикларини барпо этиш ёрдамида.

Иккинчидан, инновациявий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона, олдин ишлаб чиқарилган ва янги маҳсулот кўрсаткичларининг қуйидаги схема бўйича таққослама таҳлилини ўтказди:

- янги маҳсулот ишлаб чиқаришда эскига нисбатан принципиал янги ёндашувлар мавжудлиги, мисол учун нотаниш қонун ва қонуниятлар;
- маҳсулотдаги янги деталлар ёки технологиядаги янги операциялар миқдори;
- маҳсулотни ўзгартириш учун қилинган қўшимча харажатлар суммаси ва унинг янги маҳсулот харажатларидаги улуши.

Инновациявий маҳсулот ўз шакллари бўйича хилма-хил. У моддий кўринишда бўлиши (мисол учун, ускуналар, аҳоли учун товарлар) ёки бўлмаслиги (ноу-хау, патентлар, лицензиялар), мақсади (ишлаб чиқариш ёки пировард истеъмол учун), маҳсулот турлари ва ҳоказолар бўйича фарқланиши мумкин.

Савдонинг максимал имкониятини аниқлаш ва биринчи учта масала ҳамда корхона ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда савдо режасини асослаш.

Талаб - истеъмолчи, муайян бозорда бирор вақт мобайнида мумкин бўлган нархларнинг бири бўйича, харид қилиш истагига ва қобилиятига эга бўлган маҳсулот ҳажмини акс эттиради.

Ушбу таърифдан талаб таҳлилининг қуйидаги асосий йўналишлари кўриниб турибди:

- талаб ҳажми;
- потенциал харидорларнинг мавжудлиги;
- товарга бўлган эҳтиёж;
- товарнихарид қилиш имконияти;
- бозорда маҳсулотни сотиш вақти;
- маҳсулотни сотиш йўналишлари, бозорлари.

Талабнинг муҳим хусусияти, бошқа барча омиллар ўзгармас бўлганда, маҳсулот нархи ва унга бўлган талабнинг ўзаро тескари пропорционал боғлиқлигидадир. Ушбу боғлиқлик талаб қонуни деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, қолган барча шароитлар бир хил бўлган ҳолатда маҳсулот нархининг пасайиши унга бўлган талабни ўсишига, нархнинг ўсиши эса талабнинг пасайишига олиб келади.

Талаб қонуни асосида биринчидан, харидорнинг психологияси ётади, ушбу психология бўйича муайян товарнинг катта ҳажмлари юқори нархдан кўра кичикроқ нарх белгиланганда яхши сотилади деган фикрга асосланган. Талаб эгри чизиғи ҳам буни тасдиқлайди.

**Иккинчидан**, истеъмол чегаравий фойдалилик тамойилига риоя қилади, унга мувофиқ муайян товарнинг кейинги бирликлари нисбатан камроқ қониқиш ҳосил қилади. Мисол учун, иккинчи телевизор, биринчига нисбатан камроқ фойда келтиради, чунки асосий эҳтиёжлар қондирилган, учинчи ва тўртинчилари эса унданда камроқ. Шунинг учун ҳам харидор қўшимча товар бирликларини уларнинг нархи пасайиши туфайлигина харид қилиши мумкин.

**Учинчидан**, талаб қонунининг амал қилиши даромад самараси билан боғлиқ, бу эса харидор доимий даромад ва бошқа шароитлар бир хил бўлганда муайян товардан кўпроқ харид қилиш имкониятида ифодаланади. Ва аксинча, юқорироқ нарх харид талабининг пасайишига олиб келади.

Талабни бошқариш учун, янги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона талаб катталиги ва характери таъсир этувчи ва талаб детерминантлари деб аталувчи омилларни билиши лозим. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, янги маҳсулотга бўлган талабга таъсир этувчи детерминантлар, анъанавий маҳсулотга бўлган талаб детерминантларидан анча фарқ қилади.

Янги маҳсулотга бўлган талаб омилларини иккига ажратиш мумкин, ички, таҳлил объектининг фаолиятига тааллуқли ва ташқи, асосан ташқи муҳит фаолиятининг ўзига хослиги билан боғлиқ .

Умумий ҳолда ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш – савдо стратегиясини тавсифловчи, энг муҳим ички омиллар таъсирини кўриб чиқамиз.

Агарда корхона янги техника ишлаб чиқарадиган бўлса, уни бозорда тарқатиш учун таклиф этилаётган намунанинг конструктив хусусиятлари катта аҳамиятга эга. Агарда у тармоқ стандартларига жавоб бермаса, унга сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш мураккаблашади ва ундан таркибий қисм сифатида фойдаланиб бўлмайди. Оқибатда мазкур маҳсулотга талаб умуман бўлмайди ёки жуда паст бўлади.

Стандартларга ўхшаш тарзда пировард маиший истеъмол учун чиқарилган янги маҳсулотга (кийим-кечак, пойафзал, мебел ва ҳ.) талабни таъминлашда **мода** ўз таъсирини кўрсатади. Агарда унинг таъсири ҳисобга олинмаса, янги маҳсулот талабга эга бўлмайди.

Талабнинг яна бир муҳим омили бўлиб янги маҳсулот **сифати** хизмат қилади. Янги техника, технологиянинг яхши ишлаши, халқ ирстеъмоли товарларида нуқсонлар бўлмаслиги уларга талаб юқори бўлишига хизмат қилади, ва аксинча янги маҳсулотни эксплуатация қилишда юзага келган носозликлар маҳсулотга бўлган талабни пасайтиради.

Талабга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига савдо шароитларининг, хусусан янги маҳсулотга кафолат ва сервис хизмат кўрсатишни таъминлаш, мавжудлиги киради. Янги техника ва технологияга нисбатан, бу уларни ўрнатиш, хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, таъмир бўйича ихтисослашган бригадаларни ташкил этиш ва бошқалардир.

**Илмий изланишларга бўлган харажатлар миқдори**, янги маҳсулот пайдо бўлиши, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлиги ва талаб пайдо бўлиши ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжуд. Илмий изланишларга қилинган харажатлар қанчалик кўп бўлса, янги маҳсулот шунчалик тез тарқалиши мумкин.

**Ишлаб чиқарувчи корхонанинг юқори техник даражаси** ишлаб чиқаришнинг янги сифат поғонасига тез ўтишини таъминлайди, бу эса бозорга янги маҳсулот таклиф этишни тезлаштирган ҳолда, унга талаб пайдо бўлишини рағбатлантиради.

Ўз навбатида мазкур омил янги маҳсулотни **ўзлаштириш тезлигига** ҳам ўз таъсирини кўрсатади, инновациявий жараёни секинлаштирувчи инфляция шароитида эса бу катта аҳамият касб этади.

Тармоқ (корхонанинг) **трансмиллий даражаси** ҳам талабга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. У қанчалик юқори бўлса, тармоқнинг ташқи интеграцияси шунчалик кенг, янги маҳсулот кўп сонли чет эл бозорларига чиқарилади, уни тарқатиш тезлашади ва унга бўлган талаб ошади.

Талабнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, янги маҳсулотга белгиланган **нарх** хизмат қилади. Нархларга бўлган чегирмалар ва бошқа нарх имтиёзлари янги товарни бозорларга тез кириб боришига ёрдам беради. Бундан ташқари, ушбу ҳолатда нарх бошқа янги корхоналар бозорларга кирмаслиги учун тўсиқ бўлиб ҳам хизмат қилади.

Янги маҳсулот ёки технологияни бозор томонидан тан олинishi, ва демак унга талабни таъминлашда, ушбу маҳсулот тўғрисида яхши фикр қолдирувчи, энг обрўли харидорни танлаш хизмат қилади. Бунда биринчи харидорлар, ўз обрўси билан маҳсулотга талаб ҳосил қилганлиги учун катта имтиёзларга эга бўлади.

**Бозор сегментини танлаш**, нафақат янги илмий-техник маҳсулотга бўлган талабни мақсадли шакллантиришга, балки ишлаб чиқарувчи томонидан муайян истеъмолчи (корхона, тармоқ ва ҳ.) учун хос бўлган унинг конструктив хусусиятларини ҳисобга олишга ҳам ёрдам беради.

Янги илмий-техник маҳсулотни тарқатиш учун **коммуникацион омиллар** катта аҳамият касб этади. Янги маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона ва тармоқлар ахборот нуқтаи назаридан очиқ ёки ёпиқ бўлишлари мумкин. Биринчи ҳолатда улар илмий-техник семинарлар, симпозиумларда фаол иштирок этади ва ўз ишланмалари ва ютуқларини намоёйиш этишади. Шундай

килиб, янги маҳсулот бозорга чиқмасдан олдин улар истеъмолчини ушбу маҳсулот билан таништиради, ва талабни шакллантиради. Иккинчи ҳолатда эса, янги товар бозорга чиқишидан олдин у ҳақда ҳеч ким ахборотга эга бўлмайди, ва талаб шаклланиш жараёни анча узоқ давом этиши, бу эса ишлаб чиқарувчи корхонанинг молиявий натижаларида ўз аксини топиши мумкин.

**Реклама** омили коммуникацион омилга яқин туради: янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги умумий харажатларда реклама харажатларининг юқори даражаси, унга бўлган талаб шаклланиши ва ўсишига ёрдам беради, ва аксинча.

Илмий-техник маҳсулотига бўлган талабнинг энг муҳим ички омилларидан бири бўлиб ишлаб чиқарувчи корхона ходимларининг **касбий тайёргарлик даражаси** хизмат қилади. Муҳандис ва ишчи кадрларнинг таълим ва касбий даражаси қанчалик юқори бўлса тайёр маҳсулот сифати ҳам шунчалик юқори бўлади, хизматчилар малакасининг юқори даражада бўлиши эса, маҳсулотни тегишли меъёрларда ишлаб чиқарилиши ва режалаштирилган ҳажмларда сотилишига кафолат бўла олади.

Талабнинг ташқи детерминантларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг катта қисми янги илмий-техник маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи корхона фаолият юритаётган муҳитни тавсифлайди.

**Давлатнинг умумиқтисодий аҳволи**, агарда у барқарор бўлиб, инфляция даражаси эса юқори бўлмаса, янги илмий-техника маҳсулотининг асосий истеъмолчилари бўлмиш ишлаб чиқариш корхоналарининг техник базасини янгилаш жараёни бузилмайди, ва янги илмий-техник маҳсулотга доимий тарзда талаб бўлиб, у жамиятдаги фан-техника тараққиётини ҳам рағбатлантиради. Жамиятнинг иқтисодий барқарорсизлиги туфайли пул қадрининг тез йўқолиши техник-технологик инновацияларга маблағ кўйилишини йўққа чиқаради. Бунинг оқибатида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган янги маҳсулотга бўлган талаб тушиб кетади.

**Сиёсий вазиятнинг ўзига хослиги** илмий-техник маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун катта аҳамият касб этади. Мажаровий



минтақаларга янги илмий-техник ва маиший маҳсулотларни етказишга сиёсий барқарорсизлик тўсқинлик қилса, ҳарбий-техник маҳсулотларни сотишни аксинча рағбатлантиради ва уларга талаб ҳосил қилади, яъни ушбу омилнинг таъсири турлича бўлиши мумкин.

Инновациявий маҳсулотни ишлаб чиқиш, таклиф этиш ва унга бўлган талабни рағбатлантириш учун **хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти** муҳим аҳамиятга эга. Агарда фан ва илмий хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиёти субъектларини техник қайта қуроллантиришга маблағ киритишга нисбатан солиқ имтиёзлари қўлланилса, бу илмий-техник инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни рағбатлантирувчи кучли омили бўлиб хизмат қилади.

**Минтақадаги ноқулай экологик вазият** ва уни давлат томонидан тартибга солиш тадбирларининг катъийлашиши, ушбу мақсадда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш ва маиший истеъмол товарларига бўлган талабни рағбатлантиради. Экологияни ёмонлашувига олиб келувчи урбанизация жараёни, вақт ўтиши билан фақатгина атроф муҳитни эмас балки аҳолини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш воситаларига бўлган талабни ҳам рағбатлантиради.

Янги маҳсулот ва технологияларга бўлган талаб омилларидан бири сифатида **техник тараққиёт** ва унинг оқибатидаги маҳсулотларнинг **маънавий эскиришини** кўрсатиб ўтиш лозим. Агарда ишлаб чиқариш истеъмоли соҳасида техниканинг янгиланиши қандайдир меъёрий ҳужжатларни талаб қилган ҳолда секинлашса, шахсий истеъмол соҳасида бу жараён анча фаол амалга ошади ва шу билан бирга янгиланишга мода омили ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

**Бозордаги эски ва янги маҳсулот нисбати** деб номланган омил, қисман олдинги омил таъсирида юзага келади. Бозорда узоқ вақт таклиф қилинаётган маҳсулотга бўлган талаб аста-секин пасаяди, ушбу пасайиш маҳсулотнинг янги турларига бўлган талабни келтириб чиқаради, бу талабнинг циклик бўлишига олиб келган ҳолда маҳсулот янгиланишини рағбатлантиради.

Инновацияларни жорий этган истеъмолчи иш самарадорлиги ошиши, **фонд қайтимининг ўсиши, материал ва меҳнат сиғимининг пасайиши, сифат, янги маҳсулот ишлаб чиқариш вақти** ва бошқа кўрсаткичлар бўйича рақобатдошлардан олдинда бўлиш, талабга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Янги маҳсулотга бўлган талаб омилларидан бири сифатида **рекламанинг таъсирчанлигини** таъкидлаб ўтиш лозим. Унга эса ўз навбатида рекламанинг кўриниши ва шакли, реклама кампаниясини ўтказиш жойи ва вақти, давомийлиги, ҳамда янги маҳсулот рекламасини истеъмолчи томонидан психологик қабул қилиниши ўз таъсирини кўрсатади.

**Истеъмолчилар даромадлари** – талаб характериға тўғридан-тўғри таъсир этувчи омил ҳисобланади: даромадлар қанчалик юқори бўлса талаб ҳам шунчалик катта бўлади. Аммо бу нормал ёки юқори категорияға мансуб товарларға тегишли бўлиб, илмий-техник маҳсулотлар шулар жумласидандир. Инновациялардан фарқли равишда, даромадларнинг ўсиши, қуйи категорияға тегишли товарларға бўлган талаб пасайишиға олиб келади.

«Сиёсий», «иқтисодий», «хуқуқий», пировард маҳсулотға бўлган талабнинг ноаниқлиги каби омиллар таъсирини ўзида жамлаган йирик омил сифатида, **илмий-техник маҳсулотнинг ноаниқлигини** келтириш мумкин. Ушбу омил талабни пасайтиради, у доимо амалда ва инновацияларнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Янги маҳсулотларға бўлган талаб таҳлили маҳсулот янги деб ҳисобланган даврга нисбатан бошланғич, жорий ва сўнгги бўлиши мумкин.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион сиёсат деганда нимани тушунасиз?
2. Инновацион лойиҳалар деганда нимани тушунасиз?
3. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибға солишнинг зарурияти нимадан иборат ?
4. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибға солиш стратегиясини изоҳлаб беринг?

5. Корхоналарда инновациони тартибга солишда давлат сиёсатига нималар киради ?
6. Иновация жараёнини давлат томонидан қўллаб –қуватлаш тўғрисида хориж тажрибалари
7. Инновацион лойихаларни бошқариш услубларини тушунтириб беринг ?
8. Давлат томонидан инновацияларни молиялаштириш тартибини тушунтириб беринг.?.
9. Корхоналарнига киритилаётган инновацион технологияларни киритувчиларга кандай молиявий имтиёзлар берилган?
10. Корхоналарда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш йуллари нимадан иборат?
11. Технологик инновациялар деганда нимани тушунасиш?
12. Маркетинг инновациялари деганда нимани тушунасиш?

## **IX Боб. Иқтисодиётда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда инновацион технологиялардан фойдаланиш зарурияти, ва унинг салоҳиятини оширишга таъсир қилувчи омилларни, инновацион ривожлантириш технологияларнинг моделларни, индекаторларини ҳамда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарни ривожланиш масалаларни ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион технологиялар, илмий техника, илмий техника тараққиётини бошқариш, илмий техника тараққиётини ҳуқуқий асослари, корхоналарда инновацион технологиялар, инновацион кластерлар, инновацион стратегиялар, инновацион моделлар, инновацион ривожланиш индекаторлари, эркин иқтисодий зоналар.*

### **9.1. Инновацион технологиялар ва улардан корхоналарда фойдаланиш зарурати**

Маълумки маҳаллийлаштириш жараёнида инновациявий фаолиятни иқтисодиётда жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш ишлаб чиқариш жараёнларига янги самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом-ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда замонавий рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, янги иш жойларини яратиш имконини беради. Инновациявий жараённи маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қуйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- турли саноат тармоқларининг кўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлари экспортини кўпайтириш ва анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси
- салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хомашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобидан иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти–Олий Мажлисга тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасидаги фикрига кўра, “Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”<sup>21</sup>.

**Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти** - бу интеллектуал салоҳият, ишчи ва хизматчиларнинг креатив имкониятлари, билимлари, товар яратишдан тортиб уни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунгача барча босқичлар бўлиб, бундаги инновациялар корхона стратегик ривожланишининг асосий ресурси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги шароитда инновацион, айнан билимларга асосланган, малакали ишчи кучини ўзида мужассам этган юқори фан сиғимига эга бўлган технологик иқтисодиёт рақобатбардош бўлади.

2015 йилда Республика Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасига

---

<sup>21</sup>Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 22.12.2017 йил.

халқаро мақоми берилди. Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш вазибаларини ҳал эта бориб халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси узок муддатли хўжалик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун зарур конунчилик базаси ва бозор инфратузилмасини яратиш, тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва халқаро кооперация доирасида корхоналарга зарур хомашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланиши имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси икки босқичда:

- биринчи босқичда – тармоқ кўрғазмалари ва ярмаркалари;
- иккинчи босқичда – халқаро тармоқлараро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 мартдаги 59-сонли “2015 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича чоралар тўғрисида”ги қарорига асосан жорий йилнинг 29 апрелидан 1 майгача “Ўзэкспомарказ” кўрғазмалар комплексида соҳа саноат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Бу ярмаркада “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимининг худудий бирлашмалари ва корхоналарининг масъул вакиллари иштирок этиб, 2015 йилда соҳа корхоналарининг ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун зарур бўлган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва моддий-техник ресурслар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар вакиллари ўртасида умумий суммаси 21,0 млрд.сўмлик шартномалар расмийлаштирилди.

Ўтказилган ярмаркалар доирасида 3500 дан ортиқ инновацион ғоява технологиялар намойиш этилиб, умумий киймати 86,8 млрд. сўмлик 2300 тадан ортиқ шартномалар имзоланди. Ярмаркалар натижасида йирик корхоналарда 22 та илғор технологиялар жорий қилиниб, 1 трлн. сўмдан ортиқ янги махсулот ишлаб чиқарилди, 54 та технология ва ишланмаларнинг саноат синовлари яқунланмоқда. Юзлаб корхона, фермер хужаликлари ва тадбиркорлик субъектларига илмий хизматлар кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикасида электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисидаги Қарорига асосан давлат дастурларида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширилади.

"Ахборот технологиялари" йўналишида эса 75 та янги ишланма ва дастурий маҳсулот, "Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика" йўналиши бўйича 82 та ишланма ҳамда касални даволашнинг янги усуллари ва замонавий технологиялари, "Кишлоқ. хўжалиги" бўйича 121 та ишланма тақдим этилди. "Фан ва таълим" йўналиши стандартларида таълим, ёш авлодни тарбиялаш соҳасида кейинги йилларда эришилган ютуқлар, тайёрланган илмий монография, дарслик ва ишлаб чиқилган илғор педагогик технологиялар, жами 25 та ишланма тақдим этилди.

Келгусида маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар, хорижий ва халқаро жамғармаларнинг диққатини ва молиявий маблағларини республикамиз илмий ташкилотлари ва университетлари ишлаб чиққан энг илғор технологияларга жалб қилиш мақсадида янги йўналиш – "Юқори технологиялар" (ёки "Hi Tech") ташкил этилиб, ген инженерияси, хужайра технологиялари, фармацевтика ва биотехнологиялар, нанотехнологиялар, шунингдек ахборот технологиялари соҳаларида инновацион технологиялар; тақдим этиш режалаштирилди.

Шунингдек, саноат корхоналари, тадбиркор ва кичик бизнес вакиллари учун яна бита янги "Энергия ва ресурс бўйича тежамкор технологиялар йўналиши ташкил этилди. Энергия ва ресурсларни тежаш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг самарали усуллари бўйича 50 та ишланма тақдим этилади.

Ўзбекистонда 2015 йилда 500,4 млрд сўм миқдоридаги 6241 дона корхоналарни техникаларини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган ва туманлар кесимида "Корхоналарни техникаларини молиялаштириш ҳамда етказиб бериш дастури" тасдиқланган. "Ўзқишлоқмашлизинг" компанияси

424,2 млрд. сўмлик қийматдаги 5171 дона техника лизинг асосида, 71,6 млрд сўм миқдоридagi 614 дона техника тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан ва 4,6 млрд сўмлик 456 дона техника фермер ва корхоналарни корхоналарининг ўз ҳисоб маблағлари эвазига етказиб берилиши ҳақида маълум қилди.

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чораларининг изчил амалга оширилиши барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратди.

Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни инновациявий фаолият технологиясини маҳаллийлашириш учун шарт-шароит яратади.

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида “Спарк” енгил автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, катта ҳажмдаги юк ташийдиган “МАН” автомобилларини, энегия тежайдиган лампалар, “ЭлЖи” русумидаги холодильникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

Чет эллик шериклар ва салоҳиятли мижозлар билан семинарлар, расмий учрашувлар ташкил этиш орқали Республика ичида ва хорижда ташкил этиладиган халқаро кўрғазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этиш, жумладан «Сабех» (Россия), «AQUA THERM» (Россия, Озарбайжон, Қозоғистон), «Астана Экспо» (Қозоғистон), «Элком Украина» (Украина) ва бошқалар.

Инновациявий фаолиятни технологиясини такомиллаштиришда ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

➤ саноат корхоналарини инновациявий фаолиятида ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияси доирасида узоқ муддатли хўжалик алоқаларини



шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун зарур қонунчилик базасини ва бозор инфратузилмасини яратиш;

➤ ускуналар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни инновациявий фаолиятни амалга ошираётган корхоналарнинг зарур хомашё ва кредит захираларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

➤ маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳар йили қабул қилинадиган дастурларнинг саноат кооперациясини ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, дастурларга киритилган маҳаллийлаштиришда инновациявий лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилиши учун ижрочиларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

➤ янгиинновациявий технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни йирик ва кичик корхоналарда жорий этиш имконини берадиган инновация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун венчур жамғармаларини, шунингдек, инфратузилма объектларини ташкил этиш.

## **9.2. Корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишга таъсир қилувчи омиллар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармониغا асосан:

Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда.

Ўтган даврда фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди.

Шу билан бирга, қуйидаги тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун

мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислохотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

**биринчидан**, давлат дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденцияларини лозим даражада комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш мавжуд эмас, бунинг оқибатида мазкур дастурлар аксарият ҳолатларда муаммоларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳамда узок муддатли ривожланиш масалаларини ҳал этмаяпти;

**иккинчидан**, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ҳозирги аҳволи инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш учун лозим даражадаги шароитларни таъминламаяпти;

**учинчидан**, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиши фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ интеграциялашишига имкон бермаяпти, бу эса ўтказилаётган изланишларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда;

**тўртинчидан**, юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича фаолиятни ташкил этишдаги камчиликлар технологик қолоқликка ва инновацион товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг чекланганлигига олиб келмоқда;

**бешинчидан**, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишда алоҳида ҳолатлардаги тор идоравий манфаатларнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишнинг сабабларидан биридир;

**олтинчидан**, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликни татбиқ этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли

эътибор қаратилмаяпти;

**етгинчидан**, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, улардан бутун мамлакат фани, саноати ва иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш паст даражада сақланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** белгиланган вазифаларга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

- хуудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;
- инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;
- аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва корхоналарни маҳсулотлари

ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи корхоналарни экинларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

➤ иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

➤ инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 ноябрь, ПҚ-3365-сонли қарори қабул қилинди ва шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасаларини офис ва лаборатория мебели билан жиҳозлаш учун тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқа муассасаларининг ўз маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатлар грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти–Олий Мажлисга тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017

йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномасида кўрсатилганидек, ”Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз**. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз”<sup>22</sup>.

Корхоналарга инновацияларни жорий этиш соҳасида:

- энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли корхоналарни» концепциясига асосланган корхоналарни ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шакллари жорий этиш бўйича таклифлар киритиш;
- корхоналарни ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;
- корхоналарни маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, шу жумладан йирик ритейлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга кўмаклашиш ва бошқалар.

**Давлатнинг асосий вазифалари қуйидагилар:**

---

<sup>22</sup>Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, //Халқ сўзи, 22.12.2017 йил.

➤ иқтисодиёт тармоқлар соҳасидаги сиёсат тамойилларини, уларни амалга ошириш дастурларини, фаолият натижларини тадқиқ этиш ва назорат қилиш механизмларини (статистикани ташкил этиш, идоравий тадқиқотлар) белгилаш ҳамда ишлаб чиқиш;

➤ иқтисодиёт тармоқлари учун қулай шароитни яратиш, турли фирмалар, ташкилотлар ва жамиятлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

➤ иқтисодиёт тармоқлари ва маркетингни инновацияларни рағбатлантириш орқали қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг жозибали қиёфасини яратиш.

Корхоналардаги инновацион жараёнларига турли омиллар рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади:

➤ фан-техника тараққиётининг янги йўналишлари, янги технологияларнинг пайдо бўлиши;

➤ жаҳоннинг алоҳида минтақалари ва мамлакатларидаги иқтисодий ҳамда сиёсий вазият.

### **9.3. Инновацион технологияларни ривожлантириш моделлари ва индикаторлари**

Жаҳон кўп илм талаб қиладиган технологиялар жорий этилиш, жаҳон инфрақурилмасини яратилиши келтириб чиқарган глобал интеграцияга олиб келувчи ўзгаришлар даврида яшайпти.

Глобаллашув нафақат молиявий ва маҳсулот оқимлари кучайишида, балки бозорларда иш олиб бораётган субъектлар ҳам ўзининг ўзгаришида намоён бўлади. Сармоялар марказлашуви натижасида мазкур субъектлар кучлироқ ва йирикроқ бўлиб боради, бошқарув схемаларини қайта қура бошлайдилар.

Давлатнинг инновация фаолиятини баҳолаш индикаторлари куйидаги кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги тавсия этилади:

➤ ИТТКИларни жорий этиш интенсивлиги индикатори;

➤ инсон капитали индикатори;

➤ ишлаб чиқариш технологиясини ривожланиш индикатори;

➤ йиллик илмий тадқиқотлар;

➤ илмий тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- патентлар сони;
- янги билимлар оқими;
- сўровлар ва интервьюлар;
- мураккаб ва доимий лойиҳаларни баҳолаш.

Тадбиркорлик иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтирувчи ташкилий, телекоммуникацион, транспорт, молиявий тармоқлар яратилади.

Иқтисодиётнинг глобал хусусияти кейинги ўн йилликларда иқтисодиётнинг илмий мансублиги аввалги аниқлигини йўқота бошлаётганлигида ифодаланади. Энди интеллектуал ва молиявий сармоя исталган жойдан келиши, якуний маҳсулот исталган бозорларда пайдо бўлиб, сотилиши мумкин.

Замонавийликнинг муҳим қирраси – ҳам глобал миқёсда, ҳам алоҳида фирма доирасидаги ўзгаришларнинг юқори тезлигидир. Тажовузкор ва ҳаракатчан ташқи муҳит таъсири остида фирмалар ўз структураси, бошқарув стандартлари ва технологияларини ўзгартиришга, асосий ва иккинчи даражали функцияларни фарқлашга мажбур бўлишади. Илмий билимларни инновацияларга айлантиришга мойиллик юзага келади- амалий сотиш учун яроқли натижани олиш. Шунинг учун фирма ҳаракатлари асосий моддаларидан бири, унинг рақобатбардошлик устунликларини кўп жиҳатдан белгиловчи омил, ишланмалар ва тадқиқотларга маблағ сарфлашдир. Қолган барчаси – маркетинг логистика, ишлаб чиқариш, таъминот ва ҳатто молиялар ҳам – буларнинг ҳаммасини фирмалар ихтисослашган фирмаларга бериб бозорда хизматлар кўринишида ола бошлайдилар.

Анъанавий иқтисодиётда фирма моддий (меҳнат, хом ашё) ва номоддий (ахборот ва бош) ресурсларни истъеомол қилиш билан боғлиқ маълум ҳаракатлар қилади. Ривожланаган мамлакатларда 50% ва ундан ортиқ чиқимлар ишлаб чиқариш учун номоддий (ушлаб кўриб бўлмайдиган) ҳаракатлар – чиқимлар ташкил этиб, улар бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабат билан боғлиқ (ахборот қидириш, шериклар билан ахборот алмашиш, рақобатчилар ҳатти-ҳаракатининг доимий мониторинги ва бошқалар). Шу сабабли анъанавий

иқтисодий фирмаларда ўзининг шахсий алоқалари туфайли энг кам вақт ва маблағлар билан ўзаро ҳамкорликқила олувчи, «алоқалари бор киши» асосий шахс бўлди. Фирма ичидаги ўзаро муносабатларга ҳаракатлар ташқи таъминотчилар билан ишлаганга қараганда анча кам бўлгани сабабли фирмалар ўз контрагентлари билан бирлашиб, вертикал интеграллашган холдинглар яратишга ҳаракат қилишади. Рақобатчилардан ҳимоя учун фирмалар рақибларининг бозор майдонига чиқишини қийинлаштирувчи турли тўсиқлар яратишга интилишади, бу эса рақибларнинг ўзаро муносабатга ҳаражатларини кўпайтиради.

Фирмаларнинг номоддий активлар, интеллектуал сармояни бошқаришига ўтишига мойиллиги пайдо бўлди; барқарор алоқалардан – альянслар яратишга; узок йиллар обрў-нуфуз яратишдан брендни олға суришга; бўйсунувчи иштирокчиларни тарбиялашдан-истъедодларни қидиришга ўтиш.

#### **Фирма мувофақиятини белгиловчи омиллар:**

<i>Анъанавий иқтисодётда</i>	<i>Янги иқтисодиётда</i>
Экспертиза(текширув)	Интеллектуал мулк
Обрў-нуфуз	Бренд
Яхши ижрочилар	Истъедодлар
Барқарор алоқалар	Мослашувчан (эгиловчан) альянслар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти–Олий Мажлисга тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида келтирилганидек, “Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун **Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак.**



Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”<sup>23</sup>.

АҚШ, Германия, Италия, Испания, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва шу каби далаатлар тажрибалари етакчилик қилмоқдалар. Кейинги йилларда бу тажриба Осиё мамлакатларида ҳам амалиётда қабул қилинмоқда. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2013 йил 1 мартда “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Фармони ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан қуёш энергиясидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди ва шу асосда Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтининг ташкил қилиниши, соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Бошқача қилиб айтганда Халқаро қуёш институти олимларимиз томонидан яратилган инновацион ишланмаларни, шунингдек, чет элнинг илғор ишланмаларини технологиялар трансферлари орқали арзонлаштирилган ҳолда бозорбоп саноат бозор намунаси даражасига олиб чиқиб, унинг тўлиқ конструкциявий технологик ҳужжатларини таёрлашда фаол қатнашади. Шунини таъкидлаш керакки, АҚШ ва Япония давлатларида фанни молиялаштириш соҳасида юзага келган қуйидаги тенденцияни таъкидлаш керак. Европа давлатлари ва Россиядагидан фарқли ўларок ( бунда изланишларни молиялаштириш бутун жараён бўйича ўтказилади).

Инновацион ривожланишига қараб мамлакатларни 4та категорияга ажратиш мумкин:

**1. Инновацион ривожланишда лидер мамлакатлар** (АҚШ, Германия, Дания, Швеция, Финляндия). Юқори даражада

**2. Инновацион ривожланишга эътибор кучайиб бораётган мамлакатлар** (Австрия, Бельгия, Кипр, Эстония, Франция, Ирландия, Люксембург, Нидерланды, Словения и Великобритания). Ўрта даражада.

---

<sup>23</sup>Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 22.12.2017 йил.

**3. Инновацион ривожланишга эътибор султ мамлакатлар** (Хорватия, Чешская Республика, Греция, Венгрия, Италия, Мальта, Польша, Португалия, Словакия, Испания). Ўрта даражадан паст.

**4. Чекланган инновацион ривожланишдаги мамлакатлар** (Болгария, Латвия, Литва и Руминия). Жуда паст даражада.

**Иқтисодий ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиши моделларининг уч тури фарқланади:**

1. Фанда пешқадамликка, илмий ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини камраб оладиган, қоида тариқасида, илмий-инновацион имкониятларнинг муҳофаа секторидаги улуши анча катта бўлган кенг кўламли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция).

2. Инновацияларни тарқатиш, қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт структурасини оқилоналаштиришга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария).

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларига таъсирчанликни таъминлаш, фан ва технологиялар соҳасида турли секторларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш йўли билан инновацияларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

АҚШ ва Японияда кўпгина билим соҳаларини ривожлантиришда асосий деб топилган ишлар молиялаштирилади.

илмий ва илмий-техник фаолиятни ишчи фаолигини рағбатлантириш; ҳалқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш.

АҚШ конгресси 1979 йилда “Илмий-техник инновациялар тўғрисидаги Миллий далолатнома” қабул қилдилар. Унда илмий –техник инновациялар бўлиб асосий савол сифатида АҚШни иқтисодий, экологик ва ижтимоий ривожланиши деб кўрсатилган.

Инновация стратегияси савдо дефицити, жаҳон бозорида рақобатни ютиб келиш, доллар курсини бир маромда ушлаб туришни кўрсатади. Германияда ҳам давлат микёсида инновациялар барча ижтимоий касалликлар

билан курашишда асосий аҳамиятга 1940-1950 йилларда инновацияларга бўлган стратегик йуналишлар айрим фирмаларга оид тўғри келган, 1970-1980 йилларда эса инновациялар бутун миллатларни иқтисодий сиёсати бўлиб, бу сектор тармоқларини юқори экспорт потенциалини кўллаб-қувватлашда давлат манфаатдордир. Давлат ташкилотларига нисбатан давлат фаол аралашув стратегиясини, қолганига эса децентраллашган бошқарув стратегиясини кўллайди (Швеция). Россияда инновацион ривожланган мамлакатлар учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

1980 йиллар охирида Ғарбда “критик технологиялар” концепцияси ривож топди. “Критик технологиялар”- бу мамлакатни ижтимоий -иқтисодий ривожланишига катта аҳамиятга эга булган йуналишлардир. Масалан , буларга атом энергетикаси, ахборот- телекоммуникация системалари, генлар инженерияси, тоғ-руда ва техноген хомашёни чуқур қайта ишланиш технологиялари кирадилар. Бу илмий йуналишлар давлатнинг катта кўмагидан фойдаланишадилар, Россияда давлат миқёсида мамлакатни илмий – техник ривожланиш йуналишлари аниқланган:

Информатизациялаш (телекоммуникация, электроника, ахборот технологиялар), энергетика, таббий ресурслар ва уларни қайта ишланиши, биотехнологиялар, янги материаллар ва кимёвий махсулотлар, транспортдир.

Ҳар хил давлатларда инновацион фаолиятларни кўллаб-қувватлашда қуйидаги кўмак даражаси ва шаклларига кўра фарқланадиган қуйидаги стратегияларга суянишади:

- фаол аралашуви стратегияси;
- децентрали бошқарув стратегияси;
- аралаш стратегияси.

Фаол аралашуви стратегияси мақсади илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни давлат томонидан миллий хўжаликни иқтисодий ўсишини аниқловчи бош стратегияси деб тан олинганлигидир. Давлат ўз зиммасига кўпгина лойиҳа ва дастурларни ташкиллаштириш ва молиялаштиришни олади, ҳамда уларни кўллаш миллий иқтисодиётни

(Япония, Франция, Нидерландлар) ривожланишига салмоқли улушини кўшишдир.

Децентрализация босқарув стратегияси ўзида илмий ва инновацион сферада давлатни иштироки мурракаброқ механизмини очиб беради. Давлат бу стратегияда ҳам муҳим роль ўйнаб, шунинг билан бирга фаол аралашув стратегиясига характерли каттиқ директив алоқаларни йуқлигидир. Бу ерда биринчи ўринга илмий ташкилотлар ва саноат фирмалари чиқишмоқда, бунда давлатнинг роли зарур ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шароитларни (АҚШ, Буюк Британия) яратишдан иборатдир.

Аралаш стратегия иқтисодида асосий қисмни давлат сектори ташкил топган давлатларда қўлланилади. фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳолат кўйидаги сабабларга кўра ёмонлашган:

- харбий ишлаб чиқариш конвенцияси сиёсатини қўллаши муодофаа корхоналаридаги фуқароларга мўлжалланган маҳсулотлари бўйича инновацион фаолиятини салмоғли ўсишини йуқлиги харбий инновацион фаолиятни қискаришига олиб келди;
- ўзининг ихтироларига ва “ноу-хау” ларига қўлланилишини топалмаслиги, ҳамда ҳаётни паст даражаси “ақл”ни чет элларга оқиб кетиш оммавий ҳолатига олиб келди;
- давлат томонидан ихтироларни патентлашга маблағ ажратмаслиги, патентга бўлган эҳтиёжларни камайишига олиб келади.
- корхоналарни инновацион фаоллигини пастлигини сабаби этиб корхоналарни инновацион фаолиятини рағбарлантирувчи ўйлаб чиқилган солиқ сиёсатини йуқлигидир;
- фундаментал ва кўшимча фаннинг фаолигини секин аста пасайиши. Шунга қарамасдан, иқтисодий чўкишни огир шароитида давлат илмий – техник ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида чоралар кўрмоқда.

Давлат асосий фондлар тезкор амортизацияси орқали, солиқ имтиёзлари орқали инновацион фаолиятни туғрилашни айрим чораларини қўллади.

Имтиёзли солиқ солиш солиққа тортилаётган базани қисқартирилиш йўли билан амалга оширилади, ҳамда солиқ ставкаларини камайтириш, яъни солиқ тўловларини чегириш орқали амалга оширилади.

Фан билан шуғулланувчи давлат органлари каторига қуйидагилар киради:

- президент аппаратидаги фан ва таълим бўлими;
- президент қошидаги фан- техника сиёсати бўйича кенгаши;
- фан, маданият ва таълим бўйича Кенгаш Комитети;
- фан, маданият ва таълим бўйича Олий мажлис Давлат кўмитаси
- олий таълим вазирлиги.

Давлат фан-техника фаолиятини бошқаришни давлат ва федерал илмий-техник дастурлар орқали амалга оширади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхоналарда инновация технологияларини ривожлантириш заруриятини тушунтиринг?
2. Корхоналарда инновация технологияларини ривожлантириш истикболлари нимага каратилган?
3. Инновациявий жараёнда маҳаллийлаштириш дастури қандай тавсифланади?
4. Инновациявий фаолиятда ишлаб чиқариш технологиясини маҳаллийлаштириш нимадан иборат?
5. Инновациявий фаолиятни модернизация қилишни режалаштириш нималардан иборат?
6. Ишлаб чиқаришда юқори технологиялар кулланиш имкониятлари нималардан иборат?
7. Корхоналарда инновация лойиҳаларини жорий этиш йулларини айтинг ?
8. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш деганда нимага тушунасиз?
9. Вилоятлар кесимида. қайси лойиҳалар йирик инвестиция лойиҳалари ҳисобланади?

10. Давлатнинг инновацион технологияларни ривожлантириш истикболлари нимага каратилган ?
11. Корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишга таъсир қилувчи омиллар айтиб беринг?
12. Корхоналарда инновацион кластер стратегияларидан фойдаланиш йўллари айтинг?
13. Инновацион технологияларни ривожлантириш моделларини айтиб беринг?

## **Х Боб. Инновацион иқтисодий ривожлантиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда фаол инновацион-инвестицион сиёсатни ва илгор мамлакатларнинг “Фан-инновация-инвестиция-ишлаб чиқариш” тажрибаларини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион сиёсат, инвестицион сиёсат, инновация, инвестиция, хорижий инвестиция, хорижий компаниялар, хорижий сармоялар, фан-инновация-инвестиция-ишлаб чиқариш, эксперимент, амалий ишланмалар.*

### **10.1. Корхоналарда фаол инновацион-инвестицион сиёсат**

Мамлакат иқтисодий тармоқларида инновациявий технологияларни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этишда ва уларни реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратишимиз лозим.

Чет эллик шериклар ва салоҳиятли мижозлар билан семинарлар, расмий учрашувлар ташкил этиш орқали Республика ичида ва хорижда ташкил этиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этиш, жумладан «Сабех» (Россия), «AQUA THERM» (Россия, Озарбайжон, Қозоғистон), «Астана Экспо» (Қозоғистон), «Элком Украина» (Украина) ва бошқалар.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда инновацияни молиялаштириш давлат бюджет маблағлари ва хусусий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Унинг миқдори мамлакат ЯИМга нисбатан баҳоланади.

2016 йилда ЯИМга нисбатан илм-фанга қилинаётган ҳаражатлар салмоғи

Жанубий Кореяда 4,36 %ни, Исроилда 3,93 %ни, Финляндияда 3,55 %ни, Швеция 3,41%ни, Японияда 3,38 %ни АҚШда 2,79 %ни ва Хитойда 1,98 %ни ташкил этмоқда.

**Инновацион таракқиётда асосан қуйидагиларга эътибор қаратилади:**

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча бўғинларида босқичма-босқич асосий ва ёрдамчи фондларни замонавий технолилар билан алмаштириш сиёсати жорий этилган. Масалан, Японияда асосий ишлаб чиқариш воситалар ҳар 6-7 йилда, АҚШда 8-9 йилда, Германияда 9-10 йилда тўлик янгиланади;

- ҳудудлардаги асосий ва етакчи саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ва диверсификациялашувини амалга ошириш;

- мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ўлчашда миқдорий ва сифатни аниқловчи 100 га яқин индикаторлар белгиланиши. Ушбу индикаторларни ҳисоблашда таълим, илм-фан, технологиялар, инсон капитали, инновацион ва ижтимоий-сиёсий муҳит, расмий миллий статистика маълумотлари, аҳоли ва тегишли мутахассислардан олинган сўров натижалари бирлаштирилган ҳолда яхлит тизимга келтирилади.

**Илмий-техникавий фаолият натижасини акс эттирувчи қуйидаги кўрсаткичлар назарда тутилади:**

- патент статистикаси;
- технологик тўлов баланси;
- юқори ишлаб чиқариш технологиялар бозори.
- мамлакатдаги олий маълумотли аҳолининг улуши;
- илмий тадқиқотларда хусусий капиталнинг улуши;
- янги саноат намуналари;
- тадқиқотчилар сони ва ўртача ёши;
- мамлакатнинг халқаро кашфиётлар ва илмий ишланмалардаги улуши илмий-техникавий марказларнинг сони;
- ЯИМда иқтисодиётнинг инновацион сектори улуши;
- халқаро савдо айланмасида юқори технологияли товар, иш, хизматларнинг



улуши ва х.к.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиёткорхоналарда инновациявий фаолиятни таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётда корхоналарда инновацион технологияларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

**биринчидан**, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиш олиш орқали экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

**иккинчидан**, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

**учинчидан**, кичик бизнесни ривожлантириш ва корхоналарни ишлаб чиқаришини кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

**тўртинчидан**, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Корхоналарни самарали ва барқарор ривожланишининг зарур шarti уларни етарлича инвестициялашдир. Иқтисодиёт сиёсатининг муҳим вазифаси эса корхоналарни инвестициялаш даражасини ошириш учун қулай шароит

яратишдан иборат.

Мамлакатимизда саноат тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳажми ва кўлами йилдан йилга ўсиб бормоқда:

- «Industrial Holding» МЧЖ (Россия) компанияси билан замонавий кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқариш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 7,0 млн доллар ва йиллик қуввати 46 минг км);
- «Elsewedy Electric» компанияси (Миср) томонидан кабел-сим маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 20,0 млн доллар ва йиллик қуввати 10 минг км);
- Тожикистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасида савдо уйлари ва шоу-румлар очиш;
- Туркияда — маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, уюшма корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга салоҳиятли харидорларни топиш;
- Хитойда — Хитой компаниялари томонидан Ўзбекистон Республикасига инвестиция жалб қилиш имкониятлари кенгаймоқда.

Давлат инвестицион сиёсатининг асосий тамойиллари замонавий босқичда мавжуд фоиз ставкаларининг пасайиши иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларнинг мос келувчи самарадорлиги даражасигача пасайтириш, мавжуд солиқ тизимини соддалаштириш, амортизация сиёсатини такомиллаштириш, ташқи ва ички инвесторларнинг бевосита инвестицияларини рағбатлантириш мақсадида инвестицион рискларни пасайтириш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни шакллантириш ва бюджет инвестицион ресурсларини танлов асосида жойлаштириш орқали улардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Корхоналарда инвестицияларнинг жозибadorлигини белгиловчи омиллар жуда катта аҳамиятга эга. Булар жумласига корхоналарнинг ривожланиш суръатлари ва истиқболлари, реал сектор тармоқларининг ўртача рентабеллик даражаси, тармоққа хос бўлган инвестиция таваккалчилиги хатарлари ва қонунчиликда белгиланган инвестиция имтиёзлари ва қафолатлари бўлиши

керак.

Ишлаб чиқариш саноатига инвестициялар ҳажми 8746,8 млрд.сўмни ва жами инвестициялардаги улуши 14,4%ни ташкил этди. Ишлаб чиқариш саноати таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури кўйидагилар: металлургия саноати 1305,6 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 2,2%), озиқ-овқат, ичимлик, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариши 1265,4 млрд.сўм (2,1%), текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариши 1177,7 млрд.сўм (1,9%).

Корхоналарда инвестиция жалб қилишни тўхтатиб турган омиллар кўйидагилар: *биринчидан*, инвесторлар ажратган маблағлари қайтиши бўйича етарли кафолатга эга эмаслар; *иккинчидан*, қоидага кўра, инвестицион лойиҳаларни реализация қилиш учун керак бўладиган инвестиция ҳажми, лойиҳани таъминлаш учун ташаббускор томонидан тақдим этиладиган гаров ҳажмидан сезиларли ортади; *учинчидан*, гаров сифатида тақдим этиладиган мулкнинг ликвидлиги ўта паст; *тўртинчидан*, ривожланган суғурта бозори йўқ шароитда корхоналарни ишлаб чиқариши rischi (таваккали) юқори; *бешинчидан*, амалда замонавий ва самарали молиявий менежментнинг йўқлиги инвестицион лойиҳалар реализацияси мониторингини қийинлаштирмоқда. Юқоридаги кўрсатиб ўтилган муоммаларни ҳал этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Корхоналарга инвестицияларни жалб этиш орқали корхоналарда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, янги инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш лозим.

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Иқтисодиётда инновациявий фаолиятни таркибий ўзгаришларини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараккий этишида хал қилувчи омиллардан бири бўлган.

#### 10.1.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариш суръати

Йиллар	Хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)
2001	823.9	96.5
2002	516.5	80.1
2003	602.1	166.7
2004	754.6	333.8
2005	746.6	545.5
2006	895.7	683.8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264
2010	3635,2	3107,9
2014	4300,0	3850,0
2015	4401,8	3976,1
2016	4565,9	3985,8
2017	4674,9	4098,5
2018	4876,2	4200,0
2019	5300,7	4500,0

Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (10.1.1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб тарихидики, 2019 йилда хорижий инвестициялар хажми 4,7 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагидан қарийб 1665,5 миллион АҚШ долларига кўп эканини кузатиш мумкин.


Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодий тизимнинг кўплаб тармоқларида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. **Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар**-ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра, акцияларнинг камида 10 фоизига эгаллик қилиш.

Бу газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисмини ташкил этади, холос.


Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акциядорлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади (10.1.1-расм).

Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз даражасида белгиланган. Шунингдек, корхона бошқарувида бевосита амалга



**10.1.1-расм. Бир қатор мамлакатларда акциядорлик капиталида хорижий инвесторнинг назорат қилиш ҳуқуқини берадиган ҳиссаси**

оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли экани ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юклагандан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.



**10.1.2-расм. Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шaroитлар**

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни инновациявий фаолликни янада кенгрок миқёсда жалб қилиш, уларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида имтиёзли молиявий шароитлар яратилган ( *10.1.2-расм*).

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Жумладан, қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солиқ кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асос ва тартибини белгилаб беради.

## **10.2. Корхоналарда илғор мамлакатлар инновацион фаолиятидан фойдаланиш**

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиши моделларининг уч тури фарқланади:

1. Фанда пешқадамликка, илмий ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган, қоида тариқасида, илмий-инновацион имкониятларнинг муҳофаа секторидаги улуши анча катта бўлган кенг кўламли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (АКШ, Англия, Франция).

2. Инновацияларни тарқатиш, қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт структурасини оқилонлаштиришга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария)

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларига таъсирчанликни таъминлаш, фан ва технологиялар соҳасида турли секторларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш йўли билан инновацияларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

Айрим мамлакатларда инновацион жараёнларни давлат томонидан бошқарилишига мисоллар. **Америка Қўшма Штатларида** илмий фаолиятга

давлатнинг фаол аралашуви иккинчи жахон уруши йилларида юз берди. Урушдан кейинги йилларда ҳукумат тармоқли ва университет тадқиқотларни молиялаштиришни кескин оширди, ҳақиқатда янги илмий имкониятларни яратиб, меҳнат бозорини тўхтовсиз кенгайтира борди. Натижада АҚШ янги технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва уларнинг хажми бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллади. Бу давлат дастурларининг яратилиши, инновацион жараённинг ташкилий тизимидаги ҳамда венчур(таваккал) маблағлар сарфланиши билан боғлиқ.

1950-йилларда АҚШда илк бор илмий парклар пайдо бўлди, сўнг технополислар ва Силикон водийси каби бутун бир илмий минтақалар яратилди. Венчурли молиялаш механизм эса ишлаб чиқариш саноатини, автоматлаштириш, ҳисоблаш техникаси, микроэлектроника ва бошқа соҳалардаги кўплаб йирик инновацияларни амалга оширишда муҳим рол ўйнади.

Давлатнинг илмий фаолиятга аралашуви фаннинг тадбиркорлик секторидаги ишлаш шароитининг ўзгаришига таъсир қилди. Кўплаб соҳалар (электроника, машинасозлик, авиация саноати, ракетасозлик ва бошқа соҳалар.) Давлат буюртмаларини олиб илмий бўлимларини яратишди, бу эса бозор стратегиясида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Илмий тадқиқотларни бажаришга давлат буюртмаларини олган корпорациялар иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича бошқалардан ўзиб кетишди ва молиявий кўрсаткичлар барқарорлиги билан алоҳида ажралиб туришди.

АҚШ инновацион сиёсатининг муҳим фарқи кичик инновацион тадбиркорликнинг ривожланиши бўлди. Катта булмаган фирмалар аниқ бир олим ёки ихтирочи ғояларини амалга ошириш учун, қўшимча илмий маҳсулотлардан фойдаланиши, ижодий жараёнга хизмат кўрсатиши, инновацияларни ишлаб чиқаришда ўзлаштириши ва уларни бозорга чиқариш учун махсус шароит яратилди.

Инновацияларни ривожлантириш соҳасида АҚШнинг устуворлиги, илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмаларни (ИТТКИ) юқори даражадаги



молиялаштириш билан таъминланди. Ушбу соҳада АҚШнинг давлат ва хусусий секторлари биргаликдаги ҳаражатлари Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия ва Канаданинг шундай ҳаражатлари умумий миқдоридан ҳам кўп эди.

**Япония.** Урушдан кейинги Япониянинг саноати техник қайта жихозлаш ва янгиликларни жорий этиш давлат стратегияси хорижий мамлакатлар илмий ишланмалари ва илғор технологияларидан фойдаланишдан иборат бўлди. 1960-йиллар охирида Япония бир йилда икки мингтагача янгилик импорт қилиб, улар мамлакат миллий ялпи маҳсулотининг ўсишининг деярли 60% ни таъминлади. Кейинчалик давлат сиёсати ўзгарди, тўғридан тўғри ўзлаштиришдан хорижий андаза, намуналарни такомиллаштиришга ўтиш амалга оширилди, бу эса ўз ишланмалари асосида юқори технологик ва илмий салоҳиятли соҳаларини ривожлантириш билан шуғулланишга имкон яратди.

Япониянинг инновацион жараёнларни ривожлантиришдаги муваффақиятлари давлат идоралари ва хусусий манфаатлари билан чекланган тизимларнинг иштирок этувчи томонлар консенсуси асосидаги узвий ҳамкорлик билан ифодаланади.

**Европа Иттифоқи.** Ғарбий Европада саноатнинг стратегик тармоқларини кўллаб-қувватлаш ҳам давлат, ҳам давлатлараро миқёсда амалга оширилмоқда.

АҚШ, Япония ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар томонидан кескинлашиб бораётган рақобатга қарши туриш учун Ғарбий Европа мамлакатлари миллий компаниялар илмий-техник ва технологик даражасини ошириш учун ўз кучларини бирлаштиришмоқда. Тадқиқотлар натижалари ва ахборотлар лойиҳанинг барча иштирокчилари учун, уларнинг молиявий улушидан қабъий назар очикдир ҳамда ҳар бир иштирокчига бепул лицензия тақдим этилади.

### **10.3. “Фан-инновация-инвестиция-ишлаб чиқариш” занжири экспериментал ва амалий ишланмалари**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ 576-сонли Қонунига асосан

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш, илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштиришни оқилона ошириб бориш ва илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш ҳамда ундан манфаатдорликни ошириш кўрсатиб ўтилган<sup>24</sup>.

Бугунги кунда дунё аҳолиси сони шиддат билан ўсиб бормоқда. Бу келгусида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи янада мураккаб бўлишидан далолат беради.

Корхоналарни маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг устувор йўли-корхоналарда маҳсулотларни етиштиришда янги инновацияларни қўллаш, соҳани том маънода модернизация қилишдир.

Корхоналарни модернизация қилиш бўйича қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Жумладан, корхоналарни маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, янги замонавий интензив технологияларни қўллаш; ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сувдан самарали фойдаланиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш; чорвачиликни ривожлантириш; корхоналарнинг янги, замонавий, юқори унумли ва тежамкор техникалар билан таъминлаш; корхоналарни маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш; қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш каби йўналишларда кенг кўламли вазифалар белгилаб олинди.

Корхоналарда ишлаб чиқаришини илғор техника ва технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Масаланинг бу жиҳати нақадар муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда соҳани техник-технологик жиҳатдан модернизация қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада корхоналарнинг техникалари паркини сифат ва миқдор жиҳатдан янгилаш, янги корхоналарни техникалари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва соҳада замонавий, ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, корхоналарни машинасозлиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш,

---

<sup>24</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ 576-сонли Қонуни. 29 октябр 2019 йил

корхоналарнинг техникалари ишлаб чиқаришини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилишда бу жараёнга давлат бюджети маблағларини тижорат банклари, хўжалик юритиш субъектлари, корхоналарнинг лизинги билан шуғулланувчи субъектларни кенг жалб қилган ҳолда қисқартириб боришга устувор вазифа сифатида ёндошилмоқда.

Юқоридаги каби чора-тадбирлар корхоналарнинг деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексини камраб олади.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири – корхоналарни барқарор ривожлантириш, соҳа самарадорлигини ошириш, халқимизнинг, айниқса, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

**Америка Қўшма штатларида инновацион ривожланиш.** АҚШда илмий асосланган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш “университет-ишлаб чиқариш” концепциясида ўз аксини топган. Бугунги кунда жаҳон бозоридаги инновацион технологиялар ва илмий ишланмаларнинг йиллик айланмаси 4,5 трлн. АҚШ долларидан ортиқ ҳисобланади.

**Миллий инновация тизимини шакллантириш концепцияси бош ғоясини қуйидагилар ташкил этади:**

- замонавий иқтисодиётни ва рақобатни шакллантиришнинг энг асосий омили сифатида инновациялар ва тадбиркорлар эҳтиёжларини ҳисобга олиб илмий тадқиқотларни амалга ошириш;
- жамиятнинг турли институтларини (оила, маҳалла, партия ва х.к) инновацион фаолият тузилиши ва салмоғига таъсир этувчи омиллар сифатида қараш;
- иқтисодиётни ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнига алоҳида аҳамият бериш.

АҚШда инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида йирик технопарклар, бизнес-инкубаторлар, венчур жамғармалар, махсус иқтисодий зоналар ва молия-саноат гуруҳлари муҳим аҳамият касб этган.

АҚШда яратилаётган инновацияларнинг учдан иккиқисми давлат ва тадбиркорларнинг шериклиги асосида, жумладан университетлар, давлат лабораториялари ва илмий-тадқиқот институтлари иштирокида амалга оширилмоқда.

АҚШда миллий инновацион тизим асосан учта йўналишда ривожланган. Унинг *биринчи бўғини* таълим муассасалари ҳисобланади.

Миллий инновация тизимининг *иккинчи бўғинига* АҚШда амал қилаётган 10 мингдан ортиқ илмий марказлар, етакчи корхоналар таркибидаги лабораториялар, давлатнинг илмий-тадқиқот институтлари киради.

Миллий инновация тизимининг *учинчи бўғинига* АҚШда тарихан шаклланган инновацион кластерларни киради.

Уларнинг асосий мақсади инновацион технологияларни яратиш, сақлаш ёки реализация қилишда университет ва илмий-тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

АҚШ миллий инновация тизимини шаклланишида **“Уч ёқлама спираль”** модели жорий этилган, яъни **илм-фан, давлат ва бизнес** ўртасидаги алоқаларни чуқурлашуви инновацион **технологияларни самарали ривожланишига олиб** келган

**Буюк Британиянинг инновацион ривожланиши.** Буюк Британияда инновацион ривожланиш моделининг асосини таълим муассасалари ташкил қилади. Инновацион цикл босқичлари ҳам тўлиқ бўлиб, амалий, фундаментал илмий-тадқиқотларни амалга оширилиши ва уларни тижоратлаштириш учун етарли шарт-шароит яратилган. Шунингдек, солиқ имтиёзлари, интеллектуал мулкни ҳимоялаш, лойиҳаларни имтиёзли молиялаш орқали давлат томонидан инновацион фаолият қўллаб-қувватланади.

Буюк Британияда тахсил олаётган хорижий талабалар сони бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради. Жумладан, мамлакатнинг нуфузли таълим даргоҳларида йилига 420 минг нафардан кўп хорижий талабалар тахсил олади. Уз навбатида давлат томонидан юқори малакали кадрларни жалб қилиш мақсадида турли грантлар берилади. Шунинг учун Буюк Британияда илмий

салохиятли кадрлар сонининг ўсиши, умумий меҳнат ресурсларининг ўсиш темпига нисбатан тезроқ ҳисобланади.

Бугунги кунда Буюк Британия олимлариинсонларнинг ДНК таркибини ўрганиш, клонлаштириш, юқориўтказувчанлик, радиофизика, озон туйнуги, компьютер томографияси, молекуляр биология, фармацевтика борасидаги кашфиётлари учун олинган Нобель мукофотлари АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради.

Буюк Британияда интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқи бевосита таълим муассасалар ёки илмий тадқиқот институтларига берилган. Шунинг учун илмий ходимлар ва олимларнинг ишланмалари учун олий таълим муассасалари масъул ҳисобланади.

Лафборо университетиде фойда куйидагича тақсимланади: аввал илмий ишланмани бозор ҳаражатлари, яъни патентлаштириш, маркетингини юритиш, сафар ва бизнес-режа кабилар тўлиқ копланеди. Шундан сўнг қолган даромаднинг 50 %ни кашфиётни амалга оширган олим, 25%ни — факультет ва 25 %ни университет қошидаги илмий ишланмаларни тижоратлашувини ташкил қилуви офис олади.

Бугунги кунда юқори таълим сифат кўрсаткичига эга бўлган Оксфорд университети қошида ташкил қилинган “1315-инновацион” компанияси асосан инновацион технологияларни трансферини ва илмий ишланмаларни савдосини ташкил этади. “1315-инновацион” компанияси 1997 йилда ташкил этилган бўлсада, 10 йилдан кейин фойда олишга эришган.

Буюк Британиянинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари 3 та йўналишда шаклланган: биринчидан давлат сектори (амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб боради), иккинчидан олий таълим сектори (фундаментал тадқиқотлар олиб боради) ва учинчидан хусусий сектор (амалий тадқиқот ва ишланмалар олиб боради ҳамда янги технологияларни истеъмолчиси ёки буюртмачиси бўлади).

**Германиянинг инновацион ривожланиши.** Германия давлати Европа иттифоқининг Швецария, Буюк Британия, Швеция, Финляндия каби айрим

давлатларидан кейинги 12 ўринда бўлишига қарамай, Германия иқтисодиёти рақобатбардошлиги бўйича 5 ўринда, инновацияларни ривожлантириш ва кўллаб қувватлаш муҳити бўйича Европада биринчи ўринда туради.

Европадаги юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарадигани 10та йирик компанияларнинг 5таси Германияда ташкил этилган.

Германияда илмий тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларинингилмий-тадқиқот ишларинимолиялаштиришда давлат ҳал қилувчи рол ўйнайди. Масалан, олий таълим муассасаларининг80%илмий тадқиқот харажатлари давлатга қарашли 5 та йирикилмий бирлашмалар ҳисобидан молиялаштирилади. Германиядаги 20 % илмий-тадқиқот ишлари ва бу соҳада иш билан банд бўлган жами иқтисодий фаол аҳолининг30 % университетларда фаолият юритади.

2016 йилда реал сектор корхоналарининг 40%инновациясиёсати иштирокчилари, кичик бизнес субъектларининг 45 % инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки ўз фаолиятида инновацияларни мунтазам жорий этувчи корхоналар ҳисобланади.

Германияда илмий тадқиқот натижалари бўйича олинаётган патентларнинг 75 % айнан кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келиб, жами 32 мингга яқин бизнес субъектлари илмий тадқиқот ишларига инвестиция киритишга ва жалб қилишга иxtисослашган. Улар томонидан яратилган илмий техника янгиликларининг коммерцияси 110 мингга яқин кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилади.

**Жанубий Кореянинг инновацион ривожланиши.** Давлатнинг инновация сиёсати хорижий илмий тадқиқот марказларини жалб қилишга қаратилган. Ушбу йўналишда Корея фан ва технологиялар ҳамда иқтисодиёт вазирлиги томонидан бир қатор дастурлар амал қилади. Масалан, 2010 йилдан Корея технологияларни ривожлантириш институти томонидан ишлаб чиқилган дастур миллий ва халқаро илмий тадқиқот марказлари фаолияти интеграциясини таъминлади. Корея олимларининг халқаро илмий лойиҳалардаги аҳамиятини оширди.

Кореяда куйидаги йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга ошириш белгиланди:

- нанотехнологиялар ва янги инновацион материалларни яратиш;
- ахборот ва коммуникация технологиялари: янги технологиялар, интернет-технологиялар ва робот техникасини ривожлантириш;
- энергетика.

Бугунги кунда Жанубий Кореяни 1000дан ортиқ инновацион лойиҳаларида АҚШ, Канада, ЕИ, Япония, Хитой, Исроил ва Россия каби давлатларнинг иштирок этиши, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилган инновацион муҳит ҳам юқори даражада

**Хитой Халк Республикасининг инновацион ривожланиши.** Хитой Япония каби ўзининг инновацион ривожланишини чет элдан патентлар, лицензиялархаридидан бошлаб замонавий саноат тармоғини шакллантиришга муваффақ бўлди.

Хитойда эркин иқтисодий зоналарга (ЭИЗ) сармоялар жалб этишнинг ҳукукий-шартномавий, ташкилий асослари вужудга келтирилди. Масалан, мамлакатда корхона фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси - 33 фоиз бўлгани ҳолда, эркин иқтисодий зоналарда жойлашган, фаолият кўрсатаётган корхоналарда бу кўрсаткич - 15 фоизни ташкил этган эди

Хитой миллий инновацион тизимнинг муваффақиятли фаолияти нафақат кучли фан ва таълим, балки бошқа институционал шарт-шароитлар бўлишини талаб этди. Хусусан :

- янгиликларнинг асосий генератори сифатида рақобатбардош тадбиркорликнинг бўлиши;
- глобал инновацион соҳага интеграциялашув юқори технологияларнинг миллий тармоқларини ривожлантиришнинг энг муҳим шарт-шароити сифатида амалга оширилиши;
- таълим, фан ва технологияларни ривожлантириш, инновацион ўсиш учун қулай институционал шароитларни шакллантириш - давлат сиёсатиининг устувор йўналишларига айланиши лозимлиги.

**Япониянинг инновацион ривожланиши.** Япония миллий иқтисодиётини ривожлантиришда кувиб етишнинг классик усулини кўллайдиган мамлакатлар каторига киради. Кувиб етишнинг классик усулининг дастлабки даврларида АҚШда ишлаб чиқариладиган юкори технологияларни импорт қилиш ҳисобига амалга оширилган. 1960 йилдан бошлаб хусусий техника-технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бера бошлади.

Япония иқтисодий ўсишни таъминлашда имитацион моделни жорий этган, ушбу модел кейин Осиё китъасида катор мамлакатларда кенг қўлланилган, имитацион моделнинг асосий хусусияти чет эл мамлакатлари технологияларига маҳаллий технологияларни чатиштириш ҳисобланади;

Япония 1950 йиллардан бошлаб хорижий мамлакатлардан кўплаб патентлар ва лицензиялар сотиб олиш ҳисобига инновацион ривожланишга асосланган йирик технопаркларни ташкил этди.

80-йилларида Ташқи савдо ва саноат вазирлиги томонидан “Технополис” дастури асосида 14 шаҳарда 18 гектарлик технополис ташкил этилди.

“Цукуба” технополиси энг йириги бўлиб, 28 минг га майдонни эгаллаган, унда 145,0 минг киши фаолият кўрсатади.

Японияда инновацион иқтисодиётнинг самарали ривожланишининг асосий ютуқларидан бири, мамлакатда унинг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган. Унинг асосий йўналишлари тўртта асосий масалани ўз таркибига киритган:

- фундаментал ва амалий тадқиқотларини чуқурлаштириш;
- ташқи алоқаларни кенгайтириш орқали технологик сиёсатни юритиш;
- фан-техника тараққиётини аҳоли манфаати ва табиат билан ҳамоҳанг ривожланишда бўлиши;
- худудлар ривожланишининг технологик сиёсатини юритиш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхоналарда инновация фаолиятни амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг ўрнини изохланг?

2. Инвестиция фаолиятини яхшилашда хорижий инвестицияни жалб этишнинг мақсади ва ахамияти нимадан иборат?



3. Ҳукуматимиз томонидан инновация фаолиятни тиклашда хорижий инвестрлар учун яратилаётган имкониятлар нималардан иборат?
4. Тугридан-туғри хорижий инвестицияларни киритиш қандай амалга оширилади?
5. Инвестиция киритувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисидаги давлат сиёсатини тушунтиринг?
6. Инвестрларнинг инновация фаолиятни амалга оширишда қандай имтиёзли молиявий шароитлар яратилган?
7. Инвесторларнинг инновация фаолиятни молиялаш йулларини айтинг?

## **XI Боб. Корхоналарда экспорт салоҳиятини оширишда инновацион маркетинг технологияларидан самарали фойдаланиш**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда инновацион маркетинг турлари, инновацион маркетинг технологияларни ва режаларини жорий этилишини, корхоналарда экспорт имкониятларини кенгайтириш ва унинг инновацион маркетинги технологияларни ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион маркетинг, инновацион маркетинг турлари, экспорт, импорт, инновацион маркетинг технологиялари, демаркетинг, ремаркетинг, корхона маркетинги, инновацион маркетинг режаси.*

### **11.1. Корхоналарга инновацион маркетингни жорий этишнинг назарий-услубий асослари**

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар аграр тармоқда ҳам ўз самарасини бера бошлади. Кейинги йилларда пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилаёпти. Тармоқда барча масалаларда хорижий инвесторларга кенг имкониятлар яратилаётганлиги, агроинтеграцион жараёнларнинг туғри ташкил этилганлиги бунда бош омил бўлаяпти.

Иқтисодиёт тармоқларида маркетинг инновацияси бу маҳсулотларнинг дизайн ва қадоқланишида жиддий ўзгаришлар, маҳсулотларни сотиш ва тақдимот қилиш, уларни бозорларга танитиш ва олға силжитиш бўйича янги усуллардан фойдаланиш, янги нарх стратегияларини шакллантиришдан иборат.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви кенг сураётлар билан амалга оша бошлади. Хориждан энг замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди. Пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарларимизда йирик халқаро ярмаркалар ташкил этилди. Жумладан, мебелсозлик, қоғоз ишлаб чиқариш, полиграфия саноати ярмаркалари тезда ўз самарасини берди.

Айниқса, ҳар йили ўтказилаётган пахта ярмаркалари кўпчиликда катта кизиқиш уйғотмоқда. Илгари узбек пахтасини харидорлари Ливерпуль

биржасига боришга мажбур эди. Ҳатто ён кушнилариимиз ҳам ўша ерга бориб биз билан шартнома тузарди, энди эса Тошкентнинг ўзида бу имконият яратилди. Энг асосийси ўртада далолат йуқ. Масаланинг яна бир томони, ушбу ярмаркалар туфайли деҳқонлариимиз, ишлаб чиқарувчилариимиз, ўзларига керакли техника ва технологияларни сотиб олиш учун мамлакатимиимизнинг ўзида шартномалар тузиш имконига эга булди. Натижада юртимииз йилдан йилга хом ашё базасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланиб бормокда.

Шу жумладан инновациялар маркетинги концепцияси бутун маркетинг хизмати, бозорни тадқиқот қилиш ва корхонанинг рақобат стратегиясини қидириб топишнинг асосий йўналиши бўлади. Инновацияларни қидириб топишнинг бошланғич босқичида маркетинг бўлинмаларининг биринчи даражали вазифасини бажариш:

- 1.Талаб ва рақобатнинг даражаси;
- 2.Харидорнинг хулқи ва унинг афзалликларининг динамикаси;
- 3.Рақобатлашувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги ва янгиликлар бозорида рақобатлашиш имкониятини ўрганишдан иборатдир.

Маркетинг стратегияси, бозорнинг таҳлили ва оператив маркетинг қуйидаги 6 принциплари босқичлардан иборат бўлади:

- умумиқтисодий таҳлил;
- иқтисодий ҳолатнинг таҳлили;
- бозорни махсус тадқиқот қилиш;
- янгиликни кириб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- маркетингнинг оператив тадбирлари;
- Маркетинг харажатлари ва унинг даромадларни баҳолаш.

Маркетинг концепциясидан шу нарса келиб чиқадики, инновацион маркетинг замонавий тушунишда бизнеснинг стратегияси, фалсафаси, бошқарув тадбирлари , вазифалари ва методологик асосининг ягоналигидан иборатдир.

Кўпгина кичик ва ўрта фирмалар ўзларининг маркетинг хизматларига

эга бўлишга имкониятлари йўқлиги сабабли мутахассислар маслаҳатлари, кўргазмаларига бориш, каталогларни ўрганиш, харидорлар билан бевосита алоқани кенгроқ қўллашлари керак. Ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги доимий тесқари алоқага асосланган маркетингнинг мажмуавий тури («Жаҳон маркетинги») хатарни пасайтиришнинг энг муваффақиятли йўли бўлиши мумкин. Тадбиркор харидорларни унинг муҳити, хулқи, истаклари, англаб етолмаган бутун турли туманлигига кўникиши керак.

Нафақат маҳсулотнинг турли туман навларини ишлаб чиқариш, балки бир вақтда ҳаракатларни янгиларини ўрнини алмаштирувчи ва сиқиб чиқарувчи модификацияларни тезроқ илгари суриш мақсадида ўз маҳсулотини муддатидан олдин маҳаллий эскириши тактикасини яратишга жамланиши керак.

Янгиликка талабга муносабатга эга макроиқтисодий омиллар, шу жумладан аҳоли, уни ўсиш суръатлари, аҳоли жон бошига даромад ва истеъмол, истеъмол нархларининг индекси, «истеъмол саватчаси», инфляция суръатлари умумиқтисодий таҳлилга имкон берадилар. Бундан ташқари бунга юридик ва институционал шароитларни ўрганиш, ҳамда бундай маҳсулотнинг импорти ва экспорти, квоталаштириш, стандартлар бўйича чеклашлар, мажбуриятлар, солиқлар ва субсидиялар билан боғлиқ қонунчилик амалиёти ҳам киради. Бунга бундай маҳсулотни миллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражаси, импортнинг мавжудлиги ва имконияти, экспортнинг мавжуд даражаси импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тўлдирувчи янгиликлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш зарур.

Иқтисодий ҳолатнинг таҳлили, аввало, умумҳолатли тенденциялар ва ҳолатни ташкил қилувчи омиллар (ХТО) ни тадқиқот қилиш билан боғланган. Иқтисодий ҳолат бу қайта ишлаб чиқаришнинг омиллари ва шароитларнинг бозорда намоён бўлиши ва уларнинг ташқи ва ички муҳит билан ўзаро алоқасининг шаклидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ХТО ҳолатининг ўзгариш динамикаси, унинг йўналиши ва ривожланиш суръатларини белгилаб берувчи, ҳаракатга келтирувчи кучдир. Масалан, муҳим макроомилларга давравий

иқтисодий жараёнлар, хусусийлаштириш, солиқлар, бюджет, социал таъминот, амортизацион ажратмалар тизими, техника ва технологиялар соҳасидаги давлат сиёсати элементлари киради.(11.1.1-жадвал).

### 11.1.1-жадвал

#### Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, млрд.сўм (2010-2016 йиллар)

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	264,4	372,6	311,9	4634,2	3757,4	5528,3	2571,4
Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:							
Ташкилотнинг ўз маблағлари	184,3	263,2	213,4	2501,5	1381,5	1251,8	1180,0
Хорижий капитал	48,3	24,9	39,9	1228,7	32,3	156,6	314,9
Тижорат банклари кредитлари	30,0	63,7	26,8	533,5	262,5	280,1	157,3
Бошқа маблағлар	1,8	20,9	31,7	370,6	2081,0	3839,7	919,1

Уларни бозор жараёнининг ҳар хил томонларига тегишли бўлганлар (талаб, таклиф, нарх омиллари) га, келиб чиқиши бўйича (иқтисодий, сиёсий, социал, илмий-техник ва ҳ.к.), таъсир қилиш йўналтирилганлигининг бошқарилиши, олдиндан айтилганлиги бўйича бўладилар.

Ҳолатни ташкил қилувчи омиллар узоқ вақтли (ўн йилгача) ўрта муддатли (уч- беш йил) ва қисқа муддатли, ҳамда давравий, давравий бўлмаган, мавсумий бўлиши мумкин. Айниқса, товарлар бозорининг ҳолатини ажаратиш керак. Масалан, макроиқтисодий омиллар кўпроқ даражада машинсозлик ва

қурилишдаги ишлаб чиқаришга, мавсумий омилар. Озиқ-овқатлар бозорига ва даромадлар даражаси истеъмол талаби товарлар бозори ва уй-жой қурилишига таъсир кўрсатадилар. Бу ҳолатни тадқиқотлар асосида бозорни тадқиқот қилишнинг тизими қўрилади, унинг асосий блоклари биринчи расмда чизмалари равишда кўрсатилган.

Бозор (идорали ва майдонли)ни тадқиқот қилиш бозорнинг мавжуд сифимини, унинг фирмали тузилмасини, сегментларга бўлинишини, фойда меъёри динамикаси ва янгиликка ўхшаш маҳсулотларни сотилиши ҳажмини фаол баҳолашга асосланган.

Маркетинг стратегияси учинчи босқичининг асосий жиҳати янгиликка нисбатан истеъмолчининг жавобини батафсил ўрганишга асосланган янги товарга талабни тадқиқот қилиш ва башоратлашдан иборатдир.

## **11.2. Корхоналарда экспорт имкониятларини кенгайтиришда инновацион маркетинг технологиялардан фойдаланиш йўллари**

Ҳозирги кунда бизнес-режанинг кўпгина концепциялари мавжуд. Қуйида жаҳон хўжалик амалиётида энг кўп фойдаланадиган бизнес-режалар тузилмаси келтирилган.

Бизнес-режанинг халқаро шакли (ЮНИДО, БМТнинг саноатни ривожлантириш бўлими томонидан ишлаб чиқилган).

Таклиф этилаётган лойиҳа ғояси (моҳияти):

Умумий бошланғич маълумотлар ва шароитлар, янги товар намунасининг таърифи, тадбиркорлик фаолияти тажрибасини баҳолаш, маҳсулот сотиладиган бозорларни баҳолаш, янги товар истеъмолчиларининг таърифи, рақобатдошларни баҳолаш, рақобатдошларга нисбатан ўз кучли ва ожиз томонларини баҳолаш, маркетинг режаси, маркетинг мақсадлари, маркетинг стратегияси, маркетинг режасининг молиявий таъминланиши, ишлаб чиқариш режаси, янги товар ишлаб чиқарувчиталаб қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари ва уларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари ва ишлаб чиқариш жараёнини таърифлаш.

**Ташкилий режа:**

Корхона ташкилий-ҳуқуқий шакли, корхона ташкилий тузилмаси, мажбуриятларнинг тақсимланиши, ҳамкорлар тўғрисида ахборот, бизнес ташқи муҳитининг таърифи, корхона меҳнат ресурслари, бошқарув таркиби аъзолари тўғрисида маълумотлар, молиявий режа, даромад ва харажатлар режаси.

#### **Пул тушумлари ва тўловлари режаси:**

Корхона актив ва пасивларининг қўшма баланси, зарарсизликка эришиш графиги, молиялаштириш стратегияси (маблағлар манбалари ва уларни сарфлаш), таваккалчиликни баҳолаш ва суғурта.

#### **Германиянинг намунавий бизнес-режаси**

#### **Умумий тарзда корхонани таърифлаш:**

Корхонанинг олдинги фаолияти? корхона келажаги, мулкчилик муносабатлари ва шартномалар, корхонанинг асосий позициялари ва ташкилий шакли, корхонанинг асосий позицияси – мақсадини ифодалаш, корхонанинг тузилмавий ташкил этилиши, кадрлар тузилмаси, маҳсулот ва хизматлар, маҳсулот ва хизматларнинг таърифи, маҳсулот ва хизматларнинг рақобат варақаси.

#### **Маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми:**

Маҳсулот ва хизматлар ривожланишига инвесторларнинг муносабати, ишлаб чиқаришни ташкил этишда юридик ёрдам (патентлар), фаолият юритишга рухсатнома, бозор таҳлили ва сотувлар прогнози, маҳсулот ва хизматлар бозорларининг умумий таърифи, бозор (минтақавий, тармоқ) сегментлашувининг таърифи, айланма воситаларнинг бошланғич ҳисоб-китоблари, маҳсулот рақобатбардошлигининг таҳлили.

#### **Сотув:**

Маҳсулот ва хизматларни сотиш стратегияси, маҳсулот ва хизматларнинг нарх стратегияси, маҳсулот ва хизматлар савдосини ташкил этиш, савдо ҳажмини ошириш бўйича тадбирлар, савдо соҳасида ходимлардан фойдаланиш ва савдо харажатлари.

#### **Ишлаб чиқариш:**

Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш стратегияси, маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш услублари, машина ва ускуналар, ишлаб чиқаришда ходимлардан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш қувватлари.

#### **Материалларни харид қилиш:**

Молиялаштиришни режалаштириш, молиялаштиришни режалаштириш асослари, ликвидликни режалаштириш, ликвидликни режалаштиришнинг мақсади ва мазмуни.

#### **Даромад ва харажатлар баланси:**

Даромадлар ва харажатлар балансининг мақсади ва мазмуни, баланслар, балансининг мақсади ва мазмуни, кўрсаткичлар таҳлили, шахсий капитал улуши ва ликвидлик.

#### **Cash flow (нақд пул оқими) :**

Айланма воситалар рентабеллиги, шахсий капитал рентабеллиги, инвестициялар, молиялаштириш, капиталга бўлган эҳтиёж ва ундан фойдаланиш, молиялаштириш воситалари ва ўтмишдаги молиялаштириш.

#### **АҚШнинг намунавий бизнес-режаси:**

а) корхона номи ва манзили б) таъсисчилар исми-шарифи ва манзили тақлиф этилаётган лойиҳа моҳияти г) лойиҳа қиймати (молиялаштириш манбалари ҳам кўрсатилиши мумкин) д) лойиҳа махфийлиги даражаси. Лойиҳанинг асосий моҳияти ва тахминий қийматини титул варақасида акс эттириш тавсия қилинади, бундай маълумотга эга бўлган ҳолда, инвесторлар бутун режани ўқимасдан туриб унинг моҳиятини англашлари мумкин.

#### **Тармоқдаги умумий вазият таҳлили:**

- а. жорий вазият ва уни ривожланиш тенденциялари. Сўнгги янгиликлар тўғрисида маълумот бериш тавсия қилинади;
- б. потенциал рақобатдошлар (уларнинг кучли ва ожиз томонларини, ҳамда мазкур лойиҳага таъсир этиш даражаси);
- в. потенциал истеъмолчилар.

#### **Мазкур бўлимнинг намунавий саволлари:**



Тармоқ бўйича сўнги 5 йилдаги савдо динамикаси қандай? Тармоқ бўйича қандай ўсиш суръатлари кутилмоқда? Охирги 3 йил давомида тармоқда пайдо бўлган янги корхоналар сони? Сўнги вақтда тармоқда пайдо бўлган янги маҳсулот турлари? Потенциал рақобатдошлар: улар кимлар? Нима ҳисобига олдинга чиқиш мумкин? Рақобатдошларнинг аҳволи қандай: улар савдосининг динамикаси қандай? Рақобатдошларнинг кучли ва ожиз томонлари нимада? Потенциал истеъмолчилар: улар кимлар? Сизнинг маҳсулотингиз истеъмолчилари доираси, рақобатдош корхона истеъмолчилари доирасидан фарқ қиладими?

**Таклиф этилаётган лойиҳа моҳияти:**

- а) маҳсулотлар;
- б) хизматлар;
- в) офис хоналари ва жиҳозлари;
- г) маъмурий ва ишлаб чиқариш персонали;
- д) тадбиркор ва унинг ҳамкорлари тўғрисида маълумот.

**Мазкур бўлимнинг намунавий саволлари:**

Қайси маҳсулот (хизмат) ёки товарни ишлаб чиқариш назарда тутилган? Таклиф этилаётган лойиҳа тўғрисида умумий маълумот беринг (патент, савдо белгиси агарда мавжуд бўлса)? Корхона қаерда жойлашади? Хона таъмирга муҳтожми? Таъмирлаш ишларининг тахминий қиймати қанча? Бу шахсий хонангизми ёки уни ижарага олиш режалаштирилганми? Ушбу хона ва уни жойлашиши қулайми? Қайси мутахассисликка эга бўлган ишчилар лозим? Офис учун қандай ускуналар лозим? Ушбу ускуналарни ижарага олиш мумкинми? Сизнинг тадбиркорлик тажрибангиз борми? Сизнинг бошқарув ишдаги тажрибангиз борми? Ўз ҳақингизда маълумот беринг: ёшингиз, маълумотингиз, қизиқишларингиз ва ҳ.

Нимага Сиз тадбиркор бўлишга қарор қилдингиз? Сизнинг мувоффақиятга ишончингиз нимага асосланган? Янги маҳсулотни ишлаб чиқиш қайси босқичда турибди? Ишлаб чиқариш режаси:

- а) ишлаб чиқариш жараёнининг таърифи, қайси операцияларни бошқа

- корхоналар (субподрядчик) зиммасига юклаш назарда тутилган;
- б) ишлаб чиқариш хоналари;
  - в) машина ва ускуналар;
  - г) хом-ашё етказиб берувчилар.

**Мазкур бўлимнинг намунавий саволлари:**

Бутун ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ таърифлаб бериш, бошқа корхоналарга буюриладиган ишлар рўйхатини келтириш, ишларнинг бир қисмини бажарадиган корхоналар номи ва манзили, нимага айнан шу корхоналар танланганини тушунтириб бериш, шартномалар нусхасини келтириш ва ишлаб чиқариш оқимлари схемасиш ишлаб чиқиш.

**Ташкилий режа:**

- а) мулкчилик шакли;
- б) ҳамкорлар ёки асосий пайчилар тўғрисида маълумот;
- в) ҳамкор (пайчи)ларнинг масъулият даражаси;
- г) корхона бошқаруви аъзолари тўғрисида маълумот;
- д) ташкилий тузилма, ишларнинг тақсимланиши.

**Мазкур бўлимнинг намунавий саволлари:**

Ташкил этилаётган корхонанинг мулкчилик шакли ва унга асосан асосий таъсисчилар ва уларнинг улушлари тўғрисида ахборот бериш, бошқарув аъзоларини санаб ўтиш (исми-шарифи, манзили, қисқа биографияси), молиявий хужжатларга ким имзо чекиш ҳуқуқига эга? Бошқарув аъзолари ўртасида вазифалар қандай тақсимланган? Бошқарув аъзоларининг ойлик иш ҳақи қандай? Мукофотлар ва қўшимчалар тўлаш назарда тутилганми?

**Таваккалчиликни баҳолаш:**

- а) корхонанинг ожиз томонлари нималардан иборат;
- б) янги технологияларни пайдо бўлиш эҳтимоли;
- в) муқобил (альтернатив) стратегиялар.

Рақобатдошлар, маркетинг ва ишлаб чиқариш сиёсатидаги нотўғри ҳисоб-китоблар, бошқарув кадрларини танлашдаги хатолар буларнинг барчаси ҳавф туғдириши мумкин.

Шунингдек, технологик тараққиёт ҳар қандай янгиликни бир зумда тарихга айлантириши мумкин. Бундай хавфлар бўлмаган тақдирда ҳам, «улар тўғрисида ўйламаслик мумкин» деган фикрни асослаб бериш лозим.

Ушбу омилларнинг биттаси хавф туғдирган ҳолатдаги корхона стратегиясини олдиндан ишлаб чиқиш фойдали. Муқобил дастур ва стратегияларнинг мавжудлиги, инвесторга, тадбиркор мумкин бўлган қийинчиликлар тўғрисида хабардорлиги ва уларга олдиндан тайёрлиги тўғрисида далолат беради.

### **Молиявий режа:**

а) камида уч йиллик даромад ва харажатлар режаси (биринчи йил ойлар бўйича тақсимланган ҳолда). Ушбу режага кутилаётган савдо ҳажми, сотилган товарлар таннархи ва турли хил харажатлар киритилади. Даромад солиғи ставкаларини билган ҳолда, корхонанинг солиқлардан кейинги соф фойдасини ҳисоблаш мумкин;

б) уч йиллик пул тушумлари ва тўловлар режаси (биринчи йил ойлар бўйича тақсимланган ҳолда);

в) баланс режаси. Бу ерда корхона актив ва пасивларини, тадбиркор томонидан ривожланиш учун киритилган маблағларни ва тақсимланмаган даромадни акс эттириш лозим;

г) ўзини-ўзи қоплаш нуқтаси (харажат ва даромадлар бир-бирига тенг ҳолат);

д) маблағ манбалари ва уларнинг сарфланиши.

Потенциал инвестор нуқтаи назаридан молиявий режа айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки у янги корхонанинг инвестициявий эҳтиёжларини асослайди ва иқтисодий нуқтаи назардан лойиҳани амалга ошириш қанчалик фойдалилиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

### **Россия Федерациясида қўлланиладиган бизнес-режа намунаси:**

- корхона номи ва манзили; корхона бошлиғи;- исми-шарифи ва телефони;  
- лойиҳа моҳияти (3-5 қатор);- қурилиш тавсифи;- смета бўйича лойиҳа қиймати;- қурилиш йиллари;- лойиҳани молиялаштириш (фоизларда):

а) ўз маблағлари;

б) қарз маблағлари (алоҳида-махаллий ва чет эл);

- Лойиҳани қопланиш муддати, давлат экспертизаларининг хулосаси, тижорат сири тўғрисида ахборот, резюме ёки лойиҳанинг кириш қисми, лойиҳа мақсадлари ва лойиҳа моҳияти, маҳсулот (хизмат) устунликлари; маҳсулотдан кутилаётган талаб, мувоффақиятнинг асосий омиллари, кутилаётган маҳсулот экспорти ёки импортни ўрнини босиш, талаб қилинаётган инвестициялар, қарз маблағларини қайтариш муддати, ижтимоий масалаларни ечиш (янги иш жойларини яратиш, йўллар ва умумий фойдаланиш коммуникацияларини ўтказиш, уй-жой фондини кенгайтириш, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш ва ҳ.) ишга тушириш ва қувватларни ўзлаштириш муддат

#### **Тармоқдаги вазият таҳлили:**

(бўлимнинг вазифаси: тармоқни тавсифлаш – ривожланаётган, барқарор, тушкунликда).

- минтақа ва мамлакатдаги умумий эҳтиёж ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
- минтақа ва мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича корхонанинг кутилаётган улуши;
- потенциал рақобатдошлар, уларнинг кучли ва ожиз томонлари;
- сўнгги 3 йил давомида маҳсулотнинг қандай ва қайси аналоглари пайдо бўлди.

#### **Ишлаб чиқариш режаси:**

(бўлимнинг вазифаси: танланган ишлаб чиқариш жараёнини асослаш ва унинг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш)

- ишлаб чиқаришни ташкил этишга бўлган махсус талаблар;
- асосий ускуналар таркиби, етказиб берувчилари, етказиш шартлари (ижара, харид), қиймати;
- хом-ашё ва материаллар, етказиб берувчилар ва ўртача нархлар;
- хом-ашё ва материаллар билан таъминлашнинг муқобил манбалари;
- амортизация шакллари ва меъёрлари;

- ишлаб чиқарилиши мўлжалланган маҳсулот таннархи;
- капитал қўйилмалар тузилмаси (қурилиш-монтаж ишлари, ускуналар харажатлари, бошқа харажатлар);
- экологик ва техник ҳавфсизликни таъминлаш.

### **Маркетинг режаси:**

(бўлим вазифаси: товарни сотиш қийинчиликларга олиб келмаслигини асослаш)

- сўнгги истеъмолчилар;
- корхона монополистми?;
- талаб тури (текис ёки мавсумий);
- рақобат ва рақобатдошлар тавсифи;
- маҳсулотнинг қайси хусусиятлари ёки қўшимча хизматлари уни, рақобатдошларга нисбатан, устуворлигини белгилайди?
- патентлаш (товарни ички ва ташқи бозорларда ҳимоялаш, корхона ҳуқуқларини бузмаган ҳолда рақобатдошлар томонидан худди шундай маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти);
- технологик ўзгаришларнинг маҳсулот таннархига таъсири;
- савдо харажатлари;
- маҳсулот (хизматларни) сотиш билан боғлиқ капитал харажатлар;
- рақобатдошларнинг қандай ҳатти-ҳаракатларидан кўрқиш лозим ва уларга жавоб қайтариш стратегияси?;
- маҳсулот нархини асослаш;
- савдони ташкил этиш (савдо жараёнига жалб қилинадиган корхоналарни кўрсатган ҳолда, савдо тизимини таърифлаш);
- сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш;
- рекламани ташкил этиш ва реклама харажатлари ҳажми.

### **Ташкилий режа:**

- корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (ҳамкорлик шакли, таъсисчилар ва уларнинг улушлари);

- акциялар (қанча чиқарилган ва яна қанча чиқариш кўзда тутилган);
- бошқарув таркиби, қисқа биографик маълумотномалар;
- молиявий ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига ким эга?;
- бошқарув таркиби аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши;
- лойиҳани маҳаллий маъмурият томонидан қўллаб-қувватланиши.

#### **Молиявий режа:**

- инвестициялар ҳажми;
- манбалар ва даврлар бўйича лойиҳани молиялаштириш ҳажми;
- кредитларни тақдим этиш шартлари;
- пул оқимларининг ҳаракати;
- даромад ва харажатларнинг прогноз баланси;
- лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари (қопланиш муддати, самарадорликнинг ички коэффиценти ва б.);
- баланс тузилмасини баҳолаш (жорий ликвидлик, ўз маблағлари билан таъминланиши ва ҳ.).

### **11.3. Инновацион маркетингни жорий этиш истиқболлари**

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион тури ҳаммасидан аввал детерминацияланганликни кескин пасайиши ва умумий тизимни мураккаблашишини билдиради. Ташқи муҳит ўзининг социал ва сиёсий жанжаллари ва изтироблари, ахборотли ва технологик ўзгаришлари билан юқори фаоллигда иқтисодий тизим ва унинг тузилма ташкил қилувчи хулқи борган сари эҳтимолли ва олдиндан айтиб бўлмайдиган характерга эга. Бундай сифатларда корхоналарни яшаб қолиши раҳбарларнинг қобилияти, уларни кутилмаган вазиятларда тўғри йўлни танлай билишлари, хатарни кўра олишларига тўғридан тўғри боғлиқ. Новаторлик фирмаси ривожланишининг мантиқий оғирлик марказини оператив тактик режалаштириш ва бошқаришдан стратегик даражага, бошқарувнинг янги турини шакллантириш даражаси-инновацион маркетингга кўчишига олиб келади. Унда анъанавий тамойилларнинг ҳар хил фрагментлари сақланиб қолинади, аммо улардан

вазиратли таҳлилга нисбатан қўлланишда фойдаланилади. Бу янгиликлар, сармоялар манбалари ва янги бозорларни узлуксиз қидириш шароитларида фирма қобилиятини мувофиқлаштиришга имкон беради.

Инновацион маркетингда самарали раҳбарликнинг усуллари, ёндошишлари ва йўллари вазиратга мувофиқ ўзгаради. Инновациялар яшаш даврининг ҳар бир босқичида маркетингнинг ҳар хил усуллари ва ёндошишлари, ҳар хил стратегияси ва тактикаси талаб қилинади.

Янги товарни сотиш каналларини жойлаштиришни шакллантиришни ўз ичига олувчи янгиликни бозорга кириб бориши стратегияси ва тактикаси маркетинг тадбирларининг муҳим йўналиши бўлади. Жойлаштириш-янгиликни бозорда мавжуд бўлган товарлар қаторидаги жойини белгилаш тизимини билдиради.

Жойлаштиришдан мақсад –янгиликни бозордаги ўрнини мустаҳкамлашдир.

Янги товарни жойлаштириш аввало янгилик ва мавжуд бўлган товарлар ўртасидаги рақобатни билдиради.

Инновацияни жойлаштириш – бу унинг мавжуд бўлганлар қаторидаги ўринни белгилашдан иборатдир. Масалан, маркетинг нуқтаи назаридан инновация остида аналогларига эга бўлмаган сифатан янги товарни, ушбу фирма ёки ушбу бозор учун янги ва мамлакат ва хориж амалиётида аналогига эга имитация қилинган товарни ва қўллашнинг янги соҳасига эга товарни тушуниш мумкин. Тубдан янги товар бозор янгилиги бўлган товардан, модификацияланган товардан, алликант товардан, субститут товардан фарқланади, яъни ҳар қандай инновациянинг белгиланиши бўйича тўлдирувчи, ўринни алмаштирувчи ва сиқиб чиқарувчи янгилик киритишлардан фарқлай олиш керак. Бу жиҳат инновацияни ишлаб чиқариш босқичида алоҳида роль ўйнамайди, аммо янгилик киритиш бозорга киришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Инновациянинг муваффақияти ва маркетингнинг стратегияси ана шунга боғлиқдир.

Жойлаштириш маркетинг фаолиятининг ҳар хил: сотиш, реклама, товар,

нарх, сервис ва ҳ.к. йўналишларига таъсир кўрсатади. Инновацион маркетинг концепцияси нафақат Янги харидорларни қўлга киритишни, балки фирманинг Рақобат афзалликларидан мувофиқ фойдаланиш, корхона фаолияти соҳаларини кенг ёйиш ва кенгайтириш ва янги соҳалар ва янги бозорларни босиб олиш ҳисобига таъсир кўрсатиш соҳасини кўпайтиришни кўзда тутди.

Инновацион маркетинг учун маркетингнинг барча тадбирлари, ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматларнинг навлари, ўзаро бир бирларини ўлдирадиган ва ўзаро боғлиқ бўлишини билдирувчи синергизм тамойили муҳим бўлади.

Маркетинг тизимининг яқунловчи босқичи-оператив маркетинг, бу босқичда стратегик инновацион маркетинг концепцияларини амалга оширишнинг янги шакллари ишлаб чиқилади. Оператив маркетинг бозордаги янгилик яшаш даврларининг босқичлари билан маҳкам боғланган. Янгилик яшаш даврининг бошланғич нуқтасини белгилаш айниқса муҳим.

Инновацияларни бозорда мавжуд бўлиши яшаш даврининг биринчи босқичида инновацияга эътиборни жамлаш ва диффузиялаш учун ахсус тадбирлар зарур. Масалан, сотишларнинг адекват каналларини шакллантириш, мавжуд бўлган эскиларни модификациялаш ва мослаштириш зарур. Бу ерда маркетингнинг самарадорлиги бир қатор омиллар: инновацион рекламанинг фаоллиги, инновацияни бозорга чиқишининг мувофиқ вақти, инновациянинг мавжуд бўлган товарлар мавзусидаги хулқининг вариантини танлаш, эҳтимол бўлган рақиблар хулқини башоратлаш, ҳамда бозорнинг тузилиши янги товарга қанчалик мос келишига боғлиқ. Бу шароитларда маркетинг нафақат янгиликни бозорда жойлашишини, балки технологик бозорга жойлашишини таъминлаши, янгилик ва бошқа товарлар авлодлари ўртасидаги вазифаси рақобатни енгиб ўтиши шарт. Ўсиш босқичида аркетинг ёндошишлари ўзгаради. Инновацион маркетинг креатив характерини ўзгартиради ва рағбативувчи аҳамиятга эга бўлади. Рекламанинг характери ўзгаради, у ташаббускор, ушбу фирма ва ушбу товарнинг ютуқларига



этиборни жамловчи бўлади. Сотиш каналларининг янги товар остида модификацияланган тармоғидан фойдаланилади. Ишлаб чиқарувчи фирманинг рақобат афзалликлари бу ерда етакчи роль ўйнайди. Товарларнинг балоғатлилиқ босқичида бозорнинг бошқа иштирокчилари билан тўғридан тўғри рақобат қилишдан қочиб бўлмайди, ва бунинг натижасида рақобат стратегияси ўзгариши мумкин. Буерда харажатлардаги етакчилиқ стратегиясининг роли ўсади, янгиликнинг нархи эса пасаяди. Худди шу босқичда новатор -корхона янги молификация ёки тубдан янги маҳсулотни бозорга чиқаришга тайёрлайди.

**Рақобатдошлиқ** – бу товарни муайян истеъмолни қондириш даражаси ва унга бўлган харажатлар даражаси билан рақобатбардош товардан фарқини акс эттирувчи тавсифидир. Истеъмол хусусиятлар ва нарх – товар рақобатдошлигининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Аммо товарларнинг бозордаги истиқболи ишлаб чиқариш сифати ва харажатлари билангина боғлиқ эмас. Муваффақият ёки муваффақиятсизлиқ сабаблари бўлиб реклама фаолияти, корхона обрўси, хизмат кўрсатишнинг таклиф этилаётган даражаси каби нотовар омиллар хизмат қилиши мумкин.

**Рақобатбардошлиқни бошқариш деганда** – юқорида тилга олинган таркибий элементларнинг оптимал нисбатини таъминлаш, асосий кучни қўйидаги масалаларни ечишга йўналтириш: маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, тежамкорлиқ ва хизмат кўрсатиш даражасини ошириш тушунилади. Кўрсатилган таркибий элементлар кўп омилли бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқарувнинг мураккаб мустақил объекти сифатида кўрилиши мумкин. Хусусан, ишлаб чиқариш харажатлари миқдорига хом-ашё, ёқилғи, электр энергияси, сотиб олинадиган ярим фабрикатлар ва таркибий қисмлар сифати ва қиймати, ишлаб чиқариш ходимларининг малакаси ва иш ҳақи даражаси, меҳнат унумдорлиги, бошқарув харажатлари ва бошқалар таъсир кўрсатади. Охир оқибатда рақобатбардошлиқнинг ташкилий элементларининг зарурий даражасини таъминлаш имконияти, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ташкил этиш

даражаси каби базис ишлаб чиқариш омиллари билан аниқланади.

Моҳиятан, замонавий «муваффақият фалсафасининг» асоси корхона манфаатларини рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадларига бўйсундиришдан иборат бўлади. Узоқ муддатли муваффақият ва истеъмолчига йўналтирилганлик биринчи даражали режа ҳисобланади. Албатта, истеъмолчига нисбатан бўлган йўналтирилганлик корхонанинг юқори даромадларга эришиш ва уларни узоқ вақт мобайнида таъминлаш истагини ҳам билдиради. Масалан, айрим япон компанияларининг фалсафаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Шунинг учун ҳам, корхона раҳбарлари, даромадлилик масаласини сифат, маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари, рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқишади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, кичик корхоналар, бозори эндигина шаклланаётган ёки аксинча бозордан чиқиб кетаётган товарларни ишлаб чиқаришда айниқса фаол ҳаракат қиладилар. Ҳамма гап шундаки, йирик корхона принципиал янги маҳсулотни биринчи бўлиб ишлаб чиқаришга қўл урмайди, чунки мумкин бўлган муваффақиятсизлик оқибатлари у учун, кичик корхоналарга нисбатан, жуда оғир кечиши мумкин. Агарда гап технологиялар соҳасидаги фундаментал ишланмалар ҳақида эмас, балки фақатгина оригинал ғояни моддийлаштириш ҳақида кетаётган бўлса, кичик новатор-корхоналар буни муваффақиятли уддалашлари мумкин. Айнан кичик новатор-корхоналар ривожланган мамлакатларда, бугунги кунда, инновациявий жараёни самарасини белгилаб берадилар.

Шундай қилиб, кичик корхоналар, ҳаётий циклнинг муайян босқичларида турган товарлар билан иш олиб бориши, корхона ўз салоҳиятини тўлиқ ва самарали қўллаш истаги билан белгиланади.

Рақобат тўғрисидаги қонунга мувофиқ, дунёда маҳсулот ва хизматлар сифатининг ошиши, ҳамда улар нархини пасайишининг объектив жараёни юз бермоқда.

Рақобат шароитида фақатгина банкротлик хавфи маҳсулот сифатини оширишга мажбурлаши мумкин. Натижада, доимий тарзда сифатсиз

маҳсулотни бозордан «ювиб чиқариш» жараёни юз беради. Рақобатнинг ҳаракатлантирувчи кучи эса инновацияларни рағбатлантиришдир. Айнан инновациялар асосида маҳсулот ёки хизматлар сифатини ошириш, товарнинг фойдали самарасини яхшилаш, ва бу билан мазкур товарнинг рақобат устунлигига эришиш мумкин. Шундай қилиб, товар рақобатбардошлигини таъминлаш новаторлик, тадбиркорлик ёндашувни талаб қилади, унинг моҳияти эса инновацияларни топиш ва амалга оширишдан иборат.

Ушбу муносабат билан шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодий назариянинг йирик намоёндаларидан бири бўлган А.Маршалл айнан тадбиркорлик – бозор иқтисодиётининг асосий хусусияти деб билган. Рақобат шароити, корхонада рақобат устунликларини излаш лозим бўлган шароитни вужудга келтиради холос. Рақобат устунликларининг ўзи эса, тадбиркорлик орқали у ёки бу инновацияларни амалга ошириш билан таъминланади, чунки айнан тадбиркорлик жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Корхонани шундай бошқариш лозимки, унда янгилик хавф эмас, балки қулай имконият сифатида қабул қилинсин. Инновациялар – ўз корхонасини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг энг яхши воситаси эканлигини, ҳар бир ишловчи англаб олиши лозим. Бундан ташқари, шуни ҳам тушуниш керакки, инновациялар – ҳар бир ходимнинг бандлиги ва моддий таъминланиши кафолатидир. Инновациявий фаолиятни юқорида кўрсатилган тамойиллар асосида олиб бориш, корхонага олдинга қараб ҳаракатланиш ва муваффақиятга эришиш имконини беради.

Стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида, ташкилий тузилмалари, ҳамда ташкилотнинг кадр, ахборот ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш сифатини ошириш базасида инновацияларни бошқариш усул ва услублари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади. Аммо, инновациявий жараёнлар самарадорлигини ошириш имконини берувчи ҳар қандай тадбирлар, албатта, рақобатдош илмий маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан даромад олишга йўналтирилган бўлади.

Янги маҳсулот рақобатдошлигини баҳолашдаги асосий муаммолардан бири

бу сифатни ушлаб туришга сарфланган харажатлари услубиётини ишлаб чиқишдир. Ушбу муаммо алоҳида сифат менежменти соҳасида батафсил ўрганилади. Шунинг учун ҳам бу ерда тактик ва стратегик характерга эга бўлган қуйидаги асосий вазифаларга тўхталиб ўтиш етарли бўлади:

- ташқи ва ички бозорлардаги маҳсулотнинг реал рақобатдошлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва эксплуатациявий умумий харажатларини минимумга олиб келган ҳолда сифатнинг берилган даражасини таъминлаш;
- инвестицияларнинг зарурий ҳажмини ва уларни инновациявий жараён босқичлари ва иштирокчилари ўртасида тақсимланишини аниқлаш;
- янги маҳсулот нархи ва ишлаб чиқарувчи корхона хизматларини оптималлаштириш;
- янги маҳсулот сифатига бўлган харажатлар ва ишлаб чиқарувчининг инновациявий фаолияти натижаларининг ўзаро алоқасини аниқлаш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион маркетинг деганда нимани тушунасиш?
2. Инновацион маркетинг турларини санаб беринг?
3. Инновацион маркетинг технологияларни жорий этишдаги муаммоларини айтиб беринг?
4. Инновацион маркетинг режалар қандай тузилади?
5. Инновацион маркетинг режаларнинг хориж тажрибаларини изоҳлаб беринг?
6. Корхоналарнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўллари айтинг?
7. Корхоналарда маркетинг технологиялардан фойдаланиш йўллари айтиб беринг?
8. Инновацион маркетингни жорий этиш истиқболларини айтинг?
9. Корхоналарнинг институционал асослари деганда нимани тушунасиш?

## **ХП Боб. Ўзбекистон миллий инновацион тизими**

**Ўқув мақсади:** *Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтишнинг долзарблигини, инновацион ривожлантириш стратегиясини, фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ҳамда инновацияларни молиялаштириш манбаларини, инновацион ярмаркалар, кадрлар таъминоти ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш тизимини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Билим, инновация, рақобатбардошлик, стратегия, глобал инновация, инновация индекси, фан, таълим, ишлаб чиқариш, жаҳон бозори, фан сизими, инновацион ривожланиш, миллий инновация, инновацияларни молиялаштириш, инновацион зоялар, технологиялар, лойиҳалар, ярмаркалар, ахборот кадрлар таъминоти, илмий техник дастурлар, интеллектуал мулк.*

### **12.1. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига**

#### **ўтишнинг долзарблиги**

Ривожланган мамлакатларда иқтисодий амалиётни корхоналарнинг илмий -тадқиқот ва тажриба конструктурлик ишларини ташкил этиш соҳасида ривожланишнинг асосий омилларидан бири инновацион фаолиятни лойиҳалаштириш ҳисобланади. Инновацион лойиҳалаштириш фаолиятни тўғри ташкиллаштириш , тартибга солиш ва бошқариш учун энг аввало инновацион бошқарув стратегиясини туғри танлаш зарур. Зеро, миллий иқтисодиётнинг юксалишида тармоқлар ва уларнинг ўзаро ҳамкорликда ривожланишини таъминловчи илмий - техникавий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминловчи бошқарув тузилмалари ҳамда стратегиялари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 октябрда қабул қилган “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ги қонуни, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарори республикада ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини янада ошириш орқали корхоналарда тагин ҳам илмий-тадқиқот ишларини тажриба конструкторлик ишлари асосида амалга ошириш орқали, ички ва ташқи бозорда рақобатбордош сифатли инновацион маҳсулотларни олиб чиқишни таъминлаш, инновацион ишланмалардан фойдаланиш ва илмий -техникавийсалоҳиятини ривожлантиришда муҳим дастур бўлмоқда.

#### **Инновация тизимининг асосий элементлари:**

- инновация инфратузилмаси;
- молиявий инфратузилма;
- илмий салоҳият.

Булар кичик тизимларни ташкил этади. Уларнинг ҳар бирида тадқиқотларни молиялаштиришнинг асосий қисми (100%гача) бюджет манбаларидан (ҳам марказий, ҳам минтақавий бюджетлардан) амалга оширилади.

Технологик изчиллик қонуниятларини ва унинг тарихий мантиқий кетма-кетлигини ўрганадиган эволюцион иқтисодий назария “техник иқтисодий прадиigma” ва “технологик траектория” тушунчаларига асосланади.

Макродаражадаги иқтисодий ўсиш бир томондан турли-туманликка ва ноаниқликларга, иккинчи томондан микродаражада иқтисодий жараёнларни бир-бирига уйғунлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришга боғлиқлигини қайд этади.

Миллий инновацион тизимни ривожлантиришнинг бош муаммоси - **ички ва ташқи** ҳамкорликнинг етарли даражада ташкил этимаганлиги билан белгиланади

**Илмий фаолият** (илмий-тадқиқотчилик фаолияти)- янги билимлар олиш ва қўллашга йўналтирилган фаолият, жумладан:

- фундаментал илмий тадқиқотлар – инсон, жамият ва атроф-муҳит тузилиши, фаолияти ва ривожланишининг асосий қонуниятлари ҳақида янги билимлар олишга йўналтирилган экспериментал ёки назарий фаолият;

- **амалий илмий тадқиқотлар** – асосан амалий мақсадларга эришиш ва муайян вазифаларни ҳал қилиш учун янги билимлар қўллашга йўналтирилган тадқиқотлар.

**Миллий инновация тизимини шакллантириш концепцияси бош ғоясини қуйидагилар ташкил этади:**

- замонавий иқтисодиётни ва рақобатни шакллантиришнинг энг асосий омили сифатида инновациялар ва тадбиркорлар эҳтиёжларини ҳисобга олиб илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

- жамиятнинг турли институтларини (оила, маҳалла, партия ва х.к) инновацион фаолият тузилиши ва салмоғига таъсир этувчи омиллар сифатида қараш;

- иқтисодиётни ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнига алоҳида аҳамият бериш.

АҚШда инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида йирик технопарклар, бизнес-инкубаторлар, венчур жамғармалар, махсус иқтисодий зоналар ва молия-саноат гуруҳлари муҳим аҳамият касб этган.

АҚШда яратилаётган инновацияларнинг учдан иккиқисми давлат ва тадбиркорларнинг шериклиги асосида, жумладан университетлар, давлат лабораториялари ва илмий-тадқиқот институтлари иштирокида амалга оширилмоқда.

**Инновация жараёнлари механизми:**

- ғоя;
- ишланма;
- инновация;

**Биринчи боскич – ғоя:**

- фундаментал, назарий тадқиқотлар;
- ишланманинг лаборатория нусхаси;
- тажриба ва синовлар;
- илмий-техник хужжатлар;
- ҳом ашё базаси;

- маблағ билан таъминлаш давлат бюджети ҳисобига.

#### **Иккинчи босқич – ишланма:**

- маркетинг;
- ишланманинг саноат-тажриба нусхаси;
- маҳсулотнинг тажриба намуналари;
- илмий-техник ҳужжатлар ва патент;
- ҳиссадорлик асосида маблағ билан таъминлаш;

#### **Учинчи босқич – инновация:**

- лицензион келишув;
- технологияни узлаштириш;
- илмий ҳажмдор маҳсулот ишлаб чиқариш;
- ҳиссадорлик асосида маблағ билан таъминлаш;
- инновация механизмининг афзалликлари;
- давлат буюртмаси;
- солиқ имтиёзлари;
- арзон технология;
- технология муаллифлари ҳамкорлиги;
- интеллектуал мулкка эгалик.

Илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини қайта жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида олиб келинадиган ускуналар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

Ишлаб чиқариш, ижтимоий, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини кўламли модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича чуқур ўйланган фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши натижасида иқтисодиётга инвестиция қўйиш ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва эквивалентда 14,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунда барча капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоизидан ортигини хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил этди, уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий



инвестициялардир. Барча инвестицияларнинг 73 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилди. Иқтисодийнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган умумий қиймати 4,2 миллиард долларлик 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизнинг маҳсулотларни экспорт қилувчи ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва янги бозорларни ўзлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш давом эттирилди. Натижада ташқи савдо баланси 180 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдо билан белгиланди, олтин-валюта захиралари 1,6 миллиард АҚШ долларига ўсди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, бизнесни ташкил этишда "бир дарча" тамойилини жорий этиш, кичик бизнес субъектлари томонидан статистика ва солиқ ҳисоботларини тақдим этилиши механизмини соддалаштириш, хусусий тадбиркорларнинг хом-ашё ресурсларидан фойдаланишини анча кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди

Кейинги 15 йил давомида республика олимлари ва конструкторлари томонидан 82 турдаги янги техникалар яратилди ва 144 та машиналар янада такомиллаштирилди.

Республика корхоналарида қуввати 30-144 от кучига тенг бўлган чопиқ ва транспорт тракторлари, экишдан олдин ерга ишлов берадиган чуқур ер юмшатгичлар, плуглар, механик ва пневматик сеялкалар, вентиляторли ва штангали пуркагич-чанглатгичлар каби самарали техника воситалари ишлаб чиқарилиши таъминланди.

Германия, АҚШ, Италия, Франция ва Россия давлатлари билан ташкил этилган ва замонавий технологияларга асосланган қўшма корхоналарда бир неча турдаги янги корхоналарни тракторлар ва машиналар ишлаб чиқарилиб, машина-трактор паркларига ва фермер хўжаликларига етказиб берилмоқда.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикада инновацион бошқарув стратегиясини илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ташкил этишда назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш, инновацион фаолият ва жараёнларни такомиллаштиришнинг самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- корхоналарда иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни ривожлантирувчи методологик тушунчалар ва уларни тавсифловчи омилларни кенгроқ тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда инновация бозорини ўзига хос хусусиятлари ва унинг ривожлантириш босқичларини аниқ белгилаб олиш;
- корхоналарда инновацион жараёнларни замонавий бошқаришда хориж тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиш;
- корхоналарда инновацион бошқарув фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш йўлларини кўрсатиб бериш;
- инновацион фаолиятни корхоналарда ташкил этишни институционал асослари ва уларни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини илмий жиҳатдан доимий асослаб бериш;
- корхоналар ишлаб чиқаришида иқтисодийнинг барча соҳаларида инновацион бошқарув стратегиясини шакллантириш ва ривожлантириш тенденцияларини ошириб бориш механизминини ишлаб чиқиш;
- корхоналарда инновацион бошқарув стратегиясини такомиллаштириш бўйича илмий - тадқиқотлар олиб бориш.

Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозга қарши мамлакатимизда амалга оширилаётган чора - тадбирлар дастурида белгилаганидек, барча тармоқларда, айниқса иқтисодий тармоқларида илмий -тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига замонавий технологияларни жорий этиш, фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, бир сўз билан айтганда инновацион фаолиятни жадаллаштириш корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Корхоналарда илмий- тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини амалга оширишда инновацион фаоллик, у аввало бор ишлаб чиқариш жараёнини ва уни бошқаришдаги ижобий янгиликлар ва ўзгаришлардир. Бу ўзгаришлар ишлаб чиқаришга биринчи навбатда илғор технологиялар, фан ютуқларини жорий этиш, хўжаликларни бошқаришни такомиллаштириш, маҳсулот бирлигига бевосита ҳаражатлар сарфини пасайтиришдир.

Ҳозирги кунда республикада инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуддир:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.
3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.
4. Хорижий инвестициялар.

Сўнги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратилган инвестициялар ва банк кредитларнинг салмоғи кескин ўзгарди.

Корхоналарнинг устувор даражада ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак. Тармоқнинг моддий-техника ресурслари шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига ва унинг даражасига бевосита боғлиқ.

**Фан-техника тараққиёти** деганда, иқтисодиёт тармоқлари билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим. Бу ўринда таъкидлаш керакки, фан ривожланиши натижасида шу давргача бўлмаган мутлақо янги фан – «Моддий-техника ресурслари» ҳам яратилиши мумкин. Бу жараён фан-техника инқилобидан далолат беради. Демак, фан-техника тараққиёти инқилоби - интеллектуал онг ривожланишининг маҳсулидир. Бунинг учун интеллектуалларни тайёрлайдиган таълим, ихтирочилик тизимини янги босқичга кўтариш тақазо этилади. Улар корхоналар учун зарур бўлган

кулай ва самарали машина, трактор, механизм, ускуналар яратилишини, мавжудлари такомиллаштирилишини, серҳосил, тезпишар экин навлари, сермахсул чорва зотлари, илғор технологияларни яратадиган фанларнинг, фан-техника, технология ривожланишини таъминлайди. Натижада моддий-техника ресурсларининг миқдори ошади, сифати яхшиланади.

Бу жараёни республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, фан-техникани тараққий эттириш йўлидан борилаётган Ўзбекистонда корхоналар учун қишлоқ хўжалик, машинасозлик саноати корхоналарида янги, сифатли хайдов, ишлов берувчи тракторлар, пахта тарадиган машиналар, кимё саноатида полиэтилен қувурлар, плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Ёмғирлатиб, тупроқ остидан, томчилатиб суғориш учун янги самарали техникалар барпо этилмоқда. Бу ҳол корхоналарда самарали, илғор технологиялар жорий этилишини таъминлайди. Фан-техника тараққиёти ягона давлат сиёсати асосида кечиши, бу жараёнда қатнашувчиларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ҳам уйғунлашиши лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий мақсади янги, самарали техникаларини, экологик талабларга жавоб берадиган кимёвий воситаларни, янги навларни, зотларни яратиш, мавжуд воситаларни такомиллаштириш, меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш орқали аҳоли, корхоналар ва ниҳоят давлатнинг иқтисодиётини юксалтиришдир.

Корхоналарда илмий–тадқиқот, тажриба –конструкторлик ишларини амалга оширишда фан-техника тараққиёти корхоналарда қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- янги ерларни комплекс ўзлаштириш, зах ва шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув билан таъминланиш тадбирларини амалга оширадиган ишлаб чиқариш воситаларини яратиш, такомиллаштириш;
- тезпишар, кам сув талаб этадиган, сифатли ва серҳосил уруғ навларини, сермахсул чорва зотларини яратиш;

- ишлаб чиқаришида амалга ошириладиган барча иш жараёнларини автоматлаштириш, электрлаштириш, ҳамда механизациялаштиришни таъминлайдиган воситаларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;
- корхоналарга сервис хизматларини кўрсатиш, тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг зарур миқдорини қайта ишлаб, сифатли сақлаб, истеъмолчиларга вақтида, яхши ҳолатда етказиб бериш қобилиятига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини шакллантириш;
- корхоналар иқтисодиётининг эркинлаштирилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни яратиш ва уларни ҳаётга изчиллик билан жорий этиш;
- фан-техника тараққиёти натижаларини корхоналарда ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига ўз вақтида жорий этиш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш, фаолият кўрсатаётганлари рағбатлантирилишини такомиллаштириш имкониятига эга бўлган механизмларни яратиш.

Ҳозирги даврда уларни бартараф этиш борасида илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда ва бу каби камчиликлар чигит плёнка остига экиладиган далаларни экишга тайёрлаш, экиш ва ундан кейинги амалларни бажариш жараёнида ҳам кузатилмоқда. Ғўзаларни суғоришда «Исроил технологияси» ҳам жорий этилмоқда. Бу технологиянинг асосий мақсади сувни тежашга қаратилган. Шу усулдан фойдаланиш натижасида 1 га пахта майдонида 4-5 марта кам сув бериш таъминланади. Голландияда етиштирилган картошка уруғи уларнинг техникалари билан экилиб, ўсимликларга ҳам голланд техникаларида ишлов берилиб, уларнинг ҳосили ҳам шу технологиялар билан йиғиштириб олинди. Бу жараёнда маҳаллий тажрибалардан ҳам кенг фойдаланилди. Натижада республикада картошкачилик ривожланди. Ҳозирги даврда аҳоли истеъмоли учун четдан картошка сотиб олишга барҳам берилган. Чорвачилик тармоқларида ҳам илғор технологиялар жорий этилмоқда. Улар вақтни, меҳнатни, маблағни тежаш имкониятини беради. Натижада маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги ошиши ва ниҳоят, соф фойда суммаси кўпайиши

таъминламоқда. Шунинг учун самарали технологияларни яратишга, уларни ҳаётга тадбиқ этишга доимо катта эътибор бериш лозим.

Янги техника-технологияларга қилинган инвестицияларнинг самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун уларни жорий этиш туфайли тежалган харажатлар натижасида қўшимча олинган соф даромад суммасини уларга қилинган инвестициялар суммасига тақсимлаш лозим.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаб, моддий-техника ресурслари ҳолати, даражаси, самарадорлиги аниқланиб, чуқур таҳлил қилинади. Натижада уларга таъсир этган омиллар аниқланиб, келажакда уларни яхшилаш чора-тадбирлари белгиланади. Корхоналарни ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини талаб даражасида шакллантириш лозим. Бу масалага бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг ўзи катта эътибор бериши керак. Чунки корхоналар мустақил фаолият юритадилар.

Хўжаликлар моддий-техника ресурслари базасини мустаҳкамлашда самарали йўллардан, усуллардан фойдаланишлари, камроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олишга интилишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида” гива 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармонлари мамалакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновацион технологияларини жорий этиш бўйича узлуксиз жараённинг мантиқий давоми бўлди. Бу фармонда дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида қиймати доирасида қиймати қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд ва чет эллик инвестор улуши камида 50 фоиз бўлган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш майдони ташқарисида муҳандислик- коммуникация тармоқларини йўлга қўйиш бюджет маблағлари ҳамда ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Умуман олганда бу фармон бўйича ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 40 миллиард 809 миллион долларлик 846 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу ўринда таъкидлаш керакки, корхоналарнинг машина, трактор, механизмларга бўлган талаблари ҳам тўлиқ қондирилгани йўқ. Бу муаммони ҳал этиш учун машина, трактор ва механизмларни корхоналарнинг талабини қондирадиган даражада сотиб олиш зарур. Бунинг учун уларни қайси манбалар ҳисобидан, қаерлардан, қандай йўллар билан, қандай тартибда олиш мумкинлигини ҳам билиш керак. Корхоналар ўз маблағлари ҳамда четдан жалб этилган сармоялар ҳисобидан моддий-техника ресурсларининг айримларини қуришлари, таъмирлашлари, баъзиларини сотиб олишлари, ижарага олишлари, айримларини эса парвариш қилиб, барпо этишлари мумкин. Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида корхона маблағларининг камлиги, уларнинг бир меъёردа шакллантирилганлиги ҳамда саноатда яратилаётган моддий-техника ресурслари баҳоларининг юқори суръатлар билан ўсиши тармоқдаги моддий-техника ресурсларини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада корхоналарда қўл меҳнати харажатлари ошиб бормоқда. Бу масалаларни ижобий ҳал қилиш корхоналарда лизинг кредити ривожлантирилиши, бу эса лизинг билан шуғулланувчи фирма, компаниялар сони кўпайтирилишини, уларнинг фаолиятлари ривожлантирилишини талаб этади. Лизинг билан шуғулланувчи ташкилотлар ўз маблағларига корхоналар учун зарур бўлган техникаларни, бино-иншоотларни ҳамда бошқа асосий воситаларни ижарага берувчилардан олиб беришлари мумкин. Бундай хизматлари учун улар корхоналаридан лизинг фоизларини оладилар.

Лизинг ташкилотлари лизинг кредити фоизларини тўлаш муддатларини кечиктириши ҳамда чўзиши мумкин. Лизинг кредитларини, хизматларини амалга оширишда уч томон – асосий воситаларни ижарага берувчи корхоналар, лизинг ташкилотлари ҳамда ижарага олувчи корхоналари қатнашадилар. Корхоналарнинг моддий-техника ресурсларини шакллантиришда давлат

томонидан амалга оширилаётган иқтисодий механизмлар, масалан, давлат, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар, имтиёзли кредитлаш тизимини ва бошқаларнинг кўламини келажакда кенгайтириш талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, инновацион фаоллик тўғрисида энг тўлиқ тасавурга эга бўлиш, унинг даражасини аниқлаш учун инновацион жараёнлар индикаторлари ва ходимларни инновацион фаолликка чорловчи индикаторлар комплекс таҳлил қилиниши зарур. Инновацион фаоллик даражасини тавсифлаш учун айнан ушбу индикаторлар гуруҳини танлаш ва таҳлил этиш катта аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт тармоқларини инновацион фаолият асосида бошқаришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда замонавий менежмент усулларини қўллаш катта самара беради. Бизнингча бу бошқарув бир неча босқичдан иборат бўлмоғи ва энг мақбул самарали вариантни танлаш билан тугалланиши лозим. Инновацион фаолиятни самарали бошқариш учун инновацияларни бошқариш мақсадни билан уйғунлаштириш, корхонанинг рақобатдошлиги ҳамда заиф ва устун жихатларини аниқлаш, инновацияларни бошқаришнинг аналитик, тажриба - экспериментал, прогнозлаш, иқтисодий, маъмурий, ижтимоий- психологик усулларини бошқаришда кенг қўллаш зарур.

Давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб- қувватлашдан асосий мақсад моддий ишлаб чиқиш тармоқларида прогрессив янгиликларни бўлишини рағбатлантириш, тармоқлар ва корхоналар рақобатдошлигини оширишдан иборат.

Кўпинча мамлакатларда инновацион фаолиятдан иқтисодий ўсишнинг бош омили сифатида фойдаланишади. Миллий инновацион тизим (МИТ) концепсияси яратилганига кўп бўлгани йўқ. Бу давлат, хусусий, жамоат ташкилотлари ва тизимлари йиғиндиси бўлиб, унинг доирасида янги билимларни яратиш, ривожлантириш, сақлаш, тарқатиш ҳамда уларни технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларга айлантириш бўйича фаолият амалга оширилади.



МИТга илмий-ишлаб чиқариш тизимлари киради: университетлар, давлат тасарруфидаги илмий муассалар, лабораториялар, технопарклар, инкубаторлар ҳамда кичик ва йирик ишлаб чиқариш, тадқиқот фирмалари.

Фан ҳозирги пайтда инновациаларнинг стратегик захираси ва қуроли ҳисобланади. У давлатда, иқтисодий соҳаларда, йирик корпорациялар ва кичик фирмаларда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг узвий унсурига айланмоқда.

Хусусий секторнинг роли нафақат асосли билимлардан фойдаланиш ва ўз тадқиқотлари, ишланмалари асосида технологияларни яратишдан иборат, балки инновацияларни бозорда ўзлаштирилиши, уларнинг савдо сотиғида ҳам муҳим ўрин тутди.

Шудай қилиб МИТда тадқиқотчилик, тадбиркорлик муҳити ва уларнинг тўлиқ ҳажмли ўзаро таъсири уйғунлашади.

## **12.2. Мамлакатнинг инновацион ривожлантириш стратегияси**

XX асрнинг биринчи ярмида фаннинг ривожланиши давлат тасарруфидаги илмий институтлар ва лабораторияларни яратиш, бюджетдан молиялаштириш улушининг оширилиши йўли орқали давлатнинг бошқарув функциялари кучайиши билан ажралиб турган эди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида ва урушдан кейинги йилларда фанни давлатлаштириш даражаси кескин кўтарилди. Халқаро муносабатлар асосида энг янги илмий техник ишланмалар асосида «қуролланиш пойгаси» билан белгиланарди. Икки ёқлама вазифага эга технологияларни жорий этишдаги муваффақиятлар юқори даражада рақобатбардошликни, экспорт тарқалиши учун яхши имкониятларни ва янада кўпроқ даромад олишни таъминларди.

Ҳозирги кунда саноати ривожланган мамлакатлар ўз куч-қувват ва имкониятларини илм-фан, маориф, ишлаб-чиқариш ва молия-кредит соҳаларининг ўзаро таъсирини таъминлашдан иборат. Ривожланишнинг инновацион усулига ўтиш йўли билан узоқ муддатли ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилмоқда. Ахборот технологиялари, микропроцессорли ва қувват тежовчи техникага, янги материалларга, нано ва

биотехнологияларга, юксак технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ барча стратегик йўналишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ривожланган давлатлар илм-фандан бойлик ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдалана бошлашди. Инновацион сиёсат соҳаси «Таълим, фан-ишлаб чиқариш» тизимидаги ўзаро муносабатларни; илмий-техник натижаларини хўжаликда қўлланилишига киритишнинг шакл ва усуллари; янгиликлар соҳасини таъминлаш ресурслари (узлуксиз таълим тизими ҳам); инновацион фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шакллари камраб олди.

Ривожланган давлатларда илм-фанга миллий сарф-ҳаражатларнинг ката қисмини давлат бюджети маблағлари ташкил этади. 2007-йилда умуммиллий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштиришда давлатлар иштироки турли манбаларга кўра қуйидагини ташкил этди (%):

АҚШ	31,0
Япония	17,7
Германия	30,4
Франция	39,0
Буюк Британия	31,3
Корея Республикаси	23,9
Канада	35,4
Россия	60,6

Янгиликлар яратиш ва жорий қилиш турли иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг бирлашиб ҳаракат қилишини талаб қилгани боис, ривожланишнинг инновацион йўли давлатнинг қўллаб-қувватлашисиз бўлмайди. Бунинг учун уч схемадан фойдаланилади:

1. Махсус мақсадли дастурларни амалга оширишда ва минтақавий, миллий ҳокимият органлари маблағ ажратишларида давлатнинг бевосита иштироки; бюджетдан молиялаштирилувчи ва олинган билимларни имконли фойдаланувчилар кенг оммасига бепул тақдим этувчи йирик миллий марказлар (лабораториялар) яратиш;

2. Фан, маданият, маориф соҳаларидаги аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар ва субсидиялар ( пул билан бериладиган ёрдамлар) бериш.

Грант илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат томонидан молиялаштириш, мол-мулк ёки хизматлар билан қўллаб-қувватлаши ёки рағбатлантиришдир. Агар ишларнинг натижалари аниқ булмаса ва яқин келажакда фойдали натижа бера олмаса, давлат грантларидан тез-тез фойдаланиб турилади.

Давлатга бевосита фойда келтириши мумкин булган тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини қўлга киритиш учун давлат шартномаси тузилади. Шартнома давлат вакилига ишланмалар бажарилиши жараёнини назорат ҳамда таҳрир қилиш ҳуқуқини беради.

Давлат томонидан пул ёрдамлари бошқа шартлар билан ҳам тақдим этилади. Айрим мамлакатларда фақат тижорий муваффақиятга эришган ҳолда давлатнинг сарф-ҳаражатларини қоплаш шарти билан субсидиялар ажратилади ёки аниқ лойиҳалар қийматининг 50% гача бўлган маблағни ташкил этади. Муаллиф олинган билимларга алоҳида ҳуқуқларидан воз кечганида қайтариб берилмайдиган субсидиялар булади--муаллиф тадқиқот қандай бораётгани ҳақида мунтазам ҳисобот бериб туради, барча олинган натижалар эса очик чоп этилади.

3. Хусусий корхоналар ва шахсларга илмий-техник ишланмалар учун қулай шароитни таъминлаш. Илмий тадқиқотларга ва бу учун зарурий асбоб-ускуналар сотиб олишга маблағ сарфлаётган хусусий тадбиркорликка ҳар-хил солиқ имтиёзлари, давлат кредитлари ва кафолатлари ҳамда ҳиссадорлик капиталида давлат иштироки орқали молиялаштириш имкониятлари тақдим этилади. Глобаллашув шароитида протекционизм ( бирор давлатнинг ўз миллий иқтисодини чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсати) амалиётидан воз кечишга ва инновациялар ҳамда таваккалчиликни рағбатлантирувчи, миллий тадбиркорликни ривожланишининг умумий шартларига амал қилган ҳолда инновация соҳасига чет эл маблағларининг оқимини таъминловчи муҳит яратишга мажбур бўлади.

### **12.3. Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги фан сиғими юқори маҳсулотлардаги роли ва ўрни**

Бозор муносабатларига ўтиш, ресурс имкониятлари (биринчи навбатда молиявий) қисқариши даврида давлат устуворликлари мажбурий тарзда ва бу илмий ишларни молиялаштиришнинг камайишига олиб келди. Ислохотлар даврида фаннинг ривожига асосан ички «ақллар камайиб кетиши», аввало ёш олимларнинг кетиб қолиши оқибатида юз берган малакали мутахассис ва тадқиқотчиларнинг икки баробар қисқариши салбий таъсир кўрсатди. Узоқ муддатли истиқболда давлат ЯИМда фанга ҳаражатлар ҳиссасининг ва саноат ишлаб чиқариш тизимидаги инновацион маҳсулотнинг ҳиссаси ошишига мўлжал олади.

Ўзбекистонда Давлат бюджети томонидан асосан тўртта йўналишдаги илмий тадқиқот дастурларига маблағлар ажратилади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, маблағларнинг асосий қисми амалий тадқиқот дастурлари ва асосли тадқиқот дастурларига ажратилмоқда, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ -576 сонли қонунига асосан фундаментал тадқиқотлар табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақида янги билимлар олиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, шунингдек муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга йўналтирилган назарий ва (ёки) тажрибага йўналтирилган ва амалий тадқиқотлар амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимлар ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган ва фаолият ҳисобланади. Ушбу қонунга асосан инновацион фаолиятни нафақат кичик тадбиркорлик соҳасида, балки иқтисодиётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётган корхоналар бўйича ҳам инновацион тадқиқотлар дастурларига оз миқдорда маблағ ажртилаётганлигини кўрсатади.

Инновацион тараққиётда асосан қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча бўғинларида босқичма-босқич асосий ва ёрдамчи фондларни замонавий технолииялар билан

алмаштириш сиёсати жорий этилган. Масалан, Японияда асосий ишлаб чиқариш воситалар ҳар 6-7 йилда, АҚШда 8-9 йилда, Германияда 9-10 йилда тўлик янгиланади.

- ҳудудлардаги асосий ва етакчи саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ва диверсификациялашувини амалга ошириш.

- мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ўлчашда микдорий ва сифатни аниқловчи 100 га яқин индикаторлар белгиланиши. Ушбу индикаторларни ҳисоблашда таълим, илм-фан, технологиялар, инсон капитали, инновацион ва ижтимоий-сиёсий муҳит, расмий миллий статистика маълумотлари, аҳоли ва тегишли мутахассислардан олинган сўров натижалари бирлаштирилган ҳолда яхлит тизимга келтирилади.

Ҳозирги пайтда инновацион ривожланишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

➤ инновацион фаолиятни фаоллаштириш ва иқтисодиётнинг реал секторида халқаро андазаларга мос келувчи ҳамда рақобатбардош маҳсулот чиқаришни кафолатловчи янги технологиялар ва ишлаб чиқаришлардан фойдаланиш учун қулай иқтисодий ва молиявий шароит яратиш;

➤ катта ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ҳамда инновацион соҳаларни ривожлантиришнинг оқилона устуворликларини танлаш;

➤ минтақавий ва маҳаллий, ижроий ҳокимият органларини давлат инновацион сиёсатини ҳамда инновацион тизимининг самарали ишлашини амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

➤ илмий ташкилотларни бозор шароитига мослашиши;

➤ инновацион фаолиятни самарали юритиш учун таълимнинг юқори сифатини, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими сифатини таъминлаш.

Инновацияларнинг жорий этилиши билимларни олиш ва улардан фойдаланиш, ғоялар юзага келиши жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Жараёнга маҳсулотни сотиш, ажратилаётган ресурслар, қабул қилинаётган қарорлар, юзага келаётган ғоялар ва фаразлар, четдан ўзлаштирилаётган моделлар ва схемалар тўғрисидаги маълумотлар киради. Янги билим аввалгиси

кўринишидаги асос мавжуд бўлгандагина олинади. Фирмаларни бошқариш схемасида ўзига хос йўналиш пайдо бўлиб, ривожлана бошлади – билимларни бошқариш. Бу йўналиш умумий билимлар мониторингини, уларни олиш тизимини, мувофиқ кўринишида сақлаш ҳамда самарали ва ишлаб чиқаришда фойдаланишни ўз ичига олади. Ахборотни таснифлаш, ҳисобга олиш, кодлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишнинг танловга асосланган тартиби жиддий муаммодир. Уникал билимларга эга айрим ходимлар бошқаларга маълумотни бериш уларнинг мутахассис сифатидаги аҳволига салбий таъсир қилишидан кўрқишади. Ахборотга йўл очилиши ундан фойдаланиш ва уни қўллаш имконини ошириб, янги билимлар учун насос бўлиши мумкин, бундай имкониятлар кўп ҳолларда тўла маънода онгли равишда чекланади.

Ғояларнинг юзага келиши. Бу жараён билимлардан фойдаланишдан фарқ қилади. Кўпчилик у ва бу билан тенгдаражада яхши шуғулланишга қодир эмаслар, чунки ғояларни илгари суриш ижодий ёндашувни талаб қилади. Эруард де Боно «Латерал тафаккур» (Lateral thinking) тушунчасини киритди ва уни «ахборотдан ғояларни ижодий ривожлантирувчи услуб билан, хотирада тўпланган қарашларни зийрак қайта структуралаш воситаси билан фойдаланиш учун мўлжалланган жараёнлар йиғиндиси» сифатида таърифлайди.

Фирма маҳсулот ёки хизматларнинг янги ғояларини тадқиқотчилар ишланмаларидан истеъмолчилар талабларига, бозорда рақобатчиларнинг хатти-ҳаракати ва бошқаларга қараб олади. Ғоянинг юзага келиш жараёни янги маҳсулотни амалга татбиқ қилиш бошида ва иш мобайнида фаоллашади.

Ҳар қандай фирма эътиборсиз ва рағбатсиз қолдирмаса ғоялар хазинаси ҳисобланади. Айрим фирмалар ғоялар мнежери лавозимини таъсис этишади ва у билан ғояларнинг муаллифлари, савдо агентлари, дистрибьюторлар, таъминотчилар ва ходимлар ўзаро ҳамкорлик қилишади. Алоҳида бир фирмаларда ҳар бир ходим ҳар ойда савдо ва харидни такомиллаштиришга, харажатларни камайтиришга ва ҳоказоларга қаратилган таклифлар киритиши лозим деб ҳисобланади. Бунда ҳар бир ходимга ўз вақтининг 15%дан миёсида пайдо бўлган истиқболли ғояни ишлаб чиқишга раҳбариятдан рухсат олмасдан

ҳам фойдаланишга имконият берилади. Ғояларни ривожлантириш – инновацион жараённинг илк турткиси (рағбати)дир. Новаторнинг ёрдамсиз инновацион фаолият имконсиз. Бироқ, ташаббусга кўп сонли шахсий ва ташкилий тўсиқлар қарши туради. Фирмалар ҳар турли йўллар билан янги ғояларни рағбатлантириш, улардан энг истиқболлиларини амалга ошириш учун фондга эга бўлиши ва уларни жорий этишга қодир истеъдодли ходимларни жалб этиши зарур.

#### **12.4. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси**

Тарихдан маълумки, жаҳондаги иқтисодий фаолиятнинг ҳозирги даражага етишигача қанча илмий-техникавий тараққиёт даври ўтди. VII-VIII асрларда иқлимнинг иссиши оқибатида эпидемиялар тарқалиши қамайди ва демографик ўсиш кузатилди. XI асрда хунармандчилик ривожланиб, ишлаб чиқариш аста-секин ривожлантирилди ва ер билан ишлаш бирмунча осонлашди. Қўл меҳнатидан фойдаланиш қамайди ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни янги-янги чўққиларга эришди. Фан-техника тараққиёти натижасида меҳнат унумдорлиги ошди, айниқса технологиялар борасидаги силжишлар натижасида саноатда ҳам, корхоналарда ҳам ижобий ўзгартиришлар киритилди.

XIII асрда бутун Европада саноат шаҳарлари барпо этилиб, енгил саноат, тўқув саноати ривожланди. Англияда корхоналарни ривожланиб, чорвачиликдан олинган жун бутун Европа бўйлаб сотилди. Жун эвазига XIVасрда Шимолий Италия, Венеция, Генуя ва Флоренция саноат моллари савдо-сотиғини йўлга қўйилди. Шу асрда қурулсозлик, машинасозлик, янги технологиялар кашф қилиниб, фан-техника тараққиёти янада илгарилади.

Фан-техника тараққиёти XIX-XX асрларда юксалиш даврига эришди. Бутун иқтисодиёт тез суръатлар билан ривожлантирилди. Корхоналарда янги навлар, кўчатлар, узоқ йил умр кўрувчи зотдор моллар, наслдор чорвалар, дарахтзорлар яратилди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, техника ва технологияларда туб ўзгаришлар киритиш барча техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни сафарбар этиш негизида меҳнат

унумдорлигини анча оширишга эришилди. Фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришда техниканинг янги-янги авлодларини, принципаал жиҳатдан янги технологияларни жорий этишни таъминловчи машинасозлик етакчи рол ўйнайди. Фан билан ишлаб чиқариш интеграцияси кучаймоқда, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги, самарали шакллари вужудга келмоқда, техника янгиликларини илмий кашфиётлар ва ихтироларни иқтисодиёт тармоқларида, қолаверса, корхоналарда ўзлаштириш муддатлари қисқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ -576 сонли қонунига асосан илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади, илмий ишланмаларни яратиш, қўллаш ва оммалаштириш билан боғлиқ тизимли ишларни ташкил этади, ишлаб чиқариш тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларидан инновацион маҳсулотлар ва хизматларга буюртмалар олиш ва инновацион инфратузилмани (технология парклари, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур жамғармалари, бизнес-инкубаторлар ва бошқаларни) ривожлантириш<sup>25</sup>.

Ўзбекистон Марказий Осиёда йирик илмий марказ сифатида катта илмий салоҳиятга эга мамлакат. Ривожланган илм-фан инфратузилмага ва малакали илмий ходимларга эга. Кейинги 10 йилда илмий-техникавий лойиҳаларни амалга оширишда: 95 та– ИТИ, 116 та –ОТМ, 12та – ИИЧБ, 8 та– Лойиҳа институтлари, 10та – Инновацион марказлар, 28та – бошқа ташкилотлар ва жами 224та ташкилот ва корхоналар (12.4.1-жадвал).

---

<sup>25</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ 576-сонли Қонуни. 29 октябр 2019 йил



**Ўзбекистон Республикасида илмий-техникавий лойиҳаларни амалга оширишда машғул илмий ходимлар сони (2017 йил маълумоти).**

№	Вазирлик ва идоралар	Фан докторлари	Фан номзодлар	Илмий даражасизлар	Жами
1	Фанлар академияси	447	1056	918	<b>2421</b>
2	ОЎМТВ	996	4526	6216	<b>11738</b>
3	ССВ	666	1674	2125	<b>4465</b>
4	ҚСХВ	190	618	1025	<b>1833</b>
5	ХТВ	353	911	3180	<b>1244</b>
6	Бошқалар	353	911	3180	<b>4444</b>
	<b>Жами</b>	<b>2721</b>	<b>9231</b>	<b>14193</b>	<b>26145</b>

Фан-техника тараққиёти самарадорлигини аниқлаш учун янги техникани қўллаш натижасида олинган иқтисодий самарани уни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатлар миқдорига бўлиш керак:

$$FTT_s = \frac{YaTS}{IX} \quad (12.1)$$

бунда:

$FTT_s$  - Фан техника тараққиёти самарадорлиги;

$YaTS$  - янги техника натижасида иқтисодий самара, сўм;

$IX$  - ишлаб чиқариш харажатлари, сўм.

Фан-техника тараққиёти самарадорлиги орқали йиллик иқтисодий самарага эришилади. Йиллик иқтисодий самара деганда, иқтисодиёт тармоқларимикёсида олинган иқтисодий тежам тушунилади. Янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар қаторига эса фойданинг ўсиши, таннархнинг камайиши каби кўрсаткичлар киради. Булар ҳам янги техникани қўллаш натижасида амалга оширилади.

Янги техникани ихтиро қилиш ва фойдаланишдан келиб чиқадиган хўжалиги ҳисоби самараси қуйидагича аниқланади:

$$E_{tx} = \Delta F_t - E_n \Sigma K_t \quad (12.2)$$

бунда:

$E_{tx}$  - йиғма хўжалиги ҳисоби самараси, т йилдаги, сўм;

$\Delta F_t$  - т йилда янги техника бўйича қилинган тадбирлар натижасида фойданинг ўсиши, сўм;

$E_n$  - янги техника самарадорлигининг норматив коэффиценти ( $E_n=0,15$ );

$\Sigma K_t$  - т-йилда тадбирлар учун сарфланган капитал маблағ, сўм.

Республикамиз мустақилликка эришгач, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммоларни ечиш билан бирга фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласини ҳал этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, назарий тадқиқотлар кенглиги ва самарадорлиги асосан давлат томонидан доимий ва ўсиб боровчи молиявий мададга боғлиқдир.

Янги техника ва ишланмаларни яратиш ва уларни кенг қўламда амалиётга жорий этиш, албатта бозор механизмини қўллаш натижасида, яъни хўжалиқшартномалари асосида амалга оширилади ва олинган натижалар маҳсулот сифатида қабул қилинади.

Корхоналарда меҳнат унумдорлигини ва иқтисодий самарадорликни оширишда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш муҳим рол ўйнайди.

Корхоналарни механизациялаштириш—бу қўл меҳнатини машина меҳнатига, кам самарали машиналарни ўта мукамаллашганларига, бузилган машиналарни, янги машиналар тизимига алмаштириш жараёнидир.

Механизациялаштиришнинг учта даражаси мавжуд:

- қўл меҳнатининг сезиларли улушини сақлаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг алоҳида жараёнларини қамраб оловчи қисми;
- машинани қўл билан бошқариш сақлаб қолингани ҳолда ҳамма жараёнлар механизацияланувчи комплекси;
- автоматлаштириш — инсонширокисиз ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш, назорат қилиш ва бошқаришни амалга оширувчи қурилма қўлланилади.

Алоҳида ишлаб чиқариш жараёнларини ва аниқ маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки тармоқни механизацияланиш жараёни даражасини аниқлаш учун қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Корхоналарни комплекс механизациялаштиришнинг зарур шартлари-машиналар тизимини яратиш ва жорий этиш. Машиналар тизими дейилганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида бевосита иштирок этадиган ҳар турли машиналар комплекси тушунилади.

Комплекс механизациялаштириш учун мўлжалланган машиналарнинг мақбул тизими сифатида қуйидагиларни таъминлаш керак:

- ҳамма ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш;
- оптимал тадбирларни ўз муддатларда ишларни бажариш;
- меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишчиларни оғир ва кам унумли ишлардан озод қилиш;
- йил давомида ишчи кучидан нисбатан бир текисда фойдаланиш;
- интенсив технологиялардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Машиналар тизими таркиби кўп жиҳатдан маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланади ва корхоналарни ҳамда ҳудудий шароитларнинг ўзига хос хусусиятларига мос келиши керак. Ишлаб чиқариш технологияларининг турли-туманлиги йил давомида фойдаланиб бўлинмайдиган кўп миқдордаги ихтисослашган машиналарга талаб эҳтиёжини келтириб чиқаради.

### **12.5. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш тизими ва инновацияларни молиялаштириш манбалари**

Корхона хўжалик ҳаётидаги инновацион жараёнинг диффузияси уларни яратиш ва ўзлаштириш учун молиявий маблағлар қўйишни талаб этади. Бунинг учун эса янгиликлардан келажакда қанча фойда олиш режалаштирилса, ҳозирда шунча кўп харажат қилиш талаб этиладиган империк боғлиқлик ўрнатилиши лозим. Бундан ташқари корхона учун молиялаштириш объектларини танлаш муаммоси инвестицияни чегаравий миқдори билан камаяди. Тадқиқотлар шуни

кўрсатадики корхона монопол юқори фойда олиш имкони бўлган инновацияларда молиялаштириш юқори самара беради. Бошқача қилиб айтганда ташкилотни фарқланувчи хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацияларга инвестиция киритиш самарали бўлади. Инвестиция манбалари сифатида қуйидагилар қатнашиши мумкин: барча даражадаги бюджетлардан ассигнациалаш, чет эл инвестициялари, корхонанинг ўз маблағлари, корхона ва аҳолининг вақтинча бўш маблағларини молиявий капитал шаклида жамлаш.

### 12.5.1-жадвал

#### Инновацион фаолиятни ички молиявий манбалардан молиялаштириш %

№	Молиялаштириш манбалари	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1	Давлат бюджети маблағлари	44%	45%	45%	46%
2	ОЎЮ учун бюджет томонидан ассигнацияланган маблағлар	1%	6%	6%	7%
3	Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	6%	6%	5%	6%
4	Ўз маблағлари	17%	16%	16%	14%
5	Буюртмачи маблағлари	31%	24%	24%	22%
6	Чет эл манбалари маблағлари	1%	3%	4%	5%
Жами молиялаштирилган маблағлар		100%	100%	100%	100%

Манба: Жадвал ФТРМҚ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган

Жадвалда келтирилган инновацион фаолиятни ички молиявий манбалардан молиялаштириш таҳлилига кўра ҳисобот даври мобайнида асосий улушни Давлат бюджети маблағлари эгаллаган, яъни 2008 йилда бу кўрсаткич 46 % тенг бўлган, Буюртмачилар улуши ҳисобот даврида пасайган, 2008 йилда

22 % тенг бўлган. Миллий иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиши мумкин бўлган чет эл манбалари ҳисобидан маблағлар 5%, ўз маблағларидан 14 % и ташкил қилди. Бу манбалар ҳисобидан маблағларнинг паст даражада бўлишининг сабабларидан бири юқорида айтилган инновацион жараёнларни тартибга солувчи қонун ва тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинса ўз маблағлар ҳисобидан, бюртмачилар маблағлари, чет эл манбалари маблағларидан кенгрок фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

## 12.5.2-жадвал

### Давлат ва маҳаллий бюджет манбалари томонидан инновацион фаолиятни молиялаштириш

№	Молиялаштириш манбалари	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1	Жами маблағлар	100%	100%	100%	100%
1.1	Давлат бюджети маблағлари	97,6%	97,8%	98,2%	97,7%
1.2	Маҳаллий бюджетлар маблағлари	2,4%	2,2%	1,8%	2,3%

Манба: Жадвал ФТРМҚ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган

Жадвалда келтирилган Давлат ва маҳаллий бюджет манбаларидан томонидан инновацион фаолиятни молиялаштириш таҳлилига кўра молиялаштириш манбалари асосини Давлат бюджети маблағлари ташкил этмоқда, яъни бу 2005 йилда 97.6 %, 2006 йилда 97.8 %, 2007 йилда 98.2 % ва 2008 йилда 97.7 % ни ташкил қилган. Маҳаллий бюджетлар улуши жами молиявий маблағларнинг 1.8-2.4 % ташкил қилган ҳалос. Демак маҳаллий бюджетлардан илмий- тадқиқот ишлари молиявий маблағлар ажратиш орқали инновацион жараёнларни ривожлантириш давр талаби бўлмоқда.

Инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун бюджет томонидан молиялаштириш бюджет тизими даромадлари билан чегараланади. Бунда инновацияга бюджет инвестициялари шакли, ўлчами ҳамда сиёсий-

иқтисодий йўналиш шартларига боғлиқ ҳолда фарқланади.

Саноати ривожланган мамлакатларда илмий-техник тараққиётни ривожлантиришга йўналтирилган бюджет томонидан молиялаштириш миқдори юқори бўлади ва инвестициялаш объекти мамлакат мудофаа сиёсати ҳамда ривожланишнинг миллий стратегиясини ҳисобга олган ҳолда танлов асосида аниқланади. Жумладан, Японияда Конституцион қонун даражасида чегирмалар киритилган бўлиб, бу чегирмаларга асосан ялпи миллий даромаднинг 3% дан кам бўлмаган миқдордаги маблағлар фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантиришга йўналтирилади.

Ҳозирги иқтисодий тақчиллик вақтида нафақат бюджет маблағларини самарали ишлатишни ошириш, балким инновацион жараёни молиялаштиришнинг бошқа манбалари ролини кучайтириш талаб этилмоқда. Инновацион жараёни молиялаштиришни бошқа манбалари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: тижорат банкларининг, суғурта ташкилотларининг, бюджетдан ташқари фондларининг кредит ресурслари, шунингдек хориж инвестицияси ва кредитлари. Буни амалга ошириш учун эса хўжалик юритиш амалиётини ўзгартириш лозим бўлмоқда. Жумладан инновацияларни кредитлаш учун тижорат банклари, суғурта ташкилотларини жалб этишда улар амалга ошираётган лойихалардан олинаётган фойдадан солиқ ставкасини икки ва ундан ортиқ марта камайтириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари тижорат банклари маблағларини инновацион жараёни молиялаштиришдаги улушидан келиб чиққан ҳолда, қайта молиялаштиришнинг имтиёзли ставкаларини тақдим этиш лозим. Бу эса ўз навбатида банклар томонидан кредитлашни жадаллаштиради ҳамда бир йилдан ортиқ муддатда маблағлар жалб этиш муаммосини ҳал этиш йўллари излаб топишга мажбур этади.

Кредит ресурсларини индексациялашнинг мавжуд механизмида инновацион корхоналар томонидан уларни жалб этиши керакли самарани бермайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики қайта молиялаштиришнинг индексация ставкаси варианты ва жаҳон амалиётидаги 5-8% йиллик даражага

мос келадиган ҳисоб ставкаси ўрнатилганда кредитларни коплаш учун банклар томонидан қайтарилаётган маблағлар миқдори тенг бўлади. Бундай ҳолда банклар учун кредит миқдорининг индексация қилиш варианты мақбул ҳисобланади. Кредитлар индексациясида ва ундан маҳсулот таннархига киритилган харажатларни молиялаштиришдан банк қисқа муддатли ссудаларга тенг бўлган фойда олади, инновацион корхоналар эса узоқ муддатли кредитлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиялаштириш тизими иккита асосий функцияни бажаради тақсимот ва назоратни. Тақсимот функцияси турли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида давлат бюджети маблағларини мақсадли йўналтиришни амалага оширади.

Молиялаштиришнинг назорат функцияси тақсимот функцияси устудан ҳамда пул маблағларини мақсадли фойдаланилганлик устидан назоратни амалга оширади. Бу ерда хўжалик юритувчи субъект маблағларидан қанчалик самарали фойдаланганлиги аҳамиятга эгадир. Маҳаллий ва хорижий инновацион корхоналар амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай хўжалик фаолиятини, шу жумладан инновацион соҳадаги тадбиркорлик самарадорлигини яқиний натижаси молия ресурсларни ўз вақтида ва йўналиши бўйича тақсимланишига боғлиқ бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги молиявий алоқалар тузилмасида инновацион корхоналарни молиялаштириш бошланғич ва ўзгарувчан характерга эга бўлиб турибди, чунки бу соҳа моддий ва номоддий эҳтиёжларнинг асосий қисмини яратаётган ишлаб чиқариш тизимида хизмат қилади. Бозор муносабатларини тартибга солиш шароитида инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими ўз хусусиятига эга бўлади ва давлат молия сиёсатининг асосий элементи сифатида қатнашади.

Ушбу инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими қуйидаги зарурий вазибаларни ҳал этиши лозим деб ҳисоблаймиз:

-тузилмавий-технологик қайта қуришни таъминловчи, мамлакат ҳужалиги комплексидаги барча буғунларни техник янгиликларни тез ва

самарали жорий этиш учун зарурий шароит яратиш;

-ривожланишнинг истиқболли йуналишларида стратегик илмий-техник салохиятни сақлаш ва ривожлантириш;

- фан ва техникадаги кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва уларни четга чиқишини олдини олиш мақсадида зарурий моддий рағбатлашни яратиш.

Инновацион корхоналар молиявий барқарорлигининг асосий шarti маҳаллий илмий-техник ишланмаларга бўлган ички талабни кенгайтириш ҳисобланади. Бу эса корхонанинг айланма маблағлари ҳажмини, давлат буюртмаларини, тижорат банклари узoқ муддатли кредитларини, мудофаа комплексини илмий-техник ва ишлаб чиқариш салохиятини ҳамда иш ҳақи ҳажмини ошириш орқали амалга оширилади. Буларнинг барчаси янги маҳсулотни дастлабки бoсқичларида ўзлаштириш жараёнидаги нарх ва тарифларни ўсишни чеклашга қаратилган давлатнинг назорати остида амалга оширилиши лoзим деб ҳисоблаймиз.

Инновацион фаолиятни бюджетдан ташқари қўллаб қувватлашнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат бўлади:

➤ инноваторларни, жумладан кичик тадбиркорликни давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоялаш ва қўллаб қувватлаш;

➤ давлат томонидан инноваторларга солиқ, кредит, божхона, амортизация, ижара (шу жумладан, лизинг ) бўйича имтиёзлар яратиш;

➤ бюджетдан ташқари инновацион лойиҳаларни молиялаштиришни давлат инновацион-инвестицион дастурлари мажмуасига киритиш;

➤ инновацион менежментни инновацион қарорларини иқтисодий асослаш, оптималлаштириш, прогнозлаш, таҳлил аспекти бўйича давлат стандартлари, методикалари, йўриқномалари, низомлари ва бошқа ҳужжатлар билан илмий-услубий таъминлаш;

➤ инновацион фаолиятни ахборот билан давлат томонидан таъминланиши;

➤ инноваторнинг ташқи иқтисодий фаолиятида давлат протекционистик сиёсатини амалга ошириш;



➤ инноваторларни янги маҳсулотни сертификатлаш, маркетинг тадқиқотлари, реклама ва сотишни амалга оширишда давлат томонидан ёрдам бериш;

➤ инноваторлар томонидан мураккаб техникаларни таъмирлашда давлат томонидан қўллаб қувватлаш;

➤ ички ва халқаро кооперацияни чуқурлаштиришда давлат томонидан қўллаб қувватлашни амалга ошириш;

➤ инновацион фаолиятнинг турли аспектларини қўллаб қувватлаш бўйича давлат бюджетдан ташқари фондлари, уюшмалари, ассоциациялар тизимини яратиш ;

➤ давлат бюджетдан ташқари фондлари маблағларидан фойдаланишни давлат тарафидан ҳисобга олиш ва назоратни амалга ошириш.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи қўйидаги кўринишдаги солиқ имтиёзларини қўллаш мумкин:

- тадқиқот ва инвестицион солиқ кредитларини тақдим этиш, яъни инновацион мақсадлардан олинган фойдани бир қисми бўйича солиқ тўловларини узайтириш;

- инновацион харажатларни ортиши билан солиқларни камайтириш;

- инновацион лойиҳаларни амалга оширишдан олинган фойда учун бир неча йиллар мобайнида “солиқ таътиллари” бериш ;

- инновацион ташкилотлар акциялари бўйича юридик ва жисмоний шахслар дивидентини имтиёзли солиққа тортиш;

- қўшма ва буюртмалар асосида ИТТКИ йўналтирилган фойда солиқ ставкасини камайтириш;

- бажарилаётган лойиҳалар истиқболини ҳисобга олган ҳолда имтиёзлар бериш;

- интеллектуал мулк таркибига кирувчи патент, лицензия, нау-хау ва бошқа номоддий активлардан фойдаланиш натижасида олинган фойдани имтиёзли солиққа тортиш;

- ОЎЮ, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа инновацион ташкилотларга берилаётган қурилма ва ускуналар қийматига тенг бўлган солиққа тортиладиган фойдани камайтириш;
- инновацияни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган фаолият юритувчи хайрия фондлари бадалларини солиққа тортиладиган фойдадан чегириш,
- инновацион ташкилот фойдасининг бир қисмини инновацион мақсад учун фойдаланган ҳолатда имтиёзли солиққа тортиш имкониятини берувчи махсус счётга йўналтириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ 576-сонли Қонунига асосан илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги тармоқларни яратиш, аҳоли турмуш даражаси, илм-фан ва таълим тизимларини сифат жиҳатидан юксалтириб бориш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади<sup>26</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки инновацион жараёнларни молиялаштиришни оптимал инструментларини излаб топиш муаммоси катта аҳамият касб этади, чунки инновацион фирма ихтиёрида бўлган ресурслар ҳажми ва характери инновацион стратегияни аниқловчи зарурий ташкил этувчи ҳисобланади. Жорий этилаётган инвестицион лойихалар илғор истиқболли техника ва технологик тенденцияларни қай даражада ҳисобга олганлиги микродаражада фирманинг олаётган фойда миқдорига боғлиқ бўлса, макродаражада эса мамлакатнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини ҳамда илмий техник тараққиёти даражасини амалга оширишда акс этади.

Халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳозирда қисқа муддатлар ичида ички ва халқаро бозор учун

---

<sup>26</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ 576-сонли Қонуни, 29 октябр 2019 йил.

рақобатбардош воситалар яратиш имконига эга бўлган юқори илмий-техник салоҳиятли, истиқболли соҳаларни яратиш ва фаолиятини амалга ошириш босқичида турибди. Бунинг натижасида биз миллий инновацион тизим ривожини ҳамда уни жаҳон илмий-техник тизимига интеграциясини кўришимиз мумкин. Бу эса мамлакатимизни иқтисодий ривожланишини янги инновацион моделига ўтишини таъминлашига асос бўлади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўллари айтилинг?
2. Мамлакатнинг инновацион ривожлантириш стратегияси индексини белгиловчи кўрсаткичларни айтиб беринг?
3. Капитал сифмкорлиги юқори маҳсулотлар деганда нимани тушунасиз?
4. Меҳнат сифмкорлиги юқори маҳсулотлар деганда нимани тушунасиз?
5. Инновацияларни молиялаштириш манбалари деганда нимани тушунасиз?.
6. Инновацион ярмаркалар деганда нимани тушунасиз?.
7. Инновацион фаолиятни ахборот таъминоти деганда нимани тушунасиз?
8. Кадрлар таъминоти деганда нимани тушунасиз?

### **ХIII Боб. Интеллектуал капитал, интеллектуал мулкни шакллантириш ва бошқариш**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда интеллектуал капитал, интеллектуал мулкнинг моҳияти ва таркибий тузилишини, интеллектуал капиталнинг қиймат моделини унинг яратилишини баҳолаш ҳуқуқини муҳофазалашни. Корхоналарда патент ҳуқуқи ва уларни муҳофазалаш ҳамда интеллектуал мулкни бошқариш тизимини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Интеллектуал капитал, интеллектуал қобилият, ихтиро, ижодий салоҳият, иқтисодий рағбатлантириш, интеллектуал салоҳият, мулкчилик ҳуқуқи, интеллектуал ижод, тижоратлаштириш, қиймат, ихтиро, патент, халқаро шартномалар, халқаро келишувлар.*

#### **13.1. Интеллектуал капитал ва интеллектуал мулкнинг моҳияти ва таркибий тузилиши**

Турли ривожланган мамлакатларда интеллектуал мулк етакчи бўлиб, умумий миллий маҳсулот ҳажмининг 50%ни ташкил этади. Мулк тури сифатида (давлат, хусусий, жамоат, ҳиссадорлик) у бозор муносабатлари объекти ҳисобланади, баҳоланиш қийматига эга, шартномалар ва битимлар, ҳуқуқлар бериш предмети бўлиши мумкин, товар айланмасига тижорат мақсадларда қўшилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168 сонли қарорига асосан товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир мутлоқ ҳуқуқ, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи (кейинги ўринларда-товар белгиси) ўша куннинг ўзида товар белгиси ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайтида мажбурий тарзда жойлаштирган ҳолда товар

белгилари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вужудга келади<sup>27</sup>

Бундай ҳамкорни танлаш истеъмол хусусиятларидан келиб чиқиши лозим. Бозорнинг тор сегментига йўналтирилганда – пациент-корхоналар ташкил этилади.

**Патент-корхоналар** бозорнинг тор сегментига ишлаган ҳолда, улар мода, реклама ва бошқа воситалар таъсирида шаклланган эҳтиёжларни қондиради. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши ҳамда кашфиётчилик фаоллиги пасайиши босқичларида фаолият кўрсатадилар. Ушбу корхоналардаги маҳсулот сифати ва ҳажмларига бўлган талаблар бозорларни эгаллаш муаммолари билан боғлиқ бўлади. Бунда ишланмаларни амалга ошириш ёки тўхтатиш, лицензияларни сотиш ёки харид қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш эҳтиёжи туғилади.

**Патент** – бутун жамият ва патент эгаси ўртасидаги шартномадир. Ушбу шартнома шартлари бўйича патент эгасига патентланган кашфиётни, белгиланган муддат давомида, ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишга тўсқинлик қилиш ҳуқуқи берилади. Патентларнинг амал қилиш муддати турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Патент муддати яқунлангандан сўнг, патентланган кашфиётдан ҳар ким эркин фойдаланиши мумкин бўлади. Патент, кейинчалик амалга ошириладиган тадқиқот ва ишланмаларни рағбатлантиради, чунки рақобатдошлар патентланган кашфиётларга ўхшаш бўлган кашфиётларни яратишга ҳаракат қилишади. Патент инновацияларни ҳам, патентдан фойдаланиш муддати давомида сарфланган харажатларни қоплаш имконини берган ҳолда инвестицияларни ҳам рағбатлантиради.

**Интеллектуал мулк ҳимояси** – муаллифларнинг ўз интеллектуал меҳнати маҳсулотига бўлган ҳуқуқларини, расмийлаштирилган тасдиғидир.

Мулкнинг бошқа турлари каби, интеллектуал мулк ҳам баҳоланиши, ҳисобга олиниши, сотилиши, ижарага берилиши, янги эгаларига

---

<sup>27</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168 сонли Қарори, 2019 йил 8 феврал

расмийлаштирилиши, тижорат айланмасига киритилиши мумкин. Интеллектуал мулк тўғрисида гап юритар эканмиз, иккита асосий тушунчани фарқлаш лозим: **муаллиф ва ҳуқуқ** эгаси.

**Муаллиф**– ўз ижодий меҳнати билан интеллектуал мулк объектини (кашфиёт, адабиёт асари, компьютер дастури ва ҳ.) яратган жисмоний шахсдир.

**Ҳуқуқ эгаси**– интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ва ушбу фойдаланиш орқали даромад олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг асосий турларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Товар белгиси, корхона номи ва хизмат белгилари** биринчи навбатда товар ва хизматларни келиб чиқиш манбасини кўрсатиш, уларни бошқа товар ва хизматлардан фарқлаш учун мўлжалланган. Улар шунингдек, тегишли товар ва хизматларнинг сифати тўғрисида ҳам ахборот беради. Булар қаторига белгилар, логотиплар, товуш сигналлари, тасвирлар ва ҳаттоки маҳсулотнинг нофункционал шакли ҳам киритилиши мумкин. Корхона белгилари маҳсулотни фарқлаш учун истеъмолчилар манфаатига ва рақобатни ривожлантириш учун хизмат қилар экан уларни амал қилиш муддатини истаганча узайтириш мумкин бўлади.

**Коммутант корхоналар** маҳсулот ишлаб чиқаришининг пасайиш босқичида фаолият юритади. Уларнинг илмий-техник сиёсати маҳсулотни ўз вақтида ишлаб чиқаришга қўйиш, виолент-корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг технологик хусусиятлари даражаси, эҳтиёжлар талабларига мувофиқ уларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишни талаб қилади.

Ишлаб чиқаришда технологик қўлланувчи билимлар меҳнатнинг моддий маҳсулотларига қараганда анча кечроқ мустақил маҳсулот хусусиятига эга бўлади. Бу илмий-техник ютуқларга мулкчилик ҳуқуқи ишлаб чиқилгач, имконли бўлди ва бунинг ёрдамида ихтиролар хусусий манфаатлари ва янги техника яратувчилари ҳуқуқлари ҳамда жамият ишлаб чиқариш кучларини такомиллаштириш учун ушбу ютуқлардан фойдаланиш тартиблари

белгиланади. Товар муносабатлари асосига қўйилган биринчи ҳуқуқий ҳужжат патент бўлди.

**Патент** (patents – очик, яққол) – ихтирочига бериладиган ва унинг муаллифлигини тасдиқлайдиган ҳамда ихтирога истисноли ҳуқуқ ва ундан фойдаланишга манопол ҳуқуқ берувчи гувоҳномадир. Патент амалий муддати 10-20 йил билан чегараланади. Патент билан боғлиқ юридик аҳамиятли ҳаракатлар содир этилгани учун патент божлари олинади.

1421 йилда Флоренция шаҳар бошқармаси томонидан архитектор, ҳайкалтарош ва олим Филиппе Брунеллескига берилган дунёдаги биринчи патент билан кема бурилиши крани ихтироси ҳимоя қилинганди.

Кейинчалик давлатлар патент эгалари ва товар белгилари ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар қабул қила бошлашди. Патент қонунлари АҚШда (1787), Францияда (1791), Россияда (1812) қабул қилинганди, товар белгиларини қайд этиш 1875 йилда Буюк Британияда бошланганди.

Амалий эҳтиёжларга йўналтирилган фаннинг ривожланиши ҳам технологиялар соҳасида товарга оид муносабатлар пайдо бўлишининг муҳим омили бўлди. Тадқиқотчилик меҳнатининг ёлланмага айланиши, кўп сонли корхоналарда илғор технологиялардан кўп марталик фойдаланиш эҳтиёжи технологиялар беришнинг лицензия каби шаклининг тарқалишига олиб келди. Лицензия – бу технология эгаси томонидан (лицензиар) маълум бир муддатга ва тўлов эвазига манфаатдор томонга (лицензиат) патент билан ҳимояланган ёки ҳимояланмаган шу технологиядан фойдаланишга бериладиган руҳсат.

Билимларнинг иқтисодий ривожланиш асосий омилига айланиш, бозорга интеллектуал мулк янги объектларининг чиқиши, товар, молия ва илмий-техник бозорларнинг глобаллашуви, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш глобал тизимини ишлаб чиқишга уринишлар XX аср сўнгги чорагида интеллектуал мулк бозорининг шаклланишига олиб келди.

**Интеллектуал мулк ҳуқуқи** – бу яратувчисининг ёки унинг қонуний меросхўрининг интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиш бўйича шундан билвосита ёки бевосита даромад олиш мақсадида яратувчиси номини

эслатиш ёки эсталмаслик билан хатти-ҳаракатлар содир этишга рухсат бериш ёки буни таъқиқлаш ҳуқуқидир.

Интеллектуал мулк натижасидан рухсатсиз фойдаланиш интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг таркибий қисмлари. Ҳуқуқлар, тавсиф. Яратувчидан алоҳида бериладиган мулкка оид ҳуқуқлар (иқтисодий мазмунга, ҳуқуқий ҳимоя муддатига эга) томонлар, яъни яратувчи ва жамият манфаатлари мувозанатини сақлаш. Ҳуқуқий қўриқлаш белгиланган ҳудудига эга. Ҳуқуқларининг берилиш иккиёқламалиги. Шахсий мулкка оид эмас, яратувчидан ажратилмас, берилмас (иқтисодий мазмунга, қўриқлаш муддатига эга эмас (мудатсиз)).

Интеллектуал мулк қонунчиликда кўзда тутилган усуллар билан (савдотик, айирбошлаш, ижара ва бошқалар) фуқаровий айланишга жалб этилганда даромад келтиришга қодир. Буни интеллектуал сармоя деб аташ мумкин. Молия ресурслари қўшимча манбаи сифатида интеллектуал мулкдан фойдаланиш усуллари шу мулкни хўжалик жамиятлари ва уюшмалари низомдаги сармоясига киритиш, корхоналар реал қийматини корхоналар активлари таркибида мулкка оид ҳуқуқлар қийматини ҳисобга олиш йўли билан ошириш ва бошқалар ҳисобланади.

Иккита мисол келтирамиз: 2000 йилда Н.Э.Бауман номидаги МДТУ талабалари Артём Юхин ва Андрей Климов А4Vision компаниясига асос солишди. Улар ҳар қандай уч ўлчовли юза, жумладан инсон юзининг ҳам рақамли нусхасини олиш имконини берувчи сканер яратишди. Унинг устига инсонни хабардор қилмасдан ҳам юзини «сканерлаш» мумкин. 2002 йилда фуқаро авиацияси Халқаро ташкилоти номи остида жаҳоннинг 188 та мамлакати Янгиорлеан битимини имзолашди ва у юз биометрикасини кейинги авлод паспортлари ҳамда чиқувчи визалар учун идентификация қилиш асосий технологияси деб эътироф этди. 2003 йилда «биометрик» дастурлар ва сканерлар савдосини йўлга қўйган компаниянинг айланма маблағи 1 млн АҚШ долларига яқинлашди. 2004 йилда А4Vision назорат пакетини Силикон



водийсининг энг кекса венчур фондларидан бири MentoVenture сотиб олди. Жалб қилинган пулларнинг асосий қисмини компания биометрик паспортлар устида олиб борилаётган ишга сарфламоқда. 2005 йил охиридан бошлаб бундай биопаспортларни АҚШ ва Евроиттифоқ фуқаролари олишмоқда, 2006 йилдан эса Россияда 2013 йилда Ўзбекистонда ҳам шунақа чет эл паспортлари берила бошланди.

Янги стандартнинг стандартлар бўйича Халқаро ташкилотнинг (ISO) биометрика бўйича кўмитаси томонидан маъқулланиши «уч ўлчамли фотография»нинг бу технологияси ягона халқаро стандарт сифатида бутун жаҳонда кейинги авлод паспортлари ва взаларида фойдаланилиши зарурлигини англатади.

Россияда инновацион фаолиятнинг ўта муҳим қисми сифатида интеллектуал мулк бозорини шакллантириш учун мос келувчи қонуний асос яратиш лозим; меъёрий методик база шакллантириш; амалдаги солиқ ва божхона қонунчилигини ўзгартириш ва тўлдириш зарур, чунки хўжалик айланишига интеллектуал мулкнинг қўшилувидан келувчи асосий даромад ишлаб чиқариш товар маҳсулотини сотиш ва янги маҳсулот чиқариш учун саноат технологияларидан фойдаланиш жараёнида юзага келади.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий техникавий даражасини таҳлил қилиш ва унинг истикболи янгиликларни жорий этиш жараёнида рол функцияларини ўзига олган «антрепренерлар» ва «интрапренерлар», «ғоялар генератори», «ахборот воситачилари» ва бошқалар мавжуд .

«**Антрепренер**» - инновациявий ташкилий технологик тайёргарлик асосларини бошқарувининг асосий унсуридир. Бу одатда, янги ғояларни қўллаб-қувватловчи ва илгари сурувчи, таваккалчилик ва ноаниқликдан қўрқмайдиган, ностандарт ечимларни изловчи ва қийинчиликларни енгишга тайёр бўлган раҳбар. Антрепренер учун олдиндан кўра билиш, ғояга содиқлик, ташаббускорлик, таваккалчиликка йўл қўйиш ва бюрократик тўсиқларни енгиб ўтиш каби шахсий хусусиятлар ҳам тавсифийдир.

Антрепренер ташқи вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлиб:

- ташқи муҳитда фаолият юритувчи ташкилот яратиш;
- ташқи фаолиятдаги корхона хизматларини мувофиқлаштириш;
- ташқи инновациявий муҳит объектлари билан ўзаро алоқада бўлиш;
- янги маҳсулотни бозорда илгари суриш;
- янги ишланмалар ва янги маҳсулотга бўлган эҳтиёжни белгилаш.

Шунинг учун ҳам антрепренер янги маҳсулот бўлимининг раҳбари, лойиҳа бошлиғи каби лавозимларни эгаллайди. Ташкилотда антрепренерлар кам бўлади.

**«Интрапренер»** - инновациявий бошқарувдаги яна бир муҳим шахс. Интрапренерларнинг ташкилотдаги сони нисбатан кўпроқ бўлиши лозим. Бу ички инновациявий муаммолар, ички инновациявий тадбиркорликга йўналтирилган мутахассис ва бошқарувчи. Унинг вазифаларига кўп сонли «ақлий ҳужумлар»ни ташкил этиш, янги ғояларнинг бирламчи кидируви, ходимлар инновациявий жараёнга киришиши учун шароит яратиш ва корхона «новаторлик» корхонаси деб ҳисобланиши учун новаторларнинг етарлича сонини таъминлаш киради. Одатда, бу юқори ижодий фаолликга эга гуруҳ раҳбари.

**«Ғоялар генератори»** - бу новаторлик ходимларнинг бошқа бир тури. Унинг тавсифий хусусиятларига қисқа муддат ичида кўп сонли оригинал таклифларни ишлаб чиқиш, фаолият соҳаси ва тадқиқот предметини ўзгартириш, мураккаб масалаларни ечишга интилиш, фикрлашдаги мустақиллик каби хислатларни киритиш мумкин. «ғоялар генератори» сифатида фақатгина етакчи олим ва мутахассислар эмас, балки муҳандислар, малакали ишчилар, функционал хизматлар мутахассислари ҳам хизмат кўрсатиши мумкин.

**«Ахборот воситачилари»** коммуникацион тармоқларнинг боғлама нуқталарида жойлашган бўлиб, ихтисослашган ахборотни жамлайди ва ўтказди, илмий-техник, тижорат ва бошқа хабарлар оқимларини назорат қилади. Улар энг янги билимлар ва етакчи тажрибаларни йиғади ва тарқатади, янги маҳсулот яратиш ёки корхонада ташкилий-иқтисодий ўзгаришларни

амалга оширишнинг турли босқичларида ижодий фаолиятни ахборот билан таъминлайдилар.

**«Ишбилармон фаришталар»** - таваккалчиликга эга лойиҳаларнинг инвестори сифатида чиқувчи шахслар. Одатда, бу нафақахўрлар ёки корxonанинг катта ёшдаги ходимлари. Улардан молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланишнинг қатор устунликлари мавжуд. Уларнинг кредити анча арзон, чунки жамғармалардан фарқли равишда уларнинг харажатлари камроқдир.

Ташкилот иқтисодий ўсиш даврида ишга штатдан ташқари ишчиларни қабул қилиши ҳам мумкин. Кейинчалик, иш фаолияти ҳажми қисқарганда, биринчи навбатда вақтинчалик ходимлар озод этилади.

Янгиликларларни ишлаб чиқаришни ташкилий технологик тайёргарлигининг асосларида инновациявий лойиҳанинг мақсадларидан бири, корхона ҳақиқатдан ҳам юқорироқ сифатга эга бўлган янги технологик маҳсулотларни талаб қилинган миқдорда ишлаб чиқариш қобилиятига эга эканлигини потенциал ҳамкорларга исботлашдан иборатдир.

Мана шундай янгиликларни корхона даражасида яратишда инновациявий лойиҳанинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- лойиҳа, инновация тури (қайта қуриш, янги технологияларни жорий этиш ва ҳ.) асосий мақсадларини аниқлаш ва лойиҳа корxonанинг умумий мақсадларига мос тушишини исботлаш;
- лойиҳани амалга оширишнинг конкрет натижаларини баён этиш (сотувлар ҳажмини X млн. сўмга ошиши, X млн. сўм миқдорида соф даромад олиш; мавжуд бозордаги корхона улушини X фоиздан Z фоизгача ошириш ва ҳ.);
- лойиҳани амалга оширишда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича корхона инновациявий стратегиясини танлаш;
- қабул қилинган инновациявий стратегия доирасида амалга ошириш учун муайян тадбирларни белгилаш;

- инновациявий лойиҳани амалга оширишда инвесторлар иштирок этишининг мумкин бўлган шакллари белгилаш;
- лойиҳани амалга ошириш натижасида корхона томонидан тақдим этиладиган маҳсулот ва хизматларнинг янги турларини белгилаш;
- молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- даражасини ҳисоблаш;
- қопланишнинг тахминий муддатини аниқлаш;
- инновациявий лойиҳанинг тахминий ҳаётий циклини ҳисоблаш;
- мазкур лойиҳа асосида корxonанинг кейинчалик ривожланиши истиқболларини белгилаш.

Мана шу юкорида таъкидланган инновациявий лойиҳа муайян бозор ва конкрет истеъмолчига йўналтирилган. Корхона бозордаги муваффақиятининг асоси бўлиб, товарлар ҳаётий циклини қисқартириш ва истеъмолчилар талабаларини ўзгартириш, ҳамда рақобат курашининг кескинлашуви билан боғлиқ бўлган янгиликларни, хусусан янги турдаги маҳсулот ва хизматлар устида узлуксиз иш олиб бориш хизмат қилади.

Технологияларни ривожлантиришда инновациявий лойиҳаларни ишлаб чиқишда, замонавий лойиҳалар, одатда, катта миқдордаги инвестицияларни талаб қилишини ҳисобга олиш лозим. Инвестициялар эса ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам инвестициялар масаласи мураккаб ҳисобланади, чунки инвестицияларга эга бўлиш учун лойиҳанинг фойдалилиги ва самарадорлигини исботлаб бериш лозим. Бунда молиялаштириш манбаси, унинг ҳажми, тўловлар даврийлиги ва миқдорини танлаш асосий ҳисобланади. Инвесторга яратилаётган лойиҳани ташкилий техникавий даражасини таҳлил қилиб моҳиятини тушунтириб бериш, ҳамкорлик устунликларини намоёни этиш ва асосийси инвестор олиши кутилаётган минимал ва максимал даромадлар истиқболи тўғрисида гап юритиш лозим. Ушбу кўрсаткичларнинг барчасини шундай тақдим этиш лозимки, улар инвесторга ўз таъсирини кўрсатган ҳолда уни капитал қўйилма амалга ошириш лозимлигига ишонтирсин.

Инновациявий лойиҳа етарлича тушунарли бўлиши лозим, у билан танишган ҳолда инвесторлар таклиф этилаётган дастур тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлишлари ва унинг мақсадларини англаб етишлари лозим. Инновациявий лойиҳанинг таркиби ва батафсиллик даражаси янгилик дастур ўлчамлари ва у амалга ошириладиган соҳага боғлиқ бўлади. Мисол учун, қандайдир маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ташкилий технологик инновацияни киритиш назарда тутилган бўлса, инновациявий дастурнинг пировард маҳсулоти ва бу маҳсулот бозорининг мураккаблилиги билан белгиланган батафсил режа ишлаб чиқилиши лозим. Инновациявий лойиҳанинг таркиби, шунингдек, режалаштирилаётган бозор ўлчами, рақобатдошлар мавжудлиги ва дастур натижаларини қўллаш истиқболларига боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, янгиликларни ишлаб чиқаришни ташкилий технологик томондан инновациявий фаолият ривожланишини замонавий босқичининг ўзига хос хусусияти йирик корхоналарда, ягона жараёнга тадқиқот ва ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи, илмий-техник мажмуаларнинг пайдо бўлишидир. Бу «таълим, фан - ишлаб чиқариш» цикли барча босқичлари ўртасида қалин алоқа бўлишини назарда тутди. Бир бутун илмий-ишлаб чиқариш-савдо тизимларини яратилиши объектив қонуниятга асосланган, ҳамда илмий-техник тараққиёт ва корхонанинг бозор эҳтиёжлари билан белгиланган бўлади.

Инновацияларни туркумлаштирувчи белгиларнинг асосийлари бу :

- категория ва синф. Категория, маҳсулот ҳаётининг қайси қисмида инновация амалга оширилишини аниқлайди;
- корхона фаолиятининг пировард маҳсулотидаги инновациялар;
- жараёнлар инновацияси – пировард маҳсулотни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш усулларига тегишли;
- процедуралар инновацияси – корхона ташкилий-бошқарув тузилмасини ривожлантириш услубларига тегишли;
- цикллар инновацияси – маҳсулот ҳаётининг бир нечта босқичларини ёппасига ривожланиши (жараён ва процедураларнинг ўзаро

фаолияти).

Бундай туркумлаштириш нафақат технологиялар балки процедуралар, стандартлар ва ёндашувларга ҳам нисбатан қўлланилиши мумкин. Инновацияларни туркумлаштиришнинг иккинчи белгиси бўлиши – инновациялар синфи – у ёки бу инновация томонидан амалга оширилган ўзгаришлар қанчалик катта эканлигини тавсифлайди

- **ўзгартирувчи** инновациялар – пировард маҳсулот, жараён, ҳаётий цикл соҳаларидаги унчалик катта бўлмаган ўзгаришлар;
- **яхшиловчи** (дистинктив) инновациялар–янги технология ва ёндашувларга асосланмаган аммо анча устуворлик ва яхшиланишни таъминлайди;
- **ёриб ўтувчи** инновациялар–фундаментал янги технология ва ёндашувларга асосланган. Олдин мумкин бўлмаган ёки номаълум функцияларни янги, олдингидан устун усулда амалга оширишга имкон беради;
- **интеграцияловчи** инновациялар – инновациялар биринчи учта синфининг ўзаро бирлашувидан фойдаланади. Интеграцияловчи инновациялар инновациявий жараённинг сўнгги босқичини амалга оширилишини таъминлайди.

Ёриб ўтувчи инновациялар яхшиловчи инновациялар сонининг кўпайиши оқибатида юзага келади, яхшиловчи инновациялар пайдо бўлишига эса ўзгартирувчи инновациялар оқими сабабчи бўлади. Фойдаланиш соҳаси каби, инновацияларнинг категорияси ва синфи ҳам фаолият соҳаси, корхона ёки бўлимнинг тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин. Мисол учун, Асака автомобил заводи конвейери учун ёриб ўтувчи саналган инновация, ишлаб чиқариш бўлими учун дистинктив инновация саналаши мумкин.

Корхона ичидаги барча нарса ушбу картанинг бир ёки бир нечта соҳаси доирасида инновацияларга дуч келиши мумкин. Инновациявий карта инновациялар ва уларнинг мақсадларини музокара қилишда ҳам фойдали, ҳамда ижодий жараённи яхшиловчи восита саналади.

## 13.2. Интеллектуал мулкни тижоратлаштиришнинг моҳияти ва амалга ошириш босқичлари

Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқар экан, бир қатор муайян манфаатларни кўзлайди. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатга хориждан янги технологиялар, ускуналар, “ноу-хау”ни олиб киришга, чет эллик мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини оширишга эришиш мумкин.

Шунингдек, хориж сармоялари ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, кўшимча иш ўринларига эга қилади, янги техника ва технологияларни иқтисодий тармоқларига олиб киради, мамлакат иқтисодийнинг жаҳон иқтисодийига интеграциялашувига ёрдам беради.

Бозор иқтисодий шароитларида инновацияларни амалга ошириш самарасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Аммо, ўтиш иқтисодийи учун ҳам у етарлича муҳим ҳисобланади.

Ҳисобга олинган натижа ва харажатларга боғлиқ ҳолда самаранинг куйидаги турлари фарқланади (13.2.1 - жадвал).

### 13.2.1- жадвал

Самара тури	Омиллар ва кўрсаткичлар
1.Иқтисодий	Кўрсаткичлар, инновацияни амалга ошириш билан белгиланадиган қиймат ифодасига эга барча натижалар ва харажатларни ҳисобга олади.
2.Илмий-техник	Янгилик, оддийлик, фойдалилик, дидга мослик, ихчамлик.
3.Молиявий	Кўрсаткичларни ҳисоблаш молиявий кўрсаткичларга асосланади.
4. Ресурс	Кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва у ёки бу ресурс турининг истеъмолига инновациянинг таъсирини кўрсатади.

5.Ижтимоий	Кўрсаткичлар, инновацияни амалга оширишнинг ижтимоий натижаларини ҳисобга олади.
6.Экологик	Шовқин, электрмагнит майдон, ёруғлилик, вибрация, зарарли газлар, оғир металллар. Кўрсаткичлар, инновациянинг атроф муҳитга бўлган таъсирини ҳисобга олади.

Натижа ва харажатларни ҳисобга олишнинг вақт даврига боғлиқ ҳолда, жорий давр самараси ва йиллик самара кўрсаткичлари фарқланади.

Қабул қилинган вақт даврининг давомийлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- инновациявий давр давомийлиги;
- инновация объектларининг хизмат муддати;
- бошланғич ахборотнинг ишончлилиги даражаси;
- инвесторлар талаблари.

Маълумки, самарадорликни баҳолашнинг умумий тамойили самара (натижа) ва харажатларни таққослашга асосланади.

Ушбу нисбат ҳам натурал, ҳам пул катталикларида ифодаланган бўлиши ва бунда бир хил вазият учун самарадорлик кўрсаткичлари турлича бўлиши мумкин. Аммо, асосийси «ишлаб чиқаришдаги самарадорлик – бу доимо нисбат» эканлигини билиш муҳимдир.

Умуман олганда, инновацияларнинг энг қулай вариантини танлаш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муаммоси, бир томондан, инновациялардан фойдаланишдан олинган пировард натижанинг, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларидан юқори бўлишини, иккинчи томондан эса, олинган натижаларни бошқа ўхшаш инновациялардан олиниши мумкин бўлган натижалар билан таққослашни талаб қилади.

Тезлаштирилган амортизацияни амалга оширувчи корхоналарда, тўғри вариантни тезда танлаш ва баҳолашга айниқса кескин зарурият пайдо бўлади. Натижаларни харажатлар билан таққослашга асосланган инновациялар



самарасини ҳисоблаш услуби, янги ишланмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради. Инновацияларнинг умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилиши мумкин:

**1. Интеграл самара ( $C_{\text{инт}}$ )** – бошланғич йилга олиб келинган, яъни дисконтланган, ҳисоб даври натижалари ва инновациявий харажатларининг айирмаси катталигидир.

$$C_{\text{инт}} = \sum_{t=0}^{T_x} (H_t - X_t) \cdot \alpha_t, \quad (13.1)$$

Бу ерда:  $T_x$  – ҳисоб йили;

$H_t$  –  $t$ -йилдаги натижа;

$X_t$  –  $t$ -йилдаги инновациявий харажатлар;

$\alpha_t$  – дисконтлаш коэффициенти.

Интеграл самара, шунингдек, соф дисконтланган даромад, соф келтирилган қиймат, соф келтирилган самара деб ҳам номланади.

**2. Инновациялар рентабеллиги индекси  $J_r$ .**

Дисконтлаш услуби – турли вақтда амалга оширилган харажат ва даромадлар услуби, маблағ кам бўлганда инновацияларга маблағ қўйиш йўналишини танлаш имконини беради.

Ушбу услуб, қаттиқ чегараланган бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар учун фойдали ҳисобланади. Бундай вазиятларда, барча мавжуд бўлган инновация вариантларини, уларнинг рентабеллиги пасайиши бўйича тартибга солиш таклиф этилади. Рентабеллик кўрсаткичи сифатида эса рентабеллик индексидан фойдаланиш мумкин. У шунингдек, даромадлилик индекси ва фойдалилик индекси деб ҳам аталади. Рентабеллик индекси – битта даврга олиб келинган даромадлар ва инновациявий харажатларнинг нисбатидир.

Рентабеллик индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$J_R = \frac{\sum_{t=0}^T D_j * \alpha_t}{\sum_{t=0}^T K_t * \alpha_t}, \quad (13.2)$$

Бу ерда:  $J_r$  – рентабеллик индекси;

$D_j$  –  $j$ -даврдаги даромад;

$K_t$  –  $t$ -даврдаги инновацияларга оширилган капитал қўйилмалар ҳажми.

Келтирилган ифода нисбатида инновацияларни амалга оширишнинг бошланишига келтирилган даромадлар катталиги, маҳражида эса инвестициялаш жараёнининг бошига нисбатан дисконтланган, инновацияларга киритилган инвестициялар катталиги ўз аксини топган.

Ёки бошқача қилиб айтганда, бу ерда тўлов оқимларининг даромад ва инвестициявий қисмлари таққосланади.

Рентабеллик индекси интеграл самара билан яқиндан боғлиқ, агарда интеграл самара  $\mathcal{E}_{\text{инт}}$  мусбат бўлса, унда рентабеллик индекси  $J_r > 1$ , ва аксинча.  $J_r > 1$  бўлганда инновациявий лойиҳа самарали ҳисобланади. Акс ҳолда, яъни  $J_r < 1$  бўлганда - самарасиз.

Маблағлар чекланганлиги ва танқислиги шароитида, рентабеллик индекси юқори бўлган инновациявий лойиҳалар устуворликга эга бўлиши керак.

**3. Рентабеллик меъёри  $E_p$**  – бу дисконтнинг шундай меъёрики, унда муайян йиллардаги дисконтланган даромадлар катталиги инновациявий қўйилмаларга тенг бўлади. Бунда инновациявий лойиҳанинг даромад ва харажатлари ҳисоб вақтига келтирилиш йўли билан топилади.

$$D = \sum_{t=1}^T \frac{D_t}{(1+E_p)^t}, \quad (13.3)$$

$$\text{ёки } K = \sum_{t=1}^T \frac{K_t}{(1+E_p)^t} \quad (13.4)$$

Ушбу кўрсаткич муайян инвестициявий қарорнинг, дисконт ставкаси билан ифодаланадиган даромадлилик даражасини бошқачароқ тавсифлайди. Рентабеллик меъёри кўрсаткичи шунингдек, **даромадлиликнинг ички меъёри, фойданинг ички меъёри, инвестицияларни қайтариш меъёри** деб ҳам аталади. Хорижда, рентабеллик меъёри, инвестициялар миқдорий

тахлилининг биринчи қадами сифатида кўп қўлланилади. Кейинчалик таҳлил қилиш учун, даромадлилик ички меъёри 15-20%дан кам бўлмаган инновациявий лойиҳалар танланади. Рентабеллик меъёри таҳлилий тарзда, инновациялар ҳаётининг иқтисодий муддатида ҳисобланган интеграл самара нолга тенг бўлишини таъминловчи, рентабелликнинг чегаравий қиймати сифатида аниқланади. Олинган  $E_p$  катталигини инвестор томонидан талаб қилинадиган рентабеллик меъёри билан таққосланади. Инновациявий қарорни қабул қилиш тўғрисидаги масала,  $E_p$  қиймати инвестор талаб қилган катталикдан паст бўлмаган тақдирдагина кўриб чиқиши мумкин.

Агарда инновациявий лойиҳа банк ссудаси ҳисобига тўлиқ молиялаштирилса, унда  $E_p$  банк фоиз ставкасининг мумкин бўлган максимал даражасини кўрсатади, фоиз ставкасининг ушбу даражадан юқори бўлиши лойиҳани самарасиз қилади. Бошқа манбалардан молиялаштиришга йўл қўйилганда эса,  $E_p$ -нинг қуйи чегараси, аванс капитали қийматига тенг бўлади. Ўз навбатида, аванс капитали, ундан фойдаланиш учун олиннадиган тўловнинг ўртача арифметик катталиги сифатида ҳисобланиши мумкин.

Шартли масалани кўриб чиқамиз. Йирик кашфиётни амалга ошириш учун узок муддатли кредитлар, акциялар ва давлат бюджети маблағларини жалб этишга тўғри келди. Молиялаштириш манбаларининг улуши ва уларга бўлган йиллик тўловлар мисоли 13.2.2-жадвалда келтирилган.

### 13.2.2- жадвал

Молиялаштириш манбалари	Улуши, %	Йиллик тўловлар, %
Узоқ муддатли кредитлар	40,0	12,0
Акциялар	40,0	15,0
Бюджет маблағлари	20,0	-
Жами	100,0	

Min  $E_p$ -дан иборат аванс капиталининг қиймати  $(12 * 40 + 15 * 40) = 10,8\%$  ёки 0,011га тенг бўлади.

Қопланиш даври  $T_0$  инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг энг кенг тарқалган кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Амалиётда фойдаланиладиган «капитал қўйилмаларни қопланиш муддати» кўрсаткичидан фарқли равишда, у ҳам даромадга эмас, балки инвестициявий маблағлар ва пул оқимларини дисконтлашга асосланади. Мамлакатимиздаги мавжуд ички ресурсларимиз кўламини кенгайтириш борасида Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда 6 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағга эга бўлган ушбу Фонд стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бормоқда.

Бозор шароитидаги инвестициялаш катта таваккалчилик билан боғлиқ ва қўйилмаларни қопланиш муддати қанчалик узоқ бўлса таваккалчилик ҳам шунчалик юқори бўлади. Бу вақт давомида бозор конъюктураси ҳам, нархлар ҳам анча ўзгариши мумкин. Бундай ёндашув айниқса илмий-техник тараққиёт суръатлари юқори бўлган тармоқ ва маҳсулотлар учун долзарб ҳисобланади, чунки уларда янги технология ёки маҳсулотнинг пайдо бўлиши олдинги инвестицияларни пучга чиқариб ташлаши мумкин.

Ва ниҳоят, «қопланиш даври» кўрсаткичи танланишининг яна бир сабаби сифатида, инновациявий тадбир амалга ошишига бўлган ишончсизликни ва инвестор узоқ муддатга қўйилма амалга ошириш истагида бўлмаслигини келтириш мумкин.

#### **4. Қопланиш даври формуласи қуйидагича ифодаланади:**

$$T_0 = \frac{K}{D} \quad (13.5)$$

Бу ерда:  $K$ - инновацияларга киритилган бирламчи капитал қўйилмалар;

$D$  – йиллик пул даромадлари.

Янги техникани жорий этишнинг иқтисодий самарасини ҳисоблаш услубиётини мисолларда кўриб чиқамиз.

1 - мисол. Пайвандлаш бўйича янги ускуна жорий этилмоқда. Вақт омилини ҳисобга олган ҳолда мазкур ускунадан фойдаланишнинг иқтисодий самарасини

аниқланг.

Кўрсаткичлар	Ҳисоб даври йиллари					
	1	2	3	4	5	6
Натижалар-Р	14260	15812	16662	18750	26250	28750
Харажатлар – З	996	4233	10213	18140	18396	20148
10% даромад ставкасидаги дисконтлаш коэффициенти	0,9091	0,8264	0,7513	0,683	0,6209	0,5645

Ечим: ҳисоб даври йиллари, яъни ускуна жорий этишнинг 6 йили мобайнидаги дисконтланган натижалар ва дисконтланган харажатларни топамиз.

1.  $H = (14260 * 0,9091) + (15812 * 0,8264) + (16662 * 0,7513) + (18750 * 0,6830) + (26250 * 0,6209) + (28750 * 0,5645) = 12963,8 + 13067,0 + 12518,22 + 12806,3 + 16298,6 + 16229,4 = 83883,3$  пул бирлиги.

2.  $X = (996 * 0,9091) + (4233 * 0,8264) + (10213 * 0,7513) + (18140 * 0,6830) + 18396 * 0,6209) + (20148 * 0,5645) = 905,5 + 3498,2 + 7673 + 12389,6 + 11422 + 11373,5 = 47261,8$  пул бирлиги.

№	Инвестициялар (К), млн. сўм.	Режалаштирилган даромад, млн. сўм.
1	446,5	640,2
2	750,6	977,5
3	1250,0	1475,5

3.  $C = \sum H - \sum X.$

Яъни, пайвандлаш ускунасидадан фойдаланишнинг иқтисодий самараси  $(83883,3 - 47261,8) = 36621,5$  га тенг бўлади.

2-мисол. Жорий этиш учун учта кашфиёт таклиф этилган. Улардан қайси бирининг рентабеллиги катта эканлигини аниқлаш лозим.

Ечим: Даромдлилик индексини топамиз.

$$J_{\text{дар}} = \frac{D}{K_T} * 100\% .$$

Биринчи кашфиёт бўйича:

$$J_{\text{дар}} = \frac{1475,5}{1250,0} * 100\% = 118,04\% .$$

Иккинчи кашфиёт бўйича:

$$J_{\text{дар}} = \frac{977,5}{750,6} * 100\% = 130,23\% .$$

Учинчи кашфиёт бўйича:

$$J_{\text{дар}} = \frac{640,2}{446,5} * 100\% = 143,38\% .$$

Шундай қилиб, инновациялардан фойдаланишнинг самараси ҳисобга олинадиган натижа ва харажатларга боғлиқ бўлади. У натижалар ва харажатлар нисбати орқали белгиланади.

Инновациявий фаолият натижалари муайян буюмлашган шаклга эга бўлиши ёки буюмлашмаган шаклда (мисол учун, ноу-хау) бўлиши мумкин.

Янгилик (инновация) яратувчилари уларга муаллифлик ёки унга боғлиқ ҳуқуқларни олади. Оқибатда, **интеллектуал мулк** каби юридик тушунча пайдо бўлади. Ушбу тушунча, 1967 йилда Интеллектуал мулк бутунжаҳон ташкилотига асос солган Конвенцияда кўзда тутилган.

Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг қонуний ҳимоя қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168 сонли қарорига асосан товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир мутлоқ ҳуқуқ, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи (кейинги ўринларда- товар белгиси) ўша куннинг ўзида товар белгиси ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайтида мажбурий тарзда

жойлаштирган ҳолда товар белгилари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вужудга келади<sup>28</sup>.

Интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқларини сақлаш соҳасида қатор қонунлар ҳам мавжуд.

Интеллектуал мулк объектлари корхона ва ташкилотлар томонидан қўлланилиши, уларга даромад олиб келиши мумкин. Улар номоддий активлар таркибига киритилади.

Кашфиётларни ҳимояловчи ҳужжатлар сифатида патентлар, муаллифлик гувоҳномаларини келтириш мумкин.

### **13.3. Интеллектуал мулкни яратиш, баҳолаш ҳуқуқий муҳофазани таъминл ашнинг ўзига хос жиҳатлари**

Кейинги йилларда бозорларда трансмиллий фирма ва корпорациялар асосий ўринни эгалламоқда, бу эса амалдаги субъектлар сонининг қисқаришига олиб келди, аммо савдо маркалари кўпайди ва уларнинг пайдо бўлиш суръати тезлашди, мавжудлик муддати қисқарган янги товарларни ишлаб чиқариш тезлиги ошади ҳамда бу ҳолат инновацияларни жорий этишга ва янги брендлар, товар турлари юзага келишига туртки бўлди; бозорларнинг сегментацияси кўпайди, янги маҳсулотни бозорга чиқариш қиймати ошди; истеъмолчиларнинг феъл-атвори ўзгарди; ахборот манбаларига йўл очилгани боис улар маҳсулотлар, хизматлар ва рекламага янада талабчанроқ бўлишди. Бозорлардаги ўзгаришлар инновацион фаолиятга катта таъсир қилади. Бинобарин, омадсиз ўринишлар фоизи ҳам ўсади ва бу маҳсулотлар мавжудлик муддати қисқариши ҳамда янги маҳсулотларни ривожлантириш ва олға суришга ҳаражатнинг ўсиши билан боғлиқ. Шу сабабли янги маҳсулотни ишлаб чиқиш, янгиликларини яратиш жараёни алоҳида аҳамият касб этади.

Энг кенг тарқалганлари бу мазкур бозор ичида юзага келувчи маҳсулотлардир. Ушбу инновациялар янги категориялар ёки бозорларни яратмайди, янги маҳсулот эса дастлабки ғоя юзага келган категория доирасида

---

<sup>28</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168 сонли Қарори, 2019 йил 8 феврал

пайдо бўлади. Улар аниқ бир маҳсулот ёки хизматнинг исталган асосий хусусиятлари турларининг кенгайиши ёки қисқариши, ташқи безакнинг ўзгариши, маҳсулот ўрамаи ёки хизмат кўрсатиш муҳитининг ўзгаришига асосланади. Янгиликларни бундай яратиш энг кенг тарқалгандир, у бозорга ижобий таъсир кўрсатади, чунки унинг ҳажмини оширади ва эҳтимолли истеъмолчиларнинг ҳақиқийсига айланишини таъминлайди.

Янгиликларни яратишнинг муқобил йўли – мавжуд бозордан ташқарида юзага келувчи маҳсулотлардир. Маҳсулотнинг тўлиқ ўзгариши ҳолатларида янги вазиятлар, аввал эътиборга олинмаган янги категориядаги истеъмолчилар пайдо бўлади. Бундай турдаги инновациялар устунлиги шундан иборатки, бозорнинг бир қисмини босиб олиш ўрнига янги бозор яратилади.

Мисол қилиб, ёқилғи қуйиш шаҳобчаларида даромад олишнинг муқобил манбаи сифатида озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш ғоясини олиш мумкин. Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар йирик шаҳарларидаги ёқилғи қуйиш шаҳобчаларида мева, нон, сабзавотлар ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш мумкин. Унинг устига, агар бир литр бензинни сотишдан тушган даромад 1%га яқинни ташкил этса, озиқ-овқат дўконларининг ўртача даромади – 50%дан ортиқроқдир. Бошқа бир мисол. Интернет янгилик бўлган, ҳар ким ҳам фойдалана олмаган пайтларда қаҳвахоналар миждозларига интернетга уланиш имтиёзи берилди. Ушбу ғояни амалга ошириш янги тадбиркорлик – интернет-қаҳвахоналар яратилишига олиб келди. Уларнинг хўжайинлари кўпроқ вақтини шу ерда ўтказишидан манфаатдор, чунки қаҳва сотгандан кўра, интернет хизматини тақдим этишдан катта даромад олишди.

Инновацияларга келтирилган иккита ҳар хил ёндашувда биринчи ҳолатда мавжуд бозор доирасидаги ўзгартиришлар, иккинчисида эса маҳсулотнинг мувофиқ ўзгаришлари ва янги истеъмолчиларни жалб қилиш билан янги категорияни яратиш акс этган.

Биринчи ёрдашув вертикал маркетингни акс эттиради – изчил ва мантиқий фикрлаш жараёни орқали умумийдан хусусийга; иккинчи ёндашув –



латерал маркетинг – оригинал ва ижодий фикрлашдан фойдаланиб, хусусийдан умумийга.

Филип Котлер ва Фернандо де Без Триаслар «Маркетингга оид янги технологиялар» китобида латерал маркетингнинг қуйидаги таърифни келтиришади: «Бу мавжуд маҳсулотлар ёки хизматларга нисбатан қўлланилиш натижасида айна пайтда қамраб олинмаган эҳтиёжларни, мақсадли истеъмолчиларни ёки вазиятларни қамраб олувчи инновацион маҳсулот ёки хизматларни берадиган иш жараёнидир ва шу тарзда у янги категориялар ёки бозорларни яратиш учун юқори даражадаги имкониятлар тақдим этувчи жараён ҳисобланади».

Латерал маркетинг анаъанавийдан бир қатор фарқларга эга – у ўзгаришларни рағбатлантириб, яққол маъносиз ҳам маҳсулот ёки хизматларнинг бошқа категорияларига тез сакраб ўтиши мумкин; янги қарашга олиб келиши мумкин бўлган ҳеч бир имкониятдан воз кечмайди; аниқ бир маҳсулотга мансуб бўлмаган категориялар ёки товарлардан фойдаланиши мумкин, вертикал маркетинг эса эҳтимолли бозор тавсифидан ташқарида бўлган концепцияларни истесно этади.

Маҳсулот ёки хизмат рақобат қилаётган бозор латерал маркетинг унсурларини ўз ичига олади. Булар «эҳтиёж», «мақсад», «шароит» кабилар. Шароит «макон», «замон», «вазият» ва «тажриба» муштарақлигидан иборат.

Ҳеч бир маҳсулот, ҳеч бир хизмат ушбу унсурларсиз мавжуд бўла олмайди. Улардан бирининг ўзгариши товар, хизмат ва янги унсур орасида узилиш пайдо бўлишини келтириб чиқаради. Шу унсурлардан бирини истесно қилиш ёки қайта яратиш, шулардан иккитасини бирлаштириш бўйича операцияларни амалга ошириш учун маълум саъи-ҳаракатлар талаб этилади.

**Эҳтиёжнинг ўзгариши.** Фирмалар кўшимча даромад манбаларини қидирадилар (масалан, таксомотор парки такси ҳафдовчиларидан ҳужжатлар солинган пакетларни тез етказиб беришда фойдаланишни таклиф этади).

**Мақсаднинг ўзгариши.** Мазкур маҳсулот ёки хизмат бозорида эҳтимолли мақсадли мижоз бўлмаган истеъмолчиларни танлаш ва жалб қилиш.

**Шароитнинг ўзгариши.** Аввал фойдаланилмаган маҳсулотни амалга ошириш жойи, шароити ва вазиятини таклиф этиш.

**Вазиятнинг ўзгариши ва тажрибадан фойдаланиш.** Бошқа маҳсулотлар мустаҳкам ўрин эгаллаган, таклиф этилаётганидан эса фойдаланилмаган соҳада кўлланади. Масалан, таваккалчилик хавфини ўзи учун қабул қилиш (кўприкдан резина арқонларда сакараш) экстремал туризм ва спортининг пайдо бўлиши ва тарқалишига олиб келади.

Корхона инновационлиги мезони унинг бозордаги иштирокни сақлаб туришва кенгайтиришга доимий стратегик йўналиши ҳисобланади. Стратегик амалга ошириш йўллари аниқлаши учун фирма белгиланган маррага эришишининг батафсил маркетинг режасини тайёрлаши зарур. Одатда, бундай режа олтига бўлимдан иборат бўлади: вазият таҳлили, мақсадлар, стратегия, тактика, бюджет ва назорат.

**Вазият таҳлили.** Фирма макромиқёсда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, технологик вазиятни таҳлил қилади ва унинг атрофидаги иштирокчи шахсларни (компанияни, рақобатчиларни, сотувчилар ва таъминотчиларни) текширади. Бунинг учун фирма одатда кучли ва заиф томонлар, имкониятлар ва хавф-хатар таҳлилини ўтказди.

**Мақсадлар.** Таҳлил жараёнида белгиланган имкониятлардан келиб чиқиб, фирма мақсадлар ва соҳиб (ҳиссадор)лар манфаатлари ҳамда тадбиркорликка алоқаси бўлган бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг бажарилиш вақтини белгилайди.

**Стратегия.** Белгиланган мақсадларга эришиш учун энг самарали хатти-ҳаракатлар йўналиши танланади. Стратегияни ишлаб чиқиш учун энг яхши қоидалардан бири мазкур мақсадли бозорнинг истеъмолчилари нимани яхши кўришлари ва нимани ёқтирмасликларини аниқлашга уринишдан иборат.

**Тактика.** Батафсил ишлаб чиқилиши зарур: маҳсулот, нарх, жой, олға суриш, одамлар, жараён, режани амалга оширишдаги тақвим муддатларида аниқ бир ходимлар томонидан бажариладиган хатти-ҳаракатлар.

**Бюджет.** Белгиланган маррага етиш учун фирма бюджетда мувофиқ

тадбирларни амалга ошириш учун етарлича маблағни кўзда тутиши лозим.

**Назорат.** Фирма режа бажарилиши устидан назорат муддатларини белгилайди, зарурат туғилганда эса режаларни таҳрир қилиш чораларини қабул қилади: мақсадлар, стратегия қайта кўриб чиқилади ёки тактика ўзгартирилади.

Алоҳида бир шахс ёки жамоанинг ижодий саъи-ҳаракатлари натижасида яралган интеллектуал маҳсулот интеллектуал хусусий мулк асосини ташкил этади.

У турли шаклларда бўлиши мумкин: кашфиёт ва ихтиролар, янги маҳсулот ва техника намуналари, янги технологиялар, илмий-ишлаб чиқариш, консалтинг, молия-иқтисодий, бошқарув, маркетинг хизматлари ҳамда адабий-бадий ижоднинг ҳар хил турлари.

Интеллектуал мулк тушунчасининг мазмуни интеллектуал мулк Бутун жаҳон ташкилоти (ИМБТ) конвенциясида баён этилган: «Интеллектуал мулк адабий, бадий ва илмий асарлари, радио ва телевизион намоишларга; инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги ихтироларга; илмий кашфиётларга; ишлаб чиқариш намуналарига; савдо белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номлари ва тижорий аломатларга; адолатсиз рақобатга қарши ҳимояга тааллуқли ҳуқуқларни ҳамда ишлаб чиқариш, илмий, адабий ва бадий соҳалардаги интеллектуал фаолиятга даҳлдор бошқа ҳуқуқларни ўзида мужассам этади».

Иқтисодий тараққиётда интеллектуал мулк ролини юксак баҳолаш муболаға бўлмайди. Бу – барча давлатларнинг асосий заҳираси, чунки учинчи минг йилликда иқтисодиёт тараққиётининг асосий рағбатлантирувчиси табиий ресурслар эмас, балки интеллектуал фаолият натижалари бўлади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк тизими асосида ижодий фаолият, унинг натижалари, улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ва ҳуқуқий ҳимоя масалаларини тартибга солувчи қонуний меъёрлар ётади. Қонунлардан ташқари, интеллектуал мулк тизими яхлитлиги унинг ишлашини, қонуний ҳимоясини ва қонунбузарликларга қарши курашни ташкил этувчи давлат ҳокимияти органлари томонидан таъминланади.

РФ Савдо-саноат палатаси ишлаб чиққан баҳолаш методикасига кўра, бугунги кунда россия интеллектуал мулкнинг бозор қиймати 220-250 млрд АҚШ долларини ташкил этар экан. Шундан учдан бирига талаб йўқ, эскирган ёки чет элга чиқиб кетмоқда. Қолган қисмининг ярми Россияда қайд этилган, ammo чет эл компанияларига тегишли хорижий патентлар ва савдо белгилари билан намоён этилган. Россияда ва хорижда яратилаётган ҳамда кўрикланаётган илмий фаолият натижалари ўзаро нисбати уларнинг фойдасига эмас. Россияда ҳуқуқ ҳимояга яратилаётган натижаларнинг 10%дан ками тақдим этилади. Ўз мутахассисларимиз ишланмаларини ҳимоя қилишнинг бошқа жихати – уларни хорижда патентлаш. Ўз олимларимизнинг чет эл фирмалари маҳсулоти кўринишидаги натижалари кўп ҳолларда ўзлари яратилган Россияга чет элдан кириб кела бошлайди. Россияда бу турдаги фаолиятни тўхтатувчи ҳуқуқий асос йўқ. Агар америкалик ихтирочи АҚШда эмас, чет элда ихтиросини эълон қилса, бу ҳолатда у қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади – икки йилга қамоқ жазоси ёки 10 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлайди.

Аксарият россиялик корхоналар ва компаниялар расмий ҳисоботларида кўрсатилган номоддий активлар (интеллектуал мулк эса айнан шулар билан тавсифланади) ҳиссаси фоизнинг юзинчи улушларини ташкил этади. Бу солиққа тартиш белгиланган тартиби ва ҳеч қаерда ҳисобга олинмаган интеллектуал мулк унинг учун бериладиган маблағ миқдорини камайтириш имконини бериши билан юзага келган. Етакчи хорижий фирмаларда интеллектуал мулк улуши учдан икки, баъзан бундан ҳам кўроқ активларни ташкил қилади.

**Интеллектуал мулк** – бу индивидуал ёки жамоавий субъектларнинг илмий-техник, адабий ва бошқача ижодини мужассам этувчи бирор-бир объектив шаклларда ифодаланган идеал объектларга эга бўлиш, фойдаланиш, қўллаш муносабатларидир. Интеллектуал мулк инсон онги, ақли маҳсулининг натижаси бўлиб, унинг чегаралари мислсиз кенг, имкониятлари туганмас, ўзгариши шунчалик тезкорки, бир неча йиллар давомида интеллектуал мулкнинг

янги турлари юзага келади, унинг структураси ва функциялари ўзгаради.

**Интеллектуал мулкнинг барча объектлари** – ақлий фаолият натижалари ёки намоёнларидир. Кўп ҳолларда ушбу маҳсулотлар инсон истеъдодининг фан, техника, адабиёт, санъат соҳаларидаги билвосита ва бевосита намоёни ҳисобланади.

Инсон меҳнатининг бошқа маҳсулотлари каби интеллектуал фаолият натижалари баҳланиш қийматига эга. Улар маҳсулот айирбошлашга тижорат асосда киритилиши, иқтисодий, ижтимоий ва бошқача фойдали самара бериши, шахсий ва жамоат эҳтиёжларини қондириши мумкин. Мулк субъекти ўз ҳукуми ва ўз манфаатларидан келиб чиқиб, учинчи шахсларни аралаштирмаган ҳолда интеллектуал фаолият маҳсулотларини ўзлаштиришни, эгалик қилишни, фойдаланиш ва қўллашни амалга оширади.

Интеллектуал мулк маҳсулотлари намоддий хусусиятга эга маълум бир ахборот ташувчилар бўлиб, бу ахборот илмий-техник ёки тижорат айланишига фақатгина ҳужжатларда расмийлаштирилсагина маҳсулот сифатида қўшилиши мумкин. Ижодий меҳнат натижаси ўлароқ интеллектуал мулк маҳсулотларидан кўпчилигининг муаллифи бор. Товар белгиси ва бошқача аломатлар оддий меҳнат субъектлари ва маҳсулотларини (товарлар, хизматлар) индивидуаллаштиради.

Интеллектуал маҳсулотлар вақт ўтиши билан ахлоқий ва жисмоний эскирадиган «истеъмолдаги нарсалар»га мансуб эмас.

Интеллектуал фаолият натижаларидан бир вақтнинг ўзида чегараланмаган миқдордаги шахслар фойдаланиши мумкин. Нафақат мулкдорлар, балки зарурий лицензия сотиб олингач, исталган субъектлар, қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса интеллектуал маҳсулотнинг хўжайини ихтиёрига зид равишда фойдаланиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектлари орасида тизимли алоқа мавжуд. Илмий ва техник жараён тараққиётининг ҳар бир босқичида аввалгиларига маълум даражада боғлиқ бўлган янги интеллектуал маҳсулотлар шаклланади ва ривожланади.

Интеллектуал мулк объектлари интеллектуал фаолият натижаларига расман тасдиқланган ҳуқуқлар ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектлари (ИМО):

- муаллифлик ҳуқуқи объектларига (фан, адабиёт ва санъат асарлари);
- оралиқ ҳуқуқлар объектлари (эфир ва кабели намойиш, ижро, фонограмма);
- саноат мулки объектлари (ихтиролар фойдали моделлар ва ишлаб чиқариш намуналари, фирма номлари, товар белгилари, маҳсулот юзага келган жойлар белгиси);
- илмий ва илмий-техник соҳа объектларига (интеграл микросхемалари, селекцион ютуқлар, ихтиролар ва бошқалар) бўлинади.

Алоҳида бир шахс ёки жамоанинг ижодий саъи-ҳаракатлари натижасида яралган интеллектуал маҳсулот интеллектуал хусусий мулк асосини ташкил этади.

У турли шаклларда бўлиши мумкин: кашфиёт ва ихтиролар, янги маҳсулот ва техника намуналари, янги технологиялар, илмий-ишлаб чиқариш, консалтинг, молия-иқтисодий, бошқарув, маркетинг хизматлари ҳамда адабий-бадий ижоднинг ҳар хил турлари.

Интеллектуал мулк тушунчасининг мазмуни интеллектуал мулк Бутун жаҳон ташкилоти (ИМБТ) конвенциясида баён этилган:

- «интеллектуал мулк адабий, бадий ва илмий асарлари, радио ва телевизион намойишларга;
- инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги ихтироларга;
- илмий кашфиётларга;
- ишлаб чиқариш намуналарига;
- савдо белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номлари ва тижорат аломатларга;
- адолатсиз рақобатга қарши ҳимояга тааллуқли ҳуқуқларни ҳамда ишлаб чиқариш, илмий, адабий ва бадий соҳалардаги интеллектуал фаолиятга даҳлдор бошқа ҳуқуқларни ўзида мужассам этади».

Иқтисодий тараққиётда интеллектуал мулк ролини юксак баҳолаш муболага бўлмайди. Бу – барча давлатларнинг асосий заҳираси, чунки учинчи минг йилликда иқтисодиёт тараққиётининг асосий рағбатлантирувчиси табиий ресурслар эмас, балки интеллектуал фаолият натижалари бўлади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк тизими асосида ижодий фаолият, унинг натижалари, улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ва ҳуқуқий ҳимоя масалаларини тартибга солувчи қонуний меъёрлар ётади. Қонунлардан ташқари, интеллектуал мулк тизими яхлитлиги унинг ишлашини, қонуний ҳимоясини ва қонунбузарликларга қарши курашни ташкил этувчи давлат ҳокимияти органлари томонидан таъминланади.

Интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бировга беришнинг кенг тарқалган шакли франчайзинг ҳисобланади. Атама французча franchise сўзидан келиб чиққан бўлиб, «имтиёз», «енгиллик» маъносини беради. Франчайзинг шартномалари ва тадбиркорликни франчайзингли тармоқлар шакллантириш йўли билан ташкил этиш тадбиркорлик соҳасида қўлланилади ва янги хўжалик мажмуаларини яратиш, товар ва хизматларни сотиш тармоғини (дўконлар, ресторанлар, меҳмонхоналар ва ҳоказо) кенгайтириш мақсадида тузилади.

Франчайзинг қурилиши асосида бир томон (франчайзер) бошқасига (франчайзи) пул эвазига унга тегишли интеллектуал мулкдан франчайзер ишлаб чиққан ва қўллайдиган иш юритиш тизимини қўллашдек зарур шартда фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этувчи келишув ётган вертикал интеграллаштирилган тизимдир.

Франчайзинг, франчайзер ва франчайзи орасидаги ўзаро муносабатларнинг анча мураккаб тизимини ва ҳар хил шаклларини тақозо қилади. Ўзаро муносабатлар иштирокчиларнинг соҳавий мансублиги, стратегик мақсадлари, ресурслари, минтақавий жойлашуви ва бошқаларга боғлиқ, шу сабабли шартнома ягона моделини ишлаб чиқиш деярли мумкин эмас.

Франчайзингга хос бир қатор белгиларни алоҳида ажратиш мумкин. Булар қуйидагилар: франчайзерда интеллектуал мулкка расман тан олинган ҳуқуқларнинг ва иш юритиш тизимининг (ишлаб чиқилган стандартлар, ноу-

хау ва бошқалар) мавжудлиги. Шартнома тузиш олдида франчайзер иш юритиш учун франчайзига зарур маълумотларни ошкор этиши, ҳамокрлик жараёнида эса зарурий ёрдам кўрсатиши (техник ҳужжатлар, ўқитиши ва хоказо) лозим. Франчайзи ишларни франчайзер талабларига тўла мувофиқ тарзда олиб бориш, ўз маблағлари ҳисобидан ишга сармоқя киритиш ва франчайзерга томонлар келишувидаги муқофотни тўлаш масъулиятини олади. Франчайзинг муносабатлар узок муддатлигини ва томонлар юридик мустақиллигини кўзда тутди.

Фойдаланувчи ҳуқуқ эгасининг ишлаб чиқариш сирларини ва ундан олган махфий тижорий ахборотларни ошкор этмаслиги; ҳуқуқ эгаси фирма номи ва тижорий белгисидан шартномада кўрсатилган тарзда фойдаланиши; кўрсатилаётган хизматлар сифатининг бевосита ҳуқуқ эгаси кўрсатаётган муқобил хизматлар сифатига мос келишини таъминлаши; ҳуқуқ эгаси кўллайдиган, жумладан тижорат хоналарининг ташқи ва ички безатилишига тегишли алоҳида ҳуқуқлар мажмуидан фойдаланиш хусусиятлари, усуллари ва шартлари мувофиқлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқ эгаси йўриқлари ҳамда кўрсатмаларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчи шунингдек, истеъмолчиларни тижорат концессияси шартномасига кўра, у ҳуқуқ эгасининг фирма номи, товар белгиси ёки индивидуаллаштириш бошқа воситасидан фойдаланилаётганлигидан хабардор қилиши, ҳамда истеъмолчиларга улар бевосита ҳуқуқ эгасидан хизматни олган тақдирларида кутишлари мумкин бўлган барча қўшимча хизматларни кўрсатиш лозим.

Европа Иттифоқи Европанинг аксарият патентлари америкалик ва япниялик фирмаларга тегишли эканлигидан хавотирланиб, Ҳамжамият патенти ҳақидаги Низомни маъқуллади ва бу АҚШ ҳамда Японияда мавжудларига таққосласа бўладиган патентни Европада олиш учун ҳаракат қилишга имкон берди, шу билан инновацион имкониятларни кучайтириб, европалик компаниялар рақобатбардошлигини оширди.



Интернетдан тижорат мақсадларида ойдalанишнинг ўсиши билан муаллифлик ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ишлар сони кескин кўпайди. Европа Иттифоқида кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда индивидуал ихтирочилар эҳтиёжларига мўлжалланган интернет патент тақсимлаш хизмати (DIPS) ташкил этилди.

Патент ва лицензиядан ташқари кўпгина мамлакатларда қуйидагилар интеллектуал мулк ҳимоя шакллари ҳисобланади:

- копирайт (ишлаб чиқариш ҳуқуқи) – адабиёт, санъат, аудио ёки видеоасарларни чиқариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёр. Асарга тушириладиган айлана ичидаги лотинча С ҳарфи мазкур асар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланганини билдиради;

- товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси – товарларни бажарилаётган ишларни ҳамда юридик ёки жисмоний шахслар кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштириш учун хизмат қилувчи белгилардир.

Фирма номи – қайд этилгач, муддатсиз ҳисобланиб, фирма тугатилса барҳам топади, аммо сотилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168 сонли қарорига асосан товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир мутлоқ ҳуқуқ, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи (кейинги ўринларда- товар белгиси) ўша куннинг ўзида товар белгиси ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайтида мажбурий тарзда жойлаштирган ҳолда Товар белгилари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вужудга келади<sup>29</sup>

Ушбу қонунга кўра фан, адабиёт ва санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқи унинг яратилиши билан юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага

---

<sup>29</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168 сонли Қарори, 2019 йил 8 феврал

келиши ва амалда татбиқ этилиши учун асарни қайд этиш, асарни махсус расмийлаштириш ёки бошқа бир расмиятчилика риоя қилиш талаб этилмайди.

Алоҳида муаллифлик ҳуқуқи эгаси ўз ҳуқуқларини эълон қилиши учун асарнинг ҳар бир нусхасида жойлаштириладиган ва уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқини кўриқлаш белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга: айлана ичидаги лотинча С ҳарфи, алоҳида муаллифлик ҳуқуқига эга шахснинг номи, асар биринчи нашрининг йили.

Хизмат мажбуриятларини ёки иш берувчи хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга муаллифлик ҳуқуқи хизматга доир асар муаллифига тегишли.

Бироқ, хизматга доир асардан фойдаланишга алоҳида ҳуқуқлар муаллиф меҳнат муносабатларида бўлган (иш берувчи) шахсга тегишли, агар у ва муаллиф орасидаги келишувда бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса. Хизматга доир асарнинг фойдаланиш ҳар бир турига муаллифлик мукофоти ҳажми ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Қонун муаллиф розилигисиз ва муаллифлик ҳақисиз (асаридан фойдаланилаётган муаллиф номини, олинган манбани кўрсатиш шарти билан) асардан фойдаланишга йўл қўйиладиган ҳолатларни белгилайди. Илмий, тадқиқот, полемик, танқидий ва ахборотга оид мақсадларда ҳуқуқий эълон қилинган асарлардан кўчирма (цитата) мақсади билан ўзини оқлайдиган ҳажмда кўчирма келтиришга йўл қўйилади; газетларда, эфирда жорий сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича мақолаларни чиқариш ҳамда омма олдида айтилган сиёсий нутқларни келтириш.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва ўлимидан кейин 70 йил амалда бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи мерос бўйича ўтади. Муаллифлик ҳуқуқи, муаллиф номига ҳуқуқ ва обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз кўриқланади, аммо мерос бўлиб ўтмайди. Асарларга муаллифлик ҳуқуқи амала қилиши муддатининг тугаши уларнинг жамоат мулкига ўтишини

билдиради ва бу ҳар қандай шахсга ундан муаллифлик ҳақини тўламасдан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

### **13.4 Интеллектуал капитал ва интеллектуал мулкни бошқариш тизими**

«Инсон ресурсларини» бошқариш инновациявий сиёсатини ўтказишнинг сўнгги бўғини бўлиб, самарадорликни ва иш сифатини ошириш масалаларини ҳал этишга ходимларнинг кенг доирасини жалб этишни тақозо этади.

Корхонада янгиликларни ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражаси ва уларга таъсир қилувчи омилларини жорий этишни рағбатлантирувчи ва уларга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Тўсқинлик қилувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қуйидан чиқарилаётган янги ғояларга менежерлар томонидан бўлган ишончсизлик;
- келишилган янги ғоялар кўплигининг лозимлиги;
- новаторлик таклифларини баҳолашга бошқа бўлимларнинг қўшилиши;
- хатога йўл қўйилгандаги тезкор танқид ва ишдан озод этиш;
- новаторнинг ҳар бир «қадамини» назорат қилиш;
- новаторлик таклифи бўйича «парда орқасида» қарор қабул қилиш;
- пайдо бўлиши.

Новаторликни қўллаб-қувватловчи омиллар:

- янгилик ишлаб чиқиладиганда эркинлик бериш, новаторларни лозим бўлган ресурслар ва ускуналар билан таъминлаш, юқори раҳбарият томонидан уларни қўллаб-қувватлаш;
- мунозаралар олиб бориш ва ғоялар билан айирбошлашишни ташкил этиш;
- ҳамкасблар, бошқа бўлинмалар, олий ўқув юртлари ва ташқи илмий ташкилотлар билан самарали алоқаларни олиб бориш;
- ишчиларнинг ўзаро бир-бирини тушунишини чуқурлаштириш.

Новаторликни кучайтирувчи омиллар:

- ходимларнинг доимий тарзда ўқиш ва малакасини ошириш истагини қўллаб-қувватлаш;
- таълим тизимида махсус билимлар ва кўп фанлар бўйича тайёрловни бирлаштириш;
- олиб борилаётган ўзгаришлар тўғрисида ўз фикрини билдириш имконияти;
- касблар ўриндошлигини рағбатлантириш;
- турли хил ишлар ва функционал мажбуриятлар ўртасидаги чегараларни йўқ қилиш;
- у негатив тусга эга бўлса ҳам мазмунли ахборотни тақдим этиш;
- боришишчи гуруҳларнинг мунтазам мажлисларини ўтказиб;
- ўзгаришлар лозимлигини мантиқий тушунтириш, ўзгаришларга ишонч ва уларни тўғри қабул қилиш муҳитини таъминлаш.

Корпоратив бошқарув новаторларга нисбатан дифференциациялашган ёндашув лозимлигини тан олади. Назарий тарзда бундай ёндашув асосига инновациявий жараён иштирокчиларининг ролларини турларга ажратиш масаласи қўйилиши мумкин. Натижада ишчиларнинг қуйидаги турлари ажратилади (ёки уларга бўлган эҳтиёж аниқланади):

- ИТТКИ босқичида ҳам, янги маҳсулотларни яратиш ва амалга ошириш босқичида ҳам янги ғоялар ташаббускорлари;
- доимий коммуникацияларни таъминловчилар, турли хилдаги илмий-техник ва бозор ахборотларини жамлайди ва уларни тарқатади;
- янги ғоялар илгари сурилиши учун шароит яратувчи, янги маҳсулот яратувчи иштирокчиларни пировард натижага йўналтирувчи, янги маҳсулот ва корхона янгиланишида етакчи рол ўйновчилар.

Инновациявий фаолиятда тадбиркор ва раҳбарлар, турли хил мутахассислар ва ходимлар банд бўладилар. Инновациявий жараённинг ўзига хос амалиёти, янгилик киритувчилар (новаторлар), раҳбарлар ва бажарувчиларнинг ўзига хос турларини ва ролларини ишлаб чиққанлар.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

- 1.Интеллектуал капитал деганда нимани тушунаси?
2. Интеллектуал капиталнинг таркибий тузилишини айтинг?
3. Инсондаги интеллектуал қобилият деганда нимани тушунаси?
- 4.Интеллектуал мулкни тижоратлаштиришнинг моҳияти ва амалга ошириш босқичлари айтинг?
5. Интеллектуал капиталнинг қиймат моделини айтинг?
6. Ихтиро, рационазаторлик тушунчаларига таъриф беринг?
7. Интеллектуал мулкни бошқариш тизимига таъриф беринг?
8. Халқаро шартномалар ва келишувлар деганда нимани тушунаси?

#### **XIV Боб. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш**

**Ўқув мақсади:** *Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялашнинг моҳияти ва асосий турларини ҳамда уларнинг туркумланишини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Илмий кашфиётлар, илмий кашфиётларнинг турлари, илмий тадқиқотлар, ихтиролар, лицензиялаш, зоя, технология, инновацион лойиҳалар, инновациялаштириш стратегияси, тижорат сирлари, тижорат сирларининг туркумланиши.*

##### **14.1. Илмий кашфиётларнинг моҳияти ва асосий турлари**

Инновациялар, янгиликлар назариясининг марказий категорияси бўлган ҳолда янгиликлар ишлаб чиқаришни ташкилий технологик тайёргарликнинг, инновациявий жараёнларнинг моҳиятида хусусиятларини ҳам белгилайди. Инновациявий фаолиятнинг мавжуд хусусиятлари, инновациявий объектларни бошқариш жараёнларига шарт ва чегара қўяди. Шунинг учун ҳам, янгиликлар туркумлаштирилишини нафақат назарий, балки инновациявий менежментда қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш лозим.

Адабиётларда мавжуд бўлган инновациявий жараён элементларининг кўп сонли таъриф ва тушунчаларига қарамасдан, Й.Шумпетер томонидан таклиф этилган, ва унинг иқтисодий ривожланиш назарияси асосини ташкил этган, туркумлаштириш бошланғич нуқта сифатида хизмат қилади.

Умумий кўринишда инновацияларда янгиликларни ишлаб чиқариш ташкилий технологик тайёргарлик асослари қуйидаги категорияларга бўлинади: технологик ва нотехнологик.

**Технологик** инновациялар янгиликларни ишлаб чиқариш ривожланиши интенсивлиги тавсифи бўла туриб, ишлаб чиқариш воситалари, услублари, технологиялари ва илмий-техник тараққиётни белгиловчи бошқа омилларни ўз ичига олади.

**Ташкилий**, бошқарув, ҳуқуқий, ижтимоий ва экологик характердаги инновациялар – нотехнологик инновацияларга мисол бўла олади.

**Биринчи** ёндашув кўпгина олимлар томонидан ишлаб чиқилган, аммо

уларнинг ичидан Г.Менш ва Х.Фрименни алоҳида ажратиш мумкин. Айнан Г.Менш ва Х.Фримен, Й.Шумпетернинг назариясини давом эттириб, янгилик даражасидан келиб чиққан ҳолда базис, яхшиловчи ва сохта янгилик турларини кўшишни таклиф этишди.

**Базис** инновациялар, саноат, бизнес, савдо бозорларининг янги соҳалари пайдо бўлиши учун бошланғич нуқта вазифасини бажаради. Улар техника ва технологияларнинг янги авлодини шакллантиради, илмий кашфиётларни амалий қўлланилиш миқёсларини акс эттиради. Бундай янгиликлар натижаси бўлиб, рақобатдошлар устидан узоқ муддатли устунликни таъминлаш ва унинг асосида бозордаги мақеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айнан базис инновациялар, кейинчалик рўй берадиган яхшилашларнинг манбаи бўлади. Базис янгиликларнинг шаклланиши маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида юқори таваккалчилик даражаси билан кўзатилади.

**Яхшиловчи** янгиликлар базисга нисбатан иккиламчи ҳисобланади, улардан сўнг пайдо бўлади ва мавжуд техника, машиналар тизими, ишлаб чиқариш услубларини рационаллаштириш имкониятларини акс эттиради. Яхшиловчи янгиликлар, рақобатдошликни таъминловчи маҳсулотни дифференциациялашга бўлган интилишнинг мантиқий натижасидир. Маҳсулотни яхшилаш маҳсулот истеъмол қийматининг паст таваккалчилигини ошишини ва ишлаб чиқариш харажатлари камайишини назарда тутаяди.

**Сохта янгиликлар** гуруҳи учун эса, техник тараққиёт ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжлар эмас, балки иккиламчи омиллар (мода, жамият кайфияти ва ҳ.) натижасида пайдо бўладиган, мавжуд маҳсулотлардаги ўзгаришлар хосдир.

Базис ва яхшиловчи янгиликларнинг таққослама тавсифлари 14.1.1-жадвалда келтирилган

Келтирилган туркумлаштиришдан кўришиб турибдики, илмий кашфиёт ёки ягона намуна сифатидаги янгиликларнинг мавжудлиги фақатгина илмий ёки муаллифлик аҳамиятига эга, ва у оммавий ишлаб чиқарилган тақдирдагина тижорат нуқтаи назаридан фойдали бўлади (14.1.1-жадвал).

## Базис ва яхшиловчи янгиликларнинг таққослама тавсифлари

Тавсифлар	Базис янгиликлар	Яхшиловчи янгиликлар
<b>А. Таваккалчилик ва қийинчиликлар</b>		
1. Муваффақиятсиз лойиҳалаштириш таваккалчилиги	Юқори эҳтимол	Кичик эҳтимол
2. Бозорда сотиш қийинчиликлари	Юқори эҳтимол	Ўрта эҳтимол
3. Лойиҳа бюджетини нооптимал лойиҳалаштириш таваккалчилиги	Қийинлашган	Осон амалга оширилади
4. Лойиҳани вақт бўйича самарасиз режалаштириш	Қийинлашган	Осон амалга оширилади
<b>Б. Ишни ташкил этиш</b>		
1. Лойиҳа раҳбари тури	Мутахассис эмас	Мутахассис
2. Тадқиқот жамоасининг оптимал шакли	Кучли етакчига эга гуруҳ	Демократик бошқариладига н гуруҳ
3. Инновацияларга қаршилик кўрсатиш	Жуда кучли	Меъёрда
4. Лойиҳа куратори	Корхонанинг юқори раҳбари	қўйилган менежер
<b>В. Натижалар</b>		
1. Маҳсулотнинг янгилик даражаси	Жуда юқори	Кичикдан ўртагача
2. Бозордаги ўрнини ўлчаш	Жуда ката	Кучсиздан ўртагача
3. Узок муддатли рақобат устунликлари	Жуда ката	Кичикдан ўртагача



Технологик жиҳатларни ўрганишда, Х.Фримен янгиликларни маҳсулот-инновация ва жараён-инновацияларга ажратади. Ушбу ёндашувдаги туркумлаштириш белгиси сифатида эса «ўзгаришлар объекти»дан фойдаланилди: принципиал янги маҳсулот ёки олдин ўзлаштирилган маҳсулотларнинг такомиллаштирилган ишлаб чиқариш усули қаралади.

**Маҳсулот инновациялари** янги маҳсулотлар нархини ошириш ва сотувлар ҳажмини ошириш ҳисобига даромад ўсишини таъминлаш имконини беради. Аммо ушбу омиллар корхона стратегиясида барқарор эмас, чунки корхона рақобатдошлари ҳисобига узоқ вақт давомида қўшимча даромад ола олмайди. Чунки, кам харажатлар билан ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар пайдо бўлиши жараёнини тўхтатиб бўлмайди. Корхона бозорнинг тегишли сегментига ўз ўрнини шакллантириб кириб борган ҳолда, мазкур маҳсулот бўйича талабни ўзига қарата олса, сотувлар ҳажми омилининг таъсири мумкин бўлади.

**Технологик инновациялар**, ресурслар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни оптималлаштириш, ҳамда истиқболли технологияларни ташкил этиш ҳисобига иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имконини беради.

А.Кляйнкнехт ва Р.Кумбс томонидан таклиф этилган инновацияларни яна бир туркумлаштириш белгиси бўлиб, янгиликларнинг *тармоқ келиб чиқишига* хизмат қилади :

- истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи тармоқлардаги янгиликлар;
- тиббиётдаги янгиликлар;
- инвестициявий товарларни ишлаб чиқарувчи тармоқлардаги янгиликлар;
- оралик товарларни ишлаб чиқарувчи тармоқлардаги янгиликлар;
- саноат мақсадларида қўллаш мумкин бўлган, илмий фаолиятда қўлланиладиган янгиликлар;
- ҳарбий мақсадларда қўлланиладиган янгиликлар.

Ушбу ёндашув янгиликларнинг иқтисодиётни турли соҳаларига диффузиясини назарда тутмайди ва инновацияларнинг сифат фарқини акс эттирмайди.

Янгиликнинг олдинги маҳсулотга муносабати, деб номланган туркумлаштириш белгисига мувофиқ қуйидагилар ажратилади:

- ўрнини босувчи (эскирган аналог ўрнига қўлланиладиган ва жорий этилган технологик жараёнда кўпроқ самара олишни таъминлайдиган);
- рад этувчи (олдин қўлланилган маҳсулот ва жараёнларни ҳеч нима билан алмаштирмасдан туриб рад этадиган);
- қайтарувчи (амалиёт давомида бирор хатоликлари маълум бўлган инновацияларни ўрнига қайтадан қўлланиладиган олдинги маҳсулот ва жараёнлар);
- кашф этувчи (принципиал янги маҳсулот, жараён ва хизматларни яратиш воситаси бўлиб хизмат қиладиган);
- ретро янгиликлар (кўп вақт олдин эскирган, аммо замонавийлаштирилган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулот, тамойил ва жараёнлар).

Яна битта белги сифатида *янгилик ҳажми* ҳам қўлланилиши мумкин бўлиб, унга мувофиқ инновациялар қуйидагиларга бўлинади:

- нуқтали (бир нусхадаги янгиликлар);
- тизимли (технологик тизимлар, ташкилий тузилмалар ва ҳ.);
- стратегик (ишлаб чиқариш, бошқариш, ташкил этиш тамойиллари ва ҳ.).

Мақсадлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда янгиликлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, меҳнат шароитларини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатдошлигини ўстиришга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Технологик янгиликларнинг ижтимоий жиҳатларини акс эттириш учун ижтимоий оқибатлар белгиси киритилиб, у инновацияларни ижобий (меҳнат шароитларини ва экологик вазиятни яхшилаш, ишчилар малакасини ошириш ва ҳ.) ва салбий (ишчилар томонидан ижтимоий статуснинг йўқотилиши, касб обрўсининг пасайиши ва ҳ.) таъсир кўрсатувчиларга ажратади.

Гуруҳлашнинг яна бир кўрсаткичи – инновациявий жараён иштирокчиларининг таркиби, унга асосан инновациялар ташкилот ичидаги ва ташкилотлараро бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, инновациявий жараён – ўзаро боғлиқ элементлардан ташкил топадиган инновациявий ўзгаришларни тайёрлаш ва аста-секин амалга оширишни акс эттиради. Ушбу жараён натижаси бўлиб, амалга оширилган ўзгариш кўринишидаги инновация хизмат қилади. Инновациявий жараён нафақат вақт (ғоя пайдо бўлишидан уни амалга оширишгача), балки маконда ҳам (илм соҳасидан, ишлаб чиқариш орқали, истеъмол соҳасигача) ривожланади.

Инновациявий жараён тузилмасининг тадқиқоти қуйидаги схема мавжудлигини кўрсатади:

***Илм-фан → тадқиқот → ишлаб чиқиш → ишлаб чиқариш → сотув → истеъмол.***

Ушбу схемани янада батафсилроқ таҳлил қиладиган бўлсак, инновациявий жараён қуйидаги тузилма билан таърифланиши мумкин:

***Фундаментал тадқиқотлар → амалий тадқиқотлар → тажриба-конструкторлик ишлари → бирламчи ўзлаштириш → тарқатиш → янгиликдан фойдаланиш ва унинг эскириши → янгиликни такомиллаштириш ва янги фундаментал натижалар зарурияти.***

Ҳар бир босқич, бошқарувнинг турли хил шакли ва услубларини қўллаш заруриятини аниқловчи ўз хусусиятларига эга. Аммо бунга қарамасдан, ушбу босқичларнинг интеграциялашувигина инновациявий жараёнлар муваффақиятини таъминлаши мумкин. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, алоҳида битта босқичда бошқарув механизмини такомиллаштириш бутун инновациявий жараён натижавийлигини оширмаслиги ҳам мумкин. Айрим босқичлардаги етакчи натижалар бошқаларда ўз қийматини йўқотади ва бутун ишлаб чиқариш такомиллашувига унчалик ёрдам бермайди. Шунинг учун ҳам, бутун жараён узлуксизлиги, эгилувчанлиги ва динамизмини таъминловчи, босқичлар бирлашмаси муҳим аҳамият касб этади. Инновациявий жараён самарадорлигини оширишда эса бошланғич маркетинг тадқиқотлари ва бозор таҳлили айниқса муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда инновациялар назарияси ҳолатининг ва корхоналарда

инновациявий жараёнларни бошқаришни ташкил этиш муаммоларининг таҳлили кўрсатишича, инновациявий фаолиятнинг самарадорлиги у қанчалик тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Муайян корхонада инновациявий жараёнларни ташкил этишнинг ўзи жиддий муаммолардан бирига айланади. Ҳозирги кунда инновациявий жараённи ташкил этишнинг кўплаб моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бири корхона ривожланиши даражасидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ ёки қисман фойдаланилиши мумкин.

Инновациявий менежментнинг мақсади, вазифалари ва услубларининг тадқиқотини давом эттириш учун, **инновациявий менежмент объектини** ифодалаш ва унинг асосий тавсифлари ва хусусиятларини аниқлаш лозим. Бунинг асосий зарурияти шундаки, инновациявий менежмент корхонанинг рақобат асосида ривожланиши стратегиясининг асосий элементларидан бири бўлган ҳолда, бошқарув инфратузилмасига ҳам муҳим таъсир кўрсатади.

Ушбу муаммо бўйича адабиётларда инновациявий менежмент объекти сифатида, ижтимоий-иқтисодий объект миқёси, мақсади ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда **инновациявий фаолият** ёки **инновациявий жараёнлар** белгиланади.

Инновациявий лойиҳа – амалиётда кенг тарқалган инвестициявий лойиҳанинг хусусий ҳолати бўлиб, инновацияни амалга оширишга йўналтирилган тадбирлар мажмуасидан иборат бўлади. Инновациявий лойиҳани ишлаб чиқишдан олдин қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- бозордаги техник янгиликлар ва тенденциялар, ҳамда харидорлар истақлари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ва тизимлаштириш;
- потенциал маҳулотларни ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш бўйича корхона имкониятларини таҳлил қилиш, таваккалчиликларни баҳолаш;
- ўрганилган ғоялар танловини ўтказиш.

Инновациявий лойиҳани яратишнинг биринчи босқичи бўлиб илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) хизмат қилади. ИТИ самарадорлигини тўғри танланган илмий тадқиқотлар йўналишлари, ушбу йўналишларнинг бундай тадқиқотлар билан шуғулланувчи илмий бўлинмалар ихтисослашувига мувофиқ келиши

белгилаб беради. ИТИ мазмуни ва амалга ошириш босқичлари ечилаётган вазифа хусусиятларига боғлиқ бўлади. Аммо, ҳар ҳолда ИТИ ҳам фундаментал, ҳам амалий тадқиқотларни ўз ичига олади. Фундаментал тадқиқотлар асосан давлат томонидан молиялаштирилса, амалий тадқиқотлар – хусусий корхоналар томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилади.

ИТИ ўтказишнинг асосий босқичлари қуйидагилар бўлиши мумкин :

- техник топшириқни (ТТ) ишлаб чиқиш. Унда ишнинг мақсад ва вазифалари белгиланади, адабиётлар маълумотлари ва ўз эксперт билимларини қўллаган ҳолда янги маҳсулот олиш технологияси асосланади. Бундай асослаш тадқиқот йўналишини тўғри танлаш ва янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича муҳандислик ишларини бажариш учун муҳимдир. ТТ ИТИни бошлаш учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. ТТ буюртмачи билан келишилиши шарт;
- назарий тадқиқотлар, ҳамда эксперимент, у лаборатория шароитида қўйилиши ва/ёки математик моделлардан фойдаланган ҳолда моделлаштирилиши мумкин;
- тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш учун тавсиялар бериш.

ИТИ корхоналарнинг илмий-тадқиқот бўлинмалари ва/ёки илмий-тадқиқот институтлари, инжиниринг компаниялари, олий ўқув юртлари, нотижорат ташкилотларида амалга оширилади.

Бу ишларни четдан келиб бажарувчилар билан корхона шартнома имзолайди. ИТИ оптимал қўйилиши кўп сонли вариантлар ўртасида инновациявий масала ечимини топишни назарда тутди. Буни турли хил бажарувчилар томонидан муқобил тадқиқотлар амалга оширилиши билан таъминлаш мумкин. ИТИ бажариш натижасида, тажриба-конструкторлик ишларига техник топшириқ ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган, ишлаб чиқилаётган инновациявий технологиянинг миқдор кўрсаткичлари аниқланади.

Инновациявий лойиҳани ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичи бўлиб тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш хизмат қилади, унинг асосий

босқичлари қуйидагилар:

- конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- тажрибавий қурилмани лойиҳалаштириш ва яратиш, маҳсулотнинг тажрибавий партиясини ишлаб чиқариш;
- технологик регламентни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқиладиган технологияни техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Инновациявий лойиҳанинг тўртинчи босқичи – буюртмалар портфелига мувофиқ яратилган маҳсулотни ишлаб чиқаришдир.

Бешинчи босқич – узоқ муддатли фойдаланиш маҳсулотлари учун эксплуатация ёки буюртмачи томонидан истеъмол қилиниши.

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни етказиб бериш шартномаси белгилайди. Анъанавий фаолият билан биргаликда инновациявий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар, инновациявий лойиҳаларни амалга оширишнинг энг қулай шаклини танлаш имкониятига эга.

Инновациявий жараён кўпгина иштирокчилар ва манфаатдор ташкилотларни қамраб олади. У давлат (республика) ва давлатлараро даражада, минтақавий ва тармоқ соҳаларида, маҳаллий бўлинмаларда амалга оширилиши мумкин. Барча иштирокчилар ўз мақсадларига эга ва уларга эришиш учун ўз ташкилий тузилмаларини таъсис этади.

Йирик ва майда ташкилотларнинг инновациявий фаоллиги турлича бўлиб, у уларнинг мақсадлари ва стратегияларига мувофиқ келади. Шунинг учун ҳам корпорациялар ўз атрофида кичик инновациявий корхоналар тармоғини ташкил этиб, уларнинг раҳбарларини махсус «инкубатор дастурлар» ёрдамида ўқитишади. Бундай ташкилотлар «инкубатор корхоналар» шаклига эга.

Янги мураккаб саноат маҳсулотлари ва технологияларини тарқатиш, айрим ҳолларда «франчайзинг» ёки «лизинг» ташкилий шаклида амалга оширилади.

Минтақавий илмий-техник ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш турли хил илмий (университет), саноат ва молиявий ташкилотлар

бирлашмасини: турли хил илмий-саноат марказларини ташкил этиш билан боғлиқ.

Инновациявий лойиҳаларнинг таваккалчилиги туфайли «венчур жамғармалар» кўринишидаги инвесторларнинг ташкилий шакллари ва «таваккалчиликли инновациявий корхоналар» кўринишидаги янгилик яратувчиларнинг инновациявий шакллари пайдо бўлади.

Катта ресурсларни жалб қиладиган ва узоқ муддатга мўлжалланган алоҳида аҳамият касб этувчи давлат дастурлари, илмий ва технологик парклар, технополислар пайдо бўлишига олиб келади.

Халқаро илмий-техник ва савдо муносабатларининг ривожланиши кўпгина маҳсулотлар бозорининг глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимооти ҳамда турли хил альянслар ва қўшма корхоналар яратилиши билан боғлиқ.

Компания раҳбарлари шундан келиб чиқадики, тижорат муваффақиятига эришиш учун инновациявий ғоялар, кашфиётлар ва таклифларнинг юқори «зичликдаги» оқими лозим. Рақобатнинг янгилик, нарх, сифат, ишонччилик, мустаҳкамлик каби параметрлари ролининг ошиши, кўпгина ходимлар, охир оқибатда эса бутун корхона персонали олдида доимий ва умумлашган «ақлий хужум» вазифасини кўяди.

## **14.2. Илмий кашфиётлар, ихтиролар, лицензиялашни**

### **инновациялаштириш стратегияси ва улар бўйича тўловлар тартиби**

Давлат ташкилотларининг инновацион соҳадаги асосий функциялари қаторига илмий - тадқиқот ва инновацияларга йуналтирилган маблағларни жамлаш, инновацион фаолиятларни мувофиқлаштириш, инновациялар ва рақобатни рағбатлантириш, инновацион рискларни суғурталаш, эскирган ва сифатсиз маҳсулотларни чиқаришга санкция белгилаш, инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш, инновацион фаолиятни кадрлар билан таъминлаш, инновациялар инфратузилмасини шакллантириш, тармоқларда инновация жараёнларининг институционал таъминотини яратиш, инновацияларни ижтимоий йуналтирганлигини таъминлаш, инновацион фаолиятнинг жамиятдаги

мавқеини ошириш ва ҳакозо.

Ўзбекистонда 2015 йилда 500,4 млрд сўм миқдордаги 6241 дона корхоналарни техникаларини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган ва туманлар кесимида “Корхоналарни техникаларини молиялаштириш ҳамда етказиб бериш дастури” тасдиқланган. “Ўзқишлоқмашлизинг” компанияси 424,2 млрд. сўмлик қийматдаги 5171 дона техника лизинг асосида, 71,6 млрд сўм миқдордаги 614 дона техника тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан ва 4,6 млрд сўмлик 456 лона техника фермер ва корхоналарни корхоналарининг ўз ҳисоб маблағлари эвазига етказиб берилиши ҳақида маълум қилди.

Жаҳон ва маҳаллий тажрибалар шундан далолат берадики, давлатнинг устивор қўллаб – қувватлаш йўналишларига илмий - тадқиқотларни кучайтириш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш, рақобат муҳитини яратиш, инновация сармояланишини рағбатлантириш ва ахборот базасини яхшилаш киради. Мамлакатимизда буларга давлат эътибори юқори ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун аграр тармоқда зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Патент муаллифлик, устуворлик ва патент амал қилиш муддатидаги фойдаланишга бўлган ҳуқуқни тасдиқлайди.

Кашфиётларни ҳимоялашнинг патент шакли лицензиялар халқаро бозорида миллий маҳсулотнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди, техник ҳужжатлар ва янги технологияларнинг лицензиявий савдосини ривожлантириш имконини беради.

Миллий ва минтақавий патентлар фарқланади (мисол учун, Европа патент ташкилотига рўйхатдан ўтказилган).

“Илм-фан-2020” миллий ривожланиш дастури доирасида Lexis-Nexis компанияси билан биргаликда патентлар, инновациявий маҳсулот бозоридаги вазиятдан хабардор бўлиши лозим бўлган инновациявий менежер учун, янги илмий-техника ютуқлари тўғрисидаги ахборот манбаи йиғилиб боради. Инновациявий маҳсулот индивидуалликга эга бўлиши лозим.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига – товар белгиси – каби маҳсулотни индивидуаллаштириш воситаси белгиланган. Товар белгиси бўлиб оригинал график тасвир, рақамлар ёки ҳарфлар бирлашмаси ва ҳ. бўлиши мумкин.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи, уларни рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Товар белгилари бутун дунёда қўлланилади ва ҳимоя қилинади.

Товар белгилари ишлаб чиқарувчилар учун ҳам, янги маҳсулотни сотувчи ва харидори учун ҳам муҳим рол ўйнайди. Товар белгиси, мазкур товар учун ким масъул эканлигини кўрсатади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бир хил маҳсулот турли хил ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилиши ва турли хил савдо ташкилотлари томонидан сотилиши мумкин. Бунда ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам савдо субъектлари ўз товар белгиларига эга бўлиши мумкин. Айнан товар белгиси, товарни танлашда асос бўлиб хизмат қилади. Агарда харидор хариддан қониқиш ҳосил қилган бўлса, кейинчалик у товар белгисига қараб иш кўради.

Товар белгиси куйидаги вазифаларни бажаради:

- товарни танлашда асос бўлади;
- товарнинг тегишли сифатда эканлигини кўрсатади;
- товарни бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ўхшаш товарларидан ажратиш туради;
- товарни келиб чиқиш манбаини кўрсатади, чунки товар белгиларининг эгалари тўғрисидаги ахборот Патент ташкилотида рўйхатга олинган товар белгилари рестрига киритилади;
- товарларни реклама қилади, чунки ишлаб чиқарувчини истеъмолчиларга танитиш воситаси бўлади;
- товар белгини тан олиниши орқали ишлаб чиқарувчи ёки савдо ташкилотига бозорда ўз ўрнини эгаллашга ёрдам беради.

Товар белгиси номоддий активлар таркибига киради, лицензиявий битимлар предмети ва саноат мулкани ҳимоялаш объекти (интеллектуал мулкнинг

таркибий қисми бўлади) ҳисобланади.

Инновациявий фаолиятнинг натижаси бўлиб «ноу-хау» («биламан қандай») ҳисобланади. «Ноу-хау» - техник, иқтисодий, маъмурий, молиявий ёки бошқа характердаги маълумотларни ўз ичига олган, тўлиқ ёки қисман сир бўлган билимлар, тажриба ва кўникмалардир. «Ноу-хау»дан фойдаланиш ҳуқуқи муайян устуворлик ва тижорат фойдасини таъминлайди.

«Ноу-хау» бўлиб лойиҳалаштириш, ҳисоб-китоблар, қурилиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича патентланмаган технологик билимлар ва жараёнлар, амалий тажриба, услублар, усул ва кўникмалар, материаллар таркиби ва рецептлари, ҳамда дизайн, маркетинг, бошқарув, иқтисодиёт, молия соҳасидаги тажрибалар хизмат қилиши мумкин.

«Ноу-хау»нинг тижорат узатилиши лицензиявий битимлар билан расмийлаштирилади.

Инновациявий фаолият натижаси бўлиб маҳсулот ташқи кўринишининг янги расом-конструкторлик (дизайнерлик) ечимлари – **саноат намуналари** бўлиши мумкин.

Саноат намуналари маҳсулотнинг техник, функционал ва эстетик хусусиятлари бирлигини акс эттиради, номоддий активлар таркибига киради, лицензиявий битимлар предмети ва саноат мулкани ҳимоялаш объекти ҳисобланади.

Кашфиётлар, товар белгилари ва инновациявий фаолиятнинг бошқа натижаларига бўлган ҳуқуқлар лицензия билан расмийлаштирилади.


Лицензиялар ҳуқуқ характери ва ҳажми, ҳуқуқий ҳимоя мавжудлиги, узатиш усуллари ва фойдаланиш шартлари, ҳамда бошқа белгилари бўйича фарқланади (14.2.1-расм).

Инновациявий фаолиятнинг моддий натижалари яратилган ва ўзлаштирилган янги машиналар, ускуналар, аппаратлар ва автоматлаштириш воситалари кўринишида бўлади.

Машиналар, ускуналар, аппаратлар ва автоматлаштириш воситаларининг

яратилган ва ўзлаштирилган намуналари янги, замонавийлаштирилган ва модификациялашганларга бўлинади.

Инновациявий фаолият самарадорлигини янги маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, уни ички ва ташқи бозорларда мувоффақиятли тақдим этилиши орқали баҳолаш мумкин.



**14.2.1-расм. Лицензияларнинг туркумлаштирилиши**

Корхоналардаги илмий – тадқиқот ва тажриба- конструкторлик ишларни ташкилийинновациявий лойҳалаштиришдан мақсад белгилашдан ташқари, инновациявий стратегияга маркетинг, савдо, рақобат, инвестициявий ва молиявий сиёсат элементлари, кадрлар сиёсати элементлари ҳам киритилади.

Бирор бир корхонада илмий – тадқиқот ва тажриба- конструкторлик ишларни инновациявий лойиҳасини ривожлантириш стратегиясини барпо этишдан олдин, инновациявий стратегия турлари ва тузилмасини аниқлаш лозим бўлади.

Саноат мажмуида илмий – тадқиқот ва тажриба- конструкторлик ишларни инновациявий лойиҳаларини стратегияларни тузилмалаштиришнинг

асосий белгиси бўлиб, бошқарув даражаси хизмат қилади. Унинг доирасида, юқори даража учун, умумий иқтисодий стратегия ва тизим ўртача бўғини даражаси элементи сифатидаги инновациявий стратегия, яъни бевосита инновациявий фаолиятни бошқариш мос келади.

**Дж.Стейнер** фикрича, юқори даража саноат мажмуасида инновациявий стратегияси соҳасига қуйидаги гуруҳ саволлари бўйича ечимлар киради: фундаментал тадқиқотларга маблағ ажратиш, натижаларни баҳолаш, кашфиётлар, патентлар, тадқиқот соҳалари, тадқиқот ҳисоботлари, товар белгиси.

Ўрта бўғин даражасида қабул қилинадиган қарорлар, инновациявий лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида, асосий мақсадлар ва уларга эришиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган муайян ҳатти-ҳаракатларни аниқлашга имкон беради.

### **14.3. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялашга Ўзбекистон Республикасида талабнома тузиш қоидалари**

«Янгилик киритиш» ва «новация» тушунчалари билан «тадқиқот», «ихтиро» ва «кашфиёт» тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Илгари маълум бўлмаган маълумотлар олиш ёки илгари маълум бўлмаган табиат ҳодисаларини ёки инсоният муҳитини кузатиш жараёни тадқиқот деб аталади.

**Ихтиро** бу – янги ускуна, механизм, восита, технология, усул ва инсон томонидан яратилган бошқаларда ўз аксини топадиган тадқиқотнинг амалий натижасидир.

**Кашфиёт** бу – тадқиқотларнинг, эҳтимол, қўшимча натижаси ҳисобланади. Кашфиётлар қоидага кўра, фундаментал даражада юзага келади ва камдан-кам ҳолларда яқка шахслар томонидан амалга оширилади. Улар тасодифан рўй бериши ва фойда олиш мақсадини кўзламаслиги ҳам мумкин.

Инновацион иқтисодиётда илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялашни инновациялаштириш стратегияси ,янги ғоя,техник ечимлар инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг ўзига хос объекти сифатида қаралади.Интеллект(лот. Intellects) — билиш, тушуниш, идрок қилиш.

Инсоннинг ақлий қобилияти, ҳаётни, атроф муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти, турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш и воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқатидир.

Интеллект инсон психологияси билан боғлиқ қуйидаги омиллар кўрсатади:

- туғма истеъдод, мия имкониятлари;
- таълим, билим, илм ва уларнинг бойиб бориши даражаси;
- жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба;
- савиянинг эмприк ва индивидуал ортиб бориши;
- ахборот ресурсларига эга бўла олиш ва х.к.

Инновацион иқтисодиётда инсон интеллектининг мулк сифатида шаклланиши, мулкига айланиши бу таълим, билим, илм, уларнинг бойиб бориши ва жўшқин фаолият ҳамда ҳаётий тажриба кетма-кетликда ривожланиб бориши инсонда интеллектуал мулкни қарор топтиради. Шу сабабли интеллектуал мулк - ижодий ақлий фаолият маҳсули. У субъекти ва объекти жиҳатидан фарқланади.

Субъекти жиҳатдан: яқка киши, жамоа, ҳудуд, мамлакат ва бутунжаҳон доирасида бўлади.

Объекти жиҳатдан: фан, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқариш соҳаларида ижодий фаолият турларини қамраб олади (адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан овоз ёзиш, радио, телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, компьютерлар учун дастурлар, маълумотлар базаси, ноу-хаунинг эксперт тизимлари, товар белгилари, фирма атамалари ва бошқа ақлий мулклар).

«Кашфиётчилик» (интеллектуал фаолият)- бу одамнинг бозорда мавжуд бўлмаган талабни қондиришга йўналтириладиган янги маҳсулотни яратиш борасидаги интеллектуал фаолиятидир. Бошқача айтганда, бу - янги бозорни яратиш фаолиятидир.

Ихтиро — иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларида, ижтимоий-маданий қурилиш ва мудофаа соҳаларида ижобий самара берадиган, ўзига хос техникавий ечимга эга бўлган янгилик.

Кашфиёт — изланиш, текшириш, илмий тадқиқот натижасида, баъзан эса тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик.

Ихтиро натижасида муҳим янгиликлар амалий аҳамият, кашфиёт натижасида муайян қонуниятлар яратилиб назарий аҳамият касб этади.

Сотувчи ва харидорлар илмий ишланмалар бозорининг субъекти бўлса, илмий-техникавий ишланмаларни ўзида мужассам этган патент-лицензия ва ноу-хаулар унинг объекти ҳисобланади.

**ИТТКИнинг вазифалари, тамойиллари ва босқичлари**

Илмий – инновацион тадқиқотларни ташкил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- табиат ва жамиятни ривожланиши соҳасида янги билимлар олиш, уларни қўллашнинг янги соҳалари;

- ишлаб чиқариш соҳасидаги материаллаштиришнинг ташкилот товарлари рақобатбардошлиги меъёрларининг стратегик маркетинги босқичида ишлаб чиқилган имкониятларини назарий ва тажрибавий текшириш;

- янгиликлар ва инновациялар портфелини амалда бажариш.

**Илмий – инновацион тадқиқотнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:**

1. Илмий ёндашувлик.
2. Муаммоларни ҳал қилишда рационал бошқарув қарорларига асосланиш.
3. Вазифалар, усуллар ва ҳаракатлар бирлиги.
4. Илмий менежмент таркибий қисмларининг мураккабликда қаралиши.
5. Бошқарувнинг мақсадлилиги.
6. Инновацион фаолиятни кишилик капиталини ривожланишига қаратиш.
7. Рискка бориш ва уни минималлаштириш.

Илмий – инновацион тадқиқотларни ташкил қилиш қуйидаги босқичларига бўлинадилар:

- фундаментал тадқиқотлар (назарий ва услубий изланишлар);
- амалий тадқиқотлар;
- тажриба – конструкторлик ишлари;
- экспериментал ишлар ва тажриба.

Ишлаб чиқариш янги материаллар, маҳсулотлар ёки қурилмаларни яратиш, янги жараёнлар, тизимлар ва хизматларни тадбиқ этиш ёки ишлаб чиқарилаётган ва амалда киритилганларни янада такомиллаштиришга қаратилади. Уларга қуйидагилар киради:

- а) муҳандислик объекти ёки техник тизимнинг белгиланган конструкциясини ишлаб чиқиш (конструкторлик ишлари);
- б) ғоялар ва янги объектив вариантларни, шу жумладан нотехник, чизма ёки белгили воситаларни тизим даражасида ишлаб чиқиш (лойиҳа ишлари);
- в) технологик жараёнларни, яъни физик, кимёвий, технологик ва бошқа жараёнларни белгиланган фойдали натижани ишлаб чиқарувчи меҳнатнинг яхлит тизими билан бирлаштирувчи усулларни ишлаб чиқиш (технологик ишлар).

Янги маҳсулотни саноат ишлаб чиқаришни ўзлаштирилиши ИТТКИ нинг яқунловчи босқичи бўлади.

ИТТКИ натижаларини тадбиқ этишнинг қуйидаги даражалари (соҳалари) ни кўриб чиқиш керак:

1. ИТИ натижаларидан яқунланган ИТИ нинг ривожланиши бўлган ёки фан ва техниканинг бошқа муаммолари ва йўналишлари доирасида бажарилаётган бошқа илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқишларда фойдаланиш.
2. ИТТКИ натижаларидан экспериментал намуналар ва лаборатория жараёнларида фойдаланиш.
3. ТКИ ва экспериментал ишлар натижаларини тажрибали ишлаб чиқаришда ўзлаштириш.
4. ИТТКИ ва тажрибали намуналар синовлари натижаларини серияли ишлаб чиқаришда ўзлаштириш.

5. Техник янгиликларни ишлаб чиқаришга кенг кўламда тарқатиш ва бозор (истеъмолчилар)ни тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш.

**ИТТКИ ини ташкил қилиш ҳужжатларнинг қуйидаги соҳалараро тизимларига асосланади:**

1. Давлат стандартлаштириш тизими (ДСТ);
2. Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими (КХЯТ);
3. Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими (ТХЯТ);
4. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими (ИЧТТЯТ);
5. Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қийин тизими;
6. Давлат маҳсулотлар сифати тизими;
7. Давлат “Техникадаги ишончлик” тизими;
8. Стандартлар ва меҳнат хавфсизлиги тизими (СМХТ) ва бошқалар.

**Инновацион ташкилотнинг патент лицензияли фаолияти.**

**Патент** – бу муаллифликнинг тасдиқловчи ва унинг эгасига кашфиётга фавқулодда ҳуқуқ берувчи ҳужжатдир. Бунинг остида ҳеч кимни кашфиётдан патентнинг эгасисиз фойдаланиши мумкин эмаслиги кўзда тутилади. Моҳияти бўйича, патент – бу саноатнинг намунаси ёки товар белгисини рўйхатга олиниши билан мустаҳкамланган кашфиётга мулк эгасининг унвонидир. Бу ҳолда кашфиётдан фойдаланишга розилик қисман фойдаланишга лицензияни топшириш (сотиш) ёки патент ҳуқуқларини тўлиқ топшириш йўли билан акс эттирилади.

**Лицензия-** алоҳида шахслар ёки ташкилотларга патент билан ҳимояланган кашфиёт, техник вазифалар, ишлаб чиқаришнинг технологик ва конструкторлик сирлари, товар белгиси ва ҳ.к.дан фойдаланишга рухсатдан иборатдир.

Лицензиядан фойдаланиш ҳуқуқлари характери ва ҳажми бўйича қуйидаги турларга бўлинадилар:

- патентли (патентдан тезисли ноу-хаусиз фойдаланиш ҳуқуқи берилади);
- бепул (ноу-хаудан фаолиятнинг ҳар хил соҳаларида фойдаланиш ҳуқуқи берилади);



- оддий (патентдан фойдаланиш ҳуқуқига лизензиат ва лицензиор эга бўлади);
- фавқулодда (лицензиант томонидан патентда яқка ҳукмрон ҳолда фойдаланиш);
- тўлиқ (патентдан бир киши бўлган лизензиат шартнома томонидан келишилган муддат давомида фойдаланилади).

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун иқтисодий ривожлантириш учун фаннинг турли соҳаларини қамраб олган илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегик вазифа сифатида қўйилмоқда.

Инновацион иқтисодийнинг шаклланиш ва ривожланишини акс эттирувчи мезонларнинг асосийлари:

- саноатнинг ривожланганлик даражаси;
- юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;
- ЯИМда ИТТКИга қилинган харажатлар салмоғи;
- ЯИМ таркибида инновацион маҳсулотлар улуши;
- мамлакатда қилинган ва рўйхатга олинган ихтиролар, кашфиётлар, патентлар сони ва уларнинг тижоратлашув даражаси ҳисобланади.

Илмий-техникавий фаолият натижасини акс эттирувчи қуйидаги кўрсаткичлар назарда тутилади:

- патент статистикаси;
- технологик тўлов баланси;
- юқори ишлаб чиқариш технологиялар бозори.
- мамлакатдаги олий маълумотли аҳолининг улуши;
- илмий тадқиқотларда хусусий капиталнинг улуши;
- янги саноат намуналари;
- тадқиқотчилар сони ва ўртача ёши;
- мамлакатнинг халқаро кашфиётлар ва илмий ишланмалардаги улуши
- илмий-техникавий марказларнинг сони;
- ЯИМда иқтисодийнинг инновацион сектори улуши;

- халқаро савдо айланмасида юкори технологияли товар, иш, хизматларнинг улуши ва х.к.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхоналарда илмий тадқиқот ишлари қандай олиб борилади?
2. Корхоналарда фундаментал ва амалий тадқиқотлар нималардан иборат ?
3. Корхоналарда илмий-тадқиқот, тажриба –конструктор ишларининг асосий вазифалари нимадан иборат тамойиллари ва босқичлари?
4. Илмий-тадқиқот, тажриба –конструктор ишларининг асосий тамойилларини айтинг?.
5. Илмий-тадқиқот, тажриба –конструктор ишларини бажариш босқичларини айтинг?
6. Корхоналарда илмий –тадқиқот, тажриба –конструкторлик ишларини амалга ошириш йулларини нимадан иборат?
7. Илмий – тадқиқот ва тажриба- конструктор ишларнинг қандай стратегиялари мавжуд?
8. Инновацион ташкилотнинг патент лицензион фаолияти нима?
9. Инновациявий фаолликни рағбатлантиришнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
10. Илмий кашфиётларнинг асосий турларини айтинг?
11. Лицензиялаш деганда нимани тушунаси?
12. Илмий кашфиётлар, ихтиролар деганда нимани тушунаси?

## **XV Боб. Инновацион иқтисодиётда менежмент стратегиялари**

**Ўқув мақсади:** *Замонавий инновацион стратегияларнинг моҳияти ва турлари ҳамда инновациялар менежменти концепциясини. Бозорга киришнинг диффузия моделини, бозорни баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш масаларини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион стратегия, инновацион менежмент, концепцияси, илмий тадқиқот, илмий ишланма, технологиялар, тижоратлашув стратегияси, мақсадли бозор, янги маҳсулот, технологиялар, бозор, стратегия, диффузия, бозорни баҳолаш, нарх, чегаравий нарх, нархни белгилаш усули, интеллектуал мулк, бозори параметрлари, инновацион тижорат, бошқарув қарорлари, ахборот.*

### **15.1 Замонавий инновацион стратегияларнинг моҳияти ва турлари**

Илмий–тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларни инновациявий стратегияларини туркумлаштириш соҳасидаги кўпчилик тадқиқотлар объекти бўлиб юқори даража стратегиялари хизмат қилади.

Инновациявий менежментнинг ғарб тажрибасини таҳлил этиш доирасида, инновациявий стратегиянинг иккита асосий синфи ажратилади-қўйилган мақсадлар характериға мувофиқ тарзда *ҳужумкор* ва *мудофа* синфлари. Бунда ҳар бир синф бир нечта вариантларни ўз ичига олган ҳолда, микро- ва макромухит шароитларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг биттаси ишлаб чиқарувчи сифатида танланиши мумкин.

**Мудофа стратегиясининг моҳияти** – мавжуд ташкилий тузилмалар доирасида, олдин ўзлаштирилган маҳсулотлар, технологик жараёнлар ва бозорларни такомиллаштириш имконини берувчи, принципиал бўлмаган ўзгартиришлар киритишдан иборат. Ушбу вазиятда, инновациялар ташқи муҳит ўзгаришиға бўлган ва бозордаги мавқеини сақлаб қолишға ёрдам берадиган жавоб шаклида кўриб чиқилади.

Мудофа стратегияси доирасида қуйидаги турлар мавжуд:

- ҳимоя стратегияси;
- инновациявий имитация стратегияси;

- кутиш стратегияси;
- истеъмолчилар эҳтиёжи ва талабларига бевосита жавоб қайтариш стратегияси.

**Ҳимоя стратегияси** мавжуд бозорга ўхшаш ёки янги маҳсулот билан кириб келишни мақсад қилиб қўйган рақобатдошларга жавоб қайтариш имконини берувчи тадбирлар мажмуасидан иборат бўлади. Ташкилотнинг бозордаги ўрни ва потенциал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу стратегия иккита асосий йўналишга эга бўлиши мумкин:

- мазкур маҳсулот бозорида рақобатдошлар рақобат курашини давом эттира олмайдиган шароитларни яратиш;
- ўз ишлаб чиқаришини, бозордаги олдинги позицияларни сақлаб қолган ҳолда, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш.

Ҳимоя стратегияси муваффақиятини белгиловчи асосий омил – вақт. Барча назарда тутилган тадбирлар қисқа вақт ичида амалга оширилади, шунинг учун ҳам, ишлаб чиқарувчи муайян илмий-техник салоҳият ва мустаҳкам молиявий аҳволга эга бўлгандагина кутилган натижага эришиш мумкин.

**Инновациявий имитация стратегиясида**, ишлаб чиқарувчи рақобатдошлар янги маҳсулотларини муваффақиятли бўлишига ишонадилар ва улардан «нусха кўчириш» билан шуғулланадилар. Талаб қилинадиган ишлаб чиқариш базаси ва ресурсларга эга корхона учун мазкур стратегия етарлича самарали бўлиши мумкин. Чунки ушбу стратегия туфайли асосий ишлаб чиқарувчи томонидан ўзлаштирилмаган бозорларга ўз имитацион маҳсулоти билан кириб бориш ва у ерда муваффақиятга эришиш имконияти пайдо бўлади.

Ушбу стратегияни танлаган ишлаб чиқарувчилар ИТТКИга деярли харажат қилмайди ва таваккалчиликга кўл урмайди. Аммо олинадиган даромадлар ҳам нисбатан пастроқ бўлади, чунки асосий ишлаб чиқарувчига нисбатан харажатлар юқори, бозордаги улуши нисбатан кичик, ҳамда истеъмолчилар томонидан ишончсизлик ҳам сезилади. Шунинг учун ҳам бундай маҳсулотлар асосан «ривожланаётган давлатларда» ишлаб чиқарилади

ва таниқли ишлаб чиқарувчилар товарларига тўғридан-тўғри рақобатни яратади.

**Кутиш стратегияси** ташқи муҳит ва янги маҳсулотга бўлган истеъмолчилар талаби ноаниқлиги шароитида, таваккалчилик даражасини максимал пасайтиришга йўналтирилган. Ушбу стратегия ўлчами ва молиявий аҳволи турли хил бўлган корхоналар томонидан қўлланилади. Йирик ишлаб чиқарувчилар, кутиш стратегиясини қўллаган ҳолда, кичик корхона томонидан ишлаб чиқарилган янги маҳсулотни бозордаги биринчи қадамларини кўриш, ва улар муваффақиятли бўлган тақдирда, асосий ишлаб чиқарувчини сиқиб чиқарадилар. Кичик корхоналар эса, мустаҳкам ресурс базасига эга бўлиб, ИТТКИ билан муаммоларга дуч келган тақдирда, бозорга ўз вақтида кириб бориш учун ушбу стратегиядан фойдаланишлари мумкин.

Кутиш стратегияси моҳиятан инновациявий имитация стратегиясига яқин, чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам ишлаб чиқарувчи, янги маҳсулотга мустаҳкам талаб мавжудлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина ўз фаолиятини амалга оширишни бошлайди, асосий харажатлар эса янги маҳсулотни яратган корхона зиммасига тушади. Аммо имитациявий стратегиядан фарқи шундаки, ишлаб чиқарувчи янги маҳсулот кириб келмаган бозорларда эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи билан битта бозорда фаолият юритган ҳолда, ундан илгарилаб кетишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам кутиш стратегияси ҳам қисқа, ҳам узоқ муддатли бўлиши мумкин.

**Истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва талабларига бевосита жавоб қайтариш стратегияси**, одатда, саноат ускуналарини ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилади. Ушбу стратегияни йирик компанияларнинг индивидуал буюртмаларини бажарувчи кичик ташкилот ва корхоналар амалга оширади. Ушбу буюртмаларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақатгина саноат ишлаб чиқариши ва савдосини қамраб олади, ИТТКИ эса буюртмачи-компаниянинг махсус инновациявий бўлинмаларида амалга оширилади.

Бундай стратегияни амалга оширувчи корхоналар таваккалчиликка деярли

дуч келмайди ва харажатларнинг асосий ҳажми инновациявий циклниги юқорида кўрсатилган босқичларига тўғри келади. Кичик ихтисослашган корхоналардан ташқари, мазкур стратегия йирик компанияларнинг хўжалик мустақиллигига эга бўлган ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига тезда жавоб бера оладиган бўлинмалари томонидан қўлланилиши ҳам мумкин.

Олдин ўзлаштирилган ва такомиллаштирилаётган маҳсулотга нисбатан стратегияларнинг барча турларини иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин. Бир томондан, бу ишлаб чиқарувчи харажатларни пасайтиришни, иккинчи томондан – ишлаб чиқарилаётган маҳсулот дифференциацияни назарда тутувчи стратегиялардир.

**Биринчи гуруҳ** доирасида корхоналар ишлаб чиқаришнинг моддий-техник ва технологик базасини такомиллаштиришга, инновациявий циклниги айрим босқичларида харажатларни камайтириш имкониятларини топишга алоҳида эътибор қаратилади.

Одатда харажатлар бўйича етакчилик стратегиясини бозорда мустаҳкам ўринга ва хом-ашё ресурсларнинг ишончли манбаларига эга компаниялар амалга оширади.

Ушбу стратегия муваффақиятга учраган тақдирда, ишлаб чиқарувчи бозордаги улушини янада кенгайтириш, хом-ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва яримфабрикатларни харид қилиш харажатларини тежаш имкониятига эга бўлади. Натижада у рақобатдошларга нисбатан каттароқ даромад ҳажмига моддий-техник ва технологик базани такомиллаштириш учун кўшимча маблағларга эга бўлган ҳолда, харажатлар бўйича тармоқдаги етакчилигини сақлаб қолади.

**Маҳсулот дифференциацияси** стратегияси иқтисодиёт тармоқлари фаолиятининг бирор соҳасида олдин ўзлаштирилган маҳсулотлардан ўз дизайни, сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари ва ҳ. билан фарқ қилувчи оригинал маҳсулотни ишлаб чиқиш ва яратишни назарда туттади.

Стратегияларнинг юқорида айтиб ўтилган иккита гуруҳи ўзаро бир-бирига

боғлиқдир, кўпгина ҳолларда харажатларни камайтириш маҳсулотнинг муваффақиятли дифференциациясининг шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиёт тармоқларида бозорнинг товар-пул муносабатлари шароитида, инновациялар, одатда, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, корхонанинг бозордаги мавқеини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, маҳсулотни кўллашнинг технологиянинг янги соҳаларини ўзлаштириш учун бошланғич база, яъни **хужумкор стратегия** таркибига кирувчи, бизнеснинг фаол воситаси сифатида хизмат қилади.

Иқтисодиёт тармоқларида инновациявий стратегиянинг бу синфида кўйидагилар ажратилади:

- фаол ИТТКИ стратегияси;
- маркетингга йўналтирилганлик стратегияси;
- кўшилишлар ва харидлар стратегияси.


**Фаол ИТТКИ стратегиясини** амалга оширувчи хўжалик юритувчи ишлаб чиқарувчилар, ягона бўлган илмий-техник ишланмалар ёки тамойил услублари кўринишида ифодаланувчи, энг кучли рақобат устунлигига эга бўлади.

ИТТКИ интенсивлигига асосланган стратегияда, асосий стратегик имкониятлар горизонтал диверсификация, янги маҳсулот ва бозорларни ўзлаштириш ҳисобига пайдо бўлади.

ИТТКИ инновациявий жараённинг иқтисодиёт тармоқ марказий бўғини ҳисобланади. Корхоналар ишлаб чиқаришида инновацияларнинг муваффақияти самараси юқори даражада илмий-техник бўлинмаларда бу ишларни қанчалик муваффақиятли бажаришига боғлиқ бўлади. Аммо, амалиётнинг кўрсатишича, хусусий молиялаштириш, фундаментал ва узоқ муддатли амалий тадқиқотлар учун лозим бўлган харажатларни бир қисминигина ташкил этади, бу ҳолат уларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эҳтиёж келтириб чиқаради.

Давлат томонидан корхоналарда инновациявий жараёнлар ривожланишини, махсус ҳукумат инвестициявий жамғармалари орқали имтиёзли шароитларда кредитлаш, истиқболли соҳаларга нисбатан

протекционистик сиёсатини ўтказиш, нотижорат тадқиқот институтларини қўллаб-қувватлаш ва компанияларни илмий тадқиқотлар мақсадида солиқлардан озод этиш йўллари билан рағбатлантириши мумкин (15.2.2-расм).



**15.1.1-расм. Давлат томонидан инновацион фаолиятни тартибга солиш**

Корхоналарда инновациявий лойиҳани ишлаб чиқишнинг учинчи босқичи – ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва тўла қувватга чиқиш, яъни янги



яратилган чорва зотини ёки навни ишлаб чиқаришга қўйиш жорий қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишдир.

Ишлаб чиқаришни тайёрлаш - технологик ускуналарни текшириш ва ишга тушириш, маҳсулотнинг биринчи сериясини ишлаб чиқариш, малакавий синовларни амалга ошириш, технологик ва бошқа ҳужжатларни тўлдириш ва тўғрилашни ўз ичига олади.

Маҳсулотнинг биринчи партияси мазкур ишлаб чиқариш қобилиятини текшириш мақсадида амалга оширилади.

Корхоналардаги маҳсулотларни қабул қилиш - топшириш ва малакавий синовлардан муваффақиятли ўтган биринчи партия намуналари янгиликлар бозорида тақдим этилиши мумкин (реклама компаниясида иштирок этиш, кўرғазмалар ва савдо марказларида кўрсатиш ва ҳ.). Ишлаб чиқариш жараенини тайёрлаш ишлари тугагандан сўнг, ишлаб чиқаришни лойиҳавий қувватга олиб чиқиш амалга оширилади. Корхоналардаги инновациявий лойиҳанинг барча юқорида айтиб ўтилган босқичлари ишлаб чиқаришдан олдинги босқичлари деб айтилади, унда маҳсулот, унинг сифати, техник даражаси, тараққиёти шаклланади.

**Маркетингга йўналтирилган стратегия**, саноат ишлаб чиқариш тизими, ҳамда ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти турларининг барча элементларини, янги маҳсулотни бозорга чиқариш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга йўналтирилганлигини назарда тутаяди. Ушбу муаммоларнинг асосини янги маҳсулот сотувчиси ва истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил этади. Стратегиянинг муваффақияти ташкилот илмий – тадқиқот ва тажриба- конструкторлик ишларни инновациявий стратегияси интенсивлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Қўшилишлар ва харидлар стратегияси ишлаб чиқарувчи инновациявий ривожланишининг энг кўп тарқалган вариантларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари бошқа стратегияларга нисбатан пастроқ таваккалчилик даражасини назарда тутиши, ўзлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларига таяниши ва ўзлаштирилган бозорларга йўналтирилганлигидадир.

Мазкур стратегия натижаси бўлиб ажралган тузилмалар базасида янги ишлаб чиқаришлар, йирик бўлинмалар, қўшма корхоналар яратиш хизмат қилади. Уларнинг энг самарали шакллари сифатида ташқи ва ички венчур лойиҳаларини келтириш мумкин.

Венчурларни яратиш стратегияси, қуйидаги соҳаларда батафсил таҳлилни амалга оширган ҳолда қўлланилиши мумкин:

- янги маҳсулот ва технология тавсифи, ҳамда корхона асосий технологиялари ва бозорлари билан алоқаси;
- корхона ташкилий тузилмасидаги венчурнинг ўрни (масалан, венчурни ишлаб чиқариш бўлинмаси ёки марказий тадқиқот ва конструкторлик бўлинмасида ташкил этилиши);
- молиялаштириш усуллари ва муддатлари;
- ички манбалар ёки четдан жалб қилиш ҳисобига бошқарув, тадқиқотлар, маркетинг бўйича малакали мутахассислар билан таъминлаш имконияти.

Ҳужумкор инновациявий стратегияларда ички фарқларни ажратиш нисбатан қийин кечади, чунки улар кўпгина умумий жиҳатларга эга бўлган ҳолда, корхона ҳужумкор стратегияларнинг бир нечта йўналишлари мажмуини амалга оширганда айниқса самаралидир.

Янги маҳсулотга нисбатан ҳар қандай инновациявий стратегия бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг асосийлари – технологик имкониятлар ва ишлаб чиқарувчининг рақобат курашидаги ўрнидир.

Технологик имкониятлар корхоналарда илмий – тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларни инновациявий фаолиятнинг ички ва ташқи тавсифлари билан аниқланади. Ички тавсифга олдиндан ташкил топган илмий ва техник-технологик салоҳият киритилиб, унинг асосий элементлари сифатида кадрлар, моддий-техник база, молиявий ресурслар, «ноу-хау», патентлар портфели ва ҳ. таъкидлаб ўтиш мумкин. Технологик имкониятларнинг ташқи кўриниши – лицензиялар тарқатиш мавжудлиги ва унинг миқёси, етказиб берувчилар ва ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлар шакли ва характери дир.

Рақобат имкониятлари қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади: ишлаб чиқарувчи томонидан назорат қилинадиган, бозорнинг нисбий улуши; бозор тузилмалари динамикаси, тезкор жавоб қайтариш қобилияти; нисбатан арзон, лекин сифатли ресурслар манбаларига эга бўлиш; турли ходимларнинг тайёргарлик даражаси ва касбий маҳорати; таваккалчиликга тайёрлиги. Бундан ташқари корхоналарда илмий – тадқиқот ва тажриба- конструкторлик ишларни инновациявий фаолиятнинг маънавий ва психологик жиҳатларига (ташқилот имиджи, рақобатдошлар ва истеъмолчилар ўртасидаги обрўси ва ҳ.) ҳам катта эътибор қаратилади. Шундай қилиб, инновациявий стратегиянинг муайян тури, биринчи навбатда, ишлаб чиқарувчини ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси жараёнларига боғлиқ бўлади.

Инновациявий жараёнда иштирок этувчи барча субъектлар новаторлар категориясида бирлаштирилиши мумкин. Уларга инновациявий жараёнга алоқадор бўлган барча шахслар киради: муаммонинг назарий ишланиши ва асосланишини таъминловчи, тадқиқотчи-олимлар; уни амалий-моддий кўринишгача олиб келувчи, амалиётчи-мутахассислар; янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки ўзлаштиришда иштирок этувчи, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ишчилари; инновациявий стратегияни амалга ошириш натижалари учун жавобгар бўлган барча поғона менежерлари шулар жумласидандир.

Инновациявий фаолият мазмуни ва хусусиятлари, ходимларга нисбатан бир қатор талабларни қўяди:

- юқори малака ва оригинал ижодий фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги;
- фаолияти давомида ўз устидан ишлашга интилиш ва ўзгалар тажрибасидан фойдаланиш;
- инновациявий жараёндаги фаол ва маҳсулдор иштирок;
- оқланган таваккалчиликга тайёрлиги;
- турли хил масалаларнинг (техник, бошқарув, ташкилий ва ҳ.) ўзига хос оригинал ечимларини топиш ва амалга ошириш қобилияти;
- юқори ички маданият ва муомалага эга бўлиши.

Ишчиларнинг кўрсатилган гуруҳларини рағбатлантиришнинг муайян шакл ва воситалари, улар меҳнатининг характери ва хусусиятларига, ҳамда улар иштирок этаётган инновациявий жараён босқичининг натижаларига қараб фарқланади.

Инновациявий фаолликни рағбатлантиришнинг асосий вазифаси бўлиб, рағбатлантиришнинг янги самарали услуб ва воситаларини яратиш ва ривожлантириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ишчиларнинг инновациявий фаолиятдаги иштирокини фаоллаштирган ҳолда, уларни инновациявий жараённинг пировард маҳсулотига йўналтира олган воситалар, доимо эътибор марказида бўлади.

Ишчилар инновациявий фаоллигини рағбатлантиришнинг қўлланилаётган шакл ва услубларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- моддий мукофот чоралари;
- маънавий рағбатлантириш чоралари;
- ташкилий чоралар.

Ривожланган мамлакатлар етакчи корхоналарининг тажрибаси кўрсатишича, инновациявий фаолият самарадорлигини таъминлашнинг асоси бўлиб инновациявий ғояларни бериш, инновацияларни ва уларнинг техник-ташкилий таъминотини муваффақиятли амалга ошириш учун махсус молиявий мукофотларни тақдим этиш хизмат қилади.

Замонавий инновациявий менежментнинг асосий тенденцияларидан бири – инновациявий жараёндаги фаолиятга ходимларнинг максимал мумкин бўлган сонини жалб этиш билан, ушбу жараёндаги асосий рол барибир менежерга тегишли бўлади.

Менежерларни моддий рағбатлантиришнинг шакл ва услублари, бевосита улар томонидан ечиладиган вазифалар характери ва натижаларига боғлиқ.

Менежерлар инновациявий фаоллигини рағбатлантиришнинг яна бир варианты сифатида, махсус мукофот жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади. Улар, инновацияни амалга ошириш натижасида мустақил бўлим томонидан олинadиган фойда миқдорига боғлиқ бўлган ҳолда шаклланади.

Менежерларнинг инновациявий фаолиятдаги фаол иштирокини таъминлашнинг яна бир муҳим омили бўлиб, корхона ташкилий тузилмасида тегишли бўлинма мавқеининг ўзгариши ва демак, уни корхона инновациявий ривожланишидаги ролининг кучайиши хизмат қилади. Бу эса натижада, тариф ставкалари, иш ҳақи, мукофот пулларининг ўлчами ўзгаришига олиб келади.

Инновациявий менежмент учун, менежментнинг бошқа соҳалари сингари, кўйидагилар тавсифийдир: **15.1.2-расм.**


- мақсаднинг қўйилиши ва стратегия танлаш;
- тўртта цикл.

**1.Режалаштириш:** стратегияни амалга ошириш режасини тузиш.

**2.Ташкил этиш ва шароитларни аниқлаш:** инновациявий циклнинг турли босқичларини амалга ошириш учун ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, ходимлар олдида масалани қўйиш, ишни ташкил этиш.

**3.Бажариш:** тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш, режани бажариш.

**4.Бошқарув:** назорат ва таҳлил, ҳатти-ҳаракатларни тартибга солиш, тажриба йиғиш.



**15.1.2-расм. Инновациявий менежмент тузилмаси**

Инновациявий лойиҳаларни, инновациявий бошқарув ташкилий шакллари қарорлари янгиликлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

Инновациявий фаолият натижалари бўлиб, иқтисодий объектнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш ва фаолият мақсадларига янада самаралироқ эришиш имконини берувчи турли хил янгиликлар ва инновациялар хизмат қилади. Инновациявий менежментнинг асосий категорияларини аниқлашга бўлган ёндашувларнинг кўплиги туфайли, инновациявий менежмент атамаларини изоҳлашга бўлган ягона ёндашувни шакллантириш муаммоси туғилади. Шу муносабат билан, инновациявий менежмент назарияси ретроспективасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тушунчаларга яна бир бор алоҳида изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалиётда, инновациявий ривожланишда муваффақиятга эришган энг йирик корхоналар, бир томондан ходимлар лавозимининг ўсиши ва иш ҳақи ўлчами, иккинчи томондан эса янги маҳсулотларни яратиш ва тижоратлаштириш натижалари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа тамойилини кўллашади.

Замонавий шароитларда, ходимлар фаоллигини оширишнинг муҳим муаммоси сифатида, бевосита инновациявий жараёнга жалб қилинган ходимларни рағбатлантиришнинг самарали воситаларини излашни эътироф этиш мумкин. Ушбу муаммонинг ечими сифатида, инновациявий лойиҳаларнинг умумий натижаси, янги маҳсулотнинг техник-иқтисодий ва бошқа сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш таклифларини киритиш учун узоқ муддатли ва бир марталик моддий рағбатлантириш шакллари кўлланилади.

Турли хил рағбатлантириш тизимларининг самарадорлигини белгиловчи асосий нарса бу – ташкилотда таклифларни киритиш ва баҳолашнинг, ҳамда уларнинг муаллифларини тақдирлашнинг аниқ тизими мавжудлигидир. Япониялик иқтисодчи Хиросима Ясухисанинг фикрича, бу ерда қуйидагиларни амалга ошириш айниқса муҳим :

- бутун ташкилот миқёсида таклифларни киритишнинг ягона тартибини ўрнатиш;

- киритилаётган таклифлар сонини ошириш – шундай чораларни қўллаш керакки, ҳар бир ходим таклиф киритиш имконига эга бўлсин;
- таклифларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижаларини қисқа муддатларда эълон қилиш – таклифларни кўриб чиқиш узоққа чўзиладиган бўлса ходимларнинг қизиқиши сусаяди;
- тақдирлаш тартибини аниқлаш ва ходимларга етказиш – моддий мукофотлар билан бир қаторда маънавий рағбатлантириш ҳам (ёрликлар, патентлар, сертификатлар ва ҳ.) муҳим аҳамият касб этади;
- гуруҳ томонидан таклиф киритилишини рағбатлантириш;
- таклиф киритиш фойдаси тўғрисида доимий тарзда суҳбат олиб бориш.

Моддий рағбатлантириш воситалари билан бир қаторда, ходимларга психологик ва маънавий таъсир кўрсатиш воситалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай таъсирнинг самарали воситалари бўлиб, айрим шахслар ёки тадқиқотчилар гуруҳлари иши натижаларини очиқ шаклда нисбий баҳолаш; турли хил белгилардан фойдаланиш (медаллар, кўкрак нишонлари ва ҳ.); ҳамда ахборот ва иш тажрибаси алмашишнинг турли шакллари (симпозиумлар, семинарлар, анжуманлар ва ҳ.) хизмат қилади.

Кўпгина корхоналар, инновациявий жараённинг энг фаол иштирокчиларини моддий рағбатлантиришнинг ўзлаштирилган схема ва механизмларига эга. Уларнинг энг кенг тарқалган шакллари сифатида куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- «ойнинг энг яхши олими» томонидан амалга оширилган ишларни нашр қилиш имкониятини бериш;
- корхонани турли хил семинар, анжуман ва ҳоказоларда тақдим этиш ҳуқуқини бериш;
- чет элда тажриба алмашиш ва малака оширишга жалб этиш.

Ходимлар инновациявий фаоллигини рағбатлантиришнинг ташкилий асоси бўлиб, уларнинг иш шароити, режими ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар хизмат қилади. Зарурият пайдо бўлганда,

инновация ташаббускорларига қўшимча ҳуқуқлар ва пайдо бўлаётган муаммоларни ечиш учун қўшимча молиявий маблағлар тақдим этилиши мумкин. Инновациявий жараён иштирокчилари меҳнати самарадорлигини ошириш учун уларнинг ўзаро фаолиятини такомиллаштириш шакллари, расмий ва норасмий коммуникацияларни бошқариш услублари қўлланилади.

Умуман олганда, ташкилий характердаги шакл ва воситаларнинг асосий мақсади, инновациявий жараён иштирокчилари фаолиятидаги турли хил чеклашларни мумкин бўлган чегараларда олиб ташлашдан иборат бўлади.

### **15.2 Янги маҳсулот ва технологияларнинг бозорга кириш стратегияси**

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион тури ҳаммасидан аввал детерминацияланганликни кескин пасайиши ва умумий тизимни мураккаблашишини билдиради. Ташқи муҳит ўзининг социал ва сиёсий жанжаллари ва изтироблари, ахборотли ва технологик ўзгаришлари билан юқори фаоллигга иқтисодий тизим ва унинг тузилма ташкил қилувчи хулқи борган сари эҳтимолли ва олдиндан айтиб бўлмайдиган характерга эга. Бундай сифатларда корхоналарни яшаб қолиши раҳбарларнинг қобилияти, уларни кутилмаган вазиятларда тўғри йўлни танлай билишлари, хатарни кўра олишларига тўғридан тўғри боғлиқ. Новаторлик фирмаси ривожланишининг мантиқий оғирлик марказини оператив тактик режалаштириш ва бошқаришдан стратегик даражага, бошқарувнинг янги турини шакллантириш даражаси-инновацион маркетингга кўчишига олиб келади. Унда анъанавий тамойилларнинг ҳар хил фрагментлари сақланиб қолинади, аммо улардан вазиятли таҳлилга нисбатан қўлланишда фойдаланилади. Бу янгиликлар, сармоялар манбалари ва янги бозорларни узлуксиз қидириш шароитларида фирма қобилиятини мувофиқлаштиришга имкон беради.

Инновацион маркетингда самарали раҳбарликнинг усуллари, ёндошишлари ва йўллари вазиятга мувофиқ ўзгаради. Инновациялар яшаш даврининг ҳар бир босқичида маркетингнинг ҳар хил усуллари ва ёндошишлари, ҳар хил стратегияси ва тактикаси талаб қилинади.



Янги товарни сотиш каналларини жойлашишини шакллантиришни ўз ичига олувчи янгиликни бозорга кириб бориши стратегияси ва тактикаси маркетинг тадбирларининг муҳим йўналиши бўлади. Жойлаштириш-янгиликни бозорда мавжуд бўлган товарлар қаторидаги жойини белгилаш тизимини билдиради.

Жойлаштиришдан мақсад –янгиликни бозордаги ўрнини мустаҳкамлашдир.

Янги товарни жойлаштириш аввало янгилик ва мавжуд бўлган товарлар ўртасидаги рақобатни билдиради.

Инновацияни жойлаштириш – бу унинг мавжуд бўлганлар қаторидаги ўринни белгилашдан иборатдир. Масалан, маркетинг нуқтаи назаридан инновация остида аналогларига эга бўлмаган сифатан янги товарни, ушбу фирма ёки ушбу бозор учун янги ва мамлакат ва хориж амалиётида аналогига эга имитация қилинган товарни ва қўллашнинг янги соҳасига эга товарни тушуниш мумкин. Тубдан янги товар бозор янгилиги бўлган товардан, модификацияланган товардан, алпликант товардан, субститут товардан фарқланади, яъни ҳар қандай инновациянинг белгиланиши бўйича тўлдирувчи, ўринни алмаштирувчи ва сиқиб чиқарувчи янгилик киритишлардан фарқлай олиш керак. Бу жиҳат инновацияни ишлаб чиқариш босқичида алоҳида роль ўйнамайди, аммо янгилик киритиш бозорга киришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Инновациянинг муваффақияти ва маркетингнинг стратегияси ана шунга боғлиқдир.

Жойлаштириш маркетинг фаолиятининг ҳар хил: сотиш, реклама, товар, нарх, сервис ва ҳ.к. йўналишларига таъсир кўрсатади. Инновацион маркетинг концепцияси нафақат янги харидорларни қўлга киритишни, балки фирманинг рақобат афзалликларидан мувофиқ фойдаланиш, корхона фаолияти соҳаларини кенг ёйиш, кенгайтириш янги соҳалар ва янги бозорларни босиб олиш ҳисобига таъсир кўрсатиш соҳасини кўпайтиришни кўзда туттади.

Инновацион маркетинг учун маркетингнинг барча тадбирлари, ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматларнинг навлари, ўзаро бир бирларини

ўлдирадиган ва ўзаро боғлиқ бўлишини билдирувчи синергизм тамойили муҳим бўлади.

Маркетинг тизимининг яқунловчи босқичи-оператив маркетинг, бу босқичда стратегик инновацион маркетинг концепцияларини амалга оширишнинг янги шакллари ишлаб чиқилади. Оператив маркетинг бозордаги янгилик яшаш давларининг босқичлари билан маҳкам боғланган. Янгилик яшаш даврининг бошланғич нуқтасини белгилаш аниқса муҳим.

Инновацияларни бозорда мавжуд бўлиши яшаш даврининг биринчи босқичида инновацияга эътиборни жамлаш ва диффузиялаш учун махсус тадбирлар зарур. Масалан, сотишларнинг каналларини шакллантириш, мавжуд бўлган эскиларни модификациялаш ва мослаштириш зарур. Бу ерда маркетингнинг самарадорлиги бир қатор омиллар: инновацион рекламанинг фаоллиги, инновацияни бозорга чиқишининг мувофиқ вақти, инновациянинг мавжуд бўлган товарлар мавзусидаги хулқининг вариантини танлаш, эҳтимол бўлган рақиблар хулқини башоратлаш, ҳамда бозорнинг тузилиши янги товарга қанчалик мос келишига боғлиқ. Бу шароитларда маркетинг нафақат янгиликни бозорда жойлашишини, балки технологик бозорга жойлашишини таъминлаши, янгилик ва бошқа товарлар авлодлари ўртасидаги вазифаси рақобатни енгиб ўтиши шарт. Ўсиш босқичида маркетинг ёндошишлари ўзгаради. Инновацион маркетинг креатив характерини ўзгартиради ва рағбативучи аҳамиятга эга бўлади. Рекламанинг характери ўзгаради, у ташаббускор, ушбу фирма ва ушбу товарнинг ютуқларига эътиборни жамловчи бўлади. Сотиш каналларининг янги товар остида модификацияланган тармоғидан фойдаланилади. Ишлаб чиқарувчи фирманинг рақобат афзалликлари бу ерда етакчи роль ўйнайди. Товарларнинг балоғатлилиқ босқичида бозорнинг бошқа иштирокчилари билан тўғридан тўғри рақобат қилишдан қочиб бўлмайди ва бунинг натижасида рақобат стратегияси ўзгариши мумкин. Буерда харажатлардаги етакчилиқ стратегиясининг роли ўсади, янгиликнинг нархи эса пасаяди.

Худди шу босқичда новатор -корхона янги молификация ёки тубдан янги маҳсулотни бозорга чиқаришга тайёрлайди.

Рақобатдошлик – бу товарни муайян истеъмолни қондириш даражаси ва унга бўлган харажатлар даражаси билан рақобатбардош товардан фарқини акс эттирувчи тавсифидир. Истеъмол хусусиятлар ва нарх – товар рақобатдошлигининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Аммо товарларнинг бозордаги истиқболи ишлаб чиқариш сифати ва харажатлари билангина боғлиқ эмас. Муваффақият ёки муваффақиятсизлик сабаблари бўлиб реклама фаолияти, корхона обрўси, хизмат кўрсатишнинг таклиф этилаётган даражаси каби нотовар омиллар хизмат қилиши мумкин.

Корхоналарда рақобатбардошликни таъминлаш бўйича корхона фаолиятининг ноишлаб чиқариш жиҳатлари қанчалик муҳим бўлмасин, асосийси бу сифат ва нархдир. Шу билан бирга юқори даражада хизмат кўрсатиш юқори жозибадорликни ҳосил қилади. Бундан келиб чиққан ҳолда рақобатдошлик формуласини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

### **Рақобатбардошлик + Сифат + Нарх + Хизмат кўрсатиш**

**Рақобатбардошликни бошқариш деганда** – юқорида тилга олинган таркибий элементларнинг оптимал нисбатини таъминлаш, асосий кучни қуйидаги масалаларни ечишга йўналтириш: маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, тежамкорлик ва хизмат кўрсатиш даражасини ошириш тушунилади. Кўрсатилган таркибий элементлар кўп омилли бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқарувнинг мураккаб мустақил объекти сифатида кўрилиши мумкин. Хусусан, ишлаб чиқариш харажатлари миқдорига хом-ашё, ёқилғи, электр энергияси, сотиб олинадиган ярим фабрикатлар ва таркибий қисмлар сифати ва қиймати, ишлаб чиқариш ходимларининг малакаси ва иш ҳақи даражаси, меҳнат унумдорлиги, бошқарув харажатлари ва бошқалар таъсир кўрсатади. Охир оқибатда рақобатбардошликнинг ташкилий элементларининг зарурий даражасини таъминлаш имконияти, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ташкил этиш даражаси каби ишлаб чиқариш омиллари билан аниқланади.

Моҳиятан, замонавий «муваффақият фалсафасининг» асоси корхона манфаатларини рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадларига бўйсундиришдан иборат бўлади. Узоқ муддатли муваффақият ва истеъмолчига йўналтирилганлик биринчи даражали режа ҳисобланади. Албатта, истеъмолчига нисбатан бўлган йўналтирилганлик корхонанинг юқори даромадларга эришиш ва уларни узоқ вақт мобайнида таъминлаш истагини ҳам билдиради. Масалан, айрим япон компанияларининг фалсафаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Шунинг учун ҳам, корхона раҳбарлари, даромадлилик масаласини сифат, маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари, рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқишади.

Янгиликларни илгари суриш учун аниқ ифодаланган стратегия жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Стратегия** – рақобатдошларга нисбатан мазкур корхона салоҳияти ва кучини мустаҳкамлашга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидир. Бошқача қилиб айтганда, стратегия - қўйилган мақсадларга эришишнинг батафсил, ҳартомонлама стратегик режалаштириш заруриятини тан олган ва уни фаол жорий этаётган корхоналар сони кундан кунга ошиб бормоқда. Бу ўсиб бораётган рақобат билан ҳам белгиланади. Рақобат курашида жон сақлаш ва ғолиб бўлиш учун фақатгина бугунги кун билан яшаш эмас, балки мумкин бўлган ўзгаришларни кўра билиш ва режалаштириш лозим. Изланишлар, тадқиқотлар ва инновациявий фаолиятнинг бошқа шакллари йўтказиш режаларини ишлаб чиқиш стратегия танлаш билан боғлиқ.

Стратегик режалаштириш иккита асосий мақсадни кўзлайди.

**Ресурсларни самарали тақсимлаш ва фойдаланиш.** Бу «ички стратегия» деб ном олган. Капитал, технологиялар, одамлар каби чекланган ресурслардан фойдаланиш режалаштирилади. Бундан ташқари янги тармоқларда корхоналарни харид қилиш, исталмаган тармоқлардан чиқиб кетиш, корхоналар самарали «портфелини» танлаш амалга оширилади.

**Ташқи муҳитга мослашиш.** Ташқи омиллар (иқтисодий ўзгаришлар, сиёсий омиллар, демографик вазият ва х.) ўзгаришига самарали мослашишни таъминлаш вазифаси қўйилади.

Стратегик режалаштириш кўп сонли тадқиқотларни амалга ошириш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил этишга асосланади. Бу бозор устидан назоратни йўқотмасликка имкон беради. Бунда замонавий шароитлар тезкор тарзда ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш лозим. Демак, стратегия шундай бўлиши керакки, лозим бўлганда уни йўққа чиқариш мумкин бўлсин. Стратегияни ишлаб чиқиш корхона умумий мақсадини ифодалашдан бошланади. У ҳар бир инсонга тушунарли бўлиши керак. Мақсад қўйилиши корхонанинг ташқи муҳит, бозор ва истеъмолчилар билан ўзаро алоқаларида муҳим рол ўйнайди.

Корхонанинг умумий мақсади қуйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

- корхона фаолиятининг асосий йўналиши;
- ташқи муҳитдаги иш тамойиллари (савдо тамойиллари; истеъмолчига муносабат; бизнес алоқаларни юритиш);
- корхона маданияти, унинг анъаналари, иш муҳити.

Мақсадни танлашда қуйидаги иккита жиҳатни ҳисобга олиш лозим: корхона мижозлари кимлар ва у қандай эҳтиёжларни қондириши мумкин.

Умумий мақсад қўйилгандан сўнг, стратегик режалаштиришнинг иккинчи босқичи – мақсадларни конкретлаштиришга ўтилади. Мисол учун, қуйидаги асосий мақсадлар қўйилган бўлиши мумкин :

- даромадлилик;
- бозорлар (савдолар ҳажми, бозор улуши, янги линияларни жорий этиш);
- иш унумдорлиги;
- маҳсулот (ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми, янги товарларни ишлаб чиқариш ёки айрим моделларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва б.);
- молиявий ресурслар (капитал ҳажми ва тузилмаси; шахсий ва қарз капиталининг нисбати; айланма капитал ҳажми ва б.);
- ишлаб чиқариш қувватлари, бино ва иншоотлар;


- ИТТКИ ва янги технологияларни жорий этиш. Асосий кўрсаткичлар, технологик тавсифлари, қиймати, жорий этиш муддатлари;
- ташкил этиш – ташкилий тузилма ва фаолиятдаги ўзгаришлар;
- инсон ресурслари (улардан фойдаланиш, ҳаракати, ўқитиш ва х.);
- ижтимоий масъулият.

Муайян жамият эҳтиёжларини кондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган рақобатбардош ишлаб чиқариш субъекти (корхона, фирма), ҳар бир муайян вақт оралиғида, техниканинг учта – кечаги, бугунги ва эртанги (истикболли) – авлодига мансуб товар устида фаолият юритиши лозим.


Техниканинг ҳар бир авлоди ўз ривожланишида муайян ҳаётий циклни босиб ўтади. Корхона  $t_1$  дан  $t_3$  га қадар бўлган вақт оралиғида, бир-бирини кетма-кет ўрнини босувчи техниканинг учта А, В, С авлоди устида иш юритсин. В маҳсулотни ишлаб чиқариш бошланиши ва ўсиши босқичида ( $t_1$  давр) уни ишлаб чиқариш харажатлари катта, талаб эса кичик, бундай ҳолат уни кўзланган ҳажмда ишлаб чиқаришни чеклайди. Бир вақтнинг ўзида А маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми етарлича катта, С маҳсулот эса умуман ишлаб чиқарилмайди. В авлод маҳсулотини ишлаб чиқариш барқарорлашуви босқичида ( $t_2$  давр, тўйиниш, балоғат ва стагнация босқичлари) унинг технологияси тўлиқ ўзлаштирилган; талаб етарлича катта. Бу ушбу маҳсулотни максимал ҳажмда ишлаб чиқариш ва ундан энг катта даромад олиш давридир. А маҳсулотни ишлаб чиқариш пасайган ва яна тушиб бормоқда («б» диаграмма). Ушбу функциялар бажарилишини янада самарали таъминловчи, техника янги авлодининг (С маҳсулот) пайдо бўлиши билан, В маҳсулотга бўлган талаб пасайишини кузатиш мумкин ( $t_3$  давр) – уни ишлаб чиқариш ҳажми ва у олиб келаётган даромад қисқаради («в» диаграмма), техниканинг А авлоди эса умуман йўққа чиқади.

Корхона умумий даромадининг барқарор миқдори, бир-бирини ўрнини босувчи маҳсулотлар (техника авлодлари) ўртасида кучларни тўғри тақсимланиши билан таъминланиб турибди. Корхона фан-техника сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишдан мақсад, айнан шундай тақсимотга

эришишдир. Ушбу сиёсатни оптималлаштириш, бир-бирини ўрнини босувчи ва ўзаро рақобатдош техника авлодларининг техник ва технологик имкониятлари тўғрисида маълумотга эга бўлишни талаб қилади. У ёки бу техник ечимни ўзлаштириш жараёнида, унинг жамият эҳтиёжларини қондириш қобилияти ва иқтисодий тавсифлари ўзгариб боради, айнан шу ҳолат техника авлодлари ривожланишининг циклик характерини белгилаб беради.



**15.2.1-расм. Бир-бирини ўрнини босувчи маҳсулотларни (А,В,С) ишлаб чиқариш цикллари**



**15.2.2-расм. Турли вақт давомида корхона маҳсулот ишлаб чиқариш тузилмасининг диаграммалари:**

**а)  $t_1$  давр; б)  $t_2$  давр; в)  $t_3$  давр**

Аммо, корхонанинг рақобатдош фан-техника сиёсатини шакллантиришдаги асосий ҳолат шундан иборатки, маҳсулотни ривожлантириш ва ўзлаштириш учун маблағ қўйиш, бозордаги мустаҳкам ўрин сифатидаги реал самара олишдан анча олдин амалга оширилиши лозим. Шунинг учун ҳам, фан-техника сиёсатни стратегик режалаштириш, техника ҳар бир авлодига нисбатан унинг ҳаётий циклини барча даврларидаги ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва прогноз қилишни талаб этади. Ўзлаштириш учун таклиф этилаётган техника авлоди қачон ўз ривожланиш чўққисига чиқиши, қачон уни тўлиқ қувватда ўзлаштириш ва қачон ишлаб чиқаришни тўхтатиш лозимлигини аниқ билиш керак.

Олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, ушбу цикллар ўртасида, вақт оралиғи орқали қандайдир статистик алоқа мавжуд. Ушбу вақт оралиғи техник қарор пайдо бўлиши (ёки техник ғояни расмийлаштириш, рўйхатга олиш ва ҳ.) ва ушбу ғояни саноатда максимал ҳажмда қўллаш ўртасида жойлашган бўлади. Ушбу муносабат туфайли корхонанинг фан-техника сиёсати (ФТС) фан ва техника ривожланишининг миллий ва жаҳон тенденцияларини батафсил кузатиб бориши керак. Ушбу вазифани муваффақиятли уддалаш учун ахборот оқимларини таҳлил қила олиш керак бўлади.

Фан ва техника ривожланишининг миллий ва жаҳон тенденцияларини ахборотлар массиви таҳлили асосида аниқлашнинг мавжуд услубий аппаратини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

#### **Тузилмавий-морфологик таҳлил услуби.**

Ушбу услуб предмет соҳасининг ички таркибини аниқлаш, янги ишланмалар (ғоялар, техник қарорлар ва ҳ.) пайдо бўлишини қайд қилиш учун лозим, бу эса ФТС стратегиясини тармоқ ости даражасида шакллантириш имконини беради.

#### **Нашрий фаоллик тавсифларини аниқлаш услуби.**

Ушбу услубнинг ўзига хослиги, ахборот оқими циклик ривожланишга бўйсунган ҳолда тизим каби фаолият юритиши билан боғлиқ; ушбу циклларни



кузатган ҳолда, предмет соҳаси у ёки бу мамлакатда ҳаётий циклнинг қайси босқичида турганлигини билиб олиш мумкин. Бу эса тармоқ даражасида ФТСни шакллантириш бўйича тўғри тавсиялар бериш имконини туғдиради.

### **Аналог-патентлар услуги.**

Унинг моҳияти шундаки, корхоналар чет элда фақатгина амалий аҳамиятга эга ғояларни патентлайдилар. Шунинг учун аналог-патентлар қуввати тез ўсиб бораётган йўналишларни аниқлаган ҳолда, етакчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш борасидаги фаолият йўналишларини аниқлаш мумкин.

### **Атамали (терминологик) ва лексик таҳлил услуги.**

Атамали таҳлил, тадқиқотчилар томонидан бошқа билим соҳаларидаги ғоялардан фойдаланишида атамалар аппаратининг ўзгариши содир бўлади деган фикрга асосланган. Бу, бошқа ҳеч қандай услублар билан кузатилмайдиган, йирик тузилмавий силжишлар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам атамали таҳлил инновацияларни бошланғич босқичларда аниқлаш ва кутилаётган ўзгаришлар йўналишларини прогноз қилиш имконини беради. Матнларнинг лексик таҳлили атамали таҳлилга ўхшаш, фарқи шундаки унда муайян атамалар эмас, балки сўз бирикмалари (лексик бирликлар) кўриб чиқилади.

### **Кўрсаткичлар услуги**

Бу услуб, ҳар бир техник тизим, фан-техника тараққиёти муносабати билан такомиллашиб борадиган (бу ҳолат тегишли ҳужжатларда ҳам ўз аксини топади) кўрсаткичлар тўплами билан тасвирланишига асосланган. Техник тизимлар кўрсаткичларининг динамик тавсифларини ўрганган ҳолда, жаҳон ва миллий амалиётда мавжуд бўлган тенденциялар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.


Фан-техника сиёсатини шакллантириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бошланғич ахборот тайёрлашнинг умумий кетма-кетлиги бир нечта блоклардан иборат бўлади. Биринчиси – соҳанинг морфологик туркумланишини ишлаб чиқиш. Бундай туркумлаштириш жадвал шаклида

бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг технологик (техник) занжири муайян жихатлар (жараён, фаолият тамойили, фойдаланиладиган материаллар ва х.) бўйича элементларга ажратилган. Бунда ҳар бир элемент учун амалга оширишнинг мумкин бўлган муқобил усуллари рўйхати шаклланади. Энг содалаштирилган кўринишда морфологик туркумлаштириш, ажратиш жихатларининг вариантлари ўртасида исталган бирлашмалар бўлиши мумкин бўлган жадвал шаклида бўлади.

Иккинчи блок – предмет соҳа, мисол учун кашфиётлар халқаро туркуми атамалари, саҳифаловчисини ишлаб чиқиш. Саҳифаловчи бир қатор саҳифалардан иборат бўлиб, улар бўйича турли манбалардан кизиқтирувчи муаммолар бўйича ҳужжатлар танлови амалга оширилади. Тегишли тарзда учинчи, тўртинчи ва бешинчи блоклар – бошланғич ахборотни излаш; олинган натижалар таҳлили; қарор қабул қилувчи шахслар учун корхоналар фан-техника сиёсатини шакллантириш бўйича тавсияларни аниқлаш.

Олиб борилган тадқиқотлар ва улар туфайли олинган натижалар техника авлодларини ривожланиши ва алмашилиши вақтини топиш, кўзланаётган тенденцияларни аниқлаш, фан-техника сиёсатини оптималлаштириш мақсадида техника ва технологиялардаги кейинчалик ўзгаришларни прогнозлаш имконини беради. Буларнинг барчаси инвестициявий сиёсат ва ресурс қўйилмаларини режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бозордаги мавқеини ҳисобга олган ҳолда (бозорни назорат қилинадиган улуши ва уни ривожланиш динамикаси, молиялаштириш ва хом-ашё ресурсларига эга бўлиш, рақобат курашидаги етакчи ёки эргашувчи ўрнини эгаллаши) инновациявий стратегияни танлаш йўналишлари қуйидаги кўринишдаги схемада кўрсатилиши мумкин (15.2.3-расм).



### 15.2.3-расм. Инновациявий стратегияни танлаш йўналишлари

Стратегияни танлаш, мақсад сари ажратилган ҳар бир йўналиш бўйича амалга оширилади. Танловнинг соддалаштирилган модели Бостон маслаҳат гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ва у бозордаги улуш ҳамда тармоқдаги ўсиш суръатидан келиб чиққан ҳолда стратегия танлаш учун мўлжалланган (15.2.1-жадвал).

15.2.1-жадвал

#### Стратегияни танлаш

Ўсиш суръатлари ↓	Бозордаги улуш	
	<i>Юқори</i>	<i>Паст</i>
<i>Юқори</i>	Юлдуз	?
<i>Паст</i>	Сигир	Ит

Ушбу моделга мувофиқ, бозорнинг катта улушини эгаллаган ва тез ўсувчи тармоқларда фаолият юритаётган корхоналар (юлдузлар), ўсиш стратегиясини танлаши лозим. Барқарор тармоқларда юқори ўсишга эришган корхоналар чекланган ўсиш стратегиясини танлайди. Уларнинг асосий мақсади

– ўз ўрнини ушлаб туриш ва фойда олиш. Паст суръатлар билан ўсувчи тармоқларда кичик улушга эга бўлган корхоналар эса, ортиқчасини олиб ташлаш стратегиясини танлашади (15.2.2-жадвал).

### 15.2.2-жадвал

#### Маҳсулот - бозор матрицаси

Кўрсаткичлар	Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, %	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга боғлиқ бўлган янги маҳсулот, %	Мутлоқ янги маҳсулот, %
Мавжуд бозор	90	60	30
Янги, аммо мавжуд бозорга боғлиқ бозор	60	40	20
Мутлоқ янги бозор	30	20	10

Тез ўсувчи тармоқларда ўз ўрнини мустаҳкамламаган корхоналардаги вазият кўшимча таҳлилни талаб этади.

Стратегиялар вариантларини танлашда, корхона маҳсулот/бозор матрицасидан фойдаланиши мумкин.

Бирор стратегияни қабул қилишда раҳбарият қуйидаги 4 омилни ҳисобга олиши лозим:

**Таваккалчилик.** Ҳар бир қабул қилинаётган қарор учун таваккалчиликнинг қандай даражаси мумкинлиги.

**Олдинги стратегиялар** ва уларнинг натижаларидан хабардор бўлиш, янги стратегияларни муваффақиятлироқ ишлаб чиқишга ёрдам беради.

**Вақт омили.** Кўпгина ҳолларда яхши ғоялар ўз вақтида таклиф этилмаганлиги учун муваффақиятга эришмайди.

**Корхона эгалари.** Стратегик режа корхона менежерлари томонидан ишлаб чиқилади, аммо айрим ҳолларда корхона эгалари уни ўзгартиришга мажбур қиладилар. Корхона раҳбарияти буни эътиборга олиши лозим.

Стратегия ишлаб чиқиш уч йўл билан амалга оширилади: юқоридан пастга, пастдан юқорига ва маслаҳатчи корхона ёрдамида. Биринчи ҳолатда стратегик режа корхона раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилади ва буйруқ сифатида қўйи боғоналарга етказилади.

«Пастдан юқорига» усулида ҳар бир бўлим (маркетинг хизмати, молиявий бўлим, ишлаб чиқариш бўлинмалари ва х.) ўз ваколати доирасида, стратегик режани тузиш бўйича ўз тавсияларини ишлаб чиқади. Кейинчалик ушбу тавсиялар раҳбариятга етказилади, ва улар умумлаштирилиб жамоада муҳокама қилинади. Бу корхона бўлимларида йиғилган тажрибадан самарали фойдаланиш имконини беради.

Шунингдек, корхона ташкилотни ўрганиш ва стратегия ишлаб чиқиш учун маслаҳатчилар хизматларидан фойдаланиши ҳам мумкин.

### **15.3 Интеллектуал мулк бозори параметрлари инновациянинг тижорат потенциалини баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш**

Тажрибаларнинг кўрсатишича, кичик корхоналар, бозори эндигина шаклланаётган ёки аксинча бозордан чиқиб кетаётган товарларни ишлаб чиқаришда айниқса фаол ҳаракат қиладилар. Ҳамма гап шундаки, йирик корхона принципиал янги маҳсулотни биринчи бўлиб ишлаб чиқаришга қўл урмайди, чунки мумкин бўлган муваффақиятсизлик оқибатлари у учун, кичик корхоналарга нисбатан, жуда оғир кечиши мумкин. Агарда гап технологиялар соҳасидаги фундаментал ишланмалар ҳақида эмас, балки фақатгина оригинал гоёни моддийлаштириш ҳақида кетаётган бўлса, кичик новатор-корхоналар буни муваффақиятли уддалашлари мумкин. Айнан кичик новатор-корхоналар ривожланган мамлакатларда, бугунги кунда, инновациявий жараёни самарасини белгилаб берадилар.

Шундай қилиб, кичик корхоналар, ҳаётий циклнинг муайян босқичларида турган товарлар билан иш олиб бориши, корхона ўз салоҳиятини тўлиқ ва самарали қўллаш истаги билан белгиланади.

Рақобат тўғрисидаги қонунга мувофиқ, дунёда маҳсулот ва хизматлар сифатининг ошиши, ҳамда улар нархини пасайишининг объектив жараёни юз

бермоқда.

Рақобат шароитида фақатгина банкротлик хавфи маҳсулот сифатини оширишга мажбурлаши мумкин. Натижада, доимий тарзда сифатсиз маҳсулотни бозордан «ювиб чиқариш» жараёни юз беради. Рақобатнинг ҳаракатлантирувчи кучи эса инновацияларни рағбатлантиришдир. Айнан инновациялар асосида маҳсулот ёки хизматлар сифатини ошириш, товарнинг фойдали самарасини яхшилаш, ва бу билан мазкур товарнинг рақобат устунлигига эришиш мумкин. Шундай қилиб, товар рақобатбардошлигини таъминлаш новаторлик, тадбиркорлик ёндашувни талаб қилади, унинг моҳияти эса инновацияларни топиш ва амалга оширишдан иборат.

Ушбу муносабат билан шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодий назариянинг йирик намоёндаларидан бири бўлган А.Маршалл айнан тадбиркорлик – бозор иқтисодиётининг асосий хусусияти деб билган. Рақобат шароити, корхонада рақобат устунликларини излаш лозим бўлган шароитни вужудга келтиради холос. Рақобат устунликларининг ўзи эса, тадбиркорлик орқали у ёки бу инновацияларни амалга ошириш билан таъминланади, чунки айнан тадбиркорлик жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Инновациявий стратегиянинг асосий белгиловчилари – бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва технологияларнинг маънавий эскиришидир. Ушбу муносабат билан ҳар уч йилда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, технологиялар, ускуналар ва ишчи ўринларини аттестациясини ўтказиш, бозор ва товар тақсимланиш каналларини таҳлил этиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, бизнес таҳлилини олиш керак.

Новаторлик фаолиятининг асосий тамойиллари қайсилар? П.Друкернинг фикрича нима қилиш керак ва нима қилиш керак эмаслик ўртасида аниқ чизик ўтказиш лозим. Мақсадли йўналитирилган тизимли инновациявий фаолият, инновация манбалари имкониятларининг узлуксиз таҳлилини талаб қилади.

Инновация, ундан фойдаланадиган инсонларнинг эҳтиёжлари, истаклари, одатларига мос тушиши лозим. Шундай савол қўйиш керак: «Мазкур инновация нимани акс эттириши лозимки, келажакдаги истеъмолчиларда ундан

фойдаланиш истаги пайдо бўлсин?» Инновация оддий ва аниқ мақсадга эга бўлиши лозим.

Кичик пул маблағи ва кам миқдордаги одамларга эга бўла туриб инновацияни жорий этиш – чекланган таваккалчилик. Акс ҳолда, инновация учун лозим бўлган кўп сонли ишланмаларда вақт ва маблағ етишмовчилиги содир бўлади.

Самарали инновация чекланган бозорда етакчи бўлишга қаратилган бўлиши лозим. Акс ҳолда у шундай вазиятни юзага келтирадики, рақобатдошлар сиздан илгарилаб кетади.

П. Друкернинг фикрича нималарни қилмаслик керак:

1. Ақллилик қилманг. Инновациялардан оддий одамлар, унинг миқёси йириклашган сари – тегишли билимларга эга бўлмаган одамлар ҳам фойдаланади. Эксплуатация қилишдаги мураккаблилик аксарият ҳолларда муваффақиятсизликка олиб келади.

2. Бирданига бир нечта ишни қилишга ўринманг. Инновация энергияни битта жойга жамлашни талаб қилади. Инновация устида иш олиб борувчи инсонлар бир-бирини яхши тушунишлари лозим.

3. Инновациялар жорий давр эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши керак. Инновация тезда ўз истеъмолчисини топа олмаса у фақатгина ғоя бўлиб қолаверади.

Инновация – бу билим, кашфиётчилик, истеъдод талаб қиладиган ишдир. Одатда, новаторлар фақатгина битта соҳада иш олиб боради. Мисол учун, Эдисон бутун кучини электр энергиясига ташлаган. Муваффақиятли инновация шиддатли жиддий ишни талаб қилади. Агарда Сиз унга тайёр бўлмасангиз, билим ҳам, истеъдод ҳам ёрдам бера олмайди. Муваффақиятга эришиш учун барча кучли томонларни ишга солиш, инсонлар инновация билан жиддий қизиқишлари талаб қилинади.

Ва ниҳоят инновация иқтисодиёт, саноат, жамият, харидорлар, ишлаб чиқарувчилар ва ишчилар ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни билдиради. Шунинг учун у доимо бозорга йўналтирилган бўлиши, ва унинг эҳтиёжларига

кулоқ солиши лозим. Корхона томонидан инновациявий фаолиятни амалга ошириш учун, унда тадбиркорлик муҳитини яратиш учун тегишли тузилма ва кайфият бўлиши лозим. Бунда бир қатор муҳим жиҳатларни эътиборга олиш керак.

Инновациянинг асосий ташкилий тамойили, жорий ишдан озод этилган энг яхши ходимлар жамоасини яратишдан иборат. Тажрибаларнинг кўрсатишича, мавжуд бўлинмани инновациявий лойиҳа етакчисига айлантириш деярли доимо муваффақиятсизлик билан яқунланган ва бу кичик бизнесга ҳам, йирик бизнесга ҳам бир хилда тегишли. Ҳамма гап шундаки, ишлаб чиқаришни тегишли ҳолатда ушлаб туришнинг ўзи, унда банд бўлган ишчилар учун бир катта вазифа ҳисобланади. Шунинг учун уларда янги ниманидир яратиш учун вақт қолмайди. Мавжуд бўлинмалар, улар қайси соҳада фаолият юритишидан қатъий назар, ишлаб чиқаришни кенгайтириши ва замонавийлаштириши мумкин холос.

Тадбиркорлик ва инновациявий фаолият доимий тарзда амалга оширилиши шарт эмас, айниқса кичик корхоналарда. Аммо, инновациянинг муваффақиятига масъул бўлган битта ходимни тайинлаш лозим. У эскираётган маҳсулот, техника, технологияларни ўз вақтида аниқлаш ва алмаштириши, ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятининг ҳартомонлама таҳлилини ўтказиши, инновациявий тадбирларни ишлаб чиқиш учун жавоб бериши керак. Инновациявий фаолият учун масъул шахс, корхонада етарлича обрўга эга бўлиши лозим.

Инновациявий бўлинмани катта юкламалардан озод этиш керак бўлади. Инновацияларни ишлаб чиқишга қўйилган маблағлар, янги маҳсулот ёки хизматлар бозорида ўз ўрнини топмагунга қадар, капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини мунтазам олиб бориладиган таҳлиliga киритилмаслиги лозим. Акс ҳолда иш яхши тугамайди. Инновациявий лойиҳани амалга оширишдан олинадиган фойда, оммавий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан олинадиган фойдадан фарқ қилади. Новаторлик ишлари узоқ вақт мобайнида ҳеч қандай фойда бермасдан, фақат ресурсларини истеъмол қилиши мумкин.



Кейинчалик эса, узоқ вақт давомида инновация ўсиши ва унга қўйилган маблағларни беш-ўн маротабалик ўлчамда қайтариши лозим, акс ҳолда уни муваффақиятсиз деб ҳисоблаш мумкин. Инновация кичикдан бошланади, аммо унинг натижалари катта миқёсга эга бўлиши лозим.

Корхонани шундай бошқариш лозимки, унда янгилик хавф эмас, балки қулай имконият сифатида қабул қилинсин. Инновациялар – ўз корхонасини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг энг яхши воситаси эканлигини, ҳар бир ишловчи англаб олиши лозим. Бундан ташқари, шуни ҳам тушуниш керакки, инновациялар – ҳар бир ходимнинг бандлиги ва моддий таъминланиши кафолатидир. Инновациявий фаолиятни юқорида кўрсатилган тамойиллар асосида олиб бориш, корхонага олдинга қараб ҳаракатланиш ва муваффақиятга эришиш имконини беради.


Стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида, ташкилий тузилмалари, ҳамда ташкилотнинг кадр, ахборот ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш сифатини ошириш базасида инновацияларни бошқариш усул ва услублари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилади. Аммо, инновациявий жараёнлар самарадорлигини ошириш имконини берувчи ҳар қандай тадбирлар, албатта, рақобатдош илмий маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан даромад олишга йўналтирилган бўлади.

Объектив инновациявий стратегияни танлаш ва инновацияларни бошқариш муаммоларини ҳал этишнинг асосий шартлари қуйидагилар (15.3.1 - расм).

Амалиётда эса мазкур шартларни бажариш, инновациявий стратегиянинг муайян турини танлашдан олдин, реал вазият ва потенциал имкониятлар тўғрисида ахборотга эга бўлиш учун, ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий жиҳатларини мажмуавий таҳлилни талаб қилади.

Ишлаб чиқарилиши таклиф этилаётган маҳсулот рақобатдошлиги даражасини баҳолаш жараёнини енгиллаштириш учун, бундай маҳсулотни танлаш мезонларини аниқ белгилаб олиш лозим. Одатда, бу умумий ишлаб чиқариш ҳажмида энг катта улушга эга бўлган маҳсулот, ёки ишлаб чиқарувчи

Ўз бозор мавқеини мустаҳкамлашни режалаштирган принципиал янги маҳсулотдир.




### 15.3.1-расм. Корхона бошқарувида иновациявий стратегияни танлашнинг асосий шартлари

Иновациявий стратегияни танлашда, янги маҳсулотлар рақобатдошлик даражасини фақатгина таққослаш услублари ёрдамида реал баҳолаш мумкин бўлиб, бунда таққослаш базаси сифатида дунёдаги энг яхши аналогларнинг (агарда мавжуд бўлса) техник-иқтисодий, экологик ва ижтимоий тавсифлари олинади (15.3.2-расм).

Танланган объект рақобатдошлигини баҳолашнинг яна бир муҳим қисми бўлиб талаб, нархлар, ишлаб чиқариш харажатлари, ҳамда уларнинг динамикаси ва даражасига таъсир этувчи омилларни прогноз қилиш хизмат қилади.

Шу билан бирга олинган баҳолаш натижалари ҳар доим ҳам реал рақобатдошлик даражасига тўғри келмайди.

Бу қуйидаги сабаблар туфайли рўй бериши мумкин:



**15.3.2-расм. Ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий жиҳатларини таҳлил босқичлари (энг рақобатдош маҳсулот бўйича инновациявий стратегияни танлаш)**

- умумишлаб чиқариш мақсадидаги маҳсулотни эксплуатация қилишнинг тармоқ хусусиятлари (ускуналар юкламаси даражаси, технологик жараёнлар спецификаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мураккаблилиги ва ҳ.);
- тадқиқот ва ишланмалар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ягона ахборот базасининг йўқлиги;

➤ маҳсулот рақобатдошлигини баҳолашнинг амалдаги услубиёти томонидан назарда тутилган кўрсаткичлар тизимининг чекланганлиги.

Янги маҳсулот рақобатдошлигини баҳолашдаги асосий муаммолардан бири, бу сифатни ушлаб туришга сарфланган харажатлари услубиётини ишлаб чиқишдир. Ушбу муаммо алоҳида сифат менежменти соҳасида батафсил ўрганилади. Шунинг учун ҳам бу ерда тактик ва стратегик характерга эга бўлган қуйидаги асосий вазифаларга тўхталиб ўтиш етарли бўлади:

- ташқи ва ички бозорлардаги маҳсулотнинг реал рақобатдошлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва эксплуатациявий умумий харажатларини минимумга олиб келган ҳолда сифатнинг берилган даражасини таъминлаш;
- инвестицияларнинг зарурий ҳажмини ва уларни инновациявий жараён босқичлари ва иштирокчилари ўртасида тақсимланишини аниқлаш;
- янги маҳсулот нархи ва ишлаб чиқарувчи корхона хизматларини оптималлаштириш;
- янги маҳсулот сифатига бўлган харажатлар ва ишлаб чиқарувчининг инновациявий фаолияти натижаларининг ўзаро алоқасини аниқлаш.

Инновациялар самарадорлигини баҳолаш мезонларини асослашда бир қатор қийинчиликларга дуч келинади. Ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини баҳолашнинг асосий мезони бу капитал ёки фойдани максималлаштириш бўлса, тадқиқот ва ишланмалар учун бу қисман тўғри келади холос. Инновациялардан фойда олиш мақсадидаги иқтисодий фойдаланиш, натижаларни ҳисоблашни талаб қилади, бу эса анча мураккаб жараёндир, чунки тадқиқот ва ишланмаларнинг фойдалилик самараси турли хил шаклларда намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга, қарор қабул қилиш мантиқи ва тадқиқотлар жараёни тузилмасига асосланган ҳолда, корхона инновациявий ривожланишининг муваффақияти тўғрисида сўз юритишга имкон берувчи, инновациялар самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизимини яратишнинг асосий босқичларини ажратиш мумкин

Баҳолаш мезонларининг биринчи гуруҳи, тадқиқот лойиҳаси мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида қўлланилади.



**15.3.3 -расм. Корхонада инновациялар муваффақиятини баҳолаш алгоритми**

Баҳолаш мезонларининг иккинчи гуруҳи эса, инновациявий лойиҳанинг якуний босқичида, олинган ва кутилаётган натижалар мослигини тавсифлаш учун қўлланилиши мумкин.

Ҳар иккала гуруҳнинг умумий белгиси шундаки, улар лойиҳа тўғрисидаги қуйидаги ахборот маълумотлари асосида барпо этилади:

- лойиҳанинг ишлаб чиқарувчи умумий инновациявий стратегиясига мувофиқлиги;
- лойиҳа объекти ўтадиган инновациявий цикл босқичларининг хусусиятлари;

- фундаментал, амалий, ишлаб чиқариш, маркетинг ва бошқа маълумотлар;
- тадқиқот ва ишланмаларнинг улардан амалий фойдаланиш соҳаси нуқтаи назаридан миқёси ва аҳамияти;
- тадқиқотларнинг ўзига хослиги ва янгилиги;
- инновациявий лойиҳани бажариш муддатлари;
- молиялаштириш манбалари;
- лойиҳа иштирокчилари ва уларни жалб этиш шартлари.

Лойиҳалар бошқаруви амалиёти таҳлилининг кўрсатишича, инновациялар, лойиҳалар ва инновациявий стратегияларни баҳолаш мезонларини танлаш, объектнинг ўзига хос белгилари, шароитлари, техник ва ташкилий имкониятларига боғлиқ бўлади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, кўриб чиқиладиган натижаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ноиқтисодий оқибатларини баҳолаш кўрсаткичлари уларнинг таркибига киритилиши лозим. Чунки айнан ушбу кўрсаткичлар ёрдамида корхона инновациявий фаолиятининг мониторинги ва таҳлилини амалга ошириш мумкин бўлади.

Ушбу босқичда инновацион маркетинг иккита мақсадни кўзлайди: пишиб етилган товарни сотишлар ҳажмини оператив қўллаб-қувватлаш ва уни ўрнига келадиган янгини илгари ҳаракатлантириш стратегиясини яратишни. Бу стратегия талабга қаратилганлиги билан таърифланади. Фирма худди қайси эҳтиёжларни қаноатлантириши кераклигини белгилаш асосий жиҳат бўлади. Янги товарларни бозорга кириб бориши, ёки янгилик киритишларнинг «диффузия»си маркетингнинг замонавий тизимлари ва товарни илгарига қараб ҳаракатлантириш каналларини шакллантириш билан таъминланади. Сотиш бозори учун кураш сиёсатини такомиллаштириш рақобатбардошликни оширишнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланишдан иборатдир. Товарнинг характери ва унинг яшаш даври босқичларига кўра рақобатнинг шакллари ва усуллари (нархли ва нархсиз), реклама усуллари ва товарни илгарига қараб ҳаракатлантиришда фарқлар кузатилади. Масалан, монополист рақобатда янги товарни бозорга чиқиши босқичида менежер нарх сиёсати имкониятларидан кўпроқ фойдаланиши керак. Агар корхона

олдин номаълум бўлган товарни ишлаб чиқараётган ёки янги бозорга ёриб киришни амалга ошираётган бўлса, унда нархни ҳатто компаниянинг зарарига ҳам пасайтириши ва ушбу босқичдаги зарарни бошқа товарлар ҳисобига қоплаши керак. Япон компанияларидаги инновацион менежмент бозорга ёриб киришда, қоидага кўра нархни кескин пасайтиришни амалда қўллайди. Кейин бир вақтда фойдани ошириш ва харидорлар доирасини кенгайтириш мақсадида нархлар билан моневр қилишга ўтади. Бунда сотишларнинг ҳажми катта ўзгаришларни бошдан кечириши мумкин. Маркетинг бўйича менежернинг моҳирлиги шундан иборатки, компаниянинг фойдаси ҳам битта товарни сотишлар ҳажмини кўпайиши ва ҳам ушбу товарнинг ўзининг модификациялари ва моделларини пайдо бўлиши ҳисобига ошсин. Қоидага кўра, замонавий истеъмолчининг турли туман селектив (танлаб олинадиган) талабини қаноатлантириш учун товар йирик партияларда ишлаб чиқарилмайди ва рақобатнинг нархли шакллар имкониятлари ғоятда чекланган. Биттагина компания, масалан IBM нинг бир турли товарларини бозорга бир вақтда чиқаришда рақобатнинг нархли омилларига суянадилар.

Оператив маркетинг бундан кейин ҳам ривожланади, вариантли таҳлилга асосланади, бозор муҳити, талаб, рақиблар, мижозлар ҳақидаги мунтазам ахборотларни йиғиш билан шуғулланади, сотишлар соҳасидаги мақсадларни белгилайди. Булар сотишлар ҳажмини кўпайтириш, бозор улушини кенгайтириш мақсадида қилинади.

Корхоналарда стратегияга қўйилган мақсадларга эришиш учун лозим бўлган ҳатти-ҳаракатларнинг умумлаштирилган моделидир. Корхоналарда стратегик инновациялар олдини олувчи характерга эга бўлиб, истиқболда катта рақобат устунликларига эга бўлишга йўналтирилган. Корхоналарда рақобат курашида жон сақлаш имкониятини берувчи стратегияни ишлаб чиқишнинг моҳияти, узоқ муддатли истиқболда жуда ҳам катта. Кескин рақобат ва бозордаги тез ўзгарувчан шароитларда, нафақат бутун эътиборни корхоналарнинг ички ишларида мужассамлаштириш, балки узоқ муддатли

стратегияни ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир. Олдинги йилларда кўпгина корхоналарнинг жорий фаолиятда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ички муаммоларни кундалик тарзда ҳал этган ҳолда, муваффақиятли фаолият юритишлари мумкин эди. Ҳозирги кунда, тез ўзгарувчан шароитга мослашувни таъминловчи стратегия ўта муҳим ҳисобланади.

Мисол учун, Япония корхоналарининг стратегияси қуйидагилар билан тавсифланади :

- ташқи муҳит ва корхона ичидаги доимий ўзгаришларга йўналтирилганлик;
- ушбу муҳитдаги жойга йўналтирилганлик;
- детерминалланган йўналишнинг йўқлиги;
- жон сақлаш учун барча имкониятларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш, ҳамда ўзгарувчан шароитларда, нафақат жорий давр балки узоқ муддатли истиқболда ҳам ўз ролини кучайтириш;
- асосий омил сифатида – корхона ишчиларининг интеллектуал салоҳияти ва доимий ривожланаётган технологияларни ажратиш.

Ўзининг эгилувчанлиги, мослашув қобилияти, ўзгаришлар бошида бўлиш истаги билан фарқ қилувчи ушбу стратегияда, бозорда ўз ўрнини енгиб олиш қобилиятига бўлган эҳтиёж объектив кўриниб турибди. Ягона стратегия мавжуд эмас. Ҳар бир корхоналарнинг ўзига хос, шунинг учун стратегия ишлаб чиқиш жараёни ҳам ўзаро фарқланади. Чунки ушбу жараён корхонанинг бозордаги ўрни, уни ривожланиш динамикаси, салоҳияти, рақобатдошларининг ҳатти-ҳаракати, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматларнинг тавсифи, иқтисодиётнинг аҳволи ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бир вақтнинг ўзида бизнес стратегиясини ишлаб чиқишнинг айрим умумлаштирилган тамойилларини ажратиш имкониятини берувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Бизнес стратегиясини танлашни, корхона ва унинг маҳсулотлари портфели аҳволини тавсифловчи асосий омиллар таҳлили асосида, корхонанинг юқори раҳбарияти амалга оширади. Асосий омиллардан: тармоқ ва



корхонанинг кучли томонлари стратегия танлашда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Мавжуд имкониятлардан максимал даражада фойдаланишга интилиш лозим. Бунда, ўсиш салоҳияти мавжуд бўлган янги тармоқларда ҳам ўз фаолиятини олиб бориш йўллари излаш муҳимдир.

Корхоналарда стратегия танлашга корхонанинг молиявий имкониятлари ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Корхонанинг ўрганилмаган бозорларга чиқиши, янги маҳсулот ишлаб чиқиши ёки янги тармоққа ўтиши катта молиявий харажатларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам катта молиявий ресурсларга ёки уларни тезда топиш имкониятига эга корхоналар, стратегия танлашда анча қулай вазиятда бўладилар.

Корхоналарнинг стратегиясини танлашда молиявий ресурслар сингари, ишчилар малакаси ҳам муҳим рол ўйнайди. Ишчилар малакавий салоҳиятини чуқурлаштириш ва кенгайтириш – янги ишлаб чиқаришларга ўтиш ёки мавжуд ишлаб чиқаришни тубдан сифатли янгилаш имкониятини таъминловчи муҳим шартдир. Шунингдек, корхона стратегиясини танлашга унинг ташқи муҳитга боғлиқлик даражаси ҳам катта таъсир кўрсатади. Шундай вазиятлар бўладики, унда корхонанинг етказиб берувчилар ёки харидорларга боғлиқлиги, стратегия танлашда ўз салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини бермайди. Бундай вазиятда ташқи боғлиқлик корхона стратегиясини танлашда, бошқа омилларга нисбатан муҳимроқ ролни ўйнайди. Кучли ташқи боғлиқлик, шунингдек, корхона фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан ҳам белгиланиши мумкин, мисол учун, антимонополия қонунчилиги, ижтимоий чеклашлар, табиий муҳитнинг таъсири, сиёсий омиллар ва ҳ. Яна бир муҳим омил – корхона раҳбариятининг манфаатлари. Мисол учун, раҳбариятнинг таваккалчиликка мойиллиги ёки ундан умуман четлашиши. Бу стратегия танлашда ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин.

Корхоналарда вақт омили ҳам албатта эътиборга олинishi лозим. Ҳамма гап шундаки, корхона имкониятлари ва хавфлари, режалаштирилаётган ўзгаришлар уларнинг барчаси ҳар доим вақт чегарасига эга. Бунда стратегияни амалга оширишнинг календар вақтини ҳам, интерваллар давомийлигини ҳам ҳисобга

олиш лозим. Кўпгина ҳолларда вақт давомида жараёнларни муваффақиятли бошқарувчи корхона самарага эришади.

Корхоналарнинг инновациявий фаолияти биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Корхоналарда рақобатдошлик – бу корхоналарни товар (хизмат)ни муайян истеъмолни қондириш даражаси ва унга бўлган харажатлар даражаси бўйича рақобатдош товардан фарқини ақс этирувчи тавсифидир. Истеъмол хусусиятлар ва нарх – товар (хизмат) рақобатдошлигининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Аммо товарларнинг бозордаги истиқболи ишлаб чиқариш сифати ва харажатлари билангина боғлиқ эмас. Муваффақият ёки муваффақиятсизлик сабаблари бўлиб реклама фаолияти, корхона обрўси, хизмат кўрсатишнинг таклиф этилаётган даражаси каби нотовар омиллар хизмат қилиши мумкин.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновация янгиликларини ишлаб чиқишни ташкил этиш технологик таёргарлигини тушунтиринг?
2. Инновация тузилмаси ўз ичига нималарни олади?
3. Фундаментал тадқиқот ҳақида тушунча?
4. Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқишдан аввал нима ишлар қилинади?
5. Инновация ишлаб чиқиш босқичларини тушунтиринг?
6. Инновацион технологияларни ривожланиш тенденцияси ва таснифи.?
7. Ишлаб чиқаришни ташкилий технологик таёргарлиги вазифалари ва босқичлари нимадан иборат?
8. Инновация лойиҳаларни бошқариш технологиясини тушунтиринг?
9. Инжиниринг ва реинжиниринг жараёнлари нималардан иборат?
10. Замонавий инновацион стратегияларнинг моҳияти ва турларини тушунтиринг?.
11. Инновациялар менежмент концепцияси айтиб беринг?

12. Янги маҳсулот ва технологияларнинг бозорга кириш стратегиясини изоҳланг?

13 Бозорда инновацияларни боҳалаш нима?

14. Нархни белгилаш усулларини айтинг?

## **XVI Боб. Инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш**

**Ўқув мақсади:** *Корхоналарда инновацион маркетингнинг мазмун ва моҳияти, уларга таъсир этувчи омиллар, инновацион маркетингни қўллаш услубиётини, инновацион маркетинг фаоллиги самарадорлигини ошириш йўллари ва инновация бозорида маркетинг жараёнларини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион маркетинг, инновацион фаолият, инновацион маркетинг, инновацион маркетинг самарадорлиги, самарадорликни тавсифловчи кўрсаткичлар, инновацион маркетингни баҳолаш, инновацион маҳсулотлар бозори, нарх, демпинг нарх, илмий тадқиқот, технологик ҳужжатлар, тижоратлаштириш, инновацион бозор, рақобатчилар, башоратлаш.*

### **16.1 Инновацион маркетингнинг мазмун ва моҳияти**

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўз самарасини бера бошлади. Кейинги йилларда саноат маҳсулотлари соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилаяпти. Иқтисодиёт тармоқлари барча масалаларда хорижий инвесторларга кенг имкониятлар яратилаётганлиги, интеграцион жараёнларнинг тўғри ташкил этилганлиги бунда бош омил бўлаяпти.

Корхоналарда маркетинг инновацияси бу маҳсулотларнинг дизайн ва қадоқланишида жиддий ўзгаришлар, маҳсулотларни сотиш ва тақдимот қилиш, уларни бозорларга танитиш ва олға силжитиш бўйича янги усублардан фойдаланиш, янги нарх стратегияларини шакллантиришдан иборат.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви кенг сураётлар билан амалга оша бошлади. Хориждан энг замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди. Пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарларимизда йирик халқаро ярмаркалар ташкил этилди. Жумладан, мебелсозлик, қоғоз ишлаб чиқариш, полиграфия саноати ярмаркалари тезда ўз самарасини берди.

Айниқса, ҳар йили ўтказилаётган пахта ярмаркалари кўпчиликда катта

кизиқиш уйғотмоқда. Илгари ўзбек пахтасини харидорлари Ливерпуль биржасига боришга мажбур эди. Ҳатто ён кушнилариимиз ҳам ўша ерга бориб биз билан шартнома тузарди, энди эса Тошкентнинг ўзида бу имконият яратилди. Энг асосийси ўртада далолат йуқ. Масаланинг яна бир томони, ушбу ярмаркалар туфайли деҳқонларимиз, ишлаб чиқарувчиларимиз, ўзларига керакли техника ва технологияларни сотиб олиш учун мамлакатимизнинг ўзида шартномалар тузиш имконига эга булди. Натижада юртимиз йилдан йилга хом ашё базасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланиб бормоқда.

Шу жумладан инновациялар маркетинги концепцияси бутун маркетинг хизмати, бозорни тадқиқот қилиш ва корхонанинг рақобат стратегиясини қидириб топишнинг асосий йўналиши бўлади. Инновацияларни қидириб топишнинг бошланғич босқичида маркетинг бўлинмаларининг биринчи даражали вазифасини бажариш:

- талаб ва рақобатнинг даражаси;
- харидорнинг хулқи ва унинг афзалликларининг динамикаси;
- рақобатлашувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги ва янгиликлар бозорида рақобатлашиш имкониятини ўрганишдан иборатдир.

Маркетинг стратегияси, бозорнинг таҳлили ва оператив маркетинг қуйидаги 6 принциплари босқичлардан иборат бўлади:

- умумиқтисодий таҳлил;
- иқтисодий ҳолатнинг таҳлили;
- бозорни махсус тадқиқот қилиш;
- янгиликни кириб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- маркетингнинг оператив тадбирлари;
- маркетинг харажатлари ва унинг даромадларни баҳолаш.

Инновациялар – фирманинг доимий ўсишини ва гуллаб-яшнашини таъминловчи бош йўналишдир. Питер Дуркер «Менежмент амалиёти» китобида шундай таъкидлайди: «Ҳар қандай корхонанинг масқади

истеъмолчини яратиш ҳисобланади, ҳар қандай корхона икки функцияга эга: **маркетинг ва инновациялар»**.

Маркетинг – бу тадбиркорликнинг ўзига хос хусусияти. Корхона ўзгаришлар табиий ва исталган иқтисодий муҳитдагина мавжуд бўлиши мумкин. Иккинчи муҳим хусусияти инновациядир. Одатий маҳсулотлар, савдо ёки бошқарувни таъминлаш услублари учун янги қўлланмаларни қидирш ва жорий этиш, менежерларни тайёрлашда янгиликларни киритиш, янада арзонроқ ва сифатлироқ маҳсулотлар ҳамда хизматларни тақдим этиш инновация бўлиши мумкин. Инновациялар тадбиркорлик фаолиятининг барча шаклларида дахлдор. Бу саноат корхоналари учун ҳам, банклар, суғурта фирмалари ёки туристлик фирмалари ва бошқа ташкилотлар учун ҳам бир хилда муҳимдир.

Тадбиркорликнинг ташкилий схемасида инновация маркетинг функциясидан алоҳида ҳисобланиши мумкин эмас. Инновацион жараён бутун тадбиркорликка, унинг барча функциялари ва фаолият турларига, жумладан маркетингнинг ўзига ҳам таъсир қилади.

Инновацион мақсадларни аниқлаш учун, **биринчидан**, бозор эҳтиёжларини башорат қилиш зарур, **иккинчидан**, технологик жараён билан боғлиқ ҳолда тадбиркорликнинг барча соҳаларида юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган шароит ҳисобга олиниши лозим.

Фирманинг оддий инновацион мақсадлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- янги маҳсулотлар ва хизматлар;
- маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш;
- ташкилий ва бошқарув фаолиятининг барча турларида янгиликларни жорий этиш.

Корхоналарда жорий этиладиган инновацияларни корхона ривожланишини тақозо қилувчи ташкилий; илғор технологияларни киритишдан келиб чиқувчи техник; маҳсулот сифати ва мажмуи билан боғлиқ маҳсулотга оид; компанияни бошқариш услубларини такомиллаштиришни талаб қилувчи бошқарувга оид; маркетингга оид; истеъмолчи ва корхона

ходимлари учун фойдалилиги билан боғлиқ ижтимоий; корхона барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган иқтисодий ва молиявий сифатида таснифлаш мумкин.

Янгиликларни жорий этиш доимий ўзгариб бораётган бозор ҳолати шароитида корхона ходимлари мижозлари эҳтиёжларини тўлароқ қониқтиришга қаратилган бўлиши лозим. Ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни доимий ўзаришлар объекти сифатида олиб қараш керак. Бироқ, инновацияни жорий этиш тўғрисидаги қарор ҳамма вақт ҳам эски маҳсулотни йўқ қилишини аниқлатмайди. Маҳсулотнинг хусусиятларини такомиллаштириб, маҳсулот мавжудлик даврини узайтиришга интилиш ҳам инновацияни юзага келтиради. Бундай инновация мавжуд маҳсулотнинг янги функциясини киритиш ёки шаклини ўзгартиришдан иборат бўлади. Мавжуд маҳсулотни яхшилаш ёки янгисини ишлаб чиқишда уни ташкил этувчи асосий унсурлар маҳсулотнинг муқобил маҳсулотлар ва эҳтимолли ўрнини босувчи – маҳсулотларга нисбатан устунликлари; бозорнинг мақсадли сегменти; савдо-сотиқ тизимини ривожлантириш ва эҳтимолли ўзгартиришлар; ишланмалар, ишлаб чиқариш ва сотиш кабилар ҳисобланади.

Ҳар бир фирма стандартлар ва инновациялар орасида, ривожланишга кўмаклашувчи мувозанат ва қарама-қаршилик орасида мувозанат сақлашнинг ўзигагина хос услубини топиши лозим. Бошқарувни ташкил этишда фирманинг ресурслари чекланганлигини доимо ёдда тутмоқ зарур. Шу сабабли истеъмолчилар билан ишловчи бўлинмаларни ривожлантираркан асосий ишлаб чиқариш жараёнига маблағ сарфлашни унутмаслик лозим.

Бошқарувда ижодий унсур фирма бўлимлари ва алоҳида ходимлар ўзаро муносабатлари шакллари ҳамда ўзаро таъсирларининг ўзгариши билан уйғунлашиши керак. Фирма ичидаги оралиқ бўлимнинг ҳар бир буюртмаси мижоз талабидек, қўшни бўлимнинг ҳар бир рекламаси эса – харидорнинг эътирозидек қабул қилиниши лозим.

Истеъмолчиларга муносабат муҳим аҳамиятга эга. Фирма ходимлари бир қоидани доим ёдда тутишлари зарур: мижозларга улар сизга қандай

муносабатда бўлишини истасангиз шундай муносабатда бўлинг. Истеъмолчи эҳтиёжларини билишва шу эҳтиёжларни, жумладан, эҳтиёжларини ҳам кондириш йўли билан унинг ишончини оқлаш лозим. Истеъмолчига маҳсулотнинг жисмоний хусусиятлари ҳам, фирманинг нуфузи ҳам муҳим.

Маркетингининг келажаги истеъмолчилар хақида кенг маълумотлар базасига эга бўлиш ва индивидуал эҳтиёжларни тўғри шакллантириш имконини яратишдан иборат бўлади. Фирмалар ходимлари кўпинча мижозларни уларга ёқадиганларга, чидаса бўладиганлар ва уларда жирканиш ҳиссини уйғотадиганларга ажратишади. Прагматик тасниф эса оқила бўларди. **Биринчи**, ёқимли гуруҳни даромадли мижозлар ташкил этади, уларга максимал эътибор қаратилади. **Иккинчи** гуруҳ истикболли мижозлардан иборат бўлиб, уларга эътибор ва улар билан ишлаш узоқ муддатли хусусиятда бўлиши лозим. **Учинчи** гуруҳ – бу инжиқ мижозлар, улар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлган маъқул. **Тўртинчи** гуруҳ ҳам мавжуд – таъбир жоиз бўлса, ишончсиз мижозлар. Улар билан ишлаш ё даромад келтирмайди ёки бу даромад арзимас ва уларнинг мавжудлиги келтириб чиқарган зарарни қоплаймайди.

Янги маҳсулот ёки хизматни жорий этишда мижозларнинг инновацияларга муносабатини ҳисобга олиш лозим (16.1.2-жадвал).

#### 16.1.2-жадвал

Истеъмолчилар тоифаси	Ҳиссаси, %	Истеъмолчилар тавсифи
Новатор (янгилик истовчи)лар	2,5	Янгиликларни санаб кўриб, таваккал қилишади
Эртанги мухлислар	13,5	Янгиликларни қабул қилиш бўйича етакчи, аммо эҳтиёткор
Эртанги кўпчилик	34	Янгиликларни эҳтиёткорлик билан қабул қилишади, аммо кам ҳолларда етакчи бўлади
Кечиккан кўпчилик	34	Кўпчилик истеъмолчилар санаб кўргач янгиликни қабул қилишади
Қолоқлар	16	Ё янгиликни умуман қабул қилишмайди, ёки янгилик анъанавий бўлгач, қабул қилишади



Ходимларни инновацион жараёнларда иштирок этишга жалб қилиш. Ходимларни бошқариш бўйича фирма сиёсати ходимларда анъанавий ҳамда умумтан олинган нарсаларга янгича қарашни, одатий меъёрдан оғишларни сезишни, фаолиятнинг танланган соҳасида янги ўринлар ва мақсадларни эгаллаш учун оқилона таваккал қилишни, тасодифий ва бетартиб ходисалар катта миқдорда фойдали ҳамда истиқболларни танлаб олишни ривожлантиришга бўйсундирилган бўлиш керак.

Ҳар қандай инновация катта куч-қувват, моддий ва ақлий захиралар ишлатилишини талаб қилади. Инновацияни тайёрланмаган муҳитда амалга оширишга уриниш зарарга олиб келиши мумкин. Фирмани ривожлантириш учун жамоанинг бутун ижодий имкониятлари сафарбар этилиши зарур. Буни барча ходимлар билимлари, ақли ва тажрибасидан фойдаланилгандагина амалга ошириш мумкин.

Менежментнинг вазифаси шундан иборатки, ходимларни «ғоялар генераторлари» ва оддий ижрочиларга ажратмасдан, балкиянгиликлардан ҳар бир ходим дарҳол баҳраманд бўлиши зарур.

Бунда нафақат ички захираларни сафарбар этиш мумкин, балки ташқи кучларни жалб қилиш, инновацион жараёнга истеъмолчиларни, таъминотчиларни, зарурат туғилганда, янги тадбиркорликни ривожлантириш учун ресурслар етмаган тақдирда рақобатчиларни ҳам қўшиш мумкин. Бунда ходимлар ўз тажрибаларини хужжатлаштириб, ҳамкасблари орасида уни тарқатишлари зарур. Барча ходимларнинг жалб этилганлиги инновациялар муваффақияти учун муҳим шарт ҳисобланади. Ўзгаришларга салбий муносабатнинг уч асосий сабаби мавжуд: оқилона (рационал), шахсий ва эмоционал (ҳиссий).

Оқилона (ақл-идроққа таянган - рационал) – бу режа тафсилотларини тушунмаслик, ўзгаришлар зарур эмаслигига ишониш, уларнинг режалаштирилган самарадорлигига ишонмаслик, салбий оқибатларни кутиш.

Шахсий сабаб ишдан ажралиб қолишдан қўрқиш, келажакдан хавотир, ўзгаришлар жараёнида айтиладиган танқиддан ранжиш билан боғлиқ.

Эмоционал эса ҳар қандай ўзгаришларга фаол ёки нофаол қаршилик кўрсатишга мойиллик, ташаббусни ёқтирмаслик, ўзгаришларни келтириб чиқарган сабабларга шубҳали қараш.

Кўп ҳолларда ўзгаришларга, уларнинг катта қисмини амалга ошириш зарур бўлган кишилар қарши чиқишади, унинг устига ўзларининг манфаатларига яққол жавоб берувчи ўзгаришларга ҳам. Янгиликларга қарши туришнинг беш сабабини алоҳида ажратиш мумкин.

1. Ўзгаришлар бир кишига ёки гуруҳга, ишчиларга салбий таъсир кўрсатишидан хавотирланиш: иш ҳажми кўпаяди, аммо мукофотланиш эҳтимоли камаяди, ишчиларнинг компания билан муносабатларини тартибга солувчи шахсий келишувлар шартлари ўзгаради.

2. Кўникмаларни бузиш зарурати: ўзгаришлар ишчиларнинг шаклланиб бўлган амалиёти ва ахлоқ анжозаларидан воз кечишларини тақозо қилади.

3. Маълумот етишмаслиги: фирма иш усулини нега ва қандай ўзгартириш кераклигини жўяли тушунтирмайди, истиқболли мавҳум таърифлайди.

4. Ўзгаришлар ташаббускорларининг жамоа (асосий мансабдор шахслар, малакали ходимлар) қўллаб-қувватлашига эриша олмасликлари, жамоанинг имкониятларини ўз фаолиятига уйғунлаштираолмаслиги.

5. Ходимлар исёни: кишилар ўзгаришларни ичдан қабул қилмай, уларга қаршилик қилишади. Улар янгиликларнинг жорий этилишигагина эмас, уларнинг яширин оқибатларига, ўзларининг ҳам ўзгаришлари заруратига қаршидирлар.

**Жамоа яратиш.** Инновацион лойиҳанинг муваффақиятини таъминлаш учун жамоани шакллантириш зарур. Ушбу жараён бир неча босқичлардан ташкил топади: шаклланишнинг ўзидан; умумий мақсадлар, меъёрлар ва қадриятларни аниқлаб олишдан; дастлабки келишмовчиликларни енгиб ўтиш; ишнинг меъёрдаги тартибига эришиш; фаолият юритиш. Жараён натижасини жамоа аъзолари орасида маълум ўзаро боғлиқликларнинг пайдо бўлиши сифатида тавсифлаш мумкин. Жамоа ишининг самарадорлигига яхши мувозанатланган ролар тақсимооти билан эришиши мумкин. Жамоанинг

поғонали курилмасида бир аъзо бошқасидан устун туради ва ҳоказо; тартибсиз курилмада барча аъзолар бир-биридан мустақил иш юритади. Билимлардан фойдаланиш кўп жиҳатдан жамоанинг қанчалик яхши ва келишиб ишлашига боғлиқ.

Фирмалар инновацион жараёнларда турлича иштирок этишади, уларнинг фаолияти хатти-ҳаракатлар фаоллиги даражасига кўра фарқ қилади. Россиялик олим Л.Г.Раменский корхона ва фирмаларни инновацион фаолиятнинг тўрт турига кўра таснифлашни таклиф этади: виолент – корхоналар (виолент фаолияти); пациент – корхоналар (пациент фаолият); эксплерент корхоналар (эксплерент фаолият); коммутант корхоналар (коммутант фаолият).

Худди шундай тасниф компаниялар инновацион фаолиятининг ҳайвонлар олами билан ўхшаш манзарасини берган швейцариялик иқтисодчи Х.Фризевинкел томонидан таклиф қилинган: виолентлар – шерлар, филлар, бегемотлар; пациентлар – тулкилар; эксплерентлар – қалдирғочлар; коммутантлар – сичқонлар (16.1.3-жадвал).

**Виолент** фаолият катта заҳираларга эга йирик компаниялар учун хос бўлиб, улар бозорда кучга таяниб иш тутишади, тадқиқотлар ва ишланмалар, маркетинг ва савдо тармоқларига кўп маблағлар ажратишади. Виолент-фирмалар барча соҳаларда учрайди, улардан кўплари трансмиллийдир. Ўз ривожланиши динамикасининг босқичига кўра уларни: «мағрур шерлар», «қудратли филлар», «бесўноқай бегемотлар» деб аташади.

**«Мағрур шерлар»** - тор, аммо юқори сифат ва мақбул нархлардаги маҳсулотларнинг оммавий ва истиқболли мажмуига аниқ эътибор билан ривожланишнинг энг тезкор суръати хос бўлган фирмалар, улар қудратли илмий-тадқиқот структуралари яратишга катта маблағлар сарфлашади. Бирок «мағрур шер» шаклланган бозор сегментининг ўсиши имкониятлари эртамикечми тугайди ва у «қудратли фил» ҳолатига ўтади.

**«Қудратли фил»** ривожланишининг суръати пастрок, аммо янада диверсификацияланган структурага эга. Шу ҳолатда фирма узоқ йиллар мавжуд бўлиши мумкин, унинг барқарорлиги катта ҳажмлар, диверсификация ва кенг

халқаро тармоқ мавжудлиги билан таъминланади. Бозорда янгилик пайдо бўлганида «қудратли филлар» янгилик муваффақияти яққол бўлгандагина ҳаракат қила бошлашади ва қудратли молиявий ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлиб, янгилик жорий этувчи фирмаларни иккинчи ўринларга сиқиб чиқаришади ва янгиликдан энг юқори тижорат фойда олишади. Тадбиркорликнинг алоҳида йўналишлари муваффақиятли ривожлангани боис бундай фирманинг яратувчанлик хусусиятлари аста-секин пасайиб, у «бесўнақай бегемот»га айланади.

«Бесўнақай бегемот» - диверсификацияга ортиқча қизиқиб кетган, ўз кучларини сарфлаб бўлиб, ривожланиш суръатини йўқотган фирмалар. Турли сабабларга кўра, фирма етарлича даромад олмай, зарар билан ишлашга ўтиб қолади.

### 16.1.3-жадвал

#### Инновацион фаолият турига кўра компаниялар таснифи

№	Кўрсаткичлар	Л.Г.Раменский бўйича инновацион фаолият тури			
		Вилоентлар	Патентлар	эксплерентлар	коммутантлар
		Х.Фризевинкел таснифи бўйича фирма турлари			
		шерлар, филлар, бегемотлар	тулкилар	Қалдирғочлар	сичқонлар
1.	Рақобат даражаси	Юқори	Паст	Ўрта	ўрта
2.	Соҳа янгилиги	Янги	Етук	Янги	янги, етук
3.	Қандай эҳтиёжларга хизмат кўрсатилади	оммавий, стандарт	оммавий, аммо стандарт эмас	Инновацион	локал
4.	Ишлаб чиқариш йўналиши	Оммавий	ихтисослашган	Тажрибавий	универсал, кичик
5.	Фирма ҳажми	Йирик	йирик, ўрта, кичик	ўрта, кичик	кичик
6.	Фирма барқарорлиги	Юқори	юқори	Паст	паст

7.	НИОКРга ҳаражатлар	Юқори	Ўрта	Юқори	йўқ
8.	Куч ва рақобат омиллари	юқори даражада ишлаб чиқариш	ўзига хос бозорга мослашувча нлик	янгиликлар жорий қилишда ўзиб кетиш	эгилювчан-лик

**Виолентлар** – йирик фирмалар бўлса, пациентлар («айёр тулкилар») кичик, ўрта ва оз ҳолатларда йирик бўлиши мумкин. Ушбу компаниялар стратегияси оммавий маҳсулот тўғри келмайдиган истеъмолчиларни мўлжал олиб, ўз жойини – бозорнинг тор сегментини эгаллашдан иборат. Бунда рақобатбардошлик захираси маҳсулотнинг юқори истеъмол қиймати туфайли таъминланади. Аста-секин фирма тажриба тўплаб, рақобатчиларни сиқиб чиқарган ҳолда танланаган тор йўналишда бутун захираларни тўплайди. Бундай фирмаларда яшаб қолиш лаёқати ва ривожланиш имкониятлари бозор сегменти ёки маҳсулотга талаб мавжуд бўлгунча сақланиб туради. Пациент-фирмалар самарадорлиги сабабли виолент-фирмалар томонидан ютиб юборилиш учун жозибалидир. «Айёр тулки» назорат қилаётган бозор сегментига киришга тўғридан-тўғри уриниш сезиларли, баъзида эса тузатиб бўлмас йўқотишларга олиб келиши мумкин, шу сабабли ютиб юбориш патентлар, ноу-хау, ихтисослашган маиший тармоққа эга бўлишнинг деярли ягона йўли ҳисобланади. Ҳатто, виолентларга тобе бўлгач ҳам пациентлар мухторликнинг юқори даражасини сақлаб қолишади. Ютиб юборишдан қутулиб, улар икки йўналишда ривожланиши мумкин: биринчиси – меъёрий ўсиш ёки эгалланган ўрин билан бирга стагнация, иккинчиси – стратегиянинг ўзгариши ва виолентга айланиш.

Унчалик катта бўлмаган **эксплерент-компания («қалдирғоч»)**ларнинг асосий роли янги маҳсулот ва технологияларни яратиш ҳамда радикал янгиликларни жорий этишдан иборат. Ўз фаолиятининг биринчи босқичида улар молиялаштиришга муҳтож бўлишади. Кейинги ўн йилликда давлат ва тижорат структураслари томонидан уларни кўпайиб бораётган молиявий ва ташкили қўллаб-қувватлашга мойиллик кузатилмоқда. Кўпгина эксплерент-

компаниялар учун янгиликлар кидирш муваффақиятсизлик билан тугайди. Маҳсулотнинг юқори истеъмол қиймати ва рақобатбардошлиги эвазига муваффақиятли натижаларга эришувчи фирмалар тезкор ривожлана бошлайди. Виолентлар билан рақобатга бардош бери шва бозордаги ўрнини йўқотмаслик учун эксплерент стратегиясини ихтисослашган (пациент)га ўзгартириш зарур ёки ишлаб чиқариш, бошқарув, савдотармоқларига катта маблағлар сарфлаши лозим.

**Коммутант-фирма («сичқон»)лар** – маҳаллий талаб шароитига мослашган кичик фирмалар, улар у ёки бу сабабларга кўра виолентлар, пациентлар ёки эксплерентлардан бўша қолган жойларни эгаллашади. Маҳаллий эҳтиёжлар ва индивидуал талабни қондириб, улар иқтисодиётни бир бутун қилиб, бирлаштириувчи вазифасини бажаришади. Шу сабабли уларни коммутантлар деб аташди. Улар иккиёклама рол бажариб, инновацион жараённинг кенгайиши ва тезлашишига ёрдам беради: бир томондан янгиликлар диффузиясига кўмаклашса, бошқа томондан мустаҳкамлайди. Кичик фирмалар тақлидий фаолият йўли билан янгиликларнинг тарғиботига кўмаклашади. Коммутантлар маҳсулотни бозорга олиб чиққан фирмага нисбатан каттароқ рақобатчилик устунликларига эга бўлишади, чунки янгини яратишдан унга тақлид қилиш арзонроқ. Кичик тақлидий ишлаб чиқариш таниқли фирмаларнинг асл молларига сифат жиҳатидан деярли мос тушувчи сифатни арзон нархларда таъминлаб, йирик ишлаб чиқаришдан самаралироқдир. Коммутантлар патент ҳуқуқи дизайнни нусха кўчиришдан ҳимоя қилишга қодир бўлмаган соҳаларда (тикиш, мебел) кенг тарқалгандир. Бошқа соҳаларда (фармоцевтика, электроника) патент ҳимояси муддати маҳсулот мавжудлик давридан анча қисқа ва бу қонуний равишда таниқли фирмалар ишланмаларидан нусха кўчириб тарқатиш жараёнида иштирок этиш имконини беради.

Анъанавий турдаги коммутантлар катта булмаган ҳажмларни сақлаб қолишади. Уларнинг кенгайиши стратегияни ўргартириш, аниқроқ олсак пациентга ўтиш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳамма вақт ҳам корхона турини унинг инновацион фаолияти бўйича аниқ белгилаш осон эмас, чунки йирик компанияларнинг катта қисми инновацион фаолият ва инновацион стратегиянинг ҳар-хил вариантларидан фойдаланишади(чиқарилаётган маҳсулот турига боғлиқ ҳолда) халқаро интеграция ва кооперацияда фаол иштирок этишади.

Юқорида таъкидланганидек фақат инновацион фаолият билан шуғулланувчи ихтисослашган ташкилотлар пайдо бўлди. Уларни венчур, инжиниринг, жорий этувчи фирмалар ва профитмарказларга ажратиш мумкин.

## **16.2 Инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар туркуми**

Инновацион маркетинг турларисаноати ривожланган мамлакатларда корхона ривожланишининг маркетинги концепцияси ўн йилликлар давомида фахрий ўринни эгаллайди, бунда таъкидлаш керакки, инновацион маркетингни илмий фан сифатида вужудга келиши фақат кейинги ўн йилликларга тўғри келади.

**Инновацион маркетинг** тушунча сифатида инновацион маркетингдан кенгроқ, у ўз ичига ташкилотнинг вазифаси, тафаккурнинг фалсафаси илмий-тадқиқотлар соҳаси, бошқарув услуби ва хулқни олади. Бу чекланган, мажбур қилинган новаторлик эмас, муносабатларнинг алоҳида тури ва ҳаттоки тўлиқ қабул қилинишидир.

Инновацион маркетинг ижтимоий йўналтиришга, издошларга эга. Стратегик ва оператив ташкил қилувчилар унинг энг муҳим турлари бўлади.

**Стратегик инновацион маркетинг.** Стратегик маркетинг тадқиқотлари асосига бозор ҳолатини кейинчалик бозор сегментларини ишлаб чиқиш, талабни ташкил қилиш ва шакллантириш, харидни моделлаштириш билан таҳлил қилинади.

Тадбиркорлик фирмаси бошидан бозорни эгаллаш сегментлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ўзининг истеъмолчиларини яратишга қаратилиши керак. Бозорлар ва ташқи муҳит омилларини таҳлил қилишдан ташқари замонавий маркетинг нафақат бугунги куннинг

истеъмолчиларини ўрганади, балки келажакда эҳтимол бўлганларини ҳам шакллантиради.

Стратегик маркетинг корхонанинг маркетинг ва социологик хизматлари ходимларининг истеъмолчиларнинг яқиндан алоқасига қаритилган (анкеталар тўлдириш, телефон бўйича сўров, репрезентив танлоб олишлар ва ҳ.к.).

Инновацион маркетингнинг қоидаларига мувофиқ янги товарни қабул қилиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

- бирламчи хабардорлик. Истеъмолчи инновация ҳақида хабар топади, етарлича ахборотга эга эмас;
- товарни таниш. Истеъмолчи баъзи бир ахборотга эга, янгиликка қизиқади: янгилик ҳақида қўшимча ахборотлар (реклама, проспектлар, маълумотномаларни қидириши мумкин);
- янги товарни идентификациялаш. Истеъмолчи янгиликни синовдан ўтказиши ҳақида қарор қабул қилади. Истеъмолчи янгиликни ўзининг эҳтиёжлари билан таништиради;
- янгиликдан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш;
- истеъмолчи инновация ва харид қилиш эҳтимоли ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида янгиликни синовдан ўтказиши;
- тест натижалари бўйича янгиликни харид қилиш ёки яратишга инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Амалда инновацияларни қабул қилмайдиган истеъмолчилар сони 16 %дан камроқ, «новаторлар» категорияларининг кам сонлилиги жамиятнинг фақат чекланган қисмида товар янгилигига юқори таъсирчанлик ва мойилликни кўрсатади. Қолганларнинг инновацион мойиллигини қимматбаҳо маркетинг ишланмаларини фаоллаштириш йўли билан ошириш мумкин.

Бозор сегментининг асосий тавсиялари тўртта ўзаро боғлиқ ўзгарувчилар билан белгиланган: **бозор ўлчами, мумкин бўлган нарх, техник самарадорлик талаблари ва вақт.**

Инновациявий маҳсулотларнинг кўпчилиги ўз самарадорлиги, нархи ва бозорда биринчи марта пайдо бўлиш санаси бўйича фарқ қилувчи шаклларда



таклиф этилиши мумкин. Муайян бозор сегменти техник самарадорликнинг кандай даражасини талаб этишини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади, чунки илмий-техник ходимлар доимо ўз янги маҳсулоти кўрсаткичларининг юқори даражада бўлишига интиладилар, бу техник ғояларга олиб келган ҳолда, истеъмолчиларнинг реал талабларини ҳисобга олмаслиги мумкин. Бундан ташқари, бу ИТТКИ ва ишлаб чиқариш харажатларини ошишига, маҳсулотни ишлаб чиқариш вақтининг узайишига олиб келиши табиий. Буларнинг барчаси маҳсулотнинг даромадлилик салоҳияти пасайишига сабабчи бўлади.

Таъкидлаш керакки, инновациянинг характери уни қабул қилиниш суръатларига тўғридан тўғри боғлиқ. Инновациянинг баъзи бир турлари айнан бир кунда оммавий бўлиб кетади, айримларига эса бунинг учун узок вақт талаб қилинади. Инновацияни қабул қилиниши суръатларига туп омил таъриф таъсир кўрсатади:

- усулларнинг ворислиги ва бирга бўла олишлиги, янги қабул қилинган истеъмол бойлиги ва инновация истеъмолчиларининг тажрибасига мос келиши даражаси. Масалан, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоблаш техникасини инновацион қўллаш учун дастурий маҳсулотларнинг муваффақияти тизимни истеъмолчиларнинг психологияси ва одатларига, турғун ишчи тартиби ва психологик стрессни камайтириш имкониятига мослашишга боғлиқ;
- мураккаблик, яъни унинг моҳияти ва татбиқ этиш тамойиллари ҳамда фойдаланишдан фойдани тушунишнинг нисбатан қийинлиги;
- инновацияни татбиқ этиш жараёнини бўлинувчанлиги, яъни янгиликни босқичма босқич киритиш ва натижани аста секин баҳолаш имконияти;
- коммуникацион кўргазмалилик, яъни инновацияни қўллашдан фойдалилик ва фойдани тушунарли баён қилиш имконияти.

Бу жиҳатдан қуйидагиларни таъкидлаш керакки, фойдалилигини миқдоран (моддий) баҳолаш мумкин бўлган инновациялар кўпинча умуман ишлаб чиқариш тизимини фаолит юритишини сифатли яхшилашга қаратилган инновацияга нисбатан амалда кейингиларнинг объектив ва субъекти фойдалилиги ғоятда каттароқ воситали самара олиб келиши мумкин

бўлса ҳам, биринчи қарашда ўзига жалб қиладигандек кўринади. Инновацияларни бозорга татбиқ этиш учун зарур умумий хусусиятларидан ташқари истеъмолчи учун сифатнинг аниқ кўрсаткичлари: конструкторлик таърифлари, дизайн истеъмолчилик хусусиятлари, фойдаланиш имкониятлари, қулайлик ва албатта, нарх катта аҳамиятга эга.

Янги товарга талабнинг башорати бозор иштирокчилари ва уларнинг фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқаларни тизимли тадқиқот қилишга асосланган. Бозор иштирокчилари: харидорлар, сотувчилар, савдо агентлари, воситачилар, брокерлар, имижмейкерлар, реклама агентликлари маркетинг тизимининг элементлари бўлади. Янгиликни ишлаб чиқарувчилар ва унинг якуний истеъмолчилари ўртасида вазифавий ўзаро алоқани ўрнатиш бозорни тадқиқот қилишнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Аммо тизимли таҳлилда рақобат шакллари, усуллари ва даражасини, эҳтимоли бўлган рақибларнинг хулқини таҳлил қилиш марказий рол ўйнайди. Бозорнинг барча иштирокчилари хулқини башорат қилиш ва рақиблар ҳаракатларини баҳолаш янги товарни олдинга ҳаракатлантириш ва унга талабни шакллантиришда ҳал қилувчи бўлади. Демак, янгиликни бозорга кириб бориши стратегиясини ишлаб чиқиш товарнинг янгилиги даражаси, бозордаги рақобатнинг тури ва новатор корхона рақобат афзалликларининг даражасига боғлиқдир.

Ишлаб чиқарилаётган товарнинг тубдан янгилиги, уни тайёрлаш технологияси янгилик яшаш даврининг бошланғич босқичларида корхонанинг якка ҳокимлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Тубдан янги маҳсулотга талабни шаклланиши иккита ҳал этувчи жиҳатлари билан боғлиқ: бир томондан янгиликка талабни йўқлиги, янгилик ишлаб чиқарувчининг инновацион якка ҳокимлиги. Бу ҳолда инновацион якка ҳокимлик ва фойдани катталаштириш шароитларида талабни шакллантирувчи тадбирлар тизимидан ташкил топган креатив характерга эга бўлади.

Бу жараёнлар рақибларнинг фаолиятлари, рақобат кўрашини кенг ёяди, ўрнини босувчи товарлар, модификацияланганлар, такомиллашганларни ва

имитация қилинганларни яратилиши эҳтимол бўлган натижа бўлади. Янги товардан юқори фойда сармояни ишга қўллашнинг янги соҳаларини қидириб топишни рағбатлантиради, сармояни фойдалироқ соҳаларга оқиб келиши содир бўлади, у монополиялар ва рақобатлашувчи гуруҳларнинг ортиқча сармояларни, ҳамда кичик ва ўрта сармояларни ҳаракатланиши билан бирга бўлади.

Рақобат ташқи муҳитнинг етакчи кўрсаткичларидан биридир. Менежернинг биринчи даражаси васифаси ўзининг фирмаси ва рақиб фирмаларининг рақобатбардошлигини солиштирма таҳлилдир. Пировардида рақобат курашининг муваффақиятини корxonанинг ички муваффақиятлари ва уларнинг ташқи омиллар билан ўзаро алоқалари белгилаб берадилар.

Корхона рақобат ўринлари таҳлилининг натижалари ҳар хил усуллар билан текширилиши мумкин; ҳам миқдорий ва ҳам сифатилик кўрсакичлари (масалан, бозорда эгаллаган жой)ни таққослаш асосида.

Фаолиятнинг афзалликлари ва камчиликларини баҳолаш корxonанинг бундан кейинги стратегиясини ишлаб чиқиш ва бозор ҳолатини башоратлаш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, таҳлил натижалари менежерларнинг ўз фирмасининг камчиликларини бартараф этиш ва рақибни нейтраллаштиришга қаратилган оператив ишнинг асоси бўлади. Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш фирмани бундан кейинги ривожланишининг заифлигини ҳисобга олиш билан башоратлашга имкон беради.

Шуларга мувофиқ инновацияларга бўлган талаб таҳлилининг хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Саноатда ва корxonаларда инновациялар ривожланишининг хусусиятлари ва уларнинг турларини фарқланиши, ҳар бир аниқ вазиятда уларга бўлган талаб хусусиятларини белгилайди.

**Биринчи навбатда,** маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш инновацияларнинг қайси турига – базис ёки такомиллашганга – мансублигини аниқлаш лозим. Буни иккита усул билан аниқлаш мумкин: биринчидан,

маҳсулотни бозордаги савдо ёки таклиф ҳажми ва давомийлиги тўғрисидаги маълумотлар асосида унинг ҳаётий цикли эгри чизикларини барпо этиш ёрдамида.

**Иккинчидан**, инновациявий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона, олдин ишлаб чиқарилган ва янги маҳсулот кўрсаткичларининг қуйидаги схема бўйича таққослама таҳлилини ўтказди:

- янги маҳсулот ишлаб чиқаришда эскига нисбатан принципиал янги ёндашувлар мавжудлиги, мисол учун нотаниш қонун ва қонуниятлар;
- маҳсулотдаги янги деталлар ёки технологиядаги янги операциялар миқдори;
- маҳсулотни ўзгартириш учун қилинган қўшимча харажатлар суммаси ва унинг янги маҳсулот харажатларидаги улуши.

Инновациявий маҳсулот ўз шакллари бўйича хилма-хил. У моддий кўринишда бўлиши (мисол учун, ускуналар, аҳоли учун товарлар) ёки бўлмаслиги (ноу-хау, патентлар, лицензиялар), мақсади (ишлаб чиқариш ёки пировард истеъмол учун), маҳсулот турлари ва ҳоказолар бўйича фарқланиши мумкин.

Савдонинг максимал имкониятини аниқлаш ва биринчи учта масала ҳамда корхона ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда савдо режасини асослаш.

Талаб - истеъмолчи, муайян бозорда бирор вақт мобайнида мумкин бўлган нархларнинг бири бўйича, харид қилиш истагига ва қобилиятига эга бўлган маҳсулот ҳажмини акс эттиради.

Ушбу таърифдан талаб таҳлилининг қуйидаги асосий йўналишлари кўриниб турибди:

- талаб ҳажми;
- потенциал харидорларнинг мавжудлиги;
- товарга бўлган эҳтиёж;
- товарнихарид қилиш имконияти;
- бозорда маҳсулотни сотиш вақти;

➤ маҳсулотни сотиш йўналишлари, бозорлари.

Талабнинг муҳим хусусияти, бошқа барча омиллар ўзгармас бўлганда, маҳсулот нархи ва унга бўлган талабнинг ўзаро тескари пропорционал боғлиқлигидадир. Ушбу боғлиқлик талаб қонуни деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, қолган барча шароитлар бир хил бўлган ҳолатда маҳсулот нархининг пасайиши унга бўлган талабни ўсишига, нархнинг ўсиши эса талабнинг пасайишига олиб келади.

Талаб қонуни асосида **биринчидан**, харидорнинг психологияси ётади, ушбу психология бўйича муайян товарнинг катта ҳажмлари юқори нархдан кўра кичикроқ нарх белгиланганда яхши сотилади деган фикрга асосланган. Талаб эгри чизиғи ҳам буни тасдиқлайди.

**Иккинчидан**, истеъмол чегаравий фойдалилик тамойилига риоя қилади, унга мувофиқ муайян товарнинг кейинги бирликлари нисбатан камроқ қониқиш ҳосил қилади. Мисол учун, иккинчи телевизор, биринчига нисбатан камроқ фойда келтиради, чунки асосий эҳтиёжлар қондирилган, учинчи ва тўртинчилари эса унданда камроқ. Шунинг учун ҳам харидор қўшимча товар бирликларини уларнинг нархи пасайиши туфайлигина харид қилиши мумкин.

**Учинчидан**, талаб қонунининг амал қилиши даромад самараси билан боғлиқ, бу эса харидор доимий даромад ва бошқа шароитлар бир хил бўлганда муайян товардан кўпроқ харид қилиш имкониятида ифодаланади. Ва аксинча, юқорироқ нарх харид талабининг пасайишига олиб келади.

Талабни бошқариш учун, янги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона талаб катталиги ва характери таъсир этувчи ва талаб детерминантлари деб аталувчи омилларни билиши лозим. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, янги маҳсулотга бўлган талабга таъсир этувчи детерминантлар, анъанавий маҳсулотга бўлган талаб детерминантларидан анча фарқ қилади.

Корхоналар инновацион фаолиятининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

➤ иқтисодий ва технологик(молияштириш учун етарли маблағлар йўқлиги, моддий-техник базанинг заифлиги, эскирган технология);

- сиёсий, ҳуқуқий (сиёсий барқарорлик, криминоген муҳит, конунчилик йўли киритиладиган чекловлар);
- ташкилий-бошқарув (ортикча марказлаштириш, қисқа муддатли копланишга мўлжал, инновацион жараёнлар иштирокчилари манфаатларини мувофиқлаштириш мураккаблиги, ахборот вертикал оқимларнинг устунлиги);
- ижтимоий-психологик ва маданий (янгиликларга қаршилик, ташқаридан келувчи барча янги нарса, номаълумчиликдан хавотир).

Мана шу барча омиллар корхонада инновацион фаолиятни ташкил этишда доимо диққат марказида туриш лозим бўлган ташқи ва ички муҳит ҳолатига боғлиқ. Ташқи муҳит ҳолатининг таҳлилида инновациялар жорий этишга бевосита таъсир қилувчи қўйидаги омилларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- умумий иқтисодий вазият бўлиб, унинг таъсири остида аҳолининг харид талаби ва тўлов лаёқати шаклланади;
- корxonани қўллаб-қувватлаш бўйича ҳокимият ижро органлари ҳатти-харакатлари, корхонага тааллуқли умумдавлат, ҳам минтақавий аҳамиятдаги конунчилик ва бошқарув хусусиятига эга талаблар;
- рақобат кучи ва кўлами;
- коммуникацион тармоқлар ҳолати (интернетдан, алоқанинг бошқа мустақил усулларидан фойдаланиш имкониятлари);
- янги технологияларни қўллаш имконияти;
- компьютер технологиялари янгиликларини ва минтақавий бозорда янги таклифларни илгари суриш учун талаб этиладиган вақт.

Тадбиркорлигининг ривожланишида инновацион жараёнларни тўхтатиб турувчи ташқи муҳит омилларидан ташқари кўп нарса қўйидаги ички муҳитга ҳам боғлиқ.

- корxonанинг сиёсати ва стратегияси;
- жамоада ташаббускор ходим борлиги;
- раҳбарият томонидан инновацион ғояларни сўзсиз қўллаб қувватлаш;
- корxonанинг барча бўлимларида ва барча даражаларида тажрибаларга ҳар

томонлама ёрдам кўрсатиш;

- ижодий ва инновацион фаолиятнинг рағбатлантиришнинг турли шакллари ўз ичига олувчи мотивация тизимларидан фойдаланиш;
- янгиликларни амалга тадбиқ этиш бўйича ихтисослашган бўлимнинг мавжудлиги;
- молиявий имкониятларни зарурий даражалари;
- коммуникация тизимини ривожлантириш;
- янгиликни киритишда ташкилий-техник тайёргарлик.

Инновациялар жорий этилиши самарадорлигини таҳлили учун инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг умумий услубларидан ҳам, корхона тадбиркорлигининг ўзига хос мезонларидан фойдалагилади. Инновацион фаолиятнинг ривожланиши иқтисодий самарадорлик ошишига ёрдам беради.

### **16.3 Инновация бозорида маркетинг жараёнида рақобатчилар таъсирини башоратлаш**

Янги маҳсулотга бўлган талаб омилларини иккига ажратиш мумкин, ички, таҳлил объектининг фаолиятига тааллуқли ва ташқи, асосан ташқи муҳит фаолиятининг ўзига хослиги билан боғлиқ .

Умумий ҳолда ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш – савдо стратегиясини тавсифловчи, энг муҳим ички омиллар таъсирини кўриб чиқамиз.

Агарда корхона янги техника ишлаб чиқарадиган бўлса, уни бозорда тарқатиш учун таклиф этилаётган намунанинг конструктив хусусиятлари катта аҳамиятга эга. Агарда у тармоқ стандартларига жавоб бермаса, унга сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш мураккаблашади ва ундан таркибий қисм сифатида фойдаланиб бўлмайди. Оқибатда мазкур маҳсулотга талаб умуман бўлмайди ёки жуда паст бўлади.

Стандартларга ўхшаш тарзда пировард маиший истеъмол учун чиқарилган янги маҳсулотга (кийим-кечак, пойафзал, мебел ва ҳ.) талабни таъминлашда **мода** ўз таъсирини кўрсатади. Агарда унинг таъсири ҳисобга олинмаса, янги маҳсулот талабга эга бўлмайди.

Талабнинг яна бир муҳим омили бўлиб янги маҳсулот **сифати** хизмат қилади. Янги техника, технологиянинг яхши ишлаши, халқ истеъмоли товарларида нуқсонлар бўлмаслиги уларга талаб юқори бўлишига хизмат қилади, ва аксинча янги маҳсулотни эксплуатация қилишда юзага келган носозликлар маҳсулотга бўлган талабни пасайтиради.

Талабга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига савдо шароитларининг, хусусан янги маҳсулотга кафолат ва сервис хизмат кўрсатишни таъминлаш, мавжудлиги киради. Янги техника ва технологияга нисбатан, бу уларни ўрнатиш, хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, таъмир бўйича ихтисослашган бригадаларни ташкил этиш ва бошқалардир.

**Илмий изланишларга бўлган харажатлар миқдори**, янги маҳсулот пайдо бўлиши, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлиги ва талаб пайдо бўлиши ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжуд. Илмий изланишларга қилинган харажатлар қанчалик кўп бўлса, янги маҳсулот шунчалик тез тарқалиши мумкин.

**Ишлаб чиқарувчи корхонанинг юқори техник даражаси** ишлаб чиқаришнинг янги сифат поғонасига тез ўтишини таъминлайди, бу эса бозорга янги маҳсулот таклиф этишни тезлаштирган ҳолда, унга талаб пайдо бўлишини рағбатлантиради.

Ўз навбатида мазкур омил янги маҳсулотни **ўзлаштириш тезлигига** ҳам ўз таъсирини кўрсатади, инновациявий жараённи секинлаштирувчи инфляция шароитида эса бу катта аҳамият касб этади.

Тармоқ (корхонанинг) **трансмиллий даражаси** ҳам талабга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. У қанчалик юқори бўлса, тармоқнинг ташқи интеграцияси шунчалик кенг, янги маҳсулот кўп сонли чет эл бозорларига чиқарилади, уни тарқатиш тезлашади ва унга бўлган талаб ошади.

Талабнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, янги маҳсулотга белгиланган **нарх** хизмат қилади. Нархларга бўлган чегирмалар ва бошқа нарх имтиёзлари янги товарни бозорларга тез кириб боришига ёрдам беради. Бундан ташқари,



ушбу ҳолатда нарх бошқа янги корхоналар бозорларга кирмаслиги учун тўсиқ бўлиб ҳам хизмат қилади.

Янги маҳсулот ёки технологияни бозор томонидан тан олинishi, ва демак унга талабни таъминлашда, ушбу маҳсулот тўғрисида яхши фикр қолдирувчи, энг обрўли харидорни танлаш хизмат қилади. Бунда биринчи харидорлар, ўз обрўси билан маҳсулотга талаб ҳосил қилганлиги учун катта имтиёзларга эга бўлади.

**Бозор сегментини танлаш**, нафақат янги илмий-техник маҳсулотга бўлган талабни мақсадли шакллантиришга, балки ишлаб чиқарувчи томонидан муайян истеъмолчи (корхона, тармоқ ва ҳ.) учун хос бўлган унинг конструктив хусусиятларини ҳисобга олишга ҳам ёрдам беради.

Янги илмий-техник маҳсулотни тарқатиш учун **коммуникацион омиллар** катта аҳамият касб этади. Янги маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона ва тармоқлар ахборот нуқтаи назаридан очиқ ёки ёпиқ бўлишлари мумкин. Биринчи ҳолатда улар илмий-техник семинарлар, симпозиумларда фаол иштирок этади, ўз ишланмалари, ютуқларини намойиш этишади. Шундай қилиб, янги маҳсулот бозорга чиқмасдан олдин улар истеъмолчинини ушбу маҳсулот билан таништиради, ва талабни шакллантиради. Иккинчи ҳолатда эса, янги товар бозорга чиқишидан олдин у ҳақда ҳеч ким ахборотга эга бўлмайдиган ва талаб шаклланиш жараёни анча узоқ давом этиши, бу эса ишлаб чиқарувчи корхонанинг молиявий натижаларида ўз аксини топиши мумкин.

**Реклама** омили коммуникацион омилга яқин туради: янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги умумий харажатларда реклама харажатларининг юқори даражаси, унга бўлган талаб шаклланиши ва ўсишига ёрдам беради ва аксинча.

Илмий-техник маҳсулотига бўлган талабнинг энг муҳим ички омилларидан бири бўлиб ишлаб чиқарувчи корхона ходимларининг **касбий тайёргарлик даражаси** хизмат қилади. Муҳандис ва ишчи кадрларнинг таълим ва касбий даражаси қанчалик юқори бўлса тайёр маҳсулот сифати ҳам шунчалик юқори бўлади, хизматчилар малакасининг юқори даражада бўлиши

эса, маҳсулотни тегишли меъёрларда ишлаб чиқарилиши ва режалаштирилган хажмларда сотилишига кафолат бўла олади.

Талабнинг ташқи детерминантларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг катта қисми янги илмий-техник маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи корхона фаолият юритаётган муҳитни тавсифлайди.

**Давлатнинг умумиқтисодий аҳволи**, агарда у барқарор бўлиб, инфляция даражаси эса юқори бўлмаса, янги илмий-техника маҳсулотининг асосий истеъмолчилари бўлмиш ишлаб чиқариш корхоналарининг техник базасини янгилаш жараёни бузилмайди ва янги илмий-техник маҳсулотга доимий тарзда талаб бўлиб, у жамиятдаги фан-техника тараққиётини ҳам рағбатлантиради. Жамиятнинг иқтисодий барқарорсизлиги туфайли пул кадрининг тез йўқолиши техник-технологик инновацияларга маблағ кўйилишини йўққа чиқаради. Бунинг оқибатида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган янги маҳсулотга бўлган талаб тушиб кетади.

**Сиёсий вазиятнинг ўзига хослиги** илмий-техник маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун катта аҳамият касб этади. Можаровий минтақаларга янги илмий-техник ва маиший маҳсулотларни етказишга сиёсий барқарорсизлик тўсқинлик қилса, ҳарбий-техник маҳсулотларни сотишни аксинча рағбатлантиради ва уларга талаб ҳосил қилади, яъни ушбу омилнинг таъсири турлича бўлиши мумкин.

Инновациявий маҳсулотни ишлаб чиқиш, таклиф этиш ва унга бўлган талабни рағбатлантириш учун **хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти** муҳим аҳамиятга эга. Агарда фан ва илмий хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиёти субъектларини техник қайта куроллантиришга маблағ киритишга нисбатан солиқ имтиёзлари қўлланилса, бу илмий-техник инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни рағбатлантирувчи кучли омили бўлиб хизмат қилади.

**Минтақадаги ноқулай экологик вазият** ва уни давлат томонидан тартибга солиш тадбирларининг қатъийлашиши, ушбу мақсадда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш ва маиший истеъмол товарларига бўлган

талабни рағбатлантиради. Экологияни ёмонлашувига олиб келувчи урбанизация жараёни, вақт ўтиши билан фақатгина атроф муҳитни эмас балки аҳолини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш воситаларига бўлган талабни ҳам рағбатлантиради.

Янги маҳсулот ва технологияларга бўлган талаб омилларидан бири сифатида **техник тараққиёт** ва унинг оқибатидаги маҳсулотларнинг **маънавий эскиришини** кўрсатиб ўтиш лозим. Агарда ишлаб чиқариш истеъмоли соҳасида техниканинг янгиланиши қандайдир меъёрий ҳужжатларни талаб қилган ҳолда секинлашса, шахсий истеъмол соҳасида бу жараён анча фаол амалга ошади ва шу билан бирга янгиланишга урф омили ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

**Бозордаги эски ва янги маҳсулот нисбати** деб номланган омил, қисман олдинги омил таъсирида юзага келади. Бозорда узоқ вақт таклиф қилинаётган маҳсулотга бўлган талаб аста-секин пасаяди, ушбу пасайиш маҳсулотнинг янги турларига бўлган талабни келтириб чиқаради, бу талабнинг циклик бўлишига олиб келган ҳолда маҳсулот янгиланишини рағбатлантиради.

Инновацияларни жорий этган истеъмолчи иш самарадорлиги ошиши, **фонд қайтимининг ўсиши, материал ва меҳнат сиғимининг пасайиши, сифат, янги маҳсулот ишлаб чиқариш вақти** ва бошқа кўрсаткичлар бўйича рақобатдошлардан олдинда бўлиш, талабга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Янги маҳсулотга бўлган талаб омилларидан бири сифатида **рекламанинг таъсирчанлигини** таъкидлаб ўтиш лозим. Унга эса ўз навбатида рекламанинг кўриниши ва шакли, реклама кампаниясини ўтказиш жойи ва вақти, давомийлиги, ҳамда янги маҳсулот рекламасини истеъмолчи томонидан психологик қабул қилиниши ўз таъсирини кўрсатади.

**Истеъмолчилар даромадлари** – талаб характерида тўғридан-тўғри таъсир этувчи омил ҳисобланади: даромадлар қанчалик юқори бўлса талаб ҳам шунчалик катта бўлади. Аммо бу нормал ёки юқори категорияга мансуб товарларга тегишли бўлиб, илмий-техник маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Инновациялардан фарқли равишда, даромадларнинг ўсиши, қуйи категорияга тегишли товарларга бўлган талаб пасайишига олиб келади.

«Сиёсий», «иқтисодий», «ҳуқуқий», пировард маҳсулотга бўлган талабнинг ноаниқлиги каби омиллар таъсирини ўзида жамлаган йирик омил сифатида, **илмий-техник маҳсулотнинг ноаниқлигини** келтириш мумкин. Ушбу омил талабни пасайтиради, у доимо амалда ва инновацияларнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Янги маҳсулотларга бўлган талаб таҳлили маҳсулот янги деб ҳисобланган даврга нисбатан бошланғич, жорий ва сўнгги бўлиши мумкин.

Янги илмий-техник маҳсулотга бўлган талабнинг бошланғич таҳлили таҳлилнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади, чунки унинг асосида ишлаб чиқариш дастури ишлаб чиқилади ва янги маҳсулотни бозорда илгари суриш стратегияси барпо этилади.

Бошланғич таҳлилни ўтказиш, инновацияларни истеъмол қилиш соҳасида амалга ошириладиган махсус танланма тадқиқотлар ёрдамида олинадиган маълумотлар базаси асосида амалга оширилади ( 16.3.1- жадвал).

### 16.3.1- жадвал

#### Маҳсулотга бўлган буюртмаларни ҳисобга олиш журнали

Товар номи	Харидор, манзил, телефон	Товар миқдори	Бир бирлик нархи	Битим суммаси	Тўлов санаси	Ўтказиш санаси	Қарздорлик	
							дебет	кредит
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ишлаб чиқариш – хўжалик циклининг сўнгги босқичида – якуний натижаларни келтириш босқичида, талаб таҳлили янги маҳсулотни бозор

эҳтиёжларига мувофиқлигини аниқлаш, талабни қондирилиш ва қўйилган мақсадларга эришиш даражасини билиш учун лозим.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва турмуш сифати ошишининг зарурий шarti инновацион фаоллик билан белгиланади. Ўз навбатида у ҳам давлатнинг иқтисодий ва илмий-техник имкониятлари, унинг инновацияга оид сиёсати ва заҳиралари, жамиятнинг маънавий аҳволига боғлиқ бўлади. Корхона миқёсида инновацион фаоллик фаолиятини бошқариш сифати ва стратегиясини танлаш, ишлаб чиқариш тизимларининг эгилувчанлиги ва заҳиралардан фойдаланишга боғлиқдир.

Инновацион соҳа иқтисодий муносабатлар тизимининг бир қисми ҳисобланади. Бу моддий маҳсулотларни (бойликлар) яратишда бевосита иштирок этмайдиган, аммо ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун зарур алоҳида истеъмол қийматларини яратувчи миллий хўжалик соҳалари (хусусий ва давлат структуралари) ҳамда ижтимоий фаолият турларининг йиғиндисидир.

Й.Шумпетер инновацион соҳанинг функционал вазифасини қуйидагича тавсифлайди: инновациялар эҳтимолли истеъмолчиларининг тижорат таҳлили:

- истиқболли ғоялар, мавжудлик манбаларини қидириш;
- янгиликни яратиш ва жорий этишни ташкил қилиш;
- кўпайтириш;
- таъминлаб туриш ва йўқ қилиш.

Инновацион соҳага янгиликларни ишлаб чиқарувчи ва амалга тадбиқ қилувчи олимлар, ихтирочилар ҳамда бўлимлар киради; венчур ва илмий-техник ташкилотлар; таълим тизими киради.

Инновацияга оид фаолият мавҳумлик ва таваккалчиликнинг юқори даражаси, натижаларни башорат қилиш мураккаблиги билан ажралиб туради.

Инновацион фаолият олиб боришда иқтисодий шароит устувор ҳисобланади ва энг муҳим кўрсаткич бўлиб, вақт саналади. Инновация жараёнига жалб қилинаётган ресурслар рақобатчи янги маҳсулот билан бозорга эртароқ чиқса, қадрсиланиши мумкин.

McKinsey фирмаси янги маҳсулотнинг бозорга чиқиши олти ойга кечиктирилса, бу даромаднинг 30%га камайишига, ишлаб чиқариш гуруҳи бюджетининг 30%га кўпаиши даромад ҳажмининг 2% қисқаришини билдиради, деб ҳисоблайди.

Инновацион фаолиятга технологик ва иқтисодий омиллар максимал мувозанатига интилиш, замонавий чегараларни оптималлаштириш, инновацион ғояларнинг имкон қадар кўп сонли манбаларини жалб этиш ҳамда янгиликлар амалий даврида ҳаражатларни тежашга хосдир.

Оддий ишлаб чиқаришдан инновацион фаолият:

- инновацияларни тижоратлашда катта таваккалчилик хавфи (50%гача);
- аниқ натижалар бўлмаган ҳолатларда ишни тўхташи ҳақида қарор қабул қилиш учун янгиликларни амалга тадбиқ этишнинг оралиқ босқичларини доимий назорат қилиш зарурати;
- сарфланган захиралар ва киритилган маблағлар ҳажмига натижаларнинг боғлиқлигини белгилаш мураккаблиги билан (жорий этилишнинг дастлабки даврида янгиланган маҳсулот ҳеч қандай даромад бермаслиги мумкин, сўнг даромад кескин ошади).

**Инновацион инфраструктура.** Ишлаб чиқариш, илмий-техник ва инновацион фаолиятлар ўзаро узвий боғлиқ, аммо ҳар бир фаолият турининг инфратизилмасини шакллантириш улар ишлашининг ихтисослашган ташкилий унсурлари ва механизмлари билан фарқланади. Инновацион инфратизилма ривожланишининг жараёни алоҳида лабораториялар, технопарклар ва илмий салоҳиятли технологиялар инкубаторлари яратишдан бошланади. Кейинги йилларда бозор иқтисоди талабларига мувофиқ фан инфратизилмаси яратилмоқда: илмий маконлар, махсус иқтисодий ҳудудлар ва махсус молия тузилмалари; олий таълим тизими, Илмий салоҳиятли хизматлар соҳаси ривожланмоқда – инжиниринг, лизинг, маслаҳат.

### Инновацион фаолиятнинг таснифи

Таснифий белгилар	Инновациянинг таснифий гуруҳланиши
Инновацияларни қўллаш соҳалари	Бошқарув, ташкилий, тадбиркорлик, ижтимоий, саноат ва бошқалар
Яқуний натижаси инновация бўлган илмий-техник тараққиёт босқичлари	Илмий, техник, технологик, конструкторлик, ишлаб чиқариш, ахборотлаштириш
Инновациянинг интенсивлик даражаси	Бир текисда, кучсиз, оммавий, «бум» ҳолатда
Инновацияни реализация қилиш масштаблари	Тезкор, секинловчи, сўнувчи, ўсиб боровчи, бир текис, тебранма шаклда
Ишланмалар ва тарқатиш соҳалари бўйича	Трансконтинентал, трансиллий, ҳудудий, минтақавий, йирик, ўрта, кичик
Инновация самарадорлиги	Саноат, молия, хизмат кўрсатиш, илмий-педагогик
Тарқатилиши бўйича	Алоҳида ҳолатда, диффузия ҳолатида

Инновацион жараён илмий асосланган ғояларни инновацияга айлантириш жараёнидир. Унинг асосий хусусияти инновациянинг яқунланган ҳолатидир, яъни амалиётда қўллаш учун мақбул натижага эга бўлиш.

### Инновацион ва оддий жараёнлар фарқи

Жараён тавсифи	Инновацион жараён	Оддий жараён
Яқуний мақсад	Янги ижтимоий эҳтиёжларни қондириш	Мавжуд эҳтиёжларни қондириш
Мақсадга эришиш йўллари	Кўпсонли ва ноаниқ, стратегия ишлаб чиқишни талаб этади	Камсонли ва оптимал йўли аниқ

Мақсадга эришишдаги таваккалчилик	Юқори	Паст
Жараёнлар тури	Дискрет	Узлуксиз
Режалаштириш имкониятлари ва тўлалигича бошқарувчанлиги	Стратегик бошқарувни талаб этади. Режалаштириш имкониятлари паст	Юқори
Режалар	Стратегик ўзгартиришлар киритиш имкониятлари мавжуд	Қисқа муддатли. Директив ишлаб чиқариш вазифалари кўринишида
Жараён амалга оширилаётган тизимларни ривожланиши	Ривожланишнинг янги босқичига ўтиш стратегик ўзгаришларни амалга оширувчи лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқишни талаб этади	Ривожланишнинг ушбу даражасини сақлаб қолади
Жараённи молиялаштирувчилар манфаатларининг ўзаро ҳаракати	Инновацион лойиҳадаги улушларга боғлиқ ҳолда	Устувор йўналишларга асосланган
Маъсулиятни тақсимлаш	Қайта тақсимланади	Барқарорлашади
Ташкилот шакллари	Эгилувчан, мослашувчи шакллар	Аниқ меъёрларга, кўрсатмаларга ва регламентларга асосланган

Жавдалдан кўриниб турибдики, оддий ва инновацион жараёнлар орасида сезиларли фарқ мавжуд экан. Жамият ва корхона ҳаётида жараёнлар масштаби



ва ролининг ўзгариб бориши ҳамда кескин фарқларнинг мавжудлиги, инновацияларни ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтиради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион маркетингининг узига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Инновацион маркетинг булинмаларининг вазифаси нимадан иборат?
3. Инновацион маркетинг стратегиясин и тушунтиринг?
4. Инновацион маркетингининг кандай турлари мавжуд?
5. Маркетинг фаолиятида талаб конунининг ахамиятини айтинг?
6. Маркетингда стандартлашни тушунтириб беринг?
7. Бозор сигменти сигимини аниклашни курсатиб беринг?
8. Оператив инновация маркетингининг вазифасини айтинг?
9. Стратегик инновацион маркетингининг фаолияти кандай?
10. Инновацион маркетингни мазмун моҳияти нималардан иборат?
11. Инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар туркумини тушунтириб беринг?
12. Инновация бозорида маркетинг жараёнида рақобатчилар таъсирини башоратлаш ва рақобатни бартараф этиш чора-тадбирлар тизимини айтинг?

## **XVII Боб. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими**

**Ўқув мақсади:** Корхоналарда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимини, Венчур фондларини ташкил этилиши ва фаолиятини бошқаришни, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда халқаро ташкилотларнинг роли ва хориж тажрибасини ўрганишдан иборат.

**Таянч иборалар:** Инновацион лойиҳалар, инновацион компаниялар, капитал, инновацион дастурлар, лойиҳаларни молиялаштириш, молиялаштириш манбалари, давлат грантлари, венчур фондлар, жорий харажатлар, капитал харажатлар, илмий тадқиқот, илмий ишланмалар, лойиҳаларнинг турлари, фундаментал лойиҳалар, амалий лойиҳалар, инновацион лойиҳалар, халқаро ташкилотлар.

### **17.1 Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими**

Инновациявий фаолиятни амалга ошириш ички ва ташқи харажатлар билан боғлиқ.

Ички харажатлар (жорий ва капитал) молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланади:

- корхонанинг ўз шахсий маблағлари;
- бюджет маблағлари;
- нобюджет жамғармаларининг маблағлари;
- тадбиркорлик сектори ташкилотларининг маблағлари.

Тадқиқот ва ишланмаларга бўлган ички жорий харажатлар иш турлари ва фаолият секторлари бўйича тақсимланади.

Иш турлари бўйича:


- фундаментал тадқиқотлар;
- амалий тадқиқотлар;
- ишланмалар.

Фаолият секторлари бўйича:

- давлат;

- тадбиркорлик;
- олий таълим сектори;
- хусусий фойдасиз сектор.

Инновациявий фаолиятга бўлган харажатлар самарадорлигини баҳолаш учун, унинг натижаларини баҳолаш муаммосини ҳал этиш лозим.



**17.1.1-диаграмма.Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатларидинамикаси (2010-2016 йиллар)**

Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2016 йилда 10688,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар, 2008 йилга нисбатан 8 баробарга кўпайган. Инновацияларга харажатлар 2008 йилга нисбатан 5 баробарга кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан 53 фоизга камайган

17.1.1-жадвал

**Корхоналарда жами жорий харажатлардан ўз кучи билан бажарган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга харажатлармн. сўм**

	фундаментал тадқиқотларга					амалий тадқиқотларга				
	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>2690,5</b>	<b>3551,1</b>	<b>3998,0</b>	<b>4952,8</b>	<b>6474,2</b>	<b>13102,2</b>	<b>14638,1</b>	<b>13236,4</b>	<b>16671,6</b>	<b>19061,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	123,9	370,4	36,9	77,3	160,5	608,0	578,9	638,5	1136,6	1197,6
вилоятлар:										
Андижон	73,6	-	67,0	-	-	-	324,1	385,3	455,9	545,6
Бухоро	25,0	-	21,2	24,3	129,7	280,4	288,4	236,0	346,4	351,2
Жиззах	-	-	-	-	605,8	326,9	388,2	526,3	654,4	117,9
Қашқадарё	-	-	40,4	723,0	1411,4	247,8	377,4	896,3	105,0	69,5
Навоий	19,0	18,5	19,4	4,2	4,1	-	19,2	24,1	15,8	26,5
Наманган	-	-	-	-	-	367,2	83,1	116,6	62,0	169,9
Самарқанд	10,7	110,6	1037,8	98,7	136,2	1532,9	1757,0	1810,3	1554,6	2468,9
Сурхондарё	204,3	-	10,5	264,6	531,5	-	216,4	214,8	57,5	467,5
Сирдарё	-	277,0	104,1	38,0	177,1	-	9,5	41,6	-	88,8
Тошкент	1847,9	2413,2	1820,1	3018,0	2490,6	4426,6	5597,1	5690,3	9413,9	10011,4
Фарғона	-	-	380,1	164,3	8,1	121,6	114,9	41,0	185,0	139,6
Хоразм	35,0	120,2	194,7	219,9	182,9	987,4	1061,8	545,9	226,3	326,1
Тошкент ш.	351,1	241,2	265,7	320,4	636,3	4203,4	3822,1	2069,4	2458,3	3081,3

Харажатлар сметасининг умумий кўриниши қуйидагича бўлиши мумкин

17.1.1-расм

**Лойиҳани бажариш учун харажатлар сметаси**

(лойиҳа номи) \_\_\_\_\_

бажариш муддатлари: \_\_\_ (бошланиши) \_\_\_ (тугаши) \_\_\_\_\_

Харажатлар	Жами	Шу жумладан 1 йилга	Шу жумладан чораклар бўйича			
			1	2	3	4
<u>Тўғридан-тўғри харажатлар</u> Иш хақи Иш хақи ажратмалари Материаллар Илмий ишлар учун махсус ускуналар Илмий хизмат сафарлари Четдаги ташкилотлар хизматлари Бошқалар						
Жами						
Устама харажатлар, шу жумладан иш хақи						
Жами харажатлар, шу жумладан иш хақи						
Жами лойиҳа бўйича						

– Лойиҳа раҳбари

– Бош бухгалтер

**17.1.1.-расм. Харажатлар сметасининг умумий кўриниши**

Ишлаб чиқарувчилар ва харидорлардаги инновациявий фаолиятга бўлган харажатлар самарадорлигини фарқлаш лозим.

## 17.2 Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимиқўйидагича:

- давлат томонидан молиялаштириш;
- корхоналар томонидан молиялаштириш;
- молия институтлари томонидан молиялаштириш;
- бошқа манбалардан молиялаштириш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда бир қанча моделлар ишлатилади (17.2.1-жадвал).


### 17.2.1-жадвал

#### Инновацион ривожланишини молиявий таъминлаш моделлари

	<b>Агрессив инвестициялаш модели</b>	<b>Корпоратив инвестициялаш модели</b>	<b>Консерватив инвестициялаш модели</b>	<b>Транзитив интисодиётлар модели</b>
<b>Давлатлар</b>	АҚШ, Исроил, Буюк Британия, Финляндия, Канада	Япония, Жанубий Корея, Швеция, Хитой	Франция, Германия, Швейцария, Ирландия	Болгария, Чехия, Польша, МДХ давлатлари
<b>ИТТКИни молиялаштиришда асосий манба</b>	Бизнес сектор (60%дан юқори)	Бизнес сектор (70%дан юқори)	Банк кредитлари ва хорижий инвестициялар	Давлат бюджети (50%дан юқори)
<b>Инновацияларни яратиш босқичи</b>	Инновацион маҳсулотни яратилишининг энг илк босқичлари	Ишлаб чиқаришни кенгайтириш босқичи	Кечки босқич ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш босқичи	Кечки босқич ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш босқичи
<b>Маблағларни сарф этиш йўналишлари</b>	Инновацион ишланмалар	Амалий тадқиқотлар	Амалий тадқиқотлар	Фундаментал ва амалий тадқиқотлар
<b>Хорижий инвестициялар улуши</b>	4 %дан кўп эмас	1%дан кўп эмас	10%дан кўп эмас	30%гача

**Инновацион фаолиятни турли мамлакатларда молиялаштириш  
манбалари таркиби, %**

Мамлакат	ИТТКИга харажат, АҚШ млрд. долл.	Маблағларнинг манбалар ўртасидаги улуши, %			
		бизнес	давлат	хорижий инвесторлар	бошқа манбалар
АҚШ	457,0	60,9	27,7	4,5	6,9
Хитой	336,5	74,6	21,1	0,9	3,4
Япония	160,3	75,5	17,3	0,5	6,7
Германия	101,0	66,1	29,2	4,3	0,4
Жанубий Корея	68,9	75,7	23,8	0,3	1,1
Франция	55,2	55,4	35,0	7,6	2,0
Буюк Британия	39,9	46,6	27,0	20,7	5,7
Россия	40,7	28,2	67,6	3,0	1,2
Польша	8,1	30,0	61,0	5,6	3,4



**17.2.1-диаграмма Ривожланган давлатларда ИТТКИга бўлган харажатлар  
динамикаси, АҚШ млн. долл.**

Янги маҳсулот турларини тайёрлаш, уларнинг технологик жараёнлари ва ишлаб чиқаришини ўзлаштириш харажатлари маҳсулот таннархига киритилмаслиги ва тармоқ ҳамда тармоқлараро ИТТКИларни ва янги маҳсулот турларини ўзлаштириш бўйича тадбирларни молиялаштирувчи нобюджет жамғармалари ҳисобига қопланиши лозим.

ИТТКИ тармоқ ва тармоқлараро жамғармаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тегишли қарорлари билан белгиланади.

Нобюджет жамғармаларининг маблағлари янги турдаги маҳсулот, хом-ашё ва материалларни яратиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва қўлланилаётганлирини такомиллаштириш, маҳсулот техник даражасини ошириш, меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги ишлари бўйича илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Нобюджет жамғармаларидан олинган маблағлар ўз мақсади бўйича ишлатилиши шарт.

Кашфиётчилик билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тажриба-синов ишларини олиб бориш харажатлари;
- модел ва намуналарни яратиш харажатлари;
- кўргазмалар, конкурслар ва бошқа маркетинг тадбирларини амалга ошириш харажатлари;
- муаллифлик мукофотларини тўлаш.

Янги техникани яратиш харажатлари, тегишли ишларни бошлаш ва тугалланиш муддатига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ИТТКИ тугаган йилда жорий ва олдинги йиллар харажатлари, янги техника яратиш учун сарфланган **умумий харажатларни** беради.

Янги техникани яратишга бўлган умумий харажатларни (X) битта намунага ҳисобланган харажатларни ( $X_i$ ) яратилган намуналар сонига кўпайтмаси сифатида кўрсатиш мумкин:



$$X = \sum_{i=1}^n X_i \cdot n_i \cdot \quad (17.1)$$

Омилларнинг умумий харажатлар ўзгаришига таъсири таҳлилининг айрим усуллари кўрсатамиз.

Мисол-1. битта намунани ишлаб чиқишга бўлган харажатлар базис йилда 2200 сўмни, жорий йилда 2160 сўмни ташкил этди. Яратилган намуналар сони, тегишли тарзда 200 ва 250.

Унда

$$X_0 = 2\,200 \cdot 200 = 440\,000 \text{ минг сўм}$$

$$X_1 = 2\,160 \cdot 250 = 540\,000 \text{ минг сўм}$$

Бунда  $X_i$  – сифат кўрсаткичи,  $n_i$  – ҳажм (миқдор) кўрсаткичи.

Ушбу омиллар намуналарни яратиш бўйича умумий харажатлар ўзгаришига қандай таъсир этишини аниқлаймиз.

Индекс таҳлили назариясида, сифат кўрсаткичининг ўзгариши ҳажм кўрсаткичининг ҳисоб даври даражасида сақланганидагина кўриб чиқилади, ҳажм кўрсаткичининг ўзгариши эса – сифат кўрсаткичи базис даражада сақланганда кўриб чиқилади.

Бизнинг мисолимизда, намуналарни ишлаб чиқишга бўлган харажатлар:

$$I_x = \frac{X_1}{X_0}, \text{ ёки } I_x = \frac{\sum_{i=1}^n X_{i1} \cdot n_{i1}}{\sum_{i=1}^n X_{i0} \cdot n_{i0}} \cdot \quad (17.2)$$

$$\Delta X = X_1 - X_0, \text{ ёки}$$

$$\Delta X = \sum_{i=1}^n X_i \cdot n_i - \sum_{i=1}^n X_{i0} \cdot n_{i0} \cdot$$

Намуналарни яратишга бўлган умумий харажатлар ( $\Delta X = 540\,000 - 440\,000$ ) 100000 минг сўмга ошган.

Битта намунани яратишга бўлган ўртача харажатлар (**сифат кўрсаткичи бир бирликка нисбатан олинади**) 40000 сўмга пасайган. Ушбу омил таъсири остида умумий харажатлар қуйидагича ўзгарган:

$$I_{xi} = \frac{\sum_{i=1}^n X_{i1} \cdot n_{i1}}{\sum X_{i0} \cdot n_{i0}}, \text{ (битта намунага бўлган харажатлар индекси),}$$

$$\Delta \bar{X}_i = (\bar{X}_{i1} - \bar{X}_{i0}) \cdot n_{i1}. \quad (17.3)$$

+уйидагига эга бўламиз  $(2\ 160 - 2\ 200) * 250 = -10\ 000$  минг сўм.

Яратилган намуналар сони (сифат ёки ҳажм омили ҳар доим қандайдир йиғиндини акс эттиради) 50 тага ошди.

Натижада намуналарни яратишга бўлган умумий харажатлар қуйидаги тарзда ўзгарди:

$$I_{ni} = \frac{\sum_{i=1}^n X_{i0} \cdot n_{i1}}{\sum_{i=1}^n X_{i0} \cdot n_{i0}}, \text{ (яратилган намуналар сони индекси)} \quad (17.4)$$

$$\Delta_{ni} = X_0 \cdot (n_{i1} - n_{i0}).$$

Келтирилган мисол маълумотлари бўйича:

$$\Delta_{ni} = 2200 * (250 - 200) = 110000 \text{ минг сўм.}$$

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки:

$$I_x = I_{xi} \cdot I_{ni}.$$

$$\Delta_x = \Delta_{xi} + \Delta_{ni}.$$

Бизнинг мисолимизда намуналарни яратишга бўлган умумий харажатлар базис йилга нисбатан 100000 минг сўмга ошди. Аммо битта намунани яратишга бўлган харажатларнинг 40 минг сўмга камайиши, умумий харажатларнинг 10000 минг сўмга пасайишига олиб келади. Шу билан бирга, яратилган намуналар сонининг 50 бирликга ошиши, умумий харажатларнинг 110000 минг сўмга кўпроқ бўлишини белгилади.

Шунинг учун ҳам, умумий ўзгариш:

$$\Delta_x = (-10\ 000) + (110\ 000) = 100\ 000 \text{ минг сўм.}$$

Битта намунани яратиш учун бўлган ўртача харажатларнинг ўзгаришига нима сабабчи бўлди. Буни билиш учун 17.2.1 -жадвал маълумотларига мурожаат қиламиз.

Битта намунани ишлаб чиқаришга бўлган ўртача харажатлар индекси:

$$I_{\bar{x}_i} = \frac{\bar{X}_{i1}}{\bar{X}_{i0}} = \frac{2160}{2200} = 0,98 \text{ ёки } 98\%,$$

Бу ерда:  $\bar{X}$  – умумий ўртача,

яъни харажатлар 2% ёки 40 минг сўмга камайган.

### 17.2.3- жадвал

#### Намуна яратиш учун ўртача харажатларни ҳисоблаш, минг сўм

Намуналар	Базис давр			Жорий давр		
	Ишлаб чиқарилган намуналар сони, $n_0$	Намуналарни ишлаб чиқаришга бўлган умумий харажатлар, $X_0$	Битта намунани ишлаб чиқариш харажатлар И $\bar{X}_{i0} = \frac{X_0}{n_0}$	Ишлаб чиқарилган намуналар сони, $n_1$	Намуналарни ишлаб чиқаришга бўлган умумий харажатлар, $X_1$	Битта намунани ишлаб чиқариш харажатлари $\bar{X}_{i1} = \frac{X_1}{n_1}$
1	120	193 600	1 613	200	351000	1755
2	80	246 400	3 080	50	189 000	3780
<b>Жами</b>	<b>200</b>	<b>440 000</b>	<b>2 200</b>	<b>250</b>	<b>540 000</b>	<b>2 160</b>

Ушбу натижага муайян намунани ишлаб чиқариш харажатлари ( $X_i$ ) ва  $i$ -турдаги намуналарнинг умумий ишлаб чиқарилган намуналардаги улуши  $d_n = \frac{n_i}{\sum n}$  таъсир этиши мумкин эди (17.2.3- жадвал).

Демак, битта намунани ишлаб чиқариш бўйича ўртача харажатларнинг ўзгаришига ички ишлаб чиқариш ва тузилмавий омиллар ўз таъсирини ўтказди.

Намуналарни ишлаб чиқаришга бўлган ўртача харажатларни ( $\bar{X}_i$ ) қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\bar{X}_i = \sum_{i=1}^n \bar{X}_i \cdot d_i . \quad (17.5)$$

Кейинчалик тахлил учун ўзгарувчан таркиб ( $I_{ym} = \frac{\bar{X}_{i1}}{X_{i0}} = \frac{\sum \bar{X}_{i1} \cdot d_{i1}}{\sum X_{i0} \cdot d_{i0}}$ ), доимий таркиб ( $I_{om} = \frac{\sum \bar{X}_{i1} \cdot d_{i1}}{\sum X_{i0} \cdot d_{i1}}$ ) ва тузилмавий силжишларнинг таъсири ( $I_{myz} = \frac{\sum \bar{X}_{i0} \cdot d_{i1}}{\sum X_{i0} \cdot d_{i1}}$ ) индекслари тизимидан фойдаланамиз (17.2.4-жадвал).

#### 17.2.4-жадвал

**Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, млрд.сўм (2010-2016 йиллар)**

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	264,4	372,6	311,9	4634,2	3757,4	5528,3	2571,4
Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:							
Ташкилотнинг ўзмаблағлари	184,3	263,2	213,4	2501,5	1381,5	1251,8	1180,0
Хорижий капитал	48,3	24,9	39,9	1228,7	32,3	156,6	314,9
Тижоратбанклари кредитлари	30,0	63,7	26,8	533,5	262,5	280,1	157,3
Бошқа маблағлар	1,8	20,9	31,7	370,6	2081,0	3839,7	919,1

2010 йилда инновациялар асосан ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан (69,7фоизи) молиялаштирилган. 2014 йилдан бошқа маблағлар ҳиссаси (55,4 фоиз) ошган. 2016 йилда ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2010 йилгана сбатан 6,4 баробар ошган (17.2.5-жадвал).

#### 17.2.5-жадвал

**Фаолият тури бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, млн. сўм**

Кўрсаткич	Йиллар							
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Саноат хўжалиги	46,8	34,5	119,7	942,7	3988,2	1841,9	1751,7	8144,3

### 17.3 Венчур фондларни ташкил этилиши ва фаолиятини бошқариш

Тадқиқотларни ташкил этишнинг Америка тажрибаси—таваккалчиликли (венчурли) бизнес деб ном олган тадбиркорлик турини юзага келтирди. Венчурли бизнес тадқиқотлар, ишланмалар, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган мустақил кичик фирмалардан ташкил топган бўлади. Уларни тадқиқотчи олимлар, муҳандислар, яратувчилар ташкил этади. Бундай фирмалар АКШ, Ғарбий Европа ва Японияда кенг тарқалган. Кичик жамоа янги ғояларни тезроқ ўзлаштириши ва ривожлантириши мумкин. Кичик тадқиқот бизнеси 60-йилларда шакллана бошлаган.

Кичик ва ўрта тадқиқот фирмалари, мисол учун, йирик университет марказлари яқинида ташкил этилган. Улар биргаликда ерни ижарага олишган ва университетнинг лаборатория ва ахборот техникасидан фойдаланганлар. Шу тарзда АКШнинг Стэнфорд университетияқинида 3 мингдан ортиқ кичик электрон фирмалар жамланган бўлиб, уларда банд ходимлар сони 190-200 минг кишига тенг. Уларнинг ҳар бири бир-икки турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг умумий салмоғи жаҳоннинг компьютер ва электрон қисмларнинг айрим турларидаги эҳтиёжини 20 фоизини қоплайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти—Олий Мажлисга тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни

мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт”<sup>30</sup>.

Чет эл амалиётида кичик ва ўрта тадбиркорликга ишчилар сони 500 кишигача бўлган фирмаларни киритишади. Венчурли фирмалар кашфиёт фаоллигининг ўсиши босқичларида ўз ишини олиб боради. Венчурли фирмалар, одатда, фойда келтирмайди, чунки улар маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди, балки ўз ишланмаларини бошқа фирмаларга (эксплерент, пациент, коммутан) беришади. Венчурли фирмалар йирик компанияларнинг шўъба корхоналари сифатида фаолият юритиши мумкин. Улар, одатда, кам сонли ходимлар штатига эга. Инновациявий менежер функциялари анъанавий менежер, ёки четдан таклиф этилган мутахассис томонидан амалга оширилади. Мисол учун консалтинг фирмасидан таклиф этилганлар.

Венчурли фирмаларни ташкил этиш қўйидагилар мавжудлигини назарда тутуди:

инновация ғояси – янги маҳсулот, технология;

жамият эҳтиёжи ва таклиф этилган ғоя асосида янги корхона ташкил этишга тайёр бўлган тадбиркор;

бундай корхоналарни молиялаштириш учун таваккалчилик капитали.

Венчурли молиялаштириш иккита асосий шаклларда амалга оширилади – янги корхоналар акцияларини сотиб олиш ёки турли хил кредитларни ажратиш воситаси ёрдамида. Венчурли капитал деганда фақатгина йирик корхоналар маблағларини эмас, балки банклар, давлат, суғурта, пенсия ва бошқа жамғармалар маблағларини ҳам таваккалчилиги юқори бўлган соҳаларга киритиш тушунилади.

Инвестициялашнинг бошқа шаклларида фарқли равишда, ушбу шакл бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

- инвесторнинг компания капиталидаги тўғридан-тўғри ёки воситали пай иштироки;

---

<sup>30</sup> Ш.М. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 22.12.2017 йил.

узоқ муддатга маблағ бериш;

инвесторнинг молиялаштирилаётган корхона бошқарувидаги фаол иштироки.

Таваккалчилик капиталининг ривожланиш даражаси юқори бўлган АҚШда унинг асосий соҳалари сифатида бизнес ривожланишининг бошланғич босқичлари эътироф этилади, венчур инвестицияларининг 39,2 фоизи уларнинг зиммасига тўғри келади.

Венчур корхоналарнинг турлари қуйидагича бўлиши мумкин:

хусусий таваккалчиликга эга бизнес;

йирик корпорацияларнинг ички таваккалчиликга эга лойиҳалари.

Ўз навбатида таваккалчиликга эга бизнес хўжалик юритувчи субъектларнинг иккита асосий турига ажратилиши мумкин:

- биринчи тури – мустақил кичик инновациявий корхоналар.
- иккинчи тури – уларга капитал тақдим этувчи молия муассасалари.

Кичик инновациявий корхоналарга, фан ва техниканинг янги ютуқларини моддий манфаатдорлик билан жорий этишга интилган олимлар, муҳандислар, кашфиётчилар томонидан асос солинади. Бундай корхоналарнинг бошланғич капитали бўлиб асосчининг шахсий маблағлари хизмат қилиши мумкин. Шахсий маблағлар етмаган тақдирда, таваккалчиликли капитал тақдим этишга тайёр бўлган ихтисослашган молиявий компанияларга мурожаат қилиш лозим бўлади. АҚШдаги бундай молиявий компаниялар сони XX-асрнинг 80-йилларида 500 тадан кўпроқ эди.

Таваккалчиликли тадбиркорликнинг ўзига хослиги шундаки, маблағлар қайтарилмайдиган ва фоизсиз асосда берилган ҳолда, кредитлашдаги кафолат таъминоти ҳам талаб қилинмайди. Венчур корхонага берилган ресурслар шартнома амал қилиш муддати давомида қайтарилмайди. Киритилган маблағларни қайтариш ва фойда олиш корхона қимматли қоғозлари бозорга чиқарилгандан сўнг амалга оширилади.

Фойда катталиги таваккалчиликли инвесторнинг улуши бўлган корхона акцияларининг бозордаги қиймати ва лойиҳага киритилган маблағлар айирмасига тенг бўлади. Инвесторнинг акция улуши имзоланган шартномада

акс этирилган бўлади ва у 80 фоизгача бўлиши мумкин. Моҳиятан молиявий муассаса новатор-корхона эгаларидан бирига айланади, тақдим этилган маблағлар эса корхона устав фондига бўлган бадалдек қабул қилинади. Ўзбекистон иқтисодиёти учун венчур тадбиркорликнинг истиқболли турларидан ҳисобланади.

Венчур капитал қўйилмаларнинг асосий рағбатлантирувчи омили бўлиб уларнинг, муваффақиятга эришганда албатта, юқори даромадлилиги хизмат қилади. Америка венчур корхоналарининг ўртача даромадлилик даражаси йилига 20фоизни ташкил этади ва бу кўрсаткич умумий иқтисодиёт бўйича 3 баробар юқори.

Таваккалчиликни пасайтириш учун молиялаштиришнинг оддий схемалари ишлаб чиқилади. Капитал қўйилмалар қуйидаги иккита қоидадан келиб чиққан ҳолда вақт оралиғига бўлинади:

1. Ҳар бир янги қўйилма, ундан олдинги қўйилма ўзини оқлаган тақдирдагина амалга оширилади. Бу дегани эксплерент маҳсулотни яратиш ёки тижоратлаштиришда қандайдир натижаларга эришди.

2. Ҳар бир янги қўйилма олдингидан кўпроқ ва эксплерент учун фойдали шартларда амалга оширилади.

**Эксплерентлар** – бозорнинг янги сегментларини яратиш ёки эски сегментларини радикал ўзгартиришга ихтисослашган корхоналар. Улар янги маҳсулотларни бозорда илгари суриш билан шуғулланади. Илмий-техник ишланмалар устуворликка эга. Аммо, инновациявий бизнес бу фақатгина илм-фан ёки кашфиётчилик билан шуғулланиш дегани эмас.

Ривожланган мамлакатларда инновациявий корхоналар, лойиҳанинг техник томони муаллифи бўлган муҳандис ва ташкилий ҳамда тижорат ишларида тажрибага эга бўлган менежер томонидан бошқарилади. Ўз корхонасида янгиликни амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган менежер, янги ғояга киришган ҳолда ўз иш жойини ташлаб янги корхонага асос солади ва мустақил тадбиркор сифатида ўз ғояларини амалга оширади.



Бозорда эҳтиёж сезилган янги маҳсулот яратилгандан кейин, эксплорент корхона олдида ишлаб чиқариш ҳажми муаммоси келиб чиқади. Бунинг учун эксплорентлар йирик корхона билан альянс ташкил этади. Эксплорент ўз инновациявий маҳсулотини оммавий тарзда мустақил ишлаб чиқара олмайди. Ишлаб чиқаришни оммавий йўлга қўймаслик эса турли хил ўхшаш маҳсулотлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Йирик ва кучли корхона билан иттифоқ ҳосил қилиш эса, фойдали шароит ва қайсидир маънода ўз мустақиллигини сақлаш имкониятини беради. Бундай ҳамкорни танлаш истеъмол хусусиятларидан келиб чиқиши лозим.

Инновациявий лойиҳаларни танлаш амалиётида таваккалчиликни пасайтиришнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади:

- таваккалчиликни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш (таваккалчиликнинг бир қисмини ёрдамчи ижрочиларга юклаш);
- суғурталаш;
- кутилмаган харажатларни қоплаш учун маблағлар захирасини ташкил этиш.

Таваккалчиликни тақсимлаш лойиҳа молиявий режаси ва шартномавий ҳужжатларини ишлаб чиқишда амалга оширилади. Бунда лойиҳа иштирокчилари потенциал инвесторлар кўламини кенгайтирувчи ёки қисқартирувчи бир қатор қарорларни қабул қилади. Тегишли музокараларда лойиҳа иштирокчилари ўз зиммасига оладиган таваккалчилик даражаси бўйича эгилувчанликни намойиш этишади. Кўпгина йирик лойиҳаларни амалга оширишда тўхташлар содир бўлиши, бу эса ишлар қиймати ва демак лойиҳанинг бошланғич қиймати ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам таваккалчиликларни суғурталашга муҳим рол ажратилади. Таваккалчиликларни суғурталаш деганда муайян таваккалчиликларни суғурта компаниясига ўтказиш тушунилади.

Кутилмаган харажатларни қоплаш учун маблағлар захирасини ташкил этиш, лойиҳа қийматига таъсир этувчи потенциал таваккалчиликлар ва лойиҳани амалга оширишда мумкин бўлган тўхташларни олдини олиш учун

лозим бўлган харажатлар ўртасида нисбийлик кутилмаган харажатларни қоплаш учун маблағлар захирасини ташкил этишда лойиҳа ва кутилмаган харажатларни баҳолаш маблағларни ортиқча ишлатишни минимумга олиб келиш имконини беради.

Кутилмаган харажатларни қоплаш учун маблағлар захирасининг тузилмаси иккита услуб билан аниқланади:

- захира умумий ва махсус қисмларга ажратилади;
- кутилмаган харажатларни харажатлар турлари бўйича (иш хақи, материаллар ва ҳ.) аниқлаш.

Умумий захира сметадаги ўзгаришлар ва бошқаларни қоплайди. Махсус захира нархлар ўсишини, харажатлар таркиби бўйича харажатлар ўсишини, шартномалар бўйича тўловларни қоплашни ўз ичига олади. Инфляция шароитида бу айниқса Захирани харажатлар турлари бўйича ажратиш, ҳар бир харажат тури билан боғлиқ таваккалчилик даражасини аниқлаш имконини беради, уни кейинчалик лойиҳанинг алоҳида кутилмаган харажатлар ўлчамини аниқлаш учун лойиҳани амалга оширишдаги иш тақсимоти тузилмаси элементлари билан ўзаро алоқа ўрнатилади. Ишларнинг бундай батафсил тақсимоти тегишли тажрибага эга бўлиш ва кутилмаган харажатлар маълумотлар базасини яратиш имконини беради.

Кутилмаган харажатлар захираси, бошланғич сметага киритилган харажатлар бўйича аниқланиши лозим бўлиб, қониқарсиз иш оқибатида юзага келган ортиқча харажатларни қоплаш учун фойдаланилмайди.

***Венчур фирмалари- илмий зояларни ишлаб чиқиш ва синов, қайта ишлаш ҳамда «таваккал» инновацияларни ишлаб чиқаришда тадбиқ этиш мақсадида яратилаётган технологияларга айлантириш билан шуғулланувчи вақтинчалик ташкилий структуралар.***

Венчур фирмалар шартнома асосда ва бирнеча юридик ёки жисмоний шахслар бирлашган пул маблағлари; йирик компаниялар, банклар, хусусий фондлар ва давлат сармоялари хисобига яратилади.

Венчур тадбиркорлигининг устунликлари кўйидагилардан иборат: эгилувчанлик, ҳаракатчанлик, тезкор мослашиш, қидирув йуналишини ўзгартириш, янги ғояларни тез илғаб олиш, синовдан ўтказиш қоблятидир.

Даромадни ошишига интилиш, бозор ва рақобатнинг босими, аниқ белгиланган вазифа, катъий муддатлар ишлаб чикувчиларни тезкор ва самарали ишлашга мажбур қилади, тадқиқотчилик жараёнини тезлаштиради. Венчур корхонани яратиш учун тижорат ғоя(янгилик мохияти); янгиликка жамоат эҳтиёжи, Венчур фирмани яратишга тайёр тадбиркор, таваккал сармоя зарур.

Инжинеринг фирмалари илмий тадқиқотлар, ишламалар ва ишлаб чиқариш орасидаги бирлаштирувчи вазифасини ўтайди.

Улар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- тижорат ҳолат, фойдали модел, ихтиро аҳамияти эҳтимолини белгилаш;
- инновацион ғояни, илмий-техник маҳсулоти бўлғуси технологияси техник башорати;
- янгиликни ишлаб чиқаришда амалга оширишгача этказиш;
- ишланма объектни жорий этиш жараёнида хизмат курсатиш;

### **Ишлаб чиқариш ишлари.**

Жорий этувчи фирмалар технологиялар эгалари томонидан фойдаланилган патентларни амалда тадбиқ этиш, лицензиялар бозорига илгари суриш, ихтироларни ишлаб чиқариш даражасига етказиш, кейинчалик сотиш лицензияли маҳсулотлар кичик миқдорларини ишлаб чиқишга асосланади. Бу аниқ бир илмий-техник ёки ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилиш учун менежерлар, фан ва техниканинг ўзаро боғлиқ соҳаларининг илмий ходимларининг мақсадли уюшмаларидир

## **17.4 Фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг харажатлари ва иқтисодий самарадорлиги**

Ўзгармас таркиб индекси айрим намуналар бўйича харажатлар ўзгаришининг умумий ўртача харажатлар ўзгаришига таъсирини кўрсатади:

$$I_{\text{om}} = \frac{\sum \bar{X}_{i1} \cdot d_{i1}}{\sum X_{i0} \cdot d_{i1}} = \frac{2160}{1906} = 1,133 \text{ ёки } 113,3\%.$$

Ҳисоб даври даражасидаги, битта намуна ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг ўзгариши умумий ўртача харажатларнинг 254 минг сўмга ошишига олиб келиши мумкин эди. Аммо, жорий даврда, битта намуна ишлаб чиқаришга бўлган юқори харажатли намуналарнинг умумий ҳажмдаги улуши қисқарган.

Ишлаб чиқарилган намуналар сони тузилмасининг ўзгариши, умумий ўртача харажатлар ўзгаришига қуйидагича таъсир этган:

$$I_{\text{муз}} = \frac{\sum \bar{X}_{i0} \cdot d_{i1}}{\sum X_{i0} \cdot d_{i1}} \text{ ёки } I_{\text{муз}} = \frac{I_{\text{ум}}}{I_{\text{ом}}} . \quad (17.5)$$

Бизнинг мисолимизда:

#### 17.4.1-жадвал

#### Намуналарни яратишга бўлган харажатлар индексларини ҳисоблаш

Намуналар	Базис давр		Жорий давр		Ҳисоб кўрсаткичлари		
	Битта намунага бўлган ўртача харажатлар, $\bar{X}_{i0}$	Ишлаб чиқарилган намуналарнинг умумий ҳажмдаги улуши, $d_{i0}$	Битта намунага бўлган ўртача харажатлар, $\bar{X}_{i1}$	Ишлаб чиқарилган намуналарнинг умумий ҳажмдаги улуши, $d_{i1}$	$\bar{X}_{i0}d_{i0}$	$\bar{X}_{i1}d_{i1}$	$\bar{X}_{i0}d_{i1}$
1	1613	0,6	1755	0,8	968	1404	1290
2	3080	0,4	3780	0,2	1232	756	616
Жами	2200	1,0	2160	1,0	2200	2160	1906

$$I_{\text{муз}} = \frac{1906}{2200} = 0,866 \text{ ёки } 86,6\% .$$

Бу дегани, тузилмавий силжишлар ҳисобига умумий ўртача харажатлар 294 минг сўмга қисқарган.

Шундай қилиб, битта намуна ишлаб чиқаришга бўлган умумий ўртача харажатларнинг ўзгариши қуйидагича тенг:

$$(+ 254) + (- 294) = - 40 \text{ минг сўм} .$$

Харидор, инновациявий маҳсулот харид қилиши билан, ўз моддий-техника базасини, ишлаб чиқариш ва бошқарув технологиясини такомиллаштиради. У

инновациявий маҳсулотларни харид қилиш, уларни ташиш, ўзлаштириш ва хоказо харажатларни ўз бўйнига олади.

Янги (инновациявий) маҳсулотлардан фойдаланишга бўлган харажатлар самарадорлигини, қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилган ҳолда бошқариш мумкин:

- инновацияларни ўзлаштириш харажатлари;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишга бўлган умумий харажатлар;
- инновацияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган тушум;
- инновацияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган фойда;
- барча маҳсулотни сотишдан олинган тушум;
- номоддий активлар қиймати (давр учун ўртача);
- асосий фондларнинг қиймати (давр учун ўртача);
- соф фойда;
- ходимларнинг ўртача рўйхат бўйича сони.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар, омилли индекс таҳлилини амалга ошириш учун – ўзаро боғлиқ омиллар тизимини барпо этишга ёрдам беради:

- савдо ҳажмининг бир бирлигига бўлган харажатлар;
- маҳсулотни сотишдан олинган фойда;
- соф фойда.

Қуйидаги шартли белгилашларни киритамиз:

Х – сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари;

ОТ – бутун маҳсулотни сотишдан олинган тушум;

ИЎХ – инновацияларни ўзлаштириш харажатлари;

ИМТ – инновацияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинган тушум;

МФ – маҳсулотни сотишдан олинган фойда;

ЯМФ – янги маҳсулотни сотишдан олинган фойда;

НА – номоддий активлар қиймати;

НА/АФ – номоддий активлар ва асосий фондлар нисбати коэффициенти;

X/OT – савдо ҳажмининг бир бирлигига тўғри келадиган харажатлар;

СФ – соф фойда.

Инновацияларни ўзлаштиришга бўлган харажатларнинг самарадорлиги куйидагиларда намоён бўлади:

- маҳсулот таннархининг пасайиши;
- меҳнатнинг фонд билан қуролланишининг ўсиши;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- маҳсулотни сотиш ҳажмининг ошиши;
- сотувлар рентабеллиги ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда молиявий кўрсаткичларнинг ўсиши.

Инновацияларни ўзлаштиришнинг маҳсулот таннархига таъсирини таҳлил этиш учун, натижавий кўрсаткичи сифатида савдо ҳажмининг бир бирлигига тўғри келадиган харажатлар (З/ВР)ни оламиз. Инновацияларни ўзлаштириш харажатларининг савдо ҳажмининг бир бирлигига таъсирини таҳлил этиш имкониятини куйидаги модел беради:

$$\frac{X}{OT} = \frac{ИУХ}{ИМТ} \cdot \frac{X}{ИУХ} \cdot \frac{ИМТ}{OT} \quad (17.6)$$

Бу ерда:

$\frac{ИУХ}{ИМТ}$  инновацияларни ўзлаштириш харажатларининг, уларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига нисбати;

$\frac{X}{ИУХ}$  харажатларни, маҳсулот таннархига киритиладиган бошқа харажатлар ҳисобига ошиши коэффициенти;

$\frac{ИМТ}{OT}$  Янги маҳсулотдан тушган тушумнинг, умумий тушумдаги улуши.

Инновацияларни ўзлаштириш учун билим, тажриба ва бошқа номоддий активлар зарур.

Янги техника ёки технологияни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган фойданинг, номоддий активларнинг ўртача йиллик қийматига таъсири, номоддий активлар рентабеллигини тавсифлайди:

$$R_{HA} = \frac{ЯМФ}{\overline{HA}} \quad (17.7)$$

Бу ерда:  $R_{HA}$  – инновацияларни ўзлаштиришдаги номоддий активлар рентабеллиги.

Номоддий активлар рентабеллигининг маҳсулот сотишдан олинадиган фойдага таъсирини, куйидаги модел акс эттиради:

$$MФ = \frac{ЯМФ}{\overline{HA}} \cdot \frac{\overline{HA}}{ИМТ} \cdot \frac{ИМТ}{ОТ} \cdot \frac{MФ}{ЯМФ} \cdot ОТ \quad (17.8)$$

Бу ерда:

$\frac{\overline{HA}}{ИМТ}$  сотилган маҳсулот тушуми бир бирлигига тўғри келадиган номоддий активларга бўлган эҳтиёж;

$\frac{MФ}{ЯМФ}$  бутун маҳсулотни сотишдан олинадиган фойдани ошириш коэффициенти.

Номоддий активлар қийматини ходимларнинг ўртача рўйхат бўйича сони билан солиштирган ҳолда, **«номоддий активлар билан қуролланиш»** кўрсаткичига эга бўламиз. Асосий фондлар қийматининг ходимлар сонига нисбати **фонд билан қуролланишнинг анъанавий кўрсаткичидир.**

Номоддий активлар ва асосий фондлар билан қуролланиш кўрсаткичларининг ўзаро алоқасини куйидаги модел акс эттиради:

$$\frac{\overline{\Phi}}{N} = \frac{\overline{HA}}{N} * \frac{\overline{\Phi}}{\overline{HA}} \quad (17.9)$$

Бу ерда:

$\frac{\overline{\Phi}}{N}$  Фонд билан қуролланиш (битта ишчига тўғри келадиган асосий фондлар қиймати);

$\frac{\overline{HA}}{N}$  ишчиларнинг номоддий активлар билан қуролланганлиги;

$N$  – ходимларнинг ўртача рўйхат бўйича сони;

$\frac{\overline{\Phi}}{\overline{HA}}$  асосий фондлар ва номоддий активлар нисбати коэффициенти;

Ходимлар иши самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб, битта ишлаётган ишчига тўғри келадиган савдо тушуми ( $\frac{ОТ}{N}$ ) кўрсаткичи хизмат қилади.

Ходимлар иши самарадорлигига номоддий активлар ва асосий фондлар билан қуролланишнинг таъсирини баҳолашга (17.9) модел имконият яратади:

$$\frac{OT}{N} = \frac{HA}{N} \cdot \frac{\bar{\Phi}}{HA} \cdot \frac{OT}{\Phi} \quad (17.10)$$

Бу ерда:  $\frac{OT}{N}$  - асосий фондлар қийматининг бир бирлигига тўғри келадиган савдо тушуми.

(17.8) модел эса омилларнинг фойда ўзгаришига таъсирини акс эттиради:

$$C\Phi = \frac{C\Phi}{OT} \cdot \frac{OT}{HA} \cdot \frac{HA}{\bar{\Phi}} \cdot \bar{\Phi} \quad (17.11)$$

Бу ерда:  $\frac{C\Phi}{OT}$  - маҳсулот ёки сотувлар рентабеллиги;

$\frac{OT}{HA}$  - номоддий активларнинг айланиш коэффициенти;

$\frac{HA}{\bar{\Phi}}$  - номоддий активлар ва асосий фондлар қийматининг нисбати коэффициенти;

$\bar{\Phi}$  - асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

Юқорида келтирилган моделларда, натижавий кўрсаткичга омиллар таъсирини баҳолаш учун, ўзаро боғлиқ омилли индекслардан фойдаланамиз, ва уларни қўллаш услубиётини модел мисолида кўрсатиб ўтамиз.

Ўзаро боғлиқ омилли индекслар услубини қўллашни намоён этишдан олдин, уларни барпо этилишига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзаро боғлиқ омилли индекслар услубининг моҳияти шундаки, ҳар бир омилнинг натижавий кўрсаткичга таъсири бошқа омиллар билан боғлиқ бўлган ҳолда кўриб чиқилади.

Масалан, уч омилли модел берилган бўлсин (ундаги омилларни шартли тарзда «а», «б», «в» деб белгилаймиз).

$$y = a * b * v.$$

Натижавий кўрсаткич индекси ( $I_y$ ):

$$I_y = \frac{a_1 * b_1 * v_1}{a_0 * b_0 * v_0}.$$

Натижавий кўрсаткичнинг абсолют ўзгариши каср суръати ва маҳражининг айирмасига тенг:



$$I_y = a_1 * b_1 * V_1 - a_0 * b_0 * V_0.$$

Кейинчалик фикрлар куйидагича:

1. «а» омилининг натижавий кўрсаткичга таъсирини баҳолаймиз. «а» омилининг ўзгариши «б» ва «в» омиллари билан ўзаро алоқада амалга ошади, яъни:

$$I_a = \frac{a_1 * b_1 * V_1}{a_0 * b_1 * V_1}, \quad I_{a=} = (a_1 - a_0) * b_1 * V_1.$$

2. Ҳар бир кейинги омилли индексни барпо этишда, ўрганилган омил ҳисобга олинмайди. Шу тарзда «б» омил индексини барпо этишда куйидагига эга бўламиз:

$$I_b = \frac{a_0 * b_1 * V_1}{a_0 * b_0 * V_1}, \quad I_b = a_0 * (b_1 - b_0) * V_1.$$

3. Демак,

$$I_v = \frac{a_0 * b_0 * V_1}{a_0 * b_0 * V_0}, \quad I_v = a_0 * b_0 * (V_1 - V_0).$$

Индекслар ўзаро алоқаси

$$I_y = I_a * I_b * I_v.$$

Омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолдаги, натижавий кўрсаткичнинг умумий ўзгариши:

$$I_y = I_a + I_b + I_v.$$

Ўзаро боғлиқ омилли индекслар назарияси билан янада батафсилроқ қилиб, индекс услубиёти бўйича махсус адабиётларда танишиш мумкин.

(17.8) моделга қайтамиз (ҳисоб-китоблар учун бошланғич маълумотлар 17.4.2-жадвалда келтирилган).

Соф фойда ўзгариши индекси

$$I_{\Pi} = \frac{\Pi_1}{\Pi_0} = \frac{a_1 * b_1 * V_1 * \Gamma_1 * D_1}{a_0 * b_0 * V_0 * \Gamma_0 * D_0} = \frac{12090}{12050} = 1,003 \text{ ёки } 100,3\%.$$

Фойда 0,3%га ошган, абсолют ифодада бу суръат ва маҳражнинг айирмасига тенг бўлади:

$$I_{\Pi} = 12090 - 12050 = 40 \text{ млн. сўм.}$$

Маҳсулот рентабеллиги индекси («а» омил):

$$I_a = \frac{a_1 * b_1 * v_1 * \Gamma_1 * D_1}{a_0 * b_0 * v_0 * \Gamma_0 * D_0}$$

Бизнинг мисолимизда 1,043 ёки 104,3%.

Кейинги ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун қуйидаги алгоритмдан фойдаланамиз:

$$I_a = (a_1 - a_0) * b_1 * v_1 * \Gamma_1 * D_1$$

Ва қуйидагига эга бўламиз:

$$(0,27) * 2,26 * 0,31 * 0,465 * 26\ 000 = 2\ 286,97.$$

Номоддий активлар рентабеллиги индекси («б» омил):

$$I_b = \frac{a_0 * b_1 * v_1 * \Gamma_1 * D_1}{a_0 * b_0 * v_1 * \Gamma_1 * D_1}$$

$$I_b = a_0 * (b_1 - b_0) * v_1 * \Gamma_1 * D_1 = 0,625 * (0,22) * 0,31 * 0,465 * 26\ 000 = 515,33.$$

#### 17.4.2 -жадвал

### Корхона фаолиятининг икки йиллик кўрсаткичлари (таққослама нархларда, млн. сўм)

	Кўрсаткичлар	Базис йил	Жорий йил
1	Сотишдан тушум (ҚҚС ва акцизларсиз)	16 365	18 548
2	Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати	25 000	26 000
3	Номоддий активларнинг ўртача йиллик қиймати	8 000	8 200
4	Соф фойда	10 200	11 877

17.4.2-жадвал маълумотлари бўйича рентабеллик, асосий фондлардан ва номоддий активлардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, соф фойда ўзгариши индекси (натижавий кўрсаткич)

$$I_{\Pi} = \frac{a_1 * b_1 * v_1 * \Gamma_1 * D_1}{a_0 * b_0 * v_0 * \Gamma_0 * D_0} = 1,165 \text{ ёки } +16,5\%.$$

Абсолют ўзгариш эса

$$\Delta C\Phi = +1\ 677 \text{ млн. сўм.}$$

Маҳсулот рентабеллиги индекси («а» омил):

$$I_a = \frac{a_1 * \bar{b}_1 * B_1 * \Gamma_1}{a_0 * \bar{b}_0 * B_0 * \Gamma_0} = 1,043.$$

$$I_a = (a_1 - a_0) * \bar{b}_1 * B_1 * \Gamma_1 = (+0,027) * 2,26 * 0,31 * 26\ 000 = 491,82.$$

Номоддий активлар рентабеллиги индекси («б» омил):

$$I_b = \frac{a_0 * \bar{b}_1 * B_1 * \Gamma_1}{a_0 * \bar{b}_0 * B_0 * \Gamma_0} = 1,108.$$

$$I_b = a_0 * (\bar{b}_1 - \bar{b}_0) * B_1 * \Gamma_1 = 0,625 * (+0,22) * 0,31 * 26\ 000 = 1\ 108,25.$$

Номоддий активлар ва асосий фондлар нисбати коэффиценти индекси («в» омил):

$$I_v = \frac{a_0 * \bar{b}_0 * B_1 * \Gamma_1}{a_0 * \bar{b}_0 * B_0 * \Gamma_0} = 0,969.$$

$$I_v = a_0 * \bar{b}_0 * (B_1 - B_0) * \Gamma_1 = 0,625 * 2,04 * (-0,01) * 26\ 000 = -331,5.$$

Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати индекси («г» омил):

$$I_r = \frac{a_0 * \bar{b}_0 * B_0 * \Gamma_1}{a_0 * \bar{b}_0 * B_0 * \Gamma_0} = 1,040.$$

$$I_r = a_0 * \bar{b}_0 * B_0 * (\Gamma_1 - \Gamma_0) = 0,625 * 2,04 * 0,34 * 1\ 000 = 408.$$

### 17.4.3-жадвал

#### Маҳсулот, асосий фондлар ва номоддий активлар рентабеллиги кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Шартли белгилаш	Базис йил	Жорий йил	Абсолют ўзгариш	Динамика коэффиценти
1	Маҳсулот рентабеллиги (сўм/сўм)	А	0,625	0,652	+0,027	1,043
2	Номоддий активлар рентабеллиги	Б	2,04	2,26	+0,22	1,108
3	Номоддий активлар ва асосий фондлар нисбати коэффиценти	В	0,32	0,31	-0,01	0,969

4	Асосий фондлар рентабеллиги	$R_{\phi}=a * \delta * v$				
5	Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм.	Г	25 000	26 000	+1 000	1,040
6	Соф фойда, млн. сўм	$P=a*\delta*v*\Gamma$	10 200	11 877	+ 1 677	1,165

Сўнгги натижалар:

$$I_y = 1,043 * 1,108 * 0,969 * 1,040 = 1,165 \text{ (табл. 12.3.3., графа 4).}$$

$$I_y = 498,82 + 1\,108,25 - 331,5 + 408 = + 1\,673,6,$$

Инновациявий фаолият натижалари конкрет буюмлашган ёки буюмлашмаган шаклга эга бўлиши мумкин.

Инновацияларни, янгиликларни яратувчилар уларга бўлган муаллифлик ва унга боғлиқ ҳуқуқларга эга бўлади. «Интеллектуал мулк» тушунчаси ҳам шу билан боғлиқ.

Интеллектуал мулк объектлари даромад келтириши мумкин ва номоддий активлар таркибига киритилади.

Кашфиётларнинг муҳофаза ҳужжатлари бўлиб патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари хизмат қилади.

Маҳсулотни индивидуаллаштириш воситаси сифатида товар белгисини таъкидлаш мумкин. Инновациявий фаолиятнинг моддий натижалари сифатида ўзлаштирилган ва яратилган машиналар, ускуналар, автоматлаштириш воситалари хизмат қилиши мумкин.

Технологиялар бозорига чиқиш инновациявий фаолиятнинг самарадорлиги тўғрисида далолат беради.

Инновациявий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида таваккалчиликни бошқариш муаммоси алоҳида ўринни эгаллаган. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши кўзда тутилмаган таваккалчиликларни олдини олиш ва уларнинг негатив оқибатлари таъсирини пасайтиришга қаратилган. Бозор

шароитларида, ҳеч қандай хўжалик фаолияти таваккалчиликсиз бўлмайди, айниқса инновациявий фаолиятда.

Шунинг учун ҳам инновациявий менежментнинг асосий мақсадларидан бири мумкин бўлган таваккалчиликларни минимумга олиб келиш ва мумкин бўлган хатоларни олдини олиш имкониятини берадиган, бошқарувнинг стратегик соҳалари, услуб ва воситаларини танлашдан иборатдир. Бу ерда ташкилотни тўғри бошқариш ва мумкин бўлган таваккалчиликлардан суғурталаниш муҳим аҳамият касб этади.

### **17.5. Инновацион лойиҳаларда таваккалчиликнинг ўрни ва аҳамияти**

Бозор иқтисодиёти шароитларида, қарор қабул қилувчи шахс ишлаб чиқариш – тижорат фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликлар, ҳамда корхона рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатувчи турли хил кўзда тутилмаган воқеа ва ҳодисалар учун жавобгардир. Инновациявий фаолиятда бундай ҳодисаларнинг рўй бериш эҳтимоли айниқса юқори ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, таваккалчиликлар пайдо бўлишини олдиндан кўра билиш, потенциал таваккалчиликга эга ҳудудларни аниқлаш, таваккалчиликни пасайтириш учун олдиндан тўғри чораларни кўриш қобилияти мавжудлиги инновациявий менежерларга қўйиладиган асосий талаб бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, энг яхши бошқарув ва барча мумкин бўлган салбий вариантларнинг олдини олган тақдирда ҳам, таваккалчиликни тўлиқ инкор этиб бўлмайди. Инновациявий соҳадаги стратегик бошқарув амалиёти кўрсатишича, таваккалчиликнинг юқори аммо оқланган даражасига эга бўлган лойиҳалар ижобий яқунланганда энг муваффақиятли бўлиб чиқади.

Умуман олганда, инновациявий фаолиятда таваккалчиликларни бошқаришнинг асосий вазифаси, қайси таваккалчиликларни давлат ва тижорат суғурта тузилмалари ҳисобига қоплаш, қайсиларни эса тегишли бошқарув таъсири натижасида минималлаштириш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилишдан иборат. Таваккалчилик даражаси тўғрисидаги ахборотга эга бўлган ишлаб чиқарувчи, мумкин бўлган бошқарув қарорларини танлашда муайян эҳтиёткорликни намоён этади. Шундай қилиб, инновациявий таҳлил

тамойилларидан таваккалчиликни баҳолаш учун фойдаланиш ижобий самара бериши мумкин. Бу йирик тадқиқот лойиҳаларини амалга оширганда айниқса самарали, чунки хато қарорлар қабул қилинишини эҳтимолини пасайтиради.

Таваккалчилик омили таъсири остида ишлаб чиқарувчи молиявий ва моддий-техник ресурсларни тежашга, янги лойиҳалар рентабеллиги кўрсаткичларига, имзоланаётган шартномалар самарадорлигига, жаҳон бозорига чиқиш мақсадга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлади. Равшанки, барқарор бўлмаган иқтисодиётда инновациявий фаолиятдаги таваккалчилик омиллари таъсири янада кўчаяди. Корхона ва ташкилотларнинг ушбу шароитларда жон сақлаши учун шароитларни таъминлаш асосий вазифага айланади ва ҳаттоки юқори таваккалчилик даражасида ҳам бошқарувнинг энг самарали услубларини танлаш ёрдамида муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Ҳар ҳолда, таваккалчиликларни бошқариш бўйича юқори раҳбариятнинг асосий вазифаси таҳлилий жараёнларни такомиллаштириш, йирик стратегик тадбирларни амалга оширишда ҳисобланган ва моделлаштирилган база асосида қарор қабул қилиш имкониятини берадиган моделлардан фойдаланишга бориб тақалади. Таваккалчиликларни баҳолаш ва пасайтириш кўп жиҳатлари билан инновациявий стратегиянинг характери, инновация хусусиятлари, инновациявий маҳсулотлар бозорининг аҳволи, истеъмолчилар манфаатлари, товар ҳаракатининг қабул қилинган схемаси, товар ва транспорт логистикасига боғлиқ бўлади.

Маркетинг ва бошқарув соҳасидаги кўпгина мутахассислар, мазкур ташкилот ёки лойиҳа тури учун тавсифий бўлган таваккалчиликлар ва уларга бўлган жавоб таъсирларни жадвал кўринишида рўйхатга олиб боришни тавсия қилади.

Иқтисодий тадқиқотларда ишлаб чиқарувчилар фаолиятидаги таваккалчиликларни туркумлаштиришга кўп сонли мисоллар мавжуд:

корхонанинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги эҳтимоли билан боғлиқ бўлган, *ишлаб чиқариш таваккалчилиги*;

корхонанинг ўз инвесторлари олдида молиявий мажбуриятларини бажармаслиги эҳтимоли билан боғлиқ бўлган, **молиявий таваккалчилик**;

корхона инвестициявий портфелининг қадрсизланиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган, **инвестициявий таваккалчилик**;

бозор фоиз ставкаларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган, **бозор таваккалчилиги**.

Таваккалчилик турларини тизимлаштириш мақсадида адабиётларда учрайдиган туркумлаштириш кўрсаткичлари ичида энг муҳими бўлиб таваккалчилик характери саналади. Ушбу белги бўйича: сиёсий, ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий, техник, тармоқ ва инновациявий таваккалчиликлар ажратилади.

Бу ердаги инновациявий таваккалчилик деганда, корхона томонидан янги товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга маблағ киритишда мумкин бўлган йўқотишлар эҳтимоли тушунилади. Инновациявий таваккалчилик қуйидаги вазиятларда рўй бериши мумкин:

товар ёки хизмат ишлаб чиқаришнинг мавжудга нисбатан арзонроқ усулини жорий этганда, бундай инвестициялар, корхонага ушбу усулнинг ягона эгаси бўлган муддат тугашигача юқори даромад келтиради. Бу ерда корхона таваккалчилигининг битта турига дуч келади – бу эса ишлаб чиқарилаётган товарга бўлган талабни мумкин бўлган нотўғри баҳолаш ҳисобланади;

эски ускунада янги товар ёки хизматни ишлаб чиқариш вазиятида, янги товар ёки хизматга бўлган талабни нотўғри баҳолаш таваккалчилигига, янги товар ёки хизмат эски ускунада ишлаб чиқарилаётганлиги туфайли уларнинг сифати тегишли даражада бўлмаслиги таваккалчилиги қўшилади;

янги техника ва технология ёрдамида янги товар ёки хизматни ишлаб чиқаришда бундай инновациявий таваккалчилик қуйидагиларни ўз ичига олади.

Таваккалчиликлар типологиясида муайян инновациявий лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, таваккалчиликлар тавсифи муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда, баҳоланиши лозим бўлган муҳим таваккалчиликлар қаторига тижорат ва техник таваккалчиликлар ҳам киради.

Инновациявий лойиҳаларнинг техник таваккалчиликлари қуйидаги эҳтимолий тавсифлар билан белгиланади:

инновациявий лойиҳага киритилган ва унинг асосини ташкил этувчи илмий-тадқиқот ишларининг манфий натижалари;

конструкторлик ва технологик ишлаб чиқиш жараёнида режалаштирилган кўрсаткичларга эришмасилик;

олинган натижаларни ўзлаштириш бўйича ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва технологик имкониятларидан ошиб кетиши;

янги технологияларни қўллашда, фан ва техниканинг замонавий даражасида ҳал этиб бўлмайдиган муаммоларнинг юзага келиши.

Инновациявий лойиҳаларнинг тижорат таваккалчиликлари қуйидаги ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ:

лойиҳа иқтисодий мақсадларининг нотўғри танланиши;

молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни нотўғри баҳоланиши;

лойиҳа муддатларининг бузилиши;

лойиҳа бўйича жорий таъминотнинг таъминланмаслиги;

савдо бозорини нотўғри баҳоланиши;

контрагент ва ҳамкорлар билан ўзаро алоқада бўлиш зарурияти;

кўзда тутилмаган харажатлар ва лойиҳа сметасидан ошиб кетиши;

лойиҳа бўйича мулкчилик ҳуқуқларини таъминлаш;

кўзда тутилмаган рақобат.

Инновациявий лойиҳаларни бошқаришга нисбатан таваккалчиликларнинг таҳлили, унинг потенциал иштирокчилари томонидан лойиҳада иштирок этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун ахборот йиғиш, ҳамда лойиҳага киритиладиган қўйилмаларни суғурталаш мақсадида амалга оширилади.

Лойиҳанинг ҳар бир иштирокчиси таваккалчилигини таҳлил қилишда, америкалик эксперт Санто Б. томонидан таклиф этилган мезонлар қўлланилиши мумкин :

таваккалчилик йўқотишлари бир бирига боғлиқ эмас;

«таваккалчиликлар портфели»нинг бир йўналиши бўйича йўқотишлар, иккинчи йўналиш бўйича йўқотишларга олиб келиши ёки уларни ошириши шарт эмас (форс-мажор ҳолатлари бундан мустасно);

максимал мумкин бўлган зарар иштирокчи молиявий имкониятларидан юқори бўлмаслиги лозим.



Хўжалик юритиш субъектларининг таваккалчиликлари, стратегиялари ва фаолиятининг иқтисодий натижаларини баҳолаш муаммолари бўйича иқтисодий адабиётларда таваккалчилик соҳасини ажратиш тушунчаси ва мезонлари бўйича турли муаллифларнинг фикрлари келтирилган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳар қандай корхона фаолиятининг бешта асосий таваккалчилик соҳасини ажратиш мумкин:

- таваккалчиликсиз соҳа;
- минимал таваккалчилик соҳаси;
- юқори таваккалчилик соҳаси;
- кескин таваккалчилик соҳаси;
- йўл қўйилиши мумкин бўлмаган таваккалчилик соҳаси.

Ушбу соҳаларни ажратиш мезони бўлиб, ишлаб чиқарувчи у ёки бу соҳага тушиб қолган тақдирда дуч келиши мумкин бўлган йўқотишлар даражаси хизмат қилади.

Айрим тадқиқотларда таваккалчилик даражаси тўртта омил бўйича баҳоланади :

- таваккалчиликсиз ҳудуд – йўқотишлар кутилмайдиган соҳа. Бу соҳа – тадбиркорнинг фойда олиш соҳаси;
- мумкин бўлган таваккалчилик ҳудуди – фаолиятнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги сақланиб қоладиган соҳа, яъни йўқотишлар мавжуд лекин кўтиляётган фойдадан кам;
- кескин таваккалчилик ҳудуди – кўтиляётган фойда катталигидан юқори бўлган йўқотишлар билан тавсифланадиган соҳа. Ушбу ҳудуддаги мумкин бўлган йўқотишлар миқдори кутиляётган фойда миқдоридан юқори бўлиб, лойиҳага киритилган барча маблағлар йўқотилишига олиб келиши мумкин;
- фожиавий таваккалчилик ҳудуди – ўз миқдори бўйича кескин даражадан юқори бўлган ва корхонанинг бутун мулкига тенг катталикгача етадиган йўқотишлар соҳаси.

Фожиавий таваккалчилик корхона банкрот деб эълон қилинишига ва умуман йўқолиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, фожиавий

таваккалчиликга ҳаёт учун ҳавfli ёки экологик фoжиа билан боғлиқ таваккалчиликлар ҳам киради.

Юқорида тақдим этилган ёндашувлар, бир-бирига қарама-қарши эмас ва уларнинг фарқлари ҳам йўқ. Бевосита таваккалчилик даражасини баҳолашдан ташқари, бундай тадқиқотлар натижасида олинadиган ахборот инновациявий стратегия таваккалчилигини бошқариш бўйича тадбирлар мажмуасини белгилаш имконини ҳам беради.

Шундай қилиб, таваккалчиликни бошқариш ва баҳолаш объекти бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олган стратегик қарорлар ва дастурлар хизмат қилади:

- ташкилотнинг истиқболдаги ривожланиш йўналишлари;
- ҳаракатлар характери ва бошқариш услуби бўйича маслаҳатлар;
- ходимлар инновациявий фаоллигини рағбатлантириш шакллари;
- истеъмолчилар, рақобатдошлар, ҳамкорларнинг кутилаётган стратегик қарорларга бўлган прогноз қилинадиган жавоблари.

Стратегия ишлаб чиқариш жараёнида тўғри келадиган таваккалчилик концепциясининг амалий қўлланилиши, бир қатор масалаларни ечган ҳолда, қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- қўйилган мақсадларга эришмасликка олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;
- воқеаларнинг ноҳуш ривожланиши билан боғлиқ бўлган, йўқотишлар тавсифларини олиш;
- таваккалчиликни тўғри келадиган даражагача пасайтириш тадбирларини олдиндан, қарор тайёрлаш жараёнидаёқ, режалаштириш ва зарурият пайдо бўлса амалга ошириш;
- қарор қабул қилишда бошланғич баҳолаш ва таваккалчиликни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш.

Ишлаб чиқарувчилар инновациявий фаолиятида таваккалчиликни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашнинг асосий муаммоси шундаки, энг ноҳуш воқеалар, одатда, битта эмас бир нечта салбий омиллар таъсири остида юз беради. Ушбу муаммони хал этиш учун

таваккалчиликни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг мажмуавий ёндашувидан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз корпорациялари, шу жумладан холдинг компаниялар олдида турган асосий муаммолар - бу ишлаб чиқаришни янгилаш ва янги технологияларни жорий этиш, таркибий қайта тузиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда бошқа маблаг талаб лойиҳалар учун зарур инвестицияларни қидириб топиш ҳисобланади. Инвестицияни шакллантириш сиёсати компания стратегиясининг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб, уни айнан технологик мақсадларга интеграциялашмаган кичик корхоналарга қараганда йирик интеграциялашган корпорацияларда инвестиция стратегиясининг аҳамияти беқиёс.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Венчур бизнес тадқиқот тушунчаси ва ривожланиш тарихини айтинг?
2. Венчур тадқиқотларни қимлар ва қайси мақсадда олиб боради?
3. Венчур фирмаларини ташкил этиш ва молиялаштириш манбалари нимадан иборат?
4. Венчур асосида молиялаштиришнинг устивор йуналишларини санаб ўтинг?
5. Венчур капиталини иктисодий вазифалари нималардан иборат?
6. Венчур капитали ва венчур бизнес тушунчаси ?
7. Инновация фаолиятида таваккалчилик тушунчаси ва турларини айтинг?
8. Инновацион лойиҳаларда таваккалчиликнинг ўрни изоҳлаб беринг?
9. Инновация фаолиятида таваккалчиликни бошқариш тушунчасини айтинг?
10. Венчур асосидаги бизнесни давлат томонидан тартибга солиш йулларини тушунтириб беринг?
11. Инновациявий фаолиятни ҳаражат турларини изоҳлаб беринг?
12. Инновациявий фаолиятни ҳаражат турларини ҳисоблаш усулини кўрсатиб беринг?
13. Бизнес режани ҳалқаро мамлакатлар намунасида изоҳлаб беринг?
14. Намуналарни яратишга бўлган ҳаражатларни индексларини ҳисоблашни кўрсати ўтинг.

15.Инновациявий лойиҳалар бизнес – режасини таркибий тузилмасини кўрсатиб беринг?

16.Инновациявий фаолият харажатларини пасайтириш йўллари нималардан иборат?

## **XVIII Боб. Иқтисодиётда инновацион кластерларни шакллантириш зарурияти**

**Ўқув мақсади:** *Инновацион иқтисодиётда кластерлар сиёсати, кластер усуллари қўллашнинг аҳамиятини давлат томонидан бошқарилишини ва қўллаб қувватланиши, шартнома муносабатларини белгилашни ва интеллектуал кластерлар тизимини ўрганишдан иборат.*

**Таянч иборалар:** *Инновацион кластерлар, кластер сиёсати, инновацион технологиялар, кластер усуллари, инфратузилма, минтақавий инновациялар, халқаро инновациялар, шартнома муносабатлари, истиқболли технологиялар, инновацион кластерларнинг турлари, интеллектуал кластерлар, саноат кластерлар, технологик кластерлар, стратегик дастурлар.*

### **18.1 Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усулларни қўллашнинг аҳамияти**

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикасининг деярли барча вилоятлари ўз катта-кичик кластерларига эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “ элни фаравон, халқни бой қилувчи инновацион ғояларидан бири — кластер тизими мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда”<sup>31</sup>. Кластер тизими мамлакатимизда барча иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришнинг «локомотиви» бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтди. Иқтисодиёт тармоқларида замонавий бозор муносабатларини кенг жорий этиш мақсадида саноат ва пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз кераклиги таъкидланди. Келгусида барча саноат ва иқтисодиёт бошқа тармоқларида тўлиқ кластер тизимига ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Саммитидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслардан

---

<sup>31</sup>Тадбиркорликни ривожлантириш ва Давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 11 сентябр куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда Давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектори йиғилиши. Халқ сўзи. 2019 йил 12 сентябр. №189 (7416)

бири агросаноат кластерларни ривожлантириш ғояси бўлди. Бу инновацион ғоя тезда дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олинди. Масалан, АҚШда чоп этиладиган ва қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмончилик соҳасида дунёда етакчи илмий нашр ҳисобланган «Agriculture and Forestry» халқаро илмий-таҳлилий журналида Ўзбекистонда «Пахта тўқимачилик кластери таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлиги базаси сифатида» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ғояси асосида Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион пахта тўқимачилик кластери тизимининг ноёблиги, янгилиги, халқнинг ҳаёт сифати ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишдаги стратегик аҳамияти ҳам илмий-назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этиб берилган. Ватанимизни дунёнинг илғор давлатлари қаторидан жой олишининг йўли- бу иқтисодиётнинг барча соҳада, илм-фанда, таълим тизимида кластер тизимларининг жорий этилиши ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу бир томондан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий «занжирини» кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Глобаллашиш асосида логистика ва товарлар ҳамда хизматлар сифатини ҳам стандартлаштиришни таъминловчи умумжаҳон коммуникация тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Қолаверса, аҳоли сони муттасил ошиб бориши иш билан таъминлаш, аҳолига қулай фаолият жараёнини яратишни тақозо этилмоқда.

Интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган «Кластер»лар яратишдир<sup>32</sup>.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида замонавий бозор

---

<sup>32</sup> Раҳматов М. Зарипов Б. -«Zamin nashr» нашриётида чоп этилган «кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш» 2019й.

муносабатларини жорий этиш мақсадида кластерларни шакллантириш мақсада бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инженеринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш — инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади.

«Кластер» атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси «боғлам», «гуруҳ», «тўпланиш» маъноларини беради. «Кластер» назариясининг асоси бўлиб, Альфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган «Иқтисодиёт принциплари» номли асарида (1890) ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади.

«Кластер» назариясини ўрганиш жаҳон жамиятида тез суръатларда ўсиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишига айланмоқда.

1980 йиллардан кейин «Кластер назарияси» нинг ривожланишида 3 та муҳим (Америка, Британия ва Скандинавия ва бошқа) илмий мактаблар ютуқларини кўришимиз мумкин.

Америка олимлари — М.Портер «Рақобат устунлиги назарияси», - М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар «Минтақавий кластерлар концепцияси», А.Маршалл «Саноат ҳудудлари назарияси», П.Бекатин «Итальян саноат округлари назариялари», М.Сторпер «Идеал ҳудудий кластер» назарияларини яратган. Қўшимча қиймат ва кластерлар занжири уйғунлиги, минтақаларни ўқитиш концепциялари ҳам шу гуруҳдан ўрин олган.

Айнан шу олимлар назарияларида кластерлар — ишлаб чиқарувчилар рақобат устунлигини оширишда юқори самарали бўлиб, уларнинг ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Британия назарийтчиларининг (Ж.Даннинг, К.Бримен, Шмит, Ж.Хамфрилар) фикрича, кластер — ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими сифатида иқтисодийнинг асосини белгиловчи институционал назариялардир.

Скандинавия олимлари (Б.О.Лундваль, Б.Йонсон, Б.Асхайм, А.Изаксон) — кластернинг эволюцион ривожини бир қатор босқичлардан ўтишини айтишади, яъни туғилишидан тугагунича.

Кластерлар назарияси рус олимлари Ю.С.Артамонова, Б.Б.Хурусталиев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Юқоридаги назарияларни яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодий рақобатдошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутди.

Иқтисодий инновацион таракқий эhtiришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, Кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбул йўл ҳисобланади. Кластерлаштиришни корхоналар инновацион фаолиятини тезлаштириш асосида рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг глобал рақобатнинг кучли таъсирига қарши туришдаги миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига тўла жавоб берадиган янги иқтисодий тизим деб ҳам қараш мумкин.

Кластернинг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутди. Агар дастлаб кластерлар фақат бозорнинг кўринмас қўли (рақобат) туфайли, аввало, трансмиллий компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса, кейинги вақтда кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар. Кластер стратегияси жозибадорлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис ҳам, инновацион кластерларни давлатнинг ўзи шакллантиришини тақозо этмоқда.

Кластер иштирокчилари деганда — кластерда фаолият юрутувчи бозор субъектлари тушинилади.



Шундай қилиб, хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар таҳлилларида «кластер» тушунчасига қуйидаги таърифлар берилган:

- **«кластер»** - битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи.
- **«кластер»**- битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган корхоналар гуруҳи.
- **«кластер»**- кластер — махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи.
- **«кластер»**- кластер — горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган корхоналар гуруҳи.
- **«кластер»**- кластер — жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи корхоналар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи.
- **«кластер»**- кластер — тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.
- **«кластер»**- кластер — ҳудудий концентрациялашувига асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустирлашган мажмуа.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарҳақиқат, нефть, газ, химия, биотехнология, фармацевтика, информатика, автоқурилиш, транспорт-логистика, рекреацион-туристик, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизимларини яратиш илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайтиди, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади. Бундан ташқари, кластер тизимида

таълим ишланмалари яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун кенг имкониятлар ва шароит пайдо бўлади.

Корхоналарнинг модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга қаратилган инновацияларни жорий этиш соҳасида:

- юқори технологияли тармоқларнинг маҳаллий хом ашё ресурслари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишлашни чуқурлаштиришга мўлжалланган фаол агросаноат сиёсатининг зарур механизмларини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;
- мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, шунингдек, унинг аҳоли учун максимал ҳаммабоплиги ва хорижий бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича дастурларни тайёрлайди;
- энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли корхоналарни» концепциясига асосланган корхоналарни ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шакллари жорий этади;
- корхоналарнинг ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, устувор корхоналарни дорамадларини жиддий ошириш ва корхоналарни корхоналарининг молиявий кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этади;
- корхоналарни маҳсулотларининг савдо бозорлари ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтириш, уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашга кўмаклашади ва бошқалар.

## **18.2 Инновацион кластерларининг турлари, ташкил этиш ва афзалликлари**

Ривожланган давлатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни

оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг, халқаро логистик марказларининг, эркин иқтисодий зоналарининг ўрни ва аҳмияти жуда юқори.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантиш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Европа мамлакатлари ва АҚШда бу стратегия кенг қўлланилмоқда. Кластер Буюк Британия, Голландия, Германия, АҚШ, Дания, Франция, Италия, Финляндия, Ҳиндистонда яхши ривожланган. Дания, Финляндия, Швеция саноатини кластерлар тўла эгаллаган.

Кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой ва Туркия давлатлари энгил саноатида, Германияда кимё ва машинасозлик, Францияда озиқ-овқатлар ва косметика саноатларида муваффақиятли ишламоқда.

Кластерларни шакллантириш жараёни Жанубий — шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда.

Масалан, Германияда яқин вақтгача минтақавий кластерлар ривожланиши давлат аралашувисиз кечар эди. Бироқ 2003 йилда ҳукумат кластер ташаббусларига жиддий эътибор қаратди. Бу, биринчи навбатда, юқори технологияли соҳаларни лойиҳалашда амалга оширилди. Давлат нафақат маҳаллий, балки бошқа манбалар ҳисобидан саноат ва илмий марказлар куч-ғайратини бирлаштиришни кўзда тутмоқда.

Кластер «Эркин илмий-техникавий зоналар» шаклида ташкил этилмоқда. Эркин илмий-техникавий зоналар алоҳида ажратилган худудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. Эркин илмий-техникавий зоналар юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари — технополислар шаклида ташкил этилади.

Технопарклар иккита асосий компонентлар: ишлаб чиқариш саноатнинг илғор соҳасидаги корхоналар ва мутахассислар (университет, институт, илмий-

тадқиқот институти, лабораторияларнинг кучли гуруҳлари) дан таркиб топади ва уларнинг фаолияти рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Халқаро амалиётда синалган Кластер назариясига асосланган тажрибадан фойдаланиш, жумладан, иқтисодийтимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат истиқболида муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай мамлакат, ҳудуд ёки вилоят иқтисодийтининг рақобатбардошлиги, энг аввало, ишлаб чиқараётган товарларни маҳаллий ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, яъни харидоргирлиги орқали аниқланади. Мамлакатнинг таълим тизимидаги ислохотлар ва барча илмий, маънавий-маърифий ривожланишларнинг якуний кўрсаткичи ҳам товарлар ва хизматларимизнинг замонавий бозорларда рақобатбардошлигининг таъминланиши билан баҳоланади. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршилиқларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодийтига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Халқаро консультатив кўмитасининг(ICAC), маълумотларига кўра жаҳон бозорида дунёвий пахта-толосини ишлаб чиқариш АҚШ ( 29% ), Ҳиндистон ( 16% ) ва Покистон ( 10% ) дир. 2015-2016 йилларда 9, 2% ёки 23, 9 миллион тонна, истеъмол қилиш 2% ёки 25 миллион тонна ўсади.

Давлатимиз пахта толосини қайта ишлаш корхоналарини қувватларини кўпайтириш ҳисобига экспортни пасайиш сиёсатини қўллаб-қувватламоқда ва шунинг билан биргаликда ўзбек пахта толосини жаҳон истеъмолчиларга самарали тартибда мақбул йўналишлар логистикаси ва уни энг ва йўлларини таъминламоқ ўз вақтидаги олиб бориб беришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги маълумотларига асосан савдо ва инвестициялашда Ўзбекистон пахтасини

асосий сотиб олувчилар Бангладеш (29%), Хитой (26%), Жанубий Корея (7%) и Эрон (5%).

“Ўзбекенгилсаноат” компаниясини маълумотларига кўра 2015-2020 йилларда мамлакатда текстил тармоқларини модернизация қилиш учун 1 млрд доллар сарфланади. Пахтани ички қайта ишлаш дастури бўйича пахта-толаси 44 фоиздан 2020 йилга келиб 70 фоизга оширилади ва шунга асосан текстиль маҳсулотлари 800 млн.доллардан 1,5 млрд долларга оширилади.

«Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Давлат дастурларида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширилади.




### **18.2.1.-расм. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ресурсларни тежашдаги таъсири**

Ишлаб чиқаришда инновациявий технология фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади(18.2.1-расм).

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози турли мамлакатлар иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатишда давом этаётган бир вақтда фан ва технологияни жадал ривожлантириш ва унинг ютуқларидан самарали фойдаланишга талаб тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимизнинг замонавий техника ва

технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида модернизация жараёнлари ва кластер тизими муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришнинг замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳам наф кўради (18.2.2.-расм).



**18.2.2.-расм. Юқори технологиялардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга бўлган таъсири.**

Бизга маълумки, ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг ортиши, унинг иқтисодий ўсиши, фақат табиий ресурслар ҳисобидан эмас, балки ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техника ва технологиясининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Бу ҳолатни буюк математик П.Пильцер қуйидаги формула орқали изоҳлаган:

$$W = P \times T^n$$

Бу ерда,  $W$  – мамлакатнинг бойлиги,  $P$  – табиий ресурслар,  $T$  – технология,  $n$  – техника тараққиётининг технологияга таъсир даражаси.

**Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашувчи давлат дастурлари:**

➤ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва хўжаликлараро йўللارни қурилиши, таъмирланиши ва қайта жиҳозланиши;

- темир йўллари қурилиши ва электрлаштирилиши;
- электр станцияларни модернизациялаш, юқори вольтли электр узатиш линияларини қуриш ва таъмирлаш;
- газ узатиш тизими ва газ тақсимлаш линияларини қуриш ва капитал таъмирлаш;
- хом ашё компонентларини ишлаб чиқариш мақсадида йирик саноат корхоналари қурилишини молиялаштириш;
- маҳаллий бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ривожланишини рағбатлантириш;
- янги технологиялар ривожлантирилишига кўмаклашиш ва илм-фан ва саноат ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш;
- логистика марказларини ривожлантириш;

Модернизация сўзининг туб маъносидан келиб чиққан ҳолда, нафақат саноат, балки корхоналарда иқтисодиётнинг барча тармоқларини янгилаш, ва корхоналарда илмий нуқтаи назардан такомиллаштириш, объектларни янги талаб ва меъёрларга, техник шартларга, сифат белгиларига мос ҳолатга келтириш лозим. Аммо баъзи ўринларда мамлакатни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масалалари кўпроқ саноат тармоғига таалуқли деган фикрлар ҳам шаклланиб қолди. Маърузада саноат билан бир қаторда иқтисодиётнинг корхоналарни каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун кластеркомплексда техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилаётгани таъкидлашимиз мумкин.

### **18.3 Инновацион кластерлар бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш**

Иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бериш учун

хозирги даврда кластерларни амалиётга татбиқ этиш энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида кластерлаштиришни корхоналар инновацион фаолиятини тезлаштириш асосида рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг глобал рақобатнинг кучли таъсирига қарши туришдаги миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига тўла жавоб берадиган янги корхоналарни ташкил этиш мақсадида мувофиқдир.

Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тасдиқланган 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 январдаги ПҚ-4090-сонли «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сон) «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Давлат дастурларида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларни оптималлаштириш йўли билан экспортбоп маҳсулотлар нархларининг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулотлар таннархини пасайтиришга эришилади: 2019 йил - 6,1%, 2020 йил - 6,2%, 2021 йил - 6,3%.

Саноат ташкилотларига асосий турдаги маҳаллий хом ашё ва материалларни (мис, полиэтилен, полипропилен, саноат мойлари ва бошқалар) жаҳон нархлари бўйича узлуксиз равишда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини ошириш, маҳсулот турларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида: 2019 йил - 250,0 млн доллар; 2020 йил - 287,5 млн доллар; 2021 йил - 373,8 млн доллар; 2022 йил - 500,0 млн доллар ҳажмида турли халқаро ахборот ресурсларида ва кўرғазмаларда миллий брендларни илгари суриш, электротехника саноати ташкилотлари салоҳиятини



намойиш этиш ва маҳаллий электротехника саноатининг йирик ташкилотларини халқаро савдоларда бирлашиб иштирок этишини таъминланади.

Корхоналарда кластерни шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутди. Кластерлар фақат бозорнинг кўринмас кўли (рақобат) туфайли, аввало, трансмиллий компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса, кейинги вақтда кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар. Кластер стратегияси жозибадорлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис ҳам, инновацион кластерларни давлатнинг ўзи шакллантиришини тақозо этмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг электротехника маҳсулотлари ва маиший электромаҳсулотларни экспорт қилиш кўламини кенгайтириш, уларнинг экспорт бозорларида ўз ўрнини ва улушини ошириш мақсадида турли халқаро ахборот ресурсларда ва кўргазмаларда миллий брендларни илгари суриш, саноати ташкилотлари салоҳиятини намойиш этиш ва: ташқи бозорларда маҳсулотлар экспорт инфратузилмаси тизимини яратиш ва такомиллаштириш учун:

- Тожикистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасида савдо уйлари ва шоу-румлар очиш;
- «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг ваколатхоналарини очиш;
- Туркияда - маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, уюшма корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга салоҳиятли харидорларни топиш;
- Хитойда- Хитой компаниялари томонидан Ўзбекистон Республикасига инвестиция жалб қилиш имкониятларини ўрганиш.

Чет эллик шериклар ва салоҳиятли мижозлар билан семинарлар, расмий учрашувлар ташкил этиш орқали Республика ичида ва хорижда ташкил этиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этиш, жумладан «Сабех» (Россия), «AQUA THERM» (Россия, Озарбайжон, Қозоғистон), «Астана Экспо» (Қозоғистон), «Элком Украина» (Украина) ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида кластерларнинг ривожланишида сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар. Кластер стратегияси жозибадорлиги бўйича мамлакатимизда мис ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратиш ва салоҳиятли инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб қилиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда «Techno Cable Group» МЧЖ ҚК (Тошкент вилоятида) кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва янги маҳсулот турларини чиқариш (Лойиҳанинг умумий қиймати 1,4 млн доллар)мақсадида:


- технологик ускуналарни тайерлаш ва етказиб бериш;
- технологик линияларни ишга тушириш ишларини олиб бориш;
- лойиҳанинг ўрганиш учун қўшма ишчи гуруҳ тузиш;
- сармоявий битимни ишлаб чиқиш ва имзолаш;
- лойиҳа бизнес-режасини/техник иқтисодий асосини тайёрлаш;
- объектни ишга тушириш ва шунингдек,:
- «Uzkabel» АЖ ҚК да кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 3,3 млн доллар)
- «Industrial Holding» МЧЖ (Россия) компанияси билан замонавий кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқариш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 7,0 млн доллар ва йиллик қуввати 46 минг км)
- «Elsewedy Electric» компанияси (Миср) томонидан кабел-сим маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 20,0 млн доллар ва йиллик қуввати 10 минг км)
- «Toshelectroapparat» МЧЖ ХК да электромобиллар учун қувватлаш қурилмалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 2,0 млн доллар ва йиллик қуввати 500 дона)
- «Techno Park» МЧЖ томонидан лифт ва эскалаторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 9,25 млн доллар ва йиллик қуввати 2 000 дона)

- «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖ да замонавий энергия тежамкор иссиқлик курилмалари ва тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 2,2 млн доллар ва йиллик қуввати 5 минг дона)
- «FalkPorscheFiberglass» МЧЖ да шиша тола ва шиша толали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 7,7 млн доллар ва йиллик 3 минг дона) хорижий инвесторларни жалб қилиш орқали инвестиция лойиҳаларини кластерли тизимда амалга оширилмоқда.

Корхоналарни маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг устувор йўли инновацион технологияларни қўллаш, иқтисодиёт тармоқларини том маънода модернизация ва кластер тизимига ўтишдир. Модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг барча корхоналарни каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун кластер комплексида техник ва технологик янгилашдир.

Ўзбекистон Республика бўйича 2018 йилда ҳар бир инновацион фаол ташкилот ўртача 2 тадан инновация жорий қилди. Жумладан ҳар бир инновацион фаол ташкилотга Андижон, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳрида ўртача 3 тадан инновация, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ўртача 2 тадан инновация, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ўртача 1 тадан инновация жорий қилинган. Қуйидаги лойиҳалар вилоятларда саноат кесимида тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалар кластерни шакллантириш асосида амалга оширилди:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида – нефть ва газ саноатини модернизация қилиш дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар;
- Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида – Хонжизза конида полиметалл рудасини қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси (ОТМК);



### 18.3.1-рasm Инновация жорий қилган ташкилотлар ва инновациялар сони (2018 йил)

- Қашқадарё вилояти Шўртан ГKKда тозаланган метандан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш ва Талимаржон ГЭСини кенгайтириш учун қуввати 450 МВт бўлган иккита газ-буғ ускунасини ўрнатиш;
- Навоий вилоятида аммиак ва корбамид ишлаб чиқарадиган қурилиш;
- “Навоий” эркин индустриал зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва бошқалар;
- Навоий ва Самарқанд вилоятларида – Зармитан олтинкон зонасида қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси (НКМК);
- Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида – енгил саноат ва чарм пойабзал саноатини модернизация қилиш дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар;
- Тошкент вилоятида Джи Эм Пауэртрейн автомобиль двигателларини ишлаб чиқариш заводи (Ўзавтосаноат) ва бошқалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг саноат тармоғини модернизация қилиш ва кластер тизими йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида кластерларнинг ривожланишида сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқда.

Инновацион дастур мавжудлиги ва кластер асосида корхона ресурсларидан самарали фойдаланиш ва мақсадга эришиш учун энг макул воситалар танловини осонлаштиради, ташқи муҳитдан келувчи хавф-хатарни анча камайтиради. Таклиф этилаётган инновацион дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий босқичлари 18.3.1-расмда кўрсатилган.



Иновацион дастурларни саралашда новатор корхоналар керакли фундаментал инновацион дастурларни танлаш салоҳиятига ва кластер тизими эга бўлишлари лозим. Лойиҳалардан бирортасини танлашдан корхоналар ўз фаолиятларини олиб бораётган умумий иқтисодий муҳитни ҳисобга олишлари зарур. Ресурсларни қисқа муддатли модификациялар ва арзимас такомиллаштиришларга сарфламай улар ўз қувватини кенгайтирилган ва узокни кўзловчи лойиҳаларга қаратиш катта натижаларга эришиш ва реал даромад олишга имкон беради. Коммуникациялар соҳасидаги инновацион жараёнлар, юқорида таъкидлаганидек, бугунги кунда, инновациялар иқтисоди

ёки билимлар ва кластер тизими иқтисодининг шаклланишида асосий ҳисобланади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион иқтисодиётда кластер сиёсатини тушунтириб беринг?:
2. Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усуларини тушунтириб беринг?
4. Инновацион фаолиятни кластер усулида қўллашда уни давлат томонидан бошқариш.
5. Инновацион кластерлар ва уларни қўллаб қувватлаш инфратузилмасини тушунтириб беринг?
6. Минтақа ва халқаро инновациялар алмашинуви жараёнларини айтиб беринг?
7. Шартнома муносабатлари деганда нимани тушунасиш?
8. Инновацион кластер турларини изоҳлаб беринг?
9. Интеллектуал кластер деганда нимани тушунасиш?
10. Саноат кластерига таъриф беринг ва изоҳлаб беринг?
11. Технологик кластер деганда нимани тушунасиш?
12. Инновацион кластерлар бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш чора-тадбирлар тизимини айтинг?

## «ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ»

### ФАНИ БЎЙИЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ – ГЛОССАРИЙЛАР

**Аналитик ҳисоб усули** – корхоналарда инновацион технологиялар фаолиятини таҳлил қилиш ва барча тармоқларни ривожлантириш йўллари белгилайди.

**Антрепренер** - инновациявий ташкилий технологик тайёргарлик асосларини бошқарувининг асосий унсуридир.

**Ахборот воситачилари-** коммуникацион тармоқларнинг боғлама нуқталарида жойлашган бўлиб, ихтисослашган ахборотни жамлайди ва ўтказди, илмий-техник, тижорат ва бошқа хабарлар оқимларини назорат қилади.

**Бозор таваккалчилиги-** бозор фоиз ставкаларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган жараён.

**Бизнес-режа** – бу янги бизнесни яратиш ёки мавжуд бизнесни ривожлантириш режасидир.

**Даромадлиликнинг ички меъёри** – фоизнинг шундай ҳисоб ставкасики, унда мунтазам олиб бориладиган даромад капиталлашуви инвестициялар суммасига тенг бўлади.

**Дисконтлаш услуги** – турли вақтда амалга оширилган харажат ва даромадлар услуги, маблағ кам бўлганда инновацияларга маблағ қўйиш йўналишини танлаш имконини беради.

**Фан-техника тараққиёти-иқтисодиёт тармоқлари** билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим.

**Ҳужумкор**– ўз фаолиятини ишбилармонлик рақобатига асословчи корхоналар учун характерли.

**Ҳимоякор** – мавжуд бозорлардаги корхона рақобат мавқеини ушлаб туришга қаратилган.

**Ҳимоя стратегияси-**мавжуд бозорга ўхшаш ёки янги маҳсулот билан кириб

келишни мақсад қилиб қўйган рақобатдошларга жавоб қайтариш имконини берувчи тадбирлар мажмуасидан иборат бўлади.

**Инновация** - янги маҳсулот ёки хизматни бозорга киритиш, янги ишлаб чиқариш жараёнларини тадбиқ этиш, маҳсулот ёки хизматлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари ёки фаолият турларини илгари суриш, янги бозорларни ташкил этиш ёки янги жараённинг жорий бозор ва мавжуд бозорларда катта улушини қўлга киритишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

**Иерархиялилиқ тизим** тузилиши, худди шундай кўп элементларни мавжудлик қўйи даражасига, элементларнинг юқори даражаси асосида бўйсунди.

**Интеллектуал мулк ҳимояси** – муаллифларнинг ўз интеллектуал меҳнати маҳсулотига бўлган ҳуқуқларини, расмийлаштирилган тасдиғидир.

**Инжиниринг** – инновациявий циклнинг барча босқичларини қамраб оладиган, инновацияларнинг мажмуавий технологияси

**Инновация-маҳсулот** – товар шаклида бозорга тадбиқ этилаётган тамомила янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот кўринишидаги янгиликдир.

**Инновацион-жараён** – бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ҳаражатларни камайтирувчи техник, ишлаб чиқариш ва бошқарувга оид такомиллашувдир.

**Инновациявий имитация стратегияси**-ишлаб чиқарувчи рақобатдошлар янги маҳсулотларини муваффақиятли бўлишига ишонадилар ва улардан «нусха кўчириш» билан шуғулланадилар.

**Интеллектуал мулк** – бу индивидуал ёки жамоавий субъектларнинг илмий-техник, адабий ва бошқача ижодини мужассам этувчи бирор-бир объектив шаклларда ифодаланган идеал объектларга эга бўлиш, фойдаланиш, қўллаш муносабатларидир.

**Инновацион маркетинг**- ўз ичига ташкилотнинг вазифаси, тафаккурнинг фалсафаси илмий-тадқиқотлар соҳаси, бошқарув услуги ва хулқни олади.

**Истеъмолчи даромадлари** – талаб характериға тўғридан-тўғри таъсир этувчи омил ҳисобланади даромадлар қанчалик юқори бўлса талаб ҳам



шунчалик катта бўлади.

**Инновацион инфратузилма-ишлаб чиқариш**, илмий-техник ва инновацион фаолиятлар ўзаро узвий боғлиқ, аммо ҳар бир фаолият турининг инфратузилмасини шакллантириш улар ишлашининг ихтисослашган ташкилий унсурлари ва механизмлари билан фарқланади.

**Ишлаб чиқариш таваккалчилиги**-корхонанинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги эҳтимоли билан боғлиқ бўлган жараён

**Инвестициявий таваккалчилик**-корхона инвестициявий портфелининг кадрсизланиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган жараён

**Имитацион** – кучли бозор ва технологик мавқега эга корхоналар томонидан фойдаланилади.

**Интеллектуал мулк ҳуқуқи** – бу яратувчисининг ёки унинг қонуний меросхўрининг интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиш бўйича шундан билвосита ёки бевосита даромад олиш мақсадида яратувчиси номини эслатиш ёки эслатмаслик билан хатти-ҳаракатлар содир этишга рухсат бериш ёки буни таъқиқлаш ҳуқуқидир.

**Интрапренер** - инновациявий бошқарувдаги яна бир муҳим шахс.

**Ишбилармон фаришталар** - таваккалчиликга эга лойиҳаларнинг инвестори сифатида чиқувчи шахслар.

**Кенг кўламли инновацион фаолият тизими**- алоҳида элементларни мавжудлигини ва кўп бошқарувчанлик, иқтисодий хоссаларини бошқаришни иқтисодий математик метод орқали илмий нуқтаи назардан бутун ўрганади.

**Коммутант корхоналар** маҳсулот ишлаб чиқаришининг пасайиш босқичида фаолият юритади.

**Кутиш стратегияси** ташқи муҳит ва янги маҳсулотга бўлган истеъмолчилар талаби ноаниқлиги шароитида, таваккалчилик даражасини максимал пасайтиришга йўналтирилган.

**Консалтинг** – инновациявий фаолият стратегияси ва бизнес-режасини танлаш босқичини таъминловчи инновациялар технологияси.

**Карьера** – бу ходимнинг келажакда ўз меҳнати, ўз-ўзини кўрсата олиши йўллари ва меҳнатдан қониқиши бўйича субъектив шахсий идрокидир. Бу ходимнинг хизмат пилла-поясида силжиб бориш, кўникмалар, қобилиятлар, малакавий имкониятлар ва мукофотлаш хажмининг ўзгариб боришидаги интилишини англатади.

**Кластер-худудий** концентрациялашувига асосланган технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустрлашган мажмуа.

**Лойиҳа конструкторлик ишлар усули**-лойиҳалаштирилган объектлар ва жамлаб бўлмайдиган ҳар хил кўрсаткичларни таҳлил қилишдан иборатдир.

**Мувофиқлик**–архитектура функцияларини мувофиқ равишда талаб қилиш даражасида эмас, балким керакли архитектура, кераксиз функциядан афзаллигини мувофиқлаштиради.

**Монографик усул** – республикамиздаги ёки хорижий тажриба алмашиш мақсадида корхоналарни умумий ва айрим тармоқларнинг инновацион фаолиятини, ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясини ривожланиш истиқболларини аниқлаб беришдан иборат.

**Манфаатдор шахслар** - инновация таъсир қилувчи ёки таъсир қилиши мумкин бўлган амалдаги субъектлари (шахслар ва шахслар гуруҳи, ташкилотлар) манфаатдор шахслар ҳисобланади.

**Макроқўламда таҳлил тизими**-бу илмий умумлашган бўлиб умумий тенденцияни кўрсатиб бошқаришни тадбирлар асосида факторлар ривожланишини яқдиллаб кўрсатиб беради.

**Миллий ахборот тизими (МАТ)**- давлат органлари ахборот тизимлари, худудий ахборот тизимлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимларини ўз ичига олган тизимдир

**Маҳсулот дифференцияси**-стратегияси иқтисодиёт тармоқлари фаолиятининг бирор соҳасида олдин ўзлаштирилган маҳсулотлардан ўз дизайни, сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари

билан фарқ қилувчи ҳақиқий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва яратишни назарда тутди.

**Маркетингга йўналтирилган стратегия-саноат** ишлаб чиқариш тизими, ҳамда ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти турларининг барча элементларини, янги маҳсулотни бозорга чиқариш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга йўналтирилганлигини назарда тутди.

**Маҳсулот инновациялари-янги маҳсулотлар** нархини ошириш ва сотувлар ҳажмини ошириш ҳисобига даромад ўсишини таъминлаш имконини беради.

**Мудофаа стратегияси** – мавжуд ташкилий тузилмалар доирасида, олдин ўзлаштирилган маҳсулотлар, технологик жараёнлар ва бозорларни такомиллаштириш имконини берувчи, принципиал бўлмаган ўзгартиришлар киритишдан иборат.

**Молиявий таваккалчилик-корхонанинг** ўз инвесторлари олдида молиявий мажбуриятларини бажармаслиги эҳтимоли билан боғлиқ бўлган жараён.

**Номинал ставка** – инфляция суръатини ҳисобга олмаган жорий бозор фоиз ставкаси.

**Ортогеналлик-** бу принцип талаб қилиниши бўйича бир -бирдан тармоқлараро алоқадарлигини билдиради.

**Ошкоралик** - бу функциядан фойдаланиш бошқача бўлиб у проект асосида бўлади.

**Олдинги стратегиялар** - натижаларидан хабардор бўлиш, янги стратегияларни муваффақиятлироқ ишлаб чиқишга ёрдам беради.

**Патент** (patents – очик, яққол) – ихтирочига бериладиган ва унинг муаллифлигини тасдиқлайдиган ҳамда ихтирога истисноли ҳуқуқ ва ундан фойдаланишга манопол ҳуқуқ берувчи гувоҳномадир.

**Қопланиш муддати** – инновациявий лойиҳага киритилган инвестициялар қайси муддатда қопланиши мумкин деган саволга жавоб берадиган кўрсаткич.

**Қопланиш даври** – инвестиция тугагандаги дисконтланган соф даромад қиймати инвестициялар суммасига тенг бўлган давр давомийлиги тушунилади.

**Реал ставка**—бу номинал ставкадан кутилаётган инфляция суръатларининг айирмаси.

**Рентабеллик**- лойиҳани амалга оширишдан олинган самара ва унга сарфланган харажатлар нисбати билан аниқланади.

**Рақобатбардошликни бошқариш**— таркибий элементларнинг оптимал нисбатини таъминлаш, асосий кучни қуйидаги масалаларни ечишга йўналтириш: маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, тежамкорлик ва хизмат кўрсатиш даражасини ошириш тушунилади.

**Статистик гуруҳлаш усули** – инновацион технологиялардан рационал фойдаланиш, маҳсулот таннархи, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, меҳнат ресурслари, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш ва бошқа кўрсаткичларни ўрганади.

**Системали методология** - тизимларни хар хил синф хоссаларини ўрганишдаги усулларни уйғунлигидадир, ҳамда тизимли масалаларни ечими бўлиб, яъни тизимга таълуқли бўлган иқтисодий масалаларни ечилишида назарда тутилган.

**Системали ёндашув** - бозор иқтисодиёти қонунларини қамраб олган ҳолда иқтисодиётни шакллантиради ва маҳсулот ишлаб чиқаришни йулга қўяди.

**Стратегия** – рақобатдошларга нисбатан мазкур корхона салоҳияти ва кучини мустаҳкамлашга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидир.

**Тежамкорлик**—ҳеч қандай функция архетектура баён қилинишида бир-бирини бошқа турда такрорламайди.

**Тиниқлик**- бажариш жараёни аниқлаштиришда ишлатувчи функция аниқ бўлиши шарт.

**Тизимлаштириш аниқ инновацион-қўлам тизимида** тизим элементларини таҳлил этишда инновацион фаолиятни алоқадорлиги билан

биргаликда (иқтисодий секторни алоқадорлигини бошқарувдаги муамомаларини енгиш йули билан) амалга оширилади.

**Тахлил тизими-бошқариш** моделини тартибга солишда танланган эталонни қайта кўриб чиқиб ва уни бир тизимга солишдир.

**Тўлиқлик** - функциядан фойдаланиш талаб қилиш даражасида булиб иқтисодий-технологик чексиз даражада таъминланади.

**Ташқи манфаатдор шахслар**—истеъмолчилар, таъминотчилар, рақобатчилар, институционал манфаатдор шахслар киради.

**Тармоқли усул**- бошқариш вазифасини комплексини ечиш учун тизим шаклини кўрсатиб шу усул билан бирлаштиради.

**Тренинг** – инновацияларнинг кадрларни тайёрлаш босқичини таъминловчи технология.

**Тактика**—батафсил ишлаб чиқилиши зарур маҳсулот, нарх, жой, олға суриш, одамлар, жараён, режани амалга оширишдаги тақвим муддатларида аниқ бир ходимлар томонидан бажариладиган хатти-ҳаракатлар.

**Таваккалчилик**-ҳар бир қабул қилинаётган қарор учун таваккалчиликнинг қандай даражаси мумкинлиги.

**Технологик инновациялар-ресурслар** ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни оптималлаштириш, ҳамда истиқболли технологияларни ташкил этиш ҳисобига иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имконини беради.

**Умумийлик** – агарда функция бошланган бўлса, шундан сўнг кўп қиррали функция кўринишда бўлиши керак.

**Вазифа тизимини** ечилиши умумий тушунча бўлиб, тахлил тизимини умумий бўлими бўлиб ҳисобланади.

**Виолент-корхоналар** – «куч» стратегиясига эга корхоналардир.

**Виолент-** фаолият катта захираларга эга йирик компаниялар учун хос бўлиб, улар бозорда кучга таяниб иш тутишади, тадқиқотлар ва ишланмалар, маркетинг ва савдо тармоқларига кўп маблағлар ажратишади.

**Венчур фирмалари**- илмий ғояларни ишлаб чиқиш ва синов, қайта ишлаш ҳамда таваккал инновацияларни ишлаб чиқаришда тадбиқ этиш мақсадида

яратилаётган технологияларга айлантириш билан шуғулланувчи вақтинчалик ташкилий структуралар.

**Ўзгартирувчи инновациялар** – пировард маҳсулот, жараён, ҳаётий цикл соҳаларидаги унчалик катта бўлмаган ўзгаришлар.

**Чет эл инвестициялари** – чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда)олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар.

**Яхшиловчи инновациялар**–янги технология ва ёндашувларга асосланмаган аммо анча устуворлик ва яхшиланишни таъминлайди.

**Ёриб ўтувчи инновациялар**–фундаментал янги технология ва ёндашувларга асосланган.

**Эксплерентлар** – бозорнинг янги сегментларини яратиш ёки эски сегментларини радикал ўзгартиришга ихтисослашган корхоналар.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Расмий ҳужжатлар

#### *1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари*

- 1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
- 1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. 14 апрель 1999 йил.
- 1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил 7 январь.
- 1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 29 октябр 2019 йил.

#### *2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари*

- 1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.
- 1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда корхоналарни ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги 1758-сонли Қарори. Халқ сўзи, 2012 йил 21 май.
- 1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1957-сонли Қарори. Халқ сўзи, 2013 йил 17 апрель.
- 1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгартиришларни таъминлаш чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. Халқ сўзи, 2015 йил 5 май.
- 1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон

Республикасининг 2016 йилги инвестиция тўғрисида”ги ПҚ-2458-сонли Қарори. 2015 йил 25 декабрь.

- 1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016–2020 йилларда корхоналарни янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2460-сонли Қарори, 2015 йил 29 декабрь
- 1.2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.
- 1.2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” фармони 2018 йил 22 январь, ПФ-5308-сон
- 1.2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони, 2018 йил 21 сентябрь.
- 1.2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-438-сонли Фармони //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 369-модда, 1992 йил 8 июль.
- 1.2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4168-сонли Қарори, 2019 йил 8 февраль
- 1.2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2030 йиллар



даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–4477-сонли Қарори, 2019 йил 4 октябрь

- 1.2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4464-сонли Қарори, 2019 йил 20 сентябрь
- 1.2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4433-сонли Қарори, 2019 йил 30 август
- 1.2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4422-сонли Қарори, 2019 йил 22 август
- 1.2.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли Фармони, 2019 йил 6 сентябрь
- 1.2.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони, 2019 йил 8 октябрь

### ***3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари***

- 1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзмелиомашлизинг” дала тизининг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 266-сонли Қарори, 2007 йил 21 декабрь.
- 1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги

55-сонли Қарори, 2016 йил 26 февраль.

- 1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2022 йилларда электротехника саноатини жадал ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 899-сонли Қарори, 2019 йил 30октябрь.

## **2.1 Махсус адабиётлар**

- 2.1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995, 273 бет.
- 2.1.2. Каримов И.А. Корхоналарни тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи.– Т.: Ўзбекистон, 1998, 22 бет.
- 2.1.3. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифа. – Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.
- 2.1.4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 125 бет.
- 2.1.5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 56 бет.
- 2.1.6. Каримов И.А. Бош мақсадимиз–мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.
- 2.1.7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак, Халқ сўзи, 2017йил, 16 январ.
- 2.1.8. Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир, Халқ сўзи, 10.12.2017 йил
- 2.1.9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

- Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи,  
22.12.2017 йил
- 2.1.10 Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи,  
29.12.2018 йил
- 2.1.11. Анискин Ю.П. Внутрифирменное планирование: Учебное пособие. – М.: МГИЭТ, 1994. – 130 с.
- 2.1.12. Аньшин В.М. Инновационная стратегия фирмы – М., 1995. – 67 с.
- 2.1.13. Абдуллаев Р.В., Хасанджанов К.А. Инновационное обновление экономики – основа её модернизации и конкурентоспособности, “Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йўллари” Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. Тошкент, 2011. –Б. 24.
- 2.1.14. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – СПб.:Питер, 2001, 304 с.
- 2.1.15. Баранчеев В.П. Управление инновациями. – М.: Высшее образование, 2009, - С. 712.
- 2.1.16. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. – М., «Финансы и статистика», - 2005., 256с.
- 2.1.17. Бернар И, Колли Ж.К. Толковый экономический и финансовый словарь. В 2т. Пер. сфр. –М.: Международные отношения.
- 2.1.18. Вишняков Я.Д., Гебхард П., Кирсанов К.А. Инновационный менеджмент, Российский экономический журнал. 1993. №10. С. 72-78.
- 2.1.19. Валдайцев С.В. Оценка бизнеса и инновации. – М., Фелин 6, 2003. 228с.
- 2.1.20. Водачек Л., Водачкова О. Стратегия управления инновациями на предприятии: Сокр. пер. со словарь, Авт.предисл. В.С. Рапопорт. – М.: Экономика, 1989. – 167с.

- 2.1.21. Bright I.R. Some Management Lessons from Technological Innovation Research, National Conference on Management of Technological Innovation, University of Bradford Management Centre, 1968.;
- 2.1.22. Гончаров В.В. В поисках совершенства управления: руководство для высшего управленческого персонала. М.: МАИИПУ, 1996. 752 с.
- 2.1.23. Грачева М.В. Инновационная деятельность в промышленности: теория и практика в странах рыночной экономики и инновационные опросы российских предприятий. – М.: РАН ИМЭМО, 1999. – 56 с.
- 2.1.24. Грейсон Дж., О’Делл К. Американский менеджмент на пороге XXI века Пер. с англ. – М.: Экономика, 2000., - 320с.
- 2.1.25. Drucker P.F. Entrepreneurship and innovation. NY: Harper a Row, 1985. 277 p.
- 2.1.26. Забелин П.В., Моисеева Н.К. Основы стратегического управления. – М.: ИВЦ «Маркетинг», 1997. – 195 с.
- 2.1.27. Завлин П.Н. и др. Инновационная деятельность в условиях рынка. – СПб., КЦЦ, Наука; 1994. – 192 с.
- 2.1.28. Ильенкова С.Д. Спрос: Анализ и управление. М.: Финансы и статистика. 1997. 212 с.
- 2.1.29. Инвестирование в инновационный бизнес: мировая практика – венчурный капитал, Сост. и общ. ред. Н.М.Фонштейн. – М.: Дело,1996, 172 с.
- 2.1.30. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. Под ред. С.Д.Ильенковой. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. – 327 с.
- 2.1.31. Ионов М. Инновационная сфера: состояние и перспектива. Экономист. 1993. №10. С.62-67.
- 2.1.32. Кирина Л.В., Кузнецова С.А. “Стратегия инновационной деятельности предприятия” Сб. научных трудов. “Формирование механизма управления предприятием в условиях становления рынка”. Под ред. д.э.н. Титова В.В. и Марковой В.Д. Новосибирск.

1995. С. 65-69

- 2.1.33. Круглова Н.Ю. Инновационный менеджмент. Под науч. ред. Д.С.Львова. – М.: Ступень, 1996. – 260 с.
- 2.1.34. Лукасевич И.Я. Анализ финансовых обязательств. М., «Финансы», 2002. 322с.
- 2.1.35. Лапин В.Н. Социальные аспекты управления нововведениями, В сб.: Проблемы управленческих нововведений и хозрасчётного экспериментирования. Всероссийская научно-практическая конференция. – Таллин, 1981. – 23 с.
- 2.1.36. Latechnologieetl’conomie: Lesrelationdeterminantes. P.: OECD, 1992.p.26
- 2.1.37. Медынский В.Г., Шаршукова Л.Г. Инновационное предпринимательство: Учебное пособие. – М., ИНФРА-М. 1997.– 240 с.
- 2.1.38. “Менеджмент организации”.Под ред. д.э.н.,проф. Румянцевой З.П., д.э.н.,проф. Соломатина Н.А., М.: ИКФА-М, 1995. – 233 с.
- 2.1.39. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. Пер. с англ. М.: Дело, 1995. 704 с.
- 2.1.40. Морозов Ю.П. Управление технологическими инновациями в условиях рыночных отношений. Н. Новгород: Изд-во Нижегородского Университета, 1995. 174 с.
- 2.1.41. Pavitt K. Key characteristics of the large innovating firm. Brit. J. of Management. 1992. V.2. N 1. P.41-50.
- 2.1.42. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. — 2-е изд., исправ. – М.: ИНФРА – М, 1998 – 136с.
- 2.1.43. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. Под ред В.Д.Щетинина. – М.Международные отношения, 1993. – 64 с;
- 2.1.44. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация,

диверсификация ва инновация-иктисодий ўсишнинг муҳим омиллари, Монография- Т.: ”Наврўз”, 2014, 38 бет.

- 2.1.45. Bright I.R. Some Management Lessons from Technological
- 2.1.46. Основы менеджмента: Учебник для вузов. Под ред. проф. А.И.Афоничкина. – СПб.: Питер, 2007. – 528 с.
- 2.1.47. Основы управления персоналом. Под ред. проф. Б.М.Генкина, М., Высшая школа, 1996. 214 с.
- 2.1.48. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. Пер. с венг. М.: Прогресс, 2001. 275 с.
- 2.1.49. Стрекалов О.Б. Инновационный менеджмент: Учебное пособие. – Казань: Изд-во КГТУ, 1997. – 257 с.
- 2.1.50. Соколов Д.Д., Титов А.Б., Швабанова М.М. Предпосылки анализа и формирование инновационной политики. – СПб.: ГУЭФ, 1997;
- 2.1.51. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями, М.: Экономика, 1989. – 281 с.
- 2.1.52. Уотерман Р. Фактор обновления. Пер. с англ. Академия народного хозяйства при правительстве РФ, М.: Дело, ЛТД. 1995. 145 с.
- 2.1.51. Устинов В.А. Управление инновационной деятельностью в процессе создания новой техники, освоение производства новой продукции. – М.: ГАУ им. С.Орджоникидзе, 1995. – 80 с.
- 2.1.52. Уткин Э.А., Морозова Г.И., Морозова Н.И. Инновационный менеджмент. – М.: АКАЛИС, 1996. – 208 с.
- 2.1.53. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80000 дан ортиқ сўз бирикмаси. Ж.П.Б- М- Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006, 213 бет.
- 2.1.54 Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. – М.: ЗАО «Бизнес-школа “Интел-Синтез”», 1998. – 600 с.
- 2.1.55. Хучек М. Инновации на предприятиях и их внедрение, М.: Луч, 2002. 312 с.

- 2.1.56. Эргашев Р.Х. Инновацион иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: Молия иқтисод, 2019, 398 бет.
- 2.1.57. Шаборкина Л. Инновационный менеджмент. Изд-во МордГУ, 1998, 160 с.
- 2.1.58. Шумпетер Й. Теория экономического развития, М.: Прогресс, 2002, 455 с.

### **III. Статистик маълумотлар**

- 3.1.1. Аналитический отчет декабрь 2014. Ежегодный мониторинг средств, выделенных из федерального бюджета на финансирование НИОКР (в том числе по приоритетным направлениям инновационного развития России)
- 3.1.2. Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами. 1990-2010 йиллар.
- 3.1.3. Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами. 2011-2015 йиллар.
- 3.1.4. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за 2014 год.
- 3.1.5. Аналитический отчет декабрь 2014. Ежегодный мониторинг средств, выделенных из федерального бюджета на финансирование НИОКР (в том числе по приоритетным направлениям инновационного развития России)
- 3.1.6. Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами. 1990-2010 йиллар.
- 3.1.7. Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами. 2011-2015 йиллар.
- 3.1.8. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за 2014 год.

### **IV. Интернет ресурслари**

- 4.1 Эл.ресурс. Шаропатова А. В. Государственное регулирование инновационной деятельности //Проблемы современной аграрной науки: материалы международной заочной научной конференции. – Краснояр. гос. аграр.ун-т. – Красноярск, 15.10.2012,<http://www.kgau.ru/new/all/konferenc/05/>
- 4.2 Эл.ресурс:<http://fermeruz.uz/2016/09/07/chorvachilik-mashaqqatli-ammo-serdaromad-soha/>

- 4.3 Эл.ресурс:<http://uzb69.blogspot.com/2012/06/2012-2020.html> /Концепция инновационного развития Республики Узбекистан на 2012-2020 гг. Проект ПРООН «Поддержка в сфере инновационной политики и трансфера технологий» (обращение: 09.11.2016)
- 4.4 Эл.ресурс. <http://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-organizatsionno-ekonomicheskogo-mehanizma-razvitiya-innovatsionnyh-protssesov-v-selskom-hozyaystve>. И. П. Войку. Сущность организационно-экономического механизма развития инновационных процессов в сельском хозяйстве
- 4.5 Эл.ресурс. <http://www.bloomberg.com/graphics/2015-innovative-countries/> Аналитический отчет декабрь 2014.Ежегодный мониторинг средств, выделенных из федерального бюджета на финансирование НИОКР (в том числе по приоритетным направлениям инновационного развития России)
- 4.6 Agro.uz – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти
- 4.7 Stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти
- 4.8 Lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлари сайти
- 4.9 Agroculture.uz - Ўзбекистон агроахборот тизими портали
- 4.10 [www.fao.org](http://www.fao.org) - Озиқ-овқат ва қорхоналарни халқаро ташкилотининг (FAO) расмий сайти
- 4.11 [www.cacaari.org](http://www.cacaari.org) – Марказий Осиё ва Кавказ қорхоналарни илмий тадқиқотлари институтлари уюшмаси (CACAARI) <https://vc.ru/p/global-innovation-index-2015#comments>